



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

1

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўтнир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Нинель ВЛАДИМИРОВА

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЗУЛФИЯ

Абдусайд КҮЧИМОВ

/масъул секретарь/

Тоҳир МАЛИК

МИРМУҲСИН

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Умарали НОРМАТОВ

Абдулла ОРИПОВ

Иброҳим РАҲИМ

Туроб ТҮЛА

Худойберди ТҮҲТАБОЕВ

/бош редактор ўринбосари/

УЙГУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Ўнтам УСМОНОВ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ

Иброҳим ЮСУПОВ

Нурали ҚОБУЛ

Ҳамид ҒУЛОМ

---

Ғафур Ғулом номидаги      Адабиёт ва санъат      нашриёти.

# УШБУ СОНДА

## САИД АҲМАД

**КУЕВ**

*(Уч парда,  
уч кўринишли  
комедия)*

— Менинг куёвим йигирма яшар йигитча эмас. Еши бир жойга бориб қолган, лекин қалбида она-юртга, меҳнатга, аёллар малоҳатига йигирма яшар йигитдек муҳаббат жўш уриб турган мард, танги «ўспирин».

Муҳаббат нималигини каминадан сўранг...



**ШЕЪРИЯТ**



## ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА

**БУ ҲАЕТ БАХТИНИ БИРЛИҚДА ДЕРМАН**

Қишда гул бўл. демагайман. рост,  
Демагайман: тансиқ виқор бўл.  
Қор бўла қол.  
Жонга текканмас,  
Мен соғинган биринчи қор бўл.

**БОЛАЛАР ДУНЕСИ**

## ПУЛАТ МҮМИН

**ИККИ  
ЭРТАК**

Тўртовлон  
тўртта полвон,  
Харсанг тошни йиқибди,  
Тошнинг тагидан эса  
Бир катта хум чиқибди...



**ЖАҲОН ТАРАҚҚИЙПАРВАР АДАБИЕТИ**



**Г. МАРКЕС**

**ЮЗ ЙИЛ ТАНХОЛИҚДА**

*(Роман)*

— Мен учун энг муҳими шуки,  
бу китоб авлоддан-авлодга ўтса,  
оталар ўқиган китоб ўғилларга  
ёқса, невараларга ёқса. Уйла-  
шимча, «адабиётда қолдим» де-  
ганлари аслида шунинг ўзи.



# ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг тўққизинчи съезди қатнашчиларини ва Ўзбекистон адабиётининг барча арбобларини қизғин ва самимий табриклайди.

Сизларнинг съездингиз жонажон Коммунистик партиянинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган бутун совет халқи КПСС XXVII съезди сари зўр илҳом билан бораётган шонли кунларда ўтмоқда.

Партия Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорларини меҳнаткашлар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ленинча анъаналарга содиқ партия ғоят катта назарий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС уставига киритиладиган ўзгартишлар, мамлакатни ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини кенг муҳокамага қўймоқда.

Партия омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда, омманинг ташаббуси, ғайрат-шижоати, ишга онгли муносабатда бўлишини социализм кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаи, деб билмоқда.

Бутун совет халқи каби республика меҳнаткашлари ҳам бу йилни ва умуман беш йилликни энг яхши кўрсаткичлар билан яқунлашга, коммунистларнинг олий анжумани — КПСС съездини муносиб кутиб олишга куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Халқ хўжалигининг интенсив ривожланиш изларига ўтказиш, янги инсонни камол топтириш, унинг дунёқарашини, теран эътиқодлари ва юксак маданиятини шакллантиришда совет бадий адабиётининг роли ниҳоятда катта. Совет бадий адабиёти социализм қурилишининг барча босқичларида ҳамиша партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб келди, совет кишиларида актив гражданлик позициясини, камчиликларга мурасасизликни тарбиялашда кўмаклашди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ёзувчилари халқнинг кенг таҳсинига сазовор бўлган кўплаб асарлар яратдилар. Ёзувчилар коммунистик қурилиш практикаси кун сайин вужудга келтираётган ҳодисаларга актив мурожаат этадиган бўлиб қолдилар.

Бугунги кунда ёзувчилар олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун умумхалқ ҳаракатига ҳисса қўниш уларнинг олижаноб бурчидир. Фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан уйғунлаштириш, ҳозирги замон аграр сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, замондошимизнинг маънавий дунёсини бойитишдан иборат ҳақиқатан ҳам тарихий жараёнларни чуқур очиб бериш адабиётнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Халқимиз республика ёзувчиларидан бутун инсоний ҳақиқати билан ўзида халқимизга хос бўлган бунёдкорлик фазилатини мужассамлантирган шу кунларимизнинг қаҳрамонлари тўғрисида ёзилган асарларни кутмоқда. Ҳар бир асар китобхоннинг маънавий ва эмоционал дунёсини бойитиши, унда олижаноб ахлоқий интилишларни, юксак эстетик дидни тарбиялаши лозим. Ҳақиқий сўз устаси ғоясизликка ва сиёсий лоқайдликка, саёзлик ва даққиликка қарши курашда муросасиз бўлиши, образларнинг умумий тарзда баён этилишига ва тилнинг қашшоқлигига қарши кураш олиб бориши керак. Ҳақиқий санъаткор оммага улар ҳаётидаги энг муқаддас ва асосий нарсаларни айтишга, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғояларини актив пропаганда қилишга даъват этилган.

Адабиёт асарлари республика меҳнаткашларининг янги зафарларга чорлаши, олға ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи, ўз умрини тугатган барча нарсаларни қоралаши, ёш авлодни Ватанга, коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаши керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи республика адабиётини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Унинг фаолияти ёзувчилар орасида партиявийлик руҳини қарор топтиришга, адибларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга, талабчанлик муҳитини мустаҳкамлашга, ижодкор ёшларнинг ғоявий ва профессионал жиҳатдан камол топишига қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг тўққизинчи съездининг самарали ишлашини тилайди ва Ўзбекистон адиблари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, кўпмиллатли совет маданиятининг бойликларини кўнайтира бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиради.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**



# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Коммунистик қурилиш практикасига муносиб бўлган, совет кишилари авлодларини марксизм-ленинизм, ватанпарварлик ва пролетар интернационалиزمи ғояларига садоқат руҳида тарбияловчи сермазмун, юксақ бадиий асарлар яратиш — кўпмиллатли Ватанимиз адабиёти, унинг таркибий қисми бўлмиш Совет Ўзбекистони адабиёти ҳам ҳал этаётган бош вазифалардир.

Ўзбекистон ёзувчиларининг 28 октябр кунин Тошкентда бўлиб ўтган IX съездида беш йиллик фаолият якунлари ҳамда республика ёзувчилари олдида турган актуал вазифалар кўриб чиқилди.

Съездни Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун очди. КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга табрикномасини топширди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев съездда катта нутқ сўзлади.

Съезд қабул қилган резолюцияда Ўзбекистон ёзувчилари партия ўртага қўйган улугвор вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар, КПСС XXVII съездини янги, ёрқин асарлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Давомли қарсақлар остида КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составларини, СССР ёзувчиларининг VIII съездида делегатларни сайлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Е. М. Миронов иштирок этди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ IX СЪЕЗДИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ НУТҚИ

Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди — республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир. Унинг аҳамияти профессионал союз доираси билангина чекланмайди. Бунинг сабаби равшан: адабиёт — ҳаёт кўзгусидир, ўз замонининг солномачиси бўлиш, замондошимизни маънавий жиҳатдан бойитишда партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиш эса совет ёзувчисининг бош вазифасидир. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизларнинг олижаноб меҳнатингизни ғоят қадрлайдилар. Сизлар ўз санъатингиз билан давримизнинг юксак идеалларини қарор топтиряпсизлар.

Сизлар партия билан халқ КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўраётган жуда масъулиятли даврда тўпландингиз, бу съезд совет жамиятининг коммунизм сари олға силжишида жуда муҳим ўрин олади.

В. И. Ленин революцион партиянинг вазифаларини белгилар экан, меҳнаткашларга «демократик ва социалистик идеалимизнинг бутун улуғлигини ва унинг бутун жозибасини» кўрсатиб беришга чақирган эди. Ҳозир бу идеал КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида маъқулланган ҳужжатларда ўзининг реал ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги тахрирдаги Программаси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. КПССнинг мана шу энг асосий назарий ва сиёсий ҳужжати марксизм-ленинизм ғояларининг жуда бой хазинаси бўлиб, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган буюк ҳиссадир. Чуқур реализм ва келажак истиқболни ленинча дадил башорат қилиш, социализмни такомиллаштириш ва коммунизмга ўтиш йўллари белгилаш бу ҳужжатнинг руҳига сингдириб юборилган.

Партия социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш орқали совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишдан иборат новаторлик йўлини ҳар томонлама асослаб берди. Тарихий миқёсда улуғвор ўзгартишлар қилинади. Халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш, уни интенсив ривожланиш изларига кўчириш, совет экономикасини олий ташкилот ва самарадорлик поғоносига кўтариш мана шу ўзгартишлар жумласига киради. Келгуси ўн беш йил мобайнида ўз миқёси жиҳатидан совет ҳокимиятининг ўтган ҳамма йиллари мобайнида ортирилган иқтисодий қудратга тахминан тенг келадиган потенциал барпо этиш мўлжалланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси инсонга, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилади.

Программанинг идеология иши соҳасидаги йўл-йўриқлари ҳам социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш билан ҳамбарчас боғланган. Одамларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида янада самаралироқ тарбиялаш, ҳаққоний сўз ва реал иш билан тарбиялаш, сиёсий маорифни, ғоявий таъсирни иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда, давлатни, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқара-

ришда меҳнаткашларнинг тобора кенг иштироки билан бирлаштириш вазифаси қўйилди.

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуриш зарурлигини КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев ўз докладлари ва нутқларида ғоят аниқ ва равшан асослаб берди. У партия ўртага қўйган вазифалардан биронтасини инсон омилини кучайтирмай туриб ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлади. Мана шу ишда партия адабиёт ва санъатга, барча ижодкор зиёлиларга катта умидлар боғламоқда.

Ленинча маданий сиёсат принципларига садоқатли партия санъаткор зиёлиларга сезгирлик ва меҳрибонлик билан қарамоқда, уларни коммунистик бунёдкорликнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга йўналтирмоқда.

КПСС Программасининг лойиҳасида социалистик реализм адабиёти ва санъатининг Советлар Ватани буюк кўпмиллатли маданиятига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилган. Адабиёт ва санъат зиммасига тарихий зафарларга бой социалистик воқеликни, улуғвор социалистиксодий ва маънавий ўзгаришларни, совет кишиси ички дунёсининг гўзаллигини, халқларнинг бузилмас дўстлигини бадий воситалар билан акс эттиришдек бениҳоя олижаноб вазифа юкланади.

Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати кўпмиллатли совет адабиётининг, совет кўпмиллатли санъатининг таркибий қисми, қулф уриб қайнаб турган булоқларидан биридир. Унинг ажойиб тарзда раванк топаётганлиги сири ҳам мана шундадир. Ўзбек маданиятининг рус совет маданияти билан, СССР қардош халқлари маданияти билан аёнанавий алоқалари чуқур томир ёйган. Бизнинг миллий адабиётимиз ва санъатимиз Бутуниттифоқ ҳамда чет эл китобхони ва томошабинига етиб борган. Бу — КПССнинг доно миллий сиёсати натижасидир. Бунда мамлакат барча халқлари маданият арбобларининг катта хизмати бор.

Республика ёзувчилар ташкилоти — адабиёт усталарининг кучли ва ижодий актив отрядидир. У санъаткорларнинг кўпгина авлодларини ўзида бирлаштирган. Улар истеъдод билан ёзилган кўп асарлар яратилган. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари — Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Зулфия ва Уйғунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвон берилганлиги ўзбек адабиётининг юксак ютуқлари тақдирланганининг нишонаси бўлди. Ўзбек адабиётининг оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг Ҳамза тўғрисидаги романи кенг шухрат қозонди. Унинг китоби асосида яратилган кўп серияли телефильм мамлакатимизнинг барча республикаларидаги томошабинлар томонидан миннатдорчилик билан маъқуллаб кутиб олинди.

Халқнинг маданий савияси ўсган сайин адабиётнинг жамият турмушига, унинг маънавий-психологик иқлимига таъсири кучаймоқда. «Партия, — деб таъкидланади янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳасида, — адабиёт ва санъатнинг ролини оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаверади. Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаш, уларнинг ғоявий жиҳатдан баркамол бўлишига ва маънавий жиҳатдан тарбияланишига актив ёрдам бериши зарур».

Бутун совет халқи билан биргаликда республика меҳнаткашлари ҳозир ижобий ўзгаришлар руҳи билан, олға бориш муддаоси билан яшамоқдалар, ўзларининг амалий ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари йўл-йўриқлари билан тақдосламоқдалар. Шу йилги планни ва умуман беш йилликни тугаллаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги амалий фаолият масалалари партия ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг диққат марказида турибди.

Республикада қудратли ишлаб чиқариш-техника потенциали

барпо этилган. Аммо унинг имкониятларидан унчалик тўла-тўқис фойдаланилмапти. Вужудга келган аҳволнинг сабабларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми чуқур ва атрофлича очиб ташлади. Шу пленум қарорларига мувофиқ, партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари салбий ҳодисаларни, партия, давлат ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларини таг-туби билан тугатиш учун мурасасиз кураш олиб бормоқдалар. КПСС Уставига ва совет қонунларига, партиявий ахлоқ нормаларига муттасил риоя этилиши учун талабчанлик оширилди.

Партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларини партия ишига садоқатли малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Қўшиб ёзиш ва ўғирлик, хизмат мавқеини суниестемол қилиш, ахлоқий бузилиш йўлига кирган кишиларга принципиал баҳо берилмоқда. Ҳар бир коммунистга нисбатан ижтимоий бурчга муносабати, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун талабчанлик кучайтирилди. Гап-сўзлар, ваъдалар камроқ бўлсин, реал ишлар, амалий натижалар, масъулият ва принципиаллик, одамларга эътибор, шахсий камтаринлик кўпроқ бўлсин, деган шиор барча кадрларни баҳолашнинг бош мезонидир.

Бундай йўл коммунистлар, меҳнатқашлар кенг табақалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда, уларнинг социал адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, республикада вазиятни қатъиян соғломлаштиришга кўмаклашмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 4,7 миллий даромад эса 4,5 процент кўпайди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор ўсмоқда. Бу йил 22 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари беш йилликнинг ўтган йилларидагига нисбатан анча юқори эканлиги диққатга сазовордир.

Экономиканинг аграр секторида ва энг аввало, пахтачиликда ижобий силжишлар рўй бермоқда. Мана икки йилдирки, республикада хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби амал қилмоқда. Пахтанинг сифатига, ундаги тола сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтиш маҳсулот турларини яхшилашга, сақлаш ва қайта ишлашда ҳосилнинг нобуд бўлишини кескин камайтиришга кўмаклашди. Тола олиш ўтган йилдагига нисбатан 4,6 процент кўпайди. 10 миллионлаб сўм фойда олинди.

Давлатга пилла топшириш социалистик мажбуриятлари ошириб бажарилди. Умумиттифоқ фондига бир миллион тоннадан ортиқ сабзавот, мева ва узум жўнатилды.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириғи анча ошириб бажарилади ва болаларга аталган хилма-хил моллар ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпайиши жуда муҳимдир. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программаси изчил амалга оширилмоқда. Айни вақтда биз ҳали ҳамма ишлар қилинди, деб бўлмаслигини, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслигимиз кераклигини аниқ тасаввур қиламиз. Айрим жойларда ишдаги қизғин вазиятни пасайтиришга уриниш ҳоллари пайдо бўлди. Кўпгина корхоналар ва ҳатто айрим тармоқлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминловчи натижаларга эриша олмадилар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш проблемаси ғоят кескин бўлиб турибди. Бу вазифани ҳал этиш учун бизда замонавий техника, яхши тайёргарликдан ўтган кадрлар мавжуд. Бироқ саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш ташкилотларининг ҳали анчагина қисми белгиланган топшириқларни бажармаяпти. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг паст даражада эканлиги, пландан ташқари ходимлар бўлиши энг аввало бунга сабаб бўлмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш масалалари меҳнатни тежаш билан



мустваҳкам боғланган. Кейинги вақтда бу борада яхшилик сари бурилиш сезилди. Аммо ишлаб чиқарилаётган буюмлар, ишлар ва айрим хизмат турларининг сифати паст даражада эканлиги тўғрисида ҳали кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Бошқа бир муҳим проблема — бу капитал қурилишда ишларни тубдан яхшилашдан иборат. Республикада капитал маблағлар сарфлаш самарадорлиги ҳануз паст даражада қолмоқда, объектлар муддатидан кечиктирилиб ва чала ҳолда топширилмоқда. Уй-жойларнинг, айниқса, Тошкент шаҳрида қурилаётган уй-жойларнинг сифати паст эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига кўплаб шикоятлар келиб турибди.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишимиз зарур. Давлат экономиканинг ана шу секторини ривожлантиришга маблағларни аямайди. Бироқ асосий фондларнинг ҳар бир сўми ҳисобига маҳсулот етиштириш ўтган беш йилликдагига нисбатан қарийб икки барабар камайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун кураш қизғин бормоқда. Пахтани машинада йиғиштириб олишга қарши қайфиятларни баргараф этганимизда ҳосил тайёрлаш суръатлари бундан ҳам юқорироқ бўлур эди. Масалан, Бухоро областида машина терими плани атиги 15 процент бажарилди. Қашқадарё областида ҳам машина теримига яхши тайёргарлик кўрилмади. Биз ана шу областларга Тошкент областидан 600 нафар механик-ҳайдовчини юборишга мажбур бўлдик.

Айни вақтда кўпгина хўжаликлар, бутун-бутун районлар ва областларнинг тажрибаси шунга кўрсатиб турибдики, техника тараққиёти аҳамиятини яхши англаб, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилаётган жойларда теримни қисқа муддатларда тамомлаб, пахтани юқори навларга топширмоқдалар ва яхши иқтисодий натижаларга эришмоқдалар.

Савдо ва маиший хизмат ходимлари олдида кўпгина муаммолар турибди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мана шу барча муаммоларни доимо назарда тутиб, камчиликлар ва нуқсонларни баргараф этиш, экономикани ривожлантиришнинг интенсив йўлига ўтказиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. Партия ташкилотларининг барча кучлари ҳамма жойда фан ва илғор тажриба ютуқларини жадал жорий этишга, тежамкорлик режимини кучайтириб, масъулият ва интизомни оширишга, бошқариш механизмни такомиллаштиришга, иш услубини, одамларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилашга қаратилган.

Сиз, ёзувчилар ҳам коммунистлар, меҳнат коллективлари ҳал этаётган ишлардан четда турмаслигингиз керак. Вазифа шундан иборатки, адиблар республиканинг Ватан куч-қудратини мустваҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш учун пахтакорлар, барча меҳнатқашлар олиб бораётган курашда янада актив иштирок этишлари лозим. Ташаббускорликни, ишга ижодий муносабатда бўлишни, новаторликни, жамият манфаатлари йўлидаги юқори малакали, серунум меҳнатни яққол кўрсатиб бериш, партиянинг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кенг кўламда ва ўткир қилиб, ўртага қўйиш зарур.

Давр ёзувчилардан ҳаёт билан, халқ билан янада мустваҳкам узвий алоқада бўлишни қатъий талаб қилмоқда. Бу, адабиётнинг воқелигимизни унинг бутун ранг-баранглигида ҳаққоний акс эттиришнинг энг

биринчи шартидир. Шу муносабат билан Максим Горькийнинг «Санъаткор — ўз мамлакати, ўз синфининг жарчиси, унинг кўз-қулоғи ва қалбидир; у ўз даврининг овозидир», деб айтган сўзларини эслатиб ўтаман.

Тўлақонли ижобий қахрамон образи — актив гражданлик позициясидаги инсон образини яратиш гоё зарурлиги, айниқса, сезилмоқда. Бу бадий адабиётнинг вазифасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий ва эстетик вазифа, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, идеологик ишларни янада такомиллаштиришдан иборат умумпартиявий ишнинг муҳим қисми ҳамдир.

Давримизнинг асл қахрамонларини кундалик ва қийин, айтилган вақтда шарафли ишлар амалга ошириладиган жойлардан излаш керак. Турмушда бу қахрамонлар — жуда оддий кишилардир. Улар ўзлари амалга оширган жасоратли ишларни бурчларини бажариш, деб билдилар. Яқинда Қашқадарё областининг Нишон районидаги 11-совхозда мен бригада бошлиғи Қумрихон Йўлдошева билан учрашдим. У қалб амри билан Наманган областидан қўриққа кўчиб келди ва бошқа пахтакорлар билан биргаликда фидокорона зўр ғайрат билан ишламоқда. Бундай кишилар давримизнинг қахрамонларидир. Улар ҳақида ёзиш керак.

Маданият усталари ватанпарварлик ва интернационал тарбияга янада катта ҳисса қўшишлари керак. Адабиётимиз бу олижаноб мавзунинг ёритишда бой тажриба тўплаган. Ана шу мавзунинг бадий жиҳатдан тадқиқ этишни давом эттириш жуда муҳимдир.

Бунинг учун материаллар кўпдир. Республика вакиллари РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда, БАМ қурилишида ва Тюмень областида автомобиль йўллари қуришда зўр ғайрат билан иштирок этаётганликлари ҳаммамизни қувонтиради. Бундай ишларнинг кўлами кенгайиб бориши лозим. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Ноқоратупроқ зона областларига ёрдамни кучайтириш, Ғарбий Сибирнинг нефть-газ чиқадиган районларида уй-жой қурилишини ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Келгуси йилнинг ўзидаяқ бу ерда 30 миллион сўмлик уй-жой социал-маданий-маиший объектлар билан биргаликда қурилади. Партиянинг даъвати, қалб амри билан у ерда Ўзбекистон меҳнаткашларидан 15—20 минг киши жўнаб кетади. Бу — бизнинг юксак интернационал бурчимиздир ва шубҳа йўқки, Сизларнинг ана шу мавзудаги асарларингиз одамлар қалбидан муносиб жой олади.

Ет идеология ва ахлоқ кўринишларига, барча салбий ҳодисаларга қарши кураш — коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг таркибий қисмидир. Ҳамма жойда янгилик ва эскилик ўртасида кескин кураш бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамма жойда партия турмушининг ленинча нормаларини, ижодий изланиш муҳитини, ўз-ўзини танқид ва ишчанлик руҳини қарор топтириш учун кўпгина қийинчиликларни бартараф этишига тўғри келмоқда. Қонунларимизни, социал адолат принципларини бузаётган кишилар муносиб жазоланмоқда. Шу билан бирга, порахўрлик, чайқовчилик, қўшиб ёзиш, халқ мулкани талон-торож қилишдек шармандали ҳоллар ҳали учраб турибди. Меҳнаткашларнинг кўпчилиги учун бундай салбий ҳолатлар ётдир, албатта. Бироқ бундай ҳолатларни сезмаслик, айниқса, уларга нисбатан бепарво бўлиш нотўғри бўлур эди. Чунки бундай салбий ҳолатлар замирида катта социал иллат яширинган бўлиб, улар одамлар қалбини жароҳатлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари социалистик турмуш тарзига зид кўринишларга нисбатан муросасиз бўлишни талаб қилади. Тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун кураш вақтинчалик кампания эмас. Сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам асосий қуролимиз — ҳақиқатдир. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, камчиликларимиз ҳақида ҳам ошқора гапириш керак. Социализмнинг

кучи — омманинг онглилигида эканини таъкидлаб, В. И. Ленин бизларни ана шунга ўргатган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундан буён ҳам ўз йўлини қатъий ва изчиллик билан ўтказаверади. Республика коммунистлари, меҳнаткашлари барча қийинчиликларни бартараф этиб, ўз иродаси мустаҳкамлигини, эътиқод ва характери қатъийлигини исботлайдилар. Барча эскирган, салбий жиҳатларга қарши мана шу курашда биз Сизларнинг актив иштирокингизга таянамиз. Истиқболда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Янги урф-одатлар ва расм-русмларни жорий этиш, диний сарқитларга, эскирган одатлар ва анъаналарга қарши курашни авж олдириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқда турмуш маданиятини ошириш ғоят муҳимдир. Республика миқёсда мана шу барча ишларни мувофиқлаштириш ва яхшилаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида яқинда социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланувчи кенгаш ташкил этилди.

Биз республика ёзувчилари бу ишда ўз асарлари ва ишлари билан қатнашадилар, деб умид қиламиз. Бу — узоқ даврга мўлжалланган иш бўлиб, янги-янги ижодий кучларни жалб этишни талаб қилади. Шонли қишлоқ меҳнаткашларимизнинг турмуш тарзини ўзгартириш соҳасида Ёзувчилар союзи, бошқа ижодий ташкилотларнинг оталигини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Ешларни тарбиялаш, авлодларнинг партия ва халқнинг революцион, жанговор ва меҳнат анъаналарига ворислигини актив қарор топтириш — ёзувчиларнинг энг муҳим бурчидир. Болалар ва ўсмирларга аталган китоблар юксак маънавий гўзаллиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этишини, инсоний олижаноблик идеалларини қарор топтириб, меҳнат йўлини тўғри танлашларига кўмаклашишини истаймиз.

Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари маданият усталарининг масъулиятини оширишда катта роль ўйнайдилар. Партия бюроси, коммунистлар адибларнинг ижтимоий активлигини оширишга, уларнинг ғоявий савиясини кенгайтиришга ва профессионал маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашадиган вазиятни вужудга келтиришлари зарур.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика Кинематография давлат комитети партия ташкилотининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Муҳокама киносценарийчиларнинг ғоявий ва профессионал савиясини ошириш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда киносценарийлар ёзишда ёзувчилар союзининг 620 аъзосидан атиги 10 киши иштирок этмоқда. Биз халқ учун зарур бўлган бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратишга адиблар муносиб ҳисса қўшадилар, деб кутамиз.

Адабий танқид савиясини анча ошириш зарур. Ижтимоий проблемаларни партиявийлик ва халқчиллик ленинча принциплари асосида чуқур идрок қилиш, ғоясизлик ва ғўрликка қарши кураш — адабий танқиднинг бош йўналишларидир.

Еш ёзувчиларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Улар кекса авлод ёзувчилари билан биргаликда классик меросни ижодий ўрганишлари, кўпмиллатли адабиётимизнинг анъаналарини муносиб ривожлантиришлари зарур.

Адабиётни ривожлантиришда партиянинг бош йўлини оғишмай ўтказиш: унинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш, воқелигимизни ҳаққоний ва бадиий жиҳатдан юксак даражада акс эттириш, янгиликни жўшқинлик билан ва яққол очиб бериш, олға томон ҳаракатимизда бизга халақит бераётган барча нарсаларни шафқатсиз фош этиш — Ёзувчилар союзи правлениеси, унинг партия ташкилотининг бурчидир.

Партиянинг инсон омилини бутун чоралар билан активлашти-

ришга қаратилган йўли ижод учун, хилма-хил реалистик формалар, услублар ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратиб беради.

Съездингиз КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасида республика бадий сўз санъаткорлари ишининг, уларнинг ҳамиша ва ҳамма жойда партия ўртага қўйган вазифалар даражасида бўлишга сафарбарлигининг талабчан кўриги бўлиши керак. Бу эса ишигизнинг асосий негизи, асосий мазмуни бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчилари, барча маданият арбоблари бундан буён ҳам партиянинг актив ва содиқ ёрдамчилари бўлиб қоладилар, кўпмиллатли совет маданияти буюк хазинасига, коммунистик бунёдкорлик ишига ўзлари кўнадиган хиссани кўнайтирадилар, деб ишонч билдиради.

Ўлмас Умарбеков,  
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи  
правлениесининг биринчи секретари

## АДАБИЁТ ВА ҲАЁТ

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг  
Ўзбекистон ёзувчилари IX съезидига ҳисобот доклади*

Буюк Ватанимиз — кўп миллатли Совет мамлакати социалистик тараққиётнинг янги, юксак босқичига қадам қўйди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми муҳим тарихий ҳужжатлар — КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлади ва партия ҳамда умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилди.

«Партия ҳозирги йўлининг моҳиятини ифодаловчи формула мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш орқали — совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишига интилишдан иборат», деб айтди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида.

Совет адабиёти ва санъати арбоблари олдида турган асосий вазифалар, шубҳасиз, ана шу формула моҳиятидан келиб чиқади. Ўз ўзидан маълумки, бу босқичда бизнинг ёзувчилик меҳнатимиз, партиявий, гражданлик, санъаткорлик масъулиятимиз янада ортади.

Биз бугун адабиётимиз тараққиётини ана шу талаблар асосида баҳолашимиз, келгуси ижодий ражаларимизни белгилаб олишимиз лозим.

Адабиётимизнинг беш йиллик тараққиёти совет халқининг, жумладан, республикамиз меҳнаткашларининг социалистик турмушимизнинг барча жабҳаларидаги меҳнат фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқликда кечди. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин

революционер Ҳамза, атоқли адиблар Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир, Собир Абдулла, Сергей Бородин анъаналарини изчил давом эттириб, адибларимиз халқ ҳаётидан маънавий озуқа, ёзилажак асарларига илҳом ва шавқ олмоқдалар.

Дарҳақиқат, ҳисобот даврида барча жанрларда олға силжишлар рўй берди, адабиётимиз бир қанча муҳим, ғоявий-бадий бақувват асарлар ҳисобига бойиди. Ўзбек адабиётимизнинг атоқли икки вакили, Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Уйғун ва Зулфияга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилиши адабиётимизга партия ва халқ билдирган юксак ишонч ифодаси бўлди. Бундан бир неча йиллар муқаддам шундай юксак ишончга адабиётимизнинг яна бир оқсоқоли Комил Яшин сазовор бўлган эди. Ҳисобот даврида, шунингдек, ижодий союзимиз аъзоларидан ўн нафари Ленин, Октябрь революцияси, Халқлар Дўстлиги, Ҳурмат Белгиси орденлари билан тақдирланди. Олти кишига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, фан арбоби, маданият ходими унвонлари берилди.

Икки съезд оралиғида адибларимиз яратган энг яхши асарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига биноан Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Улар орасида Эркин Воҳидовнинг «Шарқий қирғоқ» шеърлар китоби, Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романи, Александр Удаловнинг «Ватан ўғлони» романи, Георгий Марьяновский ва Анатолий Қобуловнинг «Ўзбекфильм» киностудиясида экранлаштирилган «Бўйсунмас» бадий фильми бор.

Комил Яшин «Ҳамза» романи, Михаил Шевердин (вафотидан сўнг) «Нотинч Қизилқум» романи, Вильям Александров «Чақмоқларга ёндашиб» романи, Фарҳод Мусаҷонов «Турди, велосипед ва мен» ҳикоялар ва қиссалар тўплами, Шомил Алядин, Черкез-Али, Рашид Мурод, Ж. Аметов, Зокир Қуртнезирова, Ф. Камолов, Э. Орехов, Айдар Османов, С. Нагаев, М. Маҳмудов, А. Қосимов, «Дўстлик машъали» очерклар тўплами, Гулҷеҳра Жўраева «Бахт», Марат Қорабоев «Қалбадаги садо» шеърлар тўплами учун Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги муносаби билан ўтказилган республика конкурсининг мукофотлари билан тақдирланди.

Одил Ёқубов «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» романлари СССР Ёзувчилар союзи мукофотига сазовор бўлди. Бир қанча ёзувчи ва шоирларимиз, мунаққид ва таржимонларимизга республика Ёзувчилар союзининг йиллик мукофотлари берилди.

Икки съезд оралиғида яратилган, муҳим ғоявий-бадий қимматга эга китоблар рўйхати юқорида айтиб ўтилган асарлар билангина чекланмайди, албатта. Роман ва қиссалар, ҳикоя ва пьесалар, болалар ва ўсмирлар адабиёти асарлари, очерклар ва бадий публицистика, танқид ва адабиётшуносликка оид, бир сўз билан айтганда, ўзбек, рус, қорақалпоқ, крим-татар тилларида барча жанрларда яратилган, социалистик интернационализм руҳи билан суғорилган асарлар Умумиттифоқ совет адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Утган беш йилда ўзбек адабиёти янада ўсди, ривожланди, китобхонлар маънавий мулкани салмоқли асарлар билан бойитди, назм, наср, драматургияга оид янги асарларни, энг муҳими, янги номларни Бутуниттифоқ минбарига олиб чиқди.

Бу муваффақиятлар энг аввало, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинча Марказий Комитети, республика партия ташкилотининг адабиёт ва ижод аҳлига кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги самарасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча матбуотда эълон қилинган табрик хати адабиётга партиявий раҳнамоликнинг, санъаткорнинг коммунистик жамият қуришдаги илҳомбахш сўзи ва хизмати партия нечоғлик қадрлашининг яна бир ёрқин намоишидир.

«Совет адабиёти ва санъати яратган энг яхши асарлар ҳаминша партия ва халқнинг асосий ишлари ва ташвишларидан ажралмасдир, — дея алоҳида таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида. — Ҳозирги вақтда ҳал этилаётган янги вазифалар ҳам социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ».

Партия мамлакат экономикасини қайта қуриш билан боғлиқ улкан муваффақиятлар охир-оқибатда сиёсий онглилик, гражданлик масъулияти, омманинг ижодий ва меҳнат активлиги, бошқача айтганда, инсон шахсияти фактори билан боғлиқ, деб ўргатади. Зотан барча идеологик воситалар жумладан, адабиёт мана шу факторларнинг таъсир кучини оширишга қаратилган.

Замонавий мавзуларда яратилган асарларга шу талаблар асосида ёндашадиган бўлса, бу борада бир қатор муваффақиятларга эришдик, дея оламиз. Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Асқад Мухторнинг «Аму», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар», Тўлапберган Қайноғновнинг «Кўз қорачиғи», Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб», Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Вильям Александровнинг «Чақмоқларга ёндашиб», Черказ-Алининг «Саховат» асарлари шулар жумласидандир. Эркин Аъзамов, Тоҳир Малик, Мурод Муҳаммад Дўст каби ёш ёзувчиларнинг Москвада нашр этилган асарлари ҳам эътиборга лойиқдир. Игорь Рогов, Шукур Холмирозев, Учқун Назаровнинг ҳикоялари, Тоғай Мурод, Хайридин Султоновнинг қиссаларида маънавий масалалар чуқур ёритилди.

Бу асарлар, албатта, бадий савиясига кўра бир-биридан фарқланади. Улар замонавий, ижтимоий масалалар турли даража ва асослардан ҳал этилган. Лекин уларни мантқиқ ришталари билан боғлаб турган умумийлик бор. Бу авторларнинг ҳаётдаги реал муаммоларга қизғин муносабатларида, гражданлик позициясининг мустаҳкамлигида, ҳаётнинг нафақат яхши жиҳатларини, балки унга соя ташлаб турган иллатларни ҳам кўра билиш, фош этишга журъат топа билишлари кўзга ташланади. Уларда чинакам ҳаёт ҳақиқати гуркираб туради, атайин бўёқ берилган, ўқувчининг безовта виждонини «аллаловчи» тўқима ҳақиқатларини учратмайсиз.

Афсус билан қайд этиш керакки, бу фазилатлар барча муаллифлар ижоди учун ҳам бош лейтмотив бўлиб келди, дея олмаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва ундан кейинги пленумлари ижтимоий ҳаётимизда илгари рўй берган жиддий хатоларни, салбий ҳодисаларни рўй-рост очиб ташлади.

Ҳўш, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига кўра қайноқ турмуш кучоғида бўлиши, ундаги турли ўзгаришларни илғаб олиши, олға кетишимизга тўққинлик қилаётган иллатларни кескин фош этиши лозим ва шарт бўлган биз — ёзувчи ва шоирлар, публицистлар жанговор асарларимиз билан ўз вақтида бонг уриб, жамоатчилик эътиборини қарата олдикми? Бу саволга очиқ юз билан жавоб бера олмаймиз. Устига-устак баъзи муаллифларимиз қорани оқ қилиб кўрсатишга, ўзбошимчалик ва социалистик қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини гўё гражданлик жасорати деб кўрсатишга уриниш билан машғул бўлдилар.

Саъдулла Кароматовнинг «Сўнги бархан» романи, Йўлдош Шамшаровнинг «Ер тафти» бадий-ҳужжатли қиссаси ва бошқа асарларда айнан шундай ҳол рўй берди. Хизмат мавқеидан фойдаланиб, жиноят йўлига қадам қўйган шахслар кўкларга кўтариб мақталди, ижобий қаҳрамон сифатида тақдим этилди. Ёзувчи бўлажак китобининг қаҳрамони билан чиндан танишган, унинг характери, ишга ва одамларга муносабатини ўрганиш учун етарли вақти ҳам бўлган, қаҳрамон қалбига назар ҳам солган, бироқ ҳеч нарсани кўра олмаган.

Қани, бу ерда санъаткор кузатувчанлиги, қаҳрамон руҳиятига чуқур кириб бориш, керакки-нокеракдан ажрата билиш лаёқати қани?

Умуман олганда, ҳисобот даврида адабиётнинг барча жанрларида

ҳаётни ҳужжатли воқеалар асосида тадқиқ этиш тенденцияси яққол кўзга ташланади. Юздан ошиқ ҳужжатли асарлар яратилди.

Шуни айтиш керакки, ҳужжатлаштириш принципи ҳеч қандай эътироз туғдирмайди. Адабиёт тарихи шу асосда юксак гоъвий, таъсирчан асарлар ёзиш мумкинлигини кўрсатади. Глеб Успенский ва Короленконинг рус классикаси хазинасидан ўрин олган очерклари, Чехов ва Горькийнинг биографик ва сафар таассуротларига оид очерклари, Валентин Овечкиннинг рус ва барча кўпмиллатли совет адабиётида чинакам воқеа бўлган ўткир, жанговор очеркларини эслаш кифоя. Ўзбек адабиётида ҳам кўплаб намуналар яратилган. Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров, бугунги кунда ҳам фаол ижод қилаётган Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир ва бошқа адибларнинг ҳужжатли қиссалари, ҳикоя ва очерклари шундай асарлар сирасига киради. Демак, гап ҳужжатлаштириш принципида эмас, балки бу принципларнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари асосида иш юритишда.

Аслини олганда, ҳужжатли асарлар учун ҳам, бадиий асарлар учун ҳам бош мезон — бу муаллифнинг дунёқарashi, унинг аниқ партиявий ва гражданлик позициясидир. Бу принципларидан салгина тойишнинг ўзи катта гоъвий чалкашликларга олиб келади.

Мамадали Маҳмудовнинг «Ўлмас қоялар» романи бунга мисол. Муаллиф ўтмиш ҳодисаларни партиявий ва синфийлик нуқтаи назаридан тўғри баҳолай олмаганлиги сабабли, ўзи истамаган ҳолда ўқувчиларни чалғитувчи, сиёсий жиҳатдан хато асар юзага келишига йўл қўйди. Мазкур роман гарчи проза кенгашида муҳокама қилинган бўлса-да, айтилган зарур танқидий фикрлардан муаллиф ўз вақтида тегишли хулоса чиқариб олмади, «Шарқ юлдузи» журнали редакциясидаги редакция коллегияси эса чуқур ўйлаб кўрмай романи нашр қилишгача борди.

Адабиётимиз барча жанрларда жумладан, тарихий романчиликда таниқли салафлар — Ойбек, Сергей Бородин ва бошқа адиблар яратган бой анъаналарга эга. Ҳисобот даврида ана шу анъаналар асосида турли тарихий даврлар, сиймолар, халқ турмуши тадқиқ этилган кўплаб салмоқли асарлар дунё юзини кўрди. Чунончи, Назир Сафаровнинг «Момақалдиروق», Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Тўлабберган Қаипбергановнинг «Қорақалпоқ достони», Борис Пармузиннинг «Пахта», «Ўзилган ришта», Мирмуҳсиннинг «Темур Малик», Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро», Иван Булановнинг «Инқилоб куёши», Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асарлари яратилди. Одил Ёқубовнинг буюк мутафаккир Абу Али ибн Синога бағишланган «Кўҳна дунё» романи ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шу билан бирга, очиғини айтганда, тарихий, маълум маънода айтиш мумкинки, материални бадиий ўзлаштириш даражасига, характерларни шакллантириш, тили ва услубига кўра, биринчи галда, фалсафий маънавий мазмунга кўра бугунги кун талаблари даражасида бўлмаган тарихий асарлар ҳам яратилди. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида адибнинг моҳир қалами сезилиб туради. Унда кўплаб тўлақонли образлар яратилган, давр муҳити ёрқин чизилган. Бир сўз билан айтганда, роман кўламли, ранг-баранг бўёқларга бой бадиий полотно. Эътирозли жойи шундаки, муаллиф Бобурнинг шоирлик иқтидори таъсирига тушиб, унинг ҳарбий юришларидаги жаҳонгирлик характерини ишонарли ёритиб бера олмаган.

М. Қориевнинг «Спитамен» романи бошқача эътироз уйғотади. Унда қадим аجدодларимизнинг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши, ватанпарварлик, эрксеварлик интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ асар давр руҳини, бош қаҳрамонлар маънавий оламини чуқур идрок этилмай ёзилган.

Ҳамид Ғуломнинг «Машраб» романига ҳам шу хил нуқсонлар хос.

Танқидчиларнинг асарда шоирларнинг ҳақиқий образи, яъни Машрабнинг мураккаб шахси бадиий гавдалантирилмаган, у бир ёқлама чиққан, деган фикрига қўшилишга тўғри келади. Автор бадиий етук образ яратганда эди, атеистик ишимизда муайян ёрдами теккан бўларди.

Афсуски, шу давр мобайнида диний сарқитларга ўт очадиган асарлар кўп ёзилмади. Бу муҳим мавзуда Комил Яшиннинг «Ҳамза» романини, бир қанча публицистик материалларни тилга олиш мумкин, холос. Шу ўринда Ҳамза, Абдулла Қодирӣ, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳорнинг атеистик мавзудаги истеҳзоли, нишонга бехато урадиган шеър, ҳикоя очерк ва фелъетонларини эсламай бўладими. Езувчилар диний сарқитларни фош этишда жўшқинлик ва граждандлик эҳтиросларини намоён этишлари керак! Бу вазифани ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзудаги асарларда амалга ошириш мумкин. Ўтмиш тасвирига муносиб эътибор берган ҳолда, асосий диққатни замонамиз проблемалари ифодасига, замондошларимиз образларини яратишга қаратган мақбул.

Кейинги йиллар адабиётимизнинг характерли хусусиятларидан бири билингвизм, яъни икки тиллилик ҳодисасидир. Темур Пўлатовнинг қадим ўзбек фольклори традицияларида ёзилган фалсафий повестлари ҳозир Бутунитгифоқда, ҳатто айтиш мумкинки, халқаро майдонда танилмоқда. Рус тилида ижод этаётган Раим Фарҳодӣ, Муҳаммадҷон Мирзамуҳамедов, Собит Мадалиев, Лутфулла Кабиров ва бошқалар турли жанрларда самарали қалам тебратмоқдалар.

Ўзбек адабиётида совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати мавзуи муайян ўрин эгалламоқда. Айниқса, фашизмга қарши олиб борилган жангларнинг бевосита қатнашчилари ёзган романлар, қиссалар саҳифаларидан ҳаққонийлик, юксак ватанпарварлик руҳи уфуриб турибди. Борис Тихомоловнинг «Само сурури», Олег Сидельниковнинг «Ҳамид Саримсоқовнинг саргузаштлари», Владимир Тюрниковнинг «Дунай соҳилларида», Г. Тамаринанинг «Светка Черногоорова ҳақида қисса» китоблари, Мумтоз Муҳамедовнинг ҳикоялари, Ризо Фозил билан Лутфия Соффуниг «Аметхон юлдузи» ҳужжатли повести каби асарларда шу фазилат яққол кўринади.

Иброҳим Раҳимнинг романи «Генерал Равшанов» ҳам Улуғ Ватан урушининг фожеий воқеаларини кўрсатишдек эзгу ният билан ёзилган. Унда қизиқарли картиналар, дуруст илганган характерлар бор, бироқ роман ҳаддан зиёд семириб кетган, душманларнинг образлари жўн чизилган. Оқибатда, асар китобхонлар эътиборини қозонолмади.

Улуғ Ватан уруши мавзуидаги бадиий етук китоблар ўтмишга ҳурмат-эҳтиромгина бўлиб қолмай, балки миллион-миллион китобхонлар онгида тинчлик, гуманизм, халқлар ўртасида дўстликнинг эзгу идеалларини қарор топтириш, янги уруш оловини ёқишга уринувчиларга нафрат уйғотишга ҳам хизмат қилади.

Таассуфки, кейинги даврдаги китобларимизда Совет Армиясининг ҳозирги ҳаётига етарли эътибор берилмаётир. Бу ўринда Назармат, Владислав Стуловский асарларинигина айтиш мумкин, холос. Жанговор армиямиз ҳаёти, дўст Афғонистонда интернационал бурчларини бажараётган йигитларимиз ҳақида адабиётимизда тасвирини топмаётгани катта камчилигимиздир.

Прозамизда ишчилар синфи мавзуи қарийб ишланмаётир. Мазкур мавзуда Михаил Шоломаев, Раул Мирҳайдаров повестларинигина тилга олиш мумкин. Биз бу жабҳадаги ижодий ишларимизни давр талаблари даражасига кўтаришимиз зарур. Бунда нашриётларнинг ижтимоий буюртма бериш тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Адабий-бадиий журналлар ҳам шундай ҳуқуқни қўлга киритиш учун интилишлари лозим. Бироқ, алоҳида таъкидлаш керакки, ишчилар синфи мавзуидаги асарлар гоъвий-бадиий юксак бўлиши даркор. Мавзу актуаллиги ёзувчига нисбатан талабни пасайтиришга мутлақо ҳуқуқ



бермайди. Шубҳасизки, бу фикр адабиётнинг барча мавзулари, жанрлари ва шакллари учун баб-баравар тегишлидир.

Автор нияти бадий талқинининг заифлиги қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини яқинда эълон қилинган баъзи асарлар — тажрибали адиб Ю. Ковалевнинг «Адресат кетган», С. Кулишнинг «Кўнгилхуш сайр», Туроб Мақсуднинг «Бешик» повестлари, Муҳаммад Саломнинг «Мувозанат» романи яққол кўрсатиб турибди. Мазкур асарлар мисоли бадий заифлик ва маҳоратнинг етишмаслиги охир-оқибатда ҳатто энг яхши энг тўғри ижодий ниятнинг ҳам, энг эзгу ғояларнинг ҳам амалга ошмай қолишига сабабчи бўлишини яна бир карра яққол кўрсатди. Ҳар бир адиб, айниқса, ёш ва ҳали тажрибаси кам ҳамкасбларимиз буни билишлари, ёдда тутишлари лозимлигини эслатгим келади.

Гап шундаки, ҳисобот даврида адабиётимизга ёш авторларнинг катта отряди қўшилди. Уларнинг аксарияти истеъдодли, кенг маданий билимга эга ёзувчилар сифатида ижодда ўзларини кўрсатдилар. Бу адиблар ҳозирданок адабиётимизга сезиларли ҳисса қўшдилар. Мен ўзига хос носирлар — Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Владимир Соколов, Тоғай Мурод, Ғаффор Ҳотамов, Эмин Усмонов, Дина Рубина ва бошқа кўпгина ёзувчиларни кўзда тутмоқдаман. Хуршид Даврон, Усмон Азимов, Мирпўлат Мирзаев, Муҳаммад Солиҳ, Ш. Раҳмон, А. Суён, Сирожиддин Саидов, Қутлибека Раҳимбоева, Зулфия Мўминова, Муҳаммад Юсуф каби иқтидорли навқирон шоирларимиз ҳам самарали ижод этмоқдалар.

Ёшларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон адабиётида истиқболли адабий тур — илмий фантастика туғилди. Бугунги кунда Тоҳир Малик, Ҳожиакбар Шайхов, Николай Гацуняев, Абдуҳаким Фозилов сингари фантастларнинг қисса ва ҳикояларини китобхонлар қизиқиш билан ўқимоқдалар.

Саид Аҳмад, Олег Сидельников каби сатира усталарининг тажрибаларидан ибрат олиб, Саъдулла Сиёев ва Неъмат Аминов бу машаққатли адабий жабҳада йирик асарлар яратдилар.

Шу билан бирга, баъзи ёшларда гражданлик позициясининг аниқ, фикрларнинг тиниқ эмаслигини, халқ ҳаётидан узоқлик, оддий меҳнаткаш тақдирига, меҳнаткаш инсоннинг қаҳрамонона аъмолига нисбатан лоқайдлик сезилишини ҳам таассуф билан тан олмасликнинг иложи йўқ.

Шунингдек, Союзимиз секретариати ташкилот аъзоларининг сонини кўпайтириш кетидан қувиб талабчанликни сусайтириб юборганлиги оқибатида ташкилотимизда ижодий тайёргарлиги йўқ, ғоявий ва профессионал жиҳатдан етилмаган баъзи кишилар ҳам кириб қолди.

Шубҳасиз, бу гап баъзи прозаикларгагина эмас, айрим шоирларга ҳам тегишлидир.

Бугунги ўзбек шеърлятида барча авлод шоирларининг вакиллари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шеърлятимизда оқсоқолларимизнинг донишмандлик уфуриб турган мисраларини ҳам, ёшлик эҳтироси, юксак гражданлик пафоси билан йўғрилган самимий шеърларни ҳам топасиз. Кўпинча бу хислатларнинг жами уйғунлашиб кетган бўлади. Уйғун ва Зулфия шеърлари худди шу фазилати — ёшликка хос жўшқинлиги, айти чоғда теран фалсафий ўйчанлиги билан миллионлаб китобхонлар қалбидан жой олди. Бу устоз шоирларимиз кейинги пайтларда яратган туркум шеърларда инсон қалбининг ажиб дунёси янги куч билан намоён бўлди, уларнинг мисралари фалсафий салмоқдорлик касб этди.

Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Шукрулло, Андрей Иванов, Шухрат, Ибройим Юсупов, Рўзи Қодирий, Вячеслав Костира, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Султон Акбарий, Нина Татарина каби шоирлар ҳам юксак гражданлик туйғуларига, замона ҳақидаги теран ўйларга бой шеърлар ёздилар.

Фикрнинг теранлиги ва етуклиги, поэтик маҳорат сирларини

эгаллаш, самарали новаторлик изланишлари борасида мулоҳаза юритиш учун Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Александр Файнберг, Рауф Парфи, Омон Мухторнинг шеър ва дostonлари яхши материал беради.

Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова, Ҳ. Худойбердиева, Г. Нуруллаева номлари ҳозирги шеърятимизда мустаҳкам ўрнашди. Бу шоирлар бир-бирига ўхшамайдилар, уларнинг асарлари янги фикрлари, ранг-баранг бўёқлари билан диққатни тортади.

Умуман, бугунги шеърятимиз манзараси кишида яхши таассурот қолдиради. Аммо поэзиямиздаги баъзи камчиликларни рўй-рост айтиш керак. Энг аввало, шеърятимизда тор, шахсий интим характердаги майдалик тез-тез ўзини сездириб қўяётганини таъкидлаш лозим. Айрим шеърый асарларда эса давр талабларини чуқур ҳис этиш, фаол гражданлик етишмайди.

Қўшиқчи-шоирлар ҳақида алоҳида тўхталиш даркор. Ўтган давр мобайнида эстрада, радио ва телевидениедан Туроб Тўла, Уткир Рашид, Эркин Воҳидов, Гулчеҳра Жўраева, Нормурод Нарзуллаев, Пўлат Мўмин ва бошқаларнинг гражданлик-чорлов руҳидаги лирик-дилкаш қўшиқлари янгради. Бироқ, яхши қўшиқлар билан бирга, жўн, саёз қўшиқлар ҳам пайдо бўлди.

Улуғ Октябрь гоёларидан нур эмиб дунёга келган ўзбек совет драматургиясининг тараққиётига ўлмас Ҳамза, устоз Комил Яшин катта ҳисса қўшди. Миллий драматургиямиз ривожига Уйғун, Зиннат Фатхуллин, Назир Сафаров, Иzzат Султон, Ҳамид Ғуллом, Туроб Тўла, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат, Жуманиёз Жабборов, Максим Каримов каби адибларимизнинг хизматлари катта бўлди.

Сўнгги йилларда драматургларимиз отрядига Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Машраб Бобоев, Абдулла Жабборов ва бошқалар қўшилди. Шунинчун мамнуният билан таъкидлаш керакки, ёш драматургларнинг Бутуниттифоқ конкурси ғолиблари орасида уч ёш ўзбек ёзувчиси — Исфандиёр, Шароф Бошбеков, Тўра Мирзо ҳам бор.

Икки съезд оралиғида икки юзга яқин пьеса ёзилди. Бироқ, драматургиямизда катта бурилиш юз берди, дейишга асосимиз йўқ. Маиший турмуш, майда мавзуларга ружу қўйиш ҳали ҳам кучли.

Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар адабиётининг мавзу доираси кенгайди, оила ва мактаб, меҳнат ва коллективчилик, табиат ва инсон масалаларига эътибор ортди, бир қанча асарларда халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши қаламга олинди.

Болалар прозамизнинг оқсоқоли Ҳаким Назир асарлари, Ф. Мусажонов, Л. Маҳмудов, Н. Фозилов, О. Ҳусанов, Э. Райимов, С. Анорбоев, Ш. Холмирзаев, М. Хидир, Н. Умеров, Ф. Камолов, З. Туманова, В. Тюриков, П. Шуф, Н. Красильниковнинг повесть ва ҳикояларини болалар қизиқиб ўқимоқдалар.

Болалар шеърятига атоқли шоир Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Пўлат Мўмин, В. Данько, Раим Фарҳодий, А. Обиджон, Сафар Барноев, М. Аъзам, Т. Йўлдош, И. Сулаймон, Т. Адашбоев, С. Бринских, Г. Цодикова, Е. Хўжаев ва бошқалар самарали ижод қилдилар. Лекин бу соҳада ҳам камчиликлар анча. Масалан, болалар адиблари ҳали мактаб ислоҳоти муаммоларига чинакамига муносабат билдирганларича йўқ, ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам болалар ва ўсмирларнинг бугунги савиясини ҳисобга олаётир, деб бўлмайди...

Республикамизда «Детская литература» типидagi махсус нашриёт очиш пайти келди. Қувонч билан айтишим керакки, бу масала ижобий ҳал этилаётир, яқин вақтларда республикада шундай нашриёт ишлай бошлайди.

Проза ҳақида гапирар эканмиз, очерк ва бадиий публицистика масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Сизга маълумки, ўтган йилларда бу соҳада С. Анорбоев, Ж. Абдуллахонов, А. Ершов, П. Седов, Олимжон Холдор ва бошқалар фаол ишладилар. Бироқ кейинги пайтларда очерклар ва публицистик

асарларимиз аксариятининг қаҳрамонлари турли-туман бошлиқлар бўлиб қолди, оддий меҳнаткашларнинг ишлари, жасоратлари ҳақида кам ёзилди. Биз, аввало, меҳнат кишиларини — ишчини, колхозчини, ўқитувчини, жангчини асарларимизга қаҳрамон қилиб олишимиз керак!

Публицистикада халқаро тематиканинг аҳволи ҳам қониқтирмайди. Антиимпериалистик, антимустамлакачилик мавзулари адабиётимиздан кенг ва мустаҳкам ўрин олиши лозим. Бу ишда бизга устозларимизнинг асарлари, адабиётимизнинг катта ва ҳаётбахш анъаналари кўмак беради.

Ўзбекистон адиблари Осиё ва Африка тараққийпарвар ёзувчилари ассоциацияси ишида фаол иштирок этмоқдалар. Бу улугвор ҳаракат бизнинг заминда туғилди ва шаклланди. Икки қитъа мамлакатлари ёзувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва бирдамлик руҳи — Тошкент руҳи бутун ер юзида тинчлик ва тараққиёт, озодлик ва демократия учун, ирқчилик, босқинчилик ҳамда милитаризмга қарши кескин курашда ўзини намоён қилди.

Тошкентда биринчи таъсис конференциясининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган ассоциациянинг тантанали сессияси Осиё ва Африка ёзувчиларининг мустамлакачилик, империализмга қарши сафларини янада жипслаштирди.

Ўзбекистон ССР бу адабий ҳаракатчиликка икки қитъа ёзувчиларининг асарларини кенг таржима қилиш билан ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Биз Осиё, Африка, Лотин Америкаси — жаҳоннинг барча бошқа мамлакатлари ёзувчилари билан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтираверамиз ва мустаҳкамлайверамиз.

Дўст Афғонистоннинг бугунги сиёсий, маданий, иқтисодий, хўжалик ҳаёти, унинг империализм кирдикорларига қарши олиб бораётган кураши билан яқиндан танишган Асқад Мухтор «Аму» деб аталган романини ёзди. Роман ўқувчилар ўртасида қизиқиш уйғотди. Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Эътибор Охунова, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон ва бошқаларнинг чет эл туркумида яратган шеър ва ҳикоялари эътибор қозонди. Бу асарлар ёш авлодни ватанпарварлик, қардошлик, социализм ишига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги йиллар ичида мамлакатимиз халқлари адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқалар янада кучайди. Уларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири ёрқин самаралар берди. Бу алоқалар миллий адабиётларимизнинг ўзаро бойишига хизмат қилмоқда. Айниқса, улуг рус халқи бадий адабиёти, рус тили кўпмиллатли совет адабиётининг ўсиб-унишида бебаҳо роль ўйнамоқда. Ҳозирда рус адабиётидан баҳра олмаган биронта ижодкор йўқ.

СССР Ёзувчилар союзи ва республикалар правлениелари томонидан ҳамкорликда ўтказилаётган пленум ва конференциялар, симпозиум ва фестиваллар, ҳафталик ва «давра столлари» адабиётларимиз ўртасида ғоявий ҳамда ижодий яқинлик туғдирмоқда. СССР Ёзувчилар союзининг раҳбарлигида Ватанимиз пойтахти Москвада ўзбек совет адабиётининг классик адиби Ойбекнинг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали юбилей совет адабиётларининг дўстлик ва қардошлик байрамига айланди. Унда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этди. Съездимиз ишида қардош адабиётлар вакилларининг иштирок этаётганликлари ҳам ўзбек адабиётига эътибор ва меҳр-муҳаббат натижасидир. Съезд номидан СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикамиздан СССР Олий Советига депутат, ажайиб адиб Анатолий Иванов, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Николай Шундик, кўзга кўринган танқидчи ва адабиётшунос Зоя Кедрина, таниқли украин ёзувчиси ва драматурги Александр Ильченко, таниқли белорус ёзувчиси «Литература и мастацтва» газетасининг бош редактори

Александр Жук, Қозоғистон Езувчилар союзи правлениесининг секретари Калаубек Турсунқулов, Озарбайжон Езувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Исмоил Шихли, Литвадаги «Витурис» нашриётининг бош редактору Валентинас Свентицкас, таниқли молдаван шоири Анатолий Кодру, таниқли латиш шоираси Визма Белшевиц, таниқли ёзувчи, «Қирғизистон маданияти» газетасининг бош редактору Сатип Наматбоев, Тожикистон Езувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, таниқли шоир Мўмин Қаноат, таниқли арман шоираси Анаит Парсамян, кўзга кўринган туркман ёзувчиси Мерген Хумматовни қизғин қутлашга ижозат бергайсиз.

### Дўстлар!

Бадиий таржимани азалдан турли халқлар адабиётлари ўртасидаги кўприк дейдилар. Ўзбекистон бадиий адабиёт таржимонлари ўз олдиларига қўйилган олижаноб, ижтимоий муҳим вазифаларни шараф билан ўтамоқдалар. Халқларнинг миллий маданий-маънавий бойлиқларига чуқур ҳурмат, теран билим, юксак профессионал маҳорат М. Исмоилий, В. Рўзиматов, Қ. Мирмуҳамедов, Ҳ. Муҳаммадхонов, Ҳ. Тўрабеков, Х. Аҳророва, Э. Миробидов, И. Ғафуров, Л. Тожиева ва бошқа таржимонларимизга хос белгилардир. Ўзбек адиб-таржимонларининг ижодий меҳнатлари туфайли кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши асарлари, Данте ва Гёте, Бальзак ва Пушкин, Диккенс, Горький, Маяковский асарлари ўзбек халқининг тўлақонли маданий мулкига айланди. Нашриётларимизда «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сингари кўп томли сериялар тайёрланаётганлиги қувонарлидир.

Шу билан бирга таржима соҳасида мавжуд нуқсонлардан — ҳарф-хўрлик, тахминбозлик, чалакам-чаттилик, бадиий тил нўноқлиги ҳолларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. «Еш гвардия» нашриётида М. Яхёев таржимасида босилган А. Конан Дойл ва В. Шчербаковнинг романлари шундай бадиий нўноқлик намунасидир.

Бадиий таржимонлар меҳнатини Ўзбекистон Езувчилар союзининг йиллик мукофоти билан тақдирлаб бориш масаласини ҳам правление ўйлаб кўриши зарур. Корней Чуковский: «Ҳарфни ҳарф билан эмас, табассумни — табассум, музикани — музыка, юрак зарбларини — юрак зарблари билан таржима қилмоқ даркор», деган эди. Ўзбекистон адибларининг асарларини улуғ рус тилига мана шундай таржима қилаётган Георгий Марков ва Сергей Баруздин, Юрий Суворцев ва Владимир Солоухин, Евгений Евгушенко, Римма Казакова, Дмитрий Холендро, Яков Козловский, Наум Гребнев, Сергей Северцев, Юлия Нейман, Комрон Ҳакимов, Сергей Невелёв, Эмил Аметов, Александр Наумов меҳнатларини қадрлаймиз ва уларга миннатдорчилик билдирамиз. Биз бошқа қардош халқлар тилларига ўзбек асарларини таржима қилаётган ижодкорларга қалб сўзларимизни айтамыз.

Республикамизда кечаётган баракали адабий жараёнга танқиднинг таъсири ҳам оз эмас.

1985 йил январида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида республикада адабий танқиднинг ахволи, уни янада ўстириш масаласини кўриб чиққан эди. Бюро адабий танқид олдидаги муҳим вазифаларни кенг белгилаб ва ёритиб берди. Адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, традиция ва новаторлик, ғоявийлик ва маҳорат, адибнинг гражданлик фаоллиги, миллий совет адабиётларининг ўзаро алоқалари масалаларини мунтазам ёритиб бориш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Республикада адабий танқид маҳсулоти катта ва ранг-баранг. Кўплаб тадқиқот китоблар, мақолалар, тақризлар, давра суҳбатлари эълон қилинди. Адабий танқиднинг обрў-эътибори ошди. Айниқса И. Султонов, Ҳ. Еқубов, Л. Қаюмов, М. Нурмуҳамедов, М. Қўшжонов, Ҳ. Абдусаматов, Г. Владимиров, С. Мамажонов, У. Норматов, С. Мирвалиев, О. Шарафиддинов, П. Шермуҳамедов, М. Расулий, Н. Худойберганов, И. Ғафуров,

Н. Шукуров, Б. Имомов, О. Тоғаев, Э. Каримов каби олимлар фаолиятларида ишладилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси томонидан қўйилган вазифалар тўла адо этилгани ва кўрсатилган камчиликлар ҳар жиҳатдан тузатилгани йўқ. Ҳали ҳамон мадҳиябозлик, дабдабали ҳамду санолар, ошна-оғайнигарчиликка кўра ошириб мақташ ҳоллари учраб турибди. Айрим ҳолларда эса авторга нисбатан асосиз айблар тақаш, ғаразли мақсад билан савалашлар ҳам йўқ эмаски, бунга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Партия фақат принципиал, ҳолис, ғамхўрона танқиднигина жараёнга фойда келтиради, ёзувчига камчиликларини тузатишда мададкор бўлади, деб ўргатади. Уртоқларча ўткир танқидга шоир Шукрулло, ёш адиблар Мамадали Маҳмудов, Тоғай Мурод шундай тўғри муносабатда бўлдилар.

Бу йил биз доҳий В. И. Лениннинг совет эстетик фанига асос солган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» улуғ назарий асарининг 80 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу асарда илгари сурилган фикрлар, ғоялар ҳамон тирик, ҳамон бизга энг тўғри, энг адолатли йўлни кўрсатиб, машғал каби порлаб туради. Ленинча партиявийлик принципларига изчил риоя қилиш бадий адабиётимиз, марксча-ленинча адабий танқиднинг ўсиши учун энг зўр гаровдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчилар союзи матбуот органларининг иш фаолиятини ҳам ғоятда чуқур ўрганиб бизга амалий йўл йўриқлар кўрсатиб келмоқда. Улар газета-журналларимизнинг редакцион коллегиялари, ижодий коллективлари учун дастуриламалдир. Биз шунга кўра газета ва журналларимиз фаолиятини янги босқичга, янги бадий ғоявий сифат даражасига кўтаришимиз лозим. Давр талаби шундай.

Ҳисобот даври ичида, Қорақалпоғистон АССР, область ёзувчилар ташкилоти бўлимлари ишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг халқ оммаси, меҳнат коллективлари билан алоқалари кучайди, адабий кунлар ва анжуманларни олиб бориш савияси ошди. Навоий, Ҳамза, Пушкин кунлари, партия ва комсомол агитбригадаларида чиқишлар, адабий учрашувлар халқнинг эстетик қарашларини тарбиялашда яхши хизмат қилмоқда.

Айни замонда республика ёзувчилар союзи правлениеси ташкилий-ижодий ишларида камчиликларга ҳам йўл қўйди. Кўп маҳал қоғозбозлик, буйруқбозлик, секретариатда ижодий иш ўрнига мажлисбозлик, ўзбилармонлик ҳоллари билиниб қолди. Муҳим масалаларни ҳал қилишда коллектив фикрига суянилмади.

Кейинги пайтлар ичида Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзи правлениеси ўз ишини бир муҳим асосга — коллективда зарур ижодий иқлим яратиш асосига қурмоқда, ҳар бир ёзувчининг баракали ишлаши учун шароит яратишга интилмоқда.

Кейинги бир неча йил мобайнида ёзувчилар ташкилотига ҳукм сурган араз-надоматлар, носамимийлик ва майда гаплар энди бутунлай тугатилмоғи шарт. Союзимиз халқ ва партиянинг буюк идеаллари учун кураш бирлаштирган ҳамкор, ҳамдўст, ўзаро очиқ-ошкор, самимий ижодий муносабатлар ҳукмрон муҳит яратиш йўлида ҳормай-толмай тер тўкаверади.

Бизнинг съездимиз ёзувчилар ташкилоти фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қиларкан, ҳар бир ижодкорни КПССнинг бўлажак XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, СССР ёзувчиларининг VIII съезди олдимизга қўядиган катта вазифаларни бажаришга сафарбар қилаверади.

Партия совет халқини юксак марралар сари чорламоқда. Биз жонажон партиямизга шуни маълум қиламизки, барча совет ёзувчилари, шу жумладан, барча Совет Ўзбекистони адиблари, янги дунё қуриш, коммунизм янги марраларини эгаллашда ҳужумкор халқнинг бош сафларида боражаклар!



# АДИБНИНГ ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

*Съезд залидан репортаж*

Съезд меҳмони — СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анатолий ИВАНОВга сўз берилади. Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг шу йил апрель ва октябрь Пленумлари қарорлари ҳамда партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирди. Совет кишилари олдида жуда катта вазифалар турибди. Фан-техника тараққиёти асосида саноатни, қишлоқ хўжалигини, умуман совет социалистик экономикасининг барча соҳасини ниҳоят даражада ривожлантириш, бошқача айтганда, 2 мингинчи йилга қадар саноат потенциални ўтган даврларда эришилган ютуқлар даражасига кўтариш лозим. Коммунистик партия раҳбарлигида ана шундай улуғвор ишларни амалга ошириш совет кишиларининг навбатдаги беш йилликдаги вазифаларидир. Бу ишларда адиблар ҳам четда турмаслиги керак.

— Докладда, — деди нотиқ, — республика ёзувчиларининг беш йил давомида эришган ютуқ ва камчиликлари яхши кўрсатиб ўтилди. Ҳисобот даврида кўплаб бақувват асарлар яратилгани қувончли ҳол. Айни чоқда ўртача, ҳатто бир мунча саёз асарлар ҳам эълон қилинди. Бироқ ўзбек адабиётини яхлит олганда, у замон талаблари даражасида ривожланаётганлигини таъкидлаш керак. Бу ерда Зулфия ва Яшин, Уйғун ва Асқад Мухтор, Одил Ёқубов ва Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров ва Тўлапберган Қайинберганов, бошқа кўпгина сўз усталарининг асарлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Булар ҳаёт ҳақиқатини чуқур билишнинг, воқеалардан фалсафий фикрлар чиқаришнинг ёрқин намуналаридир.

Беш йил давомида яратилган барча асарларни, уларнинг авторларини санаб ўтишнинг имконияти йўқ, албатта. Бу ютуқларда оқсоқолларнинг ҳам, ўрта ва кенжа авлодга мансуб адибларнинг ҳам хизматлари бор. Мен ёш ўзбек адибларидан айримларининг номини қайд қилиб ўтишни истардим, холос. Улар — Эркин Аъзамов, Мурад Мухаммад Дўст, Шароф Бошбеков, Хайриддин Султонов, Тоғай Мурад ва бошқалардир. Бу адиблар замондошларининг ички дунёсини жиддий таҳлил қилишга қодир.

Мен юқорида ёш адиблар, деб санадим. Аслида, уларнинг аксарияти қирқ ёшга яқинлашиб қолган. Ёзувчилар, айниқса прозаиклар секин камолга етиши табиий, албатта. Бироқ... Узоққа бориб юрмайлик. Михаил Шолохов, Леонид Леоновларни мисолга келтириш билан чекланайлик. Улар ўзларининг энг бақувват асарларини йигирма-ўттиз беш ёш орасида ёзганлари маълум-ку. Бу билан нима демоқчиман? Ўзбекистоннинг, фақат Ўзбекистоннинггина эмас, балки бепоён мамлакатимизнинг ҳамма жойида талантли ёшлар негадир бадий тадқиқот жараёнига ғоят аста-секинлик билан кириб бормоқда-

лар. Совет кишилари эришаётган улкан зафарларни, ҳаётимизда мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни теран таҳлил қилишда у қадар ҳозиржавоблик кўрсатолмаётирлар. Ўз олдига катта ижодий мақсадни қўймаса ҳеч қачон мукаммал, умумхалқ эътиборига тушадиган асарлар яратиш мумкин эмаслигини улар эътибордан соқит қилаётганга ўхшайдилар. Улар талантли, аммо уларда дадиллик, воқеалардан тўғри хулоса чиқара олиш хислатлари етишмаётгандек туюлади.

Нотиқ кўпмиллатли совет адабиёти, жумладан Ўзбекистон ёзувчилари олдида турган вазифаларга атрофлича тўхталди. Партия-мизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш барча соҳа кишилари қатори адибларнинг ҳам муқаддас бурчи эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон ёзувчиларининг анжуманига қардош республикалардан меҳмонлар ташриф буюрганлар. Улар ўз республикаси ёзувчилари ҳамда китобхонлари номидан ўзбек адибларига самимий табриклар олиб келганлар.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари украиналик ёзувчи А. Е. ИЛЬЧЕНКО нутқини самимий олқишладилар. У ўз сўзида ўзбек ва украин адабий алоқалари ҳақида гапирди. Хусусан, Улуғ Ватан уруши йилларида бу икки республика адиблари ўртасида ижодий ҳамкорликка, Улуғ Ватан уруши мавзуини ёритиш масалаларига кенг тўхталди.

Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи правленийсининг биринчи секретари Мўмин ҚАНОАТ ўз нутқини адабий ҳамкорлик, таржима масалаларига қаратди. Форс-тожик классик адабиётидан таржима қилишда уларнинг мазмунига ва шаклига ниҳоят жиддий эътибор бериш лозимлигини таъкидлади. Ўзбек-тожик адабий алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида баъзи мулоҳазалар ва истаклар билдирди.

— Ўтгизинчи йиллардаги озарбайжон студентлари қўлидан учта китоб сира тушмас эди. Улардан бири машҳур ҳинд ёзувчиси Р. Тагорнинг «Ҳалокат», иккинчиси турк адиби Рашид Нурининг «Чолиқуши», учинчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романлари эди,— деб сўзини бошлади Озарбайжон ССР Ёзувчилар союзи правленийсининг биринчи секретари Исмоил ШИХЛИ.— Бугунги кунда деярли ҳар бир озарбайжон хонадонида ўзбек адибларининг китобларини учратиш мумкин. Низомий Ганжавий, Фузулий асарларининг ёнида, албатта Алишер Навоий асарлари ҳам бўлади. Менинг республикам ўқувчилари кўпмиллатли совет адабиётининг етуқ намоёндалари қаторида Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Уйғун, Асқад Мухтор, Комил Яшин, Ҳамид Ғулум, Рамз Бобожон, Шухрат, Ўлмас Умарбеков ва бошқа ўзбек адибларининг асарларини ҳам севиб ўқийди. Мақсуд Шайхзода эса ўзбек ва озарбайжон ўқувчилари учун бирдек қадрли.

Нотиқ ўзбек ёзувчиларига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил ЯШИНни залда ўтирганлар самимий олқишлар билан кутиб олдилар. У адабиётимизда эришилган ютуқлар, навбатдаги вазифалар ҳақида атрофлича гапирди. Хусусан, ёшлар ижодига алоҳида эътибор берди. Барча адибларни, айниқса, ёшларни талабчанликка, партия ва халқ талаблари асосида ишлашга даъват этди.

Республикамизда драматургиянинг аҳволи ҳақида куюниб гапирди.— Давримизга мос, замондошларимизнинг ёрқин образлари яратилган драматик асарлар театрларимиз саҳнасини безаши лозим,— деди у.

Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правленийсининг раиси Т. ҚАЙИПБЕРГАНОВ қорақалпоқ адиблари ҳисобот даврида эришган ютуқлар ва улар олдида турган вазифалар хусусида гапирди. Қорақалпоқ ёзувчиларининг яқинда бўлиб ўтган IX съездида Автоном

республика адибларининг ютуқлари, йўл қўйган камчиликлар рўй-рост айтилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари талаблари даражасида талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми материаллари, ўртоқ М. С. Горбачев нутқида илгари сурилган вазифалар, КПССнинг янги тахрирдаги Программаси лойиҳаси билан танишиш ёзувчилар олдида жуда катта вазифалар турганлигини кўрсатади. Партия-мизнинг XXVII съезди Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб асарлар билан кутиб олиш ҳақида ўйлар эканмиз, юқоридаги тарихий ҳужжатлар бизга йўлчи юлдуз бўлиши керак, деди нотик.

Серқуёш давримизда йилдан-йилга ёш ижодкорларнинг сафи кенгайиб бораётир. Улар даврнинг ақтуал масалаларини ўзларининг асарлариға мавзу қилиб олмоқдалар. Замондошларимиз устозлар қатори ижодкор ёшлар асарларининг ҳам қаҳрамонлари бўлмоқдалар.

Республика ёш ижодкорлари номидан сўзға чиққан Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА ўз нутқида ижодкор ёшларға катта ғамхўрлик кўрсатаётганлиги учун партия ва ҳукуматимизға чин юракдан миннатдорчилик билдирди.— Ҳаёт кун тартибига янгидан-янги масалаларни қўяётган, давр шиддат билан олға кетаётган, тинчлик масаласи, сайёрамиз тақдири жаҳондаги барча халқларни жиддий ташвишға солаётган ҳозирги мураккаб замонда пойтахтдами ёки кичик бир қишлоқдами — қаерда яшанингдан қатъий назар, ёзувчи, шоир бўлиш, халқ учун зарур замон талабига мос асар ёзиш катта масъулият талаб қиладиган ишдир,— деди у.

Шоира ёшлар ижодига янада кўпроқ эътибор бериш, хусусан газета ва журналларнинг редакциялари, нашриётлар уларға талабчанлик асосида ғамхўрлик кўрсатишлари лозимлигини айтди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи Борис ТИХОМОЛОВ ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги асарлар ҳақида гапирди. Бундай темадаги асарларға катта эътибор бериш лозимлигини уқтириб ўтди. Баъзан ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги асарларға эътибор бермай қараш ҳоллари учрамоқда. Натижада бундай китоблар жуда кам тиражларда нашр қилинмоқда. Мисол тариқасида «Ўзбекистон» нашриёти 1984 йилда чоп этган «Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — ўзбекистонликлар» китобини эслатиш мумкин. 350 қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилувчи бу китоб атиги 10 минг нусхада босилган.

Ўзбекистон ССР халқ шоири Рамз БОБОЖОН ўз нутқида ҳозирги мураккаб идеологик шароитда ёзувчиларнинг ўрни ва бурчи ҳақида тўхтади. Чет эллардаги ғоявий душманларимиз Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон ҳақида турли ёлғон-яшиқларни, бўхтонларни тўқиб чиқараётган бир пайтда, биз ёзувчилар бу масалаға нисбатан лоқайд бўлмаслигимиз керак.— Ушбу мўътабар минбардан фойдаланиб, яна бир нарсани айтмоқчиман,— деди нотик.— Бизнинг халқимиз адабиётни севади, дунёдаги энг китобхон ўлкалардан бири. Аммо негадир китоб магазинларининг пештахталарида кўпгина ёзувчиларимизнинг китоблари ётади.

— Китобхон севиб ўқийдиган, адабиёт тарихида узоқ қоладиган асарлар ёзиш учун заҳмат чекиш керак,— деб сўзини бошлади Ўзбекистон ССР халқ шоири ШУКРУЛЛО.— Яратилган асарларнинг даражаси нима билан ўлчанади? Танқидчининг қараши, китобхоннинг диди ёки давр талаби биланми? Назаримда, мана шу компонентларнинг ҳаммаси уйғунлашмоғи керак. Асарларға баҳо бераётганда танқидчилар принципиал, объектив бўлиши лозим. Акс ҳолда, бўш асарлар мақталиб, бақувват асарлар танқидға учраши ҳам ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат СУЛТОН адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги ҳақида гапирди. Доҳиймиз В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган машҳур мақоласида илгари сурилган фикрлар совет адабиёти



учун ҳамиша қўлланма бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Нотик ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даврида эълон қилинган «Япроқлар ва илдизлар», «Оқибат», «Генерал Равшанов», «Гирдоб», «Спитамен», «Чорраҳа», «Машраб», «Сўнгги бархан», «Аср баҳси» асарлари ҳамда «Ватан ва инсон» мақоласи ҳақида айрим танқидий мулоҳазалар билдирди.

Нотик тарихий мавзуда асарлар яратиш проблемалари хусусида тўхталди. Комил Яшиннинг «Ҳамза» романи бу борада ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик асар эканлигини айтди. Айрим ёзувчиларимиз тарихий шахслар ҳақида асар ёзаётганларида бирёқламаликка йўл қўяётганлигини таъкидлаб, «Юлдузли тунлар» романидаги Бобур образи бадиий талқинида бирёқламаликлар борлигини кўрсатиб ўтди.

— Утган беш йил давомида ўзбек шоирлари устозлар анъанасини изчил давом эттириб, бир қанча яхши шеърий асарлар яратдилар, — деди Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси МИРМУҲСИН. — Ўзбек совет поэзияси ўзининг чуқур илдизларига эга. Халқ оғзаки ижоди, классик адабиётимиз, рус классикаси, совет адабиёти, СССР халқларининг адабиётлари ҳамда тараққийпарвар чет эл адабиёти шулар жумласидандир. Ана шуларга асосланган шоирларимиз давримизнинг ақтуал масалалари ҳақида асарлар ёзмоқдалар. «Назир отанинг ғазоби», «Кекса солдат ҳақида баллада», «Ит ҳуради, карвон ўтади», «Рухлар исёни», «Дунё ва одамлар», «Оби ҳаёт», «Римга нега келдинг тунислик бола?» «Қўлдагилар» ва бошқа шеърӣ асарларимиз адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олди. Улар рус тилига, СССР халқлари тилларига таржима қилинди. Айни пайтда рус совет ва классик адабиётининг, қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Нотик сўзининг охирида адабиётимизнинг келажаги бўлган ёшлар ижоди ҳақида гапирди.

Республикамиз адабиёти кўпмиллатли адабиётдир. Ўзбек ва рус адиблари қаторида қрим-татар, уйғур тилида ижод қилувчи ёзувчи ва шоирлар ҳам бор. Қрим-татар тилида газета ва журнал чиқиши, китоблар нашр этилиши фикримизнинг далилидир.

Қрим-татар ёзувчиси, «Йилдиз» журналининг бош редактори Айдер ОСМАНОВ республикамизда яшаб ижод қилаётган қрим-татар ёзувчиларининг фаолияти ҳақида тўхталди. Бугунги кунда СССР ёзувчилар союзига аъзо бўлган 27 қрим-татар ёзувчиси республикамизнинг кўпмиллатли адабиёти тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда. Докладда таъкидланиб ўтилганидек, ёзувчилар ташкилотимиз ёшлар ижодига ҳамиша талабчанлик ва ғамхўрлик билан қараб келмоқдалар.

Ҳисобот даврида рўй берган муҳим воқеалардан бири — «Йилдиз» журналининг ташкил этилганлигидир. Бу Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган қрим-татар адиблари учун ўз асарларини нашриётга олиб боришига қадар эълон қилиш имкониятини яратди.

Ҳамза мукофотининг лауреати, шоир Эркин ВОҲИДОВ ёш ижодкорлар, хусусан ёш шоирлар ижоди хусусида гапирди. У Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Хуршид Даврон, Зулфия Мўминова, Мурод Муҳаммад Дўст, Анвар Обиджон, Ҳамза Имонбердиев, Муҳаммад Юсуф, Мақсуда Эргашева каби ёшларнинг асарларини китобхонлар севиб ўқиётганликларини айтди. Шубҳасиз, талантли бўлган Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ ва бошқа шоирлар, менинг назаримда, ўз имкониятларини тўла намоён қилолмаётгандек туюлади.

Э. Воҳидов республикамизда китоб нашрининг савияси ҳақида тўхталди. Ўзбекистон ССР Нашриёти, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раҳбарлигида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Китобларимизнинг полиграфик ижроси қониқарли эмаслигини айтиш керак.

Тошкентда болалар нашриёти очилиши ҳақида хушхабарни эшитдик. Истардикки, бу янги нашриёт бошқа нашриётлардан бадиий

адабиётларни қисқартириш ҳисобига бўлмаса. Акс ҳолда, у чўнтакдан бу чўнтакка олишдек гап бўлиб қолади.

— Очиғини айтиш керак, бизнинг ёзувчилик барометримиз кейинги ўн йиллар давомида ҳамиша ҳам аниқ ишлади, деб бўлмайди,— деди Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Одил ЕҚУБОВ.— Бутунитти-фок, ҳатто чет эл китобхонлари эътиборига тушган асарлар билан бир қаторда, айрим ғоявий ва бадиий жиҳатдан саёз асарлар ҳам чоп этилди. Булар ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаққоний фикр юритилди. Бу тарихий пленумнинг қарорлари биз — ёзувчилар учун ҳам кейинги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб қолди. Биз йўл қўйган нуқсонларни коммунистларча тан олиб, тўғри қилдик, деб ўйлайман.

Бугунги кунда республикамизда ижод қилиш учун ғоят яхши мусаффо атмосфера яратилган. Бу имкониятдан фойдаланиш, давримизнинг актуал масалалари кўтарилган ғоявий-бадиий бақувват асарлар яратиш — ёзувчиларимизнинг олдида турган асосий вазифадир.

«Саодат» журналининг бош редактори, шоира Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА хотин-қизлар шеърияти ҳақида тўхталди. Шеъриятга бўлган талабчанлик — китобхонларга нисбатан ҳурмат демакдир. Кейинги беш йил давомида шоираларимиз бир қанча яхши асарлар яратганликларини фахр билан эслади.

Болалик адабиётига эътибор — келажак авлодга эътибор бериш деган гап. Шунинг учун ёш китобхонларга мўлжалланган асарлар ҳар жиҳатдан ҳаққоний бўлиши лозим. Ўзбек болалар ёзувчилари бирмунча яхши асарлар яратдилар. Лекин булар бугунги талаб даражасида эмас. Мактаб ислоҳоти ҳақида бақувват асарлар жуда кам. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳаким НАЗИР гапириб ўтди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид АҲМАД сатирик ёзувчилар фаолиятига тўхталди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми сатирик ёзувчилар учун катта имкониятлар очиб берди. Бу имкониятлардан фойдаланишимиз зарур. Нотиқ сатирик ёзувчиларимизга эътибор бериш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш лозимлигини таъкидлади. Республикамизда комедия театри очилиши ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлади.

«Ешлик» журналининг бош редактори, шоир Омон МАТЖОН ёшлар ижоди хусусида гапириб, ҳисобот даврида ўзбек адабиёти майдонига кўплаб таланти ёшлар кириб келганлигини эслатиб ўтди. Бу ёшлар ижодга, сўзга масъулият билан қараши лозимлигини, шундагина ўқувчиларга манзур бўладиган асарлар яратиш мумкинлигини таъкидлади. Кейинги йилларда яхши романлар, повестлар, поэмалар камлигидан ташвишланди. Шу билан бирга, шеърий китобларнинг тиражлари тушиб кетаётганлиги ачинарлидир. Мактабларда, клубларда, кутубхоналарда адабиётни кенг пропаганда қилиш зарур.

Музокара очиқ-ойдин, бир-бирини тушуниш руҳида ўтди. Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленуми қарорлари, Уртоқ М. С. Горбачев докладидан келиб чиқадиган хулосалар, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида фан ва маданият, адабиёт ва санъат ҳақида билдирилган фикрлар ёзувчилар олдига ҳам катта вазифалар қўйганлигини, айти пайтда, партия ва ҳукуватимиз ижод аҳлига доимо ғамхўрлик қилиб келадиганлигини бир овоздан таъкидладилар. Бу ғамхўрликка жавобан ҳар жиҳатдан мукамал асарлар ёзажagini айтдилар.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари танаффус пайтида ўзаро фикр алмашдилар, ижодий суҳбатлар қурдилар. Шунинг ўзи ҳам республика ёзувчиларининг съезди ҳамжиҳатлик, бир-бирига нисбатан ҳурмат, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни бақамти ҳал қилиш руҳида ўтганлигидан далолат беради.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ

АБДУЛЛАХОНОВ Жонрид  
АБДУСАМАДОВ Ҳафиз  
АЪЗАМОВ Эркин  
АЗИМОВ Сарвар  
АЛЕКСАНДРОВ Вильям  
ОЙМИРЗАЕВ Жўлмирза  
АЛИМОВ Гулом (Шухрат)  
АЛЯДИНОВ Шомил  
АМЕТОВ Черкез-Али  
АНОРБОЕВ Суннатилла  
ОРИПОВ Абдулла  
ОТАҚЎЗИЕВ Уйғун  
АҲМЕДОВ Муҳаммад Али  
АҲМЕДОВ Тошпўлат  
ОХУНОВА Ёътибор  
БОБОЖОНОВ Рамз  
БОБОЕВ Машраб  
БЕКНИЕЗОВ Раҳим  
БЕРЕЗИКОВ Евгений  
ВАҲОБОВ Абдулазал  
ВОҲИДОВ Эркин  
ВЛАДИМИРОВ Георгий  
ВЛАДИМИРОВА Нинель  
ВОЛКОВ Константин  
ҒАФУРОВ Вали  
ҒАФУРОВ Иброҳим  
ҒУЛОМОВ Ҳамид  
ЖАББОРОВ Жуманиёз  
ЖУМАМУРОТОВ Тлеуберган  
ЖўРАЕВА Гулчехра  
ИВАНОВ Андрей  
ЭГАМНАЗАРОВ Назармат  
ИСМОИЛИЙ Мирзакалон  
ИСРОИЛОВА Зулфия  
ИСАҲОНОВА Шаҳодат  
ҚОДИРОВ Пиримқул  
ҚАЙИПБЕРГАНОВ Тўлапберган  
КАМОЛОВ Жамол  
ҚОРИЕВ Мақсуд  
ҚОБУЛОВ Тўлабой  
ҚАЮМОВ Лазиз  
КОСТИРЯ Вячеслав  
ҚЎШЖОНОВ Матёқуб  
МАМАЖОНОВ Салоҳиддин  
МАМАДУСТОВ Гулмурод  
(Мурод Муҳаммад Дўст)  
МАРЬЯНОВСКИЙ Григорий  
МАТЖОНОВ Омонбой  
МАҲМУДОВ Латиф  
МИРВАЛИЕВ Собир  
МИНГНОРОВ (Тоғай Мурод)  
МИРЗАЕВ Саъдулла  
МИРЗАМУҲАМЕДОВ Муҳаммаджон  
МИРСАИДОВ Мирмуҳсин

МУҚИМОВ Йўлдош  
МУМИНОВ Пўлат  
МУСАЖОНОВ Фарҳод  
МУСЛИМОВ Илёс  
МУҲАММАДИЙ Қуддус  
МУҲАМЕДОВ Мумтоз  
МУҲТОРОВ Асқад  
НАЗИРОВ Ҳаким  
НАРЗУЛЛАЕВ Нормурод  
НИЕЗОВ Хайдарали  
НОРМАТОВ Умарали  
НУЪМОНОВ Комил (Яшин)  
НУРУЛЛАЕВА Гулчехра  
ОБИДЖОНОВ Анваржон  
ОСМАНОВ Айдер  
ПУЛАТОВ Темур  
РАҲИМОВ Иброҳим  
РЎЗИЕВ (Рўзи Қодирий)  
РЎЗИМАТОВ Ваҳоб  
САЪДУЛЛАЕВ Восит  
САИДОВА Дилбар  
САЪДУЛЛАЕВ Ҳабиб  
САЛОМОВ Ғайбулла  
САМАНДАРОВ Эркин  
СЕИТОВ Хўжабек  
СИДЕЛЬНИКОВ Олег  
СИРОЖИДИНОВ Самариддин  
СИЕЕВ Саъдулла  
СОКОЛОВ Владимир  
СТУЛОВСКИЙ Владислав  
СУЛАЙМОНОВ Йўлдош  
СУЛТОНОВ Иззат  
ТАТУР Сергей  
ТИХОМОЛОВ Борис  
ТУЛАХЎЖАЕВ Туроб  
ТУМАНОВА Зоя  
ТўРАБЕКОВ Ҳасан  
ТУҲТАБОЕВ Худойберди  
ТЮРИКОВ Владимир  
УДАЛОВ Александр  
УМАРБЕКОВ Ўлмас  
УМЕРОВ Нузет  
УРАЗАЕВ Абдулла  
УСМОНОВ Ўктам  
УСМОНОВ Эмин  
ФОЗИЛОВ Носир  
ФАЙЗИЕВ Душан  
ФАЙЗИЕВ Раҳмат  
ФАЙЗУЛЛАЕВ Сайёропўлат  
ФАЙНБЕРГ Александр  
ФАРҲОДИЙ Райим  
ФАТХУЛЛИН Зиннат  
ҲОБИЛОВ (Тоҳир Малик)  
ҲАИМОВ Еқуб  
ХОЛДОРОВ Олимжон

ҲАМДАМОВ Адҳам  
ҲОШИМОВ Уткир  
ҲОЖИЕВА Ойдин  
ХУДОЙБЕРГАНОВ Норбой  
ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима  
ҲУСАНХУЖАЕВ (Саид Аҳмад)  
ШАЙХОВ Ҳожиакбар  
ШАРАФУДДИНОВ Озод

ШАРИПОВ Ҳусниддин  
ШЕРМУҲАМЕДОВ Пирмат  
ШУКУРОВ Нуриддин  
ЭДЕМОВА Урие  
ИЎЛДОШЕВ Сотиболди  
ЮСУПОВ Ибройим  
ЮСУПОВ Шукрулло  
ЕҚУБОВ Одил  
ЕҚУБОВ Ҳомил

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРЕЗИДИУМИ

ОРИПОВ Абдулла  
ВОҲИДОВ Эркин  
ВЛАДИМИРОВ Георгий  
ҲАМИД Ғулом  
ИСРОИЛОВА Зулфия  
ҚАЙИПБЕРГАНОВ Тўлапберган  
ҚАЮМОВ Лазиз  
МИРСАИДОВ Мирмуҳсин  
МУХТОРОВ Асқад  
СУЛТОНОВ Иззат  
НАЗИРОВ Ҳаким  
НУРУЛЛАЕВА Гулчеҳра  
ТўЛАХУЖАЕВ (Туроб Тўла)

УДАЛОВ Александр  
УЙҒУН (Отақўзиев Уйғун)  
УМАРБЕКОВ Улмас  
ФАЙЗИЕВ Раҳмат  
ҲОЖИЕВА Ойдин  
ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима  
ҲУСАНХУЖАЕВ (Саид Аҳмад)  
ЕҚУБОВ Одил  
ЯШИН (Нўъмонов Комил)  
ОМОН Матжон  
ОСМАНОВ Айдер  
ТАТУР Сергей  
ҲОШИМОВ Уткир

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ

АБДУҚАҲҲОРОВ Самиг  
АБДУРАШИДОВ Раззоқ  
АКБАРОВ Султон  
БОКСЕР Борис  
БОЛАТ Юсуф  
ГРЕБЕНЮК Михаил  
ЖАЛИЛОВ Маъруф  
ИБРОҲИМОВ Абдуқаҳҳор  
ИМОМХУЖАЕВ Тўлқин  
ИЗБОСКАНОВ Жиянбой  
КОВАЛЕВ Юрий  
КРЮК Геннадий  
ҚУРТНЕЗИРОВ Зокир  
ЛЕОНТИЧЕВ Юрий  
МАҲМУДОВ Маҳкам

МИРЗАЕВА Малика  
НАҲАНОВ Отаёр  
РАШИДОВ Уткир  
РАҲИМОВА Гулчеҳра  
РАҲМОҶОНОВ Расул  
РИБАК Зиновий  
САФАРОВ Мингзиёдин  
СУЛАЙМОНОВ Тўра  
СУЮНОВ Азим  
УГАЙ Дегук  
ХАЙРУЛЛАЕВ Муҳаммаджон  
ҲАКИМОВ Охунжон  
ҲАКИМОВ Миад  
ҲУСАНОВ Оқилжон  
ШАРИПОВ Жуманиёз

## СССР ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

АЗИМОВ Сарвар  
ОЙМИРЗАЕВ Жўлмирза  
АҲМЕДОВ Муҳаммад Али  
АМЕТОВ Черкез-Али  
ОРИПОВ Абдулла

ОТАҚЎЗИЕВ Уйғун  
БОБОЖОНОВ Рамз  
БЕРЕЗИКОВ Евгений  
ВОҲИДОВ Эркин  
ҒУЛОМОВ Ҳамид

ИСРОИЛОВА Зулфия  
ҚОДИРОВ Пиримқул  
ҚАЙИПБЕРГАНОВ Тўлапберган  
ҚАЙОМОВ Лазиз  
МАТЖОНОВ Омонбой  
МАҲМУДОВ Латиф  
МИНҒОРОВ (Тоғай Мурод)  
МИРСАИДОВ Мирмуҳсин  
МУХТОРОВ Асқад  
НОРМАТОВ Умарали  
НУЪМОНОВ Комил (Яшин)  
НУРУЛЛАЕВА Гулчҳра  
ОСМАНОВ Айдер  
ПУЛАТОВ Темур

СИДЕЛЬНИКОВ Олег  
СУЛТОНОВ Иззат  
ТўЛАХУЖАЕВ Тўроб  
УДАЛОВ Александр  
УМАРБЕКОВ Улмас  
ФАЙЗИЕВ Раҳмат  
ҲОЖИЕВА Ойдин  
ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима  
ҲУСАНХУЖАЕВ (Саид Аҳмад)  
ҲОШИМОВ Уткир  
ЮСУПОВ Ибройим  
ЮСУПОВ Шукрулло  
ЕҚУБОВ Одил

---

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

*Ўзбекистон Езувчилар союзи правлениесининг 28 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида Улмас Умарбеков правление президиумининг раиси этиб сайланди. Абдулла Орипов, Асқад Мухтор, Тўлапберган Қайипберганов президиум раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.*

*Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи нашр органларининг редакторлари тасдиқланди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига Одил Еқубов, «Шарқ юлдузи» журналига Уткир Ҳошимов, «Звезда Востока» журналига Сергей Татур, «Йилдиз» журналига Айдер Османов, «Ешлик» журналига Омон Матжон бош муҳаррир қилиб тасдиқланди.*

\* \* \*

*Шу куни Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съездида сайланган янги ревизия комиссиясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Расул Раҳмонов Ўзбекистон Езувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.*

Уйғун,

Ўзбекистон ССР халқ шоири,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

## ОЛТИН КИТОБ

Улуғ мамлакатимиздаги миллионлаб совет кишилари Коммунистик партияимизнинг янги — навбатдаги XXVII съездини меҳнат зафарлари билан юксак кўтаринки руҳда кутиб олаётган кунларда яна бир улкан ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Матбуотда КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди. Марксизм-ленинизм ғояларининг ғоят бой хазинаси бўлган, партияимиз, социалистик тузумимизнинг чинакам демократик табиатини ёрқин намоиш этган бу нодир ҳужжатни барча совет кишилари катта эътибор ва мамнуният билан ўқиб чиқдилар. Кекса коммунист, кекса ижодкор сифатида лойиҳадаги сатрларни ўқир эканман, қалбим фахр ва ифтихор, қувонч туйғуларига тўлди. Сабаби, улкан мамлакатимизда янги дунё — социализм дунёси қурила бошлаган илк кунлардан бошлаб ҳозирги улуғвор юксалишлар давригача рўй берган барча ҳодисалар кўз ўнгимизда содир бўлди. 20-йиллардаги кескин синфий курашларда, 30-йиллардаги мамлакатни коллективлаштириш палласида, 40-йиллардаги немис-фашист босқинчилари билан муросасиз кураш йилларида, урушдан кейинги тинч қурилиш, тикланиш давлари ва ҳозирги бахтиёр кунларимизда маданий қурилиш жабҳасининг бир аскар сифатида қаламим, қўшиқларим билан меҳнаткаш халқ жасоратини куйлаб келдим. Бир вақтлар вайронага, култепага айланган юртимиз кўз ўнгимизда гулистон ўлка бўлиб қайта туғилди. Бугун жонажон республикаимизнинг қаерига борманг, яшнаган қишлоқлар, обод шаҳарлар, кўркам биноларга кўзингиз тушади. Халқимиз тўқ, фаровон, бахтиёр ҳаёт кечираётганини кўриб, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Жамиятимизнинг келажаги, оталар жасоратининг давомчилари бўлган жажжи фарзандларимизнинг яйраб яшаётганлиги, уларнинг ўқиши, ҳар жиҳатдан егук, соғлом, билимли, маданиятли кишилар бўлиб етишиши учун барча шароитлар ва қулайликлар яратилганлиги; меҳнат кишисининг улуғланиши, кексаларга, хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор — буларнинг ҳамма-ҳаммаси совет тузуми, социализм дунёси шарофати туфайли бўлаётганини бутун жаҳон аҳли кўриб турибди. Ҳа, социалистик тузум ўзининг ҳар жиҳатдан афзаллигини, меҳнаткаш халқ манфаатларини тўла-тўқис акс эттиришини бутун оламга яққол намоиш қилди. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида: «Мамлакатимизда социализм батамом ва узил-кесил ғалаба қозонди», — деб очиқ-ойдин ёзиб қўйилган. Бугунги кунда ҳар бир совет кишиси бу ҳаққоний сўзларнинг воқеликдаги реал ифодасини кўриб турибди.

Мазкур ҳужжат партияимиз, совет давлати ва бутун халқ ишининг стратегик йўналишларини аниқ ва батафсил таърифлаб берганлиги учун ҳам тенгсиз қимматга эгадир. Унда КПССнинг пировард мақсади — коммунизм куриш, «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принципни рўёбга чиқаришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган. Совет халқи Коммунистик партия етакчилигида бу улуғ принципни барқарор этиш йўлида изчил курашдан асло толмайди. Биз ҳалол меҳнатимиз, пешона теримиз билан ёрқин коммунистик идеалларни ҳаётга тадбиқ этиб бораверамиз. Шу ўринда айрим статистик маълумотларни келтириб ўтайлик. КПССнинг учинчи Программаси қабул қилингандан бери ўтган чорак аср мобайнида мамлакатимизда ишлаб чиқариш воситалари 3,2 барабар юксалди,

миллий даромадимиз 3,8 баравар ошди, саноат маҳсулотлари ҳажми 4,8 баравар, аҳолининг реал даромадлари эса 2,5 баравар кўтарилди. 267 миллион кишининг турмуш шароити яхшиланди. Булар — ҳазилакам гаплар эмас. Партия ва ҳукуматимиз бундан кейин ҳам совет кишиларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳормай-толмай фаолият кўрсатаверади.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида ҳам бу ҳақда аниқ режалар белгилаб берилганини яхши биламиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг октябрь Пленумида (1985 йил) сўзлаган нутқида келгусида бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларимиз ҳақида шундай деган эди: «Учинчи минг йилликка мўлжалланган марраларга эришиш самарадорлик сари қанчалик тез бурилиш қилинишига, халқ хўжалигининг янги техникавий реконструкцияси амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Келгуси ўн беш йил мобайнида ўз кўлами жиҳатидан Совет ҳокимиятининг аввалги барча йилларида тўпланганига тахминан баравар келадиган иқтисодий потенциални вужудга келтириш, миллий даромадни ва саноат ишлаб чиқариши ҳажмини деярли икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Меҳнат унумдорлиги 2,3—2,5 баравар ошади». Халқимиз бу вазифаларни шараф билан бажаришига, совет кишиларининг турмуш даражасини, улуғ Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтиришга эришишига тўла ишонамиз.

Янги лойиҳада уқтирилганидек, «КПССнинг ҳозирги таҳридаги учинчи Программаси — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида совет жамиятини коммунизм сари олға силжитиш программа-сидир. Бу Программа — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш программа-сидир».

Мазкур жумлалар фақат совет кишиларининг эмас, балки дунёдаги барча софдил, эзгу ниятли кишиларнинг дилидаги гапларни ифодалайди десак муболаға бўлмас. Чунки ҳозирги нотинч дунёда, Она сайёрамиз атом урушлари ваҳмидан ҳар лаҳза қалқиб турган дақиқаларда тинчлик ва ижтимоий тараққиёт сўзларини олтин ҳарфлар билан ёзиб, уни халқимизнинг асосий дастуриламали деб эълон қилишнинг ўзи Коммунистик партияимиз сиёсатининг одиллиги ва гуманистик моҳиятини яна бир бор намойиш этади. Шунинг учун ҳам мен бу буюк Қомусни инсониятнинг олтин китоби деб аташни истар эдим.

Лойиҳада ижод аҳли, адабиёт ва санъат арбоблари учун йўл-йўриқ бўладиган жуда муҳим, салмоқли фикрлар илгари сурилгани биз учун ниҳоятда ибратлидир. Ҳар бир санъаткор, ҳар бир қалам аҳли Программада маданий қурилиш, адабиёт ва санъат ходимларига асосий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилувчи бу даъваткор хитобларни қалбига, онги ва шуурига сингдириб олмоғи ва унга жиддий амал қилмоғи шарт. Бугунги кунда партия даъвати, халқ даъвати ана шунини тақозо қилади. «Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадий аке эттириш, янги, илғор нарсаларни жўшқинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб ҳаракат қилишига халақит бераётган барча нарсаларни эҳтирос билан фош қилиш — адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўналишдир». Бу доно сўзлар ҳаммамиз учун йўлчи юлдуз, энг тўғри, энг ҳаққоний компас бўлиб хизмат қилади. Зотан, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Адабиёт ва санъат ўз моҳиятига кўра халқчил бўлмоғи, халқ ҳаётини, унинг орзу-ўйларини бутун мураккаблиги билан ҳаққоний тасвирламоғи шарт. Юқоридаги сўзларда совет санъатининг асосий мазмуни, моҳияти лўнда ва аниқ ўз ифодасини топган деб дадил айта оламиз. Бугунги кунда шонли ленинча партияимиз, халқимиз биз — санъаткорларнинг олдига катта масъулиятли вазифаларни қўймоқда, ривожланган социализм даври кишининг эстетик дидини шакллантиришдек юксак, муқаддас ишни юрак кўри билан виждонан бажаришга даъват этмоқда. Санъаткорлар, ёзувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Лойиҳада таъкидланганидек, «Адабиёт ва санъат арбоблари олдига чинакам эркин ижод қилиш, ўз маҳоратларини ошириш, турли хил реалистик формалар, услуб ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг уфқлар очиб қўйилган». Ана шу юксак имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимизга, Ватанимизга, жонажон партияимиз талабларига ҳар жиҳатдан муносиб, бадий юксак, баркамол асарлар яратиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен барча ижодкор дўстларимни партия талаблари даражасида ижод этишга, давримизнинг олдинги сафларида бўлишга чақираман.

## БОШ ЙЎНАЛИШЛАР

Биз, адабиёт ва санъат ходимлари, партиямизнинг янги таҳрирдаги Программасини қўлга олганимизда, табиийки, аввало унинг «Маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида» деган бўлимига эътибор қиламиз. Дарҳақиқат, бу бўлимда санъат ва адабиётга ленинча муносабат ёрқин ифода этилган, унинг халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, ҳис-туйғуси ва ўй-фикрларининг ифодаланиши, ғоявий ва маънавий баркамол бўлишга ёрдам бериши зарурлиги таъкидланади. Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадиий акс эттириш, илғор тенденцияларни эҳтирос билан ёрқин очиб бериш, жамиятнинг олдинга қараб ҳаракат қилишига ҳалақит берувчи иллатларни аёвсиз фош этиш — адабиёт ва санъатнинг бош йўналишлари эканлиги уқтирилади. Партия ўз программасида ҳозирги шароитда адабий сўзнинг ижтимоий кучини тинмай ошира боришга катта аҳамият беради. Талантларни авайлаб асраш билан бирга, адабий ижоднинг халқ олдидаги масъулиятини, унга талабчанликни ҳеч қачон бўшаштирмасликни алоҳида кўрсатиб ўтади.

Программанинг бу бўлими профессионал фаолиятимизнинг стратегик дастуридир.

Шу билан бирга, бу буюк партиявий ҳужжатни бутунча олганимизда, унда бизнинг ижодий ишимизга дахлдор бўлмаган биронта жумла йўқ. Чунки ундаги ҳамма қоидалар, партиянинг бош йўли, иқтисодий стратегияси, социал сиёсати, тинчлик ғояларига бўлган собит эътиқоди — барчаси инсон манфаатларига, инсон бахт-саодатини таъминлашга қаратилган. Ҳақли равишда «инсоншунослик» деб аталадиган адабиётимиз учун бу программа қоидалар тислсиз имкониятлар яратиб бериш билан бирга, унинг олдида янги тарихий вазифалар ҳам кўяди.

Партия мамлакат тараққиётини илмий-техника асосида жадаллаштириш концепциясини олдинга сурар экан, биринчи галда инсон омилига, унинг куч-қудрати, онглилиги, маънавий ва ғоявий камолотига таянади. Қўлимиздаги буюк тарихий ҳужжат социалистик жамиятни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш программасидир. Биз совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш учун интилмоқдамиз. Шунинг учун Програмада ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ва 2000 йилгача мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида бақувват социал сиёсат негизлари ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, кучли социал сиёсат бўлмаса, ҳамма нарсада инсон омилига таянилмаса, В. И. Ленин айтганидай, «... бир неча юз миллион тежаганимиз ҳолда шу қадар кўп нарса йўқотишимиз мумкинки, уни талай миллиардлар сарфлаганимизда ҳам тиклаб бўлмайди». Шунинг учун партиянинг социал сиёсати одамларнинг ғайрат-шижоатини, ижтимоий сиёсий активлигини юксалтиришга, инсоннинг ҳар томонлама камолотини таъминлашга қаратилган. Одамларнинг ҳаққоний сўз билан, амалий иш намунаси билан тарбиялаш керак, дейди ўртоқ М. С. Горбачев. Бу сўзлар бизнинг профессионал виждонимизга бевосита ҳавола этилаётир.

Биргина фактни олайлик. Янги беш йилликда миллий даромаднинг ва барча маҳсулотларнинг ўсиши биринчи марта тўлалигича меҳнат маҳсулдорлиги ҳисобига бўлади. Яъни, мавжуд техникани жадал қайта қуриш, самарадорлик, мустаҳкам интизом, ижодий ташаббус ҳисобига. Бу



ҳол биздан инсон омилининг моҳиятини чуқур англаш ва ёрқин бўёқларда очиб беришни талаб қилади. Бу ишда партия ташкилотларининг, коммунистларнинг обрўси, таъсири, етакчилик ролига алоҳида аҳамият берилди. Демак, бизнинг олдимизда оддий меҳнаткаш инсон образи, ташаббускор коммунист образини ҳаққоний яратиш маҳорати — катта масала бўлиб турибди.

Ҳозир Программа лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. Бу жараёнда замондошларимизнинг орзу-иродаси, ўй ва туйғулари ёрқин намоён бўлади. Халқ ҳаётига актив аралашаётган ёзувчилар буни аён кўриб турибдилар. Биз даврнинг энг долзарб муаммолари билан ҳамнафас яшаб, ижодий ўй сурар эканмиз, республикамиз партия ва ҳукумати амалга ошираётган дадил ишлар, айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI Пленуми ғоялари халқ дилидаги эзгу ўйлар билан ғоят мос тушаётганини пайқамай иложимиз йўқ. Ҳалоллик, виждонлилик, адолат, ҳақгўйлик, меҳнатсеварлик каби ёрқин халқона анъаналар катта адабиётимизнинг азалий мавзуларидир. Програмадаги: «Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир» деган сўзлар айниқса меҳнат мавзуга зўр беришимизни тақозо этади. Меҳнатнинг маънавий эҳтиёж бўлиб қолганлигини кўрсатадиган, меҳнат жасорати ҳаёт тарзимизда бош манба, бош мазон, энг юксак ахлоқий фазилат бўлиб қолганлигини кўрсатувчи, меҳнат поэзиясини куйловчи китоблар айниқса ёшларимиз учун ниҳоятда зарурдир. Меҳнат ва меҳнаткаш инсон мавзуга қўл урган ёзувчи учун бу мавзунинг фалсафий-ахлоқий аспекти, имконият ва фикр бойликлари кенг очилади, зиддият ва конфликтларга тўлиб-тошган вазиятлар, мароқли ғоялар намоён бўлади. «Партия меҳнатсиз даромадларни, социалистик тақсимот принципларидан ҳар қандай чекинишларни, даромадлар ва неъматларни қайта тақсимлашнинг ғайри-ижтимоий формаларини, текинхўрликни, чайқовчиликни таг-туғи билан тамомила тугатишга принципал аҳамият беради» дейилади янги Программа лойиҳасида. Партиянинг бу мақсади ҳам қанчалик тезроқ амалга ошса халқимиз дили шунчалик ёришади. Бунга ёрдамлашиш ёзувчининг принципиал вазифаларидандир.

Партия программаси адабиётнинг гражданлик ва интернационал руҳини оширишни талаб қилади. Ҳозирги ички ва ташқи вазиятни чуқур идрок этган ёзувчи ўз ижодининг ғоявий йўналишини янада ўткирлаштириш, бадиий таъсир кучини янада ошириш ҳақида ўйламай иложи йўқ. Шу билан бирга, яқинда бўлиб ўтган ижодий форумимиз талаб этгандай, муҳим мавзуларнинг эътиборини туширадиган юзаки ва ўртамиёна, фактография ва баёнчиликдан иборат асарларга, саёз ва мавҳум назмбозликларга ҳам йўл қўймаслигимиз керак. Каҳрамонимиз, кўп қийинчиликларни енгиб меҳнатда жасорат кўрсатаётган эътиқодли, бой маънавиятли замондошимиз кўз ўнгимизда. Унинг образи биздан ҳам худди шу сифатларни: қийинчиликларни енгиш, маҳорат, тиниқ тафаккур, бой маънавият, эътиқод ва ижодий жасорат талаб қилади.



Гулчехра Нуруллаева

## БУ ҲАЁТ БАХТИНИ БИРЛИКДА, ДЕРМАН

### Сатрларимга

Қишда гул бўл, демагайман, рост,  
Демагайман: тансиқ виқор бўл.  
Қор бўла қол.  
Жонга текканмас,  
Мен соғинган биринчи қор бўл.

Баҳор бўлгил, демагайман, рост,  
Демагайман: гулдай нафис бўл.  
Бўла қолгил жажжи эҳтирос,  
Мен излаган тансиқ ялпиз бўл.

Дарё бўлгил, демагайман, рост,  
Демагайман: бўлгил анҳор, сой.  
Қўл етгулик ирмоқ бўлсанг бас,  
Ирмоқ бўлгил мурувватга бой.

Учма, майли, само кўксиди,  
Майли, сенга боқмасин шараф.  
Истаганим: замин кўзида  
Укинч кўрсанг, турма бетараф.

### Музейда

Тўхтадингиз... Қаршингизда муҳаббат шаҳри:  
Қўш юракни ягона гул турар никоҳлаб.  
Кўзлардаги вафо шарҳи, қасамёд шарҳи  
Қўяр сураг қаршисига сизни ҳам боғлаб.

Тўхтадингиз... От чоптирар яйловда баҳор.  
Йилнинг дўндик фасли сизга кулар мулойим.  
Гунафшадан кўксингизга тўлади оҳор,  
Атай сиз, деб, қизғалдоқлар очар чиройин.

Тўхтадингиз... Аёл зотин кўрмагандай лол,  
Сувдан чиқиб келар экан хушсуврат бадан.  
О, сен мудом гўзалликнинг тангриси аёл!  
Тўхтай берсин ҳузурингда шу асно одам.

Тўхтадингиз... Йўқ, тўхтамай, кетдингиз нари,  
Сизга таниш пахтазорга боқиб бир қиё.

Кетмонли қиз туюлмади чоғи ойпари,  
Ловуллаган офтоб сизни четга торгди ё...

Қиз бепардоз. Нигоҳининг сурури одми.  
Айтмагайман: юзларига тўлган, деб, оҳор.  
Айтмагайман: қарашлари чалғитиб ёдни,  
Гуллар унинг қаршисида бўлар, деб бекор.

Бари бир, у менинг учун малоҳат отли.  
Кўзларимда севги бўлиб турар қиз расми.  
Ахир, бизлар, жон қадарли севар ҳаётни  
Кетмонига суяб турган — шу гул эмасми?!

Тўхтанг!  
Тўхтанг!

Сойлар қўлин тутган онажон дарё,  
Шунчаки сие эмас, ҳаяжон дарё,  
Яна бир сой келди, ана, жон дарё,  
Боса қол бағрингга, ётсираб турма,  
Инон-имонига хат сўраб турма.

Оқарсан, олдинга уннаб-унниқиб,  
Айқириб, ҳайқириб, шаҳд отин ниқиб,  
Сой лойқа бағрингга кирар тиниқиб,  
Тоза ўйларининг саховати мўл,  
Саховатин қўлла, ҳимояти бўл.

Сени тўлдирмоқчи у бир сойчалик,  
Саломга келибди. Ола қол алик.  
Илтифотни неша била қолайлик,  
Юрсин паноҳингда чарх уриб, яшнаб.  
Эзгуликсиз, ахир, бўларми яшаб?!

Бу ҳаёт бахтини бирликда, дерман,  
Амуликда, дерман, Сирликда, дерман,  
Бирлик мевалари ҳурликда, дерман,  
Улкан куч бўлмасанг, яшамоқ маҳол,  
Бахтга ўч бўлмасанг, яшамоқ маҳол.

Бир қадам... уч қадам... беш қадам... Алҳол —  
Сершиддат бағрингга қоришди зилол.  
Сувдаки сингишлик шунчалар маҳол,  
Одамларга таъзим, одамларга тан.  
Бир тан, бир жонларинг қутлайман, Ватан!

## Экскурсовод ҳикояси

Бу ажнабий туристлар-эй...  
Хўп ажойиб халқ экан.  
Қай сўзида гоҳи ноҳақ,  
Гоҳи эса ҳақ экан.

Келишади бизларга ҳам —  
Хивамизни кўрмоққа.

Баъзан кўрмоқ баҳонаси,  
Қитмир савол бермоққа.

Бир келганда: «Хивангиз соз,  
Келса арзир, — дейишди. —  
Айтинг, лекин,  
Туя, эшак  
Йўқми ҳозир?» — дейишди.

Меҳмон амри вожиб эрур,  
Бу ҳис қонда жўшади...  
Энди турист туя миниб,  
Сурагларга тушади.

Лекин меҳмон тилдан қўймас  
Ҳамон эски шевани.  
Айтар бу гал: «Ресторани  
Бўлмаса, бу — Хивами?»

Фуруримиз ён бермагай,  
Фуруримиз жўшади.  
Энди турист ресторанда  
Яйраб, рақсга тушади.

Ҳамон унинг кўнгли... ярим.  
«Бундоқ... кўнгли тўлсин, дер. —  
Хивангизнинг ҳарамии бор,  
Қизлари ҳам бўлсин», — дер.

«Майли, — дедик, — бизлар рози,  
Мана, «ҳарам» бизлардан.  
Кўнгли очар қизлар эса,  
Жаноб, бўлсин сизлардан».

Мулзам қолди меҳмонимиз,  
Қайга қўйсин ўзини?!  
Бизнинг жўмард Ўзбекистон —  
Берармиди сўзини...

## Дераза олдидаги сўнги томошабинга

Кузакнинг тинчлиги тамом йўқолган,  
Шамол япроқларни дув тўкаётир.  
Сен, бир томошабин, жойлашиб олган  
Дераза олдида бамайлихотир.

Дарахт япроқлари — заъфарон, ғижим,  
Қазо келганидан ўз бошларига.  
Сен, бир томошабин, тикиласан жим,  
Ғариб кузак фаслин кўзёшларига.

Очилолмай қанча ғунчалар хазон:  
Кўёшли изғирин бахтин сўлдирган.  
Сен, бир томошабин, қўёшга ўзин  
Дераза олдида солиб ўлтирган...

Кузак нигоҳида гарчи йўқ севинч,  
Кузак руҳсорида гарчи йўқ толе.

Дераза олдида сен хотиржам, тинч,  
Қўёшдан баҳраманд, шамолдан холи...

Эҳ; ҳали фаоллик, айтмасдан узр,  
Ичкари отилар, деразанг оша.  
Билмассан: сен учун — бу — сўнги ҳузур,  
Билмассан: сенга бу — сўнги томоша.

## Бўзтўрғай

Мен ёр десам, кўз олдимда энг чиройли кўз тургай,  
Лабларимда шакар тўла, қувонч тўла сўз тургай,  
Муҳаббати фуруримни тоғлар қадар ўстиргай,  
Эсса ногоҳ мунг шамоли, йўлларини тўстиргай,  
Ишонаман: вафо менга бир умрлик дўст тургай.  
Оҳ, сен нечун бўзлагайсан,  
Бўзлагайсан, бўзтўрғай?

Ҳаёт мунча ширин экан, юлдузланар, ойланар,  
Кўкда эмас, қўёш менинг юрагимда айланар,  
Ер кўксида номим танҳо баҳорликка сайланар,

Назаримда, севги бахти ҳар юракка жойланар,  
Мен ёр, десам, лабларимда қувонч тўла сўз тургай,  
Оҳ, сен нечун бўзлагайсан,  
Бўзлагайсан, бўзтўрғай?

Ишқ гадосин «оҳ»и бисёр. Мен гувоҳи бўлганман.  
Ишқ гадосин қалби бемор. Мен огоҳи бўлганман.  
Сочларимга оқлар тўлиб, қароргоҳи бўлганман.  
Қароргоҳи бўлмоқ надир? Узим «оҳ»и бўлганман.  
Шу боисми, андак «оҳ»дан борлиғимга муз тўлгай.  
Дардинг олай,  
Айт, сен нечун бўзлагайсан, бўзтўрғай?

## Болалар уйининг боласига

Хива шаҳар болалар уйида бўлган учра-  
шувдан кейин болажонлардан бири: «Визга  
яна келасизми?» — деб сўради.

Кетаяпман. Юрагим улоқ.  
Уйлар уни юлқилар шитоб.  
«Келасизми?» — бу эмас сўроқ.  
Бу — сен томон чорловчи хитоб.

Кўрганмидим гўдак кўзларнинг  
Бу қадарли хўп маъюсини?!  
Чирмаб олиб ўтинч сўзларинг,  
Уйлаяпман, болажон, сени.

Уст-бошинг шай, башанг.  
Қорнинг тўқ.  
Уйинчоғинг жавонда қат-қат.  
Фақат сенинг дадажонинг йўқ,  
Онажонинг сенинг йўқ фақат.

Кошки улар қўлингдан тутса,  
Келар чоғинг боғчанг йўлидан.  
Сенинг эса, кўчадан ўтсанг,  
Тенгқурларинг ушлар қўлингдан.

Қай озордан тўлса дил саҳнинг,  
«Ойижон»лаб, айта қолсанг роз...

Отанг — бедоғ.  
Онанг — беиллат.  
Назарингда улар оққушдай.  
Отанг эса... шишага ۇлфат...  
Онанг эса... ўзга оғушда...  
Ул кўзларга сўзсиз тикилиб,  
Сочмоқ учун қаҳрим атайин,  
Сени эса оққушим билиб,  
Келмоғим шарт! Келмоғим тайин!

## Унда лолалар бор...

Тоққа! Тоққа! — дейди баҳор соғинчи.  
Тоққа! Тоққа! — дейди қишдан зада дил.  
Ечилиб кетгану инъом боғичи,  
Сепин тўкиб солган баҳор-соддадил.

Йўл бўйи қизғалдоқ... Қип-қизил севинч...  
Қучоқ-қучоқ қилиб узгинг келади.

Бундай тансиқ, соғинчли бахтни  
Киноларда кўрарсан, холос.

Қай альбомни очган маҳали,  
Қоладирсан ўксик, ютиниб.  
Тушмагансан суратга ҳали.  
Ота-онанг бағрида туриб.

«Отанг ўлган» — дейишди маъюс.  
«Онанг ўлган», — дейишди яна.  
Маъюс бўлиб қолдинг, қоракўз.  
Шу бўлдими тўнғич кўрманан?!

Сен чизасан, қисганча муштни,  
Отажонинг ўқдан ўлганин.  
Билмайсан-да, жоним, урушинг  
Қирқ йил аввал тамом бўлганин.

Сен чизасан... онажонингга  
Бера туриб барча оқликни.  
Билмайсан-да, одам номига  
Қора ранглар тақамоқликни.





*Сен улар завқини олислардан ич:  
Узсанг бужмаяди, дув тўкилади.*

*Тоққа! Тоққа! — дейди сўлмас баҳорни  
Қучоғингга босиб, қувнаш истаги.  
Сийламоққа тайёр ҳатто шаҳарни,  
Унда лолалар бор алвон тусдаги.*

*Унда лолалар бор — бўз тупроқ эмас,  
Тоғлар юрагидан пайдо мўғжиза.  
Қизғалдоқдай улар шамалоқ эмас,  
Қизғалдоқдай эмас нимжон — ожиза.*

*Унда лолалар бор — дув тўзмас ҳусн,  
Юксаклар орзуси, шавқидан воқиф.  
Унда лолалар бор, яшнар кун-бакун,  
Алвон кўйлагининг чангини қоқиб...*

## **Боғларга таскин**

*Чегира бормоқда қуёш ҳимматин,  
Хирмонларга меҳр йўллайсиз, боғлар.  
Яшил масканларим, сиз — беминнатим,  
Сарғаймоққа, афсус, етишди чоғлар.*

*Не дейин?  
Майлига, чайқангиз бошни,  
Жунжикиб, саҳарга дилни ёрингиз.  
Фақат баргдай тўкманг ишонч-бардошни,  
Ўқитса-да, кузак — жиловдорингиз.*

*Демасман: беҳуда маънос туйғулар,  
Улар ҳам бўларкан юраги борда.  
Асли сизникидир завқ-шавқ, кулгулар,  
Ҳиммат тутарсиз-ку то гул баҳордан.*

*Даврангиз гувоҳи менинг ҳар фаслим,  
Сиз десам, эслайман шўх-шан ёшликни.  
Бағрингиз ўргатган меҳнатни, асли,  
Ўргатган яна у хаёлкашликни.*

*Пишган мевангизга отилган тошлар  
Менинг юрагимни этарди заҳа,  
Каллакланган тутлар — кесилган бошлар  
Борки ҳужайрамда очган аза, ҳа.*

*Эғиб синдирилган шохингиз кўриб,  
Билганман тошбағир қандай бўлишин.  
Шунда ҳам эзгулик — сиз учун урф:  
Бизга тутардингиз меҳр улушин.*

*Кўрсатар эдингиз илтифот-карам,  
Фақат фидоликка сафарбар бўлиб.  
Кўрсатиб турибсиз изтиробнинг ҳам  
Сирга чиқишларин заъфар барг бўлиб.*

*Боғларим, ҳаётга токи севги бор,  
Албат қайтиб келар хушнудлик сизга.  
Чидай билармикин қўли гул баҳор,  
Қувонч осмагунча шохларингизга.*



Яна қийғос гуллаш... Олгин қуёшнинг  
Меҳри кўнгил очиб, куйловчи чоғлар...  
Бас, етар маҳзунлик, чайқаманг бошни,  
Баҳор омонлигин тилангиз, боғлар!

## Ажойиб бешлик

Чингиз АЙТМАТОВ, Расул  
ҲАМЗАТОВ, Мустай КАРИМ, Қай-  
сия ҚУЛИЕВ, Давид КУТИЛЬТИ-  
НОВларга.

Ҳавас билан ташлайман назар  
Иттифоқнинг юлдузларига.  
Бешлиги бор, эшлик кўргазар  
Дилнинг кеча-кундузларига.

Бир-бирига, барчага йўллар  
Қалбларининг ёруғларини.  
Шу аснода оширар улар,  
Осмонимиз доврўғларини.

Қай бирининг ёрқинлигидан  
Бошқалари тортмагай хира.  
Юраклари яқинлигидан  
Осмон тўкис, осмон бокира.

Яккалик, бу — қашишоқлик, асли,  
Яккалик, бу — асли, худкашлик.  
Кўзларимга нечоғ ҳавасли —  
Чаноқ каби бириккан бешлик.

Э воҳ, бири... учди баногоҳ...  
Оғир, оғир, қанчалар оғир!...  
Қолганларин вужудида оҳ,  
Қолганларин юраги сағир!

Улар, ахир, эт билан тирноқ,  
Меҳрлари нечоғ жамулжам!..  
Кўргим келар улардай иноқ  
Ўзбекистон юлдузларин ҳам.

## Чол билан кампир

Давлат Алибоев ҳикояси

Хайрлашган гарчи мадор-куч,  
Бир-бирига қалблар тирговуч,

Данакдаги ялакат мисол  
Яшайдилар кампир билан чол.

Бўшаб турса чолининг жойи,  
Совуб қолар кампирнинг чойи.

Ўғил-қизлар кўтарар бошга,  
Лекин чолин йўриғи бошқа.

«Пешонамга сиққан бўлсанг бас...»  
Чол тилидан илтижо тушмас.

«Узоқ яшанг, бўлинг саломат...» —  
Кампирда ҳам шундай тиловат.

Кўзларида оқ-оппоқ хаёл,  
Соқолини тутамлаб дер чол:

«Юз ўн бешга кирганди бобом,  
Юз ўттизни кўрганди момом.

Улардан ҳеч бўлишмаган кам  
Мушфиқ отам, меҳрибон онам.

Мен ҳам шундай... узоқ яшайман,  
Энг камида юздан ошгайман.

Енимда сен бўласан бирга,  
Бирга-бирга... ҳатто қабрга...»

«Нафасингиз иссиқ қилинг, — дер  
Чол сўзини шарт бўлиб кампир. —

«Қабр» сўзин олмангиз тилга,  
Ваҳималар солмангиз дилга...»

«Хўп-хўп», — кулиб мамнун-шодумон,  
Кампирига чол беради ён.

Мана шундай беғам-бенифоқ  
Улар яшар иноқ-иттифоқ.

Оҳ, шукуҳли кунларнинг бири  
Оғриб қолди чолнинг кампири.

Ўнгламади... Юмилди кўзи,  
Чоли қолди... Қолди бир ўзи...

Одам ногоҳ толмасин экан,  
Тирговучсиз қолмасин экан.

Бағри унинг бўлсин экан бут,  
Бут бўлмаса, кетсин экан ўт.

Тугалликда татиркан нон-туз,  
Водариғки, чол ҳам юмди кўз.

Саксон бешга тўлган эди-ку,  
Юздан ошмоқ бўлган эди-ку...




Ездим. Назар солсам, оҳ-додим йўқдай,  
Муҳаббат хайлига имдодим йўқдай,  
Минбарлар тилига саводим йўқдай,  
Бас, сўзни мен қилар юмушлар айтсин!

Теграмда садоқат, теграмда дўст-ёр,  
Мен бахт сурагини чизарман бисёр.  
Бахтга бутун умрим бўлса-да дастёр,  
Бахтни бахтсизликдан ёнишлар айтсин!


Хаёт уммониға ташларман кўзим,  
Гуллар тупроғига бахи этган ўзин.  
Мақтов излашини шамол бетўзим  
Таъма, хушомаддан тонишлар айтсин!

Сойлар сўйлар экан, қирғоқ, бор, дейди,  
Қушлар куйлар экан, тузоқ бор, дейди.  
Еллар, тун кайфини бузмоқ бор, дейди,  
Навони беҳадик хонишлар айтсин.

Ўзим ким? Балки ёй, балки ўқлигим,  
Юраги дудманми ёки чўглигим,  
Қаторда борлигим ёхуд ўқлигим —  
Айтар бўлса агар, донишлар айтсин...







Эркин Аъзамов



**Б** у ўртада ким ёмон десангиз — Бердибой ёмон! Бердибой бемехр, Бердибой отабезори, онабезори, Бердибой укаларини хушламайди, уларга ёв, ота уйдан ҳам қочгани қочган — ёмон-да Бердибой! Номи ёмонга чиққан! Азалдан! Эскилик сарқити у! «Ҳой, шошманглар, биродарлар, унчалик эмасдир-ов, нима, энаси буни ёмонликка туққанми, буниям кўнглида бирон дарди-даъвоси бордир, айтсин, эштайлик!» дейдиган мардуми мусулмон қайда! Алам қилар экан: ахир, у ҳам одам, шу замоннинг одами, шу ҳаводан нафас олади, иккита мунчоқдек-мунчоқдек қизалоғи бор; бировдан камдир, бировдан зиёд рўзғор қилса, ҳеч кимдан нон-ош сўрамаса, баъзиларга ўхшаб пиёда юрмаса — эскироқ бўлса ҳамки, майли-да, тагида уч оёқли улови тайёр! Фақат, фақат...

Мана у, одатдагидек, бозор-ўчарини кажавага жойлаб, энди мотоциклни ўт олдиrhoққа чоғланган эди, кимдир қақриб қолди:

— Ҳўв Бердибой!

Укаси, тўртинчи синфда ўқиётганида туғилган, ўн ёшлар кичик бир тирмизак — Самандар; қаватида ўзига ўхшаш иккита шотири, юқори гузардан велосипед суриб келяпти.

Бердибой ёнбош бўлиб мотоцикл эгарига суянаркан, ғижинди: «Парда Қурбоннинг тарбияси-да!»

— Санам ўқишга кетяпти! — деди Самандар шайтонаравасидан тушар-тушмас, бир оёғида ҳақкалаб.

— Суюнчи берайми шунга?!

— Тошкентга! — Самандар баттар ғашига тегмоқчидек тиржайди.

Бердибой ғазабини яширолмади:

— Отанг-чи, Парда Қурбоннинг ўзи-чи, ўқишга бормасмикан у?!

— Отам супада эски китоб ўқиб ўтирибди, — деб жавоб қайтарди бола парво қилмай.

— Ўқисин, кўпроқ ўқисин — имонига фойда!

Бердибой мотоциклини тариллатиб бозор дарвозасидан чиқди-ю, катта кўчада қаторлашиб ўтаётган машиналар баҳона, иқчиланганча туриб қолди. Ниҳоят, бир қарорга келиб, бундан уч ой аввал «Қайтиб қадам боссам!..» дея қасам ичиб кетган уйлари тарафга солди йўлни.

Бостирма тагида, бўйин-бошини каттакон эски шолрўмол билан танғиб, қўлида рапида, икки юзи тандирдан янги узилган кулчадек қизариб-бўғриқиб нон ёпаётган онаси уни:

— Эби, ўзимди саҳройи улимми? Араз-дуразинг ариб-тарқаб келдингми, болам? — дея, яхши танимаган бўлиб чап кафтини пешонасига соябон қилганча, кулимсираб қарши олди: — Ке, ке. Қизгиналаринг чопиб-чопқиллаб юрибдимми? Ўзингди тан-жонинг соғми? Ойрўзингди вақти хушми? Тиниқ кампир қалай? Ўтиргандир кенг яйловда кенгаш қуриб?

— Яхши, ҳаммагинаси яхши, ой кулгандай! — деди Бердибой сабрсизлик билан. — Бу, Санамингиз ўқишга кетармиш, деб эшитдикми, апа?

— Узанги шайлаб турибди-ку, акаси, билмасам. Шунга тўрттагина кулча қилиб берай, йўлда еб кетар деб, мана, эрталабдан бери сабил қолгур тандирга бош суқиб ётибман.

— Тошкент деганлари анойи шаҳар эмас, апа...

— Нима қилай? Йўлига хода солай десам, бу қилобининг феълени биласан, кейин уйда қолиб суягимни оқартиради. Қўй, улим, сен аралашма, борса борсин, ўқиса ўқисин! Бинойидай битириб келаётганлар камми! Ўзига инсоф берсин, де. Замонаси экан, начора! Мана, ўқимай мен нима бўлдим? Куним — кир ювишу нон ёпиш!

— Апа-а, Тошкент катта шаҳар, деяпман!

Бу сафар онадан садо чиқмади. У индамай, бирин-кетин тандирдан узган патирларига косадаги сувдан сепиб, нарироққа — йиртиқ дастурхон тўшалган хонтахта устига қалаштириб ташлайверди.

— Ҳа, аввал бориб анов одам билан сўраш, — деди бир маҳал.

Самандарнинг айтгани тўғри чиқди: Парда Қурбон узумларини чумчуқ чўқиб битирган ишком тагидаги супада, пўстакни чаппа ташлаб, қаншарида кўзойнак, хирмондек бўлиб китоб мутолаа қилиб ётарди.

— Э-ҳа, Бердибой, — дея оғир қўзғалиб, истар-истамас қаддини ростлади у. — Келинг. Болалар юрибдимми? Момангиз дамлимми?

— Ўтирибди. Эски касали — кечаси оёғи оғрийди.

— Ихм, ихм. Чўрт, бориш керак экан-да бир.

Кошки бу одам билан тузук сўрашиб бўлса, сўзлашиб бўлса! Юз оғиз гапирсангиз ҳам жавоби шу — «Ихм, ихм. Чўрт, чўрт».

Нимадан сўз бошлашни билмай Бердибой беихтиёр томорқага назар солди. Қаровсиз, ҳаммаёқ қаровсиз! Олмаларнинг таги юмшатилмаган, шохлари синиб, мевалари ерга тўкилиб ётибди — молга ем. Девор тагида ўсган икки туп анор — бебошбоғ гангиб юрган икки қўтир эчкига тайёр эрмак. Ҳовлига туташ кенг сайхон сувсизликдан торт-торс ёрилиб, ажриқзорга айланган...

— Анови ерни чопиб, бирон нима экиш керак эди, — деди Бердибой азбаройи гапни юриштириб олиш мақсадида.

— Ихм, чопиш керак, экиш керак, — дея маъқуллаб қўйди ота.

Ким чопади, ким экади? Эркашотирлари ҳар ёққа тўзиб кетган, боягидек кўча чангитиб, номаъқулнинг нонини кўзлаб юрибди. Бир умр чўт қоққан одамнинг ўзи бўлса, энди мана, мук тушганча эски китобларни ҳижжалаб ётибди — охиратнинг ташвишу ҳисоб-китоби билан машғул, бу дунёни сув босса босаверсин! Эрта, бириси кун бошига салла ўраб, соқолини кўкрагига тушириб намозхонлар қаторига кирса ҳам ажаб эмас. Анов болохонада улфати Барот Қосим билан бир ёнбошлаганда ярим қўйнинг гўштинию неча-нечалаб шишанинг тусини ўчирган даврлари эсида йўқ...

— Ота, бу Гулсанам... — деб ғудранди Бердибой.

— Ўқишга кетяпти у. Тошкандга, — деди Парда Қурбон китобидан кўз узмай. Шошма, ғурур билан айтдимми шу гапни?

— Майлими? Ўзи бошланг юрарди...

— Бошланг? Қачон? Йўғ-э, Бердибой, ундай деманг!

Бу ёғини пардозлаб ўтирмади Бердибой — борини тилига чиқарди-қўйди:

— Эр бўлса шу ердан ҳам топилар эди...

Ота ажабланган каби унга бир ўқрайди-ю, индамади, тағин китобига эгилиб олди.

— Бердибой, ўзингизнинг синглингиз-а!.. — деди салдан кейин.

Нос яхши-да бундай пайтда, тилнинг тагига ташла-аб, кару гунг бўлиб ўтираверасиз! Айтгичингизни бўлса айтиб олдингиз!

— Мана мен, акажон!

Бердибой ялт этиб айвон тарафга қаради. Дераза тагида ётиб ҳамма гапни эшитган чоғи, панжарага суюнганча, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бир вазоҳат билан шўх-шаддод Гулсанам турарди. Бошланг! Ана, кўринглар, айтмабидим!

— Йўл бўлсин, синглим? — деди Бердибой носини тупуриб.

— Тошкентга!

— Тошкентда пишириб қўйган эканми?!

— Сизга саллалик, Ойрўзи чечамга паранжилик опкелмоқчиман!

— Хўш, қандай ўқишга экан? — деди Бердибой унинг кесатиғини эшитмагандек, атай меровсираб. — Ўқиб ким бўласиз энди?

— Художник-модельер! Бичиқчи рассом.

Бу сўзларни Гулсанам шундай оҳанжамали талаффузда, шундай бураб айтдики, тилгинасини суғуриб олгиси келди Бердибой.

— Девор ағнаса, ичкари ағнасин, — деди мақол-маталсиз гапирмайдиган она тандир бошидан туриб орачи-муросачиликка тушаркан. — Майли, акаси, ўзимиздан ҳам чевар чиқсин-да. Бир кўйлак тиктириш — фалон пул! Келиб хотинингга, қизалоқларингга чиройли-чиройли нарсалар тикиб беради.

— У ёқда кимникида турасан? — дея сўроғида давом этди Бердибой.

— Кимникида бўларди, акам-чи, Музаффар акамникида!

— Ҳа, худо урибди!

— Бу нима деганинг, улим? Бир қориндан чиққан уканг-а! — деди онаси супага яқинлашиб. — Уят бўлади. Узингникини ёмонласанг, ётнинг меҳри қочади, дейдилар. — У қўлидаги кўпчиб-сингиб пишган нондан бир чимдим узиб оғзига солди-да, чала ёзиғлик дастурхон устига қўйди: — Ол, нондан ол. — Сўнг Гулсанамга ўгирилди: — Сен, қиз бундай айтишиб ўтиргунча, кириб тарадудингни кўр! Акангди одатини биласан: Тиниқ кампирди ўгитини еб, ўгитини ичиб катта бўлган бу саҳройи улим!

Йўқ, Гулсанам захрини сўнгги томчисигача тўкмаса нақ ўлиб қоларди!

— Сиз, айтайми... — деди у Бердибойга чақчайиб қараб, — ўтган асрдан қолган одамсиз, акажон!

— Бўпти! Бу замонда акалик қолмабди, укалик қолмабди. Буни суриштирмоқчи бўлган одам ўтган асрга қайтиши керак экан, бўпти, қайтамиз! — деди Бердибой ғарибнолалик билан. — Отанг рози, энанг рози, биз нима дер эдик, синглим! Биз бу уйдан этак силкиймизу чиқамиз-кетамиз-да!

— Утир, ўтир! Қўзиларинг қўлингга қарайди, иккита иссиқ патир ўраб берай, — деди онаси кифтидан босиб. Сўнг ярим ҳазил, ярим чин оҳангда гинахонлик қилди: — Доим келиб уйимга бир ғавғо солиб кетасан-а, улим! Ҳаҳ, сенинг киндиккинангди кесган кампирди қапагинаси куйсин!

«Киндиккинангди кесган кампир...» Момамни айтяпти. Ёқтирмайди, ўлгудек ёмон кўради уни. Келинлигида кўп ситам ўтказган эмиш-да. Шу ялмоғиз кампирдан қутулай, ҳам ота-онамга яқин бўлай, дея қистайвери, ахийри, шаҳардан уй-жой қилдирган отамга. Биз бўлсак қолаверганмиз у ёқда — ёлғиз кампирнинг қўлида, «ялмоғиз» кампирнинг қўлида... саҳройи бўлиб, ўгай бўлиб! Энди булар — шаҳарлик! Энди буларнинг оти — Музаффару Самандар, Гулсанаму Гуландом! Бизники бўлса... Берди, Бердибой! Ким б е р д и, н и м а берди, нега?... Энди апам бу ерни «уйим, менинг уйим» деб гапирди. Парда Қурбон бўлса миқ этмайди, «ҳа, уйинг, сенинг уйинг» дегандек, қулоқ қоқмай ўтираверади. Чунки рўзғорнинг тизгини, жами борди-келдиси апамнинг қўлида! Бу ишларни кўринг, э, дод-эй!

— Йўқ! — деди Бердибой шитоб билан ўрнидан туриб. — Мен кетдим! Бошингизга ёстиқ қилинг патирингизни! Уйимда нон етарли, шукр! Бу ерда бизнинг бир чақалик қадримиз йўқ экан, билдик! Энди елкаминг чуқури кўрсин уйингизни!

— Бердибой, ихм, Бердибой! Чўрт, чўрт... — дея базўр, танбалона бир кўзғалиб қўйди ота.

— Сизди биламиз, яна ҳеч нима кўрмагандай, лабингизга кесак суртиб кириб келасиз уйимга — сизди биламиз! — деди она заҳарханда билан.

— Келсам!..

— Бердибой! Чўрт, чўрт...

— Ўтган сафар қасам ичмай сув ичиб эдингизми? Яшанг!

Ўтган сафар... Бердибой тўлиб-тоғшиб кириб келган эди бу уйга. Музаффарбой кепти, укаси кепти! Тошкентда, институтда домлалик қиладиган укаси! Хотини билан кепти. Бир иззатига етиш керак! Токи, келинлари қойил қолсин, «Эримнинг шундай акаси бор экан», десин! Бердибой мотоциклда марказга тушиб бозор оралади, уйига бориб семиз бир қўйни ётқизди. Меҳмонларни олиб кетгани келса,

ховлида қандайдир қиз юрибди... Бошланг, сочи қирқилган. Эгнида юпқагина, пиёзнинг пўстидан ҳам юпқа-е, енгсиз бир кўйлак. Келинлари шу эмиш! Энасини четга тортиб: «Апа, айтинг, — деди, — бобойди олдида буйтиб юрмасин!» «Ўйлама, улим, бобой қарамайди». «Қарамасаям...» Анови арзанда Музаффарлари-чи, Музаффарлари? «Э Бердибой-э, қип-қизил чудақсиз-да!» дейди кулиб туриб. Хотинини уйга олиб кириб оч биқинига солишининг, «Ака, тўғри айтасан», дейишнинг ўрнига!

Энаси рост айтади: ўшанда, аразлаб кетаётганида ичган қасами — қасам бўлмади, сувмиди? Ҳаҳ, хом сут эмган банда!

Бердибой дарвозадан чиққач, ҳайратидан ёқа ушлаб қолди. Ё тавба, ростдан шу хотин туққан онасими? «Кет! Жўна! Яна шу уйда қорангди кўрсам!..» деди-я!

...Ражаб бодининг ҳовлиси темирчилар гузарига эди. Бердибой мотоциклда боғ-боғот оралаб топиб борди. Девор кемтигидан овоз бериб сўради. «Тошкентдан билла ўқиган жўралари келган, ўшани олиб қаёққадир кетдилар», деб жавоб қилди хотини.

«Эҳ, кўлимга тушасан-ку ҳали!» деди ичида Бердибой титраб.

Гап шундаки, аввал-бошлаб Сафар шилпикнинг темир-тақага ўч кенжаси Ражаб боди Тошкентдан шундай бир антиқа томоша топиб келдики, куй-қўшиқдан ташқари, шаппотдек жойидан кино ҳам кўрсатар экан. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй оқшомлари бодининг айвонини тўлдириб текин кино кўргани тўпланарди.

Кейин бунақа матаҳ кўпайди, расмга кирди.

Кейин... қиз-жувоҳлар ҳаё аталмиш даҳмасзага қўл силтаб, кўчада ишва-корона қадам ташлайдиган бўлишди; йигит-ялангнинг сочи елкасига тушди, сурнайпоча шиму заифона гулдор кўйлак киймагани қолмади; Ашур новвойининг келини уч гўдагини чирқиратиб, «Севаман! Севсам нима қилай?» дея шаҳри-сабзлик дорбоз болага эргашиб кетди. Кейин бир куни мулла Шодининг сочи тақимини ўпадиган, қушдек ҳуркак, қўйдек ювош қизи Гулчеҳра кўчага велосипед миниб чиқди, кейин — эҳ!..

Бердибойнинг ҳаёти ўшанда бузилди — еттинчи синфдан буён Гулчеҳрага ошиқ эди! (Қишлоқда оёғидан чаён чақиб, шаҳар мактабига ўқишга ўтганидан бери!)

Шу-шу, Бердибойимизнинг ашаддий ғаними — Ражаб боди. Телевизор деган балони ўша ярамас топиб келган-да. Бердибойнинг барча «фожа»сига эса ана шу бадбахт сандиқ айбдор, шу айбдор!

Ражаб боди қўлига тушса!.. Бироқ, тушганда нима дейиши, нима қилишини ўзи ҳам билмасди.

Ражаб боди қўлига тушмади — уйда йўқ экан. Бердибойнинг ўзи бўлса, мана, қарийб икки соатдан буён дўннинг устида бошига муштраб ўтирибди. Мотоцикли бузилиб қолди... Район ветеринария шифохонасига кириб юмушларини битирди-да, шитоб билан марказдан чиқиб қишлоққа ҳайдади. Йўлнинг ярмига келиб, мана шу дўнликка ўрлаётганида лаънати арава пат-пат этдию ўчди-қолди. Қани энди ўт олдириб бўлса! Қилмаган хунари қолмади: нишобликка эндириб кўрди, «шам»ларини қайтадан артиб қўйди, мойларининг йўлини кўздан кечирди, тозалади — қаёқда! Ахири, бир иш чиқишидан умидини узиб, кажаводаги хуржундан икки дона бодринг олди-да, карсиллата-карсиллата дўнгга чиқиб ўтирди. Утган машинага қўл кўтарди, ҳайқириб овоз беради — бирови бурилиб қараса-чи! Номусулмонлар! Хуржунни елгага ташлаб пиёда жўнайвераё деса — манзил олис, хуржун зилдек! Куёвлик чоғлари — марказдаги ветеринария идорасида ишларди у пайтлар — мана шу ўн беш чақирим йўлдан гоҳо яёв қатнарди. Қаллиқ ўйинга ошиқарди! Хаёлида — ўтган кечасининг завқи, нашъаси, ютиниб-тамшаниб кетаверарди. Энди қайга шошади — ўша уй, ўша хотин!

Бердибой тилининг тагига носни ташлаб, шу сабилнинг кайфини суриб, хўрсина-хўрсина ўтираверди. Бугун чап ёни билан турганмиди, ҳамма иши чаппа кетяпти-я? Умуман, нимага бундай бўляпти? Бари чатоқ, бари тесқари, бузилганми, бир бало... илгаригидек эмас!

Йўқ, бирдан ўзгарди ҳаммаси, бирдан! Гўё у талай муддат — бир йилми, беш йилми ғафлат уйқусида ётди-ю, уйғонса — мана шу аҳвол! Гўё унинг бир йилми, беш йилми кўзи кўрмай, қулоғи эшитмай қолди-ю, бир куни тузалса — ҳаммаси бошқача! Одамлар қандайдир ўзгариб қолган, лафзу либослари антиқа, дунёлари антиқа — таниб бўлса, ўлай агар, мана жон! Қараса — мулла Шодининг қушдек ҳуркак; қўйдек ювош қизи Гулчеҳра бошланг, сочини кунгурадор турмаклаб, кўчада велосипед миниб юрибди! Куппа-кундузи! Ё пирим-эй! Тўрт йил иккови бир партада ўтирган қиз! «Ўв, эсинг жойидами, Чеҳра! Бу нима юриш? Бошингни ёп!» деса, «Э, бор-э, тезагингни тер!» дейди!

Ушандан бошлаб Бердибой баттар аиниди: неки янгиликни кўрса ғижинадиган, душман кўзи билан қарайдиган бўлиб қолди. Ўзи-ку азалдан шундай ори нозик, иримчи; художўй кампирнинг тарбиясида юриб, йигит ёшида бамисоли

саксон яшар хурофотпараст чолнинг ўзгинасига айланган. Она рост айтади: «Тиниқ момонинг ўгитини еб-ичиб катта бўлди». Қишлоқ хўжалик билим юртида ўқиб юрган кезлари ҳам курсдошлари унга олақарғадек, орқаваротдан кулиб қарашарди. Ҳарбий хизматдан қайтиб ўқишга киргани учун у ҳаммага — ака, юриш-туришию ўзини тутиши анови енгилтак зумрашаларга ўхшамас, муаллимлар ҳам унга «Бердибой ака» деб мурожаат қилишар эди. «Ака»лик ҳуқуқидан фойдаланиб, у дуч келган болани тергагани тергаган эди. Калтароқ кўйлак кийган қизни кўрса-ку, жон-пони чиқарди: «Тиззангни ёп-э, шарманда!»

Бухгалтерлик бўлимида Мусаллам дегич сал шаддодроқ, аммо офатижон бир пари бор эди. Шу қиз Бердибойга қандайдир суйкалгандекми бўлиб, илиқ-интиқ нигоҳлар ташлаб юрарди. Ниҳоят бир куни у ўртага одам қўйиб, дардини етказганида, Бердибой кўпчилиқнинг олдида баралла: «Их, шу жиблажибонни оламан деб ким ўлиб боряпти!» деди. Бу гапни эшитган барча қийқириб кўборди. Кейин билса, курсдаги жами йигит ўша қизга хуштор, хуштори нимаси, биргина боқишига интизор экан. Кейин билса, уни шунчаки лақиллатишган, майна қилиб кулишган экан. Уша қизнинг ўзи ҳам!..

Ай, Гулчеҳра, Гулчеҳра! Ай, эсини еган қиз! Нега ўша сабилни миндинг? Нега бошингни очиб юрдиган — тундек қора зулфларингни Бердибойдан ўзгалар ҳам кўрсин, дебми?.. Ушанда бошгинанга рўмолгинангни ўраб, ҳалимдеккина бўлиб юрсанг, ўша, эркакка чиқарган матаҳга оёқ ошириб минмасанг — заифалик ўрнингни билсанг, қиз болага номуносиб ўша макруҳ гапни оғзингга олмасанг... қўлинг узайиб, оёқларинг қисқариб қолармиди, золим қиз?! Мана, энди Бердибойдан ҳол сўра!..

Гулчеҳра ундай-бундай шаҳарда эмас, нақ Тошкентда ўқиди. Келган-кетганларида учрашиб қолишса, Бердибойнинг ёнидан худди аразлагандай тумшайиб, димоғ билан ўтарди. Кейин-кейин кўрганда эса, «Ҳа, синфдош!» дея қандайдир ҳазил аралашми, мазаҳ аралашми муомала қилишга ўтди. У энди эрга теккан, Тошкентнинг қоқ белида яшар, чамаси, бир пайтлар телевизордан кўриб мафтун бўлгани — хилват хиёбонлару ўзининг ҳув ўша сунбул сочларидек қирққокил мажнунтолларга батамом етишган эди.

Телевизорда нима кўп — кўзни қувнатиб, ҳавасни қўзғайдиган ялтироқ томоша кўп! Айниқса, сокин Анҳор бўйларида қўлтиқма-қўлтиқ, навозиш ила кезиб юрган ёки сўлим мажнунтоллар тагида сирли роз айтишиқ ўтирган «бахтиёр ёшлар»ни кўргандан кейин бу жувонмаргларнинг феъли бузилади-да. Феъли бузилса ҳам-ку майли... Тошкент деганлари нуқул ана шундай қувнаб-яйраб сайр қилиб юрадиган шаҳар экан-да, деб ўйлайди. Шулардан қаерим кам? Ох, Тошкент! Мен ҳам борсам, шулардай бўлиб юрсам!.. Мана, чамадон тайёр, пишан бергувчи дугоналар айёр: ҳеч ниманг кам эмас, ўртоқжон, ўлсанг ўлигинг ортиқ урдан, юр, кетдик! Хуллас, бечора ота-онани қон қақшатиб йўлга тушади. Ана шунда, ана шунда: «Эсингни йиғ, ҳой қиз, ўша сен ҳавас қилган томошагулларнинг хиёбону мажнунтолдан бошқаям дардлари бордир!» деб йўлига кўндаланг бўладиган шеримард ака керак!

Бундай акага қўл силтаса, уни ҳатто масҳара қилса-чи?! Э, унақа сингилнинг боридан йўғи!.. Кетса кетсин, даф бўлсин, изи ўчсин, номи ўчсин! Уқиб келиб бу кишим яна кўп нағмалар кўрсатмоқчи бу ерда — «художник-модельер» эмиш-а! Ахир, шаҳар сенга аммангнинг уйими? Яхши бор, ёмон бор. Ёмон кўп! Қўза кунда эмас, кунда синди, синглим! Билиб бўладими, бўйни йўғон бирор номўра бош-кўзингни айлантурса... бегона юртларга тушдинг-кетдинг-да. Ота-онангни, жи-гаргўшаларингни кўргани келсанг — йилида бир келарсан. Тобора узоқлашсан, бегоналашсан. Бегона — санги девона, дебдилар. Кейин, кимга хатлаб берибди бу дунёни? Ҳозир беғам-бепарво китоб варақлаб ётган отанг бир куни пақ этиб... Етиб келгунингча «кетти»си ўтади, жон синглим! «Отам»лаб армонда қолаверсан! Буниси ҳам майли, дейлик. Фалокат босиб, бирор лаънат орттурса-чи — иснод, етти пуштингга етадиган иснодга ботасан! Эй, нима жин урган-а бу одамларни! Кўра-била...

Бердибойнинг вужуди зирқираб кетди. Оғриқдан, ожизликдан бўкиргудек нола қилиб юборди у. Ноласи теварак-атрофга таралди. Узининг теварак-атрофига, холос.

Бердибой гоҳо ўзича орзу қиларди: қани эди, ака-укалар баримиз бир жойда, масалан дейлик, момамнинг боғида — даштда яшасак, бир қўра, бир кўрғон бўлиб! Топган-тутганимизни кечқурун бир қозонга солсак, бирга есак, бирга турсак! Майли, бобой ётса ётаверсин бизнинг давримизда даврон суриб — янги китобини ўқийдими, эски китобини ўқийдими, ўзи билади. Ота бўлиб бошимизда турса, дастурхонимизнинг тўрини тўлдириб ўтирса — кифоя, шунинг ўзи катта давлат бизга. Апам, хайр, чидар уч-тўрт кун, нима момамни боғлаб берибдими бу дунёга, ўзининг ҳам олдинги шашти йўқ... Сингиллар ҳам шу яқин-атроф хеш-ҳамсояга узатилган бўлса — иссиқ-совуғу яхши-ёмон кун деган гаплар бор. У, қани

бундай бўлса! Ана ўшанда меҳр-оқибат ҳам, оға-иничилигу ота-болалик деганлари ҳам бошқача бўларди.

...Йўқ, Бердибой, бу тушингизни сув аллақачон оқишиб кетган! Биласизми, биз бугун қандай замонда яшаймиз? Энди бизнинг ҳар биримизга алоҳида бир қўрғон керак! Деворлари шундай баланд, ўзи шундай пинҳон қўрғонки, на отдан бўйлаб бизни кўра оласиз, на осмондан қараб! Бу шундай бир қўрғонки, гоҳ юксак юлдузлар орзусида, гоҳ заминдаги майда бир ҳавасчалар илинжида ўртаниб, баъзан ўзимиз ҳам ўзимизни йўқотиб, тополмай сарсон юрамиз...

Аmmo, қўрғонимиз муттасил ҳаракатда — улкан бир кеманинг бағрида у. Кемадан тушиб қолиб бўлмаса — жон ширин, дунё қўрғур умидли...

Бердибой тиришиб-ториқиб шаҳар томонга назар солди: нега борди ўзи шу ёққа? Уқишга кетадиган бўлса кетарди, қораси кўздан йитарди! Бундай аламу азоб ҳам кам эди.

Аста-секин теваракни шом қоронғиси чулғаб, шаҳар тарафда чироқлар милтиллай бошлади. Электр чироқлар. Гўё шулар ҳам пайдар-пай кўз қисиб, уни масҳара қиларди. Баттар алами жўшди Бердибойнинг. Яқин йилларгача момосининг уйга чироқ ўтказилмаган. «Чилла» кестак ҳам, эҳтиж ҳам йўқ эди. Йилангидан йилгача хотини тўқийди. «Чилла» кестак эди... «Кечаси ташқари чиққани кўрқяпман», деб туриб олди. Илгари Бердибой уйига электр ўтказса, худди ўзигагина маҳрам қандайдир муқаддас сир оламга ошкор бўладигандек, осуда-осойишта ҳаётига аллақандай ғанимлар бостириб қирадигандек бўлиб туюлар эди. Ахир, ҳамма балони шу бошлаб келди-да! Шу бўлмаса, радио ўқирмиди, телевизор кўрсатармиди! Шу бўлмаса... Бердибойнинг бошида бунақа савдолар ҳам йўқ эди. Шу бўлмаса, танкаю ракета деган ваҳималар ҳам бўлмасди. Нега шуларни ўйлаб чиқарди экан одамзод? Ўзига ўзи бало орттиргунча, тинчгина кунини кўриб ўтираверса нима қиларди?..

Ёвуз бир кайфиятда эди ҳозир Бердибой! Кўйиб берсаки, оламдаги жами электр чироқларни радио-телевизорларни синдирса, мажакласа, янчиб ташласа!.. Лекин — одамлар-чи, шуларни ўйлаб топган одамлар-чи?! Э, ҳаммасининг бўлгани бўлган, энди о д а м қилиб бўлмайди буларни!

Осмонни ларзага солиб, яшил-қизил чироқларини липиллатганча самолёт учиб ўтди. Қоронғида аллақандай парранда, тўрғаймикан, нақ Бердибойнинг тепасида чарх уриб айланди, қанотларининг эпкени ҳам сезилгандек бўлди. Уч-а, қирғинга учрагурлар, уч!

Бердибой жаҳл билан оғзидаги носни тупуриб, ўрнидан турди. Югургудек ҳаллослаб дўнгдан тушди, мотоциклининг олдига борди. Кўзига у ҳозир бир уюм керакка темир-терасадек хунук, дардусан кўриниб кетди. Туриб-туриб, алаמידан шартта бузилган кажавасидаги ҳуржунни четга олиб қўйиб, мотоциклини суриб борди-да, сел ўпирган сойлик — арнага итариб юборди. Негадир, кутганидек қаттиқ тарақламади, бир ўрам сим тошга бориб тушган каби садо берди, холос.

Асли, алмисондан қолган бу шалақараванинг соғ-жойи йўқ, совхоз неча йиллар бурун уни ҳисобдан чиқариб ташлаган, Бердибой у ёқ-бу ёғини ялаб-ясқаб, бозор-ўчаргаю қозон-товоқ орасида миниб юрар эди. Ажаб бўлди, шу баҳона қутулди-қўйди!

Бердибой оғир бир хўрсинди-да, ҳуржунини елкалаб йўлга тушди.

Тун зим-зиё, милт этган шуъла йўқ, тўрт тараф бийдек дашт, манзили, елкасида зилдек ҳуржун, туртина-суртина бир одам пиёда кетиб боради.

Узоқ йўл юрди у, йўл юрса ҳам мўл юрди у. Юра-юра шундай бир гўшадан чиқиб қолдики...

...«Ажиналар» ҳеч ажабланмай, ҳатто алланечук хушҳоллик билан қарши олишди уни, даврага таклиф қилишди. Ҳаммасининг кайфи бор, унинг ҳам қўлига дарҳол пиёла тутқазилди. Нотаниш бир ҳаяжон ичида, ўйлаб ҳам ўтирмай ичиб юборди у. Хиёл боши айланиб, ўзини унутган эканми, аста ёнига чўккан шарпадан сапчиб тушай деди. Сочлари тўсдек, яримяланғоч бир «ажина». Баданию юз-кўзида томчилар милдирайди — ҳозиргина анови сувдан чиққан. Ие, Ражаб боди ҳам шу ерда юрибдими?! Ҳа, ана, бир даста кабоб кўтариб келяпти. Даврадан четроқда, икки тошнинг орасига бош суққанча, кўзлари ёшланиб тутун пуфлаётган майкачан кимса шу экан-да. «Тошкентдан билла ўқиган жўралари келган». Давранинг иззатли жойи — кўрпача устида ёстиқ қучоқлаб сипороқ ўтирган анови нотаниш йигит ўша, Тошкентдан келган меҳмон бўлса керак. Бошқалари кўзига бирмунча иссиқ кўринади, чамаси, район марказидан чиққан ёш-яланг...

— Э! Парда Қурбон бобомизнинг улими? — деди Ражаб қўлидаги кабобни ўртага қўяркан, унга кўзи тушиб. — Қалайсиз, Бердибой? Йўл бўлсин? Мунчоқлигами? Кеч йўлга чиқибсиз-да? Бундай, пиёда? Камнамороқми ўзи кейинги пайтда? Ҳалиям қишлоқда — Мунчоқлида? Бўлимда? Зоотехник?.. Ҳа-а, маладес!

Бердибой унинг бирорта сўроғига чурқ этмади, хўмрайиб ўтираверди. Ражаб ҳам жавоб кутмади — ўз саволларига ўзи жавоб қайтарган эди.



Расми Мирхамид СОБИРОВ чизган

— Биттадан олсак! — деди у сўнг меҳмонга қараб такаллуф билан.

— Ихтиёри ба шумо, дейдиларми...

— Совуқмасмикан? — деб сўради меҳмон боя сувдан чиқиб келган «ажина»дан. — Мен ҳам бир тушсамми девдим.

Елкасига сочиқ ташлаб ўтирган «ажина» дик этиб жойидан турди:

— Ҳе, шу шаҳарликлар нозик бўлади-да! Турдик! Ҳамма! — У сочиғини тошнинг устига отиб, патира-путур сув оралай кетди.

— Турдик!

Дастурхон бошида Бердибойни ёлғиз қолдириб, барча ўрнидан кўзгалди. Ражаб боди бўшаган сихларини кўтариб «кўра»си томон кетди.

Гулхан шуъласида ялт-юлт товланаётган мавжлар, яримянлағоч кўланкалар. Шалоп-шулуп, шатир-шутур. Зим-зиё тунни бошларига кўтариб кийқиришади, бир-бирларига сув сепиб қочишади... Ажинабазм, тус ажинабазм!

Бердибой нима қилиб ўтирибди бу ерда? Қандай келиб қолди у?

Елкасида зилдек хуржун, қоронғида тусмол билан қадам ташлаб бораверди, бораверди — ҳеч йўлнинг адоғи йўқ. Юра-юра шундай бир манзарага дуч келдики, қараб кўзларига ишонолмади. Сойликка ўхшаш ўзан. Аллақайқдан гулдирганча бир қувур сув отилиб чиқяпти. Гулхан, қандайдир кўланкалар, ғовур-ғувур... Бердибой ҳангу манг бўлиб қолди: Нима, адашдимми? Болалигидан буён кезавериб товонлари тўзиган бу дашту адирда сира бундай манзилни кўрмаган, бунақа манзарага ҳам учрамаган эди. Ё, ажиналармикан? Ухшайди. Ана — сув, гулхан... Момам айтар эди: ажина қоронғи бир хилват жойда, ёлғиз пайтингда учрайди, деб. Тўғри айтиб экан: мана, қоронғи хилват жой, бир ўзим... Уни кўрқув босди, тиззаларининг кўзи қалтирай бошлади. Сўнг, ўзини дадилликка олиб, дўнгнинг тепасига чиқди-да, «Хў-ўв!» деб овоз берди. «Нима-а?» деган овоз қайтди пастдан. Одамга ўхшайди-ку! «Ки-им?» деди Бердибой энди дадилроқ. «Ажиналар! — деди ҳалиги одам. Кейин, уни чўпон гумон қилдим, чақирди: — Келинг, бойбобо, келаверинг!» Бердибой аста дўнгдан эниб, гулханга яқинлашди. Қараса — бир тўп йигит-яланг; зиёфат авжида, давра чортанг! Четроқда иккита «Жигули» ҳам турибди...

Дастурхонга фотиҳа қилгандек кафтларини юзига тортиб, Бердибой секин жойидан кўзғалди. Вазмин одимлаб Ражабнинг тепасига борди.

Мана, ўша Ражаб боди, қон-қиёмат душманинг! Қўлингга тушди ниҳоя! Гапир гапирарингни, қил қиларингни!..

— Буйтиб юргунча, уйгинангизга бориб, хотингинангизди олдида телевизионингизни кўри-иб ўтирмайсизми?! — деди Бердибой аччиққина оҳангда чимдиб.

— Телевизорда нима бор, Бердибой, дунёнинг бор гашти мана шунда-ку! — деди Ражаб унинг пичингига мутлақо бепарво, аллақандай беғараз бир самимият ва хушчақчақлик билан. — Кўраман десам, ана — телевизор мошинда! — Сўнг у кафтининг кўзи билан чап қоғоғини ишқалай-ишқалай қаддини ростларкан, чўмилаётганлар тарафга қараб қичқирди: — Чори-и, теликни кўй — футбол-ол!..

Бердибойнинг кўзига Ражаб боди сирли одам бўлиб кўринди. Бояги шаштиқ ғазабини бир зумга унутиб, дафъатан унга ҳаваси келиб кетди. Бир ҳисобда шунки маза! Яшашни биледи бу: ўзи оддий ўқитувчи, мактабда физикадан дарс беради-ю, бир қарасангиз — доим қўлдан нимадир ясаб, темир-терсақнинг ичида юради, бир қарасангиз — мана бундай дала-даштда бир чимдим гўштни деб тутун пуфлаб ётади. Аломат! Шу ерга ҳам олиб келибди-я телевизорини...

— Сиз нима дейсиз гапимга, Равшанжон?

— Тўғри айтасиз, дунёнинг лаззати мана шунда, мана шундай ажойиб ўтиришлару ажойиб жойлар, ажойиб кенгликларда! — деди каттақон сочиққа ўранганча жунжикиб уларга яқинлашган меҳмон ийигит. — «Пикник» дейишади буни, чинакам пикник бу! Бизни ҳам ана шу нарса бошлаб келди-да бўтга, Ражабвой! Умуман, ҳозир бутун дунёда табиатга кескин қайтиш жараёни бошланган. Масалан, цивилизациянинг чўққисига етишган Франциядек мамлакатда ҳам ҳозир уйда нон ёпиш расм бўлган эмиш. Дуконнинг нонидан қўлбола нонни афзал кўришаркан-да. Бу ҳатто антиқа бир машғулот, антиқа бир... таом, тансиқ таом ҳисобланар экан!

— Хў-ў, келинлар! Футбол!.. — деб бақирди Чори.

Чўмилаётганлар апир-шапир сувдан чиқиб, артина-кийина даврага ошиқишди. Ерга тўшоғлиқ шолчанинг бир чеккасида вағиллаб ётган мўъжазгина бир қўтига ҳамма маҳлиё! Бир тўпни деб шунча одам у ёқдан-бу ёққа югургани югурган!..

Муроди ҳосил бўлмай писиллаб қолган Бердибойни яна бояги бадбин, ёвузона кайфият чулғаман эди. Даврани четлаброқ жиларкан, телевизорга яқинлашганда у, худди қоқилиб кетганга ўхшаб, уни секингина бир тепиб ўтди.

— Ў, ў, Бердибой, нима қиялпсиз! — дея чинқирди ўрнидан сапчиб турган Чори. — Кўз борми?! Ё кайфингиз ошдими?

Бердибой пинак бузмай, бориб хуржунини ердан кўтарган эди, Ражаб унинг олдига келди.

— Ҳа, Бердибой? Ўтирмаймизми? Нима, ё обориб кўяйми? — деди у қоронғиликда турган машинаси томон ишора қилиб.

Бердибой илкис уни кўкрагидан қаттиқ итариб юбордию бир силташда хуржунни елкасига олиб, буриласолиб жўнаб қўйди.

Кутилмаган зарбдан ағанаб, ерга ўтириб қолган Ражаб негадир хахолаб кула бошлади. Сўнг орқадан унинг гапи эшитилди:

— Мана шундай келиб-келиб тури-инг, Бердибой!..

Яна ўша зим-зиё тун, яна ўша тўрт тарафи бийдек дашт, яна ўша зилдек хуржун, х у р ж у н — туртина-суртина пиёда кетаётган бир одам... Бир олам!

Бердибой қаёққа қараб бораётганини ўзи ҳам билмас, негадир бу ҳақда ўйламас ҳам, нуқул ҳаллослаб-ҳарсиллаб олдинга интилгани интилган эди. Анчадан сўнг қир бўйида қандайдир чироқ милтиллаб, чайланингми, капанинг қораси кўринди. Уша томонга бурилди у...

Кападан шабпўшини кафтига уриб қоқа-қоқа, ярғоқбош бир қария чиқди: — Келинг, меҳмон. Бахайр?

Салом-алик қилдилар. Муддаосини айтди Бердибой.

— Мунчоқлиданман, денг? Кимди ули бўласиз?.. Ҳе, у бизнинг ошна-ку! Фронтга бирга жўнаганмиз. Кўп оғир, бамаъни одам. Ҳай, уйга киринг, ётиб кетинг. Эски ошнамизнинг ули экансиз... Боришим шарт, денг? Ҳе, бир кеча ўн кеча бўлама, борасиз-да шу уйингизга ҳам!.. Улов десангиз, анов «пат-пат»нинг мойи соб бўлган, ҳафта бери — ётибди. Нима? Эшак-пешак дейсизми? Эшак нима қилади бизда, оғам! У жонивор ҳам қирилиб битди ҳисоб. Паданг томонларда қолмаган бўлса битта-ярим... Э, улариам бир...

Қария билан хўшлашиб, у кўрсатган йўл бўйлаб қоронғиликка шўнғиркан, таажжубдан Бердибойнинг боши қотди. Бу ерларни Оққўтон дейдими у? Чиллаи чор маҳаллигидан мана шу дала-даштда ўсиб, бундай жойни эшитмаган ҳам экан, бунақа ерларни кўрмаган ҳам. Бугун ўзи бир балага учрабди: нуқул адашади, нуқул...



Бир маҳал узоқдан нимадир йилтиллади. Ёнарқуртдек бир нима: У яқинлашиб келаверди, келаверди. Катталашди. Одамга ўхшайдими... Одамнинг кўзи шундай ёнарканми қоронғида?! Узиям баҳайбатроқ кўринади. Орқасида думсимон нимадир ерга сургалиб келяпти. Ана, ёли ҳам бор. От экан-да, калла! Ие, от икки оёғида юрадимиди! Қанақа махлуқ бу ўзи — вишиллайди? Моторнинг товушига ҳам ўхшайдими? Бензин ҳиди келяпти, ҳа, ҳа! Мотоцикли... Ё пирим, бу нима бало бўлди?!

Бало, бало!

Бердибой шунда сизди: қандайдир сойликка тушиб қолибди. Икки ёни тик жар. Бояги сойликнинг адоғи эмасми? Ушанга тус беради...

«Бало» ҳамон бостириб келмоқда эди. Орқага қочай деса — у ёқда ановилар, олдинга юрай деса...

У аста-аста ўрликка томон тисланаверди — «бало» тўғри унга қараб келаверди, у тисланаверди — «бало» бостириб келаверди...

Бу пайтда...

Эрини кута-кута зериккан Ойрўзи катта қизини Тиниқ момога ташлаб, кичкинасини кўтариб, эри бултўр қорбўронда адашиб ҳалок бўлган бева қўшнисиникига телевизор кўргани чиққан; мана, ҳозир рўзғор юмушларидан ҳориган хотинлар ўтирган жойларида пинакка кетишган, томошалари поёнига етиб, экранда «қорбўрон» бўлиб ётар эди.

...Гулсанам эса, чамадончасини кифтига қўйиб, мулла Шодининг невараси билан марказга қараб чопди. Тонгги автобусга улгуришлари керак!





Оқилжон Ҳусанов

## ҲАМКАСБЛАР

Август ойи охирлаб, жазирама иссиқ бир оз пасайди. Ёз бўйи қирқ даража атрофидаги ҳароратдан қийналиб юрганлар: «Хайрият-е, ҳақиқат бор экан-ку», деб энгил нафас оладиган бўлдилар. Бир неча кун аввал сув дўконларию пивохоналарнинг яқинига йўлаш қийин эди. Мана бугун сотув пештахталаридан пивони ҳам, «Тошкент суви»ни ҳам бемалол сотиб олиш мумкин.

Ҳа, сунбула кирди. Кечқурунлари эсадиган шабада одамга бирам ёқадики!.. Аммо ҳали ёппасига костюм кийиш мавсуми бошлангани йўқ. Ҳамма кўйлақда юради, кундузлари ҳарорат кўтарилган соатларда одамлар яна соя-салқинни кўзлаб қолишади.

Шаҳарда барча одам кўйлақда юрибди-ю, Тўхтамурод оҳорли костюм кийиб, бўйнига галстук боғлаб олибди. Енида — ясаниб, атлас кўйлақ кийиб, бошига зарли пешонабоғ ўраб, қулоғига тилла исирға таққан хотини. Тўрт томонидан боғланган торт ҳам хотиннинг қўлида. Тортнинг устида бежиримгина қоғозга нимадир қистириб қўйилган.

Йўлкада кетиб боришяпти. Эр-хотиннинг кайфияти чоғ. Хотини гоҳо унинг қўлтиғидан тутиб, нималардир дейди. Тўхтамурод эса, ўзини салобатлироқ кўрсатиш учунми, хотинига сиполик билан жавоб қайтаради.

Кеч кира бошлаган. Шаҳар кўчаларида одам кўп. Баъзилар ишдан қайтмоқда, баъзилар кечки сайрга чиқшган, оҳиста одимлаганча суҳбатлашишади. Тўхтамурод билан хотини эса Тарихни ўрганиш область музейининг директори, Тўхтамуроднинг устози Манзар Эгамовнинг юбилейига боришяпти.

— Манзар ака хўп яхши пайтда туғилган экан-а, Инобат, — деди Тўхтамурод хотинига қиё боқиб. — Қара, об-ҳаво мўътадил, мева-чева фарқ пишган. Бахти бор одам-да. Инсон қайси пайтда туғилишни ҳам билиши керак экан.

— Қизиқсиз-а, Тўхтамурод ака, — деди хотини энгилгина кулиб, — қачон туғилиш одамнинг ўз ихтиёридами ахир?..

— Шунчаки ҳазил тариқасида айтяпман-да...

— Сиз ҳам ёмон пайтда туғилмагансиз. Бир ойдан кейин туғилган кунингиз бўлади. Қирқ ёшга тўласиз. Тўхтамурод ака, биз ҳам юбилейингизни ўтказасак-чи? Кўрганнинг куни ортиқ, деганлар.

Хотинининг гапи Тўхтамуродга ёқмади шекилли:

— Э, ҳали биз ким бўлибмизу... Юбилей ўтказишга йўл бўлсин, — деди.

— Нега ундай дейсиз? Жуда катта бўлмаса ихчамроқ қилиб ўтказармиз,

қариндош-уруғларни, ёру оғайниларингизни қақриб... Манзар аканикидай бўлмаса, мундайроқ бўлар... Ахир кимсан, директор муовини деган номингиз бор. Манзар ака театрда иккита пьесани қўйдирган бўлса, сиз ҳам битта пьеса қўйдиргансиз. Ҳали яна қўйдирасиз.

Тўхтамурод идорадаги ишлари, ўзининг ижодий режалари хусусида баъзан хотини билан ўртоқлашарди. Ҳозир эса: «Ижодий ишларни тушуниб-тушунмай гапираверишинг нима кераги бор», деган маънода хотинига қараб қўйди-ю:

— Манзар акаларнинг йўриғи бошқа, Инобат, — деди ички бир дард билан. — У киши область миқёсидаги одамлар қаторида юради.

Иккаласи бир дақиқа жим кетишди.

— Сиз Манзар акадан роппа-роса ўттиз ёш кичик экансиз-а, Тўхтамурод ака, — деб қолди хотини кутилмаганда. У ўз «ихтиро»сидан хурсанд ҳам бўлиб қўйди. — Қаранг-а, шунингиз сиз ўйлаб ҳам кўрмагансиз.

— Ўйлаб кўришдан нима фойда? — деди Тўхтамурод бепарво. Инобат эрининг ички дардини бир қадар ҳис этгандек:

— Манзар ака энди пенсияга чиқармикан, Тўхтамурод ака? — деб сўради.

— Қайдам, энди чиқаверса ҳам бўларди...

— Манзар ака пенсияга кетса, ўрнига сизни қўйишармикин ўзи?

— Қачон кетса, ўшанда маълум бўлади-да.

— Бир гал айтувдингиз-ку, қачон пенсияга чиқсам, ўрнимга сени қолдириб кетаман, деди деб.

— Э, кўйсанг-чи, Инобат, бу гапни Манзар ака ўн тўрт йилдан бери айтади. Ҳали у пенсияга чиққунча, билмадим...

Кўчадан онда-сонда машиналар ўтиб қолар, машина узоқлашгач, Тўхтамуроднинг секинроқ қадам ташлаши, Инобатнинг туфлисидан чиқаётган бир маромдаги «тақ-туқ, тақ-туқ» деган овоз қулоққа чалинар эди. Улар индамасдан иккита кўчани кесиб ўтишди, сўнгра ўнг тарафга бурилган кўчанинг йўлкаси бўйлаб юришди. Эр ҳам, хотин ҳам ўз хаёллари билан банд.

...Тўхтамурод институтни битиргандан сўнг мактабда икки йилгина муаллимлик қилди. У шеърлар, пьесалар ёзиб-чиқиб юрарди. Ижодий муҳитга яқин бўлишни ўйлади-да, мактабдан бўшаб, музейга ишга кирди. Янги жойда ишга тез киришиб кетди. Экспонатлар остидаги табличкаларни янгилаш, янги экспонатларга ўзбекча, русча ном қўйиш, ходимларни ишга солиб, экспонатларнинг чангини эҳтиётлик билан арттириб туриш, область ва шаҳар ташкилотларига ҳисоботлар тайёрлаш, баъзан директор номидан, баъзан ўз номидан газеталарга мақола ёзиш, ҳар хил мажлисларда қатнашиб каби вазифаларни Тўхтамурод зўр иштиёқ билан, ўз тили билан айтганда, «уйнаб-ўйнаб» бажарар эди. Бунинг устига музейга кириб чиқаётган томошабинларга яхши гапириб, кўпидан «Эсдалик дафтари»га бир нима ёзиб қолдиришни сўрарди. Томошабинлар эса, унинг илтимосини икки қилишолмасди.

Қисқаси, у музей директори Манзар Эгамовнинг кўнглидагидай ишларди. Бу орада директорнинг кекса муовини Акрам Бакиров вафот этди. Директор дарҳол унинг ўрнига Тўхтамуродни тайинлади. Бошқа муносиброқ одам йўқ эди-да! Уша кунларнинг бирида Манзар ака ўзаро суҳбатлашиб ўтириб:

— Пенсияга чиқишимга тўрт йил қолди, Тўхтамурод, — деди. — Олтмиш ёшдан кейин бир кун ҳам ишламоқчи эмасман. Етар шу ёғи. Бир қиз билан бир ўғилни уйли-жойли қилдим. Тўрт йилгача яна иккитасини тўй қилсак, қолган иккита кенжатай бир гап бўлар... Мен кетсам, ўрнимга ўзинг директор бўлиб қолсан. Бу ҳақда юқоридагиларга ҳам айтиб қўйганман...

Тўхтамурод бир қадар хурсанд бўлди, шу билан бирга Манзар Эгамовга раҳми келди. «Ҳаёт қонуни шу экан-да. Инсон бари бир вақти-соати билан кексайиб, ўрнини кейинги авлодга берар экан-да», дея кўнглидан ўтказди. Директори худди эрта-индин хайрлашиб кетиб қолаётгандек унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб деди:

— Ҳали бақувватсиз-ку, устоз. Ҳалитдан пенсияни ўйлаверманг.

— Ёшинг бир жойга боргандан кейин ўйламасанг бўлмас экан, ука, — деди Манзар ака. Тўхтамуроднинг назарида устози кўзига ёш ҳам олгандек туюлди...

Кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтаверди. Манзар ака, ўзи айтгандай, яна иккита фарзандини уйли-жойли қилди. Бу орада ўзининг олтмиш йиллик юбилейини ҳам ўтказди. Тўхтамурод: «Энди устоз пенсияга чиқиш ҳақида гап очиб қолса керак», дея бир неча ойгача унинг оғзини пойлаб юрди. Аммо кунлардан бир кун Манзар ака яна бир-икки йил ишлаб, бешинчи фарзандини ҳам уйли-жойли қилиб, сўнгра пенсияга кетажagini айтди. Тўхтамурод андишали йигит-да, хафа бўлмади. Фақат ичида: «Олтмишда пенсияга чиқаман, деб ўзи олдиндан айтиб қўймаганида шунчалик ошиқиб кутмас эдим», деди кўнгли ўксигандек...

Манзар ака икки йилдан кейин ўғлини ҳам уйлантирди. Лекин шундан кейин ҳам пенсияга чиқиш тарадудини кўравермади. Олтмиш ёшга етган кундан

бошлаб 120 сўм пенсия пули кела бошлади. Манзар ака ўз ишига пишиқ одам, пенсия олиш ҳақидаги ҳужжатларини ўз вақтида тўғрилаб юрган эди. У энди ҳар ойда, мойнасини кўшганда, 300 сўмдан пул оларди. Музей фарроши София опа тили билан айтганда, ишламасдан ҳам хўрдани урарди, ҳам бурдани урарди.

«Ишламасдан» деган сўзни София опа аламидан айтарди чамаси. Аслида Манзар акани ишляпти деса ҳам бўларди. Чунки кун аро, икки кунда музейга келиб-кетарди. Келган пайтларида Тўхтамуродни ўз хонасига чақириб: «Ҳеч ким келмадимми, ҳеч ким телефон қилмадимми?» деб сўрарди. Сўнгра ходимларнинг келди-кетдисини суриштирарди... Ишга келмай қолган кунлари эса, телефон қилиб, ўзининг бир оз тоби йўқлигини, бир-икки кун боролмаслигини албатта айтиб қўярди. Нафсамбрини айтганда, Манзар аканинг ишга келгани ҳам, келмагани ҳам унчалик сезилмасди. Шундай экан, яъни музейдаги ишлар тўхтаб қолмаётган экан, уни ишламапти деб бўладими ахир! Ўзи ҳам ишлаб юрганига тўла-тўкис ишонарди. Шунинг учун ишга келмайдиган кунлари: «Йўқлигимни билдирмай ишлаб тураверинглар», деган гапни телефонда тайинлаб қўярди.

Авал унчалик сезилмасди-ю, вақт ўтиши билан Манзар ака хиёл сергапроқ бўлиб қолди. Ишга келган кунлари гоҳ Тўхтамуродни, гоҳ бошқа бир «дили сўйганроқ» ходимни ўз хонасига чақириб, бир-икки соатлаб гап берарди. Бир куни у Тўхтамуродга ўзининг исми қандай қилиб «Манзар»га айланиб қолганини ҳикоя қилиб берди. Ота-онаси асли унга «Маманазар» деб от қўйишган экан. Мактабни битириб, паспорт олаётганида кимнингдир айби билан исми «Маназар» бўлиб қолибди. Ўзи аввал хафа бўлибди-ю, кейин суюнибди. Чунки «Маназар»дан ўртадаги битта «а» ҳарфи олиб ташланса, чиройли исм пайдо бўлишини сезиб қолибди. «Манзар» сўзи «манзара» деган чиройли сўзга яқин-да! Газеталарга хабарлар ёзиб, остига «Манзар Эгамов» деб имзо чекаверибди. Сўнгра паспорт идорасига бориб, исмини ўзгартириб олибди.

Манзар ака гоҳо иш пайтида ходимларни ўз атрофида йиғиб, ёшлигида кўрган, эшитган қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб берарди. Бундай гапларнинг иш пайтида айтилгани яхши-да, одамлар зеркиш нималигини билишмайди. Лекин Манзар ака бора-бора бир марта айтиб берган ҳикоясини такрорлайдиган одат чиқарди. Ходимлар аввал ҳикоянинг қизиқлиги учун кулган бўлсалар, энди уни директорнинг оғзидан такрор-такрор эшитаётганларидан кулардилар.

Манзар ака ўзининг олтмиш беш ёшида ҳам кичкинагина юбилей қилиб берди. Шундан кейин Тўхтамуродга кенжа қизи Асолатни ҳам турмушга бериб тинчигач, пенсияга чиқажагини айтди.

— Эскиларнинг «кенжа-кенжа» деб айтишларида бир ҳикмат бор экан, Тўхтамурод, — деди у бир куни ўз ички дардини шогирдига ёрган бўлиб. — Бу Асолат синглинг чиндан ҳам жуда тантиқ, ўжар қиз бўлиб ўсган экан, ўзим ҳам билмас эканман. Шу десанг, уйимиздан совчи аримайди. Синглинг эса, ҳеч кимни ёқтирмайди. Унисини ўпоқ дейди, бунисини сўпоқ дейди. Янганг иккаламиз ҳайронмиз. Куёвлар ҳам, келинлар ҳам ўртага тушяпти, ҳеч кўнмайди. «Вой шайтон-е, сенга осмондаги ой керакми?» деб ўйлайман ичимда... Шу ишдан ҳам бир қутулиб олсам эди...

Тўхтамурод бу гапларни эшитаётганда Манзар ака негадир уни лақиллатаётган жодугарга ўхшаб кўринди. Шунинг учун бўлса керак, «синглиси Асолатнинг» тантиқлиги ҳақида ўйламади. Уни устозининг тўйдан кейинги режаси кўпроқ қизиқтирарди. «Шу эрка-тантиқ қизидан қутулганидан кейин кетармикан ёки музейдаги эски экспонатга ўхшаб ўз жойида тураверармикан?» деган гап Тўхтамуроднинг хаёлидан ўтди. Лекин ичидагини сиртига чиқармади.

— Асолатни янгам икковингиз ўртага олинг-да, қаттиқроқ гапиринг, — деди Тўхтамурод Манзар акага маслаҳат берган бўлиб. — Шунча одамдан биронтасини танласин-да, қариган пайтларингизда сиз билан янгамга нима азоб? Сизга раҳми келсин. Энди сиз ҳам аввалгидай ёш эмассиз.

Манзар ака, ўзининг кексаяётганини биринчи марта эшитаётгандек, Тўхтамуродга бир зум қараб турди-да:

— Гапинг тўғри, — деди.

Хуллас, кенжатой қиз Асолат ҳам турмушга чиқди. Тўйдан кейин бирор ҳафта ўтар-ўтмас Манзар ака музейга янги бир гап топиб келди:

— Бундоқ ўйлаб қарасам, музейимиз ташкил этилганига икки йилдан кейин эллик йил тўлар экан. Энди юбилей ўтказишга тайёрланишимиз керак, Тўхтамурод. Тайёргарликни барвақт бошламасак, бўлмайди, кейин шошиб қоламиз.

«Оббо, яна муҳлат чўзилди-ку, — деди умиди тагин чиппака чиқаётган Тўхтамурод. — Майли, кутаверамиз...»

Икки йилдан кейин музейнинг юбилейи ҳам ўтди. Область театрида ўтказилган тантанали мажлисда, одатдагидай музей директори Манзар Эгамовга орден, Тўхтамурод билан икки-уч ходимга Фахрий ёрлиқ топширилди.

Музейнинг ярим асрлик юбилейи ўтказилгандан кейин Манзар аканинг етмиш

ёши яқинлашаётгани маълум бўлиб қолди. «Атиги бир ярим йил вақт қолибди, тишни тишга қўйиб кутиш керак, — дея ўйларди Тўхтамурод ўша кунлари. — Қирқига чидадик, энди қирқ бирига ҳам чидаймиз-да! Халқимиз азалдан андишани яхши кўради, ахир мен ҳам шу халқнинг бир заррасиман-ку. Лоақал етмиш ёшдан кейин ўз ўрнини бошқаларга бўшатиб берар бу чол».

Тўхтамурод директорининг тезроқ пенсияга чиқишини кутаётгани учун баъзан ўзидан ўзи уялиб кетарди. Узини гўё бировнинг ўлимини кутаётган ёвуз кишиларга қиёсларди. Қизиғи шундаки, энди Манзар Эгамовдан кейин музейга директор бўлиб қолиш ҳаваси ҳам негадир сўниб борарди. Бунинг ўрнига қалбида ўз вақтида ёшларга жой бўшатиб бермайдиган Манзар ака ва унга ўхшаган қарияларни ёмон кўриш ҳисси кучаймоқда эди.

Баъзан бирон мартабага эришиш ёки бирон идорага раҳбар бўлиш илинжида юрган кишини мансабпарстликда айблаймиз. Бироқ ўша вазифада аввал ишлаб келган одам билан шу мартабага эришмоқни истаган кишининг ишчанлигини қиёслаб кўришни эсдан чиқариб қўямиз. «Мансабпараст» деган сўз бамисоли бир пардага айланади-ю, ўша идора ёки корхонадаги ишнинг келажақдаги равнақи ёки таназзулини кўрмай қоламиз. Шу нуқтаи назардан Тўхтамуродни ҳам мансабпараст деб бўлмасди. Мабодо у Манзар Эгамовнинг ўрнига директор этиб тайинланса, бу ердаги иш аввалгисидан кўра ҳар қалай жонланар эди. Чунки Манзар Эгамов кейинги йилларда, ишхонага кам келиши етмагандек, музейда бирор янгича иш услуби яратишга йўл қўймас, тўғрироғи, ишга халақит берар эди. Масалан, бундан икки йилча аввал «Мотигада ер ҳайдаётган деҳқон» деган ёзувли табличкани «Омочда ер ҳайдаш» деб ўзгартиргани учун Тўхтамурод директордан қанча дакки эшитди...

— Нима бало, онангиз сизни бир оғиз гапирмасдан туққанми дейман, — деди Инобат эрининг қўлини силкитиб. Тўхтамурод чўчиб тушди. — Боядан бери бирор оғиз гапирармикансиз деб атайин индамай келяпман. Чурқ этиб оғиз очмай-сиз-а. Юбилейхонага етай деб қолдик, ана, одамлар турибди.

Тўхтамурод айб иш қилиб қўйган боладек хотини тарафга қараб илжайди.

— Хаёлга берилиб кетибман, Инобат... Нимани гапирай ахир? Мана, ҳозир юбилейга кириб борамиз. Қанча гап керак бўлса, ўша ерда эшитаверасан.

Манзар аканинг ҳовлисига кириб бордилар. Ишқом остидаги узун саҳнга икки қатор стол қўйилиб, анвойи ноз-неъматлар билан безатилган. Магнитофондан янграётган ашула овози бутун ҳовлини тўлдириб, атрофга ҳам таралмоқда:

**Онам айтар: эринмай,  
Жоним, тўйга бор, бор!  
Боролмайман, онажон,  
Ор қиламан, ор, ор...**

Ҳали меҳмонлар тўпланишмапти: ҳар ер-ҳар ерда беш-олтита одам бир пиёладан чой ичишиб, оҳиста сўзлашиб ўтиришибди. Манзар ака билан хотини тўрға кўндаланг қўйилган стол ёнида туришган экан. Тўхтамурод юбиляр устозини кучоқлаб, ўпиб табриклади. Инобат ҳам Манзар аканинг хотини билан худди шу тарзда сўрашди. Магнитофон халақит бераётгани учун ҳамма қаттиқ-қаттиқ сўзлашар, ҳовлида ғала-ғовур овозлар кўпайиб борар эди.

Ёш-яланглар столни безатиш билан овора: йигитчалар ҳар ер-ҳар ерда расамади билан хилма-хил шишаларни чиройли қилиб теришар, қизлару келинлар ликопчаларда сомса, бўлаклаб кесилган торт, хандонписта, шўрданак қўйиб кетишар эди.

Тўхтамурод суҳбати қовушадиган одам излагандек, ўтирганларни бундоқ кўздан кечирди-да, область театрининг режиссёри Расулмат Диёровнинг ёнига йўл олди. Диёров ёш жиҳатдан ҳам Тўхтамуродга тенгқур эди. У Тўхтамурод билан сўрашиб, ёнига таклиф қилар экан, Инобат ҳам режиссёрнинг хотини ёнидан жой олиб ўтирди.

Келадиغانлар келиб, стол атрофи меҳмонлар билан тўлди. Таклиф қоғозларида «соат 7» дейилганига қарамай, кечки соат саккиздан ошдики, ҳали ўтиришнинг расмана очилишидан дарак йўқ эди. Уй эгалари азиз меҳмонлардан кимнидир кутишарди. Ўтирганлар орасида «Эсонов келармиш» деган шивир-шивир тарқалди.

Область ижрокоми раисининг биринчи муовини Эсоновнинг ҳурмат-эйтибори бутун шаҳарга тарқалган. Тантанаворликни хуш кўрадиган, ҳаммининг эгилиб салом беришини ёқтирадиган бу одам вақти келганда ўзини раисдан ҳам баланд тутарди. Унинг катта раҳбарлардан бири билан яқинлиги тилга олинарди...

Манзар Эгамов сингари область миқёсида юрганлар ўз юбилейида Эсоновдек улуг шахснинг қатнашишдан фахрланишади. Чунки Эсонов қатнашган ҳар бир тўй ёки юбилей бу шаҳарда тарихий тўй, тарихий юбилей ҳисобланади. Шундай улуг



Расмни Суръат САЛОҲИДДИНОВ чизган

одамларни интизор бўлиб кутиш эса, даврада ўтирган меҳмонларга беқиёс ҳузур-ҳаловат бағишлайди!

Бир маҳал йиғилганлар жонланиб қолишди, ҳамма дарвоза тарафга қаради. Урта бўйли, тўладан келган киши дарвозадан кирди-ю, икки тарафда кутиб турганларнинг бир-иккитаси билан ошиғич сўрашди. Сўнгра аввалгидек чаққон ҳаракат билан иккала узун стол ўртасидаги йўлакдан ўта бошлади. Шу аснода икки тарафига бир-бир имо билан қараб, ўзини кутиб ўтирганларга табассум ҳадя этди. Ундан хиёл орқароқда бўйи Эсоновнинг елкасидан баландроқ семиз аёл — Эсоновнинг хотини пилдираб борарди. Ўтирганлар негадир қарсак чалиб юборишди. Гўё бу тантана Манзар Эгамовнинг юбилеи эмас, Эсоновнинг никоҳ тўйига ўхшарди. Эсонов кўндаланг қўйилган столнинг ўртасидан жой олди, хотинининг ҳам ўз ёнида ўтирганига ишонч ҳосил қилди-да, ўзига билдирилган ҳурмат учун икки қатор қўриққан оммага — барча меҳмонларга ташаккур изҳор қилиб, бош ирғаб қўйди.

Манзар Эгамов билан хотини «мўътабар меҳмон» Эсоновнинг ёнидан жой олишди. Нариги тарафда ҳам қандайдир аёллар, эркаклар ўтиришди. Хуллас, ҳамма жамулжам бўлиб, тантанали кеча очиладиган дақиқалар етиб келди. Магнитофоннинг овози ўчирилди. Кўндаланг столда ўтирганлардан бири — сўнги йиғирма йил давомида катта мансаблар зинапоясидан пастлаб туша-туша охири архив идорасига бошлиқ бўлиб келган Полвон Эгамназаров ўрнидан турди. Уртада юрган йиғитчалардан бири унга микрофон келтириб берди. Полвон Эгамназаров бир-икки бор томоғини қириб қўйди-да, гап бошлади. У ажойиб давримизга хос ажойиб аъёнлар пайдо бўлаётгани ҳақида сийқаси чиқиб кетган гапларни айтиб бўлиб, Манзар Эгамовнинг номи катта ҳарфлар билан ёзилса арзийдиган инсонлиги ҳақида бир нималар деди.

— Шу одам архив идорасига жуда тўғри қўйилди, менимча, — деди Тўхтамурод шеригига. — Ҳа, ҳам архивбоп одам-да. Гапларини бир тингланг...

— Дунёнинг ишлари шунақа, оғайни, — деди Расулмат Диёров. — Мана шу юбилей ўтказаетган Манзар Эгамов-чи? Унинг ўзи музейбоп одам эмасми? Кечирасиз, устозингиз ҳақида танқидий гап айтганимга хафа бўлманг.

Тўхтамурод индамади. У аввалига: «Бир одамнинг дастурхонида ўтириб ўша одамни ёмонлаш-одобдан эмас-ку. Бу гап ўзбекчиликка тўғри келмайди», деб ўйлади-да, негадир бошини буриб, юбилярга тикилиб қолди. Сўнгра ўзича: «Расулматнинг гапида ҳам жон бор», дея бошини биллинир-биллинир кимирлатиб қўйди. Бу орада Диёров Тўхтамуроднинг биқинига туртиб, гапини давом эттирди:

— Ниҳоятда шилқим одам. Олдинги пьесасини қандай қўйдирганини билмайману — унисини мендан олдинги режиссёр қўйган — кейинги пьесаси билан мени жуда гаранг қилиб юборди. Бир пулга киммат асар эди. Читка пайтида театр артистлари дабдала қилишди. Шундан кейин менинг уйимга қатнаганини кўрсангиз. Ҳали арақ, ҳали коньяк кўтариб бораверади. «Ҳой ака, нима қилиқ бу?» десам: «Бир бало қилиб шу пьесани ўтказиб беринг, ука. Ула ўлгунимча эсдан чиқармайман», дейди. Пьесасини бутунлай қайта ёзиб қикдим. Ҳазини соавтор деб қўйишга юзим чидамади. «Шу одам билан соавтор бўламанми?» дедим. Мана, қаранг, у кишини, машҳур драматург, деб мақташяпти.

Тантанали кечани олиб бораётган Полвон Эгамназаров бу пайт юбиларнинг драматурглик фаолиятини оғиз кўпиртириб мақтаётган эди. У Эсоновдек мўътабар шахснинг бу ерда ўтиргани «олтин узукка ёқут кўз» бўлиб тушганини ҳам гап орасида қистириб ўтди. Унинг тантанавор гапларидан кейин қадахлар кўтарилаётган пайтда санъаткорлар қўшққ бошлаб юборишди...

Бир жуфт ашуладан сўнг табрик учун Эсоновга сўз берилди. У баланд, ўктам овоз билан нутқ бошлади. Эсонов қайси бир тантанада иштирок этса, ўша ўтиришга алоҳида руҳ бағишлаб юборар, тантана иштирокчиларининг ақсариятини қойил қолдирар эди. Овозининг дадиллиги ва сўзларни дон-дона қилиб чиroyли ифодалаш билан кўпчилик ўтирганлар тасавурида янги бир гап айтаётгандек таассурот қолдирарди. Нутқини шундай бир тантанали оҳангда тугатардики, иштирокчилар беихтиёр қарсақ чалиб юборардилар.

Эсонов Манзар Эгамов шаънига анча-мунча лутф изҳор қилганидан сўнг бошқа юбилей тантаналарида айтадиган ҳазиломуз тилакларини бу ерда бир оз ўзгартириброк такрорлади:

— Мухтарам Манзар Эгамович! Мана сиз бугун шундай табаррук ёшдасизки, сизнинг нуруний чеҳрангиз билан ҳам, бажараётган ижтимоий вазифангиз билан ҳам шу ерда ўтирган барча қорақўзларга ажойиб намуна бўла оласиз. Бундан йигирма йил олдин эллик билан эллашганингизни нишонлаган эдик. Энди юз билан юзлашинг!

\* \* \*

Узининг етмиш ёшини нишонлаган Манзар Эгамов душанба куни соат ўн иккиларда ишга келди. Музей ходимлари уни бир неча кун аввал бўлиб ўтган юбилей билан яна бир бор табриклашди. Эгамов ҳамма билан сўрашиб бўлиб, Тўхтамуродни ўз хонасига бошлаб кирди-да, у билан узоқ суҳбатлашиб ўтирди. Энг аввал у ўзининг болалик, ўспиринлик йилларини эслади, сўнгра ўз муовинига ҳаётнинг оқар дарёдек «ҳайё-хув» дегунча ўтиб кетишини айтиб, инсондан фақат яхши ишлар ва яхши ном қолиши лозимлигини ўқтирди.

— Ана шунақа гаплар, Тўхтамурод, — деди у сўзининг сўнроғида, — умр оқар дарё деб бекорга айтмас эканлар. Кечагина бола эдик. Мана бугун ўн беш набиранинг бобоси бўлиб ўтирибмиз... Кеча катта қизим меҳмонга чақирувди. Мундоқ қарасам, унинг катта ўғли — катта неварам мўйлаби сабза уриб, овози дўриллаб қолибди. «Ҳа, баччағар, йигит бўлиб қолибсан-а? — дедим унга. — Кечагина нима деганингни ўзинг тушунмай чулдираб юрувдинг... Ҳалитдан уйланадиган йигит бўлиб қолибсан. Уйлантириб қўяйми?» десам: «Э!» деб уялади. Бўпти, сени ўзим уйлантириб қўяман. Бир-икки йил ишлаб сени уйлантираман-да, кейин пенсияга чиқаман, дедим. Тўғри айтибманми? Вой баччағар-е, уялгандай бўлади-ю, ўзи хурсанд, тескари қараб жилмаяди...

Тўхтамурод индамай ўтирарди. Манзар акага тикилганча: «Бу киши шу гапларни шунчаки айтаяптими ёки менинг жиғимга тегиш учун қувлик қиялптимми?» деб ўйларди.



Николай Красильников

## ОМОН БЎЛ, ДЎМБОҚ!

«Йўқ, оқибати яхши бўлмайди бунинг, шубҳасиз, бехосият гап бу, — деган ўй кечди ўрмонбегининг хаёлидан, ўзини ўрмон хўжалиги бошқармасига чақиртирганларини эшитганида. — Авжи ёз палласида, кечаю кундуз кўз-қулоқ бўлиб турадиган кезде бу ерни ташлаб кетиб бўларканми-я?...»

Кўриқхона сўқмоқларида тасодифий саёҳатчилар, — яшириб нима қилдик! — ношуд овчилар, ўғринча ов қиладиган қонунбузарлар ҳали-ҳозирча учраб туради...

У хаёлан ўзининг бепоён хўжалигига назар ташлади. Хўжалиги эса чиндан ҳам улкан эди. Шарқираб-шовуллаган тоғ дарёси мансаби қуюқ арчазор, пистазору дўланазорлар билан қопланган тоғ ёнбағирлари... Нақ тоғ ёнбағри этагида кўкламда чаман-чаман оч-пушти гулларга бурканадиган, ёзда ям-яшил либос кийиб, кузакда ловуллаган олов тусга кирадиган ажойиб ўрикзор бор. Бу ер ёввойи тўнғизлар ёқтирадиган маскан. Улар олдинда, тоғ чўққиларидан тик қоя-ёнбағирлардаги сўқмоқлардан қуйига тушиб келадилар. Бу маскан хатарли бўлса-да, кундузлари колхоз подалари ўтлаб юриб, шу ёқларга келиб қолади, уларга эргшиб чўпонлар ҳам келаверишади. Ахир, ширин хўрак иштаҳаларини кўзгаб, чорлаб турганидан кейин иложлари қанча? Тап-тап тўкилиб ётган ўрик шунчалар ширин-да, ахир...

Уйқу келавермайдиган кечалари Нури отанинг ўз «мулкини» «навбатдан ташқари» айланадиган одати бор.

«Юлдузли осмонга бекордан-бекор тикилиб ётишдан нима фойда? — хаёл қиларди у. — Уни авайлаб-қўриқлашнинг ҳожати йўқ, ерни бўлса — бу бошқа гап...»

Кучли, ҳайбатли ҳайвонларнинг иштаҳа билан кавшаётганлари шовқини олисданоқ эшитилиб туради. Бақувват тишлар исканжасида ўрик данаклари қасира-қусурига қақилиб, бамисоли писта пўчоғидай атрофга сочилади.

Табиат қучоғида олис шаҳар одамани бундай учрашув саросимага солиб, довдиратиб қўйиши ва ўтақасини ёриб юбориши турган гап. Бир кўз олдингизга келтиринг-а: зим-зиё тун чодрасига бурканган тоғ бағрида, қабристоний жимжитликка раҳна солиб, аллақандай ваҳшиёна базму зиёфатдан таралаётган мубҳаму ваҳимали товушлар билан танҳо ўзингиз бетма-бет турибсиз.

Нури ота эса тамоман бўлакча бир туйғуни ҳис этади бундай чоқларда... Ана шундай дамларни яхши кўради у. Одатда, рўпарадан шабада эсиб турган ва жониворлар шарпангни эшитиб, исингни ололмайдиган пайларда кўриқхона ходими — овчи товушларга қараб қари тўнғизни ҳам, унга содиқ мегажинларни ҳам, йўл-йўл тўнли қобонваччаларни ҳам осонгина ажрата олади. Подага қанча қўшилганини чамалаб ҳисоблаш, ўтган йилгиси билан таққослаб-чоғиштириб кўришни ўзиям қизиқда.



«Үх-ў! Сони кўпайиб, оилалари хийла каттариб қолибди-ку, — деб кулиб кўяди у ўз фикридан. — Ишқилиб анави лаънати ўғри овчилардан ўзи асрасинда!»

Йиллар ўтиб, ёш улғайиши билан кишининг фақат ҳаётий тажрибаси ортибгина қолмай, атрофини қуршаб турган жамики мавжудотга қандайдир ўзгача кўз, алоҳида диққат-эътибор, алоҳида идрок билан қараш ҳис-туйғуси ҳам ўткирлаша бораркан. Эҳтимол, донишмандлик, заковат деганлари шудир...

«Жуда хаёлга берилиб кетдилар чоғи, — мийиғида кулиб кўйди Нури ота, — ошириб юбордилар-ку! Донишмандлик қаёқда-ю, сен қаёқда... Шунчаки улкан еримизнинг ўзимга ишониб топшириб қўйилган бир парчагина қисмидаги гўзаллик оламини одамлар учун асраб-авайлаб қолишни истайман, холос».

Эҳ, қани энди ўша шовқин-сурон ва диму диққинафас шаҳарга бормай кўя қолса! Аммо иложи қанча: бошлиқларнинг буйруғи кўл остидаги хизматчилари учун қонун. Кўҳна ҳақиқат бу!

Эрталаб ўрмон хўжалигининг эски, шалағи чиққан «газик»ида шаҳарга етиб келганди у. Дирекция жойлашган даҳадан хийла берироқда Нури ота туси ўнгиб кетган дўппили, чорпаҳил шофёр йигитдан машинани тўхтатишини илтимос қилди:

— Укам, шу ерда тўхтат!

Шофёр нима гаплигини тушунмай, бораётган жойларига икки қадамгина қолганида машинани тўхтатишни нима кераги бор экан, деб ҳайрон бўлди-ю, лекин тормозни босди ҳар қалай.

— Бемалол, отахон! Лекин, нима гап ўзи?.. — деди хушмуомалалик билан, машина эшикчасини қя очиб.

— Пича пиёда юрай. Ўтиравериб оёғим увишиб қолибди десанг...

— Юрганга нима етсин-а! — маъқуллади йигит. — Эҳтиёт бўлинг-а, тагин бошлиқларимизнинг олдига борадиган йўлни чалкаштириб, адашиб қолманг.

— Қанақасига адашарканман! — жавоб берди Нури ота. — Ҳар йили кузда хўжалик ишларидан ҳисоб бергани қатнаб тураман-а, буёққа.

Машинадан тушдию ўша заҳотиёқ турли-туман кийинган, ғовур-ғувур қилиб, магазинларнинг ранго-ранг тусдаги лавҳалари, аравача-дўкончалари, аллақандай қутилар ёнидан ўтиб турган одамлар оломони орасида кўрди ўзини... Шаҳар ўз ташвишу қувончлари билан овора. Атрофидаги одамларнинг чеҳраларида кулгу, улар берилиб нималардир хусусида гурунглашиб, баҳслашиб боришарпти...

Оломонга кўшилиб кетган ўрмонбеги шу топда айқирган тоғ шалоласи оқизиб кетаётган хазондек ҳис қилди ўзини. Шу дамда тоғ қанчалар ажойибу сўлим-а! Нури ота ўзини хаёлан мўъжазгина қишлоғида, бир-биридан ширин қора-қура набиралари даврасида ҳис қилди. Қишлоқ ҳозир сув қуйгандек жимжит — осуда, қўчаларда намчил ёз тумани сузиб юрибди. Ҳаво иссиқми? Яхдек чашма сувидан қониб смир, юз-қўлингни чайиб ол унда...

— Вой! — деб қолди ёнида аллаким. — Оёғимни нақ пачоқлаб юбора-ёзди-я. Осмонга қараб қарға санаб юрмасдан, кўзга қараш керак!

Нури ота ўгирилиб қараб, ниҳоят бу гаплар ўзига қарата айтилаётганини тушунди. Шунда оёғидаги чанга беланган, тўзиёзган этигига боқиб, қизариб кетди... Ҳа, шаҳарда кўзга қараб юриш керак-а!..

Айтмоқчи, сув қаердайкин? Негадир томоғи қуриди. Атрофга аланглади. Э-ҳа, ҳув ана ўша ҳаворанг дўконча. Туйнукчаси олдида одамлар тизилиб туришибди. Нури ота навбатдагиларнинг охирига бориб турди. У йилда бир марта шаҳарга келганида ўзича қишлоқлари қандоғу бу ер қандоқлигини қиёслаб кўришни ёқтирарди. Ҳар гал, нега энди одамлар, айниқса ёшлар шаҳарга интилишади-я, деб ҳайрон бўларди. Биз томонларда ҳаво мусаффо, кенг-мўлчилик бўлса. Кино деб-ми? Ахир, телевизор ҳамма ерда ҳам бир хил томоша кўрсатади-ку...

— Ота. Гапира қолинг, нима берай сизга?..

Дўкон туйнукчасидан сотувчи қиз кулиб қараб турарди унга.

— Қизим, сув берсанг.

Нури ота танга-чақа топгунича чўнтақларини роса кавлаштиради. Тоғда бунини нима кераги бор?.. Четдан кузатиб турган киши кўзига бу хийла кулгили кўринарди. У ниҳоят чақани тутқазганида сотувчи қиз хандон уриб кулиб юборди. Қизга қараб туриб тоғбегининг ўзи ҳам қаҳқаҳлаб кула кетди, шунда қиз негадир хижолат тортиб қолди.

Стакандаги сув совуқ экан, томоққа игнадай санчилса-да, лекин шафтоли шарбатидай чучмал эди. Нури ота бир неча қултум ютинди-да, сўнг дўкончининг ортига ўтиб, қолганини тўкди. Сув оғзига бемаза-чучмал уннаганди. Шунда у яна тишни сирқиратиб, одамни тетиклантирадиган чашма сувини эслади. Жангу жадал йилларидаги аҳён-аҳёнда бўладиган дам олиш онларида бу неча-неча мароталаб тушларига кирмаган. Уша кезларда, Сталинград оқолларида Нури, ҳали мурти ниш урмаган ёш жангчи, агар тирик қолсам, албатта, жонажон тоғларимга, музламайдиган чашмаю булоқларим ёнига қайтаман, ота юртимни, ердаги жамики

мавжудотни янада қаттиқ севиб-ардоқлайман, деб ўз-ўзига қасамёд қилганди...

Унинг қўриқхона хизматчиси бўлишига, эҳтимолки, ўша кезларда қалб-қалбига таъсир қилиб, вужудини ларзага солган бир ҳодиса сабабчидир. Бу воқеа Белоруссия ўрмонларида содир бўлганди. Қўшинларимиз шиддатли ҳужумлар билан илгарилаб борарди. Чоғроққина бир қишлоқ озод қилинди. Ана шу қишлоқдан икки чақиримча нарида, сойлиқда душманлар шафқатсизларча отиб ташлаган от уюрини кўришди. От жасадлари орасида мўъжиза билан омон қолган икки-уч ойлик тойчоқ ҳам бор экан. Калласи каттакон, узун таёқдай тўртта-ла оёқларини энтак-тентак ташлаб, от жасадларини босиб, уриниб-туртиниб, ўз онасини топмоқчи бўлиб тумшуғи билан жасадларни искаб, туртиб юрган экан...

Нури ота шу қабилдаги ўй-хаёлу хотиралар билан ўрмон хўжалиги дирекцияси — кенг ҳамда сершовқини кўчанинг бир бурчидида қад кўтарган икки қаватли мўъжаз бинога етиб келганини пайқамай қолди. Худди қандайдир тўсиққа дуч келгандай, эшик қаршисида тўхтади ва яна дилидан: «Қизиқ, шундоқ қизғин паллада мени ишдан қолдириб, уёққа нега чақиринди экан-а?» деган ўй кечди.

Унгу сўлига бир-бир қараб олиб, ирим қилгандек тупуриб қўйди-да, эшик бандидан дадил тортди.

Ўрмон хўжалиги бошлиғи — ўрта яшар, қотмадан келган Исо Муҳиддинович телефон, папкалар, ҳар хил қоғозлар, қалам ва чанг босган эски қирғовул тулупи қатор тизилган каттакон ёзув столи ортидан чиқиб, қучоғини очганча меҳмоннинг истиқболи сари юрди.

— Э, қайси шамол учирди? Тушимми, ўнгимми, ростдан ўзларими бу, Нури ота? Сизни ҳам кўрадиган кун бораканку. (Буёғи неча пулдан тушди? Ўзи чақиртирса-ю, яна тагин қайси шамол учирди деса-я. Э, одоб юзасидан мулозамат қиляпти.) Келинг, келинг, бу ёққа ўтинг...

Исо Муҳиддинович меҳмонни ғураша терисимон мато сирилган камбаргина курсига ўтказди-да, ўзи столига қайтди.

— Ух, жуда чарчадим-да, Нури ота. Бу қоғозлар ўлардай чарчатди мени. Бунинг устига десангиз, беш йиллик қилинган иш юзасидан, қўриқхоналар хусусида ҳисобот талаб қилишяпти... Буни қарангки, жамики паррандаю ҳайвонларни санаб-ҳисоблаб чиқиш кимгадир керак бўлиб қолибдимиз. Ахир бу сенга ҳайвонот боғи эмаски, ҳаммасини ҳисоблаб чиқсанг... — директор ух тортиб қўйди.

«Э-йўқ, кўриниб турибди, муҳтарам Исо Муҳиддинович гапни чалғитяптилар, — истеҳзо-ла кўнглидан ўтказди кекса тоғбеги унга тикилиб туриб. — Бунинг учун чақирганмас мени, мутлақо бунинг учун эмас...»

Хўш, унда нимага? Шартта шундай деб сўраш ноқулай, негаки, ёши ўздан кичикроқ бўлса ҳам, ҳар қалай бошлиқ-да!

Исо Муҳиддинович Нури отадан сихат-саломатлигини, набираларини, қишлоқдаги аҳвол-шароитини ипидан — игнасиғача сўраб-суриштириб чиқди. Сўнгра бу йилги хандон пистанинг ҳосилини, каклик, қобон, тоғ эчкиси кўпайган — кўпаймагани, ўғринча овчиларнинг нағма кўрсатаётган — кўрсатмаётганлари билан қизикди...

Тоғбеги жамики саволларига аниқ-пухта жавоб қайтарар эди-ю, ўзи бўлса: «Йўқ-йўқ, сени қизиқтираётган нарса бу эмас, бошлиқ», деб ўйларди.

— Биламан, биламан, — деди Исо Муҳиддинович оталарча ғамхўрона оҳангда. — Хўжаликни ўрناق олса арзийдиган даражада қойиллатиб бошқарасиз. Ҳаммаси жой-жойида. Қонунбузар овчиларни ҳам ўхшатиб додини берасиз... Бу хизматларингиз учун сизни мукофотлаш ниятидамиз. Қўйинг, қўйинг, камтарлик қилманг, шунга яраша хизмат кўрсатиб қўйибсиз. Хўш, умуман олганда, сизни ҳар қалай шуни айтиш учун йўқлатганим йўқ. Ўзингиз пайқаетгандирсиз-а?

Исо Муҳиддинович шундоқ ҳам қисик кўзларини қисинқираб тикилди унга. Нури ота негадир ноқулай аҳволга тушиб, пича хавотирсираб индамай кута бошлади.

— Гап бундоқ, қимматли Нури ота. Ҳамқишлоқларингиздан шикоят тушяпти...

— Қанақанги шикоят экан яна? — ҳушёр тортди қўриқхона ходими.

— Ўзингиз мундоқ ақл югуртириб кўринг.

Нури ота ўзининг кундалик ҳалол, виждоний хизматиға заррача бўлсин соя ташлаша мумкин хатти-ҳаракатни бир-бир ҳотира элагидан ўтказиб кўрди, бирорта ножўя ташланган қадамини топмай, бош чайқади:

— Нимани назарда тутаётганингизни тушунмаяпман.

— Ана холос! — Исо Муҳиддинович майда тишларини кўрсатиб, бирдан хоҳолаб қулиб юборди. — Бу ёғи қандоқ бўлди: жониворларни қонунбузар овчилардан қўриқлайсиз-у, йиртқич ҳайвонларнинг бебошлик қилишига йўл қўйиб берасиз... Бугун айиқларингиз асал қутиларини яксон қилиб, колхоз қўйларини тилкалаб юрган бўлса, эртага одамларга ташланади-ку. Шуларни кўра-била туриб,

кўрмасликка олиб юрганмишсиз. Мундоқ қараганда, ҳомийлик қилаётган экансиз-да, уларга, а?

— Тушунарли, тушунарли! — дея пичирлади тоғбегининг шамолда пўрсилдоқ бойлаб кетган лаблари. — Яна ўша Аширмат.

Бир вақтлар бир неча марта ғайриқонуний тарзда каклик отгани учун ўша ерлик зоотехникка жарима тўлаттирган эди, шундан бери у тоғбегига қасд бўлиб қолганди.

— Хўш, ҳалиги, бир мартагина шундай бўлган, айиқлар тоғдан тушиб келишганди, — деб ўзини оқлашга уриниб кўрди. — Хўш, иккитагина қутидаги асаларини безовта қилганди... Шунгаям шунча ваҳимами? Ёввойи ҳайвон бўлса, тартиб-қоида ни тушунмаса...

— Э, йўқ, бу ерда ёзилган гап бошқача, иш чатоқроқ! — дея овозини баландлатди Исо Муҳиддинович, кўлидаги хатни силкиб. — Бунда сизни қандайдир айиққа ҳар хил найрангларни ўргатган, ана ўша айиқ колхоз асалари қутиларини бузиб-янчибгина қолмай, қўй-қўзиларни ҳам ортмоқлаб олиб кетяпти, деб ёзилган... Мун-та-зам равишда дейилган! — директор шундай дея важоҳат-ла бармоғини ҳавога нуқиди.

Нури ота гап шу ерга етганида ўзини тутолмай, қаҳқаҳлаб кулиб юборди. — Мана кўрдингизми, сиз куласиз, — деди Исо Муҳиддинович, ранжинқираб, пешонасидаги терни артганча. — Жабрини бўлса камина тортиб, ҳаммаларинг учун жавобини беришим керак...

Нури ота яйраб кулиб олгач, бундан икки йил муқаддам қутуриб оқаётган сувдан бир айиқ боласини ушлаб олгани, аниқроғи, кутқариб қолганини, уни қандай катта қилганию кейин яна тоққа қўйиб юборганини сўзлаб берди. Аширмат билан ораларида бўлиб ўтган тўқнашувни ҳам гапирди.

— Зоотехникни қанақанги дахли бор бунга?! — қизиши Исо Муҳиддинович. — Мана кўринг, ҳамқишлоқларингиздан бир нечаси имзо чекиб қўйибди бунга. Ҳеч қанақанги Аширмат-Паширмат дегани йўқ... Уша айиқингиздан кўрқиб эси тескари бўлиб кетган болалар ҳатто дудуқ бўлиб қолишгача боришаётганмиш.

«Вой, аблаҳ-эй, ғирт палидни ўзгинаси экан-ку! — деб ўйлади Нури ота, зоотехникни қарғаб. — Бу ўшанинг иши. Бошқа бировларни номидан ёзган».

— Яхшиямки бу ҳужжат судга тушмабди! — уни қойишни давом эттирди Исо Муҳиддинович. — Ана унда кўрдингиз хангомани...

— Мен нима қилишим керак энди? — деди Нури ота тушкин бир оҳангда.

— Нима қилардингиз? Айиқни йўқотасиз... Жамоатни халос қиласиз ундан.

— Қўлимдан келмайди бундай қилиш.

— Келади. Отиб ташлашингизга ҳужжат тайёрлаб қўйганман аллақачон.

Исо Муҳиддинович папкадан тўрт буклоғлиқ қоғозни олиб, Нури отанинг чўнтагига солиб қўйди.

— Билиб қўйинг, буйруғимни бажармасангиз, бошқалар адо этишади уни. Тушундингизми?

Нури ота ўрнидан турди-да, хайр-маъзурни насия қилиб эшикка қараб юрди.

— Айтгандай, — уни тўхтатди Исо Муҳиддинович. — Шофёримга сизни элтиб қўйишни тайинлаганман. Кўчада кутиб турибди. Саломат бўлинг.

Нури ота қишлоғига хомуш, дили ғаш бўлиб қайтди. У ҳаёт, ўзи ҳақида, ҳали-ҳанузгача гоҳо ана шунақанги ноҳақликлар ҳам учраб туриши хусусида ўйлади. Унинг охириги фикри Аширматга келиб тўхтади. Бу ифвогарнинг дастхатини Нури ота қишлоқ советига ёзган шикоятларидан яхши таниб қолган эди. Ҳарфлар ораси очиқ, сатрлари сал қийшайганроқ... Турган гап, ўша ёзган. Бўлак ҳеч ким эмас!..

Шаҳардан чиқиш биланоқ кулранг бетон-нов ариқлар чўзилиб кетган пахта далалари бошланди... Дов-дарахт, посёлкаю қишлоқлар... «Ғазик»нинг ойнасидан ўзини ичкарига урган сарин шабада танга роҳат бахш этиб, эзгу ўй-хаёллар сари етаклади. Эсида, кўклам палласи. Бўтана сувлар тошдан-тошга урилиб, гувиллаб, шовқин солиб тоғдан қўйилаётган баҳор. Ана шундай айқирган, жилғалардан бирида Нури ота сувни шопиллатганча оқиб келаётган бир жониворни кўриб қолди. Майда ёмғир шивалаб турган тонг палласи бўлганидан, бу махлуқнинг шакли-тарҳини ажратиш қийин эди. Шунда оқимга яқинроқ борди. Тузукроқ тикилди. Воҳ! Айиқ боласи-ку бу! Чопонию этик-петиғи билан қутуриб оқаётган, танани бамисоли қиличдек кесиб ўтадиган муздек сувга тушди. Совуқдан дир-дир титраётган шилтай-шалоббо айиқ боласини аранг ушлаб олди. Яна бир-икки дақиқа ўтганида борми, жониворни айқирган оқим қудратли қоялар исканжасидаги ўпқон комига олиб кирардию ютарди-кетарди.

Нури ота айиқ боласини уйга олиб кетди. Олдинига у тирнаб, тишлаб юлқинди, ҳатто худди мушук боладай чийиллаб-ғиншиб юрди. Қўлга ўрганмаган ёввойи эди-да, ахир!.. Кейинчалик аста-секин кўникиб, сўргич билан сут эмадиган бўлди. Болаларнинг қўлидан хўрак — шолғомми, сабзими — олишга ўрганди. Қишлоқ

болакайларини хурсанд қилиб, қанчалик эрмак бўлганини асти қўяверасиз! Унга «Дўмбоқ» деб лақаб берган ҳам ана ўшалар бўлди... Бу лақаб айиқ болага жуда ярашиб тушганди. Дўмбоқ деб чақирганларида — қани, мени ким чақираётибдийкин, дегандай — қоп-қора мунчоқ кўзлари жавдираганча юм-юмалоқ пахмоқ бошини буриб қарарди.

Айиқ бола кузакка бориб кап-катта бўлиб қолди. Худди циркдагидек «қўлбола» бўлиб, одамлардан сираям чўчимасди.

«Бундан бу ёғига ҳам уйда олиб қоладиган бўлсак, хароб бўлади жонивор...— деб ўйлади Нури ота. — Эркини йўқотиб, одамга қарам бўлиб қолади. Нимадир қилиш керак».

Эртасига ўрмонбеги Дўмбоқни саҳарда тоғнинг олис ерига олиб борди. Қўлбола бўйинбоғдан бўшатиб, кафти билан орқасига шапатиллаганича:

— Бора қол! Ўз эркингда ўсиб-улғаявер, Дўмбоқжон!— деб оқ йўл тилади.

Айиқ бола «ў-ў-ўғлаб», кулгини қистатиб пилдиллаганича бутазорга қараб кетди. Девордай бўлиб ўсган тоғолчазорга етганда тўхтади-да, орқа оёқларида тикка туриб, эгасига қаради, ана шундан кейингина буталарнинг нари-бери сурилгандаги шовқини эшитилди.

«Мана иш битди, вассалом»,— деб ўйлади Нури ота ва илдам-илдам одимлаганча келган йўлига қайтиб кетди.

Эртасига тонг ёришар-ёришмас аёли уйғотди:

— Ҳой, отаси, туринг, тура қолинг! Қаранг меҳмон келибди ҳовлимизга...

Деразадан қараса, от оғилининг олдида... Дўмбоқ! Аллақандай жул ёпиқни ишқаб, уёқдан-буёққа судраяпти. Чамаси, ўйнарди уни...

Дўмбоқни тагин тоққа олиб боришга тўғри келди. Бу гал олисроққа. Айиқ бола яна қайтиб келди. Одамга шунчалик ўрганиб қолганди-да, ахир. Сира ундан ажралгиси йўқ эди. Фақат тўртинчи ёки бешинчи сафардан кейингина уйдан олислаштира олди.

Айиқ бола шу кетгандан хийла вақтгача кўринмади. Қаёқларгадир ғойиб бўлди. Ҳатто чўпонлар ҳам кўрмай қўйишибди уни.

Маймоқоёқ Дўмбоқни унута бошладилар ҳам. Фақат невараларигина ахён-ахёнда, айиқ қаёққа кетган, унга нима бўлган, деб уни суриштириб қолишарди.

Бир куни Дўмбоқчанинг дараги чиқиб қолди. Бу ўтган кузда содир бўлди. Изгирин кеч куз... Тоғ чўққиларини аллақачон қор қоплаган. Нури ота юмушлари билан банд бўлиб, ўзининг қоровулхона — кулбасида тутулиб қолди. Қош қорайиб борарди. Чой қайнатмоқчи бўлди. Бироқ шу пайт тўсатдан кимдир эшикни қитирлатаётганини эшитди. Шамол бўлса керак, деб ўйлади. Қитирлаш қаттиқроқ такрорланди. Нури ота эшикни очдию... эти музлаб кетди. Қаршисида баҳайбат айиқ типпа-тик турарди. Унг пешонаси остидан қон сизиб чиқиб турарди.

— Дўмбоқ! — дея пичирлади Нури ота, бунга қатъий ишончи бўлмаса ҳам

Айиқ унинг юзини ялаб қўйди.

«Таниди, таниди!— Нури отанинг кўксига илиқлик югурди.— Дўмбоқ, худди ўзи!»

Айиқ кулбага суқилиб кирдию ерга узала тушиб ётиб олди.

— Нима қилиб қўйишди сени?— дея хўрсинди тоғбеги, керосин чироқ ёруғида яғринидаги қон оқиб турган жароҳатни кўздан кечирар экан.

Эҳ, лаънати ўғри овчилар! Бугун эрталаб кунботар томонда ўқ овозини бекорга эшитмаган экан ўзи. Мана оқибати.

Нури ота жароҳатни булоқ сувида яхшилаб ювди. Айиқ бамисоли одамдек оғриққа чидаб берди. Фақат унда-бунда, оғриққа мутлақо чидаб бўлмай қолган пайтда, аллақандай хирқироқ овоз чиқариб кўярди. Сўнгра Нури ота худди тажрибакор табиблардек жароҳатга мўл-кўл йод сурди. Яхшики, йод доимо шу ердаги сафар аптечкасида турарди.

Афтидан, Дўмбоқ анча енгил тортганди. Бир маромда нафас ола бошлади. Жониворнинг ғамгин кўзлари ўзининг собиқ хўжайини ҳамда икки карра халоскорига ишончла жавдираб тикиларди.

Киндан ҳам у Нури отани унутмаган экан, оғир дамларида уни излаб топди. Унинг ёрдам беришини билган-да! Ахир бундай ишончнинг қадрига етмай, қадрламай бўларканми?

Нури ота тунагани қишлоққа йўл олди. Дўмбоқ кулбада ётган жойида қолди.

Эрталаб тонг оқарар-оқармас Нури ота ветфельдшер Комилжонни — жуда яхши одам-да, у — ўрмондаги кулбасига бошлаб келди. Кириб қарашса, айиқ йўқ. Тоққа чиқиб кетибди. Буни кўриб, ота анча енгил тортди. Уша ёққа кетибдими, демак, тирик ва соғайиб қолибди. Инсонга ҳам, жониворга ҳам бундан ортиқ яна нимаям керак дейсиз?..

Қайтишда йўл бўйи ана шундай ўй-хаёллар билан банд бўлди. Шофёр ортиқча сўроқ-саволлар билан безор қилмади. Кекса тоғбеги чарчаган, мудраб кетяпти

деб ўйлади. Нури ота эса, асло чарчамаган эди. У шунчаки хотираларга берилганди.

Бироқ, мана олисда тоғ, кейин дарахтлар ва дарахтзорлар оралаб кичик-кичик кулбалар кўзга ташланди.

«Азиз қишлоғим!»— деб ўйларкан, Нури ота нимагадир жилмайиб қўйди.

Шаҳарга қилган сафари кўнгилсиз ўтди. Бу ерда бўлса, ҳали қадрдон уйи остонасидан ҳатлаб улгурмасиданоқ, аёли уни нохуш хабар билан қарши олди:

— Асаларичи Амирбек келганди. Шикоят қиляпти. Дўмбоғинг тинчлик бермаётганмиш. Яна пайдо бўлиб қопти. Кеча тунда иккита асалари қутисини ағдар-тўнтар қилганмиш. Агар ота чорасини кўрмаса, ўз қўлларим билан отиб ташлайман, дейди. Қўриқхонада ов қилиш ман этилганига ҳам қараб ўтирмайман, дейди яна...

Нимаям деб бўларди? Отадиям! — деди Нури ота ичида дилгирлик билан. — Ҳарҳолда бирон чорасини кўрмаса бўлмайди!»

Пича дам олиб, чарчоғи тарқагач, тезлик билан зарур буюмлари ва овқатини олиб, доимий ҳамроҳи — ов милтиғини елкасига осди-да, оқшомги салқинда ўрмондаги кулбасига жунади. У қишлоқдан ўн километрча олисда, тоғ ичкарасидаги ёнғоқзорда эди. Йўл узоқ бўлса-да, бунга Нури ота ўрганиб-кўниқиб кетганди. Устига-устак тинмай ўй суриб бориш ушбу масофани хийла қисқартиргандек туюларди.

Эҳ, жониворни сира-сира нобуд қилгиси йўқ-да. Лекин бу пахмоқ махлуқнинг одамларга кўнгилсизликлар келтирадиган қилмишларига қандай чек қўйса бўларкин?.. Отиб ташлашдан осони йўқ. Тепкини боссанг — вассалом. Қўриқхонада айиқлар бармоқ билан санарли. Уларни авайлаб қўриқлаш керак. Исо Мухиддинович ҳам жуда яхши билади буни. Аммо масъулиятни тезроқ бўйнидан соқит қилиш учун энг осон йўлни танлаган. Буни қаранг-а, у етиб бормасидан анча буруноқ ҳужжатни тайёрлаб қўйибди-я.

— Йўқ, йўқ, йўқ!— дея такрорларди Нури ота, тик ёнбағирга кўтарилаётиб, овоз чиқариб сўзлаётганини ўзи ҳам пайқамай. Бунақанги йўл билан қутилишни ҳамма ҳам билади, сен бошқа чора излаб кўр, ўргатгин-да мундоқ!

Ахир айб қилган одамга ҳам жазо берадилар-ку!.. Бунақада оқибат нима бўлади!

Йўлакай нима қилиш режаси ҳам ўз-ўзидан пишиб-етилиб борди: маймоқни чўчитиб бездириш керак. Хўш, қандай қилиб? Шунчаки пахтавон ўқ отиб. Ҳатто яқиндан туриб отса ҳам бўлади. Унда ўзи учун хавфли бўлмасмикин? Ҳечқиси йўқ. Унинг бетма-бет найзабозлик жанглари даҳшатлироқ эди-ку... ўрмонбегидан ҳам чўчигани маъқул. Эҳтимол, шунда жонивор юрак олдириб, қишлоқдан, асалари уяларидан олисроқда юрар. Нарироқ юрса жонини асраб қолади-ку, ахир! Қўйга келганда эса, ҳеч қачон тегмаган уларга. Ҳаммаси Аширматнинг иғвоси. Ким билади, балки колхоз қўйларини ўзи каюбга гумдон қилиб юргандир. Утган ҳафта қилган тўйини айтмайсизми! Эҳтимол, ўнлаб қўйни қозонга жойлаб, бари айбни айиқнинг гарданига юкламоқчидир. Яхшимас бу!

Тоғда сутдек ойдин июль кечаси. Нури ота тун бўйи фақат ўзигагина таниш иланг-биланг сўқмоқларни кезди, кўриқхонанинг ҳар бир бурчаги — Дўмбоқ ёқтирадиган ҳар бир хилватгоҳни кўздан кечирди. Ёнғоқзорда ҳам, пистазорда ҳам бўлди, чашма бўйига ҳам борди, аммо айиқ изини ҳеч ердан топмади. Нақ ер ютиб кетгандек, ҳеч қаерда йўқ эди.

Саҳар паллада қалин шудринг тушди. Нури ота қунишиб чопонига ўраниб олди. Бу пайтда ҳорғинлик ғолиб кела бошлади. Бир-икки соатгина кўзини илинтириб олгиси келди. Кулбаси эса олисда қолганди. У ерда тахта сўри бор, иссиқ, шинамгина... Нури ота қишда бўрон қулатган жийда танасига ўтирди. Милтиғини тиззалари устига қўйди, ўша заҳотиёқ уйқуга кетди. У фронтда — кеча-кундузлаб сурункасига давом этадиган ҳужумдан кейин қай пайту қаерлигига қарамай, ана шундай тез ухлашга одатланган эди.

Шу ҳолатда қанча ухлади, билмайди, бир пайт кимдир ўнг тирсагини қаттиқ туртгандай бўлди. Зумда уйқуси тарқади-кетди. Нури ота ўрнидан тураркан, тепага кўтарилиб қўйилган милтиқ тепкисини беихтиёр босиб юборди. Милтиқ шунақанги варанглаб отилдики, ҳатто унинг ўзи ҳам кўрқиб кетди. Орқасига ўгирилиб қараса, каттакон айиқ кўзларига тикилиб турибди-да! Бу пайт аллақачон тонг отиб бўлганди. Қаршисида Дўмбоқ типпа-тик турибди. Чамаси у ҳам бўёғига нима қилишни билмай қолганди. Токи Нури ота ўзига келиб, дард билан:

— Бор, Дўмбоқ! Яхшиликча айтаяпман, бор кет!— демагунига қадар икковлари — инсон ва жонивор бир-бирларига тикилганча туриб қолишди.

Шунда айиқ кўкиштов тили билан унинг юзини ялади-да (рангини Нури ота аниқ кўрди, афтидан, маймоқ яқингинада маймунжонхўрлик қилган эди) худди истамаётгандек эран-қаран орқага бурилди. Бурилдию кулгили бир тарзда

Ўмбалоқ ошиб, сўнг лопиллаганича югура кетди. Ортидан варанглаб ўқ узилди. Кетма-кетига учинчи, тўртинчи ўқ...

Ҳайбатли айиқ танаси синдириб бораётган шох-шаббаларнинг қасира-қусури, оёқ остидаги майда-майда тош-шағалнинг шарақа-шуруқи эшитилди. Қулоқни батанг қилган ўқ овозларига парво қилмаётгани яққол кўриниб турган Дўмбоқ ёнбағирликдан тепага чиқиб борарди.

Нури ота уни мунғайиб кузатиб қоларкан, лаблари ўз-ўзидан пичирлар эди:  
— Бора қол, югур, пахмоқжон! Омон бўл, Дўмбоқ...

Нури ота кечаси буёққа келган йўлидан ўрмондаги кулбачасига қайтаётиб, гоҳ у, гоҳ бу ерда айиқ изларига кўзи тушиб борарди. Чамаси, маймоқ ўз навбатида тоғбеги билан изма-из келган: қани, ким кимни алдаркин дегандай...

Нури ота шилдираб оқаётган чашма сувида юз-қўлини чайиб сал нафас ростлаб олишга аҳд қилди. Ҳарҳолда тун ташвишли, безовта ўтганди. У шошилмай, бафуржа юз-қўлини ювди. Рўмолчасини олгани чўнтагига қўл суқаркан, қўлига қандайдир тўрт буклоғлиқ қоғоз уннади. Уни чиқариб, тахини бузиб очиб ўтирмай ўша заҳотиёқ майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Қоғоз парчалари оппоқ гулбаргларидай зилол сувга учиб тушиб, зумда кўздан ғойиб бўлди.

Айиқ қишлоқ атрофларида ортиқ кўринмай қўйди. Чўпонларнинг гапларига қараганда, қорли довоннинг нариги ёғидаги бошқа кўриқхонада кўришган эмиш уни. Аммо бу ўша Дўмбоқми ёки бўлак айиқми, ҳеч ким аниқ билмасди...

**Эркин МИРОБИДОВ таржимаси.**





Абдурахмон Усмонов

## ҲАСАД

**К**ампир уйнинг чироғини ёқмасдан тимирскиланиб бориб дераза пардасини очди. Ташқари туман, тонг ёришиб келмоқда эди.  
— Санобар, ҳо Санобар, — овоз чиқарди у.

Уйнинг бир бурчагида муштдеккина бўлиб кўрпага ўраниб ётган чол кампири товушидан чўчиб ўйғонди. Улар биринчи фарзандлари Санобар вафотидан сўнг бир-бирларини шундай деб чақиришарди.

Уйда чироқ ёнди. Кампир қорайиб кетган қумфонга сув тўлдириб ўчоққа қўйди-да, олов ёқди.

Нонушта қилиб бўлгач, Соли бува даладаги кеча бўлиб берилган ғўзапоянинг ташвишига тушди. Боғлиқ йўқ. Қоратол новдасидан боғлиқ қилишни ўйлади-да, ўткир пичоғини этигининг кўнжига, ўроқни белига белбоғ қилиб олган чилвирга қистириб, чорбоғ томон йўл олди.

Соли бува келганида ҳаммаёқни қуюқ туман қоплаган, бепоён дала кимсасиздек эди. Йўқ, бир оз юриб, катта ариқдан ўтиб олгач, унда-бунда ғўзапоя йиғайтган катта-кичик одамларга, уватларда ўтлаб юрган мол-ҳолларга кўзи тушди. Қоратоллар сойнинг у томонида. Энсизгина омонат кўприк, қозиклари қийшайиб, тахталари кўчиб ётибди. Шундан ўтиши керак. Унинг юрагини ваҳм босди.

У шуларни ўйлаб бир дақиқа тўхтаб қолди. «Кўрққанга қўша кўринади. Наҳот шу кўприқдан ўта олмасам?! Уйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битибди...»

Бува ўтишга аҳд қилди. Соининг ўртасига келганида кўприк лапанглаб, тахталари ғичирлади. Унинг юраги увишди. Амаллаб ўтиб, қоратол новдаларидан кесиб олди. Энди унинг бу томонга қайтиши анча мушкул эди. Новдаларни нариги бетга отолмайди: масофа узоқ. Темир кўприқдан ўтай деса, ярим куни йўқолади. Нима қилсин? Охири бир бойлам новдани орқалаб олди-да, аста юрди. Тахталар эгилади, ғижирлайди... Ниҳоят ўтди. Негадир шу пайт чор атроф унинг кўзига жуда ҳам гўзал кўриниб кетди. Аммо унинг ҳамон оёқ-қўли қалтирарди.

Соли бува пайкал бошига етиб келганида туман тарқала бошлаган, қуёш қорамтир булутлар орасида мамнун кўз очган бева хотиндек жилмайиб турарди. У азалдан саранжом-сарашта. Баъзан уйда кампири ёки келини бўлмаса супуриш-сидириш, овқат пишириш каби ишларни ўзи қилаверади. Ҳозир ҳам терган ғўзапояларини қоратол новдаси билан боғлаб, алоҳида жойга ғарамлаб қўйди.

Қуёш тиккага келибди ҳамки, бувадан на кампири, на ўғли, на келини хабар олди. Унинг қорни очқаб, оғзи қуруқшади. Кампирини ичида койиди: «Чой-нон олиб келса бўлар эди...» Қон босими бор. Эгилиб ғўзапоя терганиданми, боши айланиб, кутилмаганда қўлидан ўроқ учди. Хайриятки, ер юмшоқ. Агар ўроқ учиб кетмаганидами, нақ кўр бўларди. Узини ўнглаб ўтириб олгач чор атрофга олазарак қаради. «Ишқилиб, ер тишлаб қолганимни ҳеч ким кўрмадимикан? Кўришса ҳам, ўл-е, бола боқмай, қариган чоғингда хор бўлибсан, дейди-да! Бу ёқда, ўғил мактабда, келиннинг ой-куни яқин...»

Шу пайт Қурбон ота ер бошида кўринди. Соли бува ўнғайсизланди. Уни кўп хушлайвермайди: майда-чуйда, фисқ-фасод гаплари кўп. У қўлларини тиззаларига тираганча ўрнидан аранг туриб, ўроқ билан ғўзапоя йиғишга тутинди. Қурбон ота виқор билан болалари томон кетиб борарди. Соли буванинг қўллари ғўзапоя териш билан овора бўлса-да, хаёллари Қурбон ота билан банд эди.

...Ушанда куз оёқлаб, қиш эшик чертиб келар, колхоз плани бажарилмаган, одамлар кечалари уйларида кўсак чувишиб, эрталаб пахта топширишарди. Шундай кечаларнинг бирида ташқарида кимдир йўталди. Соли бува эшикка чиққунча Қурбон ота салом бериб, остонадан ўтди. «Келинг, келинг» қилишди. Адашмаса, ўша оқшом хотини шилпилдоқ қилганди. Қорасоч бир коса овқатни Қурбон отанинг олдига қўйди.

— Қайнонангиз суяркан...

— Тузук, тузук. Ахир қайнонамиз соямизга салом бериб, кўрпача солади-ю, биз суймаймизми?! Ҳи-ҳи-ҳи...

Кўсак чувиб ўтирган Соли бува, хотини, ўғли енгилгина кулишди. «Қурбон бемаҳалда нима мақсадда келди?» Уйлаб уйига етолмасди. Кўсакларни чувиб бўлишди. Икковлари ёлғиз қолишгач, Қурбон гап бошлади:

— Соли бува, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди: беш кунлигимиз борми-йўқми... Бугун туш кўрибман денг. Раҳматлик омборчи Қамбарали: «бировлардан олди-бердинг бўлса, ҳисоблашиб бу ёққа кел» деди. Уйғониб кетдим. Эсингиздами-йўқми, раислик қилган йилларим бир бузоқча бергандим. Шунни узиб қўйсангиз?

Соли бува ўзига ишонмасди: «Бу аҳмоқ нима демоқчи? Ахир сигирни бир оқшом хотини келиб олиб кетганди-ку?!» У дераза тоқчасидан носқовогини олиб, озгина кафтига тўқди-да, тилининг тагига ташлаб жим ўтира берди.

— Биласизми, қийналиб қолувдингиз. Мен ҳожатингизни чиқарган эдим.

Нос тилини, бутун оғзини ачитиб, куйдираётган бўлса ҳам, Соли бува дамини ичига ютиб ўтирарди.

— Майли, пулини берсангиз ҳам...

— Қанча берай? — Соли бува зарда билан оғзидаги носни тупурди.

— Ҳимматингиз.

— Қурбонали, бу қанақа гап? Мен зориқиб сиздан бир нарса сўраган бўлсам, отимни бошқа кўяман. Уйлайсизки, қариб қолди, нима десам бўлаверади деб, йўқ, ҳали эс-хушим жойида! Бўлмағур гапларни гапирманг, ҳамтовоғингиз Қамбар омборчи ҳам жойида тинч ётсин. Ундан кўра қийналиб қолдим, қарзга пул-мул бериб туринг, денг, берай.

Соли бува уйда чиндан ҳам Қурбон отанинг бузоқчаси эмас, сигири уч-тўрт ой турган эди. Кейин билишса, мансаб курсиси қимирлаб қолганидан шундай қилган экан. Қурбон ота бўлса ҳамон кўзини лўқ қилиб ўтирарди.

— Ҳўш, сигирингиз менда қолган бўлса, жуфти ҳалолингиз сизга ҳаром бўлсинми?..

Қурбон отанинг боши эгилди. Кейин, жойидан кўзғалди. Бува кузатмади, оёқ товушлари тингандан кейингина кўча эшикка бориб, кулф солди.

Қурбон ота томоқ қириб яқинлашди. Улар ғайритабий сўрашдилар.

— Соли бува дейман, ошингизни ошаб бўлгансиз-у, қимирлаганингиз қимирлаган-а, поп этиб ўлиб қолсангиз нима бўлади? Бояқиш Шералингиз иснодга қолди-я!

Бува қўлларини белига тираб, қаддини тутди. Бели увишиб қолибди, қисир-қисир қилди. Оғриғига чидади. Қурбон ота ишшайиб турарди.

— Уйдаям нима қиламан, ғўзапоя керак. Шаҳар бўсайканки, газ бор дисанг... Бу ёқда ҳаво келинчакка ўхшаб ноз қилмоқда.

Қурбон ота беўхшов кулди.

— Айб ўзингизда. Эшитишимча, келинингизни уйигача супурармишсиз. Ҳатто печкадаги кулини ҳам олар экансиз. Сизга нима, беш куним, хуш куним деб юравермайсизми?

Соли бува рўйхуш бермади. Қурбон ота вайсай-вайсай кетди. Кетганда ҳам дунёни остин-устин қилиб, унинг ўлимини яқинлаштириб кетди. «Сенга ўхшаб болаларимдан туртки еб юраманми... Ҳали билгимда қувватим бор...» У астойдил ишга киришмоқчи эди, бўлмади, кўнгли айниб сапро қусди.

Уйига қандай қилиб етиб келганини билмади. Қараса ўтирибди. Оёқ-қўллари-дан мадор кетган, қалт-қалт қалтирайди.

— Санобар, — овоз чиқарди бува, — мендан беҳабар бўлма, омонатимни топширадиганга ўхшайман.

— Нималар деяпсиз? — ўчоқ бошида куйманиб юрган кампир кавушини шалолатиб келиб, чайир қўлларини унинг пешонасига қўйди. — Иссиқингиз йўғ-у, ваҳимангиз оламни олади-я?



Бироқ, у чолининг этикларини ечиб, оёқ-қўлларини ушлаб кўраркан, «дод» деб юбораёзди. Буванинг кўзлари нурсизланган, оёқ-қўли совуқ эди.

У саросимага тушганича «келган бало-қазо шунга урсин» деб коса синдирди, ўчоққа тош ташлаб, тошбув қилди. Тун ярмидан оққанда Соли бува хиёл ўзига келиб, Қурбон ота билан бўлиб ўтган воқеани айтди. Кампир аччиқланди:

— Сизди ўлимингизни тилаганча, ўзини умрини тиласин. Ким оқ, ким қора — яратганга аён. Узиб олмайсизми?!

— Андиша қиламан, одамнинг юзи иссиқ...

Тонг отди. Қўшниси ҳашарга айтганди. Ҳеч қачон юртнинг юмушидан юз бурмаган. Соли бува амаллаб қўшнисиникига чиққанида кун анча ёришиб қолганди. Кеч куз. Шамол толнинг қовжироқ баргларини ҳовли саҳнида ҳар томонга учуриб юрарди. Лой ташиётган, кесак узатаётган ҳашарчиларнинг қийқириқлари магнитофондан таралаётган «Муножот» кўйига қўшилиб кетган. Бу манзарадан бува анча енгил тортди. Аммо кўзи сўрида танҳо, қорнини осилтириб, лунжини шишириб, нимадир еётган Қурбон отага тушгач, энсаси қотди.

— Ана, — ҳашарчининг каттаси келди, — киноя қилди Қурбон ота. — Намунча, сиз томонда энди тонг отдими?

— Ишлар кўпайиб қолди, тинчитиб чиқдим.

— Иш деган нарсани у дунёга ҳам орқалаб кетасиз-ов!..

Соли бува индамасдан ҳашарчилар томон йўналди. Қишлоққа иморат деворларини уришда ундан ўтадигани йўқ. Тепага чиқиб, девор уришга киришди. Пастдагилар кесак отиб беришар, бува ёшларга хос абжирлик билан зардевор урарди. Қурбон ота эса суқ, ҳасад билан унга тикилиб қолган.


— Аммо-лекин, қойил-э!..

Соли бува ижирганиб Қурбон отага қаради. Кўзлари тинди, пастдан отилган кесакни илиб олмоқчи бўлиб қўл чўзганча лойхонага ағдарилиб тушди...





Расмларни Абдубоки ҒУЛОМОВ чизган



Саид Аҳмад

# КУЧУВ

(Уч парда, уч кўринишли комедия)

Иштирок этувчилар:

1. ҒАНИВОЙ — Селекциячи. Бўйдоқ. 67 ёшларда.
2. ҚУДРАТ — Унинг ўғли. 50 ёшларда.
3. РАҲИМА — Қудратнинг хотини.
4. БАҲРИ — Ғанивойнинг катта қизи.
5. НАЗМИ — Кичик қизи.
6. ЭРКИН — Қудратнинг ўғли. Фотограф.
7. ЖУРАВой — Ғанивойнинг қўшниси.
8. МАХСУМ — Назмининг эри.
9. ЗЕБИНИСА — Колхоз раиси.
10. АНЗИРАТ
11. ЖАМИЛА
12. ХОЛНИСА
13. ЗУМРАД
14. РАҲБАР
15. ҚУМРИ
16. АСАЛ

Қишлоқдаги бева хотинлар.

## Биринчи парда Биринчи кўриниш

Озода, шинам ҳовли. Уртада чорбоққа чиқадиган эшик. Девор орқасидан теплица томи кўриниб туради. Эрталаб, тонготар пайт. Айвонга нонушта тайёрланган. Саҳна четида Ғани ота залга тескари қараб табуреткада ўтиради. Оёғи тагида тоғора. Унда ювиб, сиқилган кийимлар. Айвонда ўгли Қудрат билан келини Раҳима унга ҳайрон қараб қолишган. Қудрат узоқ паузадан кейин телефон трубкасини олиб, шанғиллаб гапирабошлайди.

Қ У Д Р А Т. Э, тезроқ келмайсанми, опа. Ҳаммаёқ қиёмат қойим бўлиб кетди-ку. Гапни чўзма. Келсанг биласан. Айтиб қўймасам, кейин мендан хафа бўлиб юрасан. Поччани ҳам олакел. Ҳа, айтганча, командировкада эди-я. Узинг келавер, бўлмасам. (*Трубкани жойига қўйиб, айвондан тушиб, дадаси олдига келади.*) Шу яхшимас-да, дада. Атрофимиз кўп қаватли уйлар. Ҳаммасининг балкони биз тарафга қараб турган бўлса. Мусича кукуламай, сахармардондан ҳовлига чиқиб олиб кир ювганингиз нимаси? Биров кўриб қолса биз нима деган одам бўламиз? Унақа қилманг-да, дада.

Ғ А Н И. Ҳа, ёқмадимми? Номус қилдингми? Агар номус қилиш қўлларингдан келадиган бўлса, энди кўрасанлар. Кўйлак-иштонимни автобус остановкасигача опчиқиб ювман.

Тоғорадаги кирларни кўтариб, кўча томонга юра бошлайди.

Р А Ҳ И М А. Ахир, унақамас-да, дадажон. Бизни эл-юртга шарманда қилмоқчимисиз? Эгнингиздан пеш тушган кийимни пеш ювиб турган бўлсак. Икки ҳафтадан бери киригизни бизга бермай, ўзингиз ювяпсиз. Муни қаранг, очилмапти. Кири шундоқ турипти. Унинг устига дазмол қилмай кийиб кетяпсиз. Биров кўрса, кир ювмай келинини қўли синсин, демайдими?!

Ғ А Н И. Жонинг ачимай кўяқолсин. Жони ачийдиганим ўн бир йил бўлди, қаро ернинг тагида ётипти. Тирикчилигим ит ётиш, мирза туриш бўлиб қолганига ўн бир йил бўлган. Обидагинам бўлганда менга бу кунлар қаёқда эди.

Р А Ҳ И М А. Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, ахир? Овқатингиз тайин, ўрнингиз солиглик, киригиз ювиғлик, яктагингиз уёқда турсин, пайтавангизга ҳам дазмол босамиз, ўнгигаям, тескарисигаям босамиз. Дурустроқ кийиниб юринг, деймиз. Кимсан, бутун мамлакатга таниқли лимончи селекционер бўлсангиз. Ҳафтада бир телевизорга чиқиб, лимондан гапирсангиз, газетага журналларда тинмай светной сувратингиз чиқиб турган бўлса. Ҳали Туркманистон, ҳали Тожикистон, ҳали Қозоғистондан телефон устига телефон қилиб, лимонни қанақа экади, кўчатидан биттагина олишни иложи борми, — деб сўраб туришган бўлса. Сал мундоқ ўз обрўйингизга яраша иш тутинг-да, жон дадажон!

Ғ А Н И. Кечкурун бўлди дегунча ҳамманг уй-уйингга кириб кетасан, магазин қоровулининг итидек битта ўзим қоламан.

Р А Ҳ И М А. Вой, уйга кириб ётинг. Биров кирма деяптимми? Чойхонага чиқинг. Клубга боринг, мана шундоқ ёнимизда. Ҳар куни қизиқарли кинолар бўлади.

Ғ А Н И. Кино дейди-я. Обидагинам ташлаб кетгандан буёқ кино нималигини билмайман.

Қ У Д Р А Т. Энди қандоқ қиламиз, дада. Аноси ўлмаган ким бор, атоси ўлмаган ким бор, қандоқ қиламиз.

Ғ А Н И (*сапчиб ўрнидан туриб кетиб*). Ия, ия, ҳали ниятларинг шумиди. Онангни кетидан мени ҳам жўнатмоқчимисанлар? Улимимни кутиб ўтирган экансанлар-да. Йўўўк, мен ҳали-вери ўлмайман. Бу дунёдан умидим кўп. Қиз олиб, сенларни бир куйдирмасам.

Қ У Д Р А Т. Сал пастроқ тушинг, дада, жуда баландга чиқиб кетдингиз.

Ғ А Н И. Уйланолмайманми, а, уйланолмайманми? Шу зах, қоронги уйда кўкрагимни захга босиб, муздек ёстиқни қучоқлаб гингшиб ётавераманми?

Қудрат билан Раҳима бир-бирига маъноли қараб олишади.

Р А Ҳ И М А. Вой, тавба. Угай онали бўладиганга ўхшаймиз. Нотавон кўнгилга кўтир жомашов, деган экан, бир доно одам. (*Кесатиб.*) Қанақасидан бўлсин, боевойроғиданми, ё пишиб, етилиб, ана кетаман, мана кетаман, деб

хилвираб турганиданми? *(Қудрат унинг ёнига келиб, кўп жиғига тегаверма, дегандек сонини чимчилайди.)* Карнайчи билан сурнайчига хабар бериб, очередга ёзилиб кўйиш керак экан. У ўлгирларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди.

Н А З М И *(кўчадан дод устига дод солиб киради. Ҳансираб терлаб кетган, сочлари тўзгиган).* Вой, дод! Вой, дод! Онагинамдан айрилиб қолдим. Меҳрибонимдан айрилиб қолдим! Сандиқ тўла сариқ гул, тақсам адо бўлмайди, онагинамни дардини айтсам адо бўлмайди. Шу ҳовлиларда селкиллаб юрсангиз бўлмасмиди?! Савлатим онам, давлатим онам. Бизни одам қилгунча сочи супурги, қўли косов бўлган онам! Вой, дод! Вой, дод! Кимларга айтай юракдаги дардимни!

Қ У Д Р А Т. Бўлди-е, онангни ўлганига ўн бир йил бўлди-ю, энди йиғлайсанми? Ўлганда қаёқда эдинг, курортда эдинг. Телеграмма берсам ҳам келмагансан. Йигирмасига зўрға етиб келгансан.

Н А З М И. Вой, менга нега зуғум қиласиз, акажон? Ахир серсам ўлгурни мазаси йўқ эди. Путевкамдан ҳали ўн етти кун бор эди.

Ғ А Н И. Дод де, онанг тирилиб келади.

Н А З М И. Онагинамни бошқатдан ўлдирдинглар! Бу гапларни эшитиб гўргинангизда қандоқ ётибсиз, онажон? Уй тўла лимон, биттагинасини емай ўлиб кетган онагинам.

**Қўлида гулкайчи билан узумни хомтоқ қилаётган Жўравой бу томонга қарайди.**

Ж У Р А. Тинчликми? Нима гап бўлди? Биронтаси яна лимон узипtimi?

Ғ А Н И. Буёқдан айланиб чиқ. Дардимни сен биласан. Эллик йиллик девор-дармиён қадрдонимсан.

### Жўра девор ошиб тушади.

Ж У Р А. Ўзи нима гап бўлди? Ҳой, қизим, сен бир пас шангилламай тургин.

Қ У Д Р А Т. Дадам уйланмоқчилар.

Р А Ҳ И М А *(севиниб)*. Шундоқ, ўргилай.

Ж У Р А. Ия, ростданми? Е тавба! Уйланиб нима қиласан. Дардисарни бошингга урасанми? Тўрингдан гўринг яқин бўлиб қопти-ку, уйланишга бало борми! Хотин зотининг турган-битгани дахмаза-ку. *(Белбоғидан тортиб силкитади.)* Э, бу аҳволда тўйнинг эртасига ўлиб қоласан. Лимон ёябериб, лимон гулини ҳидлайвериб совуғинг ошиб, бўларинг бўп қопти-ю ўзи.

Ғ А Н И. Кўп валдирама. Отам раҳматлик тўрт марта уйланганлар. Узумни гўрасини гарч-гурч чайнардилар, турупни сувини ичардилар, хом анорни емасалар, ухлолмасдилар. Шунча нордон нарса еб совуқлари ошмаган. Қайтага саксон бир ёшларида Ҳасан-Ҳусан фарзанд кўрганлар. Сен нима деб ўтирипсан. Лимон дейди-я!

Н А З М И. Вой, дод! Олган хотини Ҳасан-Ҳусан туғиб берса ҳовлининг ҳаммасини олиб қўяди. Ойимдан қолган меросга эга чиқади!

Қ У Д Р А Т. Овозингни ўчир! Ойингдан нима қопти. Битта мис баркаш билан тўртта сопол лаган қолган. Ол, керак бўлса!

Б А Ҳ Р И *(эшикдан кирганига анча бўлган. Гапларига қулоқ солиб туради)*. Ҳали шунақами, ҳали шунақами? Ўттиз иккита невара кўрган, еттита қуда қилган одамдан шу гап чиқдими? Вой, қудаларим олдида нима деган одам бўламан? Невара-чевараларимга нима дейман? Яқинда қиз узатадиган одамман. Ухожорний чолнинг невараси экан, деб совчилар остонамдан қайтиб кетади. Ҳой, Қудрат, нима қилиб серрайиб турибсан? Чақир ўғлингни. Эркинингни чақир!

Қ У Д Р А Т. Нима қиласан уни, опа?

Б А Ҳ Р И. Чақир уни. Чақир дедимми, чақир!

Қ У Д Р А Т *(уйга қараб)*. Ҳо, Эркин. Эркин-ов! Сувратни кейин ишларсан, буёққа чиқ!

**Ичкаридан бўйнига фотоаппарат осган, соқоли кўксига тушган Эркин чиқади.**

Б А Ҳ Р И. Мана. Мана! Мана шу невараси бўлади. Неварасининг соқоли кўксига тушади. Невараси ҳассасига таяниб қолган чолга қайси ликилдоқ кампир тегаети. Бу гап кимдан чиққан бўлса, номаъқул бузоқнинг гўштини епти!

Р А Ҳ И М А. Қўйинг, опа, уйлансалар уйланақолсинлар. Қўнгил экан-да!

Н А З М И. Вой, дод! Бу кеннойим дадамдан қутулолмай юрган экан. Бу

гап шу кишидан чиққан. Бир коса ош бериш, битта кўйлагини ювиш малол келганидан дадамни уйлантирмоқчи. Қайси келин эр уруғига эл бўлган, бу эл бўларди?!

Б А Ҳ Р И. Агар дадагинам сизларга малол келаётган бўлсалар, мен олиб кетаман. Бизникида турадилар.

Ж У Р А. Баҳри, сени яхши биламан. Эрингни ҳам кафтимнинг чизигидек точний биламан. Биринчидан, Ғани бир буюм эмас, ҳамма олиб кетаверадиган. Уй керак бўлса, республиканинг қайси бурчагига борса, профессорлар ололмаган уйни беришади. Негаки, бунақа лимончи ҳали етти иқлимда пайдо бўлмаган. Бу гап, гап эмас. Иккинчидан, сен уни бекорга олиб кетмайсан, уни ўзидан кўра пенсияси керак сенга, билдингми?

Б А Ҳ Р И. Сиздан қачон бир ширин гап чиққандики, энди чиқади. Манави келин билан Жўравой тоғанинг тили бир.

Н А З М И. Ойимни ҳам шу келин сил қилиб ўлдирган.

Қ У Д Р А Т. Тилим бор, деб оғзингга келганини қайтармай гапираверасанми? Ўчир овозингни.

Н А З М И. Агар дадам уйланадиган бўлсалар, хотинларига сирка ичириб, акашак қилиб ўлдираман. Лимонхонага ўт кўйиб, кулини кўкка созураман!

Ж У Р А. Энди менга қаранглар. Бунақа валақ-валақ қилган билан иш битмайди. Дўппини олиб кўйиб, гаплашайлик. Мен Ғанивой томонда туриб гаплашай. Сизлар кўпчиликсизлар, мен томонга икки киши ўтсин. Шунда иккиёқ баббаравар овозга эга бўлади. Қани, ким ўтади? (*Назми билан Баҳри ҳаммага синчковлик билан қараб туришади.*) Ҳой, келин, сен мен томонга ўт. Эркин ҳам ўтсин.

Б А Ҳ Р И. У ёш бола-ку. Нимани билади.

Ж У Р А. Ия, ия! Шу ёш болами? Соқолини қара. Лев Толстойга ўхшайди. Хўш, десангиз, бу томони ҳал бўлди. Гап бундоқ. Мен томондагилар Ғанининг уйланишига тарафдор. Сиз томондагилар қарши. Келишдикми? Қани, қайси томондагилар гап бошлайди?

Н А З М И. Мен бошлайман. Биз қаршимиз!

Ж У Р А. Сабабини айт.

Н А З М И. Қаршимиз, вассалом.

Ж У Р А. Бу гап эмас. Даданг олтмиш етти ёшда. Гражданлик ҳуқуқини ҳеч ким тортиб олмаган. Бола-чақалардан тинчиган. Бирини эрга бериб, бирини уйлантириб, қарзидан қутулган. Энди уйланмоқчи экан, ихтиёри ўзида. Сен қарши бўласанми, бўлмайсанми, буни аҳамияти йўқ.

Н А З М И. Вой, амаки, билиб гапиряпсизми?

Б А Ҳ Р И. Булар шунақа, поччанг ўлгур ҳам, агар мен ўлиб қолсам, бу ёқдан тупроққа тикадию, мозорбошидан қайтишда сурнай чалдириб, биттасини уйга олиб келади.

Ғ А Н И. Кувёмини кўпам ёмонлайверма. Дуруст бола у.

Б А Ҳ Р И. Ёмонлаётганим йўқ. Битта яхши эркак сизми? Шундоқ онагинамни арвоқини чирқиллатяпсиз.

Қ У Д Р А Т. Бунақа майда, ипйрисқи гапларни қўйинглар. Асосий гапдан гаплашайлик. Дадам ейиш-ичишдан кам эмаслар. Кийимлари ювиқсиз қолгани йўқ. Аммо қариганда битта танмахрам зарурлигини биламан. Аммо олтмиш етти ёшга кириб уйлансалар, эшитган қулоққа жуда хунук гап-да.

Ж У Р А. Қудратжон, сен ҳам ўзимни боламдексан. Киши кексайганда ётиб қолиши бор. Ётиб қолган кишининг ҳар хил ҳолати бор. Келин ечинтириб қаролмаса. Қизлар келиб қаролмаса. Сенлар ҳам бир қарайсанлар, икки қарайсанлар, учинчи галда бурнингни жийирасан. Шунақа пайтда фақат битта танмахрам бу ишга яради. Ҳамманг ўз бола-чақаларинг билан оворасанлар. Мана, ўтган ҳафта даданг касал бўлиб қолди. Ҳамманг ишдасанлар. (*Ғанига.*) Нима еган эдинг? Ҳа, қулупнай еб, кетидан хом сут ичган экан. Келин яқинига келолмади. Кунига мен ярадим. Ечинтириб, ўзим кийинтирдим. Хўш, шу инсофданми? Мен бўлмасам, беланиб ётаверармиди? Қани, бирорганг айтчи, яна шунақа бўлса, (*Назмига.*) сен қарайсанми, (*Баҳрига.*) ё сен қарайсанми? Манави келин-ку, мутлақо қараёлмайди. Масаланинг бу томонини ҳам ағдариб қаранглар-да.

Н А З М И (*узоқ паузадан кейин*). Майли. Мен рози бўламан. Аммо битта шартим бор.

Ж У Р А. Қанақа шарт, айт!

Н А З М И. Агар хотин олсалар, бу уйда турмайдилар. Дом-помга чиқиб кетадилар.

Ж У Р А. Ўзи қурган уйни ташлаб кетадими? Ундан ташқари қишлоқда ортиқча уй йўқ. Бўладиган гапдан гапир. Лимонхонани ташлаб қаёққа кетади?

Б А Ҳ Р И. Уйланадиган одам бу ёғиниям пишиқ қилсин-да.

Ж У Р А. Унақа хом гапни гапирма. Ўзларингга гап тегади. Бордию, ичкүёв бўлиб кетса, чидайсанларми?

Н А З М И. Вой, дод! Бизни ташлаб хотинлариникига кетмоқчилар.

### Чапак чалиб, тиззасига уриб додлайди.

Ғ А Н И. Бўлди, овозингни ўчир-е!

Қ У Д Р А Т. Жўравой амаки, бояги гапларингизни хўп танамга ўйлаб кўрдим. Жуда доно гапларни айтдингиз. Мен дадамнинг уйланишларига розиман.

Р А Ҳ И М А. От қаёққа юрса, арава ҳам ўшаққа юради. Менам розиман.

Н А З М И. Мен икки дунёда рози эмасман!

Қ У Д Р А Т. Сени рози розимаслигинг капийка. Ўзинг уч марта эрга тегдинг, биздан қайси бирига розилик сўраган эдинг? Кўчага чиқиб эркак зотини кўрсам, куёвим шу бўлса керак деб, эҳтиётдан салом бериб ўтаман.

Ж У Р А. Болам, эшак миниб оёқ остини кўргандан, туя миниб узоқни кўзлаган яхши, дейдилар.

Н А З М И. Қачон эшак минибман. Оғзингизга қараб гапиринг, амаки.

Ж У Р А. Сени эшак минди, деяётганим йўқ, болам. Бу бир мақол.

Н А З М И. Мақол ҳам ўлсин, шунақа қўпол бўлмай.

Қ У Д Р А Т. Билиб-билмай гапни белига тепмай тургин, мақолни тагида бир гап бордирки, гапга қистиряптилар. Гапиринг, Жўравой амаки.

Ж У Р А. Гапдан ҳам адашиб кетдим. Нима эди. (*Уйлаб.*) Ҳа, топдим. Узоқни кўзлаш керак, болам. Дадамг кичкина одам эмас. Кимсан Ғани лимончи. У яратган лимон навлари бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонга машҳур бўлган. Ҳатто Кавказдан одам келиб, кўчат олиб кетяпти. Ғанивой бугун Фарғонада бўлса, эртага Хоразмда. Бирон ой йўқки, республика, ё областга борманган бўлса. Областа-область юриб, лимончиларга консультация беради. Шундоқ дадаларинг борлигига севинмайсизларми. Кўкси тўла орден. Сал кунда герой бўлиб кетадиган сиёқи бор. Ана шу одамнинг ёнида иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган, орқасини қашлаб қўядиган бир танмаҳрам бўлса, эҳ-хе, бу чол тушмагур нима ишлар қивормайди, дейсиз. Апельсин билан мандарин чатишмаси аллақачон битиб кетарди. Битта ўзларингни ўйламанглар-да. Республикани, бутун Совет Иттифоқини ўйланглар. Оталаринг Иттифоқ аҳамиятидаги одам. Тушундингларми?

Б А Ҳ Р И. Апилси ўлгур билан мандарин ўлгурни уйланмай чатиштира с бўлмайдами?

Н А З М И. Ҳа-я, дадам уйланмасалар апилси қуриб кеткур чатишмайди-ми?

Ж У Р А. Ўзимни қизим эмассан-да. Шундоқ бўлганда ҳозир битта шапалоқ ердинг.

Қ У Д Р А Т. Тўхтанглар. Жўравой ака, гапларингиз бир каттақон олимнинг гапига тенг келадиган гап бўлди. Дадамга қанча яхши шароит яратиб берсак, у киши шунча яхши ижод қиладилар. (*Сингилларига қараб.*) Ҳой, Баҳри, Назми, сенларни бу атрофда ҳеч ким фалончининг хотини, дейдими? Йўқ, демайди. Ҳалигача Ғани лимончининг қизи, дейди. Лимонини егандан кейин, лимончиниям ҳурмат қилгин-да! (*Дадасига ўғирлиб.*) Дада, қизларингиз вақиллаиверади. Ўзим совчи бўлиб, уйлантирганим бўлсин!

Р А Ҳ И М А. Бу оиладан битта ақлли одам чиқиб қолган экан, ҳайтовур.

Ж У Р А. Энди бундоқ қилайлик. Куёв бола билан уйга кирайлик. Сизлар ақллашиб, қаерда Ғанибон келин борлигини билиб, рўйхат қилинглар. Бўптими? Е, Ғанивой, кўзингни остига олиб қўйганинг борми?

Ғ А Н И (*уйманиб*). Кўз остига-ку, олганим йўғ-а. Аммо Абдумажиднинг онасини ҳам рўйхатга киритиб қўйинглар.

Н А З М И. Вой, дод! Асло рёзи эмасман. Ойим раҳматлик шундан хавотирда эдилар. Ойим тирикликларида ҳам дадам шу Зумрад кампир билан дон олишиб юардилар. Эшитганман. Тегирмон орқасида соатинг неча бўлди, деб билагидан ушлаганларини одамлар неча марталаб кўришган. Еши эллик бешга кириб, ҳалиям улама тақади. Магазинда сумкасидан пул олаётганда битта қозоқ эрга тушиб кетганмиш. Олиб қарашса, журналда чиққан дадамнинг светной суврати эмиш. Шармандаси чиқиб ура қочганмиш. Мода бўпти деб билагига эркаклар соатини тақиб юради. Сира рози эмасман!

Ғ А Н И. Билиб-билмай гапираверма. Дамский соатнинг милига кўзи ўтмайди. Мили йирик, яхши кўринади деб шунақа катта соат тақади, билдингми?

Н А З М И. Балки соатни ҳам ўзингиз олиб бергандирсиз?

Ж У Р А. У бўлмаса, агрономни онасини кўришсин.

Б А Х Р И. Вой, савил, дадам шуни оладиларми? Шарми-хаё борми у кампирда. Уз кўзим билан кўрганман. Ҳар куни тонг отиши билан майка кийиб, қишлоқ кўчасида ярим соат югуради. Ҳа, деса, эрталабки зарядка дейди. Шунақа қилса, қон босими ошмасмиш. Импай бўлмасмиш.

Э Р К И Н. Маладес кампир.

Қ У Д Р А Т. Сен аралашма, бор, уйга кир.

Н А З М И. Емоннинг бир қилиғи ортиқ дегандек, бозорга валасапит миниб борганига ўлайми.

Б А Х Р И. Неварасини тўйида белига рўмол ўраб индийчага ўйнаган.

Р А Х И М А. Бошида эри йўқ. Ўзини шунақа қилиб овутади-да. Эрга тегса, қуйилиб қолади. Ойдек келин бўлади. Ешлигида жудаям чиройли бўлган дейишади-ку. Мачит бузилса меҳроби қолар, дегандек, ҳалиям юзидан нур чиқиб туради.

Ж У Р А. Ҳа, чиройлиликка чиройли эди. Эри ишқибоз бўлиб қолиб, Чуст деган жойнинг Олмос деган парилар қишлоғидан опқочиб келган экан. Акалари, ўлдираман, деб қишлоғимизда икки ой пичоқ қайраб юришган.

Н А З М И. Чиройли бўлмай ўлсин. Минг чиройли бўлгани билан бари бир папирос чекади.

Р А Х И М А. Боя айтдим-ку, бошида эри йўқ, деб. Хумор бостига папирос чеккан бўлса, чеккандир. Эрга тегса, дарров хумори босилади-қолади.

Э Р К И Н. Битта ўртоғимнинг бувиси бор. Жуда зўр кампир.

Қ У Д Р А Т. Халиям шу ердамисан. Бор, уйга кир.

Ж У Р А. Хайдамай тур болани. Қани, айт-чи, Эркинвой, қайси ўртоғингни бувисини айтгяпсан.

Э Р К И Н. Биткомбинатда биз билан ишлайдиган фоточи ўртоғим бор. Оти Аркадий.

Н А З М И. Урисми?

Э Р К И Н. Йўқ, оти Ориф. Биз уни янгичасига Аркадий деймиз. Бувиси жуда чиройли. Қишда музларни тешиб чўмилади.

Б А Х Р И. Э, анаву Қумри кампирни айтгяпсанми, у фирт жинни-ку. Қишда сой бўйига борсангиз, шир яланғоч бўлиб, музни тешиб, чўмилаётганини кўрасиз.

Қ У Д Р А Т. Қишда чўмилишни тан соғлиққа жуда фойдаси кўп-да. Қишда чўмиладиганларни морж дейишади.

Н А З М И. Вой ўлай, морж шимолий қутбда яшайдиган ҳайвон-ку. Зоопаркда кўрганман.

Ж У Р А. Қанақаси бўлса ҳам рўйхатга олиб қўяверинглар-чи. Биронтаси маъкул бўлиб қолар.

Қ У Д Р А Т. Райисполком раисининг онасини ҳам ёзиб қўйинглар.

Р А Х И М А. Хозмаг мудирининг онаси ҳам дуруст хотин.

Н А З М И. Тиши ўзиникими, ё ҳукумат қўйиб берганми?

Қ У Д Р А Т. Сенга бари бир эмасми. Е тиши ўзиники бўлса, овқатни кўп ейдими?

Н А З М И. Бўлмайди. Бошини юваётганда кўришган экан, бўйнида совун кўпирмасмиш.

Р А Х И М А. Шу ҳам гап бўптими. Кўпирмаса кўпирмас. Эрга тегса кўпириб кетади. Эрининг ўзи кўпиртирворади.

Ж У Р А. Эсларингга келганини ёзиб қўяверингларчи. Бир чеккадан совчиликка бораверасизлар.

Н А З М И. Вой, мени дадамга кимлар тегмайди. Қаёқдаги қаланғи-қасанғиларга бораверманглар.

Қ У Д Р А Т. Синглим, дадамиз бари бир ҳаммасини ололмайдилар. Биттасини оладилар. Аммо-лекин танлаб, олиб берамиз.

Н А З М И. Ҳали тўй ҳам бўладими?

Ж У Р А. Тўй эмас-ку, тўйчиқ қилиб берасизлар-да.

Б А Х Р И. Карнай-сурнай чалинадими?

Ж У Р А. Карнай чалдирсак, айб бўлар-ов. Сурнай чалдириб қўяқолсакми-кин.

Ғ А Н И. Ҳеч нарса чалдирмаймиз.

Н А З М И. Албатта, чалдирмайсиз-да. Е ёнбошига лента тақилган, олдига қўғирчоқ бойланган «Чайка» да қишлоқ айланмоқчимисизлар?

Ғ А Н И. Мени калака қилма, болам.

Н А З М И. Ойигинамнинг қўллари теккан бирон буюмни қолдирмайман. Элакниям, самоварниям, чўян дазмолниям олиб кетаман.

Қ У Д Р А Т. Уйни шип-шийдам қилиб кетганинг етмасмиди. Ҳар келганингда бирон нарсани судраб кетасан. Говмиш сигиримизниям етаклаб кетгансан, елинига ойимни қўли теккан, деб. Уялмайсанми?



НАЗМИ. Нега уялар эканман. Келин аям оймни қадрига етмаганди. Ўзини қадрламаган, сигирини қадрлармиди.

ГАНИ. Опкет, нимаики қолган бўлса ҳаммасини ол. Ойингни қўли теккан деворни ҳам кўчириб кет. Фақат менга тегма. Тинч қўй.

БАҲРИ. Ана, кўрдингизми, ҳали хотин олмасдан бизни бегона қиляптилар. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Кўрармиз.

РАҲИМА. Гапимни тескари тушунманглар. Келин аям дадамдан қачон қутуламан, деб пайт пойлаб ўтирган экан, деб асло ўйламанглар. Отамдан мен ҳеч қачон тирноқча ёмонлик кўрмаганман. Ўз қизларидек кўрадилар. Раҳматлик қайнонам ҳам фариштадек хотин эдилар. Энди қандоқ қиламиз. Отамизга ҳам жабр бўлиб кетди. Бир танмахрам керак, албатта. Агар хўп десанглар, бир кампир бор. Бичиш-тикишда унинг олдига ҳеч ким тушолмайди. Пазандалигини айтмайсизми! Ўзи ниҳоятда озода. Совунга чидасанглар бўлди. У ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам кўзига совун кўринса бўлди, ҳар қандай ишини ташлаб, қўлини ювади. Бир кунда юз марта совун кўрса, юз марта қўлини ювади. Чойнак-пиёла у ёқда турсин, қозонни ҳам атир совунда ювади. Сухбати ширин хотин. Бир гаплашган одам, яна гаплашсам, дейди.

НАЗМИ. Оббо, жуда мақтавордингиз-ку.

РАҲИМА. Асло мақтаётганим йўқ. Сизлар ишонмайсизлар деб кўп яхши ишларини айтганим йўқ. Агар бу хотин мақтайдиган ёзувчининг қўлига тушса, эҳ-ҳе, нималар демайди. Сизларга ёлгон, менга чин, сигир соққанда куёвининг арағидан пахтага томизиб, елинини артади.

ЭРКИН. Сутини ичганлар кайф қиларкан-да.

НАЗМИ. Сигирни елинига дазмол ҳам босади деб қўяқолинг.

РАҲИМА. Шунақа ишонмайсизлар-да.

НАЗМИ. Э, ўлсин, Жамила холами? Дадамни эски жазманлари. Бўлмайди. Атир сурмаса, уйқуси келмайди. Нима бало, атирни бошидан қуядими, кўчадан ўтса, уч кунгача атир ҳиди келиб туради. Магазинга келган атирларни сотмай, ўзи олиб қўяди. Бўлмайди.

РАҲИМА. Бўлмасам, сартарош Ориф сариқнинг қайнонасини олиб берайлик.

ҚУДРАТ. Қайси Ориф сариқ? Тушунтириброк айт. Ким экан, гапни чўзмасдан айт-қўй-да.

РАҲИМА. Учкўприкдаги сартарош Ориф сариқ деган бор-ку. Ушанинг қайнонаси. Яқинда уйда катта жанжал чиқди. Сарик ўлгур арзимаган нарсалардан жанжал чиқазиб, бечора кампирни қийнабди. Кампир бечоранинг шу қизидан бошқа боласи йўқ, борадиган жойи ҳам йўқ. Ҳовли-жойини сотиб, куёвининг қўлига берган. Тунов куни аптекани ёнида кўриб қолган эдим. Бечора йиглаб-йиглаб хумордан чиқди. Тенгим чиқса тегиб кетганим минг марта яхши эди, дейди шўрлик. Менимча, шуни ҳам рўйхатга киритиб қўйиш керак.

ЖУРА. Жуда Ғанибоп кампир экан. Хўш, ўзинг нима дейсан, ошнам?

ГАНИ. Майли, шунга боринглар.

НАЗМИ. Ҳеч ким бормасин. Рўйхатдагиларни аввал маҳалласидан қуда-андаларидан ўзим суриштираман. Ана ундан кейин совчиликка борасизлар.

ҚУДРАТ. Сен аралашадиган иш бузилмай қолмайди. Жим турсанг бўларди.

БАҲРИ. Келин пошша билан икковимиз борамиз. Назми, сен бошқа иш қил.

НАЗМИ. Ҳо, ёқадими? Бўладиганини бўладиган, бўлмайдиганини бўлмайдиган қиладиган ўзимман. Қани, менсиз бир қадам босиб кўринглар-чи. Ишонган тоғда кийик ётмас, деб шуни айтарканлар-да. Агар дадам хотин олсалар, бўғизлайман, деган ким эди.

БАҲРИ. Сингилжон, жаҳл устида одам нималар демайди. Жўра амакимни гапларини эшитдинг-ку. Дадам қулупнай еб, кетидан хом сут ичиб, касал бўлганларида кунларига сен ярадингми, мен ярадимми?! Бу ёғини ҳам ўйлаш керак. Агар гапнинг пўсткалласини айтсам, шу ишни қилсак, ойим раҳматлик гўрларида тинч ётадилар. Дадамнинг нотинчлиги онагинамнинг арвоҳини безовта қилади, билдингми?

ЖУРА. Баҳри, ўзинг аёл киши бўлсанг ҳам, аммо ўғил боланинг гапини қилдинг. Демак, Ориф сариқнинг қайнонаси, шундайми? Бўпти. Тугун-терсақларни тайёрланглар. Бўлди, энди мен уйга чиқай. Хотиним қидириб юргандир.

НАЗМИ. Шошманг, амаки. Совчиликка боришни бир-икки кун кечиктириб туришга тўғри келади. (Ўзича пичирлаб). Мен тирик эканман, бу уйга хотин зоти оёқ босмайди!

Ж У Р А. Яна қандоқ гап топдинг?

Н А З М И. Кампир дегани, бу дунёга меҳмон дегани. Бугун бор, эртага йўқ. Ҳаммаси пишиб, ҳилвираб турган нарсалар. Биттасини суриштирмай олиб берсагу уч кун ўтмай ўлиб берса. Нима, уч кунлик омонат она деб бир йил қора кийиб юрамизми. Вой, опа, тўйингиз қолиб кетади. Яхшилаб суриштириш керак.

Ғ А Н И (*тоқати тоқ бўлиб*). Ахир, нима қил дейсан, жон болам.

Н А З М И. Бояги рўйхатни менга беринглар. Поликлиникадан ҳаммасини делосини олиб, ўқиб чиқаман. Ўладиганини ўладиган, қоладиганини қоладиган қилиб ажратаман. Ана шундай қилиб жони қаттигини танлаймиз.

Қ У Д Р А Т. Қаллангга қойилман.

Ғ А Н И. Э, калласи курсин.

М А Х С У М (*жиндек қайф билан кириб*). Саломлар бўлсин!

Р А Ҳ И М А. Нима бало, қайфингиз борми? Унақа одатингиз йўқ эди-ку, куёв тўра.

М А Х С У М. Тўйдан келяпман, келинпошша.

Н А З М И. Қанақа тўй. Эрталабдан қайси гўрда тўй бор экан?

М А Х С У М. Ими-жиммида тўй, хотин. Хўфия тўй. Ориф сариқни қайнонасини эрга бериб келяпман. Эл уйғонмасдан тўйни қилиб, битта киномеханикка узатдик. Келинни жўнатиб, Ориф ака икковимиз келин-куёв соғлиғига жиндек-жиндек қилдик.

Б А Ҳ Р И. Қайси кампирни айтяпсиз?

М А Х С У М. Ўзинг тушунтир, хотин. Келинпошшанинг маҳалласидан-да. Ўзингиз тушунтиринг, келин (*Раҳимага қарайди*). Тилим келишмаяпти.

Р А Ҳ И М А. Боя мен айтган Ориф сариқнинг қайнонаси эрга тегиб кетипти!

**Ҳамма бир-бирига ҳайрон қараб қолади.**

Ғ А Н И. Шуни ҳам худо кўп кўрди-я. Олғирлар олиб кетишипти-я! Эҳ, аттанг!

**Ҳўл кийимлар солинган тоғорани кўтариб, кўча эшиги томон юра бошлайди.**

Н А З М И. Ҳа, қаёққа? (*Севиниб*.) Куёв тўра?

Ғ А Н И. Автобус истансасига. Ўша ерда кир юваман. Аҳволимни бутун қишлоқ, бутун район, бутун область билсин.

Э Р К И Н (*кесагиб*). Кўчада кир ювишингиз уят, исноти бизга тегади.

Қ У Д Р А Т. Катталарнинг гапига аралашма, деб неча марта айтганман. (*Дадасининг орқасидан*.) Ҳой, дада, бизни шарманда қилманг. Ҳой, дада...

**Гапи оғзида қолади. Ғани кўчага чиқиб кетади. Ҳамма жим, фақат Назми хурсанд.**

## П А Р Д А

### Иккинчи парда

Яна ўша ҳовли. Чорбоққа очилган эшикдан лимонхонанинг ич томони кўриниб туради. Ғуж-ғуж лимонлар кўзга ташланади. Раҳима ҳовли су-пурмоқда. Томда, чордоқ эшигидан Эркиннинг боши кўриниб қолади. У нимадир қидиради. Эшикдан Баҳри киради.

Б А Ҳ Р И. Яхши ўтирипсизми, келинпошша. (*Уёқ-буёққа қараб*.) Дадам кўринмайдиларми?

Р А Ҳ И М А (*у билан кўришиб*). Сартарошга кираман, ҳаммомга тушаман, деб сочиқ қўлтиқлаб, чиқиб кетгандилар.

Э Р К И Н (*чордоқ эшикчасидан бошини чиқазиб*). Ойи, ойи, манави нима?

**Ҳовлига бир бойлам қоғоз ташлайди.**

Р А Ҳ И М А. Нима бало экан? (*Қоғоз бойламининг чангини қоқиб, очабошлайди*.) Эски-туски қоғозлар-ку.

Б А Ҳ Р И. Ҳовлининг васиқаларидир-да. (*У ҳам қоғозларни титкилаб*.) Қудратнинг фронтдан ёзган хатларимасми?

РАҶИМА. Укангизнинг хатлари учбурчак қилиб букланган бўларди. Ҳаммасини даста-даста қилиб, ипга боғлаб, сандиққа солиб қўйганман. Бу бошқача хатларга ўхшайди.

БАҲРИ (*бир хатни қўлига олиб*). Вой, ўлсин, лотинча ёзилган-ку. Кўринг-чи, сиз эскича ўқигансиз, биларсиз. (*Қоғоз орасидан бир суврат ерга тушади. Шошиб уни олади ва тикилиб қолади.*) И-и-й. И-й-я. Е тавба! Манавиниси дадамлар-ку!

РАҶИМА (*у ҳам сувратга тикилиб*). Вой, рост. Жуда ёш пайтлари экан. Ёнларидоги ким бўлди? Ойдек нарса экан. Қош-кўзлари попукдек. Бурнилари чимчилаб қўйгандек. Қаранг-а, икковлари бошларини-бошларига тегизиб тушишган экан.

БАҲРИ. Шошманг, шошманг. Пешоналари, ияклари кўзимга жуда таниш кўриняпти.

РАҶИМА. Э, ўлсин. Анави Зумрад кампир-ку.

БАҲРИ. Бўлди, бўлди, ўшанинг ўзи. Вой, ўлмагур-е, ёшлигида жудаям чиройли бўлган эканми?

РАҶИМА. Ҳалиям чиройли. Қош-кўзлари ёниб туради. Бу сувратнинг олинганига камида эллик йил бўлган чиқар.

БАҲРИ. Тўғри, элликдан кам эмас.

РАҶИМА. Дадамиз ёшликларида жуда ухажорний бўлган эканларда-а?

БАҲРИ. Дадам ҳали ҳам бўш келмайдилар. Кампирларни кўрсалар, оғизларидан сўлак оқади.

ЭРКИН (*настга тушиб, кийимларидан чангни қоқиб*). Ойи, қанақа қоғозлар экан?

РАҶИМА. Арзимаган, кераксиз қоғозлар...

ЭРКИН. Менга беринг, ўчоққа обориб, ёқвораман.

РАҶИМА. Йўқ, унақа қилма. Балки керак бўлиб қолар.

БАҲРИ. Бор! Сен аралашма. Ундан кўра уйни қоронғи қилиб, кеча олган сувратларингни ишлаб чиқ.

ЭРКИН. Шошманг, лентам қурисин. Роса қизиқ сувратлар олганман. Қишлоқ уёқда турсин, бутун районни айланиб, жамики кампирларнинг сувратини олиб келганман. Ҳаммаси во чиққан!

**Уйга кириб кетади.**

РАҶИМА. Қани, хатни ўқиб кўрайлик-чи. (*Ўқийди.*) «Вафоли ёрим Ганивой ака!

Бу кеча ойга қараб сизни ўйладим. Кўз олдимга Алпомишдек қоматингиз келаверди. Зебининг тўйига куёвнавкарлар келганда, сиз сурнайчининг орқасида экансиз. Девордан қараб турган эдим. Ўзим тикиб кийдирган дўппини бошингизда кўриб, юракларим дукиллаб уриб кетди. Белингиздаги қийиқчага газал биткандим. Ўқиб кўрдингизми, ёрим. Бугун эрталаб акам бир гап топиб келдилар. Сиз тегирмон бошидаги Акром дудуқнинг қизи Обидага уйланармишсиз. Шу гапни эшитиб, кўзларимга дунё қоронғу бўлиб кетди. Наҳотки рост бўлса! Совхоз боғида, ой тепамизга келганда йиғлаб-йиғлаб нима дегандингиз? Нима дегандингиз, бевафо! Даданг бермаса, нариги қишлоққа қочиб кетамиз, сендан бошқасини олсам, отимни бошқа қўяман демаганми-дингиз?

Билиб қўйинг, тўйингиз бўлган куни кўчанинг бошидан сурнай чалдириб сиз келасиз, бу бошидан товутда мен келаман...

Ўзимни осиб қўймасам, Анбар онаминг арвоҳлари урсин!

Ушбу мактуб-хатни кўзёшларим, жигар қонларим билан ёздим.

Бахтсиз ёрингиз Зумрад, деб билгайсиз.

1938 йил, жавзо ойининг  
19-инчи чаҳоршанба куни».

БАҲРИ. Вой-бу! Ошиқлик манавунақа бўларкан-ку...

РАҶИМА. Дадам роса бевафолик қилган эканлар. Бечора қон қақшаб қолган экан.

БАҲРИ. Ий, ий... орқасини қаранг, яна нималар ёзилган.

РАҶИМА (*хатнинг орқасидаги ёзувни ўқиб*). «...Агар ўша Акром дудуқнинг қизига уйланадиган бўлсангиз, тўй куни ҳовлидаги беҳининг шохига ўзимни осиб қўяман. Билиб қўйинг, хат қолдираман. Ўзимни ўлдиришимга нима сабаб бўлганини ёзиб қолдираман. Юртаг ўзингиз жавоб қиласиз.

Бу оламдан кўзим юмсам,  
Ғанининг дастидан, денглар...»

Б А Ҳ Р И. Вой, ғазалга дадамни номларини ҳам киритворибди...

Р А Ҳ И М А. Куйиб кетган-да, бечора. Вой, рост, бир гап бўлган эди. Зумрад хола ёшлигида битта йигитни яхши кўриб қолиб, ўзини осган, дейишувди.

Б А Ҳ Р И. Ҳа-я. Мен ҳам шунга ўхшаган гап эшитгандай бўлудим.

Р А Ҳ И М А. Кап-катта хотин нега марварид тақади, десам, ҳа, энди билдим. Томоғимдаги арқон изи кўринмасин, деб тақаркан-да.

Б А Ҳ Р И. Бурма ёқа кўйлак кийиши ҳам шундан экан-да.

Р А Ҳ И М А. Зумрад хола ҳалиям суқсурдек.

Б А Ҳ Р И. Пигурасиям сақланган. Ғоздек юради. Башарасида битта ҳам ажин йўқ.

Р А Ҳ И М А. Терисини торттиради, ўргилай, торттиради.

Б А Ҳ Р И. Қўйсангиз-чи, йў-ўқ, бўлмаган гап. Битта артисткани биламан. Терисини торттирганда бир кўзи қулогининг олдига бориб қолган. Гажаги ўша сурилган кўзи устидан осилиб туради. Йў-ўқ, Зумрад хола терисини торттирмаган. Асли тоза хотин. Сира айнамайди. Қизларини биласиз-ку. Қандоқ чиройли. Асал айнимас, сарёқ сасимас, деб шуни айтишадди-да. Қани, бошқа хатларни ҳам бир титиб кўрайлик-чи. (*Қогоз ўрамларини титкилаб, бир суврат олади.*) Вой, ўлай, бу қанақаси?! Тагин биттаси билан сувратга тушган эканлар.

Р А Ҳ И М А. (*Сувратни олиб, тикилиб қараб*). Э, ўлсин. Бу анави агрономни онаси Раҳбар хола-ку! (*орқасидаги ёзувни ўқийди*). «Ушбу суврат Термиз шаҳрида, 1939 йилнинг асат фаслинда сувратчи Ашот Карапетян томонидан олинган».

Б А Ҳ Р И. Дадам уйланганларидан кейин ҳам тинч юрмаган эканлар-да.

Р А Ҳ И М А. Вой, сиз билмайсиз. Дадам шу Раҳбар хола билан Термизга қочиб кетганларида, тоғаси аэропланда учиб бориб, беш кун деганда топиб, олиб келган. Келгандан кейин Тошкентдаги катта дўхтирларга кўрсатган экан. Манави суврат ўлгурни ўшанда олдиришган-да.

Б А Ҳ Р И. Ойим бечорани ҳам хўп куйдирган эканлар.

Р А Ҳ И М А. Нимасини айтасиз.

#### Яна қоғозларни титкилашади.

Б А Ҳ Р И. Қанақа хатлар экан?

Р А Ҳ И М А. Буёғидаги хатларнинг ҳаммаси Зумрад холаники. Фақат биттаси Раҳбар холаники. (*Хатни ичида пичирлаб ўқийди.*) Термиздан қайтариб олиб келишганда, уйда қандоқ қангомалар бўлганини ёзипти. Акасининг ургани, дадасининг ертўлага қамаб қўйгани, онасининг туйнукдан нон ташлагани, Ғанижон, деб додлагани борми—ҳамма-ҳаммасини ёзипти.

Б А Ҳ Р И. Тавба! Эркакларнинг хунук-чиройлиги бўлмас экан-да. Дадамнинг нимасига ошиқ бўлишадди. Тақир-туқур қоқсуяк бўласалар.

Р А Ҳ И М А. Унақа деманг. Дадамнинг кўзларида меҳриғиёлари бор. Хотин кишига бир қарасалар, ўқ теккан каптардек таппа-таппа йиқилаверади. Яхшилаб тикилсалар, хотин зоти борки, илон авраган қуёндек эсанкирайди-қолади.

Б А Ҳ Р И. Энди бўлди. Хатларни кечқурун эрмак қиламиз. Назмихон қайнсинглинғиз келиб қолса, ҳамма хатларни тортиб олиб, дадамни шармандайи-шармисор қилади. (*Ичкарига қараб.*) Ҳой, Эркин, буёқча чиққин!

Э Р К И Н (*ичкаридан*). Бир пас сабр қилинг, ҳозир чиқаман.

Р А Ҳ И М А. Бир нарса эсимга тушиб қолди. Биласизми, дадам болаларни батареяли чирогини кўтариб, томга чиқиб кетганларича, соатлаб йўқ бўлиб кетардилар. Томда нима қиласиз, дада, десам, уйга чакка ўтипти, шуни суваёяпман, дердилар. Вой, дада, саратонда ҳам чакка ўтадим, десам, кўпам маҳмадана бўлма, дердилар. Энди билдим, хатларни чироққа солиб, ўқирканлар-да. Томдан кўзлари қизариб, ўпкалари тўлиб, хўрсиниб тушардилар.

Б А Ҳ Р И. Ешликда берган кўнгил, айрилмас бало бўлур, ўргилай. Эски муҳаббатларининг ярасини янгилаб тушарканлар-да.

Эркин (*чиқиб*). Нима дейсиз, оий?

Р А Ҳ И М А. Буёққа кел, болам. Манави сувратларни аппаратингга кўчириб, катта қилиб бер. Шу бугун тайёр бўлсин, хўпми?

Э Р К И Н (*сувратни қўлига олиб*). Ким экан? Ия, отамлар-ку. Ёнларидаги ким? Бувимларми?

Б А Ҳ Р И. Гапга аралашавермай, оийн айтганни қил. Кечгача тайёр бўлсин.

Э Р К И Н (*ҳеч нарса тушунмай*). Хўп. Бўпти. Каттароқ бўлаверсинми?

Р А Ҳ И М А. Қанча катта бўлса, шунча яхши.

Э Р К И Н. Бўпти, қотирамиз.

Б А Х Р И . Шошма, бола. Дадамни сувратларини ҳам беш-олтитасини катталаштириб қўй, керак бўлади.

Р А Х И М А . Орденлар билан тушган сувратларидан бўлса яна яхши.

**Эркин «хўп, хўп,» деб яна уйга кириб кетади.**

Б А Х Р И . Ойим раҳматлик хўп мўмин-қобил хотин эдилар-да. Дадамнинг шунча қилгуликларини ҳам кечириб келганлар.

Р А Х И М А . Сиз билмайсиз. Ойим раҳматлик дадамни жамики кийимларига мунчоқ тақиб ташлаган эканлар. Кир ювганимда кўрганман. Мунчоқ дейсизми, тумор дейсизми, ҳаммасидан бор эди. Бари бир фойдаси бўлмаган. Уша Зумрад хола билан тут тагида гаплашиб турганларида ушлаб ҳам олганлар.

**Шу пайт Назми қўлидаги оғир тугунни аранг кўтариб кириб келади.**

Н А З М И . Яхши ўтирибсизларми? Нима бало, ҳаммаёқ жимжит.

Б А Х Р И . Жимжит бўлса, ана, сиз келдингиз, тўполон энди бўлади-да.

Н А З М И . Дадам қанилар. Куёв бола кўринмайдилар?

Р А Х И М А (*магноли қилиб*). Сартарошга кираман, ундан кейин ҳаммомга тушаман, деб чиқиб кетганлар.

Н А З М И . Шундоқ денг... Жуда ўзларига оро бериб қолдилар. Тавба! Қари одам жикиллаб юрса, ярашмас экан.

Б А Х Р И . Дадангиз қачон жикилламагандилар. Ҳамма вақт серкнинг отидек гижинглаб турардилар-ку!

Н А З М И . Кеч қолдим, деб югуриб, ўпкам оғзимга келди. Химчисткага у-буларни берган эдим. Қани акам?

Б А Х Р И . Келиб қолар. Ишдан чиқиб келади-да.

Н А З М И . Эркин нима қилди? Сувратларни олиптими? Қачон кўрарканмиз?

Р А Х И М А . Онали бўламан, деб шошиб кетяпсиз-да, сингилжон. Ҳали келса кўрарсиз, кула-кула ўларсиз. Жудаям шошманг. Оначангиз келар ҳам, қилиғини чиқазар ҳам, ўртага совуқчилик тушар ҳам.

**Шу пайт эшик олдида машина тўхтаган овози эшитилади. Бир оздан кейин Қудрат билан Махсум кирадилар.**

М А Х С У М . Кино бошлангани йўқми?

Н А З М И . Қанақа кино?

М А Х С У М . Хотин танлаш киноси. Эркинжон олган қўлбола кино.

Н А З М И . Шундоқ демайсизми?

Б А Х Р И . Эркинни чақиринглар, кеч кириб, қоронғи тушиб қолди. Деворга парда-мардасини оссин. Дадам келишлари билан кинони бошлаймиз. Дадамнинг ўзларидан дарак йўқ-ку.

Қ У Д Р А Т . Хотинлар ҳаммоми олдидаги сартарошхонада кўргандек бўлувдим.

Б А Х Р И . Е тавба. Хотинларнинг ҳиди келади, деб атайин хотинлар ҳаммоми ёнидаги сартарошхонага бориптилар-да. Бўлмасам қишлоқда етита сартарошхона бор-а!

Қ У Д Р А Т . Ҳаммомдан қип-қизил бўлиб, буғланиб чиқаётган хотинларни кўриб, сал бўлса ҳам хуморлари босилади.

М А Х С У М . Сартарошхонадан чиқиб, хозмагга кириптилар. Иккита шам олиб, этикнинг қўнжигга қистириптилар. Ундан кейин гулчи ўртоқлариникига бориб, бир даста антиқа гуллардан олиб, Қўштут томонга кетаётганларини одамлар кўришипти.

Н А З М И . Вой, мен ўлай. Дадам бирорта ер юткур кампир билан кечаси, холироқ, электр йўқ жойда учрашарканлар. Шам ёқиб қўйиб гаплашарканлар. Гул ҳам ўша ўлгур шум кампирга олинган.

Б А Х Р И . Ошиқ-мошиқлик ҳам эви билан-да. Гул кўтариб, свиданияга бориш ёш-ялангга ярашади.

Р А Х И М А . Дадангизники бошқача, ўргилай. Гулнинг ёнида шам ҳам бор.

Э Р К И Н (*уйдан чиқиб*). Э, ҳа-а! Қоронғи тушипти-ку. Кинони бошласак ҳам бўлар экан. (*Қайтиб кириб кетади. Бир оздан кейин елкасида оқ сурп чодир, қўлида проектор аппарати билан чиқади. Аппаратни табуретка устига қўйиб, шнурни айвондаги розеткага тикилади. Пардани деворга ўрнатади.*) Мана биз тайёр. Учинчи қўнғироқдан кейин томоша залига одам қўйилмайди.

Қ У Д Р А Т. Шошма, бола. Дадам келсинлар. У киши бўлмасалар, томошанг бир пул. Дадам қаёқда қолиб кетдилар. Қоронғи тушиб қолди-ку.

Б А Ҳ Р И. Биронта ташландиқ тегирмондами, овлоқ дала шийпонидами, жононлари билан ўтиргандирлар-да.

Н А З М И. Улиптими. Қоронғи тушиб қолганда-я.

Р А Ҳ И М А. Қоронғи тушиши айна муддао-ку. Шам ёқадилар.

Н А З М И. Э, шамлари қурсин тутамай.

Б А Ҳ Р И. Унақа дема, жинни. Шамни фонусга қўйиб, гул ҳидлаб, яйраб-яйраб ўтиргандирлар.

**Шу пайт эшикдан Ғани киради. Уларнинг гапларига бирпас қулоқ солиб туради. Кейин йўталади. Ҳаммалари унга ўгирилиб қарайдилар.**

М А Х С У М. Қаёқларда қолиб кетдингиз, дада?

Ғ А Н И. Жуда меҳрибон бўлиб қосизларми? Юргандим, санқиб.

Н А З М И. Қаёқларда юрганингизни биламиз. Сизга бунақа қилиқлар ярашмайди, дада.

Ғ А Н И. Узимда айб. Кенжатоғим, деб кўп эркалатдим. Она қизим, деб эркалатдим. Оппоқ қизим, деб эркалатдим. Нима десанг, олиб бердим. Лўмбоздек бўлиб қолганингда ҳам тойлоқдек қилиб, опичиб юрдим. Ана шундай қилиб, бошимга чиқазиб олдим. Тилинг ҳам жуда бурро бўлиб кетди. На каттани биласан, на кичикни. Айб ўзимда.

Н А З М И. Мен тоғдан келсам, бу киши боғдан келадилар. Бу гапни у гапга нима алоқаси бор? Қаёқда юрибсиз, десам, эркалатиб, бошимга чиқазворганман, дейсиз. Ўзи сизга бир бало бўлган. Битта мегажин бошингизни айлантириб, лакалов қилиб қўйган. Бўлмасам кап-катта одам куппа-кундузи кўчанинг ўртасида шам ёқиб, гул кўтариб юрадими?

Ғ А Н И. Э, гап буёқда экан-ку. Оғзим бор деб, гапираверасанларми. Сартарошга кириб, сочимни олдирдим, ундан кейин ҳаммомга тушдим.

Н А З М И (*кесатиб*). Хотинларнинг ҳаммомига тушдингизми?

Ғ А Н И. Вей, қанақа одамсан ўзинг. Ахир бугун ҳаммом эркаларга ишлайдиган кун. Сани эринг умрида ҳаммомга тушмаган-да, билмайсан. Саратонда эрингни ёнига бориб бўлмайди. Ундан сасиган тухум ҳиди келади.

**Махсум ўзини четга олиб, ёқасини ҳидламоқчи бўлади.**

Н А З М И. Эримга тил теккизманг. Йилда бир марта чўмилсалар ҳам, жуда тоза ювинадилар. Ундан кўра нимага гул кўтариб юрганингизни гапиринг. Куппа-кундузи шам ёқиб халойиққа эрмак бўлиб юрганингизни гапиринг.

Ғ А Н И (*тажанг аҳволда*). Э, эси йўк. Сен нимани биласан. Мозор бошига бордим. Ойингни қабрига шам ёқдим. Гул қўйдим. Обидагинам уч кундан бери тушимга кириб, ухлатмайди.

**Ҳаммалари бирдан жим бўлиб қолишади.**

Р А Ҳ И М А (*Баҳрининг қулоғига шивирлаб*). Дадамга инсоф кирганга ўхшайди. Совчилик бекор бўлди-ёв.

Б А Ҳ Р И. Зора шундоқ бўлса. Мозорбошига бориб, тавба қилганга ўхшайдилар.

Ғ А Н И (*уларнинг пичирлашаётганларига жаҳли чиқиб*). Яна нима деб иғво қиялпсизлар. Мен бориб Обидагинамдан розилик олиб келдим. Елғиз қолдим, дедим. Якка-мохов бўлиб қолдим, дедим. Келинларингга, куёвларингга, қизларингга, ўғилларингга майна бўлиб қолдим. Мени одам ўрнида кўрмай қўйишди, дедим. Ҳайҳотдек уйда битта ўзим арвоҳга ўхшаб тонг оттиряпман. Улиб қолсам, бир ҳафтадан кейин, сасиб кетганимдан кейин билишади, дедим. Мени кечир, бир танмаҳрам керак бўлиб қолди, дедим. Қариганда ётар-турарим бор, иссиқ-совуғим бор, дедим. Мана, қиш келяпти. Печкани оловига тикилиб, тонг оттириш осонми? Қиш кечасидек узун кеча оламда бўлмайди. У ёққа юраман, бу ёққа юраман, дераза олдига келиб ўтираман. Кўчага чиқай, десам, совуқда қаёққа бораман. Мен тенги чоллар кампирининг бағрида орқасини қашлатиб ётипти. Қайси ковакка сизгаман, ўзинг айт, дедим. Мени ҳеч қайси ўртоғим меҳмонга чақирмай қўйди. Ҳаммаси мендан кампирини қизғанади. Тўйларига борганимда қайси жойга ўтирсам, ўртоқларим кампирини қўлтиғидан кўтариб, бошқа ёққа бориб ўтиради. Янги йил кутгани қишлоқ ветеранлари пул йиғишиб, хотинлари билан клубда ўтириш қилишди. Мени айтишмади. Нега айтмадинглар, десам, хотини

борларни айтдик, дейишди. Обида, энди розилик бер, бир бошимни икки қилай, дедим. Шундай қилиб, ойиларингни розилигини олиб келдим.

### Ҳамма жим. Ҳеч кимдан садо чиқмайди.

Б А Ҳ Р И. Дадажон, бунчалигини билмаган эканмиз. Бизни кечиринг. Устингиз бут, қорнингиз тўқ бўлса бўлди деб, юрган эканмиз.

Р А Ҳ И М А. Танаси бошқа дард билмас, дегандек, бу ёғини ўйламаган эканмиз. Сизга жуда-жуда қийин бўлиб кетган экан.

Қ У Д Р А Т. Дада, мени кечиринг-у, аслини олганда, уйланишингиз эшитган қулоққа жуда хунук гап. Аммо... мен жуда кўп ўйладим. Бунақада, одамлар нима деркин, дейдиган бўлсак, бу ёруғ жаҳонда яшаб бўлмайди. Одамлар нима деркин, деб ЗАГСга бормай, муллага никоҳ ўқитиб, тўйлар қилдик. Мана, ёшлар ЗАГСдан ўтиб, тўй қилишяпти, ҳеч ким бир нима деётгани йўқ. Одамлар нима деркин, деб колбаса емай юрдик. Мана, еяпмиз. Ҳеч ким бир нима деётгани йўқ. Одамлар нима деркин, деб уй қурганимизда кўча томонга дераза очмасдик. Мана, очдик, ҳеч ким кечаси келиб, эр-хотин ётганимизда деразадан мўралаётгани йўқ. Кўчага эр-хотин чиққанимизда одамлар нима деркин, деб ўзимиз олдинда, хотинимиз кетинда юрдик. Мана, куппа-кундузи қўлтиқлашиб юрибмиз. Ҳеч ким бир нима деётгани йўқ. Энди одамлар нима деркин, деб сизни уйлантирмай юрган эканмиз. Уйлантирганимиз бўлсин. Одамлар бир кун гап қилади, икки кун гап қилади, қарабсизки, ўрганиб кетишади. Гапирмай қўйишади. Гапириш қаёқда, шунақа гап қиладиган бўйдоқ чолларнинг ўзлари уйланиш ҳаракатига кириб қолишади. Эрга тегмайман, деб ноз-фироқ қилиб юрган бева кампирлар ҳам қимирлаб, девордан мўралаб, чол танлайдиган бўлиб қоладилар.

Ғ А Н И. Аммо-лекин, Қудрат, гапнинг ўғил боласини гапирдинг. Ўқиган одам бошқа экан-да. Оғзингда илминг бор сени.

Э Р К И Н. Мени ҳам ўзимга яраша ишларим бор. Кино кўрадиган бўлсанглар, бошлай, бўлмасам дов-дастгоҳимни йиғиштириб, бошқа тирикчилигимни қилай. Бошлайми?

М А Х С У М. Бошланг. Бир кўриб қўяйлик.

Э Р К И Н (*девордаги чодир ёнига келиб*). Азиз томошабинлар. Бугун биз сизларга «Қишлоғимиз ва районимизнинг пири-бадавлат кампирлари» деган фильм намойиш қиламиз. Сиз бу фильмда колхоз ветеранлари, Улуғ Ватан уруши йилларида эрлари ўрнига далага чиқиб кетмон чопган, пахта терган фидокор, вафодор, ажойиб фарзандлар ўстирган қаҳрамон, колхоз даласида фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан энг юқори ҳосил олган табаррук пахтакор, ҳар қути уругдан 125 килодан пилла олган пиллакор, ҳар бир сигирдан йилига уч тоннадан сут соғиб олган, (*ўтирганларга қараб*) кўп сут соққанларни нима дерди? Суткор дермиди, сигиркор дермиди?

М А Х С У М. Бари бир, нима десангиз ҳам бўлаверади.

Э Р К И Н. Ажойиб сут соғувчи онахонларимизни кўрасиз. Уларнинг ҳар бири ватан олдида, халқ олдида, партия олдида қилган ажойиб хизматлари учун орден ҳамда медаллар билан мукофотланганлар. Бу ажойиб, покиза, беминнат, меҳрибон, вафодор, болажон...

Н А З М И. Гапни чўзмай, картинкангни бошлайвермайсанми? Мунча чўзасан.

Э Р К И Н. Қоидаси шунақа-да, аммажон. Шундай қилиб, кампирлар тўғрисидаги диафильмимизни бошлаймиз.

М А Х С У М. Нима дединг? Мультфильм дедингми? Кампирлар энди мультфильм бўлдими?

Э Р К И Н. Мультфильм эмас, диафильм. Диафильмда фақат суврати кўринади. Қимирламайди ҳам, гапирмайди ҳам.

Қ У Д Р А Т. Шундоқ демайсанми, боласи тушмагур.

**Эркин пардага оқ халат кийган, қўлида сигир соғиш аппаратини ушлаган кампирнинг сувратини туширади.**

Э Р К И Н. Бу донгдор сигир соғувчи — Холниса она Эркаева. Бу табаррук онахонимиз ҳар бир сигирдан йилига уч минг литрдан сут соғиб олади. Эри 1965 йилда вафот қилган. Икки қизи эрга теккан. Уртанча ўғли билан бирга туради. Келини билан ораси бузилган. Омонат кассада алақанча пули бор. Область миқёсидаги пенсия ҳам олади. Қалай, бўладими?

### Ҳеч кимдан садо чиқмайди.

Н А З М И. Бўлмайди, бу кампир нос чекади. Бошқасини кўрсат.

Э Р К И Н. Бўпти. (*Экранга товуқлар орасида бир сабат тухум кўтариб*

*турган кампирнинг сувратини туширади.*) Асал хола. Машҳур товуқбоқар. Иккита медали бор. Халқ хўжалиги кўрғазмасининг қатнашчиси. Тўрт қизи бор. Узатилган. Неваралари ҳам бор. Каттакон ҳовлида бир ўзи туради. Яқинда сигири туққан. Сутини яслига бепул беради. Баланд пошнаги туфли кияди. Улама соч тақади. Қалай, бўладими?

Н А З М И. Бўлмайти. Сочидан сузма халтанинг ҳиди келади.

Р А Ҳ И М А. Уни ундоқ, буни бундоқ деяверманг-да. Бошидан сузма халтанинг ҳиди келиши сочини қатиклаб ювганидан. Эрга тегса, ҳар куни ювинади. Ҳиди қолмайди.

Н А З М И. Бўлмайти, бўлмайти. Бошқасини кўрсатсин.

Э Р К И Н. Хўп. Хўп дедим-ку. Манави қутида ҳали кампир кўп. Тонг отгунча кўраман, десангиз ҳам етади.

**Экранга магазин пештахтаси олдида турган гажакдор бир жувоннинг сувратини туширади.**

Республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Жамила Оллоёрова. «Савдо аълочиси» нишони бор. Ёши эллик тўққизда. Онаси уйғур, отаси наманганлик. Битта ўғли бор. Ичкуёв бўлиб, хотинниқига кетиб қолган. Ҳар гал бола туққанда опкелиб ташлаб кетади. Жамила хола шунақа болалардан еттитасини боқиб, вояга етказган. Уғли йилда бир келиб, Жамила холанинг топган-тутганини машинага босиб олиб кетади. Келини билан юзкўрмас бўлган. Ўзи жуда болажон хотин. Озода. Қозонни ҳам, чойнак-пиёлани ҳам атир совунда ювади. Магазинга келган атирларни сотмай, ўзига олиб қолади. Ундан гуп-гуп атир ҳиди келади. Участковой милисанинг дадаси оламан деганда тегмаган. Қалай, бўладими?

Қ У Д Р А Т. Бошқасини кўрсат. Бу хотин ёшлигида сал анақароқ бўлган. Айтиб бўлмайти. Аммо-лекин пули кўп. Бошқасини кўрсат.

Э Р К И Н. Хўп дедим-ку. Ўзим ҳам бўлмасов, деб ўйлаган эдим-а. Мана бошқасини кўрсатаман. (*Экранга велосипед миниб кетаётган олтмиш ёшлардаги хотин суврати туширилади.*) Анзират хола. Ҳамманглар танийсизлар. Велосипед пойгасида область хотин-қизлари орасида биринчи ўринни олиб, чемпион бўлган. Ҳозир аёллар ўртасида республика велосипед пойгасига тайёргарлик кўряпти. Ҳар куни кечқурун соат олтидан кейин катта тош йўлда машқ қилади. Эри йўқ. Ажрашган.

Б А Ҳ Р И. Қўй, бунақалар дадамга тўғри келмайди. Икки кунда адои тамом қилади.

Ғ А Н И. Дарров йўққа чиқарманглар-да. Ўйлаб кўриш керак. Ҳозирча рўйхатга киритиб қўяверинглар, ўйлашиб кўрамыз.

Н А З М И. Вой, савил, шунга кўнгиллари кетганга ўхшайди. Ҳой, дада, ўйлаб гапиряпсизми? Агар шуни оладиган бўлсангиз, бу уйларга ўт қўйвораман.

Ғ А Н И. Мунча шовшасан. Оламан деётганим йўқ-ку. Ниҳоят рўйхатда туратурсин, дедим холос.

Р А Ҳ И М А. Ҳа, рост, шунақа дедилар. Майли, бошқасини кўрсатақол.

Э Р К И Н. Хўп, дедим-ку. (*Экранга чўмилиш кийимидаги олтмиш ёшлардаги хотиннинг ҳовуз бўйидаги толга суяниб турган тасвири туширилади.*) Бу аямизни қишлоқ, бутун район, ҳатто областда ҳам Морж ая дейишади. Қумрихон ая қирчиллаган қиш чилласида ҳам ҳовузнинг музини тешиб чўмилади. Совуқ забтига олган, тарновларга сумалак осилган, асфальт йўллар ойнадек йилтираб муз бойлаганда, одамлар пўстинга ўралиб юрганда бу Морж ая каналда чўмиладилар. Баъзан маҳалла ҳовузидаги музни лом билан тешиб, ичига тушиб ўтирадилар. Ёшлари олтмишда. Икки қиз, бир ўғиллари бор. Неваралари ҳам рўзғорли бўлиб кетган. Каттакон ҳовлида бир ўзлари турадилар. Бир сигир, тўрт қўйлари, ўн олтига товуқлари бор. 110 сўм пенсия оладилар. Кассада ҳам унча-мунча пуллари бор. Социал таъминот министрлигидан йилига бир марта марказий курортларга путёвка беришади. Қора денгиз ҳамда Болтиқ денгизларида чўмилиб, баданларини офтобда қорайтириб келадилар. «Огонёк» журналининг муқовасида рангли сувратлари чиққан. Ана шундан бери бутун Совет Иттифоқидаги чоллардан ошиқона хатлар келиб туради. Область бўйича қишда музни тешиб чўмиладиган морж хотинлар секциясига бошчилик қиладилар. Яхши дутор чертадилар. Ялла айтишда бу аяга тенг келадиган қўшиқчи йўқ. Йилда бир-икки марта радиода шу ая айтган қўшиқлардан эшиттириб туришади.

Ғ А Н И. Шуни ёзиб қўйинглар.

Б А Ҳ Р И. Ёқмай ўлсин. Сизга тегармиди. Не-не қўшқават белбоғ бойлаган чолларга тегмаган, сизга тегармиди.



М А Х С У М. Ҳозирча ёзиб қўятуринглар.  
Н А З М И. Вой, қўйинглар. Қишда ҳам дадамларни музда чўмилтириб  
наспалиний қилиб қўяди.

Қ У Д Р А Т. Э, ўрганиб кетадилар.

М А Х С У М. Яхши бўлади. Ҳар куни эрталаб лунги қўлтиқлаб ҳаммомга  
бориб юрмайдилар. Ёзиб қўй рўйхатингга.

Ғ А Н И. Ҳар куни эмас...

Н А З М И. Мунча кампир танлайсизлар. Дадамга номига хотин бўлса  
бўлди-да!

Ғ А Н И. Оғзингга қараб гапир. Э, эси йўқ.

Р А Ҳ И М А. Хўп, рўйхатга олдик. Эркин, ўргилай, буёғидагиларни  
кўрсат.

Э Р К И Н. Хўп, дедим-ку. Мана. *(Экранга «Москвич» рулида ўтирган  
Зумрад кампирнинг суварати туширилади. Кўкрагида қатор орденлар. Қошига  
ўсма қўйган. Бўйнида қават-қават марварид.)* Бу кишлогимизнинг собиқ  
саксон центнерчи пахтакори. Област советига икки марта депутат бўлган, икки  
Меҳнат Қизил Байроқ, бир «Ҳурмат белгиси» орденларининг кавалери, Халқ  
хўжалиги ютуқлари виставкасининг бир олтин, икки кумуш медалларига  
сазovor бўлган, текинга «Москвич» машинаси мукофотга олган Зумрад ая  
Ҳамроқулова.

Н А З М И. Вой, дод! Аям раҳматлик дадамини шу хотин билан те-  
гирмоннинг орқасидан ушлаб олганлар!

Ғ А Н И. Оғзингга қараб гапир. Лоторея текшираётган эдик.

Н А З М И. Лотореяни тегирмон орқасида, қоронғу тушганда текширади-  
ми?

Ғ А Н И. Тегирмон деразасидан ёруғ тушиб турган эди.

Қ У Д Р А Т. Ун гарди ўтириб қолган тегирмон деразасидан ёруғ  
тушадими. Бўладиган гапни айтсангиз-чи, дада.

Э Р К И Н. Нима қилдинглар? Рўйхатга киритасизларми, йўқми? Бошқа-  
сини кўрсатаверайми?

Ғ А Н И. Шошма, бунга ҳам рўйхатга киритиб қўй... Албатта, кирит.

Э Р К И Н. Хўп, хўп дедим-ку.

Б А Ҳ Р И. Дада, рўйхатингизда кампир тўлиб кетди-ку.

Ғ А Н И. Ҳа, энди эҳтиёт шарт. Бири бўлмаса, бири бўлиб қолар.

Б А Ҳ Р И. Пишиқсиз-а, дада. Аммо-лекин Зумрад холани сувратларини  
кўриб, бошқача бўлиб кетдингизми?

Р А Ҳ И М А. Зумрад хола шунча ёшга кирсаям, башарасида битта ажин  
йўқ. Икки юзидан қон томаман дейди. Фигурасиям балериналарникидан  
қолишмайди. Юрганга қаддини букмай, роз юради. Гапирганда башарасини  
тириштирмай, текис гапиради.

Н А З М И. Қаёқдан биласиз фигураси яхшилигини. Бўлмаган гап.  
Ҳойнаҳой ичидан белини сириб бойлаб юради.

Б А Ҳ Р И. Қўйсангиз-чи, ҳаммомда кўрганман... Войламаган.

Н А З М И. Бари бир бўлмайди, бўйнида чандиғи бор.

Р А Ҳ И М А. Бу гапингиз тўғри. Бўйнида чандиғи борлиги рост. Бечора  
ёшлигида бир йигитга ошиқ бўлиб, *(Ғани томонга имлаб қўяди.)* ўшанинг  
ишқида ўзини ҳовлисидаги беҳига осган экан.

Ғ А Н И. Ҳой, ҳой. Нимага шама қиляпсан. Нега мени имлаб кўрсатасан.  
Бу гаплар тухмат.

Р А Ҳ И М А *(унинг гапига парво қилмай давом этади)*. Чандиғини  
бекитиш учун ўзиям ўн бир қават марварид, тўрт қават дур тақиб юради.

Ғ А Н И. Бўпти. Кўп вайсайвермаларинг. Ёз, дедимми, ёз! Хотин  
танлайдиган менми, ё сенларми? Қани, яна борми?

Э Р К И Н. Бор, мана. *(Экранда японча зонтик тутган, причёскали, икки  
кўтарган хотин кўринади.)* Бу Раҳбар хола. Агрономнинг онаси. 27 йил яслига  
мудир бўлганлар. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходимилар. Шу  
кунларда бола-чақали бўлган акаларимиз, опаларимиз ясида шу онахонимиз  
қўлида тарбия кўрганлар. Республика миқёсидаги шахсий пенсионерлар.  
У кишига автобуслар текин. Ҳовлига солиқ тўламайдилар. Электр, водопровод  
салкам текин. Ҳар йили қўшимча яна бир ойлик пенсия оладилар. Йилига бир  
марта Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳрига поездда текинга бориб-келишга  
ҳақлари бор. Аптека дорилари ярим баҳода. Бир марта марказий курортга  
текин путёвка оладилар.

М А Х С У М. Жуда дадам боп аёл экан. Ёзиб қўйинглар.

Б А Ҳ Р И *(ичинг қилиб)*. Термиз томонга ҳам поезд текин бўлса керак?

Н А З М И. Бу нима деганингиз, опа? Тушунолмадик.

Р А Ҳ И М А. Аллақайси бир йигит билан 1938 йилда Термизга қочиб кетган экан, деб эшитган эдик. Дада, билмайсизми, ким билан қочган экан.  
Ғ А Н И (*хижолатда, гап тополмай*). Билмадим. Хабарим йўқ.  
Р А Ҳ И М А (*пичинг билан*). Шундо денг... Хабарлари йўқ экан.  
Э Р К И Н. Бўлдимми? Рўйхатга кирсинми?  
Б А Ҳ Р И. Рўйхатга ёзмамлар. Бўлмайди.  
Ғ А Н И. Ёзаверинглар!  
Н А З М И. Йўқ. Бошқасини кўрсат!

**Баҳри туриб Эркиннинг қулоғига нимадир, деб пичирлайди. Эркин «хўп», деб бош ирғаб қўяди.**

Э Р К И Н. Азиз кинотомошабин ўртоқлар. Энди навбат — антиқа сувратларга. Марҳамат.

**Экранда Ғани билан Зумрад кампирнинг ёшлигида, бошини бошига тегизиб тушган суврати кўринади.**

Н А З М И. Булар кимлар? Икковиям кўзимга иссиқ кўриняпти.

**Улар гаплашаётганда Ғани секин туриб, қочмоқчи бўлади. Қудрат ўзининг баридан тортиб, ўтқазиб қўяди.**

Р А Ҳ И М А. Жудаям таниш одамлар. Қош-кўзлари кимгадир ўхшаб кетяпти.

М А Х С У М. Иийий, манаву дадамлар-ку. Э, дада, сиз-ку.

Ғ А Н И. Э, йўғе.

Қ У Д Р А Т. Манави Зумрад хола-ку!

Ғ А Н И. Бўлмаган гапни гапирма.

Э Р К И Н. Азиз кинотомошабин ўртоқлар. Бу сувратга жиндек изоҳ беришга мажбурман.

Ғ А Н И. Бас қил. Сенга ким қўйипти катталарнинг гапига аралашини.

Н А З М И. Майли, гапирсин!

Э Р К И Н. Кўпчилик томошабинларнинг илтимосига кўра гапиришга мажбурман. Ўртоқлар, бу суврат Ғанивой Аъзамов билан Зумрад Ҳамроқуловаларнинг ёшлик пайтлари. Суврат 1938 йили Марғилон шаҳрида Мардухаев деган сувратчи томонидан олинган.

Н А З М И. Ана, ўша пайтда бўйнида чандиғи йўқ экан.

Б А Ҳ Р И. Ўзини осмасидан олдин тушган сурати экан-да.

Қ У Д Р А Т. Суқсурдек йигит бўлган экансиз-да, дада.

Ғ А Н И. Бўлди, кўпам мени калака қилаверманглар!

М А Х С У М. Бўлди, бошқа сувратингиз бўлмаса, дўконингизни ёпинг.

Э Р К И Н. Яна битта қолди. Мана. (*Экранга Раҳбар билан Ғанининг худди аввалгисидек бошини бошига тегизиб тушган суврати гушади*).

Н А З М И. Тағин бу қанақаси бўлди?

Э Р К И Н. Бу суврат бувам билан Раҳбар холанинг Термизда Карапетян деган сувратчига олдирган сувратлари.

**Ғани яна қочишни мўлжаллаб, энгашиб жойидан кўзгалганида яна Қудрат этагидан тортиб, ўтқазиб қўяди.**

Б А Ҳ Р И. Бу қанақаси бўлди, дада?

Ғ А Н И. Эски гапни титкилаб нима қиласанлар. Бу — 1939 йилдаги гап. Салкам 45 йил олдинги гап бу. Энди, йигитлик экан. Шўх, олов эдик.

Б А Ҳ Р И. Йигитлик ҳам ўлсин, шунақа бўлса.

Э Р К И Н. Картинка тамом. (*Бориб пардаларни йиғиштира бошлайди*).

Р А Ҳ И М А. Мана, келинликка номзод кампирларни кўрдик. Эркинжон барака топсин, ҳаммасини, таржимайи ҳоли қанақа, нимаси бор, нимаси йўқ, барини айтиб берди. Энди нима қилайлик, рўйхатга кирганларникига биринкетин совчиликка бораверайликми?

Б А Ҳ Р И. Борамиз-да. Бошқа иложимиз йўқ. Бирдан бир ишимиз шу. Дадамизнинг бир бошларини икки қилишимиз керак. Эртаданоқ ҳаракат бошлаймиз.

Н А З М И. Илло-билло менсиз бормайсизлар. Дадам менга ёққанини оладилар.

Ғ А Н И. Е тавба. Нега сенга ёққанини оларканман. Ўзимга ёққанини оламан.

**Қ У Д Р А Т** (*ўрнидан туриб, уёқдан-буёққа юриб*). Дада, калламга бир фикр келди. Шу ишни шундоқ қиладиган бўлсак, онам раҳматликнинг арвоқларини чирқиллатмайлик. Ўз тенги хотинларни йиғиб, бир дастурхон ёзайлик. Индинга онагинам эллик саккизга кирадилар. Туғилган кунлари бўлади. Рўйхатга кирган хотинларни шу кунга чақирайлик. Совчи бўлиб, тугун-терсак кўтариб юргандан кўра, шу ерда, уйимизда уларни гапга солиб кўриб, бўладиганини кўндирайлик. Бўлмайдиганлари меҳмон бўлиб келиб, кетаверади. Хўш, нима дейсизлар?

**Б А Ҳ Р И**. Қудрат акамнинг гапларида жон бор. Одамларга эрмак бўлгандан мана шу иш маъқулроқ.

**М А Х С У М**. Қайнонамиз раҳматликнинг арвоқлари ҳам шод бўлади. Ўзингиз нима дейсиз, дада?

**Ғ А Н И**. Сизлар нима десангиз, шу-да!

**Шу пайт девор наҳрасидан Жўравойнинг боши кўринади.**

**Ж ў Р А**. Нима қилиб валақлаб ўтирибсизлар. Радиони қўймайсизларми?

**Қ У Д Р А Т**. Нима гап, тинчликми?

**Ж ў Р А** (*транзисторни деворга қўйиб*). Эшитиб кўринглар.

**Радиодан овоз. Энди сўзни колхозимизнинг раиси Зебиниса Маҳкамовага берамиз. Марҳамат, Зебиниса опа.**

— Бугун колхозимиз аъзолари учун унутилмас кундир. Кекса боғбонимиз, ажойиб селекционер Ғани бобо Аъзамовнинг СССР Давлат Мукофотига сазовор бўлиши қалбларимизни чексиз ғурурга тўлдирди. Ғани бобо бутун мамлакатимизда ажойиб соҳибкор лимончи сифатида машҳурдир. Мен бутун колхозимиз аҳли номидан, шахсан ўз номимдан Ғани бобони юксак мукофот билан чин дилдан табриклайман. Ажойиб боғбон ота, сизга муваффақиятлар тилайман. Шахсий ҳаётингизда катта омадлар тилайман.

**Н А З М И**. Вой, дод! Онагинам раҳматлик бўлганларида юраклари ёрилиб кетарди.

**Қ У Д Р А Т**. Э, бас қил! Шундоқ яхши кунда ҳам додлайсанми?

**Р А Ҳ И М А**. Энди дадажонимизга тегадиганиям тегади, тегмайдиганиям тегади.

**Н А З М И**. Тегиб бўпти. Мен тирик эканман, бу уйга хотин зоти келмайди.

**Ҳамма Ғанивойни ўраб олиб, табриклай бошлайди.**

**Ж ў Р А** (*ўзини девордан ташлаб*). Ҳой, ҳой, менга ҳам қолсин. (*Одамларни иккига ажратиб, Ғанини қучоқлаб, даст кўтаради.*) Қадрдоним. Минг йиллик ўртоқжоним. (*Белини маҳкам қисади.*)

**Ғ А Н И**. Ий, ий, бўлди. Белни единг! Вой, белим. Белни единг-а, номард.

**Қизлари, келини уни Жўранинг кучоғидан аранг қутқариб олишади.**

## Парда

### Учинчи парда

### Учинчи кўриниш

Яна ўша ҳовли. Деворларга Ғанивойнинг ҳар хил ҳолатда тушган суратлари катталаштириб осиб қўйилган. Чорбоғ эшигидан теплица кўриниб туради. Унда лимонлар ғарқ пишган. Эшик олдидаги дарахт шохига салла, чопонлар илинган. Остонада икки-учта обдаста кўринади. Айвон олдидаги ялангликка стол, стуллар қўйилган.

Саҳнанинг бир бурчаги парда билан тўсилган. Унда темир ўчоқ, самовар. Курсида беш-олтита чойнак ва пиёлалар териб қўйилган.

Ғани самоварга ўт ташлаяпти. Баҳри билан Раҳима стол яасаяпти. Эшикдан оғир сумка кўтарган Назми киради.

**Н А З М И**. Автобус ўлгурда бирам одам кўп, бирам кўп. Осилиб келдим-а!

Теплица эшиги олдида қўйилган обдастага қоқилиб кетади.

Бу нима бало. Ия, чопонга бало борми?

**Б А Ҳ Р И.** Дадамни ишлари. Келадиган хотинлар лимон узмасин, деб шунақа қилганлар-да.

**Н А З М И.** Тавба. Обдаста билан салла-чопонлар бўлса, хотинлар қўрқар-канми? Шунақа ирим борми? Эшитмаган эканман.

**Б А Ҳ Р И.** Бунақа ирим йўқ. Хотинлар обдастани, салла-чопонни кўриб, ичкарига эркаклар таҳорат олгани кириб кетган экан, деб ўйлашади.

**Н А З М И (кулиб).** Дадамдан ҳар ҳунар чиқади. *(Баҳрини имлаб, четга чақиради.)* Опа, бир ишни боладим. Энди дадам хотин олиб бўптилар. Бу ёғини пишиқ қилиб келдим.

**Б А Ҳ Р И.** Нима бало қилдинг?

**Н А З М И.** Раис опанинг олдига кириб, роса йиғлаб бердим. Дадам уйланипти, жон опа, уни бу йўлдан қайтаринг, қариганда элга эрмак бўлмасин, дедим.

**Б А Ҳ Р И.** У нима деди?

**Н А З М И.** Ҳеч нарса дегани йўғ-а, аммо билиб турибман, гапим унга маъ-кул келди.

**Б А Ҳ Р И.** Тайинли бир гап айтдимми?

**Н А З М И.** Айтмасаям айтгандай ҳаракат қилди. Дадамнинг уйланиши унга ёқмагани шундоққина билиниб турди. Пайтдан фойдаланиб бугунги ўтиришга уни таклиф қилдим. Албатта, бораман, деб ваъда берди. Ана энди кизиқ бўлади.

**Б А Ҳ Р И.** Чакки қипсан-да, синглим. Дадам бечора уйлансалар уйланиб қўяқолганлари тузук эди.

**Н А З М И.** Вой, дод! Сиз ҳам ўша томонга оғиб кетдингизми? Ишонган тоғда кийик ётмас, деб шунга айтадилар-да.

**Б А Ҳ Р И.** Ҳарқолда яхши иш қилмапсан.

**Н А З М И.** Бу гапни ҳидини чиқазманг. Билмагандек, елиб-югуриб хизмат қилаверинг. Менам шундоқ қиламан. *(Пардани кўтариб.)* Вой, дадажон, дастурхонга лимонлардан бермайсизми?

**Ғ А Н И.** Тўкилганларидан битта саватчага териб қўйганман. Ўшани дастурхонга қўйинглар.

**Б А Ҳ Р И.** Буришган-қуришганларни дастурхонга қўядими, билиб гапир-япсизми?

**Ғ А Н И.** Еса бўладими?

**Н А З М И.** Йўқ, дадажон. Меҳмондан овқат аяб бўлмайди. Апельсин билан мандарин чатишмасидан берайсиз. Еб дуо қилишади.

**Ғ А Н И.** Йўқ, йўқ. Унга қўл тегизманглар. Тажриба апельсин у.

**Н А З М И.** Хотинларни шунақа қилиб эритамиз-да. Агар дадамга тегсанглар, ҳар куни шунақа апельсин ейсизлар, деймиз.

**Б А Ҳ Р И.** Назми рост айтяпти. Хотинларни шунақа қилиб эритамиз. Хотин оладиган эрмак аввалига ҳеч нарчасини аямай туриши керак.

**Ғ А Н И (малол келгандек ўрнидан туриб).** Бўлмасам сенлар узмаларинг. Ўзим бир-иккита узиб бераман.

**Н А З М И.** Унақа қурумсоқ бўлманг. Мана шу тоғорани тўлдириб узиб берайсиз.

**Ғанига эргашиб, тоғора кўтариб теплицага кириб кетади.**

**Р А Ҳ И М А.** Кенжатой-да, айтганини қилдиради. Шу ерда туриб янги апельсинга ҳали оғзим теккани йўқ. Назмихон ҳар келганларида халтани тўлдириб узиб кетадилар.

**Б А Ҳ Р И.** Ҳа, Назми шунақа тентак. Ҳеч ким унинг бир гапини икки қилмайди. Ундан ойим раҳматлик ҳам қўрқиб турардилар.

**Ичкаридан Ғани билан Назмининг овози эшитилади.**

**Ғ А Н И.** Бўлди, бўлди, деяпман сенга! Ҳой, бола, энди калтак ейсан мендан.

**Н А З М И.** Худо олсин лимонингизни. Лимон ўлгур одамдан азиз бўптими? Ойимнинг ўзлари апельсин еёлмаганларига яраша маъракаларига келганлар есин.

**Ғ А Н И.** Суюлма. Чиқ, ташқарига! Бўлди, деяпман сенга. Қулоқ деган нарса борми, сенда.

**Ғани тоғора тўла апельсин, лимон кўтарган Назмини ҳайдагандек теплицадан итариб чиқаради.**

**Н А З М И.** Яна уч-тўртта узай.

Ғ А Н И. Мени хонавайрон қилдинг-ку, эси йўқ. Бунақалигини билса..., сира-сира уйланаман, демасдим-а.

Н А З М И (*Баҳрига имлаб*). Кўрдингизми, бошланди. Уни хотинлардан шундай совутайки, ўзи билмай қолсин.

Ғ А Н И (*ҳамон аламдан жавраб юриб*). Эсиз, эсиз, шунча апельсин. Неча йилдан бери кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, уриниб етиштирган меваларимни шарт-шурт узди, олди-я. Ҳали комиссия ҳам кўргани йўқ эди.

Н А З М И. Э, камисиянғиздан ўргилдим. Болаларингиз еёлмаса, невараларингизни оғзи тегмаса. Э, бунақа лимонхонага ўтлар тушиб, ёниб кетмайдими?

Ғ А Н И. Ҳой, ҳой, оғзинга қараб гапир.

Ж У Р А (*Девор наҳрасидан дастурхонга ўралган тоғора узатиб*). Ҳой Раҳима, келин, буёққа қара. Манавини ол. Аянг сомса ёпган эди. Дастурхонга тортарсизлар. Ҳозирча ўроғлиқ турсин, иссиғида ўртага қўясизлар.

Р А Ҳ И М А (*бўй чўзиб тоғорани оларкан*). Оҳ, оҳ тандир сомсанинг ҳиди ҳам бошқача бўлади-да!

### Ичкарига кириб кетади.

Ғ А Н И. Бу ёққа чиқмайсанми?

Ж У Р А. Чиқаман. Сен сал дурустроқ кийиниб олсанг бўларди. Ҳой, келин, манаву куёвболани ясантирмайсизларми? Янги тўнларини олиб чиқинглар.

Р А Ҳ И М А (*уйдан янги тўн, дўппи олиб чиқиб, унга кийдириб*). Яна нима керак, дадажон.

Ж У Р А (*унинг кўкрагидаги орденларга қараб*). Ия, ия, жуда кўп экан-ку. Генералларга ўхшаб кетдинг-ку!

Н А З М И (*унга қараб хахолаб кулиб юбориб*). Ахир, дадажон, келин аямнинг «Қаҳрамон она» медалларини ҳам тақиб олибсиз-ку.

Ғ А Н И. Ие, шунақа бўптими? Эркинга орденларимни тақиб қўй, дегандим. Бу нодон бола адаштирворипти-да. (*Кўкрагидан битта медални олиб Раҳимага узатади.*) Ма, олиб қўй. Эҳтиёт қил, болалар ўйнаб, йўқотиб қўймасин.

Ж У Р А. Хотин зоти эрга тегса, сенчалик эрга тегади-да. Бахти бор хотин тегади, ошнам. Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тегиши аниқ!

Н А З М И (*ўзича*). Ғиринг демай тегиши керак эмиш. Кўрамиз, тўй эмас, қиёмат бўлади.

Ғ А Н И. Ҳой, келин. Яна битта медаль қопкетибди-ку. Халқ хўжалиги виставкасидан берган катта «Олтин медаль»ни олиб чиқинг. Кўзойнагимни қутисига солиб қўйганман.

Р А Ҳ И М А. Хўп бўлади, дадажон.

**Кириб кетади. Бир оздан кейин медални олиб чиқиб, унинг кўкрагига тақиб қўяди.**

Ж У Р А. Космонавтларга ўхшаб кетдинг-ку.

Ғ А Н И. Деворга қўнган ҳақкадек шақиллайвермасдан бу ёққа чиқсанг-чи, одам кўрқиб кетяпти. Менга сал далда бўласан.

Ж У Р А. Хўп.

### Девор орқасида кўринмай кетади.

Ғ А Н И. Ҳушёр бўласизлар. Хотинлар агар лимонми, апельсинми, узадиган бўлса, ҳаммаёқни остин-устун қилиб юбораман.

Ж У Р А (*кириб*). Мана, биз келдик. Хизмат-пизматинг бўлса айтавер.

Ғ А Н И. Самоварга ўзинг қара. Мен қозонга қарай.

**Кўчадан машина моторининг гуриллагани эшитилади. Бир оздан кейин кўлида машина калитини ўйнаб, Зумрад хола киради.**

З У М Р А Д. Яхши ўтирибсизларми, келин пошшалар. Ҳа, Ғанивой, яхши юрипсанми? Э, Жўра ўлгур, сенам бормисан. Тирик экансан-ку.

### Аёллар билан кўришади.

Ж У Р А. Ке, Зумрад. Тинчмисан?

З У М Р А Д. Юрибман. Юрмай қаёққа борардим. Ғани, уйланиб олганинг йўқми? Агар уйлансанг, мендан кўрадиганингни кўрасан. Хотин оладиган бўлсанг, ўзимни оласан.

Ғ А Н И. Семириб, гумбаз бўлиб кетибсан. Менга кўплик қиласан.  
З У М Р А Д. Мен тегаман дедиму сен ўлгур ноз ҳам қилдингми. Тегаман,  
десам, жон дерсан.

Ж У Р А. Зумрад. Асли ўзинг Ғанибоп хотинсан. Тегиб қўяқол.

З У М Р А Д. Бу бевафодан бир панд еганман. Энди бас. Бундан қирқ беш  
йил олдин ваъдани менга бериб, Обидага уйланиб кетган. Чирқиллаб  
қолганман.

Ж У Р А. Ушанда ўзингни беҳига оскандинг шекилли.

З У М Р А Д. Бўлди, кўп валақлайверма.

### Аёллар олдига кетади.

Ж У Р А. Ғани, менга қара, ошна. Ҳали ҳам бўлса шу Зумрадни олиб  
қўяқол. Йўк, демайди. Ҳали ҳам кўнгли сенда. Ҳарқалай, эскириб қолган бўлса  
ҳам, ахду паймонларинг бўлган. Ешлиқда берган кўнглил...

Ғ А Н И. Ҳали сабр қилиб тур-чи... Шу гапинг кўнглимдан ўтиб турганди.  
Бошқаларини ҳам бир кўрайлик.

**Велосипед кўнғироғини жиринглатиб, эшик олдида шим кийган Анзират  
хола кўринади. Велосипед кўнғироғини кетма-кет босади.**

А Н З И Р А Т. Ҳой, ким бор. Кираверса бўладими?

Ғ А Н И. Киравер, бу сенга раиснинг кабинети эмас. Звонок чалмай  
киравермайсанми. Шунақа бюрократ бўпсанки, звоногингни ҳам ўзинг билан  
олиб юрасан.

**Анзират кириб, велосипедини деворга тираб қўяди.**

Ж У Р А. Анзират, сира қуйилмадинг, қуйилмадинг-да. Кап-катта хотин  
велосипед минишга бало борми.

А Н З И Р А Т. Нега қуюларканман. Битта қуйилган сенлармисанлар?  
Белларинг обкашдек эгилиб, юрсаларинг осма соатнинг капгирига ўхшаб  
лапанглайсанлар.

Ғ А Н И. Минавер, минавер велосипедингни. Улмайсан. Дунёга устун  
бўласан.

А Н З И Р А Т. Албатта, ўлмайман. Улсам ҳам, сендан кейин ўламан. Юз  
йил яшашга қасам ичиб қўйганман.

Ж А М И Л А (*эшикдан бош суқиб*). Мумкинми?

Ж У Р А. Мумкин, мумкин, киравер. Яхши юрибсанми, Жамилабону.

Ж А М И Л А (*кириб*). Ўҳҳў, ишлар катта-ку! Яхши қипсан, Ғанивой.  
Шунақа яхши кунларда марҳумларни эслаб туриш керак. Раҳмат сенга.  
(*Келиб иксовлари билан кўришади.*) Шу баҳона эски дугоналаримиз билан бир  
гаплашарканмиз.

Ж У Р А. Бай-бай-бай! Қанақа атир қуйдинг. Ҳаммаёқ сасиб кетди-ку.

Ж А М И Л А. Франсузский атир, билдингми! Бир пишаси 60 сўм туради.

Ғ А Н И. Бунақасини сенга ўхшаган магазинчилар қуяди. Осон пул  
топишни биласанлар.

Ж А М И Л А. Сенлар шунақасанлар-да. Отики магазинчи бўлса, ўғри  
дейсанлар.

**Ариқ бўйида совунга кўзи тушиб энгашиб, ариқда қўлини ювабошлайди.**

Ғ А Н И. Ана, энди совунга қирон келтиради. Бир кунда ўн марта совунга  
кўзи тушса, ўн марта қўл ювади. Қўллари ҳам оқ ем бўлиб кетгандир.

**Жамила сумкасидан дастрўмолча олиб, қўлини артабошлайди.**

Ж У Р А. Тайёр тоза сочиқ бор-ку. Ушанга артавермайсанми?

Ж А М И Л А. Узинг биласан-ку, меҳмонга борсам ўзимни пиёлам,  
қошиғимни олиб бораман. Биров қўл артган сочиққа ўлсам ҳам артинмайман.

Ғ А Н И. Бунақада сени икки дунёдаям эр олмайди.

Ж А М И Л А. Тегмайман ҳам-да. Зарил кептими?!

Ж У Р А. Атир сепишингдан эсираланганга ўхшайди, деб юрган эдим.  
Демак, янглишибман-да.

Ж А М И Л А. Янглишганда қандоқ. Сапсемига янглишгансан.

### Хотинлар томонга ўтиб кетади.

Ғ А Н И. Олифтагарчилигини қара-я. Кўнглинг эр тусамаса нега пардоз  
қиласан? Эркак зотини кўрсанг, тутдек тўкилиб кетаман дейсану...

## Қумрихон ая киради.

Қ У М Р И . Ассалому алайкўўўўм. Дўмбоққина бўлиб юрибсанми, Ғани повлон?

Ғ А Н И . Худога шукур. Ўзинг қалайсан, ўрдакка ўхшаб қишин-ёзин сувда сузиб юрибсанми?

Қ У М Р И . Ҳа, энди бу ҳам бир гап-да. Худо ҳар бандасига битта эрмак бериб қўйган. Сувни кўрсам балиқ бўлиб кетгим келади.

Ж У Р А . Гузардаги Пинхас ямоқчи дўконига сенинг журналда чиққан светной сувратингни ёпиштириб қўйипти. Уялмайсанми, сувратга шир яланғоч тушипсан-а?

Ғ А Н И . Бу журнал бутун Совет Иттифоқига тарқайди.

Қ У М Р И . «Огонёк» журнали чет элларга ҳам тарқайди.

Ж У Р А . Роса шарманда бўпсан-ку.

Қ У М Р И . Нега шарманда бўларканман. Фигурам яхши. Танним тоза. Бутун дунё хотинларини кўзи куйсин, деб шунақа қилишган.

Ғ А Н И . Дунёнинг жамики шаҳарларидан сенга хат келармиш, шу ростми?

Қ У М Р И . Рост. Кўпларини ўқиёлмайман. Англизча, франсузча, японча, испанча, италянча хатларга жавоб беролмайман. Неварам Тошкентдан келганда олиб кетиб, ҳаммасига жавоб ёзади.

Ж У Р А . Ия, неваранг шу тилларнинг ҳаммасини биладими?

Қ У М Р И . Билади. Чет тиллари институтида дарс беради-ку, билмайдими? Билади. Билмаганини биладиганларга ёздиради.

Ғ А Н И . Ешинг бир жойга бориб қолди. Қишда музларни тешиб чўмилишингни бас қил.

Қ У М Р И . Бекорларни айтибсан. Қирчиллаган қишда, қирқ градус совуқда музни тешиб чўмилмабсан, дунёга келмабсан.

Ж У Р А . Тойлоқов телевизорга чиқиб, бугун совуқ палон градус бўлади, дегандаёқ этларим жунжикиб, аъзойи баданим музлаб кетади.

Қ У М Р И . Тойлоқов совуқ бўлади, деган куни мен яйраб кетаман.

Ғ А Н И (*сесканиб*). Э, нафасинг ўзингга урсин.

### Қумри хотинлар томонга ўтиб кетади.

Ж У Р А . Қишда чўмиладиганлар жуда соғлом бўлади, дейишади.

Ғ А Н И . Яхшиям бошида эри йўқ. Агар эри бўлганида бағрига битта тортгандаёқ васпалиний локкий бўлиб қоларди.

Ж У Р А . Хотин эмас, муз қучоқлагандек бўларди, десанг-чи.

Эшикдан японча зонтик тутган, причёскаси ҳафсала билан тузатилган, пардоз-андози келишган, икки кулоғида тилла балдоқ, Раҳбар киради.

Ж У Р А . Э, ке, ке, Раҳбарой. Аҳволинг яхшими, тинч-омон юрибсанми?

Р А Ҳ Б А Р . Ўзинг тинчмисан? (*Ғанига.*) Қалайсиз, чарчамайгина юрибсизми, Ғанижон ака.

Ғ А Н И (*довдираб, ўзини йўқотиб*). Ҳа, энди, ҳалиги...

Р А Ҳ Б А Р (*унинг аҳволини тушуниб*). Майли, майли, ўзингизга келганингизда гаплашармиз.

### Нариги томонга ўтиб кетади.

Ж У Р А . Сенга нима бўлди? (*Пешонасини ушлаб кўради.*) Иситманг йўқ-ку. Ўзингни тут-да, ошнам.

Ғ А Н И (*кўксини чангаллаб*). Ҳозир, ҳозир ўтиб кетади.

Жўра унинг аҳволини кўриб, маъноли кулиб қўяди. Холниса, Асал хола ва бир қанча хотинлар тугун-терсак кўтариб, улар билан саломлашиб, ўтиб кетадилар. Одатдаги эсон-омонлик, кўришиш, ҳол-аҳвол сўрашишлар бўлиб ўтади.

Б А Ҳ Р И . Хуш келибсизлар. Қани, дастурхонга марҳамат.

З У М Р А Д . Дастурхонга ўтириш қочмас. Бир лимонхонани кўрсак бўларди. Таърифини хўп эшитганмиз. Радиода ҳам, телевизорда ҳам шу лимонхонанинг гапи. Бир кўрайлик. (*Теплица томон юриб, остонадаги обдаста ва дарахт шохига илинган салла-чопонларни кўриб, тўхтади.*) Вой, ўлсин, эркаклар таҳорат олгани шу ёққа кириб кетишган экан-ку.

### Орқасига қайтади.

Н А З М И . Лимонхонага кирмасангиз ҳам мевасини есангиз бўлди-да.

Дастурхон устига ташлаб қўйилган докани очиб юборади. Қатор бир неча вазада апельсин, лимонларни кўрган хотинлар ҳайратда бир дақиқа қимирламай қоладилар. Колхоз раиси Зебиниса киради.

З Е Б И Н И С А . Иш вақтида нима қилиб тўй-тўйлашиб юрибсанлар? Пенсияга чиқиб олдим деб, жа оёқларинг кўчада қолиб кетди-а? Шунақа қилаверсаларинг, ҳаммангни қийқиртириб эрга бериб юбораман!

З У М Р А Д . Ҳали эрсираганимизча йўқ. Кечалари тушинг бузилаётган бўлса ўзинг эрга тег.

З Е Б И Н И С А . Оғзингга қараб гапир, сенларга ўхшаб бева эмасман, бошимда қарчиғайдек эрим бор...

А Н З И Р А Т . Вой, қарчиғайдек эмиш. Башарасига қаратиб талинкадек вентилятор қўйсанг, шамоли нариги қишлоққача учириб оборади-ю, қарчиғайдек дейди.

З Е Б И Н И С А . Чолимни унақа жудаям ерга уриб юборма. Биламан, алам қилганидан шунақа деясанлар. Эрларинг тириклигида гиди-биди қилиб, роса қийнадиларинг. Ана энди эски пайтавасига ҳам зор бўлиб ўтирипсанлар.

Қ У М Р И . Ҳой, менга қара, ўртоқ Маҳкамова. Аввал мундоқ салом-алик қил. Ҳол-аҳвол сўра. Эшикдан кирмай, тешикдан бизга ўдағайлайсан. Энди бизга гапинг ўтмайди. Биз, радио айтгандек, қарилик гаштини сураётган пенсионерлармиз. Билдингми? Бизга ўдағайлама. Колхозда қиладиганимизни қилиб бўлганмиз.

З Е Б И Н И С А . Нима, нима? Колхоздан ҳали қарзинг кўп. Маслаҳат билан сендақа кампиршолардан битта бригада тузмоқчи бўлдик. Жамики бригада бошлиқлари сенларга починайса қилади. Уйда занг босиб, моғорлаб ўтирмай, мундоқ далага чиқасанлар. Ёшларга йўл-йўриқ кўрсатасанлар. Пахтада ҳам, чорвада ҳам, пиллада ҳам тажрибаларинг кўп. Шунча билиму ҳунарни қўрга олиб кетмоқчимисанлар? Ҳамма илму ҳунарларингни, худди сигир соққандек қилиб, ёшларга суғуриб олиб бераман. Навоий бобо нима деганлар, биласанларми, билмайсанлар: «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққаи кеткумдир охир». Сенлар ҳам ҳунарларингни олиб кетмай, ёшларга бериб кетасанлар.

З У М Р А Д . Сени раис қилиб бошимизга бало орттирган эканмиз-ку.

Қ У М Р И . Мен аҳмоқ бўлмасам, шу раис бўлсин,деса қўл кўтараманми!

З Е Б И Н И С А . Ке, қўй, бошқа гаплардан гаплашайлик. (Ғанига.) Ҳа, Ғанивой, аҳволларингиз қалай? Хотин-потин оладиганмисиз ё шундоқ ўртоқчимисиз? Пешонада хотин олиш битилганми, йўқми — билиш учун эртага манглайингизни рентгенга солдириб кўрайми?

Ж У Р А . Раис, рентген керакмас. Кўзойнак тақиб пешонасига мен қараганман. Хотин олади, деб ёзилган. Аммо кимлигини ўқий олмадим.

З Е Б И Н И С А . Мана, шунча хотин. Танласин, оламан деганини олиб бермасам отимни бошқа қўйганим бўлсин.

Н А З М И . Раис опа, кечаги гапингиз бошқачароқ эди...

З Е Б И Н И С А . Сенга ҳеч нарса деганим йўқ эди-ку.

Н А З М И . Тилингиз билан айтмасангиз ҳам, кўзингиз билан бошқа гапни айтиб турган эдингиз шекилли.

З Е Б И Н И С А . Тавба, гапирадиган кўзим борлигини билмаган эканман. Хўш, бунақа майда гапларни қўяйлик. Қизлар, менга қаранглар. Яқинда областда бир лекция бўлган эди. Асли сенлар эшитсанг бўларкан уни. Лекциянинг номи «Елғизлик» деб аталади. Одамзоднинг елғиз яшаши умрдан ўн уч процентини юлиб кетаркан. Лектор бунга жуда ғалати мисоллар келтирди. Бир Фотима-Зухролар бор экан. Биттаси ўттиз беш ёшида эри ўлиб, бева қолади. Эри ўлгани бошқа эрга тегмайди. Муни қарангки, эри бори саксон етти ёшда ўлади, эри йўғи эллик тўрт ёшда ўлади. Социолог олимлар бўйдоқ эркак ва бева аёллар умрини ҳисоблаб чиқишипти. Хотини бор эрлар бўйдоқ эркаклардан ўн саккиз, йигирма йил ортиқ яшаган. Бева хотинлар эрли хотинлардан йигирма беш, йигирма саккиз йил кам умр кўрганлар. Елғизлик эркакми, хотинми, бари бир, асаб системасини емираркан. Иштаҳа ҳам бўғиларкан. Ҳавас сўнабошларкан. Гўзалликка, санъатга, эртанги кунга интилиш аста сўнабошларкан. Натижада қарилик эрли хотинларга нисбатан воҳли бошланаркан. Эрли хотин ёки хотинли эркакларда ҳаётга интилиш зўрая бораркан. Яхши кийиниш, ўзига оро бериш, куй ва қўшиқ тинглашга майл кучаяркан. Тажанглик ўрнини аллақандай мулойимлик эгалларкан. Пардоз-андозга ўч бўларкан. Уша лекторни қидириб юрибман, топсам, ҳаммангни йиғиб бир эшиттираман.

Ж У Р А . Шунақа қилгин, раис опа.

З Е Б И Н И С А . Сенларда ўзи инсоф деган нарса борми? Пенсионерман



деб бошимизга чиқиб оласанлар, шекилли. Нима десаларинг хўп, деб қўл қовуштириб турган бўлсак. (*Бармоқларини бир-бирига букиб гапиради.*) Қулоғи эшитмайдиганларга аппарат олиб бердик, бу бир. Тиши йўқларга протез қўйдириб бердик, бу — икки. Кўзи хира тортганларни кўриқдан ўтказиб, франсузча гардишли кўзойнак қилдириб бердик, бу — уч. Тоғора қўлтиқлаб, ҳаммомга бориб юмаларинг, деб уйларингга оппоққина ванна қурдириб бердик, бу — тўрт. Яна нима керак бўлса тайёр турибмиз. Хўш, нега сенлар айтган гап бўлаверади-ю, бизники бўлмайди. Оппоққина ваннанинг хузурини ўзларинг кўраверасанларми?

**З У М Р А Д.** Бачкана бўлмай ўл. Ярашадиган гапдан гапир.

**Р А Ҳ Б А Р.** Менга қара, Зеби, ўзинг хўп эсли жувонсан-у, аммо баъзи-баъзида айнаб турасан-да. Хўш, менга бир айтиб қўй-чи, эрга тегиб биз нима рўшнолик кўрамыз... Илгариги кампирлар азбаройи муҳтожлигидан эрга тегади. Ҳозирги кампирлар ҳукумат билан теппа-тенг. Пенсияни жарақлатиб олиб туришипти. Электрдан тортиб газгача, водани сувидан тортиб уйни налогигача теп-текин. Зарур кептими, битта сассиқ чолга тегиб, пайтавасини ювиб, қизларидан туртки эшитиб... э, боре!

**З Е Б И Н И С А.** Бўлди, бошқаларни ҳам йўлдан урма. Сен тегмасанг жон-жон деб тегадиганлар бор. Фақат истиҳола қилиб, одамлар нима деркин, деб дамани ичига тортиб туришипти. Бир гапни айтиб берай. Ўтган куни областда колхоз ветеранларининг кенгаши бўлди. Облсполкомнинг залига одам сизмай кетган. Кўкси тўла орденли чол-кампирлар савлат тўкиб юришипти. Нима бўлди, дегин? Биздан борган чолларни залга киритишмади.

**Қ У М Р И.** Чолларимиз нима гуноҳ қилишган экан?

**З Е Б И Н И С А.** Борган чолларнинг кийимига қараб бўлмайди. Оқ кўйлакка қизил тугма қадалган. Дўпписининг ёғи чиқиб кетган. Шими ўлгирга бир умр дазмол тегмаган. Соқоллари ўсиб, патак бўлиб кетган. Борларинг, одамга ўхшаб келларинг, деб қайтарворишди. Номусларга ўлдим. Ер ёрилмади-ю, эрга кириб кетмадим. Агар шу бечора чолларнинг сенларга ўхшаган хотини бўлганда, чақмоқдек кийинтириб, майлисга юборарди. Тортинмай айтаверларинг, биронта чолни кўз остига олиб қўйган бўлсаларинг, менга шипшиб қўйсаларинг бас! Бу ёғини ўзим келиштирвораман.

**А Н З И Р А Т.** Менга қара, раис. Эрга тегадиган бўлсак сени агитаци-янгсиз ҳам тегаверамиз. Ташвиш қилмай қўяқол.

**З Е Б И Н И С А** (*бир оз жим қолиб, ўйлашиб туриб*). Аввалги куни телевизорда кўрдингларми? Жуда антиқа театр кўрсатди.

**Қ У М Р И.** Кўрдим. «Ғариблар» деган театр экан. Қаёқдан ҳам шу театрни кўрдим. Кечаси билан ухлаёлмадим. Одамзоднинг қариганда хор бўлишини шундоққина кўз олдимга опкелиб қўяди-я! Артистларимиз ҳам шу кунда жуда етилишипти. Сорахон қариб қолгандир, деб ўйлагандим. Шундоқ ўйнади, шундоқ ўйнади! Бундан ўттиз йил олдин «Бой или хизматчи» да ўйнаганда кўрган эдим.

**З У М Р А Д.** Менам кўрдим. Охиригача чидамадим. Чап қошим учиб, ҳаммаёғимни чумоли талаётганга ўхшаб кетди. Нервинийим тутиб, боре, дедиму телевизорни ўчириб ҳовлига чиқиб кетдим. Артистлар ҳам ўлишмасин-да. Шундоққина Америкага обориб қўйишди. Назаримда Америкага бориб қолгандекман, бу ифлосликлар, бу хорликлар, бу одамни одам демасликлар. На отани ота дейди, на онани она ўрнида кўради.

**Р А Ҳ Б А Р.** Ҳа, у томонларда қариллик хорликдан бошқа нарса эмас экан.

**З Е Б И Н И С А.** Ўз юртимизнинг қадри-қимматини чет элга бориб келган одам яхши билади. Бу томоша. Ҳаммасини айтиб бўлмайди. У томонлардаги азоб-уқубатлар битта театрга сиғармиди?! Капиталистик мамлакатларда чоллар қанақа яшайди, кампирлар қанақа яшайди, мендан сўраларинг. Етти марта чет элга борганман. Сенларга битта гапни айтсам, ҳар куни эрталаб ўринларингдан туришларинг билан ҳукуматимизни дуо қилларинг. Бунақа ҳукумат ер юзининг ҳеч қаерида йўқ. Мен борган капиталистик мамла-катларни бир оғиз гап билан айтиб берадиган бўлсам, гап шу. У ерлар — тириклар мазори. Очлик, яланғочлик, хор-зорликнинг ҳаммаси ўша ерда. Одамлар саратонда ҳам, қирчиллама қишда ҳам кўчаларда ётишади. Ишсизликдан шаҳарма-шаҳар болаларни судраб, иш қидириб юришади. Шундоқлариям борки, кўчада туғилиб, кўчада ўлишади. Касал бўлиш деган гап ўлиш деган гап. Энди, менга қараларинг. Бизни ҳукумат қанақалигини биласанларми? Болангни дўхтир текинга туғдиради. Текинга даволайди. Текинга балнисага ётқизади. Текинга ўқитади. Ун йил ўқитувчиларга минг-минглаб пул сарф қилиб, ўқитади. Институтда бўлса, ўқигани учун ойлик ҳам беради. Ўқитган у ёқда қолиб, ўқиганга ҳам пул тўлайди. Биронта одам сени

бир чертиб кўрсинчи, қонун нақ онасини учқўрғондан кўрсатади. Ҳуқуқинг ўзингда. Ишлайман, десанг, ишлайсан, ўқийман, десанг, ўқийсан. Курортга бораман, десанг, ана денгизларнинг бўйига шоҳона саройлар қуриб қўйилган. Ана шуларни ўйлаганда сенларни қилаётган ишларингдан жаҳлим чиқиб кетади. Эрга тег. Давр сур. Қариганда роҳат кўр. Умрингни қолган йилларини чолинг билан қашлашиб, роҳат-фароғатда ўтказ. Э, нодонлар! Иззатини билмаган бемазалар!

Қ У М Р И. Ҳамма гапинг тўғри, Зеби. Аммо унақа ҳақорат қилмай гапир.

З Е Б И Н И С А. Ҳақорат эмиш. Сенлар ўзларингни ўзларинг ҳақорат қиляпсанлар. Шундоқ замонда даври-даврон сурмай, кавакда занг босиб ётиш ўзини ўзи ҳақорат қилиш эмасми?! Хў, ярамас, шум кампирлар.

З У М Р А Д. Шу бир оғиз агитациянг билан тўс-тўполон қилиб, ҳамма кампирлар эрга тегиб кетади, деб ўйляпсанми? Нима, биз сенга ёш бола-мизми?

З Е Б И Н И С А. Менга бари бир. Узоқ яшайман, маза қилиб яшайман, десаларинг, эрга тегасанлар. Моғорлаб, занглаб ўлиб кетамиз, десаларинг, майли, ўлиб кетаверларинг.

Р А Ҳ Б А Р. Албатта, ҳамманинг ҳам узоқ яшагиси келади.

Ж А М И Л А. Кимни яшагиси келмайди, ҳамманинг ҳам яшагиси келади.

З Е Б И Н И С А. Яшагинг келса, эрга тег.

Х О Л И Н И С А. Нималар деяпсиз, раис, бизни ким оларди.

А С А Л. Ҳа-я, кимгаям керакмиз.

З Е Б И Н И С А. Ахир инсоф ҳам керак-да. Бу дунёга нимага келгансанлар. Қўша-қўша бола туғиб, боқдиларинг. Болаларингни боласини ҳам боқдиларинг. Хўш, қачон ўзларинг учун яшайсанлар. Ер юзининг бўйрадек бир бурчагида ивирсиб, бижғиб ўтираверсанларми. Қачон дунёни кўрасанлар. Ҳозир хотинлар бу ёғи Америка, бу ёғи Япония, у ёғи Италия, бу ёғи Францияни айланиб келишяпти. Сизлар тенги хотинлар кечмаган океану денгизлар қолмаяпти. Тоғу тошлардан ошиб, дунёнинг нариги бурчагига бориб, келишяпти. Сенлар нимани кўрдиларинг? Эрларинг бўлса, қўл ушлашиб бормаган жойларинг қолмайди. Кўрмаганингни кўрасан, емаганингни ейсан, киймаганингни киясан. Ўзларингни бозорга солгунча бозорларинг ўтиб кетади. Сал кунда пуф сассиқ бўлиб, биров қарамайдиган ҳолга келасанлар. Гапни ўғил боласини айтсам, эрга тегсаларинг бетларингдаги ажинлар тарқаб кетади. Оқарган сочларинг яна қораяди. Юрган йўлларингда мингиллаб ашула айтадиган бўласанлар. Эр қанақа бўлиши эсларингдан чиқиб кетган-да. Жон эр, жон олов, деган экан битта доно. Сенларга бир воқеани айтиб берай. Бир йигит ёшлигида кўп безориликлар қилиб, онасини роса кўйдирган экан. Эси кириб, ақли тўлишгандан кейин ўйлаб қараса, онасини кўп хафа қилганини билиб қопти. Доно одамлар билан гаплашиб, нима қилсам, она олдидаги гуноҳимни ювман, деб сўрапти. Улар шундоқ дейишпти: Онангни саватга солиб, бошингга қўй, Маккаи мукаррамага пиёда олиб бориб кел. Шундоқ қилсанг гуноҳинг ювилади.

Йигит ҳам жуда танти экан, онасини даст кўтариб, саватга ўтқазибди, бошига саватни қўйиб пиёда, Макка, қайдасан, деб йўлга тушибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, бир жойга етгандан олдидан бир мўйсафид чиқибди.

— Ҳой, болам, онангни саватга ўтқазиб, қаёққа кетяпсан? — деб сўрапти.

Йигит нимагалигини айтиб берипти. Шунда чол шундоқ депти:

— Э, болам-а, шунақа қилса гуноҳинг ювиларканми? Гуноҳимни ювман десанг, онангни эрга бер.

Саватда ўтирган кампир тилга кирипти.

— Ох, оппоқ соқолларингиздан ўргилай, отахон. Қишлоғимизда шу гапни айтадиган биронта доно топилмади-да!

Ана, кўрдиларингми, бева хотиннинг эрга тегиши Маккага бориб келганнинг савобидан баянд бўларкан.

Ж У Р А. Бопладинг, раис.

Ғ А Н И. Зеби бало. Гапни жуда олади-да!

### Телефон жиринглайди. Назми трубкини кўтаради.

Н А З М И. Ким дедингиз? Раис опаи, ҳозир бераман. Опа, сизни сўрашяпти.

З Е Б И Н И С А. Эшитаман. Ҳа, ўзим. Ким дединг? Москвадан? Э, шунақами? Ҳозир етиб бораман. (*Трубкини жойига қўяди.*) Гап шу. Агар эрга тегаман десанглар, эрталаб соат тўққиздан кеч соат еттигача заявқаларни ўзим қабул қиламан. Мана, Гани отани қаранглар. Қарчиғайдек бўлиб тўлишиб, оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб турипти. Бу кишига теккан хотиннинг

жони роҳатда ўтади. Ҳали Кавказ, ҳали Украина, ҳали Тожикистон, ҳали Белоруссияга саёҳат қилгани қилган. Москвага йилига икки бор қатнайди. Уни Кремлда ҳам билишади. Ким шунга тегаман, деса, қўлини кўтарсин.

**З У М Р А Д.** Э, бор-е. Бунақа иш ими-жимида бўлади.

**З Е Б И Н И С А.** Нега ими-жимида бўларкан. Уғирлик қиялпсанми, ими-жимида қиласан? Ҳозир эрга тегадиган аёл газетага эълон берапти. Ешим палонда, оғирлигим мунча, тишим ўзимники, менга палон ёшдаги, соғлиги яхши эр керак. Хоҳловчилар фалон адресга мурожаат қилсин, деб газетага эълон берапти.

**А С А Л.** Ё, тавба, ажаб замонлар бўлди-да.

**З Е Б И Н И С А.** Бўпти, мен кетдим. Москвадан одам кепти. Хайр. Аммо гапларимни таналарингга яхшилаб ўйлаб кўринглар. Хайр.

**Чиқиб кетади. Пауза. Ҳамма жим.**

**А Н З И Р А Т.** Бор-е, деб эрга тегворай дейман-у, шу куда-андаларимдан мулоҳаза қиламан-да.

**Р А Ҳ И М А.** Э, аяси тушмагуре! Ҳар кимнинг ҳузур-ҳаловати ўзига.

**Ж А М И Л А.** Бу раис тушмагур ҳаммамизнинг юрагимизга ўт ёқиб кетди.

**Р А Ҳ Б А Р.** Бир ҳисобда унинг гаплари тўғри. Эрта-индин пақ этиб ўлиб кетсак, палончи эр қилмай оламдан ўтди, деб гўримизга мрамар тош қўярмиди. Икки ўртада шўппайиб, ёлғизликда ўтиб кетганимиз қолади.

**Ж А М И Л А.** Э, ёлғизлик қурсин. Ёлғизлик ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Битта қилтиллаган чолинг бўлса ҳам жикиллаб кун ўтганини билмай қоласан. Бола-чақа ўз ҳузурни билан овора. Кези келганда яшаб юрганнинг уларга малол келаётганга ўхшаб кетади.

**Х О Л Н И С А.** *(Хаёлга берилиб.)* Чолинг бўлса, ўтин ёриб, сабзи тўғраб берса. Учоққа ўт қалаб, жиз-биз қилсанг. Ҳовлига сувларни сешиб, супага жой солсанг. Магнитофонда яхши ашулани қўйиб қўйсанг. Чол-камбир ўтириб, то ош дам егунча чойни майдалаб ўтирсанг. Э, бу гаплар энди бир эртақ бўлиб қолди.

**Қ У М Р И.** Шундоқ таърифини қилдингки, ҳозироқ эрга тегворгим келиб кетди.

**Н А З М И.** Бу шум кампирлар шу топда кўзимга бало бўлиб кўриняпти.

**Р А Ҳ И М А.** Энди айниманг. Уйга меҳмон айтиб қўйиб, шунақа дейсизми? Ойингизни булар ўлдириптимиз? Бўладиган ишни қилайлик.

**Б А Ҳ Р И.** *(Ичкари уйдан дугор кўтариб чиқиб.)* Ҳой, меҳмонга келганмисизлар, ё азагами? Қумрихон ая, ўладиган дунёда бир яйраб қолайлик. Битта ялла қилиб беринг.

**Қ У М Р И.** *(Дугорни олиб.)* Чалмаганимга ҳам анча бўлиб қолганди. Хўп, анаву чолларнинг юрагини бир ўйнатай. Нимани айтиб берай. Ҳой, Ганивой, қанақасида бўлсин. Йиғлатадиганиданми, кулдирадиганиданми, ўйнатадиганиданми?

**Ж У Р А В О Й.** Йиғлатадиганини нима қиласан. Кўнгилини бўшатадиганидан айт.

**Қ У М Р И** *(дугор чертиб, аввалига наст, кейинчалик баланд пардада қўшиқ бошлайди).*

**Турналар учса қарайлик,  
Маргилоннинг йўлига.  
Ҳиди келса маст бўлайлик,  
Ҳандалакнинг бўйига.  
Ҳандалак бўйликкинам,  
Сен унда зор, мен бунда зор.  
Тўти қушнинг боласидек  
Иккаламиз интизор...**

**Шу пайт телефон жиринглаб қолади, қўшиқ тўхтайтиди.**

**Ж У Р А.** Ашулани белига тепти-да.

**Н А З М И** *(трубкани олиб.)* Лаббай. Дадамларни? Шунақами? Ҳозир айтаман. Хўп. *(Ганивойга ўгирилиб.)* Дарров борармишсиз. Кинога оладиганлар дедими, Москвадан олимлар келди дедими, ишқилиб, катта одамлар келганмиш, сизни кўриб, гаплашармиш, Лимон масаласида эмиш.

**Г А Н И.** Бўпти. Ҳозир бораман.

**Кўча томонга юраркан, орқасига қайтиб, теплица эшигини қулфламоқчи бўлади.**

Б А Х Р И. Қулфламанг, уят бўлади-я. Нима қиласиз, хасис деган ном орттириб. Очiq тураверсин. Лимонларингизни бўри емайди.

Ғ А Н И (*калитни ёнига солиб, кўча томон юриб*). Жўравой, мен келгунча сен меҳмонларни чой-пойидан хабар олиб тур.

Ж ў Р А. Бошқа ишим йўқми? Уйга телевизор устаси келмоқчи эди.

**Ғанивойга эргашиб чиқиб кетади.**

**Эркин уйдан бир даста журнал билан каттакон альбом кўтариб чиқиб, хотинларнинг ўртасига ўтириб олади.**

Э Р К И Н. Ҳозир сизларга бир нарсаларни кўрсатаман. Томоша қиласизлар. Манави журнал Францияда чиққан. Икки бети тўла бувамни мақтаб ёзган. Сувратларини қаранг. Лимонхонада олинган. Қойилмисизлар? Манави журнал Чехословакияда чиққан. Бунда ҳам бувамни сувратларини босиб, ўзларини мақтаган. (*У беш-олти журнални хотинларга беради.*) Буниси Испанияда, буниси Англияда, буниси Венгрияда, буниси Болгария... Энди девордаги сувратларга қаранглар. Мана, бувам космонавт Жонибеков билан тушганлар, буниси Фидель Кастро билан, лимонхонамизга келганда олганман. Манавиниси Людмила Зикина билан. Э, кўраверасизлар ҳали. Манавиниси Аркадий Райкин келиб, бувамнинг янги нав апельсинларини кўраётганда олинган. Манаву СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева билан Ҳалима Носировалар лимонхонага келишганда олинган. Қойилмисизлар? Бувам оладиган хотиннинг пешонаси ярқираган бўлади. Мана, мана, бувам илғор колхозчилар қурултойи минбарида гапирётган пайтлари. Буни Пенсон деган зўр фоточи олган.

Р А Х Б А Р. Олдиндан оққан сувни кадрни йўқ, деб шуни айтишарканда. Ғани ака жуда катта одам эканлар-ку...

З У М Р А Д. Катта одамликка катта-куя, аммо сал бевафороқ-да.

Қ У М Р И. Сизни олмагани учун шунақа дейсиз, ўргулай. Ўзи қариб қолган бўлса ҳам, битта хотинни тўтидек яшнатиб олиб юрадиган ҳоли бор.

З У М Р А Д. (*Раҳбар томонга имлаб, пичинг қилади.*) Бунақалигини биз қаёқдан билардик. Юртма-юрт қочиб юрганлар билади буни.

Р А Х Б А Р. Кесатманг, кесатманг. Ўтган гапни қовламанг. Ўлган илоннинг бошини кўзгатманг. Бу гапга қирқ йилдан ошган. Сизга алам ўтганда, сира унутолмайсиз?

З У М Р А Д. Бир айтдим, қўйдим-да.

**Эркин журналларни йиғиштириб олади.**

Э Р К И Н. Картинка тамом. Опкегаверайми? Бўпти.

**Нарсаларни олиб, уйга кириб кетади.**

Қ У М Р И (*қўлидаги дуторнинг у ёқ-бу ёғини кўриб*). Ясалганигаям бирон саксон йил бўлгандир. Обидани чарларида ҳам шу дуторни чалгандим.

Н А З М И. Вой, ойимни тўйларига келганмисиз?

Қ У М Р И. Нега келмас эканман. Ер-ёрни ҳам ўзим айтганман. Ойингдан икки ёш кичик бўлсам ҳам, жуда бало эдим. Катта-катта базмларда ялла айтардим.

А Н З И Р А Т. Мени тўйимда айтмагансан. Ушандан бери кўзимга ёмон кўринасан.

Қ У М Р И. Акам раҳматлик уйга қамаб қўйган эдилар. Келолмаганман. Эрга текканингга неча йил бўлди, Анзират?

А Н З И Р А Т. Бир кам қирқ йил бўлди. Ҳозир шу юришингни, валасапит минишингни аканг кўрса, нақ терингни шилиб оларкан-да?

Қ У М Р И. Акам раҳматлик эскича одам эдилар-да. У киши ҳам урушда ўққа учиб кетдилар.

Н А З М И. Дадам идорага кетдилар. Йўқларида лимонхонани бир томоша қилинглар. (*Назми боғ эшиги олдидаги обдасталарни тепиб юборади.*) Кираверинглар!

**Хотинлар бараварига ўрниларидан туриб, лимонхона томон юрабошлайдилар.**

Б А Х Р И. Сингилжон, дадамдан балога қолмасмикинмиз?

Н А З М И. Шу хотинлар лимонларни битта қўймай узиб олса, жуда яхши бўларди-да. Айни муддао бўларди.

Б А Х Р И. Нега унақа дейсан?

Н А З М И. Хотинлар дадамни кўзига бало бўлиб кўринсин дейман-да. Ҳаммасини қувиб соларди.

Р А Х И М А. Ҳой, Назмихон, ўргилай. Бунақа ният қилманг.

Н А З М И. Сиз аралашманг, кенной. Ҳар қалай, нима қилса ҳам бегонасиз. Қонингиз қўшилмайди. Дадамни уйлантириб, қозон-товоғини бўлак қилмоқчисиз. Биламан.

Р А Х И М А. Вой, ўлай! Э, боринг-е, билганингизни қилинг, менга нима.

### Жаҳл билан уйга кириб кетади.

Н А З М И. Қани, кираверинглар дедим-ку!

Р А Х Б А Р. Қўйинглар, тажриба лимонлар бу.

Н А З М И. Комиссия кўриб, баҳосини бериб бўлган. Бемалол узаверинглар. Дадамлар шу қолган лимону апельсинларни сизларга атаб қўйганлар. Узаверинглар.

З У М Р А Д. Қандоқ бўларкин? Балога қолмаймизми?

Н А З М И. Ҳазим жавоб бераман. Қани, лимонхонага марҳамат!

**Хотинлар чувиллашиб теплицага кириб кетишади. Ичкаридан уларнинг овозлари эшитилиб туради.**

Б И Р И Н Ч И О В О З. Лимон гулидек хушбўй гул дунёда бўлмайди.

И К К И Н Ч И О В О З. Келиним лимонга бошқоронғи эди. Жуда яхши бўлди-да. Бечора роса севинадиган бўлди.

**Бир оздан кейин хотинлар тўрхалта, сумка, тугунлар тўла лимон-апельсинларни аранг кўтариб, чаккаларига лимон гулларини тақиб чиқишади.**

Х О Л Н И С А. Қишда музни тешиб чўмиладиганлар лимонни кўп есин, деган. Китобда шундай ёзилган.

Ж А М И Л А (*лимон гулини ҳидлаб*). Муни қаранглар-а, билмас эканман. Лимон гулининг ҳиди олдида француз атири қайиқа экан.

А Н З И Р А Т. Қани, қизлар, шу Ганивойни бир дуо қилайлик. Боғи бундан ҳам обод бўлсин. Обрўси борган сари баланд бўлаверсин...

**Жўравой киради. Улар қўлидаги тугунларни кўриб, ханг-манг бўлиб қолади.**

Ж У Р А. Бу қанақаси? Инсофларинг борми ўзи?..

Ж А М И Л А. Ҳа, нима бўпти?

Ж У Р А. Нима бўпти, дейди-я! Бу апельсинларни етиштиргунча Гани бечора нақ адойи тамом бўлай деган-ку! Нега уздинглар? Комиссия кўриши керак эди. Виставкага юбориладиган апельсинлар эди.

Р А Х Б А Р (*хижолат бўлиб*). Мен текканим йўқ. Назмихон эшикни очиб бердилар. Хоҳлаганча узаверинглар, дедилар.

Ж У Р А. Назми, сира эсинг кирмади, кирмади-да. Дадангни ажалидан беш кун олдин ўлдирасан. Ҳеч дадангни аяйсанми ўзи? (*Хотинларга.*) Уз, деса, сенлар ҳам узавердингларми? Энди жуда ёмон бўлди. Ҳали келса, бу аҳволни кўриб, жинни-минни бўлиб қолмаса гўрга эди.


Н А З М И. Ҳеч бало бўлмайди. Лимон ўлсин, одамдан азиз бўлмай. Хижолат бўлманглар, ўзим жавоб қиламан. Бунақа хасис чолга қайси хотин тегади. Ким тегса ҳам сил бўлиб ўлади. Дадамни хўп қилиқлари борки, жони тошдан бўлса ҳам, хотин киши уч кунга чидамайди. Ойим раҳматликни ҳам шу зикналиклари ўлдирган.

Б А Х Р И. Оғзим бор, деб ҳар гапни гапираверасанми, дадам унақа одам эмаслар.

Н А З М И. Қанақаликларини ҳозир келганда кўрасизлар. Тўртта қуришқоқ лимон деб, ҳаммаёқни остин-устун қиладилар. Ҳамманинг дилини хуфтон қиладилар. Вой, дод, бу қанақа молпараст, зикна, хасис ота. Ўз болаларидан, меҳмонларидан иккитагина қурушқоқ лимонни аяйдиган қанақа ота, ахир?

Ж У Р А. Бақирма-е. Ўз отангни шундоқ дейишга қандоқ тилинг борди.

Н А З М И. Билиб қўйинглар, холажонлар. Мана шу қурумсоқ чол хотин олмоқчи. Тегманглар, асло тегақўрманглар унга. Сил қилиб, туберкулос қилиб, рақ қилиб, импай қилиб ўлдиради сизларни.



**Шу пайт Ғани киради, қизининг лўлилик қилиб шанғиллашига қулоқ солиб туради.**

**Ж Ҳ Р А.** Ҳой, қизим, бас қил. Биламан нега унақа қилаётганингни. Дадам хотин олмасин, деб уни ҳаммага ёмонлаяпсан. Бу ишинг яхши эмас. Унинг устига даданг бечора етти йил кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қийналиб етиштирган апельсин гибридини талон қилдинг. Отага ҳурмат шуми?

**Н А З М И.** Сиз аралашманг. Сиз бегона одамсиз.

**Ж Ҳ Р А.** Э, бор-е. Сенга гапирди нима-ю, деворга гапирди нима.

**Жаҳл билан чиқиб кетади.**

**Ғ А Н И** (*чидаёлмай қизининг олдига келиб.*) Овозингни ўчир! Эси йўқ. Жўравой бизга энг қадрдон киши. Отанг қатори одам. Ҳамма гапингни эшитдим. Мени жиғимга тегиш учун шунақа қилгансан, майли. Истаганингча додла. Мен ўз қароримдан қайтмайман. Бу ердаги апельсинларни вайрон қилсанг, яна етти шаҳарда теплицам бор. Ҳаммасида лимон-у, апельсинлар шиғил пишиб ётипти. (*Хотинларга.*) Яхши қипсизлар. Ўз қўлларинг билан узиб олганларинг жуда соз иш бўпти. Ўзим шунчалик узиб беролмасдим. Кўзим қиймай, қўлим қалтираб, апельсинларни узолмасдим. Ош бўлсин. Бола-чақаларинг билан бирга баҳам кўринглар. Асло хижолат бўлманглар. Мен энди Термизга кетдим. Москва телевидениясидан оператор келган. Кино қилмоқчи. У билан Термизга бораман. Раҳима, келин, кийим-бошимни чамадончага солиб бер. Ҳозир йўлга чиқамиз.

**Боядан бери хижолат чекиб турган хотинларга жон киради.**

**Ж А М И Л А.** Ғанивой, энди бизни кечирасан-да. Беодобчилик қилиб қўйдик.

**З У М Р А Д.** Жуда хунук иш бўлди-да. Назмихон, олаверинглар, деганларига биз ҳам суриштирмай узаверибмиз.

**Ғ А Н И.** Асло хижолат бўлманглар, деяпман-ку. Ахир, бу нарсаларни одамлар есин деб экканман-да.

Қ У М Р И. Э, барака топ. Боғинг бундан ҳам обод бўлсин. Обруйинг ортаверсин.

Раҳима кичкина чамадонча олиб чиқади. Ғанивой Раҳбарга қарайди. Узоқ қараб туради. Бир нима демоқчи бўлади. Деёлмайди.

Р А Ҳ Б А Р. Кетяпсизми?  
Ғ А Н И. Кетяпман. Хайр энди.

Чиқиб кетади.

Н А З М И. Бопладимми?!  
Р А Ҳ И М А. Бағритош, уятсиз?

Назми унга бурнини қийшайтириб чиқиб кетади. Раҳбар қимирламай туриб қолади. Бир қарорга келгандек шошиб, унинг кетидан кўча эшиги томон югуради.

Р А Ҳ И М А. Отамга жабр бўлди. Қариганда бунчалик азоб бериш керак эмасди. Ахир у киши кичкина одам бўлмаса. Э, беодоб Назми...

Қ У Д Р А Т (*шошиб кириб*). Дадам қанилар?

Р А Ҳ И М А. Ҳозир кетдилар. Киночилар билан Термизга жўнаб кетишди.

Қ У Д Р А Т. Э, аттанг. Битта кампирни кўндиргандим. Жуда антиқа эди. Урисчаниям, французчаниям биларкан. Узи билан гаплашдим. Рози бўлди. Дадам кўнсалар тамом. Тўйни бошлаворардик.

Р А Ҳ И М А. Дадам энди бизни кечирмайдилар. Назмихон хотинларга лимонхонани очиб берган эдилар...

Қ У Д Р А Т. Вой-вой, жуда хунук иш бўпти-ку. Э, аттанга!

Э Р К И Н (*қўлида хат, ҳовлиқиб кириб*). Дада, мана хат. Бувам бериб кетдилар. Даданга бер, дедилар.

Қ У Д Р А Т (*шошиб конвертни очади. Уқийбошлайди*). «Болажонларим. Мен сизларни оқ ювиб, оқ тараб ўстирдим. Опицлаб катта қилдим. Тани бошқа дард билмас, дегандек юрагимдаги дардимни билмадинглар. Неча йиллаб меҳнатим, орзу-умидларим бўлган лимонхонамни пайҳон қилишга йўл қўйдинглар. Мен шу лимонхонада куйманиб юриб, овунардим. Сизлар буни қадрига етмадинглар. Термизга жўнаб кетдик. Раҳбар холаи мен билан бирга кетди. Омон-эсон етиб борсак, фоточи Карапетян тирик бўлса ўзига, ўлиб кетган бўлса ўғлига сувратимизни олдириб юборамиз. Келаси ҳафтанинг жума куни кечкурун соат етти яримда телевизорни Москва программасига бураб қўйинглар, мени кўрсатади. Сизларга Раҳбаройдан салом...»

З У М Р А Д. Вой, писмиқ Раҳбар-е. Бу ёқда ишни пишиқ қилиб битишиб қўйган экан-да!

Қ У М Р И. Зумрад, яна қуруқ қолдинг. Энди ўзингни қайси дарахтга осасан?

З У М Р А Д. Ўзини осадиган аҳмоқ йўқ.

Н А З М И (*эшикдан ҳовлиқиб келиб*). Дадам анаву Раҳбар кампир билан аллақайёққа қочиб кетган эмишлар. Шу ростми?

Қ У Д Р А Т. Рост!

Н А З М И. Вой, дод! Онагинамни арвоҳи чирқиллади.

Ж У Р А (*девордан бош чиқариб*). Нима гап? Яна нима жанжал?


Н А З М И. Дадам анави Раҳбар кампир билан аллақайёққа қочиб кетибдилар.

Ж У Р А. Қочган бўлса нима қипти. Бу Раҳбар билан биринчи қочиши эмас. 1939 йилда ҳам шу Раҳбар билан қочган эди. Ташвиш қилма, қизим. Қочган бўлса, албатта, Раҳбар билан бошини-бошига теккизиб олдирган суврати келади.

Б А Ҳ Р И (*Махсумни қўлидан судраб киради, ҳаяжонланганидан овози чиқмай бўғилиб*). Дадам қочиптилар! Дадам қочиптилар! Дадам қочиб кетиптилар! Дадам қочиб кетиптилар!! (*Назмига ташланади.*) Сен айбдор. Ҳаммасига сен сабабчи. Дадам қочиб кетиптилар! Дадам...

Ж У Р А. Манавини ёшликда берган кўнгил, дейдилар!

П А Р Д А



Анвар Обиджон

## ЎГИРЛАНГАН ПАҲЛАВОН

ЭРТАК

Бўлган экан бир ўлка  
Юртимиздек чиройли.  
Кексалари донишманд,  
Эрлари бели бойли.  
Қиз-жувони чевару  
Кампирлари гиламчи,  
Мамлакатда йўқ экан  
Биронта ҳам тиланчи.  
Аҳил экан, дўст экан  
Атласчию дўкандор,  
Саркардаю этикдўз,  
Бўзчи, ҳофиз ва меъмор.  
Чопқир экан сойлари,  
Тоғ-қирлари серсават.  
Бўлиқ экан ерлари,  
Деҳқонлари бадавлат.

\* \* \*

Унда ҳар бир йўл, сўқмоқ  
Боққа бориб туташар.  
Шу боисдан бу юртни  
Боғли дея аташар.  
Боғлиларга бош эди  
Ўттиз ёшли Дурбекшоҳ.  
Неки умид қилса эл  
Ҳаммасидан у оғоҳ.  
Еқмас эди ҳоқонга  
Маишатлар, базмлар.  
Елғон-яшиқ мақтову  
Ҳам ортиқча таъзимлар.  
Доно санаб ўзини  
Қилмасди кўп насиҳат.  
Тинглаб катта-кичикни,  
Иш кўрарди ҳамжиҳат.

Шоҳнинг ёри Нурхон ҳам  
Оқил, меҳрибон эди.  
Аммо фарзанд кўрмасдан  
Юрак-бағри қон эди...

\* \* \*

Ноғоралар бонг урди,  
Миноралар зирқирар.  
Бозорларда жарчилар  
Халойиққа қичқирар:  
— Уғил кўрди Дурбекшоҳ,  
Маликамиз омон-соғ...  
Шаҳзода оқ йўрғакда —  
«Пиш-пиш» ухлар,  
Гўдак-да.  
Дўстлар тўйга марҳамат,  
Қимиз ичинг, енг овқат.  
Қорин тўйгандан кейин,  
Бирга тушамиз ўйин.

\* \* \*

Азим тоғлар ортида  
Даврон сурар Шармоншоҳ.  
Атрофдаги ишларни  
Кузатарди мисли зоғ.  
Боқиб «топқир» ойнага  
Кекбу номли жодугар,  
Оламда не рўй берса  
Ҳоқонни воқиф қилар.  
Қанча-қанча ўлкалар  
Тобе эди Шармонга.  
Енголмасдан Дурбекни  
Юрак эди армонда.



У боғлилар устига  
Кўшин тортиб икки бор,  
Ҳар иккала жангда ҳам  
Енгилганди шармисор.  
Шундан бери ҳоқоннинг  
Юрагида дард-алам.  
Бошлаб қасос олмоқ-чун  
Кутар эди қулай дам.

\* \* \*

Боқиб бир кун жодугар  
Уша «топқир ойна»га,  
Шоҳга қараб жавради  
Ухшаб қари майнага:  
— Боғлиларнинг юртида  
Бугун катта тантана.  
Дурбек тахтда илжайиб —  
Утирибди,  
Ху, ана...

...Кўкрак тутар малика  
Тўлпоққина гўдакка.  
Бешик безаб энага,  
Упа суртар сумакка.  
Шаҳзодага Ҳурбек деб  
Исм қўймиш эл шодон.  
Пайти келиб бу гўдак  
Бўлар машҳур паҳлавон.  
Филдек баста билан у  
Бузиб ўтар ғовларни.  
Тирқиратар қуёндек,  
Манман деган ёвларни.  
Қўпоради тоғни ҳам  
Келиб қолса хонаси...  
Уни мағлуб этолгай  
Фақат туққан онаси.

\* \* \*

Жодугарнинг сўзидан  
Дили бўлиб сим-сиёҳ,  
Ҳурбек ҳақда тун бўйи  
Уйлаб ётди Шармоншоҳ.  
Ҳузурига эрталаб  
Чорлаб айёр Кекбуни,  
Ўта разил бир ишга  
Даъват қилди шоҳ уни:  
— Салтанатнинг тақдири  
Қисман сенга боғлиқдир.  
Айтганимни бажарсанг,  
Оғзи-бурнинг ёғлиқдир.  
Тарк этасан бугуноқ  
Туз ичган бу шаҳрингни,  
Барин ишга соласан  
Тўқсон тўрт минг макрингни.  
Фармон шуки,  
Ҳурбекни —  
Тирик келтир ўзимга,  
Ҳеч бўлмаса,  
Мурдасин —  
Кўрсатурсан кўзимга.

Кекбу мағрур тиржайди:  
— Вазифа-ку кўп қийин.  
Аммо, мендак маккорга  
Бу иш оддий бир ўйин.

\* \* \*

Бургут бўлиб жодугар,  
Ошиб ўтди тоғликни.  
Каптар бўлиб кезди сўнг  
Тинч ва обод Боғлини,  
Шоҳ саройи ёнида  
Ўралашди ит бўлиб.  
Охир кирди ичкари  
Миттигина бит бўлиб.  
Зарар қилмас,  
Аввал у  
Аҳвол билан танишса.  
Барбод бўлар ҳамма иш,  
Агар пича янглишса.  
Хаёл суриб тун бўйи,  
Қилар ишни режалаб —  
Тўтиқушга айланди  
Маккор Кекбу эрталаб.

\* \* \*

Ўз тахтида Дурбекшоҳ  
Утирарди вақти хуш.  
Шу пайт,  
Мармар дарчага  
Келиб қўнди тўтиқуш.  
Одоб билан бош эгиб  
Чиройли бу жонивор.  
Деди:  
— Салом, улуғ шоҳ,  
Оламда умринг пойдор!  
Бундан заққи жўшган шоҳ,  
Кулиб қўйди вазирга.  
Вазир қаҳ-қаҳ урганча,  
Боқди барча нозирга.  
Ҳиринглади нозирлар  
Ранг югуриб бетига.  
Шоҳ дарчага ўгрилиб,  
Ҳазиллашди тўтига:  
— Жуда очга ўхшайсан,  
Қуюқ салом деб қолдинг.  
Пардоз-андоз қилволиб,  
Қайси гўрдан кеп қолдинг?

Тўти деди:  
— Мен асли  
Туғилганман Бомбейда.  
Қўлдан-қўлга ўтдим-у  
Бўлдим жуда кўп жойда.  
Охир мени Эронда  
Сотиб олди бир дарға.  
Мен шўрликдан дурустроқ  
Яшарди ҳатто қарға.  
Фурсат пойлаб бир куни  
Қочдим очиқ қафасдан.  
Толемга шукурки,  
Қутилдим у нокасан.  
Кулиб деди Дурбекшоҳ:  
— Қўй, ўксима,  
Доно қуш.  
Бу саройда сенга ҳам  
Топилади бирон иш.



\* \* \*  
Кушни қўлга қўндириб,  
Дурбек кирди хонага.  
Шаҳзодани эркалаб,  
Утирарди энага.  
Кушни кўргач, кампирни —  
Босди бирдан таҳлика...

Таъзим қилганича у  
Деди:  
— Шоҳим, илтимос,  
Бу тўтини қафасга

Солиб қўйсақ, бўлур соз.  
Қуш тортади аслига,  
Қанча доно бўлмасин.  
Шўхлик қилиб,  
Хурбекнинг —  
Юз-кўзига қўнмасин.  
Томоқ қириб Дурбекшоҳ  
Уйланди-да бир нафас,  
Жавоб қилди:  
— Ҳа, майли,  
Буюрамиз зар қафас...

\* \* \*  
Нурхон ўглин эмизиб,  
Ухлаб қолди тўшакда,  
Онажонин ачомлаб,  
«Чўп-чўп» эмар гўдакча.  
Елкадаги оғриғи  
Кучайганда зирқираб,  
Жажжи Хурбек дод солди  
Типирчилаб, чирқираб.  
Кўзин очиб малика,  
Уйқусираб боққан он,  
Қўлга олди гўдакни,  
Энагаси гиргиттон.  
Кўриб, гўдак елкасин,  
Чақнаб кетди нақ кўзи.  
Оппоққина йўргакдан  
Сизар эди қон изи.  
Кампир деди:  
— Вой, қаранг,  
Йўргакда қон қотибди.  
Узугингиз Хурбекнинг  
Елкасига ботибди.

Ўглин қучди малика,  
Олам унга тор эди...  
Унинг никоҳ узуги  
Уч қиррали зар эди.

Малҳам билан  
Тез кунда  
Битиб кетди бу яра.  
Лек, бари бир, елкада  
Тамға қолди уч қирра.

\* \* \*  
Шинам хона.  
Ярим тун.  
Ҳамон уйғоқ тўтиқуш.  
Сокин ухлар чақалоқ  
Кўраётиб ширин туш.  
Тугаб кунлик юмуши,  
Ором эниб танига,  
Чақалоқнинг ёнида  
Мудраб ётар энага.  
Ойни ямлаб ютган чоқ  
Аждарсимон кўк булут,  
Маккор қушнинг кўзида  
Яллиғланди бир умид.

Рўйи замин уйқуда,  
Борлиқ гўё гунг ва кар.  
Пашша бўлиб, қафсадан —  
Учиб чиқди жодугар.  
Сўнг бургутга айланиб,  
Чангаллади йўргакни.  
Учиб чиқди дарчадан  
Кўтарганча гўдакни.  
Чақалоқнинг йиғиси  
Бирдан бузди сукутни.  
Кампир чўчиб уйғониб,  
Кўрди ўғри бургутни.  
Нотинч қилди саройни  
Энаганинг фарёди.  
Эҳ, қанийди кампирда  
Бўлса лочин қаноти!

\* \* \*  
Маккор Кекбу керилиб  
Кириб келди қасрга.  
Мамнун боқар Шармоншоҳ  
Йўргакдаги асирга.  
Тахт остига жодугар  
Оқ йўргакни ёйган чоқ,  
У кўрдик,  
Потирлаб —  
Ётар митти чақалоқ.  
Тиржайганча Шармоншоҳ  
Қўлга олди гўдакни:  
— Пахлавон, деб ўйлайсан  
Наҳотки, шу сўтакни?

Унинг сўзи тугамай,  
Гўдак ногоҳ мушт урди.  
Синган тишин Шармоншоҳ  
Гиламчага тупурди.  
Ғазабланиб деди сўнг:  
— Кўрмаганда тарбият.  
Бу баттолни ётларга  
«Ўғлим» дейиш ҳам уят.  
Унинг қатта ачаси  
Менга хола десамми?  
Ёки ўлган опамдан  
Қолган бола десамми?

Ҳиринглади жодугар:  
— Ўзингизда ихтиёр.  
Сиз «итимсиз» десангиз  
Ётлар бундан бахтиёр.

\* \* \*  
Қуёш ботди,  
Ой чиқди,  
Сувлар оқди ўн беш йил.  
Бу орада Дурбекнинг  
Юрак-бағри бўлди чил.

Дурбек йиллар бадали  
Куйди фарзанд доғида.  
Унутмади ўғлини  
Касалида, соғида.

\* \* \*  
Боқиб «топқир ойна»га,  
Ирғишлади жодугар.  
Шармоншоҳнинг қасрига  
Олиб кирди хушхабар:  
— Суюнчини чўзсинлар,  
Саодатли, эй, ҳоқон.  
Бугун Дурбек танасин  
Тарк айлади ширин жон.  
Чол-кампирлар азадор,  
Қиз-жувонлар мотамда.  
Ямоқчию заргарлар,  
Қўйчивонлар мотамда.  
Кўзёш тўкар ясовул,  
Йиғлаб турар сипоҳи.  
Эшитилар саройдан  
Маликанинг оҳ-воҳи.

Шодон қарсак урди шоҳ:  
— Ҳазинамиз очилсин,

Жодугарнинг бошидан  
Зару олтин сочилсин!

\* \* \*

Наврўз келиб,  
Дехқонлар —  
Ерга уруғ сочган чоқ,  
Боғлиларнинг юртига  
Босиб кирди Шармоншоҳ.  
Кетмон қолди уватда,  
Тўхтаб қолди қўш-омоч.  
Ёш-қарининг қўлида  
Қилич бўлди яланғоч...

\* \* \*

Ранги ўчган Шармоншоҳ  
Кириб келди чодирга.  
Маънос боқди,  
Кўрпада —  
Ётган Хашпаш ботирга.  
Ботир ўхчиб йўталиб,  
Томоғини ўради.  
Шоҳга зимдан кўз ташлаб,  
Хавотирда сўради:  
— Адашмасам, жанг-жадал  
Охирига етгандир?  
Қайсарпадар мамлакат  
Қўлимизга ўтгандир?  
Қўл силтади Шармоншоҳ:  
— Расво бўлди ҳаммаси.  
Бетоблигинг душманга —  
Қўл келмоқда, чамаси.  
Ўн беш ёшли ботирнинг  
Жаҳли чиқди бу гапдан.  
Деди:  
— Айтган эдим-ку  
Кутинг дея бир ҳафта.  
Сўнг қичқирди ғижиниб:  
— Беринг қилич, совутни.  
Душманларим ўзига  
Тайёрласин тобутни!  
Шоҳ қувониб тиржайди:  
— Яхшиямки,  
Сен борсан.  
Ахир ўгай опамдан  
Қолган ёлғиз ёдгорсан...

\* \* \*

Дубулғали малика  
Турар ўтов ёнида.  
Инграб келди бир чопар  
Беланганча қонига:  
— Аҳволимиз жуда танг,  
Холдан тойди йигитлар.  
Улардаги сўнги куч —  
Она айтган ўгитлар.  
Қирғин солди бизларга  
Хашпаш деган бир ботир.  
Уни мағлуб этишга,  
Билолмадим,  
Ким қодир.

\* \* \*

Хашпаш бетоб бўлса ҳам  
Шиддат билан жанг қилди.

Кўк майсалар устини  
Қондан қизил ранг қилди.  
Кирган сари чуқурроқ  
Ёт лашкарнинг ичига,  
Чарчоқ кетиб, гўёки —  
Куч қўшилар кучига.  
Дош беролмай боғлилар  
Чекингани чоқ даштга,  
Ён томондан бир отлиқ  
Хужум қилди Хашпашга.  
Жадал келиб чавандоз  
Унга қилич тортган он,  
Хашпаш ботир қўлидан  
Учиб кетди мис қалқон.  
Икки қилич ҳавода  
Тўқнашдию икки бор,  
Гўё ботир билагин  
Тарк айлади куч-мадор.  
Қилич унинг совутин  
Ўтган чоқда тимдалаб,  
Хашпаш ботир айғирдан  
Тушди ерга юмалаб.

Олға юрди боғлилар  
Ғалабадан руҳланиб.  
Чодирда Шармоншоҳ  
Ётар титраб, ўраниб.

\* \* \*

Отдан тушди чавандоз,  
Яқун ясай, деб, жангга.  
Бир туртишда Хашпашни  
Қапиштирди харсангга.  
Қилич қадаб малика  
Душманининг бўғзига,  
Борлиқ ғазаб-нафратин  
Солди унинг юзига:  
— Ёв лашкари қирилса,  
Элим учун қасос бу!  
Бурдаланса Шармоншоҳ,  
Эрим учун қасос бу!  
Ичсам сенинг қонингни,  
Болам учун қасос бу!  
Жазо тортса босқинчи,  
Олам учун қасос бу!

Тушунмаган бўлса-да  
Бу сўзларни ёш полвон,  
Рақиб аёл экани  
Қилди уни лол-ҳайрон.  
Қилич тиғи кучлироқ  
Ниқталган пайт бўғзига,  
Аёл таққан зар узук  
Шуъла сочди кўзига.  
Хашпаш ботир аёлнинг  
Кўзларига боқди тик,  
Елкадаги чандиқнинг  
Акси эди бу узук!  
Гарчи мағлуб бўлса ҳам  
Мағрур турган ёш полвон,  
Қилди қўққис илтижо  
Вужудида титраб жон.  
Тинмай: «Ман-у, ман-у» деб  
Такрорлади бир сўзни.  
(Ўз тилида «Она!» деб,  
Ёшлар эди у кўзни.)

Боқиб унга малика,  
Кинояли жилмайди:  
— Үлдиришни биласан,  
Бироқ ўлгинг келмайди.  
Қулоқ солиб додингга,  
Кечирсам сен йиртқични,  
Демак душман қўлига  
Қайтарурман қилични.

Йигит бадтар зорланиб,  
«Ман-у-у!» дея бўкирди.  
Йиртиб ташлаб совутни,  
Елкасини ўгирди.  
Нурхон унга қиличин  
Санчмоқ бўлиб турган он —  
Кўриб таниш чандиқни,  
Қалқиб кетди ногаҳон.


\* \* \*

Боя улар ёв эди,  
Энди йиғлаб, ўпишар.  
Она қучар болани,  
Бола унга ёпишар.  
«Ман-у, ман-у» деб Ҳурбек  
Маликага суйканар.  
Она унга термилиб,  
Таъна билан куйканар:

— Наҳотки, ўз тилинган  
Йироқ бўлсанг шунча ҳам?  
Ҳеч йўқ «Она!» дейишни  
Билмадинг-га, жон болам.  
Яхшиямки, елкангда  
Бор экан шу нишона.  
Йўқса,  
Сени ўз онанг  
Қиларди шўрпешона.  
Кирганинг-чун жанггоҳга  
Юртдошингга ғов бўлиб,  
Туғилган ўз ерингга  
Кўмилардинг ёв бўлиб.  
Ҳеч кимсанинг шафқатин  
Уйғотмасди кўз ёшинг.  
Жасадингни тепалаб,  
Ўтар эди қондошинг...

Онага хос меҳр-ла  
Ўғлин қучиб малика,  
Илтижоли товушда  
Нидо қилди фалакка:  
— Ҳеч кимсани,  
Эй, фалак,  
Жудо қилма элидан.  
Фарзандларни онадан,  
Аждодларнинг йўлидан...





Эркин Самандар

## ГИЁҲ ҲАМ МЕҲР ИСТАЙДИ

Жонажон партиямизнинг навбатдаги съезди арафасида ҳозирги катта муаммолардан бири — табиат муҳофазаси ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчи эдим.

Яқинда Андижонда бўлганимизда Хўжаобод районига бордик. Табиатнинг нақадар сўлим гўшаси бу. Ширинбулоқ шарқираб оқиб ётибди. Далалар кўм-кўк. Губорсиз япроқлар қуёш нурида оҳиста товланади. Боғлар, хиёбонларда енгил шабада ўйнайди, булбуллар хониши дилларни яйратади, Чилустин тоғлари яшилликка бурканган, чўққилар, қоялар, харсангтошлар оралиғида ҳам дарахтлар гиркураб ўсиб турибди. Чилустин! Бу қирқ устун — қирқ тоғ ёвуз довуллар ва селларга кўксини қалқон қилиб, одамларни офатдан сақлаб тургандай. Бу ҳақ гап. Лекин шу нарса ҳам ҳақиқатки, хўжаободликлар — бор умри меҳнатда кечаётган ана шу фидойи инсонлар Чилустин бағрига ҳаёт элтмоқда, гул экиб, дарахт ўстириб, юртни обод ва фаровон этмоқда. Қарс икки қўлдан, деб ана шуни айтса бўлади. Табиат инсонни оқламоқда, инсон табиатни.

Сўнгги йилларда Қорақумга ҳужум бошланди. Барханлар текисланиб, устига енгил тупроқ ташланиб, экинзорларга айлантирилди, бир неча шоличилик совхозлари ташкил этилди. Шовот районига қумдан юлиб олинган ерларда «Колос» шоличилик совхозини тузилиб, барханларни ўзлаштириш ишига бош-қош бўлган Болтабой Худоёров унга директор этиб тайинланди. Худоёров ишни баъзиларга ўхшаб табиатга тазийқ ўтказишдан эмас, балки унга меҳр кўрсатишдан, унга суяниброқ юришдан бошлади. Қадимий Давдон кўлини кўмиб ташлашга келган бульдозерларни орқасига қайтариб юборди. Кўл билан Қорақум орасида асрлардан бери яшаб келаётган тўқайни сақлаб қолди, балиқчиликни ривожлантирди, ондатрани кўпайтирди, турли-туман жониворларнинг яшашига имкон яратиб берди. Янги канал ва ҳовузларнинг буйларига жуда кўп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Эндиликда бу ерлар боғ-роғларга айланиб кетди. Табиатга бўлган бу меҳр жавобсиз қолмади, албатта. Шоличилик билан биргаликда йирик ёрдамчи хўжалик вужудга келди. Сўмга-сўм, баракага-барака кўшилди.

Хива районига икки хил манзарага дуч келдик. Биринчисидан кўз қувонади, иккинчисидан дил оғрийди. Шаҳар яқинидаги Қиёт қишлоғи Мунис Хоразмий ва Огаҳийдек улуғ зотларни етказиб берган табаррук жой. Шу ерда бир мункиган балх тути бор — қиётликлар уни Огаҳий тути деб аташади. Дарҳақиқат, Огаҳийнинг уйи ва боғидан ёдгор бўлган, шоирнинг ўз қўли билан экилган бу тут мана 150 йилдан ошдики, ўсиб, мева бериб турибди. Лекин бир оз қаровсизликдан тутнинг яри қуриган, ҳар баҳорда ипак қурти учун япроқлари юлинавериш, анча мадорсизланиб қолган эди. Қишлоқдаги Огаҳий номли колхоз правлениеси, шахсан унинг раиси Отаназар Пирназаров ўтган йили унутилмас бир ишга қўл урди. Тут атрофи ихота қилинди, унга йўл ва сув олиб борилди. Ёнига янги тут кўчатлари ва бошқа ниҳоллар экилди. Огаҳий боғи бунёд этилди. Қариб қолган тут яшариб кетди, япроқлари қуюқлашди, янги шохчалар чиқарди, ҳосили ҳам шира бойлади, ҳам баракали бўлди. Бу хайрли иш учун колхоз раҳбарларига ҳамма раҳмат айтмоқда.

Энди иккинчи манзара ҳақида. Огаҳий номли колхоз билан ёнма-ён жойлашган Крупская номли колхозда бир неча хутор тугатилиб, аҳолиси янги посёлкага кўчирилди. Бу яхши иш, албатта. Лекин бузилган бир-икки эски уй атрофида жойлашган ажойиб гужумларнинг кўпориб ташлангани одамларни ниҳоятда ранжитди. Афсусланадиган жойи шундаки, гужумлар пахта даласидан

четда, ҳеч нарсага ҳалақит бермайдиган жойда юз йиллардан бери ўсиб, оромгоҳ сифатида эл назарида турарди. Жазирама кунларда гужумларнинг соясида бир пиёла чой ичиб, ҳордик чиқаришга ўрганиб қолган колхозчилар ҳайратдан ёқа ушлашди. Шундай азим дарахтларни бекордан-бекорга кесиб ташлашди-я!

Бундай хунук ҳол биргина Крупская номли колхозда содир бўлаётгани йўқ. Неча-неча хонадонлар узоқ йиллар давомида бунёд этган дов-дарахтлар хуторлар билан биргаликда йўқотиб юборилмоқда. Тўғри, даланинг ўртасида қолган дарахтлар тракторларнинг, пахта териш машиналарининг ишлашига ҳалақит бериши мумкин. Лекин ишга ҳеч қандай тўсиқ бўлмайдиган, аксинча унумли меҳнатга кўмаклашадиган бизнинг яшил дўстларимиз ҳам нест-нобуд қилиб ташланмоқда. Умуман, ҳозир икки тоифадаги одамларни учратиш мумкин. Бирлари кўчат ўтқазиб, боғ яратиб юрадилар, бирлари эса қўлларида ойболта — «С—100» деган кучли тракторлар билан дарахтларни қўпориб, гўё экин-тикинни ривожлантиришга ёрдам берган бўладилар. Табиат муҳофазаси биринчи планда турган ҳозирги вақтда дарахтларни йўқотиш ҳисобига эмас, балки уларни сақлаб қолиш, кўпайтириш эвазига деҳқончиликни ривожлантирган кишини ҳақиқий инсон деса бўлади.

Тасаввур этинг. Икки бепоеён қум — Қизилқум ва Қорақум оралиғига жойлашган Хоразм воҳасида ёз ойларида гармсел, қишда эса доимий изғирин шамол тинкани қурилади. Оғзидан гоҳ олов пуркаб, гоҳ муз сачратадиган бундай шамоллар йўлини тўсадиган на бир тоғ, на ўрмон бор бу ерларда. Шундай шароитда дарахтни кесиб ташлаган одамни қандай тушуниб бўлади. Дарахтзорларни йўқотиш учун эса баҳона кўп, бу ерни асфальт йўл қилиш керак, бу ерга тураржой қуриш лозим, бу ер генплан бўйича ғишт заводига ажратилган ва ҳоказо. Ахир, шу генпланни ҳам одам тузади-ку?

Ота-боболаримиз дарахтзорларни беҳудага кўпайтиришган эмас. Эски Хивани олиб кўрайлик. Унчалик қадим замонларда эмас, балки яқин ўтмишда ҳам катта-кичик ҳовузлар бўлган, уларнинг чор-атрофида баҳайбат гужумлар ўсиб турган. Ҳозирда барҳаёт бўлган қарияларнинг айтишларича, гужумларнинг шохлари ҳовузлар узра бир-бирлари билан шундай тутшиб, чатишиб кетишганки, сув устига тангадай ҳам офтоб тушган эмас. Ҳозир шу ҳовузлардан бириккитаси — Отаҳовуз ва Боқчаҳовузлар сақланиб қолган, лекин уларнинг атрофи шипшийдим. Кўчат ўтқазишмайди эмас. Кузда, айниқса баҳорда гўё ҳаммаёққа кўчат экиб ташлангандай бўлади, лекин уларни ўстириш, парвариш қилиш иши билан ҳеч ким шуғулланмайди. Сўнги йилларда гужумларга мўйловдор курт деган офат қирон солмоқда, бари сарғайиб, қовжираб қуриб бораётир. Агар бунинг олди олинмаса, воҳанинг кўрки бўлмиш гужумнинг ҳам қизил китобга киритиладиган вақти келади.

Воҳа табиати ҳақида гап кетганида унинг ҳаётига хавф туғдираётган икки нарса устида тўхталмасдан бўлмайди. Биринчиси Орол денгизининг қуриб бораётгани, иккинчиси эса Туямўйин сув омборининг қурилиб ишга туширилиши муносабати билан захнинг кўпайгани масаласидир. Маълумки, Орол ўн бир метрча чўккан, сувсиз қолган катта майдондан иборат денгиз сатҳидаги тузларни шамол учуриб экинзорлар устига келтириб ташламоқда. Иккинчи томондан сув омбори тазийқида ер ости сувлари кўтарилиб, боғларни қуриб ташлаётир. Юқорида жойлашган областлардаги оқава сувларнинг дарёга ташланаётгани оқибатида сув ўта минераллашган, эски лойқа сув ўрнига тиниғи кела бошлагани туфайли эса ерларнинг шўри мисли кўрилмаган даражада ошиб борапти.

Манзарани аниқроқ тасаввур қилиш учун шундай бир мисолни келтирамиз. Ҳазораспда Питнак деган қадимий қишлоқ бор. Авваллари ширин-шакар мевалар кўпроқ шу қишлоқда бўларди. Питнаклик бир мўйсафиднинг ҳикоя қилишича, унинг боғида қирқ туп Ҳазорасп олмаси бўлган. Олдинги йили ҳаммаси бирданига қуриб-қовжираб қолган. Биргина ўша мўйсафиднинг боғи қуригани йўқ, балки ҳозирги кунда питнакликлар мева-чевани шаҳардан сотиб олиб келмоқдалар. Область ташкилотлари зах сувларни қочириш, мавжуд коллектор, зовурларни реконструкция қилиш ишлари билан шуғулланиптилар. Лекин бу етарли эмас. Республиканинг тегишли министрлик ва ташкилотлари бу иш билан жиддий ва шошилиш тарзда шуғулланмасалар, ўнглаб олиниши қийин бўлган ҳол рўй берадики, буни кейинги авлодларнинг кечириши даргумондир.

Хўш, мана шу муҳим ҳаётий масала адабиётда қандай акс этяпти? Эминжон Усмоновнинг қиссаларини, бошқа бир-икки асарни мустасно қилганда адабиётимизда табиат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар ҳали росмана кўтариб чиқиляётгани йўқ. Табиатдан хайр-эхсон кутмасликка аҳд этган инсон бугунги кунга келиб жиддий хавф-хатарга рўбарў бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Дарёларни, уммонларни жилловлашга ружу этган инсоннинг ўзи эндиликда ўз жиловиға тушиб қолаётганини эсдан чиқариб бўладими. Олимларнинг фикрича, атом уруши планетани бирданига ҳалокатга учратса, табиатга бўлган бепарволигимиз эса, ердаги

мавжуд табиат бойликларини аста-секин ҳалок қилади. Шундай экан, табиатни сақлаш ҳақида бонг уриш керак, уни оёқости қилаётган ношуд, бузғунчи кимсаларни фoš этиш, уларнинг пайини қирқишда партия-ҳукуматга ёрдам бериш биз — ижодкорларнинг вазифамиздир.

...Менимча, биз шу пайтгача табиат ва инсон масаласини бирёқлама тушуниб, бирёқлама ёзиб келдик. Дарёни жиловлаган, ер очган одамларни мадҳ этиш, табиат гўзалликларини куйлаш билан машғул бўлиб, жиловланган дарёнинг ҳоли не кечганини, она табиат не кунларга тушганини хаёлга келтирмаслик, ҳозирги баъзи ютуқларга маҳлиё бўлиб, эртанги кунни кўролмаслик — асосий камчилигимиз бўлса керак. Мен кейинги йилларда Туямўйин сув омбори қурувчилари ҳақида «Хулкар тошқини» деган насрий асар устидан ишладим, эндиликда уни ниҳоясига етказгандай бўляпман. СССР ёзувчиларининг кейинги съездида айтилганидек, адабиётнинг вазифаси ҳаётни фақат куйлаш эмас, балки уни бадиий тадқиқ этиш, ютуқ ва муаммолари, бутун борлиғи билан, бор ҳақиқати билан кўрсатиб беришдан иборатдир. Онани жиловлаш — гуноҳи азим. Она табиатни тиз чўктириш эмас, балки уни сийлаш, ардоқлаш, яшартириш йўлида курашган инсонгина таҳсинга лойиқ, адабиётнинг бош қахрамони бўлишга муносибдир.

## Илҳом ҳақида

Илҳомни қидириш менга ҳамиша кулгули ва бемаъни бир одат бўлиб туюлади, илҳомни изласанг — тополмайсан. Илҳомни ўзи шоирни қидириб топиши керак.

А. С. Пушкин.

\* \* \*

Меҳнат, муттасил ишлаш бўлмаса ҳар қандай санъаткор дилетант (юзаки билимдон) бўлиб қолади. Бу ишда «илҳомнинг олижаноб дақиқалари» деб аталмиш нарсани кутиб ўтириш ҳожат эмас. Илҳом келса — яхши, аммо ҳарҳолда, ишни давом эттиравериш даркор.

И. С. Тургенев.

\* \* \*

Мария Павловна Чехова акаси тўғрисидаги эсдаликларида Чеховнинг илҳоми келган вақтдаги ҳолатини шундай ифодалайди: худди қафасдан қутулган қушдек енгил, жўшқинлик билан отилиб чиқарди.

\* \* \*

Ғафур Ғулом «Сиёҳдон» шеърини қандай ёзганлигини Шукрулло қуйидагича таърифлайди:

— Кўзингга кўринган нарсани бир лаҳзада шеър қила оласанми! Ҳа, ҳар бир нарсани шеър қилиш мумкин.

Мен шоирнинг хонаси ва ҳовли атрофидаги нарсаларни кўздан кечира бошладим. Ҳар бир нарсада шоирнинг нозик табиати, ўткир фаросати кўриниб турарди. Иш столи устидан Гётенинг бронзадан қилинган кичкина бюсти, деворларда гилам, тамбур, дўтор осиглик. Мен ҳали ҳеч ким шеър қилиш учун уринмаган, Ғафур аканинг ҳам ўзи кутмагаң нарсани излар эдим. Бирданига кўзим сиёҳдонга тушдию шу ҳақда бир шеър қилишини сўрадим. Ғафур ака сиёҳдонга бир тикилиб, гувраниб қолди. Нимадир тутмоқчи бўлгандек, йирик-йирик бармоқлари ҳаракатга келди. Кўзлар ёнди, лаблар ниманидир пичирлай бошлади. Ҳамлага отланган шердек бир он жим қолди, кетма-кетига сатрлар ёзила бошланди.

\* \* \*

Ҳис, ички дард кишининг қалбини тошириб юборади. Бу вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди. Узининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш, кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради. Кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ёзиш учун ҳеч нарса халал бермайди. Фикр тўкила боради. Ёзиб улғуриб бўлмайди. Кишидаги мана шундай ҳолатни одатда илҳом дейишади... Илҳом келгани-ёзувчининг тўла ҳис қилгани, илҳом келмагани — ёзувчининг ҳали ҳис қилмагани бўлади.

Абдулла Қаҳҳор.

Илҳом СУЛТОНОВ тайёрлаган.





Габриэль Гарсиа Маркес

# ЮЗ ЙИЛ танҳоликда

РОМАН<sup>1</sup>

Орадан кўп йиллар ўтгач, қатлга ҳукм этилган полковник Аурелиано Буэндиа девор остида туриб, ўзини отишларини кутаркан, отаси ғаройиб муз бўлагини кўрсатишга олиб борган ўша олис оқшомни эслайди. У пайтлар Макондо дегани қадим-қадимги улкан мавжудотлар тухумини эслатовчи оппоқ ва силлиқ харсангларга урилиб оқадиган шиддатли дарё бўйида жойлашган, йигирма чоғли лойшувоқ уйли кичик бир қишлоқча эди. Дунё энди юз очган, ҳали кўп нарсаларнинг номи йўқ эди, уларни турли имо-ишоралар билангина кўрсатишарди. Ҳар йили март ойида жулдурвоқи лўлилар галаси ҳуштагу думбиралар чалиб келиб, қишлоқ чеккасига чодир тикар, Макондо аҳлига олимларнинг энг янги ихтироларини намойиш этар эди. Улар дастлаб магнит олиб келишди. Ориқ бармоқлари чумчуқ панжасини эслатовчи Мелькиадес деган серсоқол, норғул лўлининг таъкидлашича, магнит одамнинг саккизинчи мўъжизаси саналиб, македонияликлар томонидан яратилган экан. Мелькиадес магнитнинг хосиятини халойиқ олдида роса қойиллатиб намойиш қиларди. У қўлига икки магнит парчасини ушлаган ҳолда, кулбадан кулбага ўтар, тоғораю қозонлар, кўраю оташқурақларнинг ўз-ўзидан жойидан қўзғалаётганини, мих ва мурватларнинг майишган

<sup>1</sup> Айрим жузъий қисқартиришлар билан босилмоқда.

тахталардан жонҳолатда суғурилиб чиқмоқчи бўлаётганини кўрган макондоликлар ҳайратдан ёқа ушлашарди. Қачонлардир беиз йўқолган темир буюмлар, айни одамлар излаган ва излаб тополмаган жойнинг нақ ўзидан чиқиб қоларди. Макондоликлар Мелькиадеснинг кетидан тўда-тўда бўлиб эргашишарди. «Нарсаларнинг ҳам жони бор,— дерди лўли ўзига хос шевада,— фақат уларнинг қалбини уйғота билиш керак». Ақлидан ҳам хаёли тезкорроқ Хосе Аркадио Буэндиа, ўзича, одамларга ҳозирча наф келтирмаётган ушбу фан мўъжизасини ер қаъридан олтин қазиб олишда ишлатишга бўлади-ку, деган хулосага келди.

Мелькиадес ростгўй одам эди. «Магнит бу ишга ярамайди»,— дея огоҳландирди. Аммо ўшанда Хосе Аркадио Буэндиа лўлиларнинг ҳалоллигига ишонмасди, шунинг учун ҳам у магнит парчаларини ўзининг хаचери ва бир қанча улоғига алмаштириб олди. Рўзгорни сал ўнглари деб, шу жониворларга кўз тиккан хотини Урсула Игуаран эрига монелик қилмоққа уриниб кўрди. «Қараб тур, ҳали сени олтинга кўмиб ташлайман. Кўярга ҳам жой тополмай қоласан»,— дея жавоб қилди эр. Хосе Аркадио Буэндиа ваъдасининг устидан чиқиш учун бир неча ой давомида ўжарлик билан ишлади. Уша магнит парчаларини қўлда тутганча, Мелькиадес ўргатиб кетган афсунни баланд овозда зикр этиб, қишлоқ атрофидаги ҳамма жойни, ҳатто дарё тубларини ҳам қадам-бақадам текшириб чиқди. Аммо топгани ўн бешинчи асрга мансуб, урганда ичи тошга тўла ошқовоқ сингари овоз чиқарувчи занглаган совут бўлди, холос. Хосе Аркадио Буэндиа билан бу антиқа қидирув ишида қатнашган тўрт ҳамқишлоғи совутни парчалаб қуришганда, ичидан суюқлари нақ оҳакам айланган ва умуртқа бўғинлари устида аёл сочи солинган медальон ётган одам скелети чиқди.

Март ойида лўлилар яна пайдо бўлишди. Энди улар каттакон дурбин ва сатҳи нақ ноғорадек келадиган лупа олиб келишди ва, бу нарсалар амстердамлик яҳудийларнинг энг янги ихтиролари, деб эълон қилишди. Дурбинни чодир ёнига ўрнатиб, кўчанинг нариги бошига битта лўли қизни ўтқазиб қўйишди. Макондоликлар беш реал пул тўлаб, дурбиндан қарашганда ҳалиги лўли қиз қўл етгудек жойда тургандек тўюларди. «Фан масофани йўқотди,— дея хитоб қиларди Мелькиадес.— Яқинда одамлар уйдан чиқмай туриб ҳам жаҳоннинг исталган бурчагида бўлаётган воқеаларни бемалол кўрадиган бўлишади». Бир куни жазирама маҳали лўлилар улкан лупа ёрдамида ғаройиб томоша кўрсатишди: кўча ўртасига қуруқ ҳам-чўпларни тўплаб, сўнг лупа орқали унга қуёш нурларини йўналтиришган ҳам эдики, ҳалиги ғарам ловуллаб ёниб кетди. Магнит омад келтирмаган аламзада Хосе Аркадио Буэндианинг миясига лоп этиб, лупани ҳарбий қуролга айлантурса-чи, деган фикр келди. Мелькиадес бу гал ҳам уни шаштидан туширишга уринди. Лекин охири лупани магнит парчалари ва учта олтин тангага айирбош қилишга рози бўлди. Урсула аламадиган йиғлаб юборди. Урсула марҳум отаси минг бир азоб билан топган бу олтинларни қаравот остидаги сандиқда сақлар, ўзича, ёмон куннинг яроғи шу, деб ўйларди. Хосе Аркадио Буэндиа эса, хотинини юпатиш ўрнига, худди ҳақиқий олимлардек, хавф-хатарни ҳам унутиб, лупа ёрдамида турли тажрибалар ўтказга бошлади. Лупани душман лашкарига қарши қўллаш мумкинлигини исботламоқчи бўлиб, ҳатто ўз баданида ҳам синаб кўрди — бутун териси кўйиб, аъзойи баданини яра-чақа босди ва анчагача битмай юрди. Уйларининг ёниш-ёнмаслигини ҳам синаб кўрмоқчи бўлган эди-ю, лекин хотини бу хатарли ишдан зўрға қайтариб қолди. Хосе Аркадио Буэндиа хонасида соатлаб ўтирганча, энг сўнги ҳарбий қуролнинг стратегик имкониятлари ҳақида мулоҳаза юритарди. У ҳатто янги қуролни ишлатиш бўйича бирон бир кимса эътироз билдиролмайдиган ва ниҳоятда равон баён этилган қўлланма ҳам тузди. Утказилган тажрибалар ҳақида гувоҳлар берган маълумотлар ҳамда бир қанча шарҳловчи чизмалар ҳам илова қилинган бу қўлланмани ҳукумат вакилларига элтиш учун махсус чопар юборилдики, у тоғу тошлардан ошиб, ботқоқларда адашиб, асов дарёларни кечиб, ваҳший жондорлар таъқибига учраб, ёлғизлик азобини чекиб, вабою ўлатни бир амаллаб четлаб ўтиб, ниҳоят, каттакон почта йўлига чиқиб олди. Гарчи ўша йиллар шаҳарга боришнинг деярли иложи бўлмасе-да, Хосе Аркадио Буэндиа, ҳукумат чорласа бас, зудлик билан этиб бориб, ҳарбий қўмондонларга ўзи ихтиро қилган қуролни намойиш этишга, ҳатто уларни офтоб жанги санъатига шахсан ўқитиб-ўргатишга ваъда берган эди. У бир неча йил давомида мактубига жавоб кутди. Ниҳоят, интиқлик жонига теккач, Мелькиадесга, яна омадсизликка учрадим, дея ҳасрат қилди. Лўли танти экан: ундан лупани олиб, олтинларини қайтариб берди, ҳатто унга Португалияда чоп этилган денгиз хариталари ва турли денгизчилик асбобларини совға қилди. Мелькиадес, Хосе Аркадио Буэндиага астрология, буссоль, секстантдан фойдаланишни ўргансин деб, роҳиб Херман асарларининг қисқача баёнини ҳам ёзиб берди. Хосе Аркадио Буэндиа ҳовли тўридаги махсус жиҳозланган хилват хонага қамалганча, асбоблар ёрдамида турли тажрибалар ўтказарди. Рўзгор ишларини бутунлай ташлаб қўйган, кечалари юлдузлар ҳаракатини кузатар, ҳовлидан бери

келмас эди. Осмоннинг энг юқори нуқтасини аниқлаш усулини топишга уринган кунларнинг бирида уни офтоб уришига оз қолди.

Асбобларни пухта ўрганиб олгач, макон ҳақида аниқ бир хулосага келдики, у энди хонадан чиқмай туриб нотаниш денгизларда сузар, қитъаларни бемалол тадқиқ этар, у ердаги одамлар билан хаёлан суҳбат қураар эди. Айни ўша кезларда у ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқарди. Урсула ва болалари банан, маланга, маниока, ямс, ауйяма<sup>1</sup> га ишлов бериш учун далада азоб чекишаётган пайтида ҳам, у асло пинак бузмас, хонада уёққа-буёққа юриб, ўзи билан ўзи суҳбатлашарди. Аммо кўп ўтмай, Хосе Аркадио Буэндианинг қайноқ фаолияти бирдан сўниб, ғалати ҳолатга тушди. Бир неча кун давомида турли ҳайратомуз тахминларни ўзича ғўлдираб, гўё афсун теккан мисоли каловланиб юрди. Ниҳоят, декабрь ойининг сешанба кунларидан бирида, айни туш пайтида ўзини қийнаётган ўша фикрини лоп эткизиб айтди-қўйди. Фарзандларининг умрбод эслаб қолгани шу бўлдики, оталари, бедорлигу машаққатли меҳнатдан қийналиб, нақ иситма тутгандай қалт-қалт титраётган оталари стол тўрига келиб ўтирдию тантанавор ва ҳатто улуғвор бир кўринишда кашфиётини ошкор этди:

— Ер худди апельсинга ўхшаш думалоқ бўлади.

Бу гапдан сўнг Урсуланинг фиғони чиқиб кетди. «Агар сен,— деди у эрига жаҳл билан,— ақлдан озсанг озавер, майли, худо хайрингни берсин, лекин анови лўлилар ўйлаб топган сафсаталар билан болаларимнинг бошини оғритма». Хотини жаҳл устида астрологиясини полга улоқтирганида ҳам Хосе Аркадио Буэндиа сесканмади, пинак бузмай ўтираверди. Кейин у янги астрология ясаб олди. Сўнг хоначасига қишлоқдаги эркакларни йиғиб, уларнинг бирортаси ҳам тушуна олмаган мутафаккирона ёзувларига қараб, агар шарққа қараб оғишмай сузиб кетаверилса, охир-оқибатда ғарб тарафдан айни йўлга чиқилган жойга қайтиб келиш муқаррар, деб айтди. Ҳамқишлоқлари, Хосе Аркадио Буэндиа ақлдан озибди-да, деб ўйлашди. Аммо Мелькиадес қайта пайдо бўлдию бу фикрни чиппака чиқарди. У бутун жамоа олдида Хосе Аркадио Буэндианинг ақлига тасанно ўқиди. Мелькиадеснинг таъкидлашича, Хосе Аркадио Буэндиа биргина астрономик кузатиш орқали аллақачоноқ тажрибада тасдиқланган, аммо ҳали Макондо аҳлига номаълум бўлган ҳақиқатни мустақил равишда кашф этган экан. Мелькиадес унинг заковатига тан бериб, кейинчалик бутун қишлоқнинг тақдирига таъсир кўрсатган алхимия лабораторияси асбобларини ҳаёда қилди.

Ўша пайтда Мелькиадес негадир тез қартайиб қола бошлади. У илк бор қишлоққа келганда Хосе Аркадио Буэндиага тенгдошдек туюлар эди. Буэндиа ҳали жуда кучли, энг асов отни ҳам қулоқларидан ушлаб бир зумда ерга қулата оларди, лўлини эса қандайдир номаълум, лекин ўжар бир касаллик емириб бораётгандай эди. Аслида Мелькиадесни ана шундай адои тамом қилган нарса — жаҳонгашталикда орттирган бир эмас, бир неча касаллиқнинг оқибати эди. У Хосе Аркадио Буэндиага лабораторияни жиҳозлашда ёрдам бераётганида, ўзини ҳамма ерда ажал таъқиб қилаётгани, лекин уни астойдил қулатишга жазм этолмаётгани ҳақида сўзлаб берди. У инсоният бошига тушган ҳамма балою офатлардан омон қолган эди. Мелькиадес Эронда пеллагра, Искандарияда мохов касали билан оғриганда ҳам, Японияда бери-бери касалига, Мадагаскарда вабога йўлиққанида ҳам, Сицилия оролидаги зилзилада ҳам, Магеллан бўғозида кема ҳалокатига учраганида ҳам омон қолган эди. Нострадамус сирлари билан танишман, деб айтадиган, аччиқ шухрат мевасини татиган бу ғаройиб кимсанинг юзи доимо тунд бўлар, унинг осиеликларга хос қисик кўзлари гўёки нарсаларнинг тескари томонини ҳам кўра оладигандек туюларди. У соябони қарғанинг ёзиқ қанотларини эслатувчи катта шляпа, нақ бир асрлик чанг-тўзон ютган яғир нимча кийиб юрарди. Ўзининг донишмандлигию сирли туюлишига қарамасдан, у аслида ҳаммага ўхшаган оддий одам бўлиб, ҳаётни севар, ана шунинг учун ҳам кундалик турмуш ташвишларига кўмилиб яшар эди. Мелькиадес борган сари мадорини қуриртаётган қарилқдан шикоят қилар, пулсизлик азобидан қийналар, цинга касалига учраб, тишлари тўкилиб кетгандан буён мутлақо кулмай қўйган эди. Хосе Аркадио Буэндианинг фикрича, Мелькиадес ўз сирларини айтиб берган кундан бошлаб, улар иккови қиёматли дўст бўлиб қолишган эди. Лўлининг ақл бовар қилмайдиган нақллари айниқса болаларни ҳаяжонга соларди. Беш ёшдан ошган Аурелиано ойналари қуёш нурида товланаётган дераза ёнида ўтирган Мелькиадесни бир умрга эсдан чиқармайди. Лўлининг гўё орган товушига ўхшаб кетувчи сокин овози онгнинг энг зулмат бурчакларига ҳам сингир, меҳмоннинг икки чаккасидан иссиқдан эриётган ёғ каби бетиним тер оқар эди. Аурелианонинг акаси Хосе Аркадио Мелькиадеснинг айни шу ғаройиб ҳолатдаги сиймосини ўз авлодларига отамерос бир хотирот сифатида етказди.

<sup>1</sup> Маланга, маниока ва ямс — илдиз мевали ўсимликлар; ауйяма — хиндуча ошқовоқ дегани.

Урсулага эса лўли асло ёқмади. Аксига олиб, у хонага кириб келган бир пайтда Мелькиадес хлорли симоб қуйилган шишани тўсатдан синдириб қўйган, шу боис ёқимсиз бўй димоғига теккан Урсула:

— Шайтон шундай сасийди,— деб айтди.

— Аксинча,— дея эътироз билдирди Мелькиадес.— Шайтондан олтингугурт анқийди, бу ерда эса озгина сулема<sup>1</sup> бор, холос.

У айни насиҳатомуз оҳангда ҳидларнинг шайтоний хусусиятлари тўғрисида узоқ сафсата сўқиди. Урсула унинг гапларига мутлақо эътибор қилмасдан, болаларини ибодатга олиб чиқиб кетди. Худди шу кундан бошлаб бу ўткир ҳид унга доимо Мелькиадесни эслатадиган бўлди.

Қатор кастрюлкалар, даҳана, реторта, элак ва филтрларни ҳисобга олмагандан, одмигина бу лаборатория оддий босқон, фалсафий тухумга тақлид қилиб ясалган ва қачонлардир Яҳудий Мария фойдаланган ҳамда лўлиларнинг ўзлари энг сўнги тафсилотларга асосланиб тайёрлашган уч оқизгичли ҳайдов кубни ва дистиллятордан ташкил топганди. Булардан ташқари, Мелькиадес Хосе Аркадио Буэндиага етти қитъага мос етти металл намунасини, олтин миқдорини икки бараварга кўпайтириш имконини берувчи Моисей ва Зосиманинг формулаларини, алхимияда металлларни олтинга айлантириш учун ишлатиладиган қурилманинг тузилиши ва чизмаларини ҳам бергандики, бу чизмаларни тушуниб оладиган киши, гўёки ҳикмат тоши<sup>2</sup> ясай олиши мумкин экан. Олтин миқдорини икки бараварга кўпайтириш формулаларининг оддийгина эканлигини кўрган Хосе Аркадио Буэндиа, бир неча ҳафта мобайнида Урсулани авраганча, унинг ўша сандиғидан қадимий тангачаларни олиб, симоб неча бўлакка бўлинса, тангачаларни шунча мартага кўпайтиришга руҳсат сўради. Ҳар галгидек, Урсула бу сафар ҳам эрининг қатъияти олдида чекинди. Ўттизта тилла тангани олган Хосе Аркадио Буэндиа, уларни кастрюлкага ташлаб, аурпигмент, мис купороси, симоб, ва кўрғошинга қўшиб эритди. Сўнгра эритмани канакунжут мойи солинган қозонга ташлаб роса «қовурди». Аммо у қанча уринмасин, оддий олтин ўрнига, аллақандай бадбўй, сиролга ўхшаб кетадиган қуйқа ҳосил бўлди. Лекин у ҳамон бўш келмасди. Қуйқани етти қитъага мос келган металллар аралашмасига қўшиб эритди, унга мис ва герметик симоб билан ишлов берди, чўнқа ёғида (бошқа ёғ йўқлиги учун) обдон «қовурди» ва натижада Урсуланинг олтинлари ҳатто қозон тагидан ҳам кўчиши қийин бўлган қуйк бир тошга айланди-қолди.

Лўлилар яна қайтиб келгунларича Урсула қишлоқ аҳлини уларга қарши қайраб улгурди. Аммо синчковлик ҳадикдан устун чиқди. Лўлилар турли чолғу асбоблари садоси остида кўча айланишди, уларнинг жарчиси назиянз<sup>3</sup>ликларнинг ғаройиб ихтироларини намойиш этажакларини хабар қилди. Бир сентаводан тўлаган одамлар чодирга кириб, қайта ёшарган, бақувват, юзидаги ажинларидан асар ҳам қолмаган, янги тишлари ярақлаб турган Мелькиадесни кўришди. Унинг тишсиз яланғоч милқини, териси осилган юзини, қақшаган лабларини эслаб қолганлар лўлиларнинг ғайритабиий мўъжизасини исботловчи бу сўнги далил олдида кўрқувдан сапчиб тушишди. Мелькиадес соғлом тишларининг барини бирваракайига оғзидан чиқарганча одамларга кўрсатиб, бир он ўша кекса лўлига айланди. Сўнг тишларини тагин жойига қўйиб, ёш йигитлардай табассум қилганида саросима баттар кучайди. Ҳатто Хосе Аркадио Буэндианинг ўзи ҳам, тагин Мелькиадес инсу жинслар билан тил топишган бўлса-я, деган гумонга борди. Лекин ўзлари танҳо қолишганида, лўли ясама тиш нималигини тушунтирдию Хосе Аркадио Буэндианинг кўнгли жойига тушди, ҳатто хандон отиб кулди. Бу синоатлар унга шу қадар жўн ва айни замонда шу қадар ғалати туюлдики, бир кун ўтар-ўтмас алхимияга бўлган иштиёқи сусайди. У бирдан тушкунликка берилди. Хаёлига келса овқат ер, эртадан кечгача мақсадсиз ҳовли кезарди. «Жаҳонда ажойиб воқеалар содир бўлаяпти,— дея шикоят қилди у Урсулага.— Дарёнинг нариги томонида турли сеҳрли аппаратлар мавжуд, биз эса бу ерда ханузгача молдай яшаб келяпмиз». Макондо барпо бўлганидан буён Хосе Аркадио Буэндиани биладиганлар унинг Мелькиадес таъсирида нечоғлик ўзгариб кетганидан ҳайратга тушар эдилар.

Илгарилари Хосе Аркадио Буэндиа ёш раҳнамога ўхшар, зироатчилик, болалар тарбияси, молбоқарлик борасида ҳаммага маслаҳат берар, жамоа раванқи учун энг оғир меҳнатдан ҳам қочмас, ҳамқишлоқларига сидқидилдан ёрдамлашарди. Хосе Аркадио Буэндиа хонадони қишлоқдаги энг бут рўзгор саналар, бошқалар ундан андоза олишга ҳаракат қилишарди. Унинг уйи — катта ёруғ меҳмонхона, токчаларда анвоий гуллар турадиган равоқли ошхона, иккита

<sup>1</sup> Сулема — техника ва медицинада ишлатиладиган хром симоби.

<sup>2</sup> Алхимиклар металлни олтинга айлантиришда ишлатиладиган тош.

<sup>3</sup> Назиянз — Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар.

ётоқхонадан иборат эди. Ҳовлида улкан каштан дарахти ўсарди. Уй ортидаги ерга доимо эринмасдан ишлов берилар, қўтонда эчки, чўчка ва товуқлар — ҳаммаси аралаш боқиларди. Аммо бу уйда ҳам, қишлоқдаги бошқа хонадонларда ҳам урушқоқ хўрозларни сақлаш маън этилган эди.

Урсула ҳам эри каби меҳнаткаш эди. Ҳаётида ақалли бирор марта кўшиқ айтмаган, ўта жиддий, асаблари нақ темир бу қотма аёл ғира-шира тонгдан то ярим кечагача тиниб-тинчимас эди. У шунчалар серҳаракат эдики, гўё бир жуфт эмас, нақ ўн жуфт қўли бор, деб ўйлардингиз — неки иш бўлса, барига улгурарди. Унинг голланд матосидан тикилган, крахмалланган юбкасининг шалдироқ товуши гўё уйнинг ҳамма бурчагидан чиқаётгандай туюларди. Урсуланинг пухталиги сабаб, тахтасиз поллар, оқланмаган деворлар, бесўнақай қўлбола мебеллар ярақлар, кийим сақланадиган эски шкафдан эса анвоий ҳид тараларди.

Қишлоқдаги энг билимдон одам — Хосе Аркадио Буэндиа Макондодаги ўйларни шундай тартибда жойлаштиргандики, одамлар дарёдан сув олиб келиши учун боргани кўшнилари каби қийналишмасди. У бўлажак кўчалар режасини шундай усталик билан белгилаб чиққандики, куннинг энг иссиқ пайтида ҳам қуёш нурлари ҳар бир хонага тенг миқдорда тараларди. Макондо икки-уч йил ичида уч юз жон яшайдиган ғоят озода ва ғоят шинам қишлоққа айланди. Бу бахтиёр гўшада яшайдиганларнинг бирортасининг ҳам ёши ўттиздан нарига ҳатламаган, биноба-рин ҳали ҳеч ким аччиқ қазо шаробини тотиб кўрмаган эди. Макондо маскан этилган илк кунлардәёқ, Хосе Аркадио Буэндиа ҳар хил тузоғу қафаслар яшашга тушди. Тез орада у нафақат ўз уйини, балки қишлоқдаги бошқа хонадонларни ҳам зарғалдоқ, саъва, асалхўр, тоғчумчўк каби қушлар билан тўлдириб юборди. Бечора Урсула қушлар шовқинидан жинни бўлиб қолишдан кўрқиб, қулоқларига пахта тиқиб юрарди. Мелькиадеснинг жамоаси биринчи бор қишлоққа келиб шиша шарчалар сотишган пайтлар, Макондо аҳли ҳайрон қолиб, бу хилват масканга қандай йўл топдинглар, деб сўрашганда, лўлилар рўй-рост қилиб, биз қушлар сайроғини мўлжал этиб келавердик, дея тан олишган эди.

Аммо магнит жиннилигию мунажожимлик иштиёқи, тилла топиш васвасасию мўъжизаларга чанқоқлик Хосе Аркадио Буэндиа қалбидаги жамоатга наф келтириш истагини сиқиб чиқарди. Сариштали, серҳаракат Хосе Аркадио Буэндиа эндиликда худобезор танбалга айланди-қолди. Баъзан аччиғи чиққан Урсула ошхонадаги ўткир пичоқ билан анча машаққат чекиб, унинг соқолини қиртишлаб, тартибга солиб қўйишини айтмаса, аксар ҳолларда соч-соқолини ўстириб, кир-чир кийимда ирқитлиниб юрар эди.

Кўпчилик қишлоқдошлари, Хосе Аркадио Буэндиа аллақандай жодуга чалинибди, деб ўйларди. Лекин уни ақлдан озибди деб ҳисоблайдиган кишилар ҳам, Хосе Аркадио Буэндиа чўкич ва белкурак олиб, Макондони буюк ихтиролар билан боғлайдиган сўқмоқ очамиз, қани, менга кўмак берадиган мард борми, деб сўраганда, уй рўзгорини ташлаб унинг орқасидан эргашдилар. Хосе Аркадио Буэндиа бу ерларнинг географиясини мутлақо билмасди. Унга шарқ томонда баланд, деярли ўтиб бўлмас тоғ тизмалари, уларнинг ортида эса қадимий Риоача шаҳри борлиги аён эди, холос. Бобоси Аурелиано Буэндиа Биринчининг ҳикояла-рига кўра, илгарилари бу шаҳарда яшаган сэр Фрэнсис Дрейк<sup>1</sup> туўлардан кайман<sup>2</sup>ларга ўт очиш билан кўнгил очаркан. Кейин унинг буйруғига биноан ўлдирилган ҳайвонларнинг терисидан ясалган тулумларга похол тиқилиб, кимсан қиролича Елизаветага юборилган. Ёшлигида Хосе Буэндиа билан кўпчилик эркагу хотин-халаж мол-ҳолларини етаклаб, рўзгор анжомларини кўтарганча, денгиз бўйида истиқомат қилиш учун шарқдаги ўша тоғ тизмаларидан ўтариб келишган эди. Лекин икки йилу икки ой деганда ҳам денгиздан дарак бўлмагач, ҳафсалалари пир бўлиб, орқага қайтишни ор билишиб, айна бугунги Макондо ўрнида қароргоҳ қуришган эди. Чунки уни шарққа элтадиган йўл қизиқтирмас эди. У йўл фақат ортга, ўтмиш ҳаётга олиб борарди. Жанубда эса усти мангу ўт-ўланлар билан қопланган ботқоқликлар ҳамда, лўлиларнинг гувоҳ беришларича, учи-қўйруғи йўқ бепоён водий ястаниб ётарди. Воҳа ғарбда поёнсиз сув ҳавзасига туташиб кетган, айтишларича, у ерда китсимон, лекин териси нозик, боши ва бели аёлларникига монанд, кўкракларининг сеҳри билан денгизчиларни нобуд қиладиган ғаройиб маҳлуҳлар яшаркан. Ушанда лўлилар хачирлар қатнайидиган бир парча каттиқ ерга етиб олгунларича роса ярим йил сувда сузишган экан. Хосе Аркадио Буэндианинг фикрича, равнак топган комил дунёга етиш учун фақат шимолга қараб юриш керак эди. Мана энди у Макондони ташлаб, ҳамроҳ бўлиб чиққан уч қишлоқдошини

<sup>1</sup> Фрэнсис Дрейк (1541—1591) инглиз денгизчиси, адмирал, Жанубий Америка қирғоқларида қароқчилик қилиб, испанларга қарши курашган.

<sup>2</sup> Кайман — тимсоҳнинг бир тури.

белкурак, чўкич ва ов милтиғи билан қуроллантириб, ўзи турли асбоблару хариталар солинган йўлхалтани елкасига илиб, хавфли сафарга отланди.

Биринчи кунлари деярли қийналишмади. Улар тошлоқ соҳил бўйлаб дарёнинг ўзларига таниш ўша темир совут топилган жойига тушишди-да, ёввойи апельсинлар ичидаги тор сўқмоқдан юриб, ўрмонга киришди. Ҳафтанинг охирида йўловчилар кийик отишди, гўштани пишириб, ярмини эҳтиёт шарт дея олиб қолишди. Тўтиқушларнинг мушк ҳиди анқийдиган кўкимтир гўштани ейдиган пайт келишини билганлари учун ҳам шундай қилишди. Сўнгги ўн кун ичида улар қуёш нуруни деярли кўришмади. Оёқ остидаги тупроқ юмшоқ ва нам бўлиб, худди вулқон кулига ўхшар, дов-дарахтлар ҳар қадамда даҳшатли тус олар, қушларнинг товушию маймунларнинг қийқириғи гирд-теваракни тутиб кетган, гўёки дунёда қувонч умрбод йўқолгандек эди. Рутубат ва мангу осойишталик ҳукмрон бу жаннатмаконда этиклар доимо буғланиб турадиган мойсимон тўла чуқурларга ботиб қолар, мачете<sup>1</sup> лар тилларанг калтакесақлар ва қизғиш ирисларни бетиним кесар, одамларга унут бўлаёзган ширин хотиралар азоб берад эди. Улар бутун ҳафта давомида бир оғиз ҳам гаплашмасдан, ўпкаларига тиқилиб қолган қоннинг ноҳуш ҳидини туйганча, фақатгина ёнар қуртлар хира шуъла сочиб турувчи бу бахтиқаро дунёнинг ичкарисига кириб боришди. Орқага қайтишнинг иложи йўқ эди, чунки улар дов-дарахтларни чопиб очган сўқмоқ ўша дақиқанинг ўзида, уларнинг кўз олдида ўсиб чиққан ўт-ўланлар билан қайта қопланиб қоларди. «Ҳечқиси йўқ,— дерди Хосе Аркадио Буэндиа.— Фақат йўналишни йўқотмасак бўлгани». У компас стрелкасига тикилганча, одамларни шимолга бошлади. Ниҳоят, улар бу тилсимот дунёсидан чиқишди. Энди уларни юлдузсиз зимзиё тун ўраб олди, аммо бу зулматнинг ҳавоси тоза эди. Узоқ йўл юриб тинка-мадори қурган йўловчилар беланчак-гамакларини дарахтга осиб, икки ҳафталик уйқусизлик азобидан сўнг ниҳоят қаттиқ уйқуга кетишди. Уйғонганларида қуёш анча юқорилаб қолган эди. Ногаҳон улар ҳайратдан қотиб қолишди: шундоққина қаршиларида, папоротник ва пальмалар орасида, қуёш нурида товланиб, чанг босган, оппоқ, улчан испан кемали турарди. У ўнг биқинига сал қийшайган; ҳали бус-бутун мачталардаги орхидея гуллари чирмашиб ётган арқонлар орасида елканларнинг уवादаси чиққан бўлаклари осилиб ётар, кеманинг тошга айланган чиғаноқлар ва нафис сув ўтлари билан қопланган корпуси ерга қаттиқ ўрнашиб қолганди. Бу кема ҳеч нарса, ҳатто беомон замон ҳам, қушларнинг бетиним сайроғи ҳам даҳл қилолмайдиган ўзгача бир ёлғизлик ва унутлик масканида муқим ва мағрур тургандай эди. Йўловчилар бетоқатликдан қийналиб, кема ичини текшириб чиқишди-ю, лекин гуллар салтанатидан бўлак ҳеч нарсани учратишмади. Топилдиқ кема денгизнинг яқинлигини кўрсатарди. Шунда Хосе Аркадио Буэндианинг шашти бирдан сусайиб қолди. У топилдиқни лаънати тақдирнинг таҳқирли мазахи деб билди, чунки бир вақтлар қанча азоб-уқубат чекиб топишолишмаган денгиз, энди уни қидириш хаёлларига ҳам келмаган бир пайтда шундоққина йўлларига ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб тушган эди. Орадан анча йиллар ўтгач, полковник Аурелиано Буэндиа ҳам бу жойларга келади, аммо у эндиликда бу ердан почта йўли ўтганини, кеманинг қолган-қутган қисми қизғалдоқлар денгизи ўртасида кичик бир оролдек қорайиб турганини кўради. Ушанда, ҳамма нарсани кўзи билан кўргач, бир вақтлар отаси сўзлаб берган бу ривоят уйдирма эмас, ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиб, ўзига-ўзи: «Кема бу узоқ қуруқликка қандай қилиб келиб қолди экан?» дея савол беради. Лекин унинг отаси Хосе Аркадио Буэндиа бу жойдан роса тўрт кунда ўн икки чақирим йўл юриб денгизга етганда, кема бу жойларга қандай чиқиб қолган, деган саволни мутлақо ўйламаган эди. Кулранг, кўпикланиб ётган ифлос денгизни кўргач, унинг орзулари сўнди-қолди: денгиз у билан шериклари чеккан шунча азоб-уқубатларга арзимас эди.

— Лаънат-э!— деб ҳайқирди Хосе Аркадио Буэндиа.— Макондо чор тарафдан сув билан ўралган экан.

Хосе Аркадио Буэндиа сафардан қайтиб тузган хаританинг кўрсатишича, Макондо ярим оролда жойлашган эди. У ташқи дунё билан алоқа қилиш йўллари-нинг қийинлигини атайлаб бўрттириб кўрсатиш ва қишлоқлари учун жиддий ўйламай туриб ана шундай ноқулай жой танлагани учун ўзини ўзи жазолаш ниҳятада ўша хаританинг устидан жон-жаҳди билан қалам тортарди. «Биз бу ердан ҳеч қачон чиқа олмаймиз,— дея ҳасрат қиларди у Урсулага.— Фан сирларини билмасдан ана шу қишлоқда тириклай чириймиз». Бу фикрини ўзининг кичик лабораториясида бир неча ой давомида сақичдай чайнай-чайнай, ахийри, Макондонин бошқа, қулайроқ бир жойга кўчириш керак, деган қарорга келди. Лекин хотини унинг бу режасига ғовлик қилди. Чумолига ўхшаб билдирмасдан,

<sup>1</sup> Мачете — шакарқамиш кесишда ишлатиладиган каттакон пичоқ.

аммо бетиним ҳаракат қиладиган Урсула, аёлларни янги жойга кўчишга шайланаётган калтафаҳм эркакларга астойдил қарши қилиб қўйди. Хосе Аркадио Буэндиа ўз режаси қачон ва қайси ғаним кучлар қутқуси билан аввалига чуваланиб, сўнг иккиланиш, важ-қарсонлар ва эътирозлар чангалзоридан адашиб қолиши ва ниҳоят бир умр рўёбга чиқмас мудомий орзуга айланиши сабабини айтиб беролмасди. Урсула бўлса, ҳеч нарсани сезмаётгандек эрини кузатарди. Ҳатто бир кун, эрталаб эди, кўчиш ҳақида алланима деб минғиллаганча лабораториясидаги асбобларни қутиларга жойлаётганида, унга астойдил ачинди ҳам. Аёл эрининг норозилик билан тўнғиллашидан бошқалар унинг режасини қўллаб-қувватламаганини тушунган бўлса-да, у қутиларга миҳ қоқиб, соқолига совун суркайдиган чўткасини сиёҳга ботириб қутиларга исми-шарифини ёзаётганида ҳам лом-мим демади. Фақат эр хона эшигини ошиқ-мошиғидан чиқараётганида Урсула ундан, нима қиляпсан, деб сўрашга жазм этди. «Агар ҳеч ким кўчишни истамаса,— дея жавоб қилди Хосе Аркадио Буэндиа алам билан,— ўзимиз кетамиз». Урсула эса ўзини осойишта тутди.

— Йўқ, биз кетмаймиз,— деди у.— Шу ерда қоламиз, ахир бу ерга ўғлимизнинг киндик қони тўкилган-ку.

— Лекин бу ерда бирон яқинимиз ўлган эмас,— деб жавоб қайтарди Хосе Аркадио Буэндиа.— Яқин кишиси дафн қилинмаган ер одамни ўзига боғлолмайди. Урсула жўялироқ, лекин қатъий эътироз билдирди:

— Агар шу ерда қолиш учун ўлиш лозим бўлса, майли, мен ўламан.

Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг бу қадар ўжар эканига ишонгиси келмади. Урсулани ўзининг ширин орзулари: сеҳрли суюқликни тупроққа томизилган заҳоти инсон измига бўйсунувчи, дарахтлар беҳисоб ҳосил берадиган, арзон-гаровга турли асбоблар сотиб олиб беморларни даволаш мумкин бўлган сеҳрли дунё ваъдаси билан аврай бошлади. Лекин буларнинг ҳеч бири Урсулага таъсир қилмади.

— Кечаю кундуз миянгни тентагона хаёллар банд этмай, болаларга қарасанг бўлмайдеми,— деди у.— Уларнинг аҳволига боқ, боқувсиз қолган кучукваччаларнинг ўзи-ку.

Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг гапини тўғри маънода тушунди, деразага боқди ва офтоб қиздирган яйдоқ далада турган икки ялангоёқ боласини кўрди: назарида улар Урсуланинг гапи сабаб, йўқ жойдан бино бўлишгандек эди. Шунда Хосе Аркадио Буэндианинг қалбида пайдо бўлган муҳим ва сирли бир ҳис уни шу телба ташвишлардан тамом халос этдию хаёлу хотирот, денгизи тўлқинларида сузишга мажбур қилди.

Эри энди умрининг охиригача ўйни ташлаб кетмаслигига инонган Урсула полларни супуришга тушганида ҳам Хосе Аркадио Буэндиа ўғилларига таажжуб билан боқиб тураверди, ниҳоят, киприклари намланиб, кўзларини кўли билан артди-да, чуқур бир хўрсинди:

— Майли. Ўғилларингга айт, қутиларни бўшатишга ёрдам беришсин.

Тўнғичи Хосе Аркадио ўшанда ўн тўрт ёшга тўлган эди. Унинг боши думалоқ, сочлари жингалак, хулқ-атвори эса худди отасиникидай эди. Бу бақувват ийигитчанинг келбати отасидек паҳлавон бўлиб етишмоғидан дарак берса-да, ҳозирдаёқ отасига ўхшаш хаёлпараст эмаслиги аён эди. Хосе Аркадио жамоа тоғдан ошиб, айна Макондо ўрнида қароргоҳ қуришидан сал илгари дунёга келганди. Волидлари гўдакни қўлга олиб, ундан ҳайвонларга хос бирор бегона белги топишмагач, роса қувониб худога шукрона билдирган эдилар. Макондода туғилган биринчи инсон — Аурелиано эса март ойида олти ёшга тўларди. У камгап ва одамови эди. Аурелиано она қорнидаёқ йиғлаб, кўзи очиқ ҳолда туғилди. Киндигини кесишаётганида ҳеч сесканмади, бошини айлантирганча, хонадаги ашёлар, атрофини қуршаган одамларнинг кўзларига синчковлик билан бир-бир қараб чиқди. Сўнг ўзини кўргани келган қариндош-уруғларга ҳам эътибор бермасдан, бутун диққатини пальма баргларидан ясалган ва чакка ўтаверганидан ҳар бир сонияда босиб тушишга маҳтал шифтга қадади. Урсула ўғли Аурелиано-нинг назари оғирлигини у ҳали уч яшар гўдаклигидаёқ пайқаган эди. Ушанда гўдак ошхонага кириб келди. Урсула қайноқ шўрва солинган сопел идишни плитадан олиб столга қўяётган эди. Бўсағадан берироқда турган Аурелиано; «Ҳозир тушиб кетади», деди ийманибгина. Столнинг нақ ўртасида жойлашган идиш, боланинг гапидан сўнг гўёки биров жон ато этгандек стол четига сурилди-да, полга тушиб чил-чил синди. Кепалаги учиб кетган Урсула воқеани эрига айтди, лекин эри заррача ажабланмади. У болаларни одам ҳисобига қўшмагани учун, қолаверса, ўзининг телбанамо машғулотларига тамом ғарқ бўлгани туфайли, ўғилларининг туриш-турмушига мутлақо қизиқмас эди.

Лекин ўша болаларни ёрдамга чақирган кундан бошлаб, Хосе Аркадио Буэндиа ўғилларининг тарбиясига кўп вақт ажратадиган бўлди. Деворлари антиқа хариталар, хаёлий чизмалар билан қопланган кичик хонада фарзандларига ўқиш ва

ёзишни, ҳисобни ўргата бошлади. У бор-йўқ билимию бой тасаввурига таянган ҳолда, ўғилларига дунё мўъжизалари тўғрисида сўзлаб берарди. Отанинг ҳикояларига қараганда Африканинг жанубий томонида доно ва мўмин одамлар яшаркан ва улар уззукун хаёл суриб ўтиришаркан, Эгей денгизини ороллардан оролларга сакраб, то Салоника портигача пиёда кесиб ўтиш мумкин экан. Бу тунги суҳбатлар, турли лаифаларга бой воқеалар болалар хотирасига шунчалик муҳрланиб қоладики, орадан кўп йиллар ўтиб, ҳукумат қўшинларининг офицери аскарларга, «Отисин!» деб буйруқ беришига бир неча сония қолганида, девор остида тик турган полковник Аурелиано Буэндиа Мемфис донишмандларнинг сўнги, одамни лол қолдирувчи ихтиролари билан таништириш учун қишлоққа қайтиб келаётган лўлиларнинг узоқдан келаётган най, ноғора ва дўмбира нағмаларини эшитган отаси физика дарсини ҳам чала қолдириб, қўлларини тепага кўтарганича ҳайратдан тек қотган ўша илиқ баҳор кечасини эслайди.

Бу гал келган лўлилар нотаниш эди. Лўли қавмининг бу ажойиб вакиллари ниҳоятда чапдаст, баданларига анвоий мойлар суркалган ёш эркагу аёллар бўлиб, улар фақат ўз тилларида сўзлашар эдилар. Лўлилар қишлоқ кўчаларини музика товушию шўх ўйин-кулгига тўлдиришди. Улар ўзлари билан италянча қўшиқ айтадиган патлари ранг-баранг тўтиқушларни, ноғора садоси остида олтин тухум туғувчи (ҳар сафар юзтадан) товуқ, одамнинг кўнглидаги гапни айтиб берувчи маймун, тугма қадашда, беморнинг иссиғини туширишда ҳам барабар асқотадиган ғаройиб машина, ноҳуш хотиротларни хаёлдан ўчирувчи аппарат, дилни хуш этувчи пластир ва бошқа антиқа нарсаларни олиб келишгандики, уларнинг номларини миясида сақлаб қолиш учун Хосе Аркадио Буэндиа махсус хотира машинасини ихтиро қилиши керак бўларди. Лўлилар келдию қишлоқ жамоли ўзгарди-қолди. Қишлоқ ўша кунлари гавжум бозорни эслатардики, Макондо аҳли ўз кўчасида адашиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Оломон ичида йўқотиб қўймаслик учун болаларининг қўлларидан маҳкам тутган Хосе Аркадио Буэндиа, Мелькиадес десни тезроқ топиб, ундан бу ғаройиб тушнинг таъбирини сўраш умидида, одамлардан анқийётган тезак ва мушки-анбар ҳидларидан димиқиб, ўзини ҳар ёққа урар, гоҳ тилла тишли табиб, гоҳ олтиқўлли сеҳргар билан тўқнашарди. У лўлилардан Мелькиадесни суриштирар, лекин лўлилар унинг тилига тушунмасди. Ниҳоят, у Мелькиадес чодир тикадиган жойга етиб келди. Энди у ерда мунғайган бир арман лўлиси ўтириб олиб, одамни кўзга кўринмас қиладиган дуони испан тилида зикр этарди. Хосе Аркадио Буэндиа лўлига ҳайрат билан тикилиб турган томошабинлар сафини ёриб кирганида, лўли ҳозиргина бир стакан қаҳрабо рангли ичимликни симириб бўлганди. Хосе Аркадио Буэндиа лўлига саволни айтди. Олдинига лўли унга бошдан-оёқ қараб чиқди, кейин бадбўй, сатҳида «Мелькиадес ўлди» деган жавоб қалқийётган кичик бир кўлмакка айланди. Бу ноҳуш хабардан довдираб қолган Хосе Аркадио токи томошабинлар бошқа сеҳргарга алаҳсиб тарқалиб кетиб, бояғи ғамгин арман лўлиси ўрнида қолган кўлмакнинг энг сўнги томчиси ҳам буғланиб кетгунча жойида қотиб турди. Кейинроқ бошқа бир лўли, Мелькиадес ростдан ҳам Сингапур ботқоқликларида безгакдан ўлди, жасади Ява ёнидаги денгизнинг энг чуқур ерига ташланди, деб тасдиқлади. Болалар бу гапга эътибор ҳам беришмади. Улар оталарини бошқа чодир томон тортишарди. Айтишларича, аввал Сулаймон пайғамбар кашф этиб, сўнг яна унутилиб, сўнг яна қайтадан Мемфис донишмандлари топган улўф бир синоат намойиш этиларкан. Ахийри, болалари жон-ҳолига қўявермагач, Хосе Аркадио Буэндиа ўғиллари билан ўттиз реал ҳақ тўлаб, худди қароқчилар тилла сақлайдиган сандиқдай улкан сандиқни қўриқлаётган, сочи қиртишлаб олинган, сержун, бурнига мис латиба ҳалқа таққан, оёқлари занжирбанд норғул одам турган чодирга кирди. Лўли сандиқнинг қопқоғини кўтарганида юзга совуқ урилди. Сандиқнинг ичида бехисоб оқ игналар қадаб ташланган катта, тиниқ тош бўлагидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: тош устига тушган оқшомги нур шу оннинг ўзидаёқ сочилиб, минг рангда товланаётган минглаб юлдузчаларга айланиб кетарди.

Хосе Аркадио Буэндиа аввалига шошиб қолди, аммо болалари ундан зудлик билан изоҳ кутишаётганини англаб;

— Бу дунёдаги энг катта гавҳар! — деди ғўлдираб.

— Йўқ, — деди бир пайт ҳалиги норғул одам. — Бу — муз.

Хосе Аркадио Буэндиа ҳеч балони тушунмади, сандиққа қўлини узатган ҳам эдики, ҳалиги норғул одам монелик қилди. «Яна беш реал тўланг, кейин бемалол ушлаб кўрасиз», деди у. Хосе Аркадио Буэндиа беш реал тўлаб, бир неча дақиқа музга кафтини босиб турди, ҳаяжон ва қўрқувдан юраги энтикиб, бадани қалт-қалт титрарди. Бу ғаройиб ҳисларнинг таърифига кучи етмаслигини англадию болаларнинг ўзлари ҳам синаб кўрсин деб, улар учун ҳам ўн реал тўлади. Кичик Хосе Аркадио музни ушлашдан бош тортди. Ҳеч бир чўчимасдан, хиёл энгашганча қўлини муз устига қўйган Аурелиано эса, қўлини шу заҳотиёқ тортиб олди. «Қайнапти-ку бу!» дея бақирди у қўрқувга тушиб. Отаси унга эътибор ҳам



бермади. Хосе Аркадио Буэндиа қаршисида ётган мўъжизадан маст эди, у ҳозир жамаи барбод бўлган орзуларини ҳам, жасади кайманларга емиш бўлган Мелькиа-десни ҳам унутган эди. У яна беш реал тўлаб гўё Инжил устига қўлини қўйиб судда қасам ичаётган гувоҳдек, кафтини музга босди ва тантанавор бир оҳангда:

— Бу — давримизнинг энг буюк ихтироси! — дея хитоб қилди.

\* \* \*

Урсула Игуараннинг катта бувиси XVI асрда қароқчи Фрэнсис Дрейк Риоача шаҳрини ишғол қилганида, кўнғироқларнинг бесаранжом овозидан ва тўплар гўмбуридан саросимага тушиб, асабларини тутолмасдан, ёниб турган ўчоққа беҳосдан ўтириб, пастки аъзолари куйиб, хотинликка мутлақо ярамайдиган бир аҳволга тушди. У куйган корсонининг фақат бир томони билан, шунда ҳам юмшоқ ёстиқнинг устига ўтира оларди, холос, шунингдек, юрганда ҳам роса азоб чекар, ёлжи бўлса, бошқалар бор жойда кўринмасликка ҳаракат қиларди. У негадир, мендан куйик ҳиди анқийди, деб ўйлар, шу боис одамлар суҳбатидан бутунлай воз кечган эди. У тунлари ҳовлида ўтириб чиқар, хонага кириб ухлашдан кўрқар, хаёлида одамхўр итларни етаклаган, қўлларига қиздирилган темир тутган инглизлар деразадан ошиб тушадигандек туюларди.

Унинг эри, арагонлик савдогар суқсурдай икки ўғлининг онасини бу мудҳиш азоблардан қутқариш учун ярим давлатини врачлару табибларга сарфлади. Ҳеч натижа бўлмагач, дўконни шартта сотдию оиласини денгиздан анча узоққа, беозор ҳиндулар яшайдиган тоғли қишлоқлардан бирига кўчириб кетди ва у ерда хотинига деразасиз ётоқхона солиб берди.

Бу ташландиқ қишлоқда анчадан буён Хосе Аркадио номли креол<sup>1</sup> яшарди. У тамаки экарди; Урсуланинг катта бобоси ўша креол билан ҳамкорликда катта бир корхона ташкил этишдики, орадан озгина вақт ўтмасдан, яхшигина сармоя тўплашди. Бир неча юз йил ўтгач, Хосе Аркадио Буэндианинг чевараси ўша арагонликнинг чеварасига уйланди. Эрининг ғаройиб қилиқлари жонига тегиб кетган пайтлари Урсула ҳар гал уч юз йил илгари содир бўлган ва турли воқеа-ҳодисалар билан тўлиб тошган ўша даврни эсга оларкан, Фрэнсис Дрейк Риоача шаҳрини ишғол қилган мудҳиш соатга лаънатлар ўқирди. Аслини олганда, аёл кўнглини бўшатиш учунгина шундай қилар, ҳақиқатда эса уни эри билан муҳаббатдан ҳам кучли бир ҳис — виждон азоби маҳкам боғлаган эди. Урсула ва эри яқин қариндош бўлиб, авлодларнинг меҳнатсеварлиги туфайли ташландиқ бир жойдан энг обод қишлоққа айланган жойда туғилиб, биргаликда катта бўлишган эди. Улар дунёга келгандаёқ албатта эр-хотин бўлишлари башорат қилинган эди. Ниҳоят, улғайиб, улар ўзлари ҳам никоҳдан ўтишга мойиллик билдиришса-да, ота-оналари бунга қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Улар юз йиллар давомида чатишиб келган икки уруғнинг икки соғлом вакилидан калтакесакка ўхшаш махлуқлар туғилиши мумкин, деб кўрқижарди. Шундай мудҳиш воқеа илгари бир маротаба содир ҳам бўлганди. Хосе Аркадио Буэндианинг тоғаси Урсуланинг холасидан туғилган ўғил умрининг охиригача жўн шим ўрнига қанордек кенг чалвор кийиб юрди. У учи тукли, худди чўчқаникига ўхшаш хиёл эгик дум билан туғилган эди. У уйланмади ҳам — думини аёл зотига кўрсатмасликка онт ичган эди. Охири, номусга чидаёлмай, қассоб оғайнисидан думини кесиб ташлашни илтимос қилди. Қассоб думини болта билан чопиб ташлаганида, кўп қон йўқотиб, нақ қирқ икки ёшида оламдан ўтди. Ун тўққиз ёшли Хосе Аркадио Буэндиа ота-оналар баҳсига: «Менга деса чўчка туғилмайдими, гапирса бўлгани-да!» дея нуқта қўйди. Шундан сўнг тўй қилишди, музика ва ўқ садолари янграган сайил роса уч кун давом этди. Агар Урсуланинг онаси қизини, дўзахи махлуқ туғасан, деган мудҳиш башорат билан кўрқитмаганида, келин-куёвнинг тўйдан кейин ҳам бахтли турмуш кечиришлари турган гап эди. Онасининг гапидан кейин Урсула эрини ўзига мутлақо яқин йўлатмади. Эрининг қувватию чарс феълидан хабардор Урсула ётишдан аввал онаси қалин матодан тикиб берган лозимини кийиб оларди. Бу ғаройиб лозимнинг олд тарафига кичик бир темир совутча тасмалар билан боғлаб ташланган эди. Шу алпозда эру хотин бир неча ой турмуш кечиришди. Кундуз кунлари Хосе Аркадио Буэндиа ўзининг уришқоқ хўрозлари билан овора бўлар, Урсула онаси ёнида ўтириб чеварлик қилар эди. Кеч тушса бас, улар тўшақда соатлаб олишардилар, эр ҳамон мақсадга етолмай овора эди. Қўшнилари бундан қандай хабар топгани номаълум, лекин, эрининг айби билан Урсула бир йилдирки

<sup>1</sup> Креол — Латин Америкасидаги испан ва португал мустамлакачиларининг авлоди.

бокира экан, дея гап тарқатишди. Табиийки, бу ғийбат Хосе Аркадио Буэндианинг кулоғига энг кейин етди.

— Одамларнинг гапани эшитдингми, Урсула?— деб сўради хотинидан.

— Майли, гапирса гапираверишсин,— дея жавоб қайтарди Урсула.— Бу гапнинг ёлғонлигини иккимиз ҳам биламиз-ку.

Уларнинг ҳаёти ана шундай алпозда яна ярим йил, то Хосе Аркадио Буэндианинг хўрози Пруденсио Агилярнинг хўрози устидан ғолиб чиққан ўша фожиали якшанбагача давом этди. Хўрози энгилганидан ва қонни кўрганидан титраб кетган Пруденсио Агиляр, атайлаб Хосе Аркадио Буэндиадан бир неча кадам узоқлашди-да, хонада йиғилганларга эшиттириб қичқирди:

— Табриклайман! Кўрайлик-чи, балки ғолиб хўрозинг хотинингга ҳам бахт ато этар?

Хосе Аркадио Буэндиа хўрозини бамайлихотир кўтариб олдида тўпланганларга: «Мен ҳозир қайтиб келаман», деди. Сўнг Пруденсио Агилярга юзланди:

— Уйингга бориб қурол олиб чиқ, сени ўлдирмасам бўлмайди.

Орадан ўн минут ўтгач, у бобосидан қолган йўғон найзани кўтариб келди. Пруденсио Агиляр бу пайт хўроз уриштириладиган сарой остонаси ёнида турарди. У чап беришга улгуролмай қолди, Хосе Аркадио Буэндиа бор кучи билан ирғитган найза (бир вақтлар уста мерган аталган Хосе Аркадио Биринчи айна шу қурол билан яқин атрофдаги барча қоплонларни қириб ташлаган эди) унинг нақ томоғига бехато санчилди. Кечаси, марҳумнинг қариндошлари сарой ёнига қўйилган тобут ёнида туришган пайтда, Хосе Аркадио Буэндиа ётоққа кирдию хотини яна ўша лозимини кияётганини кўрди. «Еч буни!» деб буурди у, қўлидаги найзасини баланд кўтариб. Урсула эрининг қаҳрини синашга журъат этолмади. «Агар бирор кори-ҳол рўй берса, сен ўзинг айбдорсан», дея огоҳлантирди у. Хосе Аркадио Буэндиа найзани ерга санчди.

— Пешонангда калтакесак туғиш бўлса, не илож, калтакесакни ҳам боқаверамиз,— деди у.— Аммо энди сен туфайли қишлоғимизда бирорта ҳам одам ҳалок бўлмайди.

Уша ёз кечаси ажойиб, сал намхуш бўлиб, осмонда тўлин ой сузарди. Эру хотин Пруденсио Агиляр қариндошларининг йиғисию қарғишларини олиб кираётган шамолга ҳам эътибор бермасдан, чорпояда чавандозлик қилишди.

Одамлар бу воқеани орият жангига йўйишди, аммо эр-хотин ўзлари виждон азобидан қийналишарди. Бир куни уйқуси қочган Урсула сув ичаман деб ҳовлига чиққанида, катта кўза олдида Пруденсио Агилярни кўриб қолди: у томоғидаги қонли ярага увада парчасини тикишга уринарди. Марҳум Урсуланинг қалбида кўрқув эмас, балки ачиниси, ўкинч уйғотди. У хонага кириб воқеани айтиб берганида, эри парво ҳам қилмади. «Ўликлар ҳеч қачон қабрдан чиқолмайди,— деди у.— Ҳамма гап шундаки, бизни виждон азоби қийнапти». Орадан икки оқшом ўтгач, Урсула Пруденсио Агилярни ҳаммомда учратди — у увада билан қўлидаги ярасини юварди. Бошқа куни кечаси эса Урсула унинг ёмғир остида у ёқдан бу ёққа бориб келаётганини кўрди. Хотинининг ҳадеб мурдани кўравериши жонига теккан Хосе Аркадио Буэндиа, найзасини олганча ҳовлига чиқди. Пруденсио Агиляр ҳамишаги жойида ғамгин бир ҳолда турарди.

— Йўқол бу ердан!— қичқирди унга Хосе Аркадио Буэндиа.— Билиб қўй, неча марта тирилиб келсанг, мен сени шунча марта ўлдиравераман.

Пруденсио Агиляр кетмади, Хосе Аркадио Буэндиа эса унга найза ирғитишга журъат этолмади. Уша кундан бошлаб у уйқусини йўқотди. Ёмғир орасидан тикилаётган мурданинг тириклар ҳаётига суқланиб боқаётган сўник кўзлари, қонли ярасини ювиш учун увадани намлашга мўлтираб сув излаши унга азоб берарди. «Унга жуда қийин бўлса керак,— деди Хосе Аркадио Буэндиа хотинига.— Бечора ёлғиз кезиб юрибди». Урсуланинг ҳам марҳумга раҳми келарди. Галдаги учрашувда Пруденсио Агиляр плита устидаги идиш-товоқларни кўздан кечираётганини кўрган Урсула ўша кундан бошлаб уйнинг ҳар жой-ҳар жойига сув солинган косалар қўйиб чиқди. Хосе Аркадио Буэндиа мурда ётоқхонада ярасини юваётганини кўриб, энгилгина тин олди.

— Майли, Пруденсио,— деди у.— Биз бу қишлоқдан иложи борича узоққа кетамиз ва ҳеч қачон қайтиб келмаймиз. Майли, энди сен боравер.

Ана шундан кейин улар тоғ тизмалари оша денгиз томонга отланишди. Хосе Аркадио Буэндиа ва унинг саёҳатга ишқибоз бир қанча дўстлари, бариси ўзига ўхшаган ёш йигитлар, хотинларию болаларини олишиб, бегона жойларга қараб равона бўлдилар. Хосе Аркадио Буэндиа Пруденсио Агилярнинг кўнгли таскин топсин деб, йўлга чиқишдан олдин найзани ҳовлига кўмди, барча урушқоқ хўрозларнинг бошини бир-бир кесди. Урсула келинлик либослари жойланган сандиғини, айрим рўзғор буюмлари ҳамда отамерос тилла тангачалар солинган сандиқчани олди. Йўловчилар қайси йўлдан юриш қулайроқ деб бош ҳам қотириб ўтиришмади. Риоача шаҳрига тескари йўл тутдилар, негаки, таниш-билишларга

сездирмай, беиз ғойиб бўлишга аҳд қилинган эди. Дунё ҳали бунақанги антиқа саёҳатчиларни кўрмаган эди. Ошқозони маймун гўштию илон шўрва кўравериб тамом ишдан чиққан Урсула бир йилу икки ой деганда туппа-тузук одам башара ўғил кўрди. Аёлнинг оёқлари шишиб кетган, йўлга ярамай қолгани боис, эркалар уни беланчакка солишганча қолган йўлнинг ярмидан кўпроғигача кўтариб боришди. Қоринлари қаппайиб, кўзлари киртайиб қолган бўлса-да, болалар йўл укубатларига катталарга нисбатан чидамлироқ чиқди. Улар йўл азобини ўйинка-роқлик билан енгар эдилар. Ниҳоят, икки йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг, бир куни эрталаб, йўловчилар тоғ тизмасининг ғарб томонидаги дараларини кўришди. Бу ерларга ҳали инсон қадами тегмаган эди. Улар булутлар билан қопланган баланд қояда туриб, дарёлар камари билан кесилган поёнсиз кенгликка — гўёки дунёнинг нариги четигача ястаниб ётган воҳага анча тикилишди. Аммо йўловчилар денгизга бари бир етиб боришолмади. Улар ботқоқликлар ичида бир неча ой адашиб бирорта ҳам тирик жонни учратишмаган, охири бир куни шом пайтида, шаффоф сувли тошлоқ дарё қирғоғига чодир тикишди. Орадан кўп йиллар ўтгач, полковник Аурелиано Буэндиа иккинчи граждандар урушида Риоача шаҳри гарнизонига тўсатдан бостириб кирмоқчи бўлиб, худди ана шу йўлни танлайди, лекин олти кўнлик йўл азобидан сўнг қилаётган иши фирт жиннилик эканига амин бўлади. Дарё қирғоғига қароргоҳ қурилган ўша, шомда отасининг лашкарлари кема ҳалокатига учраган одамларни эслатар, лекин сафар асносида уларнинг сони хийла ошган ва ҳаммаси қариб-чириб қолгунча яшашдан умидвор эдилар (улар ниятларига етдилар ҳам). Уша тун Хосе Аркадио Буэндиа деворлари шаффоф, сершовқин шаҳарни туш кўрди. Бу не шаҳар, деб сўраганида, бутунлай нотаниш, тушуниб бўлмайдиган бир номни аташди, лекин аини ном ғайриоддий жарангдорлиги билан Хосе Аркадио Буэндианинг миясига муҳрланиб қолди: Макондо. Эртасига у ҳамроҳларини, денгизга бари бир чиқа олмаймиз, деб ишонтирди. Уларга дарахтларни кесиб, дарё бўйидаги сайхонликнинг энг салқин жойини тозалашни буюрди. Шу тариқа янги қишлоққа асос солинди.

Хосе Аркадио Буэндиа сандиқдаги муз парчасини кўрдию буни ўша шаффоф деворли антиқа уйлар ҳақидаги тушининг таъбирига йўйди. Сув — арзон, агар уни музлатиб, кейин ғишт қилиб кесилса, хоҳлаганча уй қуравериш мумкин, деб ўйлади. Ана ўшанда ҳамиша тандирдек қизиб кетадиган жазирамада ҳатто дераза ромлари ҳам майишиб қоладиган Макондо мангу салқин бир масканга айланади. Хосе Аркадио Буэндиа муз заводи лойиҳасини тузмаганига ягона сабаб — ўшал дамда ўғиллари, айниқса, алхимияга иштиёқманд Аурелианонинг тарбияси билан бандлиги эди. Лабораторияда иш қайнаганидан қайнарди. Ота-бола Мелькиадесдан қолган ёзувларни қайта-қайта ўқиб, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, бамайлихотир кунт ва сабот билан қозонга ёпишиб қолган қуйқадан Урсуланинг олтинларини ажратиб олиш йўлларини қидиришарди. Хосе Аркадио уларнинг машғулотиغا деярли аралашмасди. Ота ишга муккасидан кетган маҳали, жуссали, ўжар тўнғич ўғил балоғатга етиб улгурди. Овози дағаллашди. Ияги, юзи майин тук билан қопланди. Хосе Аркадио ётар маҳали ечинаётганида бехосдан кириб қолган Урсула уяту меҳр аралаш ғалати бир ҳисдан сесканиб тушди. Уғли у яланғоч ҳолда кўрган иккинчи эркак эди ва унинг жами аъзолари эркак меҳнатига шай бўлиб туюлдики, бечора она, энди ўғлимни бирор аёл домига олади, деб кўрқди. Учинчи фарзандини кутаётган аёл кўнглида келинчаклигида азоб берган мудҳиш гумонлар қайта уйғонди.

Ўшанда Буэндиаларнинг уйига шўх, ҳазилкаш, гапга чечан бир аёл тез-тез келиб турарди. У қартада фол очар, Урсулага рўзғор ишларида кўмаклашарди. Урсула унга, узоқ қариндошимиз чўчка думи билан туғилувди, энди, мана, ўғлим ҳам жуда тез улғайди, бесўнақайроқ, шунисидан хавотирдаман, деб айтганида, аёл хандон отиб кулди. Унинг биллур кўнғироқдек жарангдор кулгуси бутун уйни тутиб кетди. «Аксинча,— деди у,— ўғлингиз бахтли бўлади». Бир неча кун ўтиб, башоратини исбот қилмоқчи бўлдию фол очиб баҳона, Хосе Аркадио билан бирга ошхона ёнидаги қазноққа беркиниб олди. Қарталарни эски дастгоҳ устига шошилмасдан бир-бир териб чиқаркан, алланарсалар ҳақида тинмай гапирар, лекин Хосе Аркадиони эса унинг гаплари қизиқтирмас, қайтага, энсасини қотирар эди. Ногаҳон аёл кўлини чўзиб, унга теккизди-да, «Вой, сен-э!» деди кўркув аралаш. Сўнг бирдан жимиб қолди. Хосе Аркадио устихонлари пахтадай юмшаб бораётганини пайқаб, бирдан ваҳимага тушди, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийди. Аёл унга ортиқ рағбат кўрсатмади. Ийгитча тун бўйи уни қўмсаб, кечаси билан димоғига ундан таралган бўйни туйиб чиқди; гўёки бу ҳид унинг бутун аъзойи баданига ўрнашиб қолгандай эди. Истардики, доимо бирга бўлишса, ўша қазноқдан асло чиқишмаса, аёл мудом елкасидан қўл узмаса, мудом кулоқларига «Вой, сен-ей!» дея шивирласа! Хосе Аркадио бу азобга кўп дош беролмади, кунларнинг бирида ўша аёлнинг уйига йўл олди. Бордию чурқ этмай ўтирди. Аёлни кўриши билан иштиёқи сўниб қолди, қаршисида турган аёл бутунлай бегона, ундан

таралган бўй ҳам бутунлай ўзгача туюларди. Йигитча хўрланди, бир амаллаб қаҳвасини ичдию индамай чиқиб кетди. Лекин тунда бедор ётаркан, қалбида яна ўша ҳароратли ва дағал хислар гупура бошлади, энди у қазноқда фол очган аёлни эмас, балки кеча кечкурун рўпарасида ўтирган аёлни кўмасарди.

Бир неча кундан сўнг аёл ногаҳон Хосе Аркадиони уйига меҳмонга чорлади. Уйда онаси ҳам бор экан. Йигитчага қартада фокус кўрсатишни баҳона қилиб, уни ётоғига бошлаб кирдию тап тортмасдан суйкалдик, бечора ўспириннинг эти жунжикиб, лаззат ўрнига алланечук қўрқув ва лоҳаслик туйди. Шунда аёл унга, кечаси келақол, деб тайинлади. Хосе Аркадио тунда келишга жазм эта олмаслигини билса-да, тезроқ чиқиб кетиш пайидан бўлиб, албатта келаман, деди. Тунда тўшакда димикиб ётаркан, яна қони қайнар, бормаса бўлмаслигини англарди. Қоронғуда пайпаслаб кийнаар экан, укасининг бир маромда нафас олишини, нариги хонада ётган отасининг қуруқ йўталини, ҳовлидаги товукларнинг қақиллашини, чивинларнинг ёнғиллаганини ва қинидан чиққудек бесаранжом ураётган юрагининг зарбини аниқ-таниқ эшитди — дунёнинг бу қадар шовқинли эканини йигитча илгари ҳеч қачон сезмаган эди.

Сўнгра у жимжит кўчага чиқди. Хосе Аркадио боши қизиса-да, зора эшик кулфлоглик бўлса, деб ўйларди. Афсуски, эшик ним очиқ экан. Секин туртганида шундай ғижирладики, йигитчанинг юраги нақ товонига тушиб кетгандай бўлди. Хосе Аркадио оёқ учида юриб хонага кирганида, димоғига ўша таниш ҳид гуп этиб урилди. Бу хонада аёлнинг ака-укалари ухлаб ётишарди. Аёл эса — нариги хонада, зим-зиёда йўл топиш ҳам мушкул. Хосе Аркадио бехосдан кимгадир урилиб кетди. Ҳалиги киши хуррагини бас қилдию нариги ёнига ағдарилиб, лоқайд бир овозда «Чоршанба эди», деб қўйди. Хосе Аркадио аёл ётоғини очаётганида эшик полни тирнаб, ғашга тегадиган овоз чиқарди. Хосе Аркадио нима қиларини билмай каловланиб қолди. Бу кичик хонада аёлнинг онаси, опаси, поччасию, жиянлари ухлаб ётишарди. Аёлнинг таниш бўйига қараб юрай деса, аксига олиб, бу ҳид бутун ўйни тўлдириб юборган, ҳатто ўспириннинг ўз танидан ҳам анқиётгандай эди. Шу аснода Хосе Аркадионинг юзига кимнингдир қўли тегди. Йигитчанинг ажабланишга ҳам ҳоли йўқ эди, қолаверса, недир нажот кутган эди, шу боис, бутун инонихтиёрини ана шу юмшоқ қўлга топширди. Бу қўл уни тўшакка етаклаб кетди. Тўшакда йигитчани ечинтиришди, сўнгра нақ гўё картошка тўла қопдай силкитишди, у ёну бу ёнга беармон ағдарилди. Йигитчанинг қўлларига жон кирди... Димоғида аёл бўйи эмас, ўткир навшадил ҳидини туйди, у недир номаълум, лекин ўзи зориқиб кутган бир ишни бошлаб юборганини элас-элас сезар, ичида, қўлимдан келаркан-ку, деб қувонарди. Дам ўтдию вужуди пардай енгиллашиб, қайгадир учиб кетгандай бўлди, сўнг яна боши, қўли, оёқлари борлигини ҳис қилди, лекин ўзининг аъзолари қайдаю аёлники қайда — ҳеч фарқ этолмасди. Кейин... кейин ҳаммаси тугади. Успирин хонадан тезроқ чиқиб кетишни истар, айни замонда мана шу таранг сукунату ваҳимали танҳолик бағрида умрбод қолгиси келарди.

Аёлнинг исми Пилар Тернера эди. У Макондога ота-онаси изми билан келган эди; улар қизларини ўн тўрт ёшида бадном қилиб, то у йигирма иккига киргунча ҳам дон олишиб юрган бир эркакдан қутулиш ниятида сафарга отланган эдилар. Ўша эркак Пилар Тернерага, ишларимни бир ёқли қилсам бас, изингдан албатта бораман, деб онт ичган эди. Жувон қарта ёзиб фол очар, фолига гоҳ денгизда сузиб, гоҳ қуруқда кезиб, гоҳ уч кунда, гоҳо уч ойда, гоҳо эса уч йилда келадиган новчаю пакана, малласочу қорасоч эркаклар тушаверар, ахйири уларнинг бирортаси ҳам келавермагач, Пилар Тернеранинг умид боғи ҳазонрезликка юз тутган эди. Ҳижрон майини симира-симира, бечора жувон тамом сўлиб битди, эркак меҳрини тамом унутди. Лекин телба кўнглининг хумори асло йўқолмади. Энди Хосе Аркадио ҳар тун қоронғу хоналарда уни тентиб изларди. Успирин бу фаройиб бекинмачоқни топиб олганидан бахтиёр эди.

Кунларнинг бирида Хосе Аркадио Пилар Тернерани кўмсаб келганида эшик ичидан берк эди. Йигитча қўрқат-писа эшикни қоқди, сўнг илк бор тақиллатишга журъат этганидан руҳланиб, қаттиқроқ қоқди... Эшик эса анча вақтдан сўнг очилди. Кундузлари Хосе Аркадио зўрға оёқда юрар, тунги лаззатли онларини юраги орзиқиб эслар эди. Пилар Тернера уларникига келганида тамом ўзгариб кетар, хандон отиб кулар, ҳатто йигитчани менсимагандай бўлиб туюларди. Хосе Аркадио бундай кезларда ҳаяжонга берилмасди. Гўё тунлари йигитчани энтиктирадиган, безовта юрак зарбини санашга мажбур этадиган аёл билан манови шўх-шаддот, жарангдор кулгуси ҳовлида донлаб юрган каптарларни ҳуркитувчи аёл ўртасида мутлако ўхшашлик йўқ эди. Успирин ўз хаёлларига шунчалик ғарқ бўлиб кетган эдики, ҳатто отаси билан укаси ўша қотиб қолган металл қуйқасидан Урсуланинг олтинларини ажратиб олганлари ҳақидаги хушхабар бутун хонадонни ларзага солганида ҳам, уйдагиларнинг нега бунчалик қувонаётганини тушунмади.

Отаси билан укаси бунга уч кунлик машаққатли меҳнатдан сўнг мақсадга эришдилар. Урсула эса ўзида йўқ хурсанд, ҳаттоки алхимия фанини яратган худога шукрона айтарди. Қишлоқ аҳли мўъжизани эшитиб, муборакбод этгали келди. Урсула уларни нон ва шинни билан сийлар, Хосе Аркадио Буэндиа уларга олтини аритилган товачани кўрсатарди. Ниҳоят, ота кейинги кунлари лабораторияга яқин йўламай кўйган тўнғич ўғлининг олдида тўхтади. Уғлининг юзига қўлидаги нимсарик, қуруқ кукунни яқинлаштириб; «Айт-чи, нимага ўхшайди?» деб сўради. Хосе Аркадио ўйлаганини айтди:

— Ит тезагининг ўзи.

Отаси уни шундай қаттиқ урдики, Хосе Аркадионинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, оғзидан тирқираб қон оқа бошлади. Уша кечаси Пилар Тернера қоронғуда пайпаслашиб, дори ва пахта топди-да, Хосе Аркадионинг лабларига авайлаб, муҷчиға монелик қилмайдиган қилиб малҳам босди. Шу аснода иккови шу қадар иноқ бўлиб қолдиларки, ҳатто секин гаплаша бошладилар.

— Фақат иккимиз бўлсайдик,— деб пичирлади ўспирин.— Яқинда мен ҳаммасини ошқор қиламану одамларга ўхшаб эмин-эркин яшаймиз.

Пилар Тернера унинг раъйини қайтаришга уринмади.

— Яхши бўларди-я,— деди у.— Икковимиз бўлсак эди, бемалол чироқ ёқиб кўярдик, сенга кўнглимда борини баралла айтардим, ҳеч ким мушугимизни пишт демасди. Ушанда қичиқ гапларниям менинг қулоғимга шивирлаб айтаверсанг бўларди.

Ана шу сўхбат, отасига нисбатан аёвсиз ғазоби, қолаверса, бари бир жазманлик кўйидан кечмайман, деган ўй Хосе Аркадиога ботирлик бахш этди. У укасига ҳамма саргузаштларини яширмай айтиб берди.

Дастлаб кичик Аурелиано, аҳволи ёмон экан, деб чўчиди — у ҳали Хосе Аркадиони домига тортаётган оҳанрабо нелигини тушунмасди. Аммо бора-бора Хосе Аркадионинг ҳаяжони унга ҳам юқди. У акасидан бор икир-чикирларни ҳижжалаб, қайта-қайта сўрар, кейин ўзи ҳам унинг азобию роҳати яширинча шерик бўлар, кўнглида бир сурур ва айни замонда ҳадиқ сезарди. Энди у гўё чўғ устида ётгандек тўшағида тўлғаниб, тонггача мижджа қоқмай, акасининг қайтишини кутар эди. Кейин ака-ука анчагача сирлашиб ётишарди. Бедорлик уларни шунчалар карахт қилиб кўйдикки, иккиси ҳам лаънати алхимиядан, оталарининг олимона ишларидан ижирғанадиган бўлиб қолдилар. «Болаларимиз телбалардек санқишадди,— дерди Урсула.— Нима бало, ичларида гижжа бормикин». Урсула уларга пиако<sup>1</sup> толқонидан ранги хунук бир дори тайёрлаб берганида, ака-ука миқ этмай симиришди. Аурелиано энди акасининг ҳаяжонланиши сабабини англабгина қолмасдан, балки унинг ташвишларини ўзиникидай қабул қиларди. Бир куни акаси севги кечинмасини батафсил тасвирлаётганида, унинг гапини бўлиб, «Ушанда нимани ҳис қиласанг?» деб сўраб қолди. Хосе Аркадио ўйлаб ўтирмасдан:

— Зилзиланинг ўзи,— деб жавоб берди.

Январь ойининг чоршанбаларидан бирида, тунги соат иккида Амаранта туғилди. Хона одамлардан холи пайти Урсула чақалоқни обдан текшириб кўрди. Қизча жуда енгил, серҳаракат бўлиб, тани, қўлу оёғи, юзу кўзи ҳам соппа-соғ, росмана эди. Аурелиано сингилли бўлганини уйларига одамлар тўпланганда билди. У шовқин-сурондан фойдаланиб, Хосе Аркадиони қидиришга тушди — акасининг ўрни кечки ўн бирдан буён бўш эди; у беихтиёр Пилар Тернеранинг уйига қараб борар, лекин акасини у ердан қандай чақириб олишини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. У Хосе Аркадио билан шартлашилган оҳангда ҳуштак чалиб, Пилар Тернеранинг уйи атрофида бир неча соат айланиб юрди-да, ахийри тонг бўзарган пайти ортга қайтишга мажбур бўлди. Келиб қараса, акаси оналарининг хонасида, мусичадай беозоргина бўлиб, янги туғилган сингилчаларини овутиб ўтирибди.

Чақалоқнинг қирқи чиқар-чиқмас яна ўша муз парчасини олиб келишган найрангбозу ҳуққавоз лўлилар пайдо бўлишди. Тез орада маълум бўлдики, улар Мелькиадес жамоасига ўхшаш тараққиёт жарчилари эмас, балки анчайин енгил-елпи томоша ортидан кун кўрадиган одамлар экан. Улар ҳаттоки ўзлари олиб келган муз парчасини ҳам турмушда асқотадиган буюм эмас, балки циркдаги аттракцион сифатида намойиш қилишди. Бу гал улар келтирган ажойиботлар орасида учаргилам ҳам бор эди. Лекин улар учаргиламни узоқни яқин қилувчи восита эмас, балки шунчаки бир эрмак деб ҳисоблар эдилар. Қишлоқ аҳли учаргиламга ўтириб томлар оша учишдан сўнгги тилла тангаларни ҳам аямасди. Хосе Аркадио билан Пилар Тернерага тўполон роса қўл келди, энди улар ҳеч бир ҳадиксиз кайфу сафо суришарди. Улар ўзларини бахтиёр келин-куёвдай ҳис қилишар, ҳаттоки муҳаббат дегани улар билган, ўша бедор тунлар бағридан юлиб

<sup>1</sup> Пиако — тропик доривор ўсимлиги.

олинган ўғринча туйғуга нисбатан чуқурроқ ва сокинроқ эканини англагандай бўлишди. Аммо Пилар бу жозиблага путур етказди. У Хосе Аркадионинг ҳаяжонига лаққа ишониб, бечора йигитнинг бошига нақ сўйил туширгандай бўлди. «Сен энди ҳақиқий эркаксан», деди у. Хосе Аркадио ҳеч балони англамагач, аёл ҳижжалаб тушунтирди:

— Сенга ўғил туғиб бераман.

Хосе Аркадио анчагача уйдан чиқишга ботинолмай юрди. Ошхонада Пиларнинг кулгиси эшитилса бас, Хосе Аркадио бирдан лабораторияга беркинарди. Бечора отаси, ўғлимга ақл кирибди-да, деб қувониб, унга янги тажрибаси — ҳикмат тошини қидириш сирларини ўргатарди.

Бир куни кечқурун извошчи лўлию кўлларини силкитаётган бир неча қишлоқ болалари тушган учаргилам лаборатория деразаси ёнидан сузиб ўтаркан, ака-ука чексиз ҳаяжонга тушдилар, аммо Хосе Аркадио Буэндиа ҳатто деразага қайрилиб ҳам қарамади. «Майлига, ўзларича овунаверишсин,— деди у.— Биз бундай увада наमतда эмас, балки бошқача, илмийроқ йўл билан учамиз». Гарчи қизиққандай бўлиб кўринса-да, Хосе Аркадио ҳикмат тоши нимаю у неларга қодир эканини асло англагани йўқ, назарида ҳикмат тоши дегани пала-партиш ясалган шишадай бир гап эди. Лабораториядаги ишлар уни тушкунликдан халос этолмади. Отаси омади келмаганда қай кўйга тушса, Хосе Аркадио ҳам шу аҳволга тушди — на иштаҳада ва на уйқусида маъни бор эди. Уғлининг бу қадар ғамнок эканини кўрган Хосе Аркадио Буэндиа, ўзича, бола бечора алхимияга муккасидан берилибди, бу кетишда узилиб қолиши ҳам мумкин, деган ўйга бориб, уни лабораториядаги ишлардан озод қилди.

Аурелиано эса, акасининг дарди бошқа эканлигини англаса ҳам, Хосе Аркадионинг ўз оғзидан шарҳ эшитолмади. Акаси аввалгидай дилкаш эмасди, қандайдир одамови, кекчи бўлиб қолган эди. Ниҳоят у, қоронғу бир тунда ёлғизликдан безор бўлди, тўшагини ташлаб чиқиб, Пилар Тернеранинг уйига бормай, лўлиларнинг чодирлари ёнида тўпланишган бекорчилар галасига кўшилди. Турли антиқа томошаларни кўрди-ю, лекин баҳри очилавермади. Ногаҳон у сон-саноксиз мунчоқ шодалари залваридан қадди сал букчайган ёшгина лўли қизчага эътибор берди, Хосе Аркадио умрида бунчалик чиройли қизни учратмаган эди. Қизча илонга айланиб қолган оқпадарни томоша қилаётган оломон ичида туриб, ушбу қайғули манзарага боқарди.

Хосе Аркадио ҳалиги бахтиқарога қарамади ҳам, томошабинлар илон-одамнинг гуссали қиссасини тинглаётган маҳал, у урилиб-сурилиб биринчи қаторга чиқиб олди-да, лўли қизнинг ёнига келиб тўхтади. Кейин унинг ортига суйкала бошлади. Ана шундагина қизча уни пайқади. Пайқадию ҳайрат ва кўрқувдан қалтираб, жойида қотиб қолди ва ниҳоят, ортига ўгирилиб, Хосе Аркадиога кулиб қаради. Шу пайт икки лўли илон-одамни қафасга солиб, чодирга олиб кетди-да, жарчи янги томошадан огоҳ этди:

— Энди эса, хонимлар ва жаноблар, биз сизларга мудҳиш номерни — бир юзу элик йилдирки, кўриши лозим бўлмаган нарсани кўриб қолгани учун жазо тариқасида ҳар куни айни соатда боши танидан жудо этиладиган аёлни кўрсатамиз.

Хосе Аркадио билан қизча томошаи қатлда иштирок этишмади. Улар аллақачон чодирга кириб, энтикиб ўпишганча либослардан халос бўлардилар. Лўли қиз қат-қат корсаж<sup>1</sup> ларию сарғайиб кетган тўр юбкалари, кераксиз корсет<sup>2</sup> ва шиша мунчоқлари юкидан озод бўлгач, хивинга ўхшаб қолди. Аммо орик, оёқлари чиллакдай бу мажмағил қизча кутилмаганда дадил ва эҳтиросли чиқиб қолди. Афсуски, Хосе Аркадио ўзига эрк беролмасди, чунки чодирга лўлилар тез-тез кириб туришар, аллақандай юмушларни бажаришар, ҳаттоки каравот ёнига ўтириб бемалол гардкам ўйнашарди. Чодир ўртасидаги устунчага осилган чироқ ҳамма-ёқни ёритиб турарди. Хосе Аркадио, шир яланғоч, бир амаллаб ишини тугатиб, кўрпаде карахт бўлиб ётар, қизча эса уни қайта кўзғатишга уринарди. Шу аснода чодирга семиз лўли аёл билан мусофир эркак кириб келишди ва иккови ҳам шундоққина каравот ёнида ечина бошладилар. Аёл Хосе Аркадиога қарадию унинг шалпайиб ётган жониворини кўриб завқланиб кетди.

— Худо матоҳингни соғ-омон сақласин-да, йигит!— дея хитоб этди у.

Лўли қизча, ўз ҳолимизга қўйинглар, деб жеркигач, ҳалиги янги жуфт шундоққина ерга чўзилишди. Уларнинг эҳтироси Хосе Аркадиога ҳам юқди. Биринчи ҳамладан қизчасининг суюклари домино доналаридай шақирлаб, гўё ҳар тарафга сочилиб кетгудек бўлди, бадани жиққа терга ботди, кўзлари ёшланди. Йигит ўз танидан балчиқ ҳиди келаётганини пайқади. Лўли қизча чайир экан —

<sup>1</sup>. Корсаж — хотин-қизлар кўйлагининг ёқасидан белигача бўлган қисми.

<sup>2</sup>. Корсет — белни хипча қилиш учун ичдан кийиладиган кенг белбоғ.

ҳамлага бемалол дош берди. Хосе Аркадио ўзини жаннат осмонида учиб кетаётгандек ҳис қилди, унинг тўлиб-тошган юрагидан фавворадек отилаётган ҳирсу шавқи баёни қизнинг қулоғидан кириб, сўнг унинг оғзидан лўлича сўзларга айланиб чиқарди. Бу воқеа пайшанба куни содир бўлди. Шанбага ўтар кечаси эса Хосе Аркадио бошига қизил латта боғлаб, лўлилар билан биргаликда Макондодан чиқиб кетди.

Ўғлининг йўқолганидан хабар топган Урсула бутун қишлоқни тит-пит қилиб юборди. Лекин унинг топгани — лўлилар чодир тиккан майдончада қолган эски-туски увадаю бурқсиётган гўлхан қолдиғи бўлди, холос. Шиша мунчоқ топиб олиш илинжида увадаларни титкилаётган бир ҳамқишлоғи Урсулага, ўғлининг кеча кўрувдим, Хосе Аркадио ўша масхарабозларга қўшилиб, қафасдаги илон-одам ортилган аравачани суриб кетди, деб айтди. «Ўғлимиз лўли бўлди!» — деб қичқирди у эрига, лекин Хосе Аркадио Буэндиа тўнғичининг дарбадар кетганидан заррача ҳам ташвишланмади.

— Лўлилар ёмон халқмас, — деди у, аввал юз маротаба туйилиб, нақ толқонга айланган кўкиш моддани ҳовончага солиб эзаркан. — Энди ўғлимизнинг суяги қотиб, эркак қаторига кирар.

Урсула лўлилар қай тарафга кетганини билиб олдию йўлга тушди. Дуч келган одамдан сўраб-суриштириб, лўлиларни таъқиб этаркан, қишлоқдан шунчалик йироқлашиб кетдики, энди ортга қайтишнинг илоҳи йўқ эди. Хосе Аркадио Буэндиа эритмасини гўнг устига иситгани қўйиб, ичкарида йиғлаётган кичкина Амарантадан хабар олгани кирганида, яъни кечқурун соат саккизда, хотини йўқлигини пайқади. У яхшигина қуролланган қишлоқдошларидан зудлик билан отряд тузди-да, Амарантани эмизикли бир аёлга тутқазиб, Урсулани қидириб ҳали қадам тегмаган ерларга равона бўлди. Аурелиано ҳам у билан бирга эди. Тонгда нотаниш тилда сўзловчи балиқчи ҳиндуларни учратишди. Ҳиндулар имо-ишора қилиб, бегона кимса ўтмаганини тушунтиришди. Урсулани уч кун излаб тополмай, яна қишлоққа қайтиб келдилар.

Хосе Аркадио Буэндиа ўзини қўярга жой тополмасди. Кичкина Амарантанинг бутун ташвиши отанинг бўйнига тушди: Хосе Аркадио унга худди онаси каби қарарди, чўмилтирарди, бир кунда тўрт маҳал эмиздиргани қўшни аёлниқига олиб борар ва ҳатто кечқурунлари чақалоққа алла айтиб берар эди. Бир куни Пилар Тернера то Урсула қайтиб келгунига қадар уларнинг рўзғор ишини ўз зиммасига олажagini айтиб қолди. Бошларига тушган кулфатдан сўнг ақли кириб қолган Аурелиано остона ҳатлаб кирган Пиларни кўрдию ҳамма гапга тушунди. Акасининг қочиб кетишига ҳам, оналарининг ғойиб бўлишига ҳам шу аёл айбдор эканини англаб, уни шундай совуққонлик ва қаҳр билан қаршиладик, аёл қайтиб қорасини кўрсатмади. Лекин сал ўтиб, ғам-алам секин сусайди. Хосе Аркадио Буэндиа билан кенжа ўғил яна темирчилик ўчоғини ўт олдиришиб, бир неча ойдан бери таппи устида ётган модда устида тажриба бошлаб юбордилар. Мурғак Амаранта симоб ҳовури билан тўлган хонада, ток новдасидан тўқилган саватчада ётиб, отаси ва акасининг ишини қизиқсиниб кузатарди. Урсула ғойиб бўлганидан бир ой ўтгач, лабораторияда ғаройиб ҳодисалар рўй берди. Шкафда анчадан буён бўшаб ётган шиша идиш тўсатдан шу қадар оғирлашиб қолдики, ҳатто уни жойидан кўзгатишолмади. Иш столига қўйилган кастрюлка ичидаги сув ўт-оловсиз, ўз-ўзидан исий бошладию роса ярим соатча, то сўнгги томчиси буғланиб кетгунича вақирлаб қайнади. Хосе Аркадио Буэндиа билан ўғли бу мўъжизалардан завқланишар, аммо бунинг боисини тушунишмас, буни ўзларича, янги бир моҳият даракчиси, деб изоҳлашарди. Бир куни эса Амаранта ётган сават, Аурелиано хайратга солиб, ўз-ўзидан тепага кўтарилди-да, ҳавода айлана бошладики, Аурелиано уни зўрға шоша-пиша ушлаб қолди. Бу ҳол Хосе Аркадио Буэндиани хийла чўчитиб қўйди. У гўдак ётган саватчани аввалги жойига қўйиб, стол оёғига боғлаб ташлади. Саватчанинг ғалати «қилиғи» уларни орзулари амалга ошишига жудаям оз қолганига тўла-тўқис ишонтирди. Ушанда ота ўғлига қараб:

— Агар худодан кўрқмасанг ҳам, темирдан кўрқ! — деди.

Беш ойдан сўнг Урсула қайтиб келди. У алланечук яшариб қолган, хурсанд эди. Эгнидаги либоси ҳам ўзгача — қишлоқда расм бўлмаган андозада эди. Хосе Аркадио Буэндиа қувончдан жинни бўлиб қолаёзди. «Хайрият-э! Ахийри мен ўйлаганимдай бўлди!» — деб қичқирди у. Бу ҳақиқат эди, чунки у лабораторияга қамалиб, тажрибалар ўтказаетганида худодан на ҳикмат тошини, на уйидаги барча қулфлару ошиқ-мошиқларни тиллага айлантириш усулининг кашф этилишини сўраган, балки уззукун бир нарсани — Урсуланинг қайтиб келишини тилаган эди. Хотини эса унинг қувончини баҳам кўрмай, гўё бир соат олдин чиқиб кетган одамдек, эрини шунчаки бир ўпди-да:

— Кўчага чиқин, — деди.

Уйлари олдида тўпланиб турган оломонни кўрган Хосе Аркадио Буэндиа дастлаб ўзини йўқотиб қўяёзди. Улар лўлилар эмас, балки Макондо аҳли билан

бир хил тилда сўзлашадиган, бир хил дардлардан шикоят қиладиган оддий эркаклару аёллар эди. Уларнинг ёнида озик-овқат ортилган хачирлар, мебель ва турли уй анжомлари, хуллас, тирикчилик учун керакли маълум ва жўн нарсалар юкланган ҳўкиз қўшилган аравалар турарди.

Бу одамлар икки кунгина йўл юриб водийнинг нариги чеккасидан келишганди, у ерлардаги шаҳарларда почта ҳар ойда келаркан, ҳатто оғирни енгил қилган машиналар ҳам бор экан. Урсула гарчи лўлиларни қувиб етолмаган бўлса-да, лекин буюк ихтиролар изидан югуриб тополмаган йўлни топган эди.

Пилар Тернернинг ўғли дунёга келганидан икки ҳафта ўтгач, чақалоқни бобоси билан бувисининг уйига олиб келишди. Эри, Буэндиалар авлоди хору зор бўлмаслиги керак, деб туриб олгач, Урсула ноилож чақалоқни олиб қолди. Лекин у, бола ўзининг туғилиш тарихини ҳеч вақт билмаслиги керак, деб шарт қўйди. Чақалоққа Хосе Аркадио деб исм қўйишди, лекин отаси билан адаштирмаслик учун, бора-бора уни шунчаки Аркадио деб қақира бошлашди. Бу паллада Макондо аҳли тижоратга берилган, Буэндиаларнинг ҳам югур-югурдан қўли бўшамас, улар ҳатто болаларга қарашга ҳам вақт топишолмасди. Шу боис, болаларни Виситасьон номли ҳинду аёлга беришди. Аёл гуахиро уруғига мансуб бўлиб, Макондога акаси билан биргаликда, неча йилдирки ватанларида ҳўкм сураётган мудҳиш ва юқумли бало — уйқусизлик касалидан қочиб келган эди. Ака-сингил ҳиндулар жуда хушфезъл, жуда ишчан одамлар эди. Урсула уларни ишга ёллагач, Аркадио билан Амарантанинг тиллари испанчада эмас, гуахиро тилида бурро бўлди, ҳатто, калтакесак гўшти ва ўрғимчак тўхумларидан тайёрланган шўрва ичишни ҳам ўрганишди. Урсула бўлса буни сезмади, у айна кунларда қандолатчилик билан машғул эди. Макондо мутлақо ўзгариб кетди. Урсула бошлаб келган одамлар бу қишлоқнинг жуғрофий ўрнию ерларининг унумдорлигини оламга ёйдиларки, косибчилик, дўкончилик авж олиб, тез орада қишлоқ гавжум шаҳарчага айланди; ҳатто, бу ерда оёқларига шиппак илган, қўлоқларига исирға таққан араблар ҳам пайдо бўлиб, шиша мунчоқларни тўтиқушларга айирбош қила бошлашди. Хосе Аркадио Буэндиа бош қашишга ҳам фурсат тополмасди. У лабораториядаги ишларни ҳам унутиб, қишлоқ ободонлиги билан шуғулланди. Янги кўчиб келганлар уни иззат қилишарди. Уйга жой танлаш ҳам, девор тиклаш ҳам, хуллас, жами юмуш унинг маслаҳатисиз бошланмасди. Ҳатто марза тортиш ҳам Хосе Аркадио Буэндиага топирилди. Ўз кўчма ярмаркаларини эндиликда қиморхонага айлантирган масхарабоз лўлилар қайтиб келишганларида дастлаб уларни шоду хуррамлик билан қарши олишди, чўнки улар билан Хосе Аркадио ҳам қайтади, деб умид қилишарди. Лекин Хосе Аркадио уларнинг орасида кўринмади. Урсуланинг назарида тўнғичини биладиган ва уни қайдан излашни айта оладигач илон-одам ҳам йўқ эди. Шу боис, лўлиларга Макондода қолишга ижозат беришмади. Ҳатто уларни, бу ерга бошқа оёқ босмайсизлар, деб огоҳлантиришди; энди макондоликлар лўлиларни таъмаю бузуқлик манбаи санашарди. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа, мабодо қишлоғимизга минг йиллик донолиги ва ажойиб ихтиролари билан Макондонинг равнақ топишига ҳисса қўшган лўлилар — Мелькиадес жамоаси келса, уларни қучоқ очиб кутиб оламиз, деб таъкидлади. Аммо турли дарвишлар ва дайдиларнинг гапига қараганда, Мелькиадес жамоаси одамзод билиши тақиқланган ҳикматга даҳл қилгани учун ер юзидан батамом йўқотилиб юборилган экан.

Отаси шаҳарни тартибга келтираётган, онаси эса новвот балиқчалару хўрозқандларни бальси дарахти новдасига тизиб, уйларидан ҳар куни уч маҳал сотувга чиқарди, оила иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган бир пайтда, Аурелиано ташландиқ лабораторияда ўтириб олиб, заргарлик ҳўнарини астойдил ўрганарди. Унинг бўйи чўзилиб, акасидан қолган кийимлар ҳам калталиқ қилар, эндиликда отасининг либосларини кия бошлаганди. Виситасьон унга отасининг кўйлагини шимларини сал-пал торайтириб берарди, чўнки у ҳали норғўликда отаси ва акасига етолмаган эди.

Усмирлик ёшига етганида, Аурелиано овози йўғонлашиб, индамас бўлиб қолди. У заргарлик юмуши билан шунчалар банд эдики, лабораториядан фақат овқатлангани чиқарди, холос. Ўғлининг одамови бўлиб қолганидан саросимага тушган Хосе Аркадио Буэндиа унга кўча эшикнинг калитини топшириб, озгина пул ҳам берди. Ота, ўғлим аёл-паёл тусаб қолибди, деган ўйга борган эди. Аурелиано бу пулга хлорат кислотаси харид қилиб, калитнинг устини эса олтин билан қоплади. Лекин унинг афандинамолиги Аркадио ва Амарантанинг қилиқлари олдида ҳеч нарса эмасди — сут тишлари туша бошласа-да, улар ака-сингил ҳиндуларнинг этагидан тутиб, куни бўйи уларнинг ортидан эргашиб юришар, ҳанузгача испанча сўзлашдан бош тортишиб, нуқул гуахиро тилида гаплашар эдилар. «Уларда не айб, — деди Урсула эрига. — Ота-онаси телба-тескари бўлгандан кейин, болаларга ҳам ўтади-да». Урсула, қилиғи ёмон фарзанд нимаю чўчкадумли махлуқ нима,



фарқи кам-ку деб ўйлади чоғи, толедан шикоят бошлайман деб турганида, Аурелиано унга қаттиқ тикилиб, дабдурустдан довдиратиб қўйди.

— Бизникига биров келяпти,— деди у.

Урсула, ўғли ҳар гал каромат қила бошлаганида қўллайдиган усулини тутиб, уни ўзининг жўн сўзи билан гангитишга уринди. «Биров келса, нима бўпти, бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Макондодан худонинг берган куни ўнлаб мусофирлар ўтади, уларнинг келишини каромат қилмаса ҳам бўлаверади». Аурелиано ҳам ўз айтганидан қолмади.

— Кимлигини билмайман-у, аммо ўша одам аллақачон йўлга тушди, — деб таъкидлади у.

Ва ҳақиқатан ҳам, яқшанба куни Ребека пайдо бўлди. Унинг ёши ўн бирларда эди. Қизча терифрушулар билан келди. Қўлида уни албатта Хосе Аркадио Буэндиа хонадонига топшириш тайинланган мактуб ҳам бор эди. Лекин на терифрушулар ва на қизча мактубни ким ёзганини айтиб беролмади. Улар Манауредан Макондо-гача оғир йўлни босиб келишган эди. Янги меҳмоннинг бутун бисоти кийим-бош солинган сандиқча, мўъжазгина ёғоч тебранма курси ва ичида нималардир шақур-шуқур қиладиган каноп қопдан иборат эди. Қопни очиб кўришганда, қизчанинг ота-онасининг суяклари чиқди. Мактуб Урсуланинг қариндоши, бинобарин Хосе Аркадио Буэндианинг ҳам қариндоши ҳисобланмиш, аниқроғи, аллақачоноқ оламдан ўтган қадрдон дўсти Никанор Ульоа ҳамда унинг рафиқаси Ребека Монтиэлнинг айни мактубга илова тарзида, христиан удумига кўра кўмиш учун юборилган суяклари ва марҳумларнинг етимча қизларини Макондога жўнатишни ўзининг оддий одамгарчилик бурчи деб ҳисобловчи кимса томонидан битилган эди. Гарчанд мактубдаги ҳар иккала исм ҳам, охирига қўйилган имзо ҳам аниқ, тушунарли қилиб чекилган эса-да, на Хосе Аркадио Буэндиа, на Урсула узоқ Манауре қишлоғида истикомат қилувчи бундай исмли қариндошлари ёки танишлари борлигини эслай олишди. Қизчадан кўшимча маълумотлар олишнинг мутлақо иложи бўлмади. У уйга кирасолиб, тебранма курсисига ўтирди-да, саволларга парво ҳам қилмай, атрофидагиларга кўрқа-писа тикилганча, бармоғини сўра бошлади. Унинг эгнида эски қора кўйлак бўлиб, оёғига чириккина туфли кийганди. Қулоғи ортидаги икки тарам сочи қора бантик билан боғланган, бўйнига сиртидаги тасвири тердан хира тортиб қолган тумор, ўнг билагига кўзмончоқ ва аллақандай ваҳший ҳайвоннинг мис занжирга ўтказилган қозиқ тиши тақилганди. Яшил тусга кира бошлаган териси, ноғорадай шишиб кетган қорни қизчанинг соғлиғи ёмонлигидан, мудом оч юрганлигидан дарак берарди. Шунга қарамай, овқат келтиришиб, ликопчани тиззасига қўйганларида ҳам у қимир этмади. Дастлаб, уни соқов деб ўйлашди, аммо шу пайт ҳиндулар ундан ўз тилларида, овқат ейишни хоҳлайсанми, деб сўраганларида, гўёки уларни тан олгандай, кўзларини очиб-юмди-да, розилик билдириб бош ирғади.

Қизчани олиб қолишди, бари бир бошқа иложлари ҳам йўқ эди. Гарчанд қизча Аурелиано хатни баланд овозда ўқиб, ота-онасининг исмларини зикр этганида қилт этмай ўтирса-да, унга мактубда ёзилганидек (агар рост бўлса) онасининг номини қўйишди, яъни Ребека деб атай бошладилар. Ўша вақтлар Макондода қабристон йўқлиги сабабли (бу ерда ҳали ҳеч ким ўлмаган эди) суякларни кўмишга бирон бир мос жой топилгунча қопни бекитиб қўйишди, аммо, бу қоп худди курк товуқнинг қақиллашига ўхшаган товуш чиқаргани ҳолда, кутилмаган жойлардан чиқиб қоларди. Ребека оила шароитига кўниккунча анча қизча очликдан ўлмаепти, деб ҳайрон бўлишарди. Ота-онаси ёки уни боқиб ўстирганлар қизчани жазолашган чоғи, Ребека айб иш қилаётганини сезар, кесакни яширинча ер, ҳаттоки ҳеч ким йўқлигида тўйиб-тўйиб овқатланиш учун ғамлаб ҳам қўярди. Ребеканинг устидан қаттиқ назорат ўрнатишди. Ҳовлига сизир сафроси сепиб, уй деворларига аччиқ ҳинду қалампери суртишди. Лекин қизалоқ севган «таом»ини бари бир топарди. Ахийри Урсула таъсирчанроқ воситаларни қўллаш бошлади. У апельсин шарбати билан равоч сувини аралаштириб, идишни тунбўйи ташқарида қолдирди, сўнг бу дорини эрталаб наҳордан олдин Ребекага берди. Бунақанги дорини қўллаш лозимлигини Урсулага ҳеч ким маслаҳат бермаганди, лекин у ўзича, бўш ошқозонга тушадиган ҳар бир тахир ичимлик жигарда санчик ўйотади, деб тахмин қилди. Заиф Ребека жуда уришқоқ экан — тепинди, тирнади, тишлади, хуллас, дорини ичмаслик пайдан бўлди. Ака-сингил ҳиндуларнинг ғазабланиб айтишлари-ча, Ребека бақирган пайтида гуахиро тилида эркакча сўзлар билан сўкинаркан. Энди Урсула дорига даррани ҳам қўшиб даволай бошлади. Омухта муолажа натижаси ёмон бўлмади: бир неча ҳафтадан сўнг Ребека тузала бошлади: Аркадио

ва Амаранта билан ўйнар, иштаҳа билан овқат ер, ҳаттоки пичоқ ва вилка тутишни ҳам билар эди. Кейинчалик эса унинг испан тилида ҳам равон сўзлаши, ниҳоятда чеварлиги, ўзи тўкиган майин сўзларни соат вальсига ҳамоҳанг айтиши маълум бўлди. Тез орада у оиланинг янги бир аъзосига айланди. Урсулани ўз болаларидан ҳам зиёда иззат қилар, Амарантани сингилча, Аркадиони укача, Аурелианони амаки, Хосе Аркадио Буэндиани эса бобо деб атарди. Шу тариқа Ребека ҳам Буэндиа фамилиясини олди ва у бу номга умр бўйи доғ текизмади.

Ребека кесакхўрлик дардидан қутулгач, уни Амаранта ва Аркадио ухлайдиган хонага ўтказишди. Бир куни болалар билан бирга туновчи ҳинду аёл ногаҳон уйғониб, бурчақдан келаётган ғалати товушни эшитиб қолди. Хонага бирон бир жонивор кириб қолганмикин, деган ўйда жойидан ирғиб турдию, тебранма курсида ўтириб бармоғини сўраётган Ребекани кўрди. Қизчанинг кўзлари қоронғуда худди мушукниқидек ёнарди. Кўрқувдан қотиб қолган Виситасьон қизчанинг кўзлариде улар акаси иккови тахт ворислари ҳисобланишган қадимий подшоҳликни ташлаб чиқишга мажбур қилган ўша мудҳиш касаллик белгиларини топди: ўйда уйқусизлик касали ҳукм сура бошлади.

Аёлнинг акаси Катауре Макондодадан тонгни кутмасданоқ чиқиб кетди. Виситасьон шу ерда қолди — у энди тақдирга тан берган, бедаво касалликдан қочиб қутулмаслигини англаган эди: Виситасьоннинг ташвишни ҳеч ким тушунмади. «Ухламаймики? Нима бўпти, қайтага яхши-да, — дерди мамнуният билан Хосе Аркадио Буэндиа. — Ҳаётдан кўпроқ нарса ундириш мумкин». Аммо ҳинду аёл унга бу хасталик азоби уйқусизликки эмас, аксинча, бедорликдан одамнинг бадани чарчоқ сезмаслиги, бу касалликнинг мудҳиш иллоти — унинг содир бўлиши муқаррар иккинчи босқичи, яъни унутувчанлик эканини тушунтирди. Уйқусизликка гирифторм бемор дастлаб болаликдаги воқеаларни, кейин нарсаларнинг номию уларнинг нима мақсадда қўлланишини эсидан чиқаради, сўнгра у одамларни ҳам танимай қолади ва ҳаттоки ўз-ўзини ҳам англолмайди ва ўтмишни унутган бундай кимса телбанамо бир аҳволга тушади. Хосе Аркадио Буэндиа кула-кула, бу иримчи ҳиндулар тўқиб чиқаришган офатларнинг бири бўлса керак, деган хулосага келди. Лекин зийрак Урсула ҳар эҳтимолга қарши Ребекани болалардан ажратиб қўйди.

Орадан анча ўтиб, Виситасьон кўтарган ваҳима бости-бости бўлаётган бир пайтда, Хосе Аркадио Буэндиа ярим кечаси ногаҳон кўрпадан у ёндан бу ёнга ағдариларкан, уйқуси қочди. Урсула ҳам мижжа қоқмай ётарди, у эридан нега ухламаётганини сўраганида, эри: «Мен яна Пруденсико Агиляра ҳақида ўйлаяпман», деб жавоб қайтарди. Улар кечани бедор ўтказишди, лекин эрталаб ўзларини ниҳоятда тетик сезишди, шу сабабими, тезда бемаъни тунни ёдларидан чиқаришди.

Аурелиано, гарчанд тун бўйи ухламай Урсуланинг туғилган кунига аталган тўғнағични тилла суви билан қошлаш учун лабораторияда ўтириб чиққан бўлса-да, нонушта пайтида ўзини яхши ҳис қилаётганини ажаблана-ажаблана айтиб берди. Аммо, орадан икки кун ўтгач, одатда Буэндиалар ухлайдиган вақт етгач, улардан ҳеч бири ухлай олишмаса-да, ҳеч ким бу ғалати ҳолга эътибор бермади, шунингдек, қарийб эллик соатдан бери кўз юммаганлари ҳам бирортасининг хаёлига келмади.

— Болалар ҳам ухлашмаяпти. Бу офат уйга кирган экан, ундан ҳеч ким қутулолмайди, — деди иримчи ҳинду хотин.

Дарҳақиқат, бутун оила уйқусизлик касалига йўлиқди. Онасидан ўт-ўланларнинг шифобахш хусусиятларини ўрганган Урсула турли гиёҳлардан доривор тайёрлаб, уйдагиларга ичирса-да, бари бир ҳеч ким ухлай олмас, кундузлари ўнгларида туш кўриб чиқишар эди. Улар юрар-тураридан беҳабар кимсалардай ўз хаёллари қолиб ҳаттоки бошқаларнинг хаёлида айланиб юрган шарпаларни ҳам яққол кўришарди. Гўёки бутун уй меҳмонлар билан тўлиб-тошгандек эди. Емакхона бурчагидаги тебранма курсисиде ўтирган Ребека хаёл сураб, кўз олдида пайдо бўлган ва унга бир томчи сувдек ўхшаб кетадиган, оқ матодан қўйлак кийиб, ёқасига тилла тўғнағич таққан одам унга атиргул тутарди. Унинг ёнидаги қўллари мулоим аёл гуллардан бирини олиб, Ребеканинг сочига қистириди. Ребеканинг хаёлидан хабардор Урсула бу иккови унинг ота-онаси эканлигини тушунди, лекин қанча уринмасин, уларни таний олмади ва илгарилари ҳам ҳеч қаерда учратмаганини туйди. Ана шу пайтда, ўйда тайёрланаётган новвот, хўрозқандларни бозорга олиб кетишди — Хосе Аркадио буни билмай қолди ва бу бепарволик учун ўзини-ўзи сўкиб юрди. Болалару катталар ғаройиб яшил хўрозқандларни, нимпушти балиқчалару сариқ отчаларни ҳузур қилиб сўра-сўра ўзларига уйқусизлик касалини юқтиришди ва ниҳоят, душанба куни сахармардон-гача шаҳардаги бирорта одам ҳам ухлай олмади. Олдинига бундан ҳеч ким ташвишланмади. Қайтага кўпчилик қувонди, чунки ўшанда Макондода олиб борилаётган ишлар жуда кўп эди, вақт етишмасди. Одамлар шундай шижоат билан

ишлардики, ҳамма юмушларни жуда қисқа фурсатда уддалашди ва эндиликда тонгги соат учларда ишсиз зерикиб, соатдан таралаётган оҳанглардаги зарбу садоларни ҳисоблай бошлашди. Чарчоқдан эмас, балки туш кўришни қўмсаб ухлашни истовчилар ўзларини ҳолдан тойдириш ниятида антиқа нарсаларни ўйлаб топишарди. Улар бир жойга тўпланишиб бетиним вақиллашишар, бирон бир латифани ўн-ийгирма мартабала қайтаришар, оқ ахта хўроз ҳақидаги эртакни эса ҳар гал мураккаблаштириб айтишарди. Уяқроғи, шу эртак асосида ғаройиб ўйин ихтиро қилишганди. Бу — макондоликларнинг чеки йўқ ўйинларидан бири эди. Даврабоши одамлардан: оқ ахта хўроз ҳақидаги эртакни эшитишни истайсизми, деб сўрар, улар «ҳа» деб жавоб беришса, у мен «ҳа» дейишни эмас, балки оқ ахта хўроз ҳақида эртак айтганими-йўқми, деб сўраяпман, дерди, агар унга «йўқ» деб жавоб қайтаришса, у яна мен «йўқ»ни эмас, балки оқ ахта хўроз ҳақидаги эртакни эшитасизларми-йўқми, деб сўраяпман, дерди. Тўдадан ҳеч ким чиқиб кетолмасди, чунки даврабоши уни тўхтатиб, оқ ахта хўроз ҳақида эртак айтганими-йўқми, дея сўроққа тутарди. Шу тариқа бу ҳол ҳар кеча бетиним такрорланар, бу савдо одамлар бошида чархпалакддек айланар эди.

Юқумли уйқусизлик бутун шаҳарга тарқалганини англаган Хосе Аркадио Буэндиа тарадудланиб қолди, атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардаги одамларга ҳам юқмасин, деган ниятда фикрли кишиларни, оила бошлиқларини йиғиб, маслаҳатлашди, ўзларича чора-тадбир топишди. Қайзамондир араблардан тўтиқушларга алмаштирилган, эчки шохларига осиб қўйилган кўнғироқчаларни ёчишиб, Макондога кираверишга илиб қўйишди; қоровулларнинг бақириб-чақиршига қарамасдан шаҳарга кирган одамларнинг қўлига ана шу кўнғироқчаларни тутқазишарди. Улар Макондо кўчалари бўйлаб юришаркан, йўл-йўлакай бу кўнғироқчаларни чалишар, бу билан беморларни соғлом одам келаётганидан хабардор қилишар эди. Мусофирлар бу шаҳарда на овқат ейишлари, на сув ичишлари мумкин, чунки Макондодаги сув ва озиқ-овқат ҳам уйқусизлик оғуси билан заҳарланганди. Бундай чора-тадбирлар, ҳар қалай, касалликнинг шаҳардан ташқарига чиқишига йўл қўймасди. Бора-бора тақиқларга кўниккан одамлар ниҳоят бу фавқуллоҳдаги воқеани эсдан чиқаришди: ҳаёт яна жонланди, ишлар яна илгаригидай борар ва ҳеч ким бу бефойда нарсани — уйқуни йўқотганидан ташвишга тушмас эди.

Аурелиано топган тадбир хотиранинг заифланишини бир оз тўхтатиб, эслаб қолиш қувватини тиклашга ёрдам берди. У бу тадбирни тасодифан ўйлаб топди. Уйқусизлик азобини тортавериб пишиб кетган Аурелиано (у бу дарднинг илк қўрбонларидан эди) анчадан бери заргарлик қиларди. Бир куни темирни яссилаш учун сандонча зарур бўлиб қолди ва у бу ускунанинг нима деб номланишини эслолмади. Отаси «сандон дейилади» дея эслатди. Аурелиано шу сўзни қоғозга ёзиб, уни сандонга ёпиштириб қўйди. Энди у бу сўзни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслигига ишонарди. Бу хотира тикланишининг илк белгиси эканини у хаёлигаям келтирмаганди. Бир неча кундан сўнг у лабораториядаги барча нарсаларнинг номини ниҳоятда машаққат билан эслайдиган бўлди. Шундан кейин буюмларнинг ҳар бирига тегишли лавҳача ёзиб, ёпиштириб чиқди, уларни ўқиган заҳоти бу ускуна нима мақсадда ишлатилишини билиб оларди. Отаси хотираси заифлашаётганидан, болагидаги энг ҳаяжонли хотираларни ҳам эсдан чиқараётганидан шикоят қилганида, Аурелиано унга бир чора топганини айтди ва Хосе Аркадио Буэндиа бу тадбирни маъқуллаб, аввало уни ўз оиласига, сўнгра бутун шаҳарга жорий этди. У соқол чўткачани сиёҳга ботириб, уйдаги ҳар бир буюмга тегишли ёзувлар битди, яъни «стол», «стул», «соат», «эшик», «девор», «каравот», «кастрюлка» дея ёзиб чиқди. Қўтонга бориб, у ердаги ҳайвонлару паррандалар ва ҳаттоки ўсимликларга ҳам «сигир», «эчки», «чўчка», «товуқ», «маниока», «маланка», «банан» деган лавҳачаларни илиб қўйди. Хотира йўқолишининг беҳисоб турларини оз-моз ўрганиб чиққан одамлар, гарчанд буюмларни ёзувларга қараб топиб олишсалар ҳам, бари бир бир куни бу буюмлардан нима мақсадда фойдаланиш кераклигини нутиб қўяжакларини тушунишди. Шундан сўнг вазият мураккаблашди. «Бу — сигир, уни ҳар куни эрталаб соғиб туриш зарур, сутни қаҳва билан аралаштириш учун қайнатиш керак, ана шунда сутли қаҳва тайёрлаш мумкин» дея сигир бўйнига осиб қўйилган ёзувга ўхшаш лавҳа-эълонлар макондоликларнинг хотирани сақлаб қолишга нечоғли уринганидан хабар берарди. Улар ўзларидан узоқлашиб кетаётган ҳақиқатни ёзувлар ёрдамида бир мунча муддатга бўлса-да, асраш мақсадида ана шу тариқа кун кечирарди, аммо ҳарфларнинг маъноси эсларидан чиққач, бу ҳақиқат батамом йўқолиши муқаррар эди.

Шаҳарга кириш йўлида «Макондо» деган ёзув пайдо бўлди, марказий кўчага эса янада катта ҳарфлар билан «Худо бор» деб ёзиб қўйишди. Ҳар бир хонадонда хотирадаги у ёки бу буюмларни ёки туйғуларни тиклашда ёрдам беришга хизмат қилувчи турли шартли белгилар чизиб ташланганди. Аммо бу нарса асабларни мудом таранг тутишни, сабру бардошли бўлишни тақозо қиларди; зотан, кўпчилик

ўз тасавуридаги ҳақиқатга берилиб кетган, гарчанд бунинг унчалик нафи бўлмаса-да, бари бир, улар шу билан овунишар эди. Илгари қарталарга қараб келажакни айтиб берадиган, эндиликда эса қартага қараб ўтмиш хотираларини ёдга солишни ўрганиб олган Пилар Тернера бу товламачиликнинг шаҳарда кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Унинг ҳийла-найранглари туфайли макондоликлар қарталарнинг ноаниқ ва бир-бирига зид тахминлари натижасида вужудга келган ғаройиб оламга кириб қолишди, бу оламда отангизни апрель ойида келган қорсоч эркак, онангизни эса чап қўлига тилла узук таққан буғдоймағиз аёл сифатида эслашар, туғилган кунингиз бўлса лавра<sup>1</sup> да тўрғай сайраган сўнги сешанба кунига тўғри келар эди. Бу машмашалар жонига теккан Хосе Аркадио Буэндиа хотира машинаси ясашга ва бу ғафлат бандаларини кўзини очиб қўйишга аҳд қилди; у бу машина воситасида одамлар нафақат хотирани тиклашади, балки лўлилар кўрсатган ғаройиботларни ҳам эслашлари мумкин, деб ўйларди. Унинг ишлаши ҳаётдан олинган барча тушунчалар йиғиндисини ҳар кун такрорлаб туриш қонунига асосланган бўлиши керак эди. Хосе Аркадио Буэндиа бу ускунани чарҳига жойлашган одам дасталар орқали бошқариб турадиган айланма луғат сифатида тасаввур қилар, қисқа вақт ичида ҳаётга тааллуқли барча маълумотлар ҳалиги одамнинг кўз олдида гавдаланиши керак эди. Ихтирочи ўн тўрт мингга яқин лавҳачани тўлдирганида, водий йўлида уйқусизликка мубталолик белгиси — қўнғироқча осган, қорни қаппайган ғайриоддий бир чол пайдо бўлди: у жомадон юкланган, қора латта боғланган ғалтак аравани итариб келарди. У тўппа-тўғри Хосе Аркадио Буэндианинг уйига йўналди.

Эшикни очган Виситасион чолни танимади ва аниқроғи уни хотирасизлик гирдобига чўкаётган бу шаҳарда бирор нарса сотишнинг иложи йўқлигидан ҳали хабар топмаган бирор бир савдогар деб ўйлади. Мункиллаб қолган бу одам, товуши титроқ, қўллари қалтироқ бир нотавон бўлса ҳам, унинг одамлар ухлайдиган ва хотираларини йўқотмаган оламдан келганлиги аён эди. Хосе Аркадио Буэндиа чолнинг олдига борганида, у меҳмонхонада ўтириб, эски қора шляпасини силтаганча, деворга осилган лавҳалардаги ёзувларни диққат ва ҳатто ҳайрихоҳлик билан ўқимоқда эди. Хосе Аркадио Буэндиа бу одамни илгари танисам ҳам ҳозир эсимдан чиқариб қўймаганмиканман дея гумонсираб, у билан ниҳоятда қуюқ сўрашди. Аммо меҳмон унинг аҳволини дарҳол тушунди. Чол ўзини бу ердагилар шунчаки эмас, балки батамом, яъни ўлган кишиларни ёддан чиқаргандек мутлақо унуттиганини сизди. У аллақандай буюмларга тўла жомадонини очиб, ичига сон-саноксиз шиша идишлар солинган кичкинагина жомадончани олди. Сўнгра хонадон соҳибига ранги ёқимли суюқлик тўлдирилган идиш тутди, суюқликни ичгач, унинг хотираси уйғонди. Хосе Аркадио Буэндианинг кўзлари — ҳали у ўзини буюмлар устида ёзувлар битилган бу бесўнақай хонага тушиб қолганлигини англамай туриб, ҳали деворлардаги бу бежама, тутуриқсиз сўзларни уятдан қизариб-бўзариб ўқимай ва ҳатто ёрқин қувончдан порламай туриб — ғуссали ёшга тўлди, у меҳмонни таниди. Бу Мелькиадес эди.

Макондо хотира тикланганини байрам қилаётган пайтда Хосе Аркадио Буэндиа билан Мелькиадес кўришишди, эски дўстлик кўзгусидаги ғуборлар артилди. Лўли шаҳарда қолажагини билдирди. У ҳақиқатан ҳам нариги дунёга кетган бўлиб, танҳоликка бардош беролмасдан яна ёруғ оламга қайтганди. Жодугарлиги учун жабр тортган ва ҳамқавмларининг қаҳрига учраган Мелькиадес ҳали ажал қадами етмаган мана шу шаҳардан осуда бир маскан топиб, шу ерда сураткашлик қилиб яшаб юришга аҳд этди. Хосе Аркадио Буэндиа бундай ихтиро — сураткашлик тўғрисида ҳеч эшитмаганди. Аммо у ўзининг, оила аъзоларининг қалай бўлагига бир умрга муҳрланган, турли рангларда жилоланувчи тасвирини кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Хосе Аркадио Буэндианинг кулранг сочлари ҳурпайган, мис тўғнағичли ёқаси оҳорланган кўйлақда байрамон руҳда тушган, бир оз занглаган сурати ҳам худди ана шу даврга мансуб. Урсула уни кўриб, ичаги узилиб куларкан, эрини «қўрққан генерал»га ўхшаб кетишини таъкидлаганди. Тўғриси айтганда, Мелькиадес бу расмни ишлаётганда — декабрнинг очиқ кунларидан бири эди — Хосе Аркадио Буэндиа ҳақиқатда ҳам қўрққанди; у одамнинг акси қалай бўлагининг юзасига ўтиши унинг танасини бора-бора кемириб қўяди, деб ўйлаган ва ана шундан васвасага тушган эди. Шуниси ажабланарлики, бу сафар Урсула илмга ён босиб, эрининг миясидаги бу бемаъни фикрни сиқиб чиқарди. Урсула илгари рўй берган хафагарчиликларни ҳам унутиб, Мелькиадесни ўз хонадонидида олиб қолишга аҳд қилди. Лекин ўзи суратга тушишдан бош тортди, невараларимга кулги бўлишни истамайман, деди. Декабрнинг ўша тонгида Урсула болаларига энг яхши кийимларини кийгизди, уларнинг юзига упу суртди ва Мелькиадеснинг бежирим камераси олдида икки дақиқа давомида қимирламай туришлари учун ҳар бирига бир қошиқдан

<sup>1</sup> Лавра — катта монастырь.

каллашўрва ичирди. Яккаю ягона ҳисобланмиш ушбу оилавий суратда Амаранта билан Ребеканинг ўртасида турган Аурелиано қора костюм кийиб олган эди. У орадан бир неча йил ўтгач, девор ёнида ўзига ўқ узишларини кутганидагидек ҳорғин, аммо кўзлари тийрак ҳолда тасвирланган эди. Лекин йигитча ўшанда келгусидан, қисматидан беҳабар эди. У водийга донғи кетган қўли гул заргар эди, холос. Эндиликда Мелькиадеснинг ҳам меҳмонхонасига айланган устахонада Аурелианонинг бор-йўқлиги деярли билинмасди. Отаси билан лўли шисалару фотопластинкалар ювладиган идишларнинг шақирлаши, кислоталарнинг тўкилиши ва бу ур-йиқитда бромли кумушнинг исроф бўлганига ҳам эътибор бермай, Нострадамуснинг башорати хусусида бақириб-чақириб баҳслашаётганларида, Аурелиано ўзини гўёки бошқа бир оламда чарх ураётгандай сезар эди. У ишнинг кўзини билибгина қолмай, балки ишга бутун вужуди билан киришиб кетарди, шу боис ҳам тез орада Урсуланинг хўрозқандларини сотишдан келадиган ақчаларга нисбатан анча кўп пул топадиган бўлди. Ҳаммани бир нарса — нима сабабдан балоғатга етган бу эркакнинг ҳалигача аёллардан баҳраманд бўлмагани ажаблантирарди. Дарҳақиқат, Аурелиано ҳали хотин зотининг ҳидини ҳидламаган эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Макондода яна кекса дайди, ёши икки юзга яқинлашиб қолган Франсиско Одам пайдо бўлди. У илгарилари шаҳарга тез-тез ташриф буюриб, ўзи тўқиган қўшиқларни олиб келарди. Бу қўшиқларда водийнинг Манаурагача элтувчи йўли бўйидаги шаҳар ва қишлоқларда содир бўлган барча воқеалар энг кичик тафсилотларигача ҳикоя қилинар, одамлар танишларига бирон бир гап тайинламоқчи ёки оиласидаги янгиликларни билдиришни исташса, Франсиско Одамга икки сентаво тўлашгани заҳотиёк, у ана шу хушxabарларни албатта ўз репертуарига киритар эди. Бир куни кечкурун қўшиқчидан ўғли тўғрисида бирор янгилик билиш умидида чиққан Урсула ногаҳон ундан ўз онасининг ўлганини эшитди. Қўшиқ тўқиш баҳсида шайтонни мағлубиятга учратгани учун Франсиско Одам деб аталган бу кишининг асл исмини ҳеч ким билмасди, у Макондода уйқусизлик касали бошланганида ғойиб бўлган ва ҳозир яна Катаринонинг уйига келган эди. Одамлар унинг қўшиқларини тинглаш ва оламдаги янгиликларни билиш мақсадида унинг ҳузурига олиқардилар. Франсиско Одам семиз бир хотин билан келган эди. Аёл ўтирган тебранма курсини тўрт нафар ҳинду кўтариб олган; ёшгина мулат қиз эса қўлидаги соябони билан уни қуёшдан пана қилиб борарди. Бу сафар Аурелиано ҳам Катаринонига йўл олди. Баҳайбат буқаламунга ўхшайдиган Франсиско Одам бир гуруҳ бекорчилар ўртасида ўтирарди. У, айтишларича, ўзига Гуайянада сэр Уолтер Рэлей<sup>1</sup> нинг шахсан ўзи тақдим қилган эски аккордеонни чалганча, денгизнинг шўр сувидан ёрилиб кетган катта товонлари билан куй мақомига монанд депсина-депсина чолларга хос дўрилдоқ товушда қўшиқ айтарди. Тўғрисидаги эшик орқали эркаклар негадир галма-гал нариги хонага кириб-чиқишар, эшик ёнидаги курсида ўтирган семиз аёл эса лом-мим демасдан қўлидаги елпигичини силкитарди. Чаккасига қоғоз атиргул тақиб олган Катарино шакарқамиш мусалласидан ичарди, у арзимаган нарсани баҳона қилиб эркакларга яқинлашарди-да, қўлини уларнинг ҳалиги жойларига теккизар эди. Ярим кечаси ҳаво чидаб бўлмайдиган даражада исиб кетди. Аурелиано ҳамма гапларни охиригача тинглади, аммо оиласига тааллуқли ҳеч бир қизиқарли маълумот ололмади. Кетишга шайланаётганида, аёл уни имлаб ёнига чақирди.

— Сен ҳам кир,— деди у.— Бу фақат йигирма сентавога тушади, холос.

Аурелиано аёлнинг тиззасидаги кружкага танга ташлаб, нариги хонада ўзини нима кутаётганини хаёлига ҳам келтирмай, эшикни очди. Кўрпада кўкраклари итнинг эмчагига ўхшаган яланғоч мулат қизча ётарди. Аурелианодан олдин унинг олдига олтамиш уч нафар эркак кириб чиққанди. Шунча одамнинг ўпкасига кириб-чиққан, тер ҳиди аралашган ҳаво аллақандай қуюқ тусга кирган, балчиқдай бадбўй эди. Қизча чойшабни йиғиштираркан, Аурелианодан унинг бир чеккасини ушлаб туришни илтимос қилди. Чойшаб жиққа ҳўл, каноп матодай оғир эди. Улар буррай-буррай чойшабнинг сувини сиқишди, ундан ҳам тер оқди. Аурелиано бу ҳолнинг чексиз такрорланишини жудаям истарди. Ишқу зинонинг назарий жиҳатлари унга аён эса-да, ҳозир тиззалари қалтираб, оёғида зўрға турарди. Ўринни тартибга келтиргач, унга ечинишни буюрган қизчага Аурелиано тутила-тутила: «Мени бу ерга киришга мажбур қилишди. Кружкага йигирма сентаво ташлагин, хонада узок қолиб кетмагин дейишди», дея изоҳ беришга тушди. Қиз унинг ҳолатини тушунди. «Агар сен кружкага яна йигирма сентаво ташласанг, кўпроқ қолишинг мумкин», деди у астагина. Уятдан қизариб кетган Аурелиано кийимларини ечди, унга ўзининг яланғоч бадани акасининг яланғоч бадани олдида ҳеч нарса эмаслиги ҳақидаги фикр тинчлик бермасди. Қизнинг барча уринишларига қарамай у ўзини тобора

<sup>1</sup> Уолтер Рэлей (1552-1618) — инглиз денгизчиси. У шимолий ва жанубий Америкада уюштирилган бир неча экспедицияларга раҳбарлик қилган.

лоқайд ва танҳо сезарди. «Мен яна йигирма сентаво ташлайман» дея ғўлдирадди у васвасага тушиб. Қиз унга миннатдорлигини сассиз изҳор қилди. Унинг қобирғалари шундоққина терисини туртиб чиққан, орқаси қонталаш эди. У ниҳоятда хориган, оғир-оғир нафас оларди. Қизча бундан икки йил аввал, Макондодан анча ҳали бўлган жойда, ухлашидан илгари шамни ўчиришни эсдан чиқариб қолдирган, уйғонганида атрофини аланга қоплаганди. Уни тарбиялаган бувиси иккови яшайдиган уй куйиб, кул бўлган эди. Ана шу пайдан бошлаб бувиси уни шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб олиб юрар, унинг товонини тўлаши учун йигирма сентавога эркакларга қўшар эди. Қизчанинг айтишича, у яна ўн йил давомида ҳар кечаси етмиш нафар эркак билан ётиши керак, чунки унинг товонини тўлашдан ташқари йўл ҳаражати, овқат пулино бувисини кўтариб юрувчи ҳиндуларга ҳам анчагина пул даркор экан. Қизга ҳатто қўлини ҳам теккизмаган Аурелиано, семиз аёл иккинчи бор эшикни тақиллатганида, қуйилиб келаётган кўзёшларини зўрға тийганча хонадан чиқиб кетди. У кечаси билан ухлай олмади, қизча ҳақида оғир ўйга ботди. Аурелиано уни севишни, ҳимоя қилишни истарди. Эрталаб у қизчани бувисининг зулмидан қутқаришга, ундан ҳар кеч етмиш эркак оладиган лаззатни ўзи тотиш ниятида унга уйланишга қатъий қарор қилди. Аммо у эрталаб соат ўнда Катарино-никига келганида, қизча Макондодан аллақачоноқ чиқиб кетган эди. Утган вақт йигитнинг қайноқ ва енгилтак ҳис-туйғусини бирмунча совутди, аммо унинг қалбида ушалмаган бир армон қаттиқ ўрнашиб қолди. У иш билан кўнглини овутиб юрди. Аурелиано ўзини аёл билан ётишга лаёқатсиз деб ҳисоблар ва бу шармандалигини ошкор қилмаслик учун энди бир умр аёл кўрмаган эркакдай бир ўзи яшашга кўникиб қолганди. Мелькиадес фотопластинкаларга Макондодаги барча диққатга сазовор жойларининг тасвирини тушириб бўлган, расмхона — устaxonани хомхаёл Хосе Аркадио Буэндианинг ихтиёрига топширди; Хосе Аркадио Буэндиа дагерротипия ёрдамида худонинг мавжудлигини илмий асосда исботлашга аҳд қилганди. Агар худо бўлса, уйи атрофида туширган тасвирларни бир-бирининг устига қоплаш натижасида, эртами-кечми, бари бир унинг суратини олишга ишонар, акс ҳолда, унинг мавжудлиги ҳақидаги фикрга бутунлай чек қўймоқчи эди. Мелькиадес Нострадамусни ўрганишга шўнғиб кетди. Ранги ўчган баҳмал камзулини кийиб олиб, алмисоқдан қолган узуклар тақилган кичкина, худди чумчуқ панжасини эслатувчи қўллари билан қоғозга алланарсаларни ёзиб, ярим кечагача ўтирарди. Бир куни унга Макондонинг келажакига оид ваҳий келгандай бўлди. Макондо шаффоф ойнавандли катта-катта бинолардан иборат ажойиб шаҳар бўлар экан ва бу шаҳарда Буэндиа аждодларининг изи ҳам қолмас экан. «Бўлмагур гап,— дея ғазабланди Хосе Аркадио Буэндиа буни эшитиб.— Бинолар ойнадан эмас, мен тушимда кўрганимдек, мўздан қурилади. Буэндиа авлодлари унда то дунё тургунича яшашади». Урсула нуқул телбалар тўпланган бу уйга заррача бўлса-да соғлом фикр олиб киришга тиришарди. Энди у новвоту хўрозқандлар тайёрлабгина қолмасдан, яқинда қурдирган каттакон печда сават-сават нон, кўплаб пудинг, пирожное ва бисквит ҳам пиширар эди, буларни водий йўлига олиб чиқиб, атиги бир неча соатда сотиб юборишарди. Урсула, гарчанд оёғини узатиб дам оладиган ёшга етганига қарамай, тиним билмас, йилдан-йилга серҳаракат бўлиб борарди. Урсула қандолатчиликдан келаётган даромадга, омади юришганига шунчалик берилиб кетгандики, ҳатто бир куни кечқурун ҳинду қиз қозонга шакар солаётганида, деразадан, ҳовлига хаёлчан боқаркан, кечки майин нурлар остида керги билан ниманидир тикаётган ёш ва чиройли икки қизга кўзи тушди-ю, аммо уларни таний олмади. Улар Ребека билан Амаранта эди. Қизлар бувилари мотами муносабати билан роса уч йил кийиб юришган қора либосларини гулли кўйлақларга алмаштирганликларидан тамомила ўзгариб кетишганди. Айниқса, Ребека жуда сулув эди. Унинг бадани тиниқ, кўзлари катта-катта, босиқ эди, сеҳрли қўллари матога гул тасвирини гўёки иписиз тушираётгандай туюларди. Амаранта ундан кичик эди, у қадар нозик бўлмаса-да, аммо марҳум бувисидан туғма олижаноблик ва ўз қадрини билиш ҳиссини мерос қилиб олган эди. Отасидай бақувват бўлиб ўсаётган Аркадио уларнинг олдида болага ўхшарди.

Аркадио Аурелиано раҳбарлигида заргарлик билан шуғулланарди, бундан ташқари, Аурелиано унга ўқиш ва ёзишни ҳам ўргатганди. Урсула хонадонлари катта ёшдаги одамлар билан тўлиб-тошганини, болалари шу яқин ўртада оила қуришиб, ували-жували бўлажаклари ва ўшанда уйлари уларга торлик қилиб қолиши туфайли уларнинг оилаларини алоҳида ажратиш лозимлигини тушунди. Шунда у бир неча йиллар оғир меҳнат эвазига йиққан пулларини олиб, қурувчилар билан уйни кенгайтириш хусусида гаплашди. Уларга меҳмонларга аталган каттакон зал, ўз оиласи учун мўлжалланган салқин ва шинам хона, ўн икки ўринли емакхона, тўққизта деразасиям ҳовлига қаратилган ётоқхона, қуёш нурларини ўтказмайдиган, қирққулоқ ва бегониялар ўсадиган туваклар ва гулдонлар қўйишга мосланган узун галерея қуришни буюрди. Шунингдек, у ошxonани иккита печь сиғадиган

даражада кенгайтиришга, Пилар Тернера Хосе Аркадиога унинг келажаги хусусида фол очган қазноқни бузиб, уйларида доимо керакли озиқ-овқат бўлиб туриши учун, унга икки баравар келадиган янги қазноқ қуришга ҳам бел боғлади. Ҳовлидаги катта каштан дарахти остига эса бири аёлларга, бошқаси эркакларга мўлжалланган иккита ҳаммом, орқа тарафда кенг отхона, симтўр билан ўралган товукхона, молхона қуришни, дайди қушларга бошпана — усти очик қафас қилишни ҳам режалаштиришди. Гўёки эрининг жонсарак фикрлари юқиб қолгандай, аллақандай шижоатга тўлиб-тошган Урсула уйларига келган ўнлаб гишт терувчилару дурадгорларга бўлажак хоналарнинг эшик-деразаларини қайси томонга ўрнатиш лозимлиги ва қуриш билан боғлиқ бошқа кўплаб муаммолар бўйича турли-туман маслаҳатлар берарди. Макондога асос солинганида қурилган бу эски уй сон-саноксиз ишчилар, қурилиш материалларино асоб-ускуналар билан тўлиб тошганди, ишчилар ўзларининг уй эгалари оёғи остида ўраллашиб юрганликларини хаёлларига ҳам келтирмас, аксинча, «бизга халақит қилманглар», дея, уларга танбеҳ беришарди; суяк солинган қоп ҳар қадамда лоп этиб чиқиб қолар, қурувчилар устихонларнинг шақир-шуқуридан жиғибийрон бўлишарди. Сўнмаган оҳак ҳовури ва қайноқ мум ҳиди тўла бу тўполон ичида Макондо тарихидаги энг улкан уй пайдо бўлдики, кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлади; бу уй қўшни уйлардан кўлами билангина эмас, балки меҳмоннавозлиги ва салқинлиги билан ҳам ажралиб турарди. Хосе Аркадио Буэндианиннг ўзи ҳам уй қай тариқа қурилганига кўпда тушунолмади, чунки у аини иш қизиган кезларда худонинг висолидан баҳраманд бўлиш умидида тажриба ўтказарди. Аини шундай кунлардан бирида Урсула эрининг оромини бузди. У бино пештоқини ўзимиз истагандай оққа эмас, кўкка бўяшга фармон берилди, деб айтганида, янги уй битиш арафасида эди. Хосе Аркадио Буэндиа хотинининг гапларини тузукроқ англамади, сўнг у узатган фармонини қўлга олиб, фармойишчининг имзосини синчиклаб ўрганиб чиқди.

— Ким экан у одам? — деб сўради ниҳоят.

— Коррехидор, — деди машаққатдан адои тамом бўлган Урсула, — айтишларича, у бошлиғимиз экан, ҳукумат юборибди.

Дон Аполинар Москоте, яъни коррехидор Макондога ортиқча дабдабасиз, ими-жимиди кириб келди. Москоте савдогар араблардан бири қуриб, «Ёқуб меҳмонхонаси» дея ном олган карвонсаройда тунади, эртасига эса Буэндиалар хонадонидан икки кўча нарида жойлашган, деразалари кўчага қараган уйни ижарага олди. Москоте хонага Ёқубдан сотиб олган стол ва стулни жойлаштирди, деворга ўзи билан бирга олиб келган республика гербини илиб, эшикка «Коррехидор» деб ёзиб қўйди. Сўнг миллий озодлик куни шарафига барча уйларнинг деворларини кўк рангга бўяш ҳақида илк фармойишини чиқарди.

Хосе Аркадио Буэндиа фармон нусхасини олиб келганида коррехидор ўзининг камтаргина идорасига ўрнатилган гамакда тушки овқатдан сўнг дам олиб ётарди. «Шу қоғозни сиз ёзганмисиз?» — деб сўради Хосе Аркадио Буэндиа. Ёши бир жойга бориб қолган, хушчақчақ, аммо анча журъатсиз кўринадиган дон Аполинар Москоте, «ҳа», дея жавоб қайтарди. «Нима ҳаққингиз бор бундай қилишга?» — яна савол берди унга Хосе Аркадио Буэндиа.

Дон Аполинар Москоте стол тортмасидан аллақандай қоғоз чиқариб, унга узатди. Қоғозда: «Ушбу шаҳарга коррехидор вазифасини бажариш учун юборилган», деган ёзув бор эди.

— Шаҳримизда ҳали ҳеч қачон қоғозлар ҳукмдорлик қилмаган, — дея хотиржамлик билан эътироз билдирди Хосе Аркадио Буэндиа. — Эсингизда тутингки, бизни тузатиш учун ҳеч ким даркор эмас, бизда тузатадиган ҳеч нима йўқ.

У яна ўша хотиржамлик билан, товушини бандлатмасдан, дон Аполинар Москотега Макондони қандай барпо этганларини, йўллар қурганларини, лекин қанчалик қийналишса-да, ҳукуматни безовта қилмаганлари ҳақида батафсил гапириб, энди ҳукумат ҳам бизни ўз ҳолимизга қўйсин, деб айтди. «Бизлар беозор одамлармиз, бизда ҳатто ҳали ҳеч ким ўз ажали билан ўлган ҳам эмас, — деди Хосе Аркадио Буэндиа. — Узингиз кўриб турибсиз, Макондода ҳанузгача қабристон йўқ». Йўқ, у ҳукуматдан шикоят қилмоқчи эмас, аксинча, ҳукумат шаҳарчининг тинчгина ривож топишига халақит бермаганидан ғоят хурсанд ва бундан кейин ҳам ана шундай бўлишига умид боғлайди, бинобарин, улар Макондони дуч келган бегона одам уларга буйруқ беришлари учун бунёд этишмаган. Дон Аполинар Москоте кўпол момиқ курткасию худди курткага рангдош оппоқ шимини кийгач ҳам, одамшавандалигини йўқотмади.

— Агар сиз шаҳримизда жўн фуқаро бўлиб қолишни истасангиз — бош устига, — дея сўзини яқунлади Хосе Аркадио Буэндиа. — Аммо сиз бу ерда тартибсизлик ўрнатмоқчи, одамларни ўз уйларини кўк рангга бўяшга мажбур қилмоқчи бўлсангиз, лаш-лушларингизни кўтариб, келган жойингизга қайтиб кетинг. Менинг уйим масаласига келсак, у чинни каптардек оппоқ бўлади.

Дон Аполинар Москотенинг рангидан қони қочди. Хиёл ортга тисланиб, тишларини қаҳрли қисирлатганча:

— Эҳтиёт бўлинг, менда қурол бор! — деб огоҳлантирди.

Хосе Аркадио Буэндиа кутилмаганда яна ўша ёшлигидаги, отни бир уриб қулатишга қодир бўлган пайтидаги кучга тўлганини сезмай қолди. У дон Аполинар Москотени ёқасидан тутганича, ердан даст кўтарди.

— Одам ўлдириб виждонимга бир умр азоб бергандан кўра, тирик одамни бир неча минут давомида судраб юришни афзал кўрганимдан шундай қил-япман, — деди у.

Ва у дон Аполинар Москотени ёқасидан кўтарган ҳолда кўчанинг ўртасига — Макондодан водийга қараб кетадиган йўлга чиқариб қўйди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Москоте қуролланган олти нафар жулдурвоқи солдатни бошлаб келди; ҳўкизлар қўшилган аравада эса унинг хотини, етти қизи ўтиришарди. Кейинроқ мебель, сандиқ ва уй анжомлари ортилган иккита арава келди. Коррехидор тузукроқ бир уй топилгунича оила аъзоларини «Ёқуб меҳмонхонаси»га жойлаштирди ва яна идорасини очиб, унинг эшиги олдига икки соқчи қўйдирди. Макондонинг туб аҳолиси келгиндиларни ҳайдаб юборишга қатъий аҳд қилишди. Улар, келгиндиларни бадарға қилиш ишида бош-қош бўлар, деган умидда, Хосе Аркадио Буэндианинг уйига бордилар. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа, дон Аполинар Москоте хотинию болаларини олиб келибди, эркак кишини бола-чақасининг кўз ўнгида шарманда қилсак ножоиз бўлади, деди, энди бу ишни тинч йўл билан ҳал қилиш лозим.

Хосе Аркадио Буэндиа ўғли Аурелианони ёнига олиб, коррехидорнинг уйига йўл олди. Энди Аурелиано мўйлов қўйиб, овози ҳам озмунча салобат касб этган навқирон йигит эди. Кейинчалик, Аурелиано урушда қатнашганида ҳам унинг овози бошқаларникидан ажралиб турарди. Ота-бола қуролланмаган эса-да, соқчиларни писанд ҳам қилмай, коррехидорнинг идорасига киришди.

Дон Аполинар Москоте саросимага тушмади. У меҳмонларни идорага ногаҳон кириб қолган қизлари — онасига ўхшаш қорасоч, ўн олти ёшли Ампаро ва зумрад кўзли, эндигина тўққизга кираётган кўҳликкина Ремедиос билан таништирди. Опа-сингиллар ғоят одобли экан. Ота-бола Буэндиалар кириб келган заҳотиёк, уларнинг ҳурмати учун жойларидан туриб, курси қўйиб беришди. Лекин меҳмонлар ўтиришга унамади.

— Майли, оғайни, — деди Хосе Аркадио Буэндиа. — Биз сизларга шахримизда қолишга ижозат берамиз, лекин эшик ёнида миштиқ кўтариб турган анави қароқчилардан чўчиганимиздан эмас, балки сизнинг оилангизнинг иззатини ўйлаб шу қарорга келдик...

Дон Аполинар Москоте нимадир демоқчи эди, лекин Хосе Аркадио Буэндиа унга оғиз очишга имкон бермади.

— Бироқ бизнинг икки шартимиз бор, — давом этди у. — Биринчиси: ҳар бир одам ўз уйини ўзига ёққан рангга бўяйди. Иккинчиси: солдатлар ҳозироқ Макондони тарк этишлари зарур. Шаҳардаги тартиб учун биз жавоб берамиз. Коррехидор ўнг қўлини балаңд кўтариб:

— Чин виждон сўзларингми бу? — деб сўради.

— Душман сўзи, — деди Хосе Аркадио Буэндиа, сўнг ҳасрат билан қўшиб қўйди: — Бир нарсани айтиб қўяйки, энди иккимиз умрбод душман бўлиб қоламиз.

Солдатлар ўша кечаси шаҳардан чиқиб кетишди. Орадан бир неча кун ўтгач, Хосе Аркадио Буэндиа коррехидорнинг оиласи учун қулай уй топди. Шу-шу, Аурелианодан бошқа ҳаммаси тинчланишди. Коррехидорнинг кенжа қизи (гарчанд у ҳали кичкина қизалоқ бўлсада) Ремедиоснинг сиймоси унинг қалби тўрига жойлашиб, мудом азоблар эди. Бу ҳиссиёт шунчалик яққол сезилар эдики, худди туфлига кириб қолган майда тош мисол озор берарди.

\* \* \*

Нақ чинни кабутарни эслатувчи уйнинг қуриб битказилиши катта базм билан нишонланди. Базм Ребека билан Амаранта бўй етиб қолганини сезган Урсуланинг таклифига биноан уюштирилди. Очиғини айтганда, ана шундай базм учун муносиб жой ҳозирлаш истаги янги уй қад кўтаришига сабаб бўлган эди. Урсула орзу-ҳавас мевасини тотиш умидида, жонини жабборга бериб ишлар, ҳатто қандолатчилик ва новвойликдан тушган сармоясига, ҳали қурилиш битмай туриб, уйни безаш учун ғаройиб ва қимматбаҳо жиҳозлар буюртма берган, буюртмалар орасида ажойиб янгилик — пианола ҳам бўлиб, Урсула бу хариди билан бутун шаҳарни лол қолдириб, ёшларнинг дилини шод қиламан, деб ўйларди. Пианола бўлиб солинган бир неча қутини Вена мебели, Богемия биллури, қимматбаҳо идиш-товоқлар,



голланд газмолидан бўлган чойшаблар, турли бежирим чироқлар, қандиллар, гулдонлар ва гиламлар билан қўшиб олиб келишди. Ушбу молларни юборган Савдо уйдагилар пианолани йиғиш, созлаш ҳамда уни чалишни ва олтита картон цилиндрга ёзилган замонавий куйлар остида рақс тушишни ўргатиш учун ўз ҳисобларидан Пьетро Креспи исмли итальян устасини ҳам жўнатишган эди.

Пьетро Креспи ёш ва малласоч йигит эди. Макондоликлар шу чоққача бундай кўркам ва хушфеъл эркакни кўришмаган эдилар. У башанг кийинишни шу қадар севардики, ҳаво қизиб кетган пайтларда ҳам эғнидаги кумуш нақшли чарм нимчаси билан қора мовутдан тикилган камзулини ечмасди. Хонадон соҳиблари билан деярли гаплашмас, меҳмонхонанинг эшигини қулфлаб олиб, қора терга ботганча, ҳафталаб ишлар, ўз ишига савдойилиги билан заргарлик ишига ошуфта бўлмиш Ауралианодан асло қолишмасди. Бир куни эрталаб Пьетро Креспи меҳмонхона эшигини қулфлаб олиб, ҳеч кимни огоҳ этмасдан туриб, пианолага биринчи цилиндрни ўрнатди ва шу заҳотиёқ болғаю болорларнинг тарақ-туруғи қайгадир чекиниб, нафис куй тарала бошлади. Ҳамма меҳмонхонага қараб югурди. Хосе Аркадио Буэндиа куйнинг нафислигидан эмас, балки ўз-ўзидан кўтарилиб-тушаётган клавишларни кўриб ҳайратдан қотиб қолди. У кўзга кўринмас ижрочини суратга тушириш мақсадида ҳатто хонага Мелькиадеснинг камерасини ўрнатди. Уша куни эрталаб итальян уста бутун оила даврасида нонушта қилди. Хонага овқат келтириб турган Ребека билан Амаранта, юсуфмонанд бу одам узук ҳам тақилмаган оқиш бармоқлари билан пичоғу вилкани ишлатишига чўчинқираб боқишар эди. Пьетро Креспи қўшни хонада уларга рақс бўйича сабоқ бера бошлади. У қизларга жипс келмаган ҳолда, метроном зарбларига мослаб турли муқомларни ўргатарди. Сабоқ кетаётган пайтда Урсула хонадан жилмас, бир чеккада азоб билан ўтириб, қизларнинг хулқ-атворини назорат қиларди. Пьетро Креспи рақсбоп оёқ кийимию ниҳоятда тор ва башанг шим кийиб олганди. «Беҳудага ташвишланысан, — дерди Хосе Аркадио Буэндиа хотинига. — Ахир унинг эркаклик сиёғи йўқ-ку!» Аммо Урсула то Пьетро Креспи қизларни рақс тушишга ўргатиб бўлиб, Макондодан кетганича «соқчилик» қилди. Кейин байрамга тайёргарлик бошланди. Урсула таклиф этиладиган меҳмонларнинг рўйхатини тузиб чиқди, улар орасида Макондога асос солганлару уларнинг барча зурёдлари бор эди. Шу пайтга қадар оталари номаълум яна икки ўғил туққан Пилар Тернерагина меҳмонлар рўйхатига кирмади. Меҳмонларни танлашда табақачиликка йўл қўйилган бўлса-да, бари бир, у дўстлик туйғуларига асосланган эди. Чунки меҳмонга келувчилар Макондони барпо этиш билан аяқланган бу катта сафарга отланмасликларидан бурун ҳам Буэндиалар оиласининг дўстлари ҳисобланишарди, уларнинг ўғиллари билан неваралари болаликданоқ Ауралиано ва Аркадио билан дўст тутинишган бўлиб, қизлари эса Ребека ва Амаранта билан чеварлик қилишга руҳсат олган дугоналари эди. Макондонинг беозор ҳукмдори куруқ савлат тўкиб юрар, унинг бор-йўқ фаолияти — ўзининг пуч ҳамёнидан ёғоч асоли икки полициячини боқишдан иборат эди. Унинг қизлари рўзғор ваҳждан тикувчилик устахонасини очишди. Устахонада ҳатто сунъий гуллар, гуайявадан турли ширинликлар ҳам тайёрланар, баъзан эса махсус буюртмага кўра ишқий мактублар ҳам битилар эди. Қизлар камтар ва илтифотли эканликларига, шаҳардаги энг гўзал қизлар тоифасига киришларию янги рақсларни қотириб ижро этишларига қарамай, улар базмга айтилганлар қаторига киришолмади.

Урсула, Амаранта ва Ребека жиҳозларни ўрнатиб, кумуш идишларни тозалаб, атиргуллар ортилган қайиққа тушган қизлар тасвирларини бўм-бўш деворларга илишаётган пайтда, худо йўқлигига аниқ ишонч ҳосил қилиб, унинг васлидан умид узган Хосе Аркадио Буэндиа, пианоланинг сеҳрли сирини билмоқ ниятида унинг ичак-чавоғини ағдариб ташлаган эди. У аллақердан пайдо бўлган ортиқча болтлару болғачалар уюми олдида, гоҳ у, гоҳ бу симларни тортолмай гаранг бўлиб, ниҳоят, байрамга икки кун қолганида, пианолани бир амаллаб қайта тиклади. Ҳали Буэндиаларнинг хонадони ҳеч қачон бундай катта ташвишу тўс-тўполонни кўрмаган эди, аммо шунга қарамай, керосинли янги чироқлар белгиланган кун ва соатда ёндирилди. Ҳали хоналаридан қатрон ва лой хиди анқаб турган уйнинг эшиклари ланг очилди ва Макондо асосчиларининг болаларию неваралари қирққулоқ, бегония ўсувчи галерея, осудали ҳукмрон хоналар, атиргулларнинг анвойи бўйи таралувчи боғ билан танишдилар, сўнгра улар меҳмонхонага, оқ чойшаб остига беркитиб қўйилган ғаройиб мўъжиза олдида тўпланишди. Бошқа водийлардаги шаҳарларда кенг тарқалган пианинони кўрганларнинг қизиқиши дарҳол сўнди, аммо пианола ҳаммадан ҳам кўпроқ Урсуланинг ғазабини тоширди — Ребека билан Амаранта рақс тушишиб, базмни бошлаб беришлари учун у цилиндрни пианолага ўрнатганида, пианола овоз чиқармади. Кўзлари ожиз, мункиллаб қолган Мелькиадес ўзининг эски афсунгарлигини ишга солиб, пианолани тузатмоқчи бўлди, аммо ҳеч бир натижа чиқмади. Ногаҳон Хосе Аркадио Буэндиа бу каттакон создан сирғалиб чиққан аллақандай

детални силжитиб юборганида, пианоладан аллақандай товуш тарала бошлади; пианола олдинга хириллади, кейин эса куй овозлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Болғачалар бўлса таранг тортилган торларни жон-жаҳди билан савалаб, сўнгра бирин-кетин шиддат билан болтлардан ажралиб тушди. Аммо денгизни қидириб топиш мақсадида ўтиб бўлмас тоғ тизмаларини забт этган жасур йигирма икки одамнинг авлодлари пианоланинг ерда сочилиб ётган қисмларини ҳатлаб ўтишиб, жўнроқ бўлса-да, эрталабгача базм қуришди.

Петро Креспи пианолани тузатиш учун яна Макондога қайтиб келди. Ребека билан Амаранта унга торларни тартибга келтиришда кўмаклашишар ва қоришиб кетган вальс ноталарини эшитиб, биргаликда мароқ билан кулишарди. Италиялик уста ўзини шу қадар одобли тутардики, буни кўриб Урсула уни назорат ҳам қилмай қўйди. Петро Креспи жўнашидан олдин кутилмаганда унинг шарафига зиёфат уюштирилди. Уста ўзи тиклаган пианоланинг куйига Ребека билан биргаликда ҳақиқий замонавий рақс санъатини намойиш этишди. Аркадио билан Амаранта эса назокат ва чаққонликда улардан қолишмади. Аммо эшик бўсағасидаги бир қатор томошабинлар орасида турган Пилар Тернера, Аркадионинг думбаси аёлларникига ўхшаб кетаркан, деб айтган аёлнинг сочига чанг солганидан сўнг, рақсни тўхтатишди. Вақт ярим тун бўлиб қолганди. Петро Креспи қалбларни ларзага соладиган нутқ сўзлаб хайрлашди ва яна қайтиб келишга ваъда берди. Ребека уни остонагача кузатиб қўйди. Эшиклар беркитилиб, чироқлар ўчирилгач, у хонасига кириб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлай бошлади. Йиғи бир неча кун давом этди, лекин бунинг сабабини ҳеч ким, ҳатто Амаранта ҳам билмасди. Ребеканинг ичимдан топлиги уйдагиларни ажаблантирмади. Кўринишдан хушчақчақ Ребека аслида одамови ва ҳадеганда дил ёрмайдиганлар тоифасидан эди. Гарчанд у эндиликда чиройли, оёқлари узун, бақувват ва хушрўй қизга айланган бўлса-да, Буэндиаларникига олиб келган тебранма курсисида ўтиришни ёқтирарди; айтгандай, курсини аллақачоноқ бир неча бор қайта-қайта тузатишган, унинг суянчиғи ҳам йўқ эди. Қолаверса, Ребека шу ёшга етса-да бармоқ сўриш одатини тарк этмаган эди. Шу одати боис, у баъзида ҳаммомга беркиниб олар, ухлаганди ҳам юзини деворга қаратиб ётарди. Ёмғирли кечалари, бегониялар ўсувчи галереяда дугоналари билан газламага гул тикканларича суҳбат қуришаётганда, баъзида у гапидан адашиб қолар, чунки боғнинг намхуш йўлкалари, чувалчанглар лойдан ясаган дўнгликларга тикилгач, оғзи бир умр эсдан чиқмайдиган ўша тахир кесак таъмини кўмсай бошларди. Гап шундаки, Ребека йиғлай бошлаганида, бир вақтлар апельсин шарбати ва равоч ёрдамида йўқотилиб юборилган бемаъни одати қайтадан кўзирди.

Ребека яна кесак ея бошлади. У даставвал бу ишни атайлаб эмас, балки тупроқнинг бемаза таъми дардимга малҳам берар, деган хаёлда қилган эди. Ҳақиқатан ҳам, у дастлаб оғзидаги кесакни туфлаб ташлади. Лекин тобора авжига чиқаётган кўмсашга аста-секин эски кўйига тушиб кесак ея бошлади. У чўнтагига бир сиқим тупроқ солганча, дугоналарига янгича қавиқни ўргатаркан, кўйларида кесак ейишга мутлақо арзимайдиган эркаклар ҳақида гаплашарди. Ребека қизлардан яширинча чимдимлаб-чимдимлаб, чўнтагидagi тупроқни еб тугатарди. Назарида, бу тупроқ чимдимлари муҳаббатга лойиқ эркакни маълум даражада яқинлаштиргандай бўлар, гўёки унинг юмшоқ этикларининг изи тушиб қолган бу тупроқ Ребеканинг вужудига ўша эркак қонининг ҳароратини ўтказар, тупроқнинг оғизни куйдирувчи таъми юрагига таскин берарди. Бир куни кечқурун Ампаро Москоте уларнинг янги уйлари кўришга рухсат сўраб қолди. Амаранта билан Ребека кўққисдан ташриф буюрган меҳмонни, уялганлариданми, ишқилиб, совуқ ва расмий кутиб олишди. Улар коррехидорнинг катта қизларига хоналарни кўрсатишди, пианола қўйиб беришди, лимонад ва печенье билан сийлашди. Ампаро ўзини шунчалар одобли тутдики, қизлар тугул, хонага сал кечикиброқ кирган Урсулада ҳам яхши таассурот қолдирди. Икки соатлардан сўнг, яъни суҳбат адоғига ета бошлаганида, Амарантанинг хаёли нима биландир банд бўлганидан фойдаланиб, Ампаро Ребекага мактуб тутқазди. Ребеканинг кўзлари конверт устидаги «Донья Ребека Буэндиа» деган ёзувни илғашга улгурди. Ребеканинг фамилияси унга таниш бўлган ўша чиройли имлода, ўша яшил сиёҳда, пианолани қандай ишлатиш ҳақидаги кўрсатмалардагидек равон ва текис қилиб ёзилган эди. Ребека хатни корсажига яшириб қўйди ва Ампаро Москотега чексиз миннатдорчилик ҳисси билан тикилдиди, кўзларидан Ампаро билан умрининг охиригача яқин сирдош бўлишга тайёрлигини уқиш мумкин эди.

Ампаро Москоте билан Ребека Буэндианинг дўстлиги Аурелиано қалбидagi умидни янгилади. Кичкина Ремедиос ўйи унга ҳамон азоб берар, аммо қизчани кўришга имкон тополмасди. Дўстлари Магнифико Висбал ва Херинельдо Маркес — улар Макондога асос солган ана шундай исм ва фамилияли одамларнинг ўғиллари эди — билан шаҳар бўйлаб сайр қиларкан, унинг чанқоқ кўзлари тикув устахонасидан Ремедиосни қидираб, лекин устахонада фақатгина унинг

опаларига дуч келарди, холос. Ампаро Москотенинг ҳар бир келиши йигит учун байрамга айланарди. «Ремедиос опаси билан албатта келади, — дея Аурелиано ўзига ўзи пичирларди. — Албатта келади». Бу гапларни шунчалик комил ишонч билан такрорлардики, бир куни кечқурун устахонада тилла балиқча ясаётганида, тўсатдан Ремедиос ўзининг даъватига жавоб берганини ҳис қилди. Ва ҳақиқатан ҳам, орадан бир оз вақт ўтгач, қулоғига ёш қизчанинг овози чалинди. Ва у бошини кўтардию эшик олдида турган пушти кўйлакли ва оқ туфлили қизчага кўзи тушиб, юраги кўрқувдан музлаб қолай деди.

— У ёққа кириш мумкин эмас, Ремедиос! — дея қичқирди синглисига Ампаро Москоте галереядан туриб. — Устага халал берма.

Аммо Аурелиано, қизча ҳали опаси айтган гапни уқиб олишга улгурмай, унга занжирга осилган олтин балиқчани кўрсатиб:

— Майли, киравер, — деди.

Ремедиос ичкари кириб нимадир деб сўради, лекин Аурелианонинг тўсатдан томоғи бўғилиб, бир нарса деёлмади. У зумрад кўзли оппоққина қизчанинг умрбод шу ерда қолишини истади, токи Ремедиос кетмаса, уни худди отасига мурожаат қилаётгандек ҳурмат билан «синьор» деб чақираверса... Бурчакдаги столда ёнида ўтириб, ўқилиши қийин алланимабалоларни ёзаётган Мелькиадес ҳозир Аурелианонинг кўзига балодек кўринди. Йигит қизчага, сенга шу балиқчани ҳадя қилай, деб айтишга улгурди холос. Ремедиос эса чўчиди, устахонадан шоша-пиша чиқиб кетди. Уша кеч Аурелианонинг сабрига путур етди. Ишини йиғиштириб қўйиб, хаёлан Ремедиосни кўп бора чорлади. Лекин қизча энди унинг даъватини жавобсиз қолдирарди. Аурелиано уни опаларининг устахонасидан, пардалари туширилган уйларида, отасининг идорасидан қидирар, лекин қизчани фақат ўз қалбидагина учратар ва бу сиймо ёлғизликдан қийналган юрагига озгина бўлса-да таскин берарди. У энди кунбўйи меҳмонхонадан чиқмас, Ребекага қўшилиб, пианола вальсини тинглар эди. Ребека бу кўйни Пьетро Креспи рақс тушишга ўргатган чоғда янграгани учун, Аурелиано бўлса, ҳамма нарса, ҳатто музика ҳам унга гўзал Ремедиосни эслатиши туфайли тинглар эди.

Хонадон севги ҳисларига тўлиб-тошди. Аурелиано ўз севгисини на боши ва на охири бор шеърларига тўкарди. Шеърларни Мелькиадес совға қилган дағал қоғозларга, ҳаммом деворларига ва ҳатто қўлларининг терисига ҳам ёзарди. Шеърларнинг барчасида Ремедиос турли вазиятларда — пешинги уйқуда, осуда атиргуллар орасида, нон ҳиди анқиётган ёруғ тонг палласида тасвирланарди.

Ребека дераза ёнида чеварлик қилиб ўтириб, ҳар куни соат тўртда ўз севгисини интиқ бўлиб кутарди. У хат-хабар ташувчи хачир Макондога ҳар ойда икки мартагина келишини яхши биларди, лекин бари бир уни кунора пойларди, почтачи келадиган кунини адаштириб белгиланган муддатидан илгарироқ пайдо бўлармикин, деб умид қиларди. Лекин унинг умиди оқланмади: хачир минган почтачи доимо белгиланган муддатда келаверди. Гуссадан адоийи-тамом бўлган Ребека ярим кечаси боққа чиқиб, гўёки ўзини ўлдиришга аҳд қилган одамдек, бахтиқаролигидан йиғлай-йиғлай, майда чиғаноқлар парчалари милкларини конатганига ҳам эътибор бермасдан, капалаб-капалаб тупроқ ея бошлади. Эрталабгача унинг кўнгли айниб чикди. У жонсарақ бир ҳолга тушиб, ақлу ҳушини йўқотди ва бир тун алаҳлаган маҳали юрагидаги сирини беҳаёларча ошкор қилди. Урсула дарғазаб бўлди, сандиқнинг қулфини бузиб, унинг тубидан пуштиранг тасма билан боғланган ва атиргул ҳиди анқувчи ўн олтита хат, эски китобларнинг варақлари орасида сақланаётган барг ва гул қолдиқлари, шунингдек, қуритилган, сал тегилса кукунга айланадиган капалакларни топди.

Ребеканинг дардини биргина Аурелиано тушунишга қодир эди. Урсула қизни сўроққа тутган ўша кечаси Аурелиано дўстлари Магнifico Висбал ва Херинельдо Маркес билан Катаринонинг ишратхонасига йўл олди. Эндиликда ушбу муассаса хийла кенгайган бўлиб, ён тарафда қурилган янги галереянинг тахта девор билан ажратилган катталақдай хоналарида танларидан сўлгин гул ҳиди келган бахтсиз аёллар истиқомат қилишарди. Аккордеончи ва ноғорачилар ансамбли бир неча йилдан бери Макондога келмай қўйган Франсиско Одамнинг қўшиқларини ижро этишарди. Уч ошна шакарқамишдан тайёрланган вино буюришди. Аурелианога тенгдош бўлса-да, унча-мунчасини кўриб анча қирриқ бўлиб қолган Магнifico ва Херинельдо, тиззаларига ўтириб олган аёллар билан шошилмай вино симиришарди. Тилла тишли сўлгин бир аёл Аурелиано эркататмоқчи бўлди. Аммо у аёлни итариб ташлади. У қанчалик кўп ичгани сайин, Ремедиосни шунча кўп эслаётганини пайқади. Лекин хотирот азоби ҳам сусайгандай эди. Кейин Аурелиано қайгадир сузиб кетди. Бу ҳол қандай юз берганини ўзи ҳам сезмай қолди. Назарида, дўстлари ҳам, аёллар ҳам хира туман узра парвоз этишарди. Бир маҳал Катарино қўлини унинг елкасига қўйиб: «Соат ўн бирга яқинлашиб қолди», деди. Аурелиано ўгирилиб, аёлнинг юзидаги кип-қизил доғларни, қулоғига қистирилган сунъий гулни кўрди ва худди уйқусизлик касали авж олган пайтидагидек, яна

хотирасидан айрилди. Эртаси эрталаб, ўзини нотаниш бир хонада кўрди — рўпарасида яланғоч, сочлари тўзғиб кетган Пилар Тернера турар, кўлида чирок тутганча, йигитга ҳайратланиб боқарди:

— Аурелиано!

Аурелиано ўзига келиб, бошини кўтарди. У бу ерга қандай келиб қолганини билмасди, аммо нима мақсадда келганини яхши эсларди; чунки у ҳали болалик чоғиданоқ бу истагини юрагининг туб-тубида яшириб юрарди.

— Мен сиз билан ётгани келдим,— деди йигит.

Унинг кийимлари лой ва сафрога беланган эди. Пилар Тернера — у ўшанда икки кенжатоё ўғиллари билан яшарди — ундан бошқа ҳеч нарса сўрамади. Тўшакка бошлаб келди, ҳўл латта билан юзини артди, ечинтирди, сўнг ўзи ҳам ечиниб, ўғиллари уйғониб қолган тақдирда кўзлари тушмаслиги учун пашшахонани туширди. Пилар Тернера ўзи она қишлоғида жудо бўлган эркакни, тагин қайтиб келамиз дея ваъда бериб кетган бевафо эркакларни, қарталарнинг фолига тушса-да, ҳали-ҳануз унинг уйига келиш йўлини тополмаётган сон-саноксиз эркакларни кута-кута қарчаган эди. Интиқликдан терисига ажинлар тушди, кўкраклари осилиб қолди, юрагидаги ўт сўнди. Пилар Тернера қоронғиликда Аурелиано топиб, қорнига қўлини қўйди ва оналарча меҳрибонлик билан бўйнидан ўпди. «Бечора миттигинам»,— дея пичирлади. Аурелиано титраб кетди. У ғамнинг қояли қирғоқларидан ҳеч бир шошилмай ишонч билан нари суза бошлади. Йўлга туша туриб, Аурелиано йиғлаб юборди. Дастлаб у беихтиёр равишда узук-узук пиқиллади, сўнграқ ўшлари селдай ёпирилиб кела бошлади ва у ичида мадда бойлаб ётган бир шиш ёрилганини ҳис қилди. Аёл унинг сочларини силаб, то Аурелиано юкидан халос бўлгунча кутди. Кейин Пилар Тернера: «Ким у қиз?»— деб сўради. Аурелиано қизнинг кимлигини айтди. Аёл кулиб юборди; унинг кулгиси каптарларни ҳам ҳуркитиб юборарди, энди эса... уйқудаги болаларни уйғотишга ожиз эди. «Қайлигинга энағалик қилишинг керак»,— деб ҳазиллашди у. Аммо йигит унинг ҳазили заминида чуқур ҳамдардлик борлигини тушунди. У юрагини бир неча ойдан бери босиб етган оғир ғам тошини хонада қолдириб чиқаётганида, Пилар Тернера ногаҳон ваъда берди:

— Мен ўша қизча билан гаплашаман. Мана кўрасан, уни сенга нақ тақсимчага солиб қўлингга тутқазаман.

У ўз ваъдасини бажарди-ю, аммо ҳозир бунинг мавриди эмасди. Буэндиалар хонадони олдинги тинчлигини йўқотган эди. Ребеканинг севги сири ошкор бўлгандан кейин кўп ўтмай, Амарантани тўсатдан «безгак» тутиб қолди. У жавобсиз муҳаббат тиғига дучор бўлган эди. Амаранта ҳаммомга беркиниб олиб, қайноқ муҳаббатини хатга солар, аммо мактубларни жўнатмасдан, сандиқ тубига яшириб қўярди. Иккала бемор қизга қараш Урсулани жудаям толиқтирарди. Амарантанинг тушқунлиги сабабини минг бор айёрлик қилиб ҳам билолмади. Ахйири Урсула сандиқ қулфини бузиб, пуштиранг тасма билан танғилган, орасига нилуфарлар жойлаштирилган, устига томган кўзёшлари ҳали қуримаган хатларни топди. Хатлар Пьетро Креспи номига битилган эди. Урсула ғазабдан йиғлади, пианола харид қилиш хаёлига келган ўша кун ва ўша соатни беомон лаънатлади. У тикиш ишларини тақиқлаб, ўликсиз бўлса-да мотамга ўхшаш бир ҳолат эълон қилди. Мотам то қизлар муҳаббатларидан воз кечишгунча давом этиши керак эди. Пьетро Креспига муносабатини ўзгартириб, унинг усталик санъатини мақташга ўтган Хосе Аркадио Буэндианинг аралашувидан ҳам наф чиқмади. Ана шу воқеалар туфайли, Пилар Тернера Аурелианога Ремедиос унга тегишга кўнганини хабар қилганида, йигит хушxabар ота-оналарининг ғамига ғам қўшишини тушунса-да, гуноҳни бўйнига олди. Расмий музокара учун меҳмонхонага қақирилган Хосе Аркадио Буэндиа билан Урсула ўғилларининг аҳду қарорини матонат билан тинглашди. Лекин Хосе Аркадио Буэндиа бўлажак келиннинг номини эшитдию ғазабдан қизариб кетди. «Нима, ақлдан оздингми?— деб бақирди у.— Атрофда шунча гўзал қизлар турганда, сен келиб-келиб душманимизнинг қизини танлай-санми?!» Урсула эса ўғлининг қарорини маъқуллади. У, Москотенинг етти қизи ҳам чиройи, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, одоби билан менга ёқади, шулардан бирини танлаб тўғри қилибсан, дея ўғлини мақтади. Хотинининг бу гапидан кейин лол бўлиб розилик билдирган Хосе Аркадио Буэндиа битта шарт қўйдики, Ребека Пьетро Креспини эр қилади, Урсула ишдан бир оз бўшагач, Амарантани вилоятнинг марказий шаҳрига олиб боради. Эҳтимолки, саёҳат ва иқлим ўзгариши қизнинг юрагидаги ишқ ўтини совутар. Бу ҳақда хабар топган Ребека шу заҳотиёқ тuzалиб, қайлиғига қувончли мактуб ёзди уни ота-онасининг тасдиғидан ўтказиб, почтага шахсан ўзи олиб борди. Амаранта гўёки катталарнинг қарорига рози бўлиб кўринса-да, ичида, Ребека Пьетро Креспига фақат мен ўлганимдан кейин тегади, деб онт ичди.

Келаси шанба Хосе Аркадио Буэндиа қатирма ёқа тақиб, қора мовут костюм ва базм куни сотиб олган юмшоқ чарм этигини кийиб, Ремедиос Москотега совчи бўлиб борди. Кутилмаган бу муҳтарам меҳмонни кўриб, коррехидор билан рафиқаси қувониш баробар ташвишга ҳам тушишди, чунки унинг нима муддаода келганини билишмасди. Мақсад айтилгач эса, улар Хосе Аркадио Буэндиа бўлажак келиннинг исмини алмаштириб юборган бўлса керак, деб ўйлашди. Хосе Аркадио Буэндиага хатосини ағлатиш учун Москотенинг хотини нариги хонада ухлаб ётган Ремедиосни кўлида кўтариб, меҳмонхонага олиб келди. Қизча ҳали уйқудан батамом уйғонмаган эди. Ремедиосдан «Ростдан ҳам эрга тегишни истайсанми?», деб сўрашганида, у ҳиқиллаб, «уйқумга халақит бермасликларингни истайман», деди. Хосе Аркадио Буэндиа, эр-хотин Москотеларнинг шубҳаси бежиз эмаслигини тушуниб, ўғлининг мақсадини аниқроқ билиб келиш учун уйига қайтди. У яна қайтиб келгунича эр-хотин ушбу қувончли воқеага ярашиғли янги либосларини кийиб, меҳмонхонани тартибга солишган, гулдонларга янги узилган гулларни қўйишган эди. Улар катта кизларини тўплашган ҳам эди. Ноқулай аҳволда қолган ва дағал ёқаси азоб бераётган Хосе Аркадио Буэндиа ўғли ҳақиқатан ҳам Ремедиосни танлаганини маълум қилди. «Ахир бу ақлдан эмас-ку!— деди руҳи тушиб кетган дон Аполинар Москоте.— Уша гўдақдан бошқа яна олти қизимиз бор, уларнинг ҳар бири бўй етиб қолган ва ҳар бири сизнинг ўғлингиздек жиддий ва меҳнаткаш кавальерога хотин бўлишга жон деб кўнади. Аурелиано бўлса ҳали ўрнини йўллаб қўядиган гўдакни танлабди». Кўҳликкина, кўзлари ғуссага тўла, ҳаракатлари суст Москоте хоним эрини кўполликда айблади. Дастурхонга мева шарбати тортигач, эр-хотин, Аурелианонинг қатъиятидан кўнгиллари ийиб, ахийри оқ фотиҳа бердилар. Москоте хоним яна бир нарсани: бўлажак қудам Урсула билан холи гаплашиб олсам, дея илтимос қилди. Урсула бу илтимосни эшитиб, аввалига, совчилик дегани эркакларнинг иши, аралашиб нима қиламан, деб тўнғиллади, лекин, бари бир, синчковлиги устун чиқиб, эртаси кунийёқ ҳаяжонланиб, хиёл чўчинқираб, Москотеларнинг уйига борди. Ярим соатдан сўнг қайтиб келиб, ҳали Ремедиос балоғатга етмаганини маълум қилди. Аурелиано бу важб унга тўсқинлик қилолмаслигини айтди. У Ремедиосни жуда кўп кутган эди, эндиликда ҳам, қанча муддат талаб этилса-да, унинг балоғатга етишини кутишга тайёрлигини билдирди.

Қайта тикланаётган тинч ҳаёт оқимини Мелькиадеснинг ўлими бузди. Чолнинг куни битгани шундоқ ҳам аён эди, лекин унинг қазо тафсилоти ҳайратга молик эди. Макондога қайтиб келганидан бир неча ой ўтгач, Мелькиадес шундай тез қарий бошладики, у тез орада шунчаки соядай бемақсад кезиб юрадиган, саодатли дамларини баланд овозда зикр этувчи муңкиллаган чолга айланиб қолди. Одатда бундай чоллар билан бировнинг иши бўлмайди, уларни бир куни эрталаб тўшакда ўлик ҳолда кўриб қолмагунича ҳеч ким эсга ҳам олмайди. Олдинлари дагерротипия ва Нострадамус башоратлари билан қизиқиб қолган Хосе Аркадио Буэндиа ўзи Мелькиадесга ёрдам бериб юарди. Аммо кейин уни тез-тез қолдирадиган бўлди, негаки, энди чол билан гаплашиш кундан кунга оғирлашиб борарди. Кўр ва гаранг Мелкиадес, суҳбатдошларини неча ўн йиллар олдин билган одамлари билан алмаштирар, саволларга эса турли тиллар қоришиғи бўлмиш аллақандай тушунарсиз лаҳжада жавоб қайтарар эди. Хоналар бўйлаб кезаркан, олдиндан сезиш қобилияти кучли бўлгани учунми, ишқилиб, учраган буюмларни чаққонлик билан айланиб ўтар, лекин, бари бир ҳар гал қўллари билан ҳавони пайпаслагани пайпаслаган эди. Мелькиадес бир куни каровати ёнидаги сувли стакандаги сунъий тишларини ўрнатишни унутиб қўйди ва шу-шу уларни ҳеч қачон стакандан қайта олмади.

Уйни кенгайтиришга аҳд қилган Урсула, шовқин-сурондан нарироқ деб, Мелькиадес учун Аурелианонинг устахонаси ёнидан кенг ва ёруғ бўлма кўрдирди, сўнг у ерга жавонлар ўрнатиб чолнинг чанг босиб куя тушган қоғозларини, сунъий тишлари солинган стаканини (эндиликда бу идишда сарғиш гулли сув ўтлари томир ота бошлаган эди) шахсан ўзи элтиб қўйди. Бўлма Мелькиадесга маъқул тушди шекилли, у ҳатто емакхонага чикмай қўйди. Уни фақатгина Аурелианонинг устахонасида учратиш мумкин эди. Лўли устахонада соатлаб ўтириб, патир қатламидай мўрт бўлиб қолган пергаментларга ўзининг сирли фикрларини ёзарди. Чол устахонада тамадди ҳам қиларди. Виситасьон унга ҳар куни икки маҳал овқат олиб борарди. Бироқ сўнгги пайтлар чолнинг иштаҳаси йўқолган, нуқул сабзавот ер, натижада жудаям ҳолсизланиб қолган эди. Эгнидан тушмайди-ган нимчасидан тортиб, баданларигача юпка ва майин моғор қоплаган эди. Аурелиано шеър битиш билан машғул бўлиб, охири лўлининг бор-йўқлигига эътибор бермай қўйди, лекин бир куни Мелькиадеснинг гўлдирашидан нимадир уққандек бўлди. Аурелиано унинг минғир-минғиридан, аввало, худди болғачанинг зарбидек қайта-қайта зикр этилган «кеча-кундуз баравар», «кеча-кундуз баравар» деган гапни ва яна Александр фон Гумбольдтнинг номини ажратиб олди. Аурелианога заргарликда ёрдамга келган Аркадио чол билан сал-пал тил топишга

муваффақ бўлди. Мелькиадес унинг суҳбатига монелик қилмас, гоҳо ўзи ҳам битта-иккита испанча сўз айтар, лекин одатда бу сўзларнинг айна кун воқеаларига мутлақо алоқаси йўқ эди. Бир куни кечаси лўли тамом тинчини йўқотди. Орадан кўп йиллар ўтиб, девор остида ўзини отишларини кутиб турган Аркадио, Мелькиадес аъзои бадани қалт-қалт титраб, ўзининг сирли ёзувларидан бир неча варағини ўқиб берганини эслайди; албатта, у чолнинг ёзувларини тушунмаганди, аммо қироат билан ўқилган бу ёзувлар ўшанда Аркадиога гўё Рим папасининг куйга солинган номалари бўлиб туюлган эди. Уқишни тугатгач, кўп вақтлардан бери ақалли жилмаймаган Мелькиадес бирдан кулди, сўнг испанчалаб: «Мен ўлганимдан сўнг хонамда уч кун симоб қайнатилсин», деди. Аркадио бу гапни отасига етказди. Хосе Аркадио Буэндиа чолдан таъбир сураганида, лўли жуда қисқа қилиб: «Мен мангуликка эришдим», дея жавоб берди. Мелькиадеснинг нафаси бадбўйлашиб қолганидан, Аркадио уни ҳар пайшанба эрталаб дарёга чўмилишга олиб борарди. Мелькиадес болалар билан сувга тушар, кўр бўлса ҳамки, атрофини кўриб-билиб тургандай, дарёнинг чуқур ва хавfli жойларига мутлақо йўламасди. «Бизлар ҳаммамиз сувдан пайдо бўлганмиз»,— деди у бир куни. Вақт ўтар, чол эса ўша базм кечаси — пианолани тузатишга уринишган оқшомдан бери уй остонасини ҳатламай, ўзининг кичик бўлмасида яшар, уни қўлтиғига дастмол ва сочиқ кистириб, Аркадио билан дарёга борадиган кунлари, яъни ҳар пайшанбада учратишарди, холос. Пайшанба кунларининг бирида Аркадио уни чўмилишга таклиф қилганида, Мелькиадес: «Мен Сингапур ботқоқликларида безгакдан ўлдим»,— дея пичирлаётганини эшитиб қолди. Бу гал Мелькиадес дарёнинг ўзи чўмиладиган жойига эмас, мутлақо бошқа жойига тушди ва уни эртасига эрталаб бир неча чақирим наридан топишди; лўлининг жасади бурумдаги саёз жойда ётар, қорнига бир бўлак товۇқ тезаги ёпишиб қолган эди. Лўлининг вафотига ҳатто ўз отасининг вафотидан кўпроқ куйинган Урсуланинг эътирозига қарамай, Хосе Аркадио Буэндиа жасадни кўмишни тақиқлади. «Мелькиадес ўлмаган, у умрбоқийлик формуласини кашф қилди»,— деди у. Темирчилик ўчоғига ўт қалаб, унинг устига симоб солинган қозонни ўрнатди. Учоқ ёнидаги жасад бора-бора кўм-кўк пуфакчалар билан қопланди. Дон Аполинар Москоте, Хосе Аркадио Буэндиага, дафн этилмаган жасад атрофдаги одамларнинг соғлиғига таҳдид туғдиради, деб эслатишга журъат этди. «Ҳеч нарса бўлмади, ахир у тирик-ку»,— дея эътироз билдирди Хосе Аркадио Буэндиа. У симобни роса етмиш икки соат давомида қайнатди. Энди мурда оқ-кўкиш тупроқ рангига кириб, устини қоплаган пуфакчалар секин-секин ёрила бошлади. Уйни сассиқ тутиб кетди. Ана шундагина Хосе Аркадио Буэндиа уни дафн этишларига рухсат берди, аммо бу маросимни номига эмас, балки Макоңдонинг буюк валинеъматига ярашуғли иззат-икром билан ўтказишни талаб қилди. Мелькиадесни кўмиш шаҳардаги биринчи ва энг гавжум маросимга айланди, иккинчи бор эса, орадан юз йил ўтгач, Катта Онанинг дафн маросимидагина шунча одам иштирок этади, холос. Лўлининг жасадини қабристон учун ажратилган ўтлоқ ўртасига кўмиб, қабр тошига у ҳақда одамлар билишадиган ягона нарса — «Мелькиадес» деган исм ёзиб қўйилди. Кейин, удумларига кўра, ҳаммалари тўққиз оқшом ухлашмади. Одамлар қаҳва ичиш ёки латифа эшитиш учун Буэндиалар ҳовлисига тўпланишарди. Талотўпдан фойдаланган Амаранта қулай фурсат топиб, Пьетро Креспига ўз севгисини изҳор қилди. Ребека бундан бир неча ҳафта илгари Креспига унаштирилган ва ҳозирда куёв бир вақтлар араблар тўтиқушларга майда-чуйда буюмларни алмаштиришган жой — одамлар Турклар кўчаси деб ном берган кўчада музика асбобларию бураб юргизиладиган ўйинчоқлар дўкони очиш билан машғул эди. Худди мойлаб қўйилгандек товланиб турувчи кўнғироқ сочлари аёлларнинг ҳавасини келтирадиган италиялик бу йигит Амарантани тантиқ қиз деб ўйлаб, унинг сўзларига жиддийроқ эътибор бермади.

— Бир бўйдоқ укам бор,— деди у қизга.— У яқинда менга ёрдам бергани келади.

Амаранта ўзини таҳқирланган ҳис қилди ва унга заҳарханда билан, бари бир, ҳаттоки уйи олдига ўз жасадимни қўйиб бўлса ҳам, синглимнинг тўйига халақит бераман, деб айтди. Унинг нўписасидан таажжубланган италиялик, бу ҳақда Ребекага сўзлаб беришдан ўзини тия олмади. Ва натижада Амаранта Урсуланинг қўли тегмаётганлиги учун қолдирилаётган сафарга белгиланганидан бир ҳафта олдин чиқишга мажбур бўлди. Амаранта бунга қаршилик кўрсатмади, лекин Ребека билан хайрлаша туриб, унинг қулоғига шивирлади:

— Умидингни узавер. Мени дунёнинг нариги бурчига олиб кетишса-да, бари бир тўйларингни бузаман. Мен ҳатто сени ўлдиришдан ҳам тоймайман.

Урсуланинг йўқлиги, кўринмас Мелькиадеснинг хоналар бўйлаб сирли кезишлари туфайли, уйлари баҳайбат ва бўм-бўш туюларди. Ребекага хўжалик ишларининг юритилишини назорат қилиб бориш топширилган, ҳинду аёл эса новвойлик қиларди. Кечқурун, муаттар бўйлар таратиб, қўлида совға-саломга

аталган бирон бир ўйинчоқни тутганча, Пьетро Креспи ташриф буюрарди. Қайлиғи уни, гап-сўз кўпайиб кетмасин деб, барча эшикларию деразалари ланг очик каттакон меҳмонхонада кутиб оларди. Унинг эҳтиёткорлиги ортиқча эди, негаки италиялик ўзини доимо жудаям одобли тутар, Ребекага ҳатто қўлини ҳам тегизмас эди. Уй совға-саломга келган ўйинчоқларга тўлиб-тошди. Бурама раққосалар, акробат-маймунчалар, ноғорачилар, чопқир отлар — Пьетро Креспи келтирган бу механик жониворлар Мелькиадеснинг вафотидан кулфатга ботиб қолган Хосе Аркадио Буэндиага хузур бағишлади, ўйинчоқлар уни илғари ўзи алхимия билан шуғулланиб юрадиган даврга қайтарди. Хосе Аркадио Буэндиа ичак-чавоғи чиқиб ётган жониворлар, бўлакланган механизмлардан ташкил топган жаннатга тушиб қолгандек бўлиб, уларни маънатик принципига асосан такомиллаштириш, аниқроғи, бу ўйинчоқларга мангу ҳаракат ато этишга уринарди. Аурелиано бўлса, устахона-сидаги юмушини йиғиштириб қўйиб, Ремедиосга ўқиш ва ёзишни ўргата бошлади. Аурелиано уйларига келди дегунча, ота-онаси қизчани ўйинчоқларидан ажратиб, ювинтириб, янги либослар кийгизиб, меҳмонхонага мажбуран олиб чиқшар, қизча эса ҳар куни кечқурун ташриф буюрадиган бу бегона эркакдан қўғирчоқларини афзал кўрарди. Аммо бора-бора Аурелианонинг сабру садоқати уни шу қадар мафтун этдики, Ремедиос эндиликда соатлаб ҳарф ўрганар, дафтарига рангли қаламларда уйлар, ўтлаб юрган сигирлар, тепалик ортига ботаётган зарғалдоқ рангли қуёш расмларини чизарди.

Биргина Ребека ўзини бебахт ҳисобларди; у Амарантанинг пўписасини ҳеч унутолмасди. Ребека Амарантанинг феълени яхши биларди, у ростдан ҳам ўч олиши мумкин, деб кўрқарди. Бечора қиз кесакхўрлик майлига қарши бутун вужуди билан курашарди. У бир куни кўрқувдан қутулиш умидида Пилар Тернерани чақиртириб, қартада фол очишини сўради. Фолбин Ребека тушунмаган аллақандай мужмал сўзлардан кейин қизга деди:

— Ота-онангнинг жасади дафн этилмагунча сен бахтли бўлолмайсан.

Ребекани титроқ босди. Қачонлардир кўрган туши ёдига тушиб, ўзини сандиқча, ёғоч курси ва қоп кўтариб (қопда нима борлигини у умуман билгани йўқ) илк бор Буэндиалар уйига келган ўша болалик дамларини тасаввурга келтирди. У бирдан каноп нимчали, кўйлагининг ёқасига тилла тўғнағич таққан кал ҳукмдорни эслади. У қартада акс эттирилган таппон қиролга мутлақо ўхшамасди. Қизча жуда гўзал ва жуда ёш, қўллари ҳароратли ва ёқимтой — унинг бармоқлари қартадаги бегимнинг касал бармоқларидан кескин фарқ қиларди, — аёлни ҳам ёдига келтирди, аёл уни тунги шаҳарнинг кўм-кўк кўчалари бўйлаб сайрга олиб чиқишидан олдин, қизчанинг сочларини мудом гуллар билан безарди.

— Тушунмаяпман, — деди Ребека.

Пилар Тернера таажжубланиб:

— Мен ўзим ҳам тушунмадим, лекин қартага тушгани шу, — деди.

Ребека ушбу ноаниқ башоратдан шунчалик ташвишландики, охири дардини Хосе Аркадио Буэндиага айтди. У кизни иримчилиги учун койиб берди, аммо шу заҳотиёқ ҳеч кимга билдирмай, суяклар солинган қопни қидириб, сандиқ ва шкафларни кавлаштира бошлади, мебелларни у ёқдан-бу ёққа сурди, пол тахталарини бир-бир кўтариб кўрди. Қоп уйларини қайта қуришганларидан сўнг бирор марта ҳам кўзга чалинмаган эди. Хосе Аркадио Буэндиа яширин тарзда ёшт терувчиларни тўплади ва улардан бири, халақит бермасин, деб, қопни ётоқхонанинг деворига беркитиб суваб юборганини тан олди. Улар қопдаги суякларнинг шарақ-шуруғини эшитмагунларича, бир неча кун қулоқларини деворга тутиб текширишди. Ниҳоят топишди — суяк солинган қоп бус-бутун сақланган экан. Уша кунийёқ суякларни Мелькиадеснинг мозори ёнига, ҳеч бир қабр тоши ўрнатмасдан кўмишди ва Хосе Аркадио Буэндиа уйига руҳи енгиллашиб қайтди. Ошхонадан ўтаркан, Ребеканининг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Бу аҳмоқона фикрларни миянгдан чиқариб ташла, — деди унга. — Сен бахтли бўласан.

Ребека билан Пилар Тернера ўзаро ахиллашгач, фолбин аёлга Урсула бир вақтлар Аркадио баҳонасида ёпиб қўйган эшик қайта очилди. Энди Пилар Тернера Буэндиалар уйига истаган вақтида келар ва энг оғир юмушларни бажариб, ўзининг ишга бўлган чексиз ташналигини қондирарди. Гоҳида эса у устахонага ҳам кириб, Аркадиога дагерротип пластинкаларига ишлов беришда шунчалик меҳрибонлик ва тиришқоқлик билан ёрдамлашардики, охири ўспирин негадир тортинадиган бўлиб қолди. Бу аёлни кўрганида ўзини йўқотиб қўярди. Унинг ҳароратли баданидан таралувчи тутун ҳиди, бу қоронғи хонага мутлақо мос тушмайдиган жарангдор кулгуси ўспириннинг хаёлини бўлар, шу боис, хато устига хато қиларди.

Бир куни Пилар Тернера устахонада Аурелианони кўриб қолди. Аёл столга тирсақларини тираганча, йигитнинг аниқ ва чаққон ҳаракатларини шавқ билан кузата бошлади. Бу воқеа худди ана шундай пайтда содир бўлди. Олдинига Аурелиано Аркадионинг бошқа хонада эканлигига ишонч ҳосил қилди ва шундан

сўнг бошини кўтариб, Пилар Тернерага боқдию унинг кўзларида гўё чошгоҳдаги қуёшдай порлаб турган чароғон бир фикрни яққол ўқиди.

— Қани, нима гап?— деб сўради Аурелиано.

Пилар Тернера лабларини қимтиб, ғуссали табассум қилди.

— Сен жанг учун яратилгансан,— жавоб қайтарди у.— Мўлжалга аниқ отар экансан.

Аурелиано фикри тўғри бўлиб чиққанини билиб, енгил тин олди. У гўёки ҳеч нарса бўлмаганидек, яна столга энгашиб, ишга тушди—да: «Болани тан оламан, унга исмимни ҳам бераман»,— деди вазмин ва қатъий оҳангда.

Ниҳоят, Хосе Аркадио Буэндиа орзусига эришди: соат механизми пружинаси—ни раққоса-кўғирчоқлардан бирига ўрнатди. Уйинчоқ ўз музыкаси оҳангига роса уч кун тинмасдан рақсга тушди. Ушбу ихтиро Хосе Аркадио Буэндиани илгариги барча ихтироларидан ҳам кўпроқ ҳаяжонлантирди. У овқат емай қўйди. Уйқуни тарк этди, Туни билан хонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келар ва соат капгирини аравага, омонча ва умуман одамлар учун хизмат қиладиган ҳар бир ҳаракатланувчи ускунаю асбобга ўрнатиш ҳақида овоз чиқариб ўй сурарди. Уйқусизлик уни ниҳоятда толдирган эди. Шу сабабли, бир куни ётоғига сочлари қировдек оппоқ чол иккилана-иккилана жириб келганида, уни таниёлмади. Бу — Пруденсио Агиляр эди. Меҳмоннинг кимлигини билгандан сўнг, Хосе Аркадио, ўликлар ҳам қаришини ихтиро этиб, маъюс бир кайфиятга тушди. «Пруденсио!— деди у ҳайқириб.— Бу ерга қандай келиб қолдинг?» Ўликлар мамлакатида узоқ йиллар яшагани сабаб, марҳум тириклар билан мулоқатда бўлишни, улар билан тўйиб-тўйиб гаплашишни роса соғинар, ўлим ичидаги яна бир ўлим муҳлати яқинлашуви боис, Пруденсио Агиляр ўзининг энг ёвуз душманини севиб қолган эди. У Хосе Аркадио Буэндиани кўпдан буён қидирарди. Уни Риоча, Вальс-де-Упар ҳамда водийдан келган ўликлардан суриштирар, аммо унга ҳеч ким ёрдам бера олмасди — чунки то Мелькиадес ўлиб, Макондо шаҳри ажалнинг чипор харитасига қора нуқта бўлиб тушмагунча, Макондо марҳумларга номаълум эди—да, ахир. Хосе Аркадио Буэндиа Пруденсио Агиляр билан тонггача суҳбат қурди. Ниҳоят илиги қуриб, бир неча соатдан кейин Аурелианонинг устахонасига кириб: «Бугун қандай кун?»— деб сўради. «Сешанба»,— дея жавоб қайтарди унга ўғли. «Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим,— деди Хосе Аркадио Буэндиа,— аммо кейин ҳанузгача душанба давом этаётганини сездим. Осмонга қара, қуёшнинг жаранглашини эшит, ҳаммаси худди кечагидай ва ўтган кунгидай. Бугун — яна душанба». Отасининг ҳардамхаёллигига кўникиб қолган Аркадио унинг сўзларига эътибор бермади. Эртасига, чоршанбада Хосе Аркадио Буэндиа яна устахонада пайдо бўлди. «Кўргилик деган, болам,— деди у.— Осмонга қара, қуёшнинг жаранглашини эшит, ҳаммаси — худди кечаги ва ўтган кунгидек. Бугун — яна душанба». Кечқурун Пьетро Креспи уни галереяда учратди; Хосе Аркадио Буэндиа, кўзи жиққа ёшга тўлганча, чолларга ўхшаб хунук ҳиқиллаб, Пруденсио Агиляр, Мелькиадес, Ребеканинг ота-онаси, ўзининг отаси, онаси — бу дунёни тарк этган барча ёру биродарларига аза тутарди. Пьетро Креспи унга симда дорбозлик қилувчи кўғирчоқ-айиқ совға қилди ҳамки, Хосе Аркадио Буэндианинг ғуссаси тарқалмади. Шунда Пьетро Креспи, осмонга парвоз қиладиган машина-маятник ясамоқчи эдингиз, шу гап нима бўлди, деб сўради. Бундай машина яшашнинг иложи йўқ, маятник ҳамма нарсани тепага кўтариши мумкин, лекин ўзини ўзи асло кўтаролмайди, деди Хосе Аркадио Буэндиа. Пайшанба куни у тагин устахонага келди. Кўриниши забун бўлиб, аллақандай умидсизликка тушганди. «Вақт машинаси бузилди,— деди Хосе Аркадио Буэндиа деярли хўнграб.— Урсула билан Амаранта эса шунчалар йироқдаки!» Аурелиано отасини худди ёш болани койигандек койиди. Ота итоаткорлик билан жимиб қолди. У олти соат давомида буюмларнинг тунги кўриниши кундузгисидан фарқ қилиш-қилмаслигини аниқлаш мақсадида уларга диққат билан тикилди. У вақт ҳаракатланишини исботлаш учун, ўжарлик билан нарсаларда юз берган ўзгаришни қидирар эди. Хосе Аркадио Буэндиа туни билан кўзлари очиқ ҳолда ётди ва ўз ташвишини баҳам кўришлари учун Пруденсио Агиляр, Мелькиадес ҳамда барча марҳумларни ҳузурига чорлади. Аммо унинг олдига ҳеч ким келмади. Жума куни эрталаб, ҳали уйдагилар ухлаб ётишганда, у яна атрофдаги буюмлар қиёфасини ўргана бошлади. Энди у душанба ҳали ҳам давом этаётганлигига заррача шубҳа қилмасди. Хосе Аркадио Буэндиа эшиклардан бирининг темир дастагини юлиб олди ва алхимия ускуналарини ғазаб билан парчалаб ташлади, сураткашлик лабораторияси, заргарлик устахонасини чилпарчин қилди. У худди шайтон васвасага солгандай, аллақандай нотаниш тилда бақириб-чақирарди. Отаси бошқа хоналарни ҳам ағдар-тўнтар қилмоқчи бўлганида, Аурелиано ҳамсояларини ёрдамга чақирди. Хосе Аркадио Буэндиани йиқитишга ўн одам даркор бўлди, ўн тўрт киши эса қўл-оёқларини боғлади, ниҳоят, йигирма киши бўлиб, уни ҳовлидаги каттакон каштан дарахти олдига судраб бориб, арқонлар билан дарахт танасига



танғиб ташлашди — Хосе Аркадио Буэндиа ҳамон ўзининг ғалати шевасида сўкинар, оғзидан яшил кўпик чиқар эди. Урсула билан Амаранта қайтиб келишганида, у қўл-оёғи ҳамон боғлиқ ҳолда ёмғирда ивиб ўтирар, лекин энди анча ювош ва хатарсиз эди. Урсула унинг қонталаш тирсақлари ва тўпиқларини банддан озод қилиб, фақат белидаги арқонни қолдирди. Кейинчалик қуёш ва ёмғирдан тўсиш учун унинг тепасига соябон ҳам ўрнатишди.

Аурелиано Буэндиа билан Ремедиос, падре Никанор Рейненинг кўрсатмасига биноан меҳмонхонада қурилган меҳроб олдида март ойининг яқшанбаларидан бирида никоҳдан ўтишди. Ремедиосда дастлабки балоғат белгилари кўрингач, Москотелар хонадониде бутун ой давоми рўй берган ҳаяжон ва ташвишларга тўй куни яқун ясалди. Онаси унга ҳайз нималигини ўз вақтида тушунтирган бўлишига қарамай, февраль тунларидан бирида Ремедиос опалари Аурелиано билан суҳбат қуриб ўтирган меҳмонхонага кўрқувдан дод солиб кирганча, уларга ўзининг қорамтир доғ тушган чалворини кўрсатди. Шундан сўнг тўй муддатини белгилашди. Бу қисқа вақт давомида келинчакка мустақил ювиниш ва кийиниш ҳамда рўзғордаги энг оддий муаммоларни ҳал қилишни зўр-базўр ўргатишга улгуришди. Тунда кўрпани ҳўллаб қўймаслиги учун, уни иссиқ ғишт парчалари устига пешоб қилишга мажбур қилишарди. Ремедиосга эр-хотинлик сирини дахлсиз қолиши зарурлигини тушунтириш айниқса қийин кўчди: унга никоҳ кечаси тафсилотларини айтиб беришганидаёқ, қизча таажжубланиб, шу қадар завқ-шавққа тўлдиди, энди билганларини дуч келган одам билан амалда баҳам кўришга тайёр эди. Ремедиос уйидагиларни роса ташвишга қўйди, аммо тўй куни яқинлашгани сайин у турмуш икир-чикирларини опаларидан ҳам яхшироқ тушунадиган бўлди. Дон Аполинар Москоте қизининг қўлидан тутганича, осмонга учаётган мушаклар ёруғида, музика садолари остида, гуллар билан безанган кўча бўйлаб етаклаб бораркан, Ремедиос деразалар ортидан унга бахт тилаётган қўшнилариға қўлларини силкиб, табассум билан миннатдорчилик изҳор қилар эди. Аурелиано қора мовут костюм ва лакланган, орадан неча йиллар ўтиб девор остида ўзини отишларини кутаётганида ҳам оёғига иладиган туфлсини кийиб, қайлигини меҳмонхонаға кираверишда кутиб олди-да, меҳроб сари бошлади. Кўёвнинг ранги оқариб кетган бўлиб, томоғининг томирлари тортарди. Ремедиос ўзини жуда табиий ва камтарона тутди, ҳатто Аурелиано қўлидаги узукни унга тақаман деб ерга тушириб юборганида ҳам, ўзини йўқотиб қўймади. Бу ҳол тўпланганларни эсанкиратиб қўйди, меҳмонлар алланарсаралар деб пичирлай бошлади, лекин Ремедиос куёви эшик томон думалаётган узукни оёғи билан тўхтатиб, сўнг хижолатдан қизариб меҳробға қайтиб келгунича, енгига тўр кашта тикилган қўлини кўтариб, бармоғини тутганча, уни хотиржамлик билан кутиб турди. Онаси билан опалари маросим давомида Ремедиос янглишиб қолмасин деб шунчалик чўчишдики, охир-оқибатда қаттиқ толиқишиб, ўзлари қўпол хатоға йўл қўйишди, яъни Ремедиосға, куёвни биринчи бўлиб ўпгин, деб айтишди. Худди ана шу куни Ремедиосдаги хотиржамлик, ақлу одоб ҳисси туғма эканлиги яққол намоён бўлдики, бу ажойиб хислатлар энг қийин шароитларда ҳам уни тарк этмади. Келин ҳеч бир маслаҳатсиз, ўз ақли билан тўй пирогининг энг яхши бўлагини тақсимчаға жойлади-да, Хосе Аркадио Буэндиаға элтиб берди. Каштан дарахтиға боғлаб қўйилган кекса паҳлавон қуёш нурлари ва ёмғирдан сарғайиб кетган пешайвон остидаги скамейкада ўтирарди. У ташаккур билдириб жилмайди-да, қўлидаги пирогни олиб аллақандай дуони такрорлаганча, кавшана бошлади. Душанба куни эрталабгача давом этган ушбу қувноқ базмда биргина Ребека Буэндиа ўзини бахтсиз ҳис қиларди. Ребека ҳам ўша куни никоҳдан ўтиши лозим эди, аммо жума куни Пьетро Креспиға, онанг ўлим тўшағида ётибди, деган мактуб тегдию уларнинг тўйи қолдирилди. Хат Пьетро Креспиға теккач, вилоят пойтахтиға кетди. Онаси соғ экан, у айтилган вақт — шанба кечаси Макондоға етиб келиб, ўғлининг тўйиға аталган қўшиғини Аурелианонинг тўйида айтиб берди. Пьетро Креспи эса тўй тарқалган бир пайтда — яқшанба кечаси ортға қайтди. У тўйға кеч қолмай дея шошилиб, беш отни ҳаром ўлдирган эди. Бу машъум хатнинг муаллифини ҳеч ким билолмади. Урсула Амарантани роса қистовға олди. Лекин Амаранта ҳали дурадгорлар бузишға улгурмаган меҳроб олдида, бу ишда айбим йўқ, дея йиғлаб онт ичди.

Дон Аполинар Москоте никоҳ ўқитиш учун руҳонийлик касбини танлагани учун тақдирдан норози падре Никанор Рейнени атай қўшни шаҳардан олиб келган эди. Падренинг териси устихонига ёпишган, ранги заҳил эди. Сал-пал қорин қўйган бу кимсанинг юзида, гўё мункиллаб қолган фариштанинг юзидаги каби, эзгуликдан кўра соддадиллик аломатлари кўпроқ эди. У тўйдан сўнг ўз черковини ўз қавми ёниға қайтмоқчи эди, аммо гуноҳға ботиб яшаётган макондоликларнинг бу қадар беғамлигини кўриб даҳшатға тушди: булар фақат табиат қонунларигагина бўйсунисар, на болаларини чўқинтиришар, на диний байрамларни тан олишарди. Падре ҳали омоч кўрмаган бу заранг дала бакувват қўшчининг ёрдамиға муҳтож,

деган фикрга келди ва кесилганлару бутпарастрларни чўқинтириш, никоҳсиз яшаётганларни никоҳлаш, марҳумлар руҳига дуо айтиш ниятида, Макондода яна бирор ҳафта қолишга аҳд қилди. Лекин ҳеч ким унинг ваъзаларини тинглашга иштиёқ билдирмади. Унга, неча йилдирки руҳонийсиз ҳам туппа-тузук яшаяпмиз, дўзаху жаннат масаласини бевосита худонинг ўзи билан ҳал қиляпмиз, хусусан, биз оғир гуноҳ қилганимиз ҳам йўқ, деб айтишди.

Беҳуда ташвиқот юргизиб ҳориган Никанор Рейне, худосизлик маскани бўлмиш бу шаҳарда шундай бир муаззам ибодатгоҳ қурайки, токи ундаги азиз-авлиёларга ҳатто Римдан ҳам зиёратчилар келадиган бўлсин, деб онт ичди. У қўлига мис ликопча тутганча, одамлардан садақа тўплай бошлади. Унга саҳийлик билан хайр-эҳсон қилишар, аммо руҳоний янада кўпроқ пул сўрар, чунки бўлажак ибодатхонага овози ҳатто чўкканларни ҳам сув бетига қалқитиб чиқаришга қодир жуда улкан кўнғироқ ўрнатилиши лозим эди. Руҳоний шу қадар ялиниб-ёлворардики, силласи қуриганидан товуши битиб, суяклари қисирларди.

Шанба кунларининг бирида, йиққан пулларини ҳисоблаб чиқиб, маблағи ибодатхонанинг эшигига ҳам етмаслигини билди, лекин, бари бир тушкунликка тушмади. Шаҳар майдонига меҳроб ўрнатди ва якшанба куни, худди паришонхотирлик касали тарқалган пайтдагидек, қўлидаги кўнғироқчасини чалиб, кўчадан-кўчага югурганча, одамларни ибодатга чорлади. Аксарият кишилар шунчаки синчковлик важҳидан келишди. Бошқалари — бекорчиликдан. Яна бирлари эса руҳонийга озор етказганлари учун, худонинг ғазабига дучор бўлишдан қўрқиб келишди. Падре Никанор инжилни овозини баралла қўйиб ўқир ва ўқишни тез-тез тўхтатиб, одамлардан пул сўрарди. Майдонга шаҳарнинг деярли ярим аҳолиси тўпланган эди. Йиғин тугаб, одамлар тарқала бошлашаётганида, падре қўлини кўтариб, уларнинг эътиборини жалб қилди.

— Бир минутга,— деди у. — Ҳозир сизлар худонинг чексиз қудратига имон келтирасиз.

Йиғинда падре Никанорга кўмаклашиб турган бир бола ҳовури чиқиб турган қайноқ шоколад келтирди. Руҳоний уни бир кўтаришда симирди. Сўнг чўнтагидан рўмолча олиб лабини артди ва иккала қўлини ҳам олдинга чўзиб, кўзларини юмди. Ва у ногаҳон ердан ўн икки сантиметр баландга кўтарилди. Одамлар худонинг қудратига ишонишди. Падре бир ой давомида шаҳар кезиб, такрор-такрор қайноқ шоколад ютди, ердан кўтарилиди, катта маблағ тўплади ва орадан бир ой ўтар-ўтмас, ибодатхона қурилиши бошлаб юборилди. Падре аён этган мўъжиза худодан эканлигига Хосе Аркадио Буэндиадан бошқа ҳамма ишонарди. Бир куни эрталаб Никанорнинг галдаги кўтарилишини томоша қилиш мақсадида каштан дарахти ёнида бир гуруҳ оломон тўпланди. Никанор ўзи ўтирган стул билан биргалликда ҳавога кўтарилаётганида, Хосе Аркадио Буэндиа гавдасини хиёл тиклаб, елкасини қисганча, унга совуққонлик билан тикилиб турди-да:

— *Non est simplicissimum*,— деди Аркадио Буэндиа.— *Homo iste statum material invenit*<sup>1</sup>.

Руҳоний Никанор қўлини кўтариши биланоқ стулнинг тўрттала оёғи ҳам бир вақтнинг ўзида ерга тушди.

— *Nego*, — эътироз билдирди у. — *Factum hos existentiam. Dei probat sine.*

Илгари Хосе Аркадио Буэндианинг антиқа шевада гаплашишига таажжубланган одамлар, ушбунинг лотин тили эканини ана шу суҳбатдан сўнг билиб олишди. Ниҳоят, Никанорни тушунадиган одам топилди ва руҳоний бу бахтли тасодиф тобора пурдан кетаётган идрокни диннинг сеҳрли кучи билан тиклашга имкон берувчи қулай вазият эканини сизди. У ҳар куни кечқурун каштан тагида ўтириб олиб лотин тилида хутба ўқир, аммо Хосе Аркадио Буэндиа унинг нотиклик санъатини тан олмас, совғага келтирилган шоколадларга қўл тегизмас, падрега нуқул, агар худо бор бўлса, аввало унинг фотосуратини кўрсатинг, дерди. Шунда падре унга икона ва гравюралар, ҳатто Вероника рўмолининг нусхасини олиб келди, аммо Хосе Аркадио Буэндиа, буларда илмий асос йўқ, шунчаки косиблик, дея эътироз билдирди. У шу қадар ўжар эдики, охири Никанор чолнинг ёнига диний ташвиқот важҳидан эмас, балки оддий одамгарчилик юзасидан келадиган бўлди. Ана шунда Хосе Аркадио Буэндиа ташаббусни ўз қўлига олиб, ўзининг оқилона далиллари билан руҳонийнинг диний эътиқодига зарба бера бошлади. Кунларнинг бирида падре Никанор шашка олиб келиб, баҳсдошига шашка ўйнашни таклиф қилди. Лекин Хосе Аркадио, асосий масалалар юзасидан ўзаро ҳамфикр рақибларининг курашида ҳеч қандай маъно йўқ, деб айтди. Шашка ўйинига ҳали ҳеч қачон бундай нуқтаи назардан ёндашмаган Никанор минг ҳаракат

<sup>1</sup> Бу — оддий нарсасиз. Бу одам материянинг тўртинчи ҳолатини очган холос (лотинча).

<sup>2</sup> Инкор қиламан. Бу нарсасиз худо борлигининг шак-шубҳасиз исботи эмас.



қилса-да, бари бир, Хосе Аркадио Буэндиани кўндира олмади. Хосе Аркадио Буэндианинг ўтқир зеҳнига тобора тан бера бошлаган руҳоний уни нега дарахтга боғлаб қўйишганини суриштирди.

— *Host est simplicissimum*,— жавоб қайтарди у,— мен телба бўлганлигим учун боғлаб қўйишди.

Шу-шу, ўзи ҳам ақлдан озишидан қўрқиб, падре унинг ёнига йўламайдиган бўлди ва ўзини буткул ибодатхона қурилишига бағишлади. Ребека қалбида яна умид уйғонаётганини сезди. Уша куни падре Никанор уларнинг хонадонида тушлик қилаётиб, оила аъзоларига, черков битгандан сўнг бўладиган ажойиб ибодатлар тўғрисида гапириб бергандан бошлаб, Ребеканинг тақдири иморатнинг битиши билан боғлиқ эди. «Ҳаммадан ҳам Ребеканинг омади чопди»,— деб таъкидлади Амаранта. Аммо Ребека гапини тушунмагач, у жилмайиб, изоҳ берди:

— Ахир сен черковни ўз тўйинг билан очиб берасан-да.

Ребека бу имкониятни муҳокама қилишга йўл қўймасликка уринарди, чунки қурилиш жудаям сушт борар ва ибодатхона битиши учун камида ўн йил талаб қилинарди. Падре Никанор Ребеканинг фикрига қўшилмади: диндорларнинг тобора авж олаётган сахийлиги бу муддатни анча қисқароқ белгилашни тақозо этарди. Урсула Амарантанинг гапини қўллаб-қувватлади. Ребека ичида уни рад этиб турган пайтда у, мен ҳам қурилишни тезлатишга тузукроқ ҳисса қўшмоқчиман, деди. Падре Никанор, агар каттароқ эҳсон қилинса ибодатхона уч йилда тикланади, деди. Шу кундан бошлаб, Ребека Амаранта билан гаплашмай қўйди, чунки синглизининг фикри, гарчанд Амаранта ўзини бу гапни шунчаки айтгандек кўрсатишга уринса-да, Ребекага оғир ботган эди. «Шунга ҳам раҳмат дегин, ахир мен сенга бундан ҳам катта ёмонлик қилишим мумкин эди-ку,— деди унга Амаранта, опа-сингил ўртасида кечқурун бўлиб ўтган аёвсиз можаро пайтида.— Ибодатхона уч йилда битаркан, демак, мен сени яна уч йил давомида ўлдирмас эканман-да». Ребека унинг даъватини қабул қилди.

Тўйлари бу гал ҳам ортга сурилганини эшитгач, Пьетро Креспи тушкунликка тушди, аммо шунда келин унга бўлган садоқатини аён этиб, «сен истаган пайтда

иккимиз бирор ёққа қочиб кетишимиз мумкин», — деди. Лекин Пьетро Креспи бундай қалтис ишларга мойил эмасди, унга қайлиғига хос жўшқинлик етишмасди. Шунда Ребека у қадар қалтис бўлмаган усулларни қўллашга ўтди: баъзида тўсатдан турган шамол меҳмонхонадаги чироқни ўчириб қўяра, Урсула баъзан қоронғуда ўпишишаётган келин-кўёвга дуч келиб қоларди. Пьетро Креспи тутила-тутила янги лампаларнинг сифати ёмонлигидан шикоят қиларди. У ҳатто меҳмонхонага бирмунча ишончлироқ ёритиш воситаларини ўрнатишга бош-қош бўлди. Аммо энди кўпинча чироқдаги мой тугаган ёки унинг пилиги ишдан чиққан бўлар, Урсула яна келин кўёвнинг тиззасида ўтирганини кўриб қоларди. Охири Урсула чироқ атайлаб ўчирилаётганини сезди. У новвойлик юмушларини ҳинду аёлнинг зиммасига юклаб, ўзи эса эски найрангларга лаққа тушиб қолмаслик учун, тебранма курсига ўтирар, Ребека билан Пьетро Креспини жиддий назорат қилар эди. «Бечора онагинам, — дерди Ребека уйқусираб ҳомуза тортаётган Урсулага кўзи тушиб, киноя ва ғазаб аралаш, — шу қилган гуноҳлари учун албатта нариги дунёда жазосиз қолмас-ку!» Ибодатхона қурилишидан кунора хабардор бўлиб турган ва ишнинг суст бораётганлигидан уқубат чекаётган Пьетро Креспи, назоратнинг учинчи ойида падре Никанорга анча пул берди. Бу янгилик Амарантага ҳеч таъсир қилмади. Ҳар кеч чеварлигу гурунг баҳонасида галереяга тўпланадиган дугоналари билан гаплашаркан, у янгидан-янги интиқом усулларини қидирарди. Лекин бир жиҳатга қолганда, Амарантанинг мўлжали чиппакка чиқди. Ибодатхонанинг битишига икки ой қолганда у Ребеканинг келинлик либоси сақланаётган шкафдаги нафталинни олиб қўйди. Аммо Ребека, сабри чидамай, келинлик либосини Амаранта кўзлаган муддатдан анча илгари тайёрлаб қўймоқчи бўлди. Ребека олдин шкаф тортмасидаги қоғоз ўрамини, сўнгра либос ўралган матони очиб кўрдию ҳангу манг бўлиб қолди. Шойи кўйлак, тўр-тўр фата ва ҳатто сунъий гулчамбарни ҳам куя еб, нақ кукунга айлантириб ташлаган эди. У шкаф ичига икки сиқим нафталин сепиб қўйганини кечагидек эсларди, лекин бу бахтсизлик шунчалар тасодифий бўлиб туюлдики, Ребека ҳатто Амарантадан шубҳаланишга журъат этолмади. Тўйгача икки ой қолган эди. Ампаро Москоте унга бир ҳафта ичида янги либос тикиб бераман, деб ваъда берди. Ёмғирли кунларнинг бирида Ампаро оппоқ матоларга бурканиб, Ребекага битай деб турган янги либосни кийдириб кўриш учун келганида, Амаранта ҳушидан кетаёзди. Унинг тили калимага келмас, умуртқаси бўйлаб муздек совуқ тер оқиб тушарди. Амаранта жуда кўп ойлари давомида ушбу дамдан кўрқиб-қақшаб яшарди, чунки у тўйни тўхтатишга ҳеч қандай чора тополмаса, Ребекани заҳарлашини аниқ биларди. Ребека Ампаро Москоте сабр-тоқат билан сон-саноқсиз тўғнағичлар ёрдамида эгнига кийгизаётган кўйлак ичида иссиқдан зўрға нафас оларкан, кашта тикаётган Амаранта ҳалқаларни санашда тез-тез адашиб, бармоқларига нина санчилса-да, мудҳиш совуққонлик билан: заҳарлайдиган кун — тўйдан олдинги биринчи жума, заҳарлаш усули — кофега қўшиладиган бир чимдим афъюн бўлади, деган қарорга келди.

Аммо кутилмаганда бошқа бир бахтсизлик тўйни яна ортга сурди. Ребека билан Пьетро Креспининг никоҳларига бир ҳафта қолганида, кичик Ремедиос ярим кечаси ичидан қон кетиб уйғонди ва уч кундан сўнг ўз қонидан заҳарланиб ўлди. Маълум бўлишича, ичида эгизак ҳомиласи кўндаланг туриб қолган экан. Амаранта виждон азобиға гирифторм бўлди. У Ремедиоснинг ўлимида ўзини айбдор ҳисоблар ва Ребекага заҳар бериб қўймаслиги учун худодан ўзига-ўзи завоқ тиларди. Йўқ, у худодан айни бахтсизликни, яъни Ремедиоснинг ўлимини тиламаган эди. Ремедиос уларнинг хонадонига бахт ва шодлик келтирди. У эри билан устахона ёнидаги ётоқхонада яшар ва бутун хонани ўзи билан олиб келган қўғирчоқлар билан беэзаб ташлаган эди, унинг шодонлиги, ҳаётга бўлган чексиз муҳаббати ётоқнинг тўрт деворига ҳам сиғмас, гуллар экилган галерея бўйлаб шамолдек эсарди. Ремедиос қуёш чиққанидан бошлаб қўшиқ айтишга тушарди. Амаранта билан Ребека ўртасидаги жанжалларга ёлғиз Ремедиосгина чек қўярди. У Хосе Аркадио Буэндиага қараб туришдек оғир вазифани ҳам ўз зиммасига олган эди. Унга овқат ташир, уни совун суркалган мочалка билан ювинтирар, соч-соқолига бит тушмаслигини назорат қилиб турар, шийпончани супириб-сидирир, довул пайтлари шийпонча устига сув ўтказмайдиган брезент тўшарди. Сўнги ойларида эса у Хосе Аркадио Буэндиа билан, гарчанд бузиб гаплашса-да, лотин тилида гаплашадиган бўлди. Пилар Тернеранинг Аурелианодан туғилган ўғли уйларига келтирилганида (хонадонлардагилар унга Аурелиано Хосе деб исм қўйишган эди), Ремедиос бу гўдакни ўзининг илк фарзандидай қабул қилди. Ундаги оналик меҳри ҳатто Урсулани ҳам лол қолдирган эди. Аурелиано ўз ҳаётини Ремедиоссиз тасаввур қилолмас, унга тамом суяниб қолган эди. У кун бўйи устахонада ишлар, Ремедиос эса унга шакар солинмаган қора кофе олиб келарди. Кечқурунлари икковлашиб Москотеларниқига боришарди. Ремедиос опалари билан суҳбатлашаётганида ёки онаси билан катталарнинг юмушлари ҳақидаги фикр юритаётганида,

Аурелиано қайнотаси билан домино ўйнаб ўтирарди. Буэндиа оиласи билан қариндош бўлгач, дон Аполинар Москотенинг обрўси ошди. У вилоят пойтахтига қатнайвериб, бошлиқларга Макондода мактаб қуриш зарурлигини исботлаб берди. Мактабда бобосидан ўқитувчилик истеъдодини мерос қилиб олган Аркадио муаллимлик қилиши лозим эди. Москоте олиб борган ташвиқот туфайли миллий мустақиллик куни муносабати билан Макондо аҳлининг аксарияти ўз уйлари кўкка бўяди. Москоте, падре Никанорнинг талабига биноан, Катарино ишратхонасини чекка кўчага кўчирди, фаолияти кун сайин авж олиб бораётган шаҳар марказидаги бошқа бир қатор ишратхоналарни беркитишга фармон берди. Бир куни дон Аполинар Москоте вилоят марказидан олти нафар қуролли полициячи билан қайтганида ва уларнинг зиммасига тартиб-интизом назоратини юклаганида, Макондода қуролли одамларни сақламаслик тўғрисидаги эски битимни ҳеч ким эсламади ҳам. Қайнотасининг шижоати Аурелианога ёқарди. «Сен ҳам унга ўхшаб семиз бўласан», — дерди унга дўстлари. Аммо устахонада уззукун ўтираверганидан ҳеч семирмади, ёноқлари туртиб чиқиб, кўзлари ичичига ботиб кетди, феъл-атвори ҳам босиқлигича қолди, Аурелиано билан рафиқасини ҳар иккала оиладагилар ҳам чексиз севишарди. Ремедиос фарзанд кутаётганини айтганида, Амаранта билан Ребека ярашиб, бўлажак чақалоқлар учун икки хил ипдан — ўғилга кўк, қизга эса қизил тусли — кийимчалар тўқишга киришган эдилар. Орадан кўп йиллар ўтгач, девор остида ўзини отишларини кутиб турадиган Аурелиано ўйлаган сўнгги одам ҳам Ремедиос бўлиб қолади.

Урсула уйда мотам эълон қилди, барча дераза ва эшикларни беркитди, бирон бир зарур вазисиз уйдан чиқиш ва уйга киришни тақиқлади, бир йилгача қаттиқ овоз чиқариб гаплашишни маън қилди, деворга марҳуманинг қора тасмага олинган суратини осиб, тагига чироқ ёқиб қўйди. Ребеканинг жасади солинган тобут дафн куни ана шу суратнинг тагига қўйилди.

Ремедиоснинг руҳига атаб ёқилган чироқни асло ўчирмаган Буэндиа авлодининг кейинги вакиллари сочига лента таққан, бурмача юбка ва оқ этикча кийган бу қизчанинг портретига қараб туриб, доимо таажжубга тушар эдилар; қизчанинг сиймоси катта бўви ҳақидаги анъанавий тасаввурга ҳеч мис келмас эди. Амаранта Аурелиано Хосени ўз тарбиясига олди. Унинг назарида, Ребекага аталган заҳар Ремедиоснинг кофесига тушиб қолгандек туюлар, шуни ўйлаб, Амаранта ич-ичидан эзиларди. У энди танҳоликда чеккан азобларимга, оғир ҳасратимга шояд тутинган ўғлим Аурелиано Хосе шерик бўлса, деб умид қиларди. Шляпасига қора лента танғиб олган Пьетро Креспи узун энгли қора кўйлак кийиб олган, жисми ўрнига руҳати қолган рангпар Ребекани кўриш учун ҳар куни кечқурун оёқ учида сассиз келиб, оғиз очмай қайтиб кетарди. Ҳозир тўй ҳақида гапириш шаккоклик бўлиб, уларнинг муҳаббати чексиз гуноҳкорликка, зерикарли, ҳеч кимни қизиқтирмайдиган бир эрмакка айланган, гўёки чироқларни ўчириб қўювчи ва зулматда ўпишувчи жуфт аллақачон нобуд бўлгандек туюларди. Умиди пучга чиққан Ребека удан тушкунликка тушиб, яна кесак ея бошлади.

Бир куни кўққисдан, — мотам бошланганидан анча вақт ўтиб, қизлар галереяда яна ўз тикув ишларини бошлаб юборишганда, — роса соат иккида жазирама куннинг тинчини бузиб, кимдир дарвозани шундай катта куч билан очдики, унинг зарбидан гўё бутун уй силкиниб кетди: бу Амарантага ва галереяда ўтирган унинг дугоналарига, хонасида бармоқ сўраётган Ребекага, ошхонада юрган Урсулага, устахонадаги Аурелианога ва якка каштан дарахти остидаги Хосе Аркадио Буэндиага — ҳамма-ҳаммасига кучли таъсир қилди, гўё зилзила бошландио уйлари шу топдаёқ қулаб тушадигандек бўлиб туюлди. Остонада антиқа кўринишли бир кимса пайдо бўлди. Унинг баҳайбат елкалари эшикка зўрға сифарди, йўғон бўйнига Биби Марямнинг тасвири солинган занжир осилган, қўлию кўкрагига игна билан суратлар чизилган, ўнг билагига эса мис билагузук тақилган эди. Териси гўёки шўр шамолларда ошланган, калта сочлари хахир ёлидек диккайган, ияги туртиб чиққан бўлиб, қарашлари фуссали эди. Келгиндининг белидаги камар отнинг айлидан икки баравар қалин эди. У पोшнасига темир нағал қоқилган узун қўнжли этик кийиб олган бўлиб, қадамидан ер ларзага келарди. Нотаниш кимса қўлидаги ийғи чиқиб кетган халтасини кўтариб, шиддат билан меҳмонхонадан, сўнг залдан ўтиб, Амаранта ҳамда унинг дугоналари игналарини ушлаганча қотиб қолган, гуллар экилган осуда галереяга худди момақалдироқдек бостириб кирди. «Салом», — деди у ҳорғин товушда ва халтасини қизлар ёнидаги столнинг устига ирғитиб, уйнинг ичкарасига йўл олди. «Салом», — деди у ётоғидан кўрқа-писа бошини чиқарган Ребекага. «Салом», — деди у ишга бутун вужуди билан берилиб кетган Аурелианога. Ҳеч қаерда тўхтамади. Ва ниҳоят дунёнинг нариги бурчагидан бошлаган сафарини ошхонада тугатди. «Салом», — деди у Урсулага. Урсуланинг оғзи ланг очилиб, бир он қотиб турди, сўнг келгиндининг кўзларига боқди-да, қувончдан бақирганча йиғлаб, унинг бўйнига осилиб олди. У — Хосе Аркадио эди. У уйдан гадой бўлиб кетиб, гадойлигича қайтиб келди.

Урсула ўғли кира қилиб келган от учун икки песо тўлади. Хосе Аркадио одатда денгизчилар қўллайдиган иборалар билан қоришган ғалатиноқ испан тилида сўзларди. Ундан, қаерларда юрувдинг, деб сўрашганида, «Уша ёқда», — дея жавоб қайтарди. Хосе Аркадио ўзига ажратилган хонага осма тўшагини илиб нақ уч кун ухлади. Уйғонгач, ўн олтига қайнатилган тухумни паққос туширди-да, тўппатўғри Катаринонинг ишратхонасига борди. Унинг улкан гавдаси у ердаги аёлларни саросимага солди ва айни замонда ҳавасини келтирди. Хосе Аркадио ўз ҳисобидан музыка буюрди, атрофдагиларни вино билан сийлади ва беш эркак билан, «ҳаммангиз биргалашиб ҳам қўлимни бука олмайси», деб гаров ўйнади. «Бунинг иложи йўқ, — дейишди улар, ҳатто унинг кўлини қимирлатишолмай. — Чунки унинг сеҳрли билагузуги бор». Куч ишлатиладиган томошаларга кўпда ишонмайдиган Катарино, ўн икки песо тикиб, Хосе Аркадио билан оғир мрамор столни кўтара олиш-олмаслигига гаров бойлади. Хосе Аркадио столни боши узра баланд кўтариб, кўчага олиб чиқиб қўйди. Столни қайта киритиш учун ўн бир эркак овора бўлди. Хосе Аркадио оиласидагилар билан деярли гаплашмасди. Кундузи ухлар, кечалари бўлса фоҳишахонадан бери келмасди. Онаси гоҳо мажбур қилиб оилавий гурунгларга судраб чиққанида, у ҳамманинг диққатини ўзига тортар, айниқса, узоқ мамлакатларда рўй берган саргузаштлардан гапирганда, ҳамманинг оғзи очилиб қоларди. У кема ҳалокатига учраб, кичкина бир қайиқчада икки ҳафта давомида Япон денгизига қолиб кетганида, офтоб уриб ўлган дўстининг гўштини еб кун кечирган экан. Айтишича, дўстининг туз сепиб офтобда тобланган гўшти жуда мазали экан. Бир куни, кемалари Бенгал кўрфазига бўйлаб сузаётганида, экипаж аъзолари денгиз аждаҳосини ўлдиршибди. Аждаҳо ичиндан темир дубулға, тўқа ва салбчиларнинг қуроли чиқибди. Кариб денгизига эса Винтар Югнинг қароқчилик кемаси шарпасини кўрган бўлиб, кеманинг елканлари ажал шамолларидан титилиб кетган, мачта ва елкан боғланадиган ёғочларини денгиз сувараклари илма-тешик қилиб юборган экан. Уша кема мудом Гвадалупага қайтиб боришга ҳаракат қилар, бироқ у мудом адашишга маҳкум этилган экан. Урсула гўёки ўзи кўп йиллар давомида интиқ бўлиб кутган, ўғлининг жасоратларию саргузаштлари ёзилган мактубларни ўқиётгандек (Хосе Аркадио эса унга бирортаям хат ёзмагани), пиқ-пиқ йиғлар эди. «Уйимиз катта, ўғлим, — дерди у энтикиб, — овақт ҳам мўл, қанчадан-қанчасини чўчқаларга ташлаймиз!» Аммо она бечора бир ўтиришда яримта чўчқани паққос туширадиган, нафасининг шамолдан ҳатто гуллар ҳам сўлиб қоладиган манави ёввойи одам билан қачонлардир лўлилар олиб кетган ўша кичкина бола аслида бир киши эканлигини ҳеч тасаввурига сиғдира олмасди. Бошқалар ҳам худди шундай таажжубда эди. Унинг шундоққина стол ёнида кекириш одатини кўриб, Амаранта ижирганишини яширолмасди. Узининг қай йўсинда туғилганини билмай ўтаётган ва буни ҳеч қачон била олмаган Аркадио уни ўзига негадир яқин тутишга уринаётган Хосе Аркадионинг саволларига истар-истамас жавоб берарди. Аурелиано акасига ҳадеб иккови бир хонада бирга ухлашган пайтларини, ўша узоқ болалик йиллари билан боғлиқ воқеаларни эслатишга уринар, аммо хотираси денгиз ҳаётининг сон-саноксиз кечинмалари билан тўлиб-тошган Хосе Аркадио ҳеч нарсани эслаёлмасди. Ребека уни бир кўришдаёқ ёқтириб қолган эди. Хосе Аркадио унинг ётоқхонасини эшиги ёнидан ўтган ўша кеч, Ребека вулқонсифат нафаси ҳамма хоналарда бемалол эшитиладиган ўта бақувват бу эркак олдида Пьетро Креспи шунчаки ясанган бир кўғирчоқ-ку, деган қарорга келди. У турли баҳоналар билан Хосе Аркадиога яқинлашмоқчи бўларди. Бир куни Хосе Аркадио унинг қоматига беҳаёларча тикилиб: «Сен яхшигина аёл бўлиб етишибсан-а, сингил», — деб қўйди. Ребека ўзини тамоман йўқотди. У яна аввалгидек шоша-пиша кесак ва оҳак ер, бармоғини сўравериб яра қилиб ташлаган эди. Кечалари ўзи билан ўзи олишиб, ухлолмай, титраб-қақшаб чиқар ва Хосе Аркадио келишидан дарак берувчи тонгни, уйнинг ларзага тушишини кутар эди. Охири, Ребека чидай олмади, унинг хонасига кирди. Хосе Аркадио қайиқ боғланадиган арқонга осилган гамакда, кўзлари очиқ, биргина иштонда ётарди. Унинг мисдай бадани Ребекани ҳайратга солди ва қиз ортига қайтмоқчи бўлди. «Кечирасиз, — деди Ребека. — Мен сизнинг бу ердалигингизни билмабман». У ҳеч кимни уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб гапирди. «Бу ёққа кел», — деб чақирди Хосе Аркадио. Ребека келди. Қиз, довулга ўхшаш шиддатли бир куч белидан кўтариб, уч силтов билан эгнидаги кийимини йиртиб, уни худди кичкина қўшча каби тапиллатиб остига босганида, нафаси қайтиб ўлиб қолмаслиги учун жон талвасасида типирчилай бошлади.

Уч кундан сўнг улар никоҳдан ўтишди. Никоҳ арафасида Хосе Аркадио Пьетро Креспининг дўконига борди. Италиялик цитрада куй чалишдан сабоқ берарди. Хосе Аркадио уни четга ҳам чиқармай: «Мен Ребекага уйланыпман», — деб

бақирди. Пьетро Креспи оқариб кетди, қўлидаги цитрани шогирдларидан бирига бериб, дарс тугаганини эълон қилди. Улар музика асбобларини уйинчоқлар билан тўлдирилган хонада икковлон қолишганида, Пьетро Креспи: «Ахир у синглингиз-ку» деди.

— Аҳамияти йўқ, — деб жавоб қайтарди Хосе Аркадио. Пьетро Креспи муаттар ҳидли рўмолчаси билан пешонасини артди.

— Бу — табиатга хилоф иш, — дея тушунтира кетди у, — бундан ташқари, қонунда тақиқланган.

Хосе Аркадио унинг ваз-қорсонидан эмас, балки шунчалар оқариб кетганидан дарғазаб бўлди.

— Тупурдим ўша табиатга, — деди у. — Мен буни сиз қийналмаслигингиз ва Ребекадан ҳеч нарса сўрамаслигингиз учун айтдим, холос.

Аммо Пьетро Креспининг кўзёшларини кўриб бир оз бўшашди.

— Бўлди, бўлди, — деди у юмшоқ оҳангда, — агар ҳамма гап сизга бизнинг оиламиз ёқиб қолганида бўлса, ана, Амаранта қоляпти-ку.

Гарчи падре Никанор ўзининг якшанба кундаги хутбасида Хосе Аркадио билан Ребека ака-сингил эмаслигини эълон қилган бўлса-да, Урсула уларнинг никоҳларини кечира олмади. Урсула никоҳни шаккоклик аломати ҳисоблаб, черковдан қайтиб келган келин-куёвни уйга киритмади. Энди улар гўё Урсула учун ўлгандай эди. Ёш келин-куёв қабристон яқинидан бир ҳужрани ижарага олишди. Оиланинг илк мебели — Хосе Аркадио уйдан ўзи билан олиб келган осма гамакдан иборат эди, холос. Биринчи оқшом келинни туфлисига кириб қолган чаён чақди. Ребека тилдан қолди, аммо бу ҳол эр-хотинга чиллани кўнгилдагидек ўтказишларига тўсқинлик қилаолмади. Улар яшаган маҳалла аҳли ҳар туни саккиз марта аёл чинқиригидан уйғониб кетар ва бу чинқириқ чошгоҳдаги ибодат чоғида ҳам яна уч марта такрорланар, одамлар, бошвоқсиз ҳирс қабристондаги ўликларнинг оромини бузмасин-да, деб, худога нола қилишарди.

Ёш эр-хотинга биргина Аурелиано ғамхўрлик кўрсатди. Уларга энг бақувват ва зарур мебелларни олиб берди, Хосе Аркадио уйлари ёнидаги ташландиқ жойни зироатга яроқли қилгунича, уларни пул билан таъминлаб турди. Гарчанд ҳаёт ҳатто тушига ҳам кирмаган бахт ҳадыя этган бўлса-да, Амаранта ҳамон Ребекага кек сақларди: бу шармандаликни юмшатиш йўлини топа олмаётган Пьетро Креспи, Урсуланинг хоҳишига кўра, илгаригидек ҳар сешанбада уларнинг уйига овқатлангани келар ва бахтсизлигини ҳеч кимга сездирмай, матонат билан дош берарди. Буэндиалар оиласига ҳурмати юзасидан у шляпасидаги қора лентани қолдирган ва ҳар гал ўзининг Урсулага боғланиб қолганидан мамнунлигини намойиш этарди. Урсулага ҳар куни антиқа совғалар — португал сардиналари, атиргул баргидан қилинган туркча шинни олиб келарди. Ҳатто бир куни Маниладан келтирилган шол рўмол ҳам совға қилди. Амаранта Пьетро Креспининг кўнглини овлар, унинг дидини топар, кўйлагининг енгида осилиб қолган ипларни кесар, туғилган кунига эса Пьетро Креспининг исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари битилган анчагина рўмолча тайёрлаган эди. тушликдан сўнг галереяда чеварлик қиладиган Амарантага у қувноқ суҳбатдош бўларди. Пьетро Креспининг назарида ёш боладек туюлувчи бу қизда ҳали нозиклик етишмасди, аммо унинг ҳислари ниҳоятда нафис, қалбида яширин бир нафосат бор эди. Ҳеч ким Пьетро Креспининг Амарантага уйланишига шубҳаланмасди. Ҳақиқатан ҳам, бир куни сешанбада Амарантага, менга тегсангиз, деди. Қиз индамай ишини давом эттираверди. Қулоқларини ловулатган ҳарорат пасайишини кутиб турди ва сўнгра шошилмай, ўзига ишонадиган одамлар каби:

— Албатта, тегаман, Креспи, — деди. — Аммо бир-биримизни яхшироқ билиб олганимиздан сўнг. Шошқалоқлик яхшиликка олиб бормайди.

Урсула нима қилишини билмасди. Пьетро Креспини қанчалик ҳурмат қилмасин, у Ребека билан йигитнинг узоқ вақт давом этган ва охири можаро билан тугаган фотиҳасидан сўнг, ушбу қарор ахлоқ жиҳатдан тўғрими ёки нотўғри эканлигини англолмасди. Шубҳасини баҳам кўрадиган одам тополмагани учун Пьетро Креспининг совчилигини индамай қабул қилди. Оила бошлиғи Аурелиано эса ўзининг ноаниқ, аммо қатъий фикри билан Урсулани баттар эсанкиратди:

— Ҳозир тўй ҳақида ўйлайдиган вақт эмас, — деди у.

Бу сўзларнинг мазмунини Урсула орадан бир неча ой ўтгач тушунди. Бу — ўша дамда Аурелианонинг нафақат тўйга, балки урушдан бўлак барча воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирган яккаю-ягона самимий фикри эди. Йиллар ўтиб, у девор остида ўзини отишларини кутиб турганида, бу ерга қадар етаклаб келган кўринмас, аммо олдини олиб бўлмас тасодиф занжири қай йўсинда пайдо бўлганини ўзига ўзи аниқ тушунириб беролмайди. Ремедиоснинг ўлими Аурелианони у қўрққан даражада ҳаяжонлантирмади. Хотинининг ўлими унда мислсиз ғазаб уйғотди, ушбу дарғазаблик туйғуси эса бора-бора — у илгари аёлларни рад этган давридагига монанд — умидларни чил-парчин қилувчи

сусткаш ва ғамгин ҳисларга кўмилиб кетди. Аурелиано ўзини яна буткул ишга бағишлади, аммо қайнотаси билан домино ўйнашни қанда қилмади. Мотам руҳига тўла кечки осойиш суҳбатлар уларнинг дўстлигини тобора мустаҳкамларди. «Яна уйлан, Аурелиано,— дерди унга дон Аполинар Москоте.— Менинг яна олти қизим бор. Истаганингни олишинг мумкин». Сайловга бир неча кун қолганида Макондонинг коррехидори ўзининг галдаги сафаридан мамлакатдаги сиёсий вазиятдан жиддий ташвишланган ҳолда қайтиб келди. Либераллар уруш очишга тайёргарлик кўришарди. Аурелиано ўшанда консерватор ва либераллар ҳақида мутлақо тасаввурга эга эмасди, бу икки нарса учун уруш очиш муаммолари таажжубга соларди. Сиёсатдан йироқда бўлган Макондога сайлов арафасида қайнотасининг сержант бошчилигидаги олти нафар қуролланган солдатни чақиртириши Аурелианога мутлақо кераксиз чираниш бўлиб туюлди. Шаҳарга келган солдатлар барча хонадонларга кириб, ов милтиқлари ва ҳатто ошхонада ишлатиладиган катта пичоқларни ҳам тортиб олишди, сўнгра ёши йигирма бирдан ўтган эркакларга консерватор-номзодларнинг номлари битилган кўк ҳамда либерал-номзодларнинг номлари ёзилган пуштиранг варақалар тарқатишди. Шанба куни, сайлов арафасида дон Аполинар Москоте ярим кечадан бошлаб қирқ саккиз соат мобайнида спиртли ичимликлар сочиш ва бири оилга мансуб бўлмаган уч нафардан кўп одамнинг кўчада тўпланиб туриши тақиқлангани ҳақидаги декретни ўқиб эшиттирди. Сайлов тинчгина ўтди. Якшанба куни эрталаб соат саккизда майдонга ёғоч қути ўрнатишди. Уни олти солдат қўриқлаб турарди. Овоз бериш мутлақо эркин бўлди, кунбўйи қайнотасининг ёнида туриб, бир одам икки маротаба овоз бермаслигини назорат қилган Аурелиано бунга тўла ишонч ҳосил қилди. Кундуз соат тўртда ноғора товуши сайловнинг ниҳоясига етганидан хабар берди ва дон Аполинар Москоте ўз имзоси чекилган ёрлиқ билан сайлов қутичасини муҳрлади. Кеңкурун Аурелиано билан домино ўйнаётганида, коррехидор сержантга, қутичани очиб, овозларни ҳисобла, деб буюрди. Пуштиранг ва кўк қоғозларнинг сони тенг эди, аммо сержант пушти қоғозларнинг фақат ўнтасини қолдириб, қолганларини ташлаб юборди. Сўнгра қутичага янгидан муҳр босишди. Эртасига тонг азонда у провинциянинг марказий шаҳрига олиб кетилиши керак эди. «Либераллар уруш бошлашади»,— деди Аурелиано. Дон Аполинар ўйиндан бош кўтармади ҳам. «Сайлов қоғозларининг алмаштириб қўйилганлиги учун деб ўйлайсанми? Йўқ, уруш очилмайди»,— деди у.— Ахир улар шикоят қилишмаслиги учун қутичада оз-моз пушти бюллетенлар қолдирилди-ку». Аурелиано оппозиция қанчалар ноқулай шароитда эканини англади. «Агар мен либерал бўлганимда,— таъкидлади у,— ана шу қоғозлар юзасидан албатта уруш бошлаган бўлардим». Қайнотаси унга кўзойнак тепасидан қараб қўйди.

— Эҳ, Аурелиано,— деди у,— агар сен либерал бўлганимда, гарчанд менга юз марта куёв бўлганимда ҳам қоғозларнинг алмаштирилишини кўролмас эдинг.

Сайловнинг якуни эмас, балки солдатларнинг мусодара қилинган пичоқлару ов милтиқларини эгаларига қайтариб беришдан бош тортишлари шаҳарда норозилик туғдирди. Аёллар Аурелианога, қайнотанга айт, ҳеч бўлмаса ошпичоқларни қайтарсин, деб илтимос қилишди. Дон Аполинар Москоте махфий равишда унга солдатлар мусодара қилинган пичоқлару ов милтиқларини либералларнинг урушга тайёргарлик кўришаётганининг далилий ашёлари сифатида олиб кетилганини маълум қилди. Бу қадар сурбет баёнот Аурелианога жуда ёмон таассурот қолдирди. У лом-мим демади, аммо бир куни кечкурун дўстлари Херинельдо Маркес ва Магнифико Висбаль билан пичоқлар воқеасини муҳокама қилаётиб, ундан либералми ёки консерватор эканлигини сўрашганида, Аурелиано бир он ҳам иккиланмай:

— Агар кимдир бўлишим шарт бўлса, яхшиси либерал бўлардим, чунки консерваторлар ғирт муттаҳам,— деди.

Эртасига у дўстларининг кистови билан, жигарини даволатгани (гарчанд касал бўлмаса-да) доктор Алирио Ногеранинг қабулига кирди. Бу баҳона нега керак бўлиб қолгани ҳақида у тасаввурга ҳам эга эмасди. Доктор Алирио Ногера Макондога бундан бир неча йил олдин, анчагина нордон дорилар ва одамларга галати туюлган — «Понани пона била қоқиб чиқаришади», деган шиор билан бирга келганди. Ногера ҳеч қандай шифокор эмасди. Ушбу сохта доктор аслида террорчи эди. Қўнжи узун пойабзали унинг беш йиллик сургун давомида темир кишанлардан чандиқ тушган тўпикларини бегона кўзлардан яширарди. Федералчиларнинг илк кўзғолонидаёқ уни қўлга туширганларида, у жинидан ҳам ёмон кўрадиган либос — шифокор кийимини кийиб Кюрасаога қочишга муваффақ бўлган эди. Узоқ муддат чўзилган бу қувғинликнинг охириги кунларида, Кюрасаога сиёсий муҳожирлар Кариб денгизининг барча оролларида келган хушхабарлардан руҳланиб, контрабандачиларнинг кемасига тушиб, дорилар тўлдирилган шиша идишлар (дорилар оддий шарбатдан ўзга нарса эмасди) ва Лейпциг университетини тугатганлиги ҳақидаги сохта диплом билан (уни ҳам ўзи



тайёрлаган эди) Риоачада пайдо бўлди. Риоачада эса у ҳафсаласи пир бўлиб йиғлаб юбораёзди. Сиёсий муҳожирлар портлаш арафасида туришибди деб таърифлаган федералчилар сайлов арафасида ишончларини йўқотишиб, мутлақо совиб қолишганди. Омадсизликдан ғамга чўккан ва қариган чоғида яшаш учун ишончли жой қидирган бу сохта шифокор Макондога келиб яширинди. У шаҳар майдони яқинидаги уйда, тор, бўш шиша идишлар қалаштирилиб ташланган хоначада, тузалмас беморлар маблағи эвазига яшарди: барча дори-дармонларни татиб кўрган бу беморлар эндиликда жўн шарбатдан шифо ахтаришар эди. Дон Аполинар Москоте номигагина ҳукмдор бўлиб турган пайтда, доктор ўз ташвиқотчилик истеъдодини қўллаш олмасди. У кўпроқ вақтини эсдаликлари астмага қарши курашга сарфларди. Ногера яқинлашиб келаётган сайловга катта умид болаган эди. У сиёсат масаласида нўноқ бўлган шаҳар ёшлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди ва яширин ҳамда қатъий фитначилик кампаниясини бошлаб юборди. Сайлов кутичасидаги сон-саноксиз пуштиранг қоғозлар дон Аполинар Москоте ўйлаганидек ёшларнинг энгилтақликлари эмас, балки Ногеранинг фаолияти туфайли пайдо бўлган эди (бу юмуш террорчи кўзлаган режанинг бир бўлаги эди), у шогирдлари сайловнинг қанчалик лўттибозлик эканига ишонч ҳосил қилишлари учун уларни овоз беришга мажбур қилган эди. «Бу — жабр-зулмнинг ўзгинаси», — дерди Ногера уларга. Аурелианонинг аксарият дўстлари консерваторлар тузумини нобуд қилиш истагида эди, аммо Аурелианонинг коррехидор билан қариндошлигидан эмас, балки унинг одамовилигию феъл-атвори ўзгарувчанлигидан кўрқишиб, унга ўз режалари ҳақида гапиришга журъат қилишолмасди. Бундан ташқари, қайнотасининг кўрсатмасига биноан унинг консерваторларга овоз бергани маълум бўлган эди. Шундай қилиб, унинг сиёсий қарашини рўй берган оддий тасодиф туфайли очилиб қолди, Аурелиано фақат шунчаки қизиқиш юзасидан бундай телба қадам ташлади — докторникига йўқ касалини даволатгани борди. Ургимчак уяларию камфаранинг ачимсиқ ҳиди қоплаган, чўққахона каби ифлос бу хонада у қари игуанага ўхшаш бир кимсани учратди, нафас олганда ўпкаси гўёки ҳуштак чаларди. Доктор индамасдан Аурелианони дераза ёнига олиб борди-да, пастки қовоғини кўздан кечириб бошлади. «У ерда эмас, — деди Аурелиано дўстлари ўргатгани бўйича. Кейин қўлини жигарига босиб: — Ана шу еримда оғриқ ҳис қиляпман, кечаси билан уйку бермайди, — деди. Шунда доктор Ногера хона қизиб кетганини баҳона қилиб, деразани ёпди ва консерваторларни ўлдиришга аҳд қилган ватанпарварнинг бурчи ҳақида қисқа ваъз айтди. Аурелиано бир неча кун давомида чўнтагида дори солинган идишни олиб юрди. У ҳар икки соатда уч дона ҳаб олиб, тилининг остига ташларди. Дон Аполинар Москоте унинг докторнинг найрангларига лаққа учганидан кулар, фитначилар эса Аурелианони ўз одамимиз деб ҳисоблашарди. Фитнага, гарчанд келажакдаги ишлари нимадан иборат эканини аниқ билишмаса-да, Макондога асос солган барча кишиларнинг барча ўғиллари жалб этилган эди. Аммо доктор ўз сирини ошкор этгани заҳоти, Аурелиано фитнадан чиқди. Ушанда Аурелиано консерваторларнинг нобуд қилиниши зарурлигига қатъий ишонса-да, докторнинг режалари қабиҳлигидан ларзага тушган эди. Алирио Ногера якка террор тарафдори эди. Унинг режаси — келишилган ҳолда бир қатор якка тартибда суиқасд уюштиришни ва ушбу суиқасд бора-бора умуммиллий тус олишини, охир-оқибатда барча давлат чиновниклари, уларнинг оила аъзолари, асосан эркак зотига мансублари, ер юзасида консерваторларнинг уруғиям қолмаслиги учун — ўлдирилишларини тақозо этарди. Табиийки, бу рўйхатга дон Аполинар Москоте, унинг хотини ва олти қизи ҳам киритилган эди.

— Сиз ҳеч қанақа либерал эмассиз, — деди унга Аурелиано қиёфасини ўзгартирмай. — Сиз — шунчаки қонхўр қассобсиз, холос.

— Ундай бўлса, — жавоб қайтарди доктор вазминлик билан, — дориларни қайтариб бер. Улар энди сенга керак эмас.

Ушанда докторнинг уни ҳеч қандай курашга яроқсиз, ланж характерли, кўнгли бўш, бебахт ва танҳоликка мойил деб ҳисоблагани Аурелианога орадан ярим йил ўтгач маълум бўлди. Фитнани сотиб қўйишдан хавфсираган дўстлари Аурелианони кўрқитишга уринишди. Аурелиано уларни тинчлантириб айтдики, мен ҳеч кимга ҳеч нарса демайман, лекин Москоте оиласини ўлдиришга келсангиз, сизларни остонада қурол билан қаршилашим тайин.

Аурелианонинг қатъияти фитначиларга қаттиқ таъсир қилди ва улар режаларини номаълум муддатга кечиктиришди. Шу воқеалар содир бўлаётган пайтда Урсула Пьетро Креспи билан Амарантанинг тўйлари хусусида маслаҳатлашгани ўғлининг ёнига келди ва у онасига, ҳозир бунинг мавриди эмас, дея жавоб қайтарди. Мана бир ҳафтадирки, Аурелиано, қўйнида эски тўппонча, дўстларини зимдан кузатарди. Тушликдан сўнг, ўз уйларини тартибга келтириб бошлашган Хосе Аркадио билан Ребеканига кофе ичгани борар, кеч соат олтидан сўнг эса қайнотаси билан домино ўйнашга ўтирар эди. Эрталаб, нонушта пайтида

Аркадио билан сўхбатлашарди; Аркадио энди норғул йигитга айланган бўлиб, уруш муқаррарлигидан ҳар сафар ҳаяжонга тушарди. У муаллимлик қиладиган мактабда эндигина гапиришни ўрганишаётган болалар ҳам, ёши Аркадиодан анча катта сўлоқмондай одамлар ҳам бор эди, Аркадиога либерализм васвасаси юқиб улгурган эди. У Падре Никанорни отиб ташлаш, черковни мактабга айлантириш, муҳаббат эркинлигини жорий этиш керак, деб тинмай гапирарди. Аурелиано унинг шаҳдини қайтаришга уриниб, эсингни йиғ, сал эҳтиёт бўл, деб маслаҳат берди. Аммо Аркадио унинг маслаҳатига қулоқ солмас ва ҳамманинг олдида уни кўнгли бўшлиқда айбларди. Аурелиано эса кутарди. Ниҳоят, декабрнинг бошида Урсула устахонага ҳовлиқиб кириб:

— Уруш бошланди! — дея ҳайқирди.

Уруш уч ой давом этди. Бутун мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Уруш бошланишини Макондода фақат биргина одам — дон Аполинар Москотегина биларди, аммо шаҳарга кўққисдан бостириб киришга буйруқ олган ҳарбий отряд келмагунга қадар у ҳатто хотинига ҳам оғиз очмади. Хачирларга тиркалган иккита энгил тўп билан қуролланган солдатлар шаҳарга эрта тонгда шовқин-суронсиз келишиб, мактабни казармага айлантиришди. Кечки соат олтидан комендантлик вақти жорий қилинди. Ҳар бир хонадонда олдинги тинтувга нисбатан қаттиқроқ тинтув ўтказилди ва бу гал ҳатто деҳқончилик асбобларини ҳам тортиб олишди. Доктор Ногерани уйдан судраб чиқиб, шаҳар майдонидаги дарахтга боғлашиб, суду терговсиз отиб ташлашди. Падре Никанор ҳарбийларга ўзининг илоҳий муаллақи билан таъсир қилмоқчи бўлган эди, солдатлардан бири унинг бошига кўндоқ билан туширди. Либераллик шамоли тиниб, атрофни даҳшатли сокинлик қоплади. Оқариб кетган ва одамови бўлиб қолган Аурелиано қайнотаси билан домино ўйнашини давом эттирарди. У гражданлик мансаби устига ҳарбий ҳоким унвони ҳам берилган дон Аполинар Москотенинг яна қуруқ савлатга айланганини тушунди. Барча фармонларни гарнизон бошлиғи бўлмиш капитан берар, у ҳар куни эрталаб жамоат тартиби муҳофазачиларининг эҳтиёжи учун одамлардан солиқ тўпларди. Унинг тўрт нафар солдати қутурган ит қолган аёлни оила аъзолари қўлидан юлиб олиб, кўчанинг қоқ ўртасида милтиқнинг қўндоқлари билан уриб ўлдиришди. Шаҳар ишғол қилинганидан икки ҳафта ўтгач, якшанба куни Аурелиано Херинельдо Маркеснинг уйига борди ва эҳтиёткорлик билан қанд кўшилмаган кофе сўради. Улар ошхонада фақат иккови қолишганида, Аурелиано ўзига хос бўлмаган қатъий буйруқ оҳангида деди: «Йигитларни ҳозирла. Биз урушга борамиз». Херинельдо Маркес унга ишонмади.

— Қуролигимиз йўқ-ку? — сўради у.

— Уларнинг қуролларини тортиб оламиз, — жавоб берди Аурелиано.

Сешанба куни тунда мардонавор операция ўтказилди: пичоқ ва темир-терсак билан қуролланган, ёши ўттизга ҳам етмаган йигирма бир йигит Аурелиано Буэндиа бошчилигида кўққисдан гарнизонни ишғол қилиб, солдатларнинг милтиқларини қўлга киритди ва майдонда капитан билан биргаликда ит қопган аёлни ўлдириган ўша тўрт солдатни отиб ташлади.

Уша кечаси, ҳали майдондан тўп овози эшитилиб турган бир пайтда, Аркадио Макондо кўрғонининг ҳам граждан, ҳам ҳарбий ҳукмдори этиб тайинланди. Кўзғолончиларнинг уйланганлари хотинлари билан зўрға хайрлашди. Одамларни террордан халос қилганлари учун чексиз ташаккурга сазовор бўлган Аурелиано отрядининг аъзолари, охириг ахборотларга қараганда, Манаурега силжиган генерал Викторιο Медина бошлиқ инқилоб лашкарларига қўшилиш учун саҳар пайти Макондодан чиқиб кетди. Йўлга тушишдан олдин Аурелиано дон Аполинар Москотени шкафдан чиқариб олди. «Ташвишланманг, ота, — деди у. — Янги ҳокимият сизнинг ва оилангизнинг дахлсизлигига кафиллик беради». Дон Аполинар Москоте узун этикли, елкасига милтиқ осиб олган кўзғолончи ўзининг кўёви, ҳар куни кеч соат тўққизгача бирга домино ўйнайдиган одам эканини зўрға таниди.

— Аурелито, бу — бемаънилик! — қичқирди у.

— Йўқ, бемаънилик эмас, — деди Аурелиано. — Бу — уруш. Энди мени ҳеч қачон Аурелито деб атаманг, энди мен полковник Аурелиано Буэндиаман.

Полковник Аурелиано Буэндиа ўттиз икки марта қуролли кўзғолон кўтарди ва ўттиз икки гал ҳам мағлубиятга учради. У ўн етти аёлдан ўн етти нафар ўғил кўрди, кенжа ўғли энди ўттиз беш ёшга кираётганда, унинг ҳамма фарзандларини бирин-кетин, бир кечанинг ўзида ўлдиришди. Ота эса ўн тўрт суиқасддан, етмиш уч пистирмаю қатлдан ҳамда кофега аралаштирилган ва нақ бир отни бемалол ўлдирадиган заҳардан омон қолди. У республика президенти томонидан тақдим этилган Ҳурмат орденидан юз ўгирди. Барча революцион қўшинларнинг бош кўмондони бўлди ва мамлакатнинг сарҳаддан сарҳадга қадар ястаниб ётган бепоён ерларига ҳарбий ҳукмдор ва судья этиб тайинланди. Ҳукумат ҳам чўчидиган бу одам, ўзининг фотосуратини олдиришга руҳсат бермасди.

У урушдан сўнг, то умрининг охиригача тайинланган нафақани рад этиб, кексайганида Макондодаги устахонасида балиқчалар ясаб, ўшалардан тушган маблағ эвазига кун кечирди. У ҳамиша жангларда биринчи сафларда қатнашган бўлса-да, фақат бир мартагина, қарийб йигирма йил давом этган гражданлар урушига чек қўйган Неерланд капитуляциясига имзо чекилганидан сўнг, ярадор бўлди, аниқроғи, ўзини ўзи яралади. У қўлидаги тўппончасидан кўкрагига ўқ узди ва ўқ юрагига шикаст етказмай, орқасидан тешиб чиқди. Макондода унинг номига қўйилган кўчагина унинг мислсиз жасоратларидан нишона сифатида қолди. Аммо у йигирма бир нафар одамдан иборат отрядни ҳеч қандай манфаат кутиб эмас, балки генерал Викторιο Медина кўшинларига қўшилиш мақсадида ўша декабрь тонгида Макондони тарк этганини ўлими олдидан тан олди.

— Биз шаҳарни сенга қолдирапмиз, — деган эди ўшанда у Аркадиога. — Бутун қолдириб кетяпмиз, биз қайтганимиздан кейин Макондо бундан ҳам ободроқ бўлмоғи шарт.

Аркадио унинг кўрсатмасини бутунлай бошқача тушунди. У Мелькиадес китобларидаги рангли расмлардан руҳланиб, маршаллик галунлари<sup>1</sup> тикилган ва эполетлар<sup>2</sup> тақилган антиқа ҳарбий кийим тиктирди, отиб ўлдирилган капитаннинг попукли қиличини камарига тақиб олди. Кейин иккала тўпни ҳам шаҳарга кираверишдаги жойга ўрнатди, оташин хитобларидан руҳланган шогирдларига ҳарбий форма кийдириб, четдан қараган одамларга Макондо ишғол қилиб бўлмайдиган шаҳардек туюлиши учун, уларни қуроллантириб, шаҳар кўчалари бўйлаб кезиб юришни буюрди. Ушбу маккорликнинг оқибати ҳам яхши, ҳам ёмон бўлди: ҳақиқатан ҳам ҳукумат бир йил давомида Макондо кўрғонини босиб олиш учун буйруқ беришга жазм этолмай юрди, аммо ниҳоят журъат этгач, шаҳарга шунчалик кўп қўшин юбордики, ҳимоячиларнинг қаршилиги ярим соат ичида синдирилди. Аркадио ҳукмдорликнинг дастлабки кунлариёқ ўзининг қарор чиқаришга мойиллигини ошкор қилди. У дафъатан миясига келиб қолган тасодифий нарсалар хусусида қарорлар қабул қилар, баъзан бир кунда тўртта декрет чиқарган пайтлари ҳам бўлган эди. У ўн саккиз ёшлилар учун мажбурий ҳарбий хизмат жорий этди: кеч соат олтидан сўнг кўчада қолган уй ҳайвонларининг умумий мулкка айланиб қолишини эълон қилди: катта ёшдаги эркакларни енгларига қизил латта боғлаб юришга мажбурлади. Падре Никанорни хонаки банди қилди: «Агар уйдан чиқсанг отиласан», — деб, кўчага чиқишни тақиқлади. Падрега фақат либераллар ғалабасини байрам қилганларидагина ваъз айтиш ва кўнғироқ чалишга рухсат этилди. Аркадио, одамлар билан ҳазиллашмаётганлигини кўрсатиш учун, солдатлар бўлинмасига шаҳар майдонида кўғирчоқларни отиб машқ қилишни буюрди. Олдиниға буни ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Ахир Аркадио ҳам, унинг солдатлари ҳам бор-йўғи катталарнинг ўйинларини ўйнашаётган ёш болалар, мактаб ўқувчилари эди-да. Бир куни кечқурун Аркадио Катаринонинг ишратхонасига кирганида, сурнайчи янги бошлиқни тантанали марш билан қарши олиб одамларни кулдирганида, Аркадио ҳокимият эгаларини беҳурмат этгани учун сурнайчини отишга маҳкум қилди. Бунга норозилик билдиришга жазм этганларни эса синф хоналаридан бирига қамаб, уларга фақат нону сув берилишини тайинлади. «Сен қотилсан! — дея бақирарди унга ҳар сафар Урсула, неварасининг ўзбошимчалигини эшитиб. — Мабодо Аурелиано эшитиб қолса, сени албатта отиб ташлайди ва бундан биринчи бўлиб мең шодланаман». Аммо бу гапларнинг бари беҳуда эди. Аркадио ўзининг кераксиз ёвузлигини тобора кучайтирарди. Ниҳоят, у Макондо кўрган энг ёвуз ҳукмдорга айланиб қолди. Хайриятки, одамлар оқу қорани фарқлапти, — деди бир куни дон Аполинар Москоте. — Мана сизга либераллар ваъда қилган жаннат». Бу сўзларни Аркадиога етказишди. У солдатлар патрули билан дон Аполинар Москотенинги уйини ишғол қилиб, мебелларининг кулини кўкка совурди, қизларини беомон савалади, собиқ коррехидорни эса кўча бўйлаб судратиб, казармага олиб келтирди. Бундан хабар топган Урсула уятдан қазариб, қўлидаги мумланган ўрма қамчисини ғазаб билан силтаганча, шаҳар кўчалари бўйлаб югура кетди; у казарма ҳовлисиға бостириб кирганида, бўлинма солдатлари дон Аполинар Москотени отиш учун саф тортишган ва Аркадио «Отинлар!» деб буйруқ беришга шайланаётган эди.

— Қани, отиб кўр-чи, пасткаш! — деб қичқирди Урсула.

Довдираб, ўзини ўнглаб олишга ҳам улгурмаган Аркадиони Урсула ҳўкиз пайларидан ўрилган оғир қамчи билан савалай кетди. «Отиб кўр-чи, қотил! — деб қичқирарди у. — Унга кўшиб мени ҳам от, манжалақининг боласи. Ушанда мени сендай махлўқни ўстирганим учун уятдан йиғлашимдан халос этган бўласан!» У Аркадиони раҳм-шафқатсиз, то у ҳовлининг узоқ бурчагига бориб, шиллиқ

<sup>1</sup> Галун — кийимларга тикиладиган заррин жияк.

<sup>2</sup> Эполет — ҳарбий парад кийимиға тақиладиган зарбоф погон.

кўртдай бурканиб олгунига қадар савалади. Илгари ўқлар илма-тешик қилиб юборган кўғирчоқ осиглиқ турган ёғочга боғлаб қўйилган дон Аполинар Москоте хушсиз эди. Бўлинма солдатлари Урсула қолган ғазабини бизга сочади, деб, кўрққанларидан қочиб кетишган эди. Аммо Урсула улар томонга қиё ҳам боқмади. Оғриқ азобидан додлаётган Аркадиони тинч қўйиб, дон Аполинар Москотени ечди ва уйга олиб кетди. Казармадан чиқишидан олдин, бу ерда ҳибсда сақланаётганларни озодликка чиқарди.

Шундан сўнг шаҳарни Урсула бошқарадиган бўлди. У якшанба ибодатини қайта тиклади, қизил латта боғлаб юришга чек қўйди ва Аркадионинг барча ноўрин қарорларини бекор қилди. Аммо шунчалик матонатига қарамай, Урсула холи қолган пайтларида ўз толедан йиғларди. У ўзини шу қадар ёлғиз ҳис қилардики, охири каштан остида эсдан чиқаётган эрининг суҳбатидан таскин излай бошлади. «Қара, қанча кулфатлар тушди бошимизга, — деди у эри пальма шох-шаббаларидан қилинган пешайвонни оқизиб кетишга ҳаракат қилаётган ёз ёмғирининг шовқини остида. — Уйимиз ҳувиллаб қолди, ўғилларимиз тарқалиб кетишди. Яна иккимиз қолдик». Аммо телбалик бағрига фарқ бўлган Хосе Аркадио Буэндиа унинг гапларини эшитмасди. У ўзининг скамейкасида ўтирар, Урсула эса, эрини ювинтираркан, оила янгиликларини сўзлаб берарди. «Аурелианонинг урушга кетганига мана тўрт ой бўлди, биз ҳанузгача унинг тақдирдан беҳабармиз, — дерди у, эрининг орқасини совунли латта билан арта туриб. — Хосе Аркадио эса қайтиб келди, гавдаси сеникидан ҳам норғул, бутун бадани чорчўп тасвирига тўлиб-тошган, лекин у хонадонимизга нуқул шармандалик келтираётир». Ноҳуш хабарлар эрига озор бера бошлаганини ҳис қилиб, энди уни алдашга тушарди. «Эҳ, шунча вайсабман-а, сен менга ишонма, — дерди у эрининг нажосати устига кул сепиб, сўнг уни белкуракка йиғаркан. — Хосе Аркадионинг Ребекага ўланиши худонинг ёзиғи экан, энди улар жуда бахтли яшашяпти». Урсула ҳақиқат ёрдамида ёлғон гапиришга шу қадар ўрганиб қолдики, охири ёлғонларидан ўзи ҳам таскин топа бошлади. «Аркадио жиддий ва ниҳоятда жасур йигит бўлиб етишган, — дерди у. — Ҳарбий кийиму қилич унга қанчалар ярашганини кўрсанг эди». Бу ҳол ўлик билан гаплашишга ўхшаб кетар, чунки энди Хосе Аркадио Буэндиани бирор нарса на хурсанд ва на хафа қила оларди. Аммо Урсула эри билан суҳбатлашишни қанда қилмасди. Эри беозор ва лоқайд эканини кўргач, Урсула уни арқонлардан ҳалос қилди. Арқонлар ечилган бўлса-да, Хосе Аркадио Буэндиа ҳатто жойидан ҳам силжимади. Гўёки арқонларнинг ҳеч бир аҳамияти йўқдек, гўёки уни каштан дарахти танасига арқонлар ва умуман кўзга кўринадиган воситалар — занжиру кишанлар эмас, балки улардан юз чандон бақувват бир куч боғлаб ташлагандек, қуёш ва ёмғир остида ҳам скамейкада ўтираверарди. Августда, бу йил қиш одатдағига қараганда чўзилиб кетиши ҳаммага аён бўлганида, Урсула ниҳоят эрига ўзи маъқул топган нарсани маълум қилди:

— Бахт биз билан қадам-бақадам юрибди, — деди у. — Яқинда Амаранта билан пианола тузатган ўша италияликнинг тўйини кўрамиз.

Урсула Пьетро Креспи билан Амарантанинг суҳбатларини илгаригидек назорат қилишни кераксиз деб топгач, уларнинг дўстона алоқалари хийла илгарилаб кетди. Келин-куёвлик қоронғулик пардаси билан чулғанди. Пьетро Креспи ҳар куни кечкурун Амаранта учун Петрарканинг сонетларини таржима қиларди. Улар атиргуллар ҳиди уфуриб турган галереяда то чивинлар пайдо бўлиб оромларини бузмагунларича ўтиришар, сўнг меҳмонхонага ўтишарди. Йигит шеър ўқир, қиз эса чеварлик қилар, иккиси ҳам уруш воқеаларига лоқайд эди. Амарантанинг сезгирлиги, унинг вазмин нафосати йигитни ўргимчак иплари каби ўраб ташлар ва ҳар сафар соат саккизда, уйга кетишидан олдин куёв ана шу кўринмас ипларни узиб ташларди гўёки. Пьетро Креспи ватанидан юборилган откриткалардан Амаранта иккови ажойиб альбом тайёрлашди. Бу откриткаларнинг ҳар бирида дарахтзорларнинг хилват бурчагида ўтиришган маҳбулбар, камон ўқи билан яраланган юрак ёки икки кабутар икки учини тумшугида тутиб турган тилларанг тасмалар тасвири туширилганди. «Бу — Флоренциядаги боғ, — дерди Пьетро Креспи, откриткаларни кўздан кечираркан. — Қўлингни чўзсанг бас, кабутарлар кафтингга қўниб, нон ушоқларини ея бошлашади». Баъзан Венеция шаҳри кўринишлари тасвирланган сувбўёқли расмларни кўришганида, ватан соғинчи унинг хотирасида каналлардан таралувчи ботқоқ, денгизнинг чирик чиганоклари ҳидию гулларнинг енгил бўйини уйғотарди. Амаранта гоҳо хўрсиниб, гоҳо кулиб, гўзал эркагу аёллари болалар тилида сўзлашувчи бу мамлакат, эндиликда харобазорга айланган қадимий шаҳарлар ҳақида орзу қиларди. Ниҳоят, Пьетро Креспи излаганини топган эди. Муҳаббат дардида океанни кесиб ўтгач, уни Ребека билан шошилинич ва жўшқин тарзда ўпишган пайтидаги ҳавас билан адаштириб юборганидан сўнг топган эди. Бахт унга омад келтирди. Энди Пьетро Креспининг дўкони деярли бутун квартални эгаллар ва гўё хаёлий бир маконга айланган — бу ерда вақтни соат бонглари орқали билдириб турадиган Флоренция

кўнғироқхонасининг аниқ нусхасини, Соррентодан келтирилган музикали қутичани, қопқоғи очилиши биланоқ беш нотадаги куйдан парчалар ижро этиладиган Хитой упадони ва умуман барча музика созларини, одамзод томонидан ўйлаб чиқарилган, бураб ҳаракатга келтирилувчи барча ўйинчоқларни учратиш мумкин эди. Музика мактабида дарс беришга лаёқатсиз бўлган Бруно Креспи — Пьетронинг укаси дўконга мутасадди эди. Унинг елиб-югуришлари туфайли Турклар кўчаси ўзининг турли-туман, кўзни қамаштирувчи ўйинчоқлар кўргазмаси билан сеҳрли кўриқхонага ўхшаб қолди, бу ерда одамлар Аркадионинг жабр-зулмларини, йироқ-йироқлардаги уруш таҳликасини батамом унутишарди. Урсуланинг кўрсатмасига биноан, яқшанбалик ибодат қайта тикланганида, Пьетро Креспи ибодатхонага немис фисгармониясини ҳадя этди, у ерда болалар хори ташкил қилиб, унинг қатнашчилари билан биргаликда грегориан репертуарини машқ қила бошлади. Бу нарса Падре Никанорнинг камтарин хизматиға аллақандай шуқуҳ бағишлади. Амаранта яқин кунлар ичида италияликнинг бахтиёр рафиқасига айланишиға ҳамма ишонарди. Уз ҳисларини ортиқча қамчиламай, уларни нафис, табиий оқим ихтиёриға ҳавола қилган келин-куёв, охир-оқибатда тўй муддатини аниқлаш чегараси қадар келишди. Ҳеч ким уларға монеълик қилмоқчи эмасди. Илгари, тўйни ортга сураверганидан Ребекани бахтиқаро қилиб қўйганлиги учун ич-ичидан ўзини гуноҳкор ҳис қилаётган Урсула, виждон қийноғини яна орттиришни истамасди. Уруш оқибатлари, Аурелианонинг йўқлиги, Аркадионинг зулми, Хосе Аркадио билан Ребеканинг қувғин қилиниши туфайли Ремедиосға очилган аза ҳам иккинчи навбатга сурилган эди. Тўйлари бўлишға астойдил ишонган Пьетро Креспи бир кун Аурелиано Хосени ўзининг тўнғич ўғли деб ҳисоблашға мойиллигини сездирди. Ҳамма, Амаранта бахтнинг осуда кўрфазиға тобора яқин қолди, деб ўйларди. Аммо Ребекадан фарқли ўларок, у ҳаяжонини мутлақ сездирмасди. Дастурхонға гул тиккан пайтидагидек хотиржамлик билан заржияк тўқир, матоға тустовуқлар тасвирини туширарди. Амаранта Пьетро Креспи инон-ихтиёрини тамом бахш этадиган пайтни кутар эди. Унинг кутгани октябрнинг шиддатли ёмғирлари пайтида содир бўлди.

Русчадан **Нурали ҚОБУЛ,**  
**Анвар ЖУРАБОЕВ** таржимаси

Давоми келгуси сонда.

## Илҳом ҳақида

**БОЛДИНО...** Бу қишлоқ номи рус адабиётида илҳом маскани, илҳом тимсоли сифатида маълум ва машҳур бўлиб кетган.

Пушкин Болдиноға келгач, ёзади: «Энди менинг аянчли фикр-ўйларим тарқалиб кетди: мен қишлоққа келдим, дам олмоқдаман... бу ердаги қишлоқ нақадар ажойиб! Фараз қил — ҳаммаёқ чўл; қўни-қўшнилари йўқ. Кўнглинг сиққанча отда сайр қилишинг, уйда ўтириб, хоҳлаганинчга ёзишинг мумкин, ҳеч ким ҳалақит бермайди...»


Чиндан ҳам Пушкин Болдинода, атиги уч ойда, ҳар бири дурдона саналмиш кичик трагедияларини — «Хасис рицарь», «Моцарт ва Сальери», «Тош меҳмон», «Вабо чоғида

зиёфат», «Белкин қиссалари», «Евгений Онегин»нинг охирги бобларини шитоб билан битган.

«...Мен бирор саҳнани дастлаб миямға қандай келган бўлса, шундайлигича ёзиб оламан-да, суюниб кетаман, — деб ёзади Достоевский, — кейин ойлаб, йиллаб қайта ишлайман, бир марта қўшимча қиламан, нимадир олиб ташлайман... Илҳом бўлса — бўлгани. Илҳомсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди».

Илҳом шундан иборатки, бажарилиши мушкул бўлган иш бирдан равшан кўриниб қолади. Илҳом қанчалик ёрқин бўлса, уни ишға солиш учун шунчалик пўхта ишлаш лозим.

Лев ТОЛСТОЙ.



Пўлат Мўмин

## ИККИ ЭРТАК



### САТТИҚИ ТУЮҚ

Утган экан бир деҳқон,  
Уғлин исми Тошполвон.  
Туғилганида бола —  
Экан у анча бўла.  
Кундан-кун етилибди,  
Кўплар ҳавас қилибди.  
Ёқимтою мулойим,  
Оёқ-қўл олти доим.  
Зеҳни ўткир-у ҳушёр,  
Ота ёнида дастёр.  
Бор экан тенгқурлари,  
Ўзидек полвон бари.  
Қураш тушиб, машқ қилиб.  
Юришаркан гашт қилиб.

Бой ерига ёнма-ён  
Бўлар экан тор сайхон.  
Келар экан бир таноб  
Ҳамда кунгай-серофтоб.  
Ота-бола шу ерга,  
Тушишиб анча терга,  
Қишин-ёзин уннаркан,  
Нима экса, унаркан.  
Отаси каби ўғлон —  
Чиқибди хўп билимдон,  
Ҳар ишга етиб кўзи,  
Бажарар экан ўзи.  
Ота-бола бир йили  
Қовун экишган экан.  
Роса етиб ҳосили,  
Полизда қовун деган —  
Тулиб кетибди ҳарён,  
Кўрганлар қолмиш ҳайрон.

Пушталарга қарасанг,  
Ётгандай экан харсанг.  
Оқуруғ, босволдилар,  
Энг оғир-музволтилар —  
Кўтарса, етмас қучоқ,  
Этига етмас пичоқ.  
Еган ҳавас қиларкан,  
Шираси тил тиларкан.  
Ота-бола сотибди,  
Сотсалар ҳам, ортибди,  
Улашиб ҳар танишга,  
Қоқи қиптилар қишга.

Шу полизга ёнма-ён  
Бойнинг ери бор экан.  
Ери экан бепоён,  
Лекин кўнгли тор экан.  
Уғли билан бой бир кун  
Келиб ебдилар қовун,  
Ичидан куйишибди  
Ва яниб қўйишибди...  
Бойнинг ери бутунлай  
Ҳосил бермаскан бундай.  
Ошиб бойнинг ҳасади,  
Ўзгарибди мақсади.  
Ерни тортиб олмоққа,  
Югурибди ҳарёққа.  
Сўнг қозига арз қипти,  
Енг ичида «қарз» қипти.  
Кулгандай унда армон,  
Ёздирибди бир фармон...  
.....  
«Бу отамдан қолган жой» —



Расмларни Акрам ОЛИМЖОНОВ  
чизган

Деб даъво қилибди бой.  
Офат келганга ўхшаб,  
Талай ясовул, миршаб  
Фармонни бажармоққа  
Келишибди қишлоққа.

Ўтмасданоқ ҳафта, ой,  
Тантана қилибди бой:  
Қовуни билан бирга —  
Эга бўлибди ерга.

.....  
Тинчисин, деб, ҳойнаҳой,  
«Сахийлик» қилибди бой:  
Маълум қилиб қозига,  
Полизнинг эвазига,  
Полизнинг эгасига —

Ҳеч нима битмас тошлоқ  
Жой берибди қурумсоқ.  
Деҳқон куйибди тоза,  
Деҳқон куйибди роса,  
Оғир ташвиш қуршабди...  
Уғли бундай қараса,  
Фойда йўққа ўхшабди.  
Қайга етарди қўли,  
Ҳаммаёқда берк йули.  
Ота кўнглин чоғлабди,  
Белни маҳкам боғлабди.  
Тошполвон —  
Танти ўғлон,  
Ўтказмабди фурсатни,  
Кўрсатибди ғайратни.  
Полвонлиги иш бериб,  
Ишлабди кўкрак кериб.  
Билар экан иш кўзин,  
Қарабсизки, бир бошдан  
Ерини шағал, тошдан  
Тозалабди бир ўзи.  
Тайёрлабди экишга,  
Ҳатто, қолдирмай қишга.

Отаси келиб бир кун,  
Ундан бўлибди мамнун.  
Уғлон чекибди заҳмат;  
Кўрганлар депти раҳмат.  
Ўрталикда катта тош,  
Унга ҳеч эгмабди бош.  
Уринса ҳам ҳар куни,  
Кўзгатолмабди уни.  
Полвон бўш келмай, лекин —  
Қазибди секин-секин.

Бу тошнинг кўкламгача  
Енин очибди анча,  
Ота эса: — Бу тошга  
Уғлим, уринма бошқа —  
Деб ачиниб ўғлига,  
Далда бермиш кўнглига.  
Уғли одоб бўйича,  
Ишни тўхтатиб пича,  
Сира тураолмай жим,  
Яна бошлабди ҳужум.  
Бўш келганда кавлабди,  
Чарчабди, каловлабди —  
Гоҳида олибди дам,  
Чекинмабди сираям.  
Тошполвоннинг-чи, учта —



Бўларкан яқин дўсти.  
Қолишмас улар кучда,  
Йўқдайин ками-кўсти.  
Берайлик, дея, ёрдам,  
Келишибди улар ҳам.  
Тўртовлон —  
Тўртта полвон,  
Туну кун уринибди,  
Энг охири харсангтош,  
Кўпчиликка эгиб бош —  
Урнидан сурунибди.  
Тўртовлон —  
Тўртта полвон,  
Харсанг тошни йиқибди,  
Тошнинг тагидан эса,  
Рўй бериб зўр ҳодиса,  
Бир катта хум чиқибди.  
Ичида лиқ-лиқ олтин...  
Тошполвон-чи, энг олдин  
Отасин айтиб кепти.  
Ота гангиб қолибди,  
Узин қўлга олибди  
Ва ўғлига у депти:  
— Қани, тезроқ бўлинглар,  
Санаб, тўртга бўлинглар...

Сахий экан-да ўзи,  
Тўқ экан унинг кўзи.  
Олтинни улашибди,  
Дўстлар ҳам қувнашибди.  
Тўртовлон —  
Тўртта полвон,  
Олтинга бой бўлишиб,  
Чаққақлашиб, кулишиб,  
Жўнашибди уй томон.  
Хушxabар зум ичида,  
Тарқаб кетибди жуда.  
Хабарни бой эшитиб,  
Эси чиқиб, энтиқиб,  
Қарамай ҳеч қаёққа,  
Югурибди тошлоққа.  
Бўш хум ётар, қараса,  
Харсанг тошнинг ёнида.  
Жон қолмабди жонида.  
Яна тузибди режа.  
Сунг қозига борибди,  
Утиниб ёлворибди —  
Воқеани айтибди.  
Уйлабди, қози эса,  
Асос йўқ, ул-бул, деса.  
Бойдан у ҳам айнибди.  
— Бу гап чиққан оғзингдан,  
Қайтма, — депти лабзингдан. —  
Юртга мазах бўласан,  
Тириклайин ўласан...  
Тополмасдан йўл-йўриқ,  
Бой қолибди қўп-қўруқ.  
У ҳасаддан ёнибди,  
Тунлари ўртанибди.  
Ҳасадга беролмай тоб,  
Бўлибди оғир бетоб...  
Йўқолибди ёмонлик.  
Барқ урибди омонлик...  
Хум чиққан ўша тошлоқ,  
«Олтин тош» деган қишлоқ —  
Номини олган экан,  
Эртақда қолган экан...



# Ток ва қуёш

Бўлган экан  
Бир камбағал,  
Ҳовли-жойи тор экан.  
Ҳовли томи тепасида  
Сўри-токи бор экан.

Атрофдаги  
Қўшнилари  
Йўқ экан ҳеч дарахти.  
Ҳамма томон  
Очиқ экан,  
Токнинг экан бу бахти.  
Қуёш нури  
Тўппа-тўғри  
Ток устига тушаркан.  
Тарвақайлаб  
Усган бу ток  
Зўр садага ўшаркан.  
Майин-майин  
Шабада ҳам  
Тонг бағрида яйраркан.  
Қушлар эса,  
Мазза қилиб,  
Вижир-вижир сайраркан.  
Узумининг ҳар бир боши  
Бутун, катта бўларкан.  
Бир бошига —  
Баъзида-чи,  
Катта баркаш тўларкан.  
Бир туп токнинг  
Ҳосили-чи,  
Нақ бир боққа  
Тенг экан.  
Эгаси ҳам  
Роса сахий,  
Феъли эса кенг экан.  
Қўшниларга  
Улашаркан,  
Гоҳ бозорга элтаркан.  
Қилар экан  
Шинни, майиз,  
Қиш, кўкламга етаркан.

Учта ҳовли  
Нари қўшни  
Қатор терак экибди,  
Уч-тўрт йилнинг ичида-чи,  
Терак шохлаб кетибди.

Бу тераклар борган сари  
Токка соя ташлабди.  
Ток ҳосили,  
Шундан кейин,  
Сал камая бошлабди.  
Пайқамасдан,  
Аввалига,  
Хўп парвариш қилибди.

Ток сояда  
Қолганлигин,  
Охир, бир кун билибди.  
Уйлаб-уйлаб,  
Қўшнисига  
Оҳиста арз этибди,  
Рад жавобин  
Олиб ундан,  
Хомуш бўлиб қайтибди.  
Жойидами  
Эс-хуши, деб  
Қўшни ҳайрон бўлибди.  
Эшитганлар бундай гапни,  
Масхаралаб кулибди.  
— Эрталабки  
Қуёш нурин  
Терак тўсиб қолмоқда.  
Қуёш нури камайган-чун,  
Ток ҳосилдан қолмоқда, —  
Деб кўпларга  
Уқтирибди



Ток эгаси сўзини.  
 Шу алфозда урибди у  
 Ҳар томонга ўзини.  
 Бўлар экан  
 Шу қишлоқда  
 Доно, одил бир кекса.  
 Берар экан  
 Маслаҳатлар,  
 Тинглар экан арз этса.  
 Ток эгаси,  
 Энг охири,  
 Учрапти ул донога.  
 У ҳам бир оз ҳайрон бўпти —  
 Бунақанги даъвога...  
 Бир кун қўшни  
 Теракларни  
 Иморатга кесибди.  
 .....  
 Шундан кейин,  
 Ток авжини  
 Боғбон яна сезибди.  
 Нақ икки йил  
 Ичидаёқ  
 Қайтибди ток аслига.  
 Ток эгаси доно чолга

Кейинги куз фаслида —  
 Бир баркашга  
 Бир бош узум  
 Солиб, олиб борибди.  
 Кўнглидаги  
 Бир ҳикматни  
 Донога у ёрибди:

— Ток дер экан:  
 «Керак эмас  
 Менга соя,  
 Ҳамсоя...»  
 Донога хўп  
 Маъқул бўпти,  
 Боғбон айтган бу ғоя.  
 Ушандаёқ танти бобо —  
 Боғбонга тан берибди.  
 Барча доно —  
 Доноликни,  
 Эл ичидан терибди...  
 Бу нақлни эшитгандим,  
 Бир боғбондан, аслида.  
 Узумхўрлик  
 Қилганимда  
 Ўтган йил куз фаслида...

## ● АҚЛ ВА МАЪНО ДУРЛАРИ ●

\* \* \*

Деви дўсти Пенига:

— Лекцияларимни тинглаган бир йигитча институтдан иш топиб беринг, деб менга хат ёзибди, — деди.

— Шишалар ювишни буюр. Рози бўлса, одам бўлади. Бордию бунга бўйни ёр бермаса, ундан бирор нарса чиқмайди, ўзидан кўрсин, — дебди дўсти Пени. Йигитча бу ишга рози бўлиб, шишаларни ювишга астойдил киришиб кетибди. Бу — Майкл Фарадей эди.

\* \* \*

Етти ёшли Моцарт концерт берарди. Бир куни унга ўн тўрт ёшли йигитча:

— Қандай ёқимли музика басталагансан, қойил! Мен ҳечам бундай чалолмасам керак, — дебди ноумидлик билан.

— Нима учун, сен мендан каттароқсан-ку, ўзингни синаб кўр. Қўлингдан келмаса, нота ёзишни ўрган.

— Ҳа, мен ёзаман... шеърлар.

— Бу ҳам жуда қизиқ. Яхши шеърлар ёзиш, эҳтимол, музика басталашдан ҳам қийин бўлса керак?

— Нима учун, жуда осон. Сен ҳам ўзингни синаб кўр...

Бу суҳбат Вольфганг Моцарт билан Иоганн Гёте ўртасида бўлиб ўтган эди.

Машҳур ёзувчи мухлисларидан келган хатларни ўқиб ўтирган экан, хатлар орасидан бир ёш йигитнинг «ота-онам тушунмаган кишилар» деб ёзган шикоятига кўзи тушиб қолиб, унга дарҳол: «Тўхтанг, мен 14 ёшлигимда отам эзма чурук эди, базўр чидардим унга. Аммо 21 ёшга тўлганимда, бу қариб қолган кишининг етти йил мобайнида ақли расо бўлиб кетганига ҳайрон бўлиб, ёқамни ушлаганман».

Зиқрилла ЭГАМБЕРДИЕВ тўплаб,  
 тайёрлаган.



Азиз Несин

## Сажда

«Ором» деб аталмиш каттакон бинонинг хўжайини Ҳамзабей кундалик одатига кўра эрта билан роппа-роса соат олтида қоровули Эмин афанди ётган хонанинг орқа дарчасини қоқди.

— Эмин афандим, ҳўв Эмин афандим!

Одати бўйича томоқ қириб, йўталиб кўйди.

Ун тўрт йилдан бери шу даргоҳнинг тупроғини ялаб келаётган Эмин афанди Ҳамзабей учун наинки қоровул, балки яқин сирдош, беминнат дастёр, ҳожатбарор гумашта, борингки, ҳар нима бўлиб қолган эди.

— Эмин афандим, ҳўв Эмин афандим!

Ҳамзабей яна бир йўталиб кўйди.

— Ҳозир, хўжайин!

Олти қават қилиб қурилган бу бинонинг ҳар қаватида иккитадан оила туради, пастки қисмида газмол дўқоқи билан қандолатхона жойлашган. Қоровулхона эса энг кўйида, уйга иссиқ сув етказиб берувчи қозонхонанинг нақ биқинида.

— Биласанми нима гап, Эмин афандим? Шу дегин, ҳозир намоз ўқийтувдим, бомдод намозини...

— Қабул этсин даргоҳида...

— Лоп этиб эсимга тушиб қолди-ю! Анави тўртинчи хонадагилар бор-ку, шулардан ижара ҳақини олганмисан? Бу ойга.

— Олганман, бей. Кеча ўзингизга бердим-ку.

— Берганинг тўғри, аммо мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Булар ҳалиям эскича ҳақ тўлашяпти-ку, Эмин афандим. Жойнамоз устида шу нарса хаёлимга келди. Лоҳовла валоқуввата... Ҳозироқ адвокатга югур... Ё парвардигор... Ижарачи дегани балойи азим бўларкан-да... Тоат-ибодат пайтидаям улардан тинчлик йўғ-а... Адвокатимизга бориб айт, шуларни кўчириб юборсин. Тезроқ бўла қол, Эмин афандим. Дарҳол судга оширсин. Айтмоқчи, пулни олаётганда тилхат бермовми-динг? Балли, ижара ҳақини тўлашмаяпти, деб ёзсин. Ё алҳазар... Намоз ўқиганиям кўйишмайди бу ноинсофлар. Қани, бора қол энди, Эмин афандим, вақт кетмасин!

— Каллаи саҳарлаб ишхонага келмаса керак, хўжайин!

— Нега келмас экан? Ҳар бир бандаи мусулмон кун ёришдими, оёқда бўлиши шарт. Ўзи йўқ бўлса, бир пас кутиб тур.

— Олдин телефон қилсангиз бўлармиди.

— Телефонинг нимаси? Бунақа нозик гапларни симда айтиб бўладими... Бор, юришга эринма. Нима деган бўлсам, барини айт... Ўзинг кечир, ё парвардигор... На имон, на диёнат қолди бу одамларда. Арзимаган пулга иссиқина уйда мазза қилиб ўтиришадю, тагин ношукурчилик қилишадия...

Журналхонлар йўллаган кўплаб хатларида жаҳоннинг энг машҳур новеллистлари ижодидан намуналар бериб боришимизни илтимос қилишган. Сизларнинг таклифларингизни эътиборга олиб, шундай адиблар ижодидан энг сара намуналарни ёритиб борамиз. Журналимизнинг навбатдаги сонларида, «Хикоялар хазинаси» рубрикаси остида Л. Толстой, А. Чехов, Р. Тагор, Р. Акутагава, Лао Шэ, Э. Хемингуэй, У. Фолкнер, Мопассан, Сент-Экзюпери, Г. Гессе, Ф. Тўнкабоний, О. Генри, С. Цвейг, А. Конан-Дойль каби жаҳоншумул адиблар, шунингдек совет адабиётининг намояндалари ижодидан янги таржималар эълон қилинади.

Эмин афанди хўжайини телефон қилмаслигини яхши билади. Негаки, телефон — чиқим деган нарса. Қолаверса, йўлкирага ҳам ўзи тушадиган бўлди.

Ҳамзабей асли бадавлат одам. Сармоясига каттакон фабрика қурдирган, ўгли ўша ерда ишбоши. Иккита банкага ҳиссадор бўлиб кирган, миллион-миллион лира пул айланиб турибди. Яна битта совун заводи ҳам бор, унга куёви қарайди. Уй-жойлари эса беҳисоби. Булар камлик қилаётгандек, ўтган йили тагин иморат солдирди. Йигирма саккиз оилага мўлжалланган, нақ кошона дейсиз. Таги растали тим!

Эмин афанди тамадди қилиб ўтирган эди, деразаси тақиллаб қолди.

— Эмин афандим, ҳўв Эмин афандим!

— Лаббай, тақсир!

— Менга қара. Ҳозир пешин намозини ўқиётсам, бир гап эсимга тушиб қолди-я. Анави Нико бор-ку, қандолатчи Нико. Эрталаб бирров дўконига кириб ўтувдим. Бундоқ қарасам, қўли-қўлига тегмай савдо қиялти. Дўкон тўла харидор. Хотини жарақ-жарақ пул санаб ўтирибди. Фирт овсар эканман. Астафтурулло, астафтурулло. Ижара ҳақини аллақачон оширишим керак эди. Инсоф йўқ буларда. Бориб айт ўша бетамизга. Шу ойдан бошлаб икки ярим минг тўласин, хоҳламаса жойимни бўшатиб қўйсин. Байлашиб олганман, ортиқча тўламайман, даб хархаша қила кўрмасин, судда шармандасини чиқараман. Э худо, битта имонсизни деб намозим бузилай деди-я. Узинг кечир мени...

Ҳамзабейнинг бир одати бор: нуқул ёшини ошириб кўрсатади. Аслида етмиш иккига чиққан бўлса ҳам, саксон бешни қоралаб қўйдим, деб ҳаммани лақиллатиб юради. Бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда энди, деб нолигани нолиган. Биладики, одамларда раҳм-шафқат деган нарса бор.

«Ором» деб аталмиш бинонинг олтинчи қаватида турадиган Ҳамзабей бир пайт уйининг деразасидан қоровулни йўқлаб қолди:

— Эмин афандим, ҳўв Эмин афандим!

Аслида тугмачани босиб чақирса ҳам бўларди-ю, лекин электр қуввати исроф бўлса, ҳамёнга зиён-да.

— Лаббай, хўжайин! — овоз берди Эмин афанди деразадан ярим белини чиқариб.

— Менга қараб юбор, гап бор.

Қоровул чикса, Ҳамзабей зина тепасида турган экан.

— Яхшиям уйда экансан, Эмин афандим. Боя аср намозини ўқиб турувдим, хаёлим қочиб кетди. Яхшики эсимга тушса бўладими... Пешиндан кейин бирров дўконига кирувдим. Ишлар қалай, Комилбей десам, харидор йўқ, бозор касод, дейди-я. Вой ношукр банда-ей! Нуқул нолигани нолиган. Қани инсоф, қани диёнат буларда?! Нимага алдаяпти, биласанми? Савдо йўқ десам, ижара ҳақини оширмайди, мени тинч қўяди, деб ўйлайди-да. Тушундингми энди? Қачон дўконига кирмай, сотувчилари мен боримда харидор келмасин, деб дуо қилиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрганман. Биров бир нима сўраб келса, албатта «йўқ» дейишади. Токи ғуж-ғуж келиб турган харидорларни мен кўрмай, савдолари чаққон эканини сезмай, ижара ҳақиниям оширмай. Одамларда имон қолмаган, Эмин афандим! Лоҳовла вало қуввата... Шуни ўйлаб, сиқилиб кетаман. Қон босимим яна кўтарилган кўринади. Улар бўлсам ўлдим бу ижарачилардан. Бир кунмас-бир кун тириклайин гўрга тиқишади мени... Қотиллар, одамхўрлар... Ҳа-я, жойнамоз тепасида нима эсимга тушганини айтай. Ҳозироқ бориб ўша муттаҳам Комилга учрайсан. Модомики иши чатоқ экан, дўконни бўшатиб қўйсин. Мен бировлар чиқимдор бўлишини хоҳламайман. Шундоқ деб айт. Алҳамдулилло, мен ҳам мусулмонман. Қолаверса, беш кунлигим борми-йўқми, билмайман... Яна шуниям айтиб қўяйки, ҳозир шу жойга харидор чиқиб турибди, эллик минг лирани олдиндан санаб бераркан. Кейин унга ўхшаб икки минг эмас, беш мингдан тўлаб тураркан. Кетса

— Хўжайин чақиряпти сени!

Соқол ҳам чала қолди.

— Уф, Эмин афандим, бу нима кўргулик, а?! Хотиржамгина намоз ўқиёлмасанг... Боя шом намозига эндигина такбир тушираётган эдим, лоп этиб, Комил баззоз эсимга тушса бўладими... Пешиндан кейин бирров дўконига кирувдим. Ишлар қалай, Комилбей десам, харидор йўқ, бозор касод, дейди-я. Вой ношукр банда-ей! Нуқул нолигани нолиган. Қани инсоф, қани диёнат буларда?! Нимага алдаяпти, биласанми? Савдо йўқ десам, ижара ҳақини оширмайди, мени тинч қўяди, деб ўйлайди-да. Тушундингми энди? Қачон дўконига кирмай, сотувчилари мен боримда харидор келмасин, деб дуо қилиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрганман. Биров бир нима сўраб келса, албатта «йўқ» дейишади. Токи ғуж-ғуж келиб турган харидорларни мен кўрмай, савдолари чаққон эканини сезмай, ижара ҳақиниям оширмай. Одамларда имон қолмаган, Эмин афандим! Лоҳовла вало қуввата... Шуни ўйлаб, сиқилиб кетаман. Қон босимим яна кўтарилган кўринади. Улар бўлсам ўлдим бу ижарачилардан. Бир кунмас-бир кун тириклайин гўрга тиқишади мени... Қотиллар, одамхўрлар... Ҳа-я, жойнамоз тепасида нима эсимга тушганини айтай. Ҳозироқ бориб ўша муттаҳам Комилга учрайсан. Модомики иши чатоқ экан, дўконни бўшатиб қўйсин. Мен бировлар чиқимдор бўлишини хоҳламайман. Шундоқ деб айт. Алҳамдулилло, мен ҳам мусулмонман. Қолаверса, беш кунлигим борми-йўқми, билмайман... Яна шуниям айтиб қўяйки, ҳозир шу жойга харидор чиқиб турибди, эллик минг лирани олдиндан санаб бераркан. Кейин унга ўхшаб икки минг эмас, беш мингдан тўлаб тураркан. Кетса



Расмни Комил ТОЛИПОВ чизган

кетаверсин. Ё ижара ҳақига уч минг лира берсин, ё дўконни шу бугуноқ бўшатиб қўйсин. — Ҳамзабей бирдан тутақиб кетди: — Мени тириклайин гўрга тикади буларинг! Одамхўрлар, жаллодлар! Узим зўрға юрган бўлсам. Юрак ишдан чиққан. Мана, бирдан дупурлаб уриб кетди. Кўрпа-тўшак қилиб ётволсам, дўхтир пулини ким беради менга? Шу қурумсоқларми?!

Қоровул эндигина ўринга кириб ётган ҳам эдики, кўнғироқ чалиниб қолди. Бемаҳал пайтлардагина хўжайин унга кўнғироқ қилгучи эди.

Эмин афанди югурганича олтинчи қаватга кўтарилди.

— Эмин афандим!

— Лаббай, хўжайин!

— Даргоҳида қабул этсин, ҳозиргина хуфтондан турдим. Шу дегин, саловат қилаётганимда, яратганнинг ўзи кўнглимга солса бўладими... Менга қара, эртага сен қозонга ўт ёқма, кераги йўқ. Худого шукр, ҳаво юришиб кетди. Кунлар анча илиб қолди. Таквимдан кўрдим, эрта-индин лайлак келаркан. Шунақа жазирамада уйни иситишга бало борми? Қолаверса, гуноҳи азим бўлади. «Хов овсар қулим, мен сенга лайлакларни элчи қилиб, илиқ кунлар бошланганидан дарак берувдим-ку, нима учун уйни иситиб, исрофгарчиликка йўл қўйдинг?» деб охирадда мени сўроққа тутмайдими оллойи таоло? Хуллас, ижарачиларга эълон қил, энди киш тугади, уйни иситиш йўқ. Боя хуфтонни ўқиётганимдаям қулоғимга чалинди, эртага ҳаво сал булутланиб тураркан, озроқ ёмғир ёғиб ўтаркан. Беш даражагача иссиқ бўларкан. Радиодан шундай деб айтишди... Иситишга атиги икки лира беришади-ю, тагин нолишади... Ўзинг сабр бер, э парвардигор... Яна айтиб қўйки, иссиқ сув ҳам бўлмайди. Хоҳласа шу, хоҳламаса катта кўча. Биз ҳеч кимни мажбуран ушлаб турганимиз йўқ. Еқмаса, кетаверсин. Шундоқ деб айт, Эмин афандим!

Ҳар галгидек тонг бўзариб келаётганида яна Эмин афанди ётган хонанинг орқа дарчаси чертилди.

— Эмин афандим! Хўв Эмин афандим!

Яна ўша кўксовга ўхшаган йўтал овози.

Қоровул шоша-пиша шимини кийиб, эшикка отилди.

— Лаббай, тақсир!

— Менга қара, биродар, миямга антиқа бир фикр келди-ку. Бомдодни ўқиётувдим, худодан бўлдиёв бу. Эндигина бошимни саждага қўйганимни биламан, бирдан ақлим ишлаб кетди. Гап шундаки, иморатни сотаман, деб жўрттага овоза қиламан. Кетма-кет талабгор чиқади, албатта. Олмоқчи бўлган одам хоналарни бирма-бир кўриб чиқади, қолаверса, хотини, бола-чақаси. Нархини қанчалик камайтириб кўрсатсам, шунчалик кўп харидор ёғилади. Масалан, дейлик, бир кунда ўттиз нафар одам уй кўрарга келгудай бўлса, бу кўрнамак ижарачилар ўттиз марта эшигини очишни унутибман. Кейин ётоқхонасини кўрсатади, ошхона, ваннахона дегани бор. Бу хумпарларга бир кўрсатиб қўяй. Уй бесаранжом бўлгандан кейин ҳаловат йўқолади, ўзлари безор бўлишади. Шикоят қилишолмайди, чунки иморат меники, хоҳлаган пайтимда сотишим мумкин. Тўғрими, Эмин афандим? Ижарачиларнинг ўзлари кетишга мажбур бўлсин, ўз хоҳиши билан. Менам худонинг бир бандасиман, алҳамдулилло дини-имони бутун одамман. Ҳеч кимни ноҳақ ранжитишни истамайман. Шуни билиб, жойнамоз тепасида ўзи дилимга солди бу фикрни.

Эмин афанди зиналарни супуриб-сидираётган эди, Ҳамзабей кўриниб қолди.

— Яхшиямки ўзингни учратдим, Эмин афандим. Жума намозидан келяпман. Ишқилиб даргоҳида қабул этсин. Сенга айтишни унутибман, боя мачитда эсимга тушди. Анави саққизинчи қаватдагилар бор-ку, яна жўмракни бузишибди. Кечаси билан вариллаб сув оқиб ётди. Қариган чоғимда бу нима кўргулик, а? Одамларга ўхшаб тузуккина жума намозиниям ўқиёлмасам... Чиқиб айт, бир йиллик ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйишин...

Бугун ҳайит бўлгани учун Эмин афанди барвақт ўрнидан турган эди.

— Эмин афандим, ҳўв Эмин афандим!

— Лаббай, хўжайин!

— Ҳайит намозини ўқиб келяпман. Етказганига шукр... Уша ерда бир нарса хотирамга келди. Сенга айтаман, деб дилимга тугиб қўювдим, Ҳаҳ нимайди-я?! Шу муттахам ижарачиларни деб эсим ҳам кирди-чиқди бўлиб қолди... Мўҳим бир гап эди. Энди саловат қилаётганимда «лоп» этиб эсимга тушувди. Ҳа, топдим, топдим. Учинчи қаватда турадиган эр-хотин бор-ку, ўшалар бошида менга «ёш боламиз йўқ» дейишувди. Уч ой ўтмасдан чақалоқ туғилди. Энди бўлса, йилда бир бола. Бу қанақа гап ўзи! Елғон гапириш шариатга тўғри келмайди. Қиблага қараб турганимда боя шу нарса эсимга тушди. Дарҳол чиқиб айт, уйни бўшатиб қўйишин. Сен олдин сувни ўчир. Қувур ёрилибди, деб баҳона қил. Тавба! Ҳар йили биттадан туғади-я! Бу ер сенга етимхона бўлдими, галвар! Эссиз ҳайит намозим!

Якшанба кунни эди. «Ором» деб аталмиш бинонинг ўн тўрт йиллик қоровули Эмин афанди шитоб билан зинадан олтинчи қаватга кўтарилди-да, жон-жаҳди билан эшик тепасидаги тугмачани устма-уст босди.

— Хўжайин уйдами? — деб сўради у эшикни очган хизматкордан.

— Намоз ўқияптилар.

— Тугатганидан кейин келганимни айт, — деди у даҳлизга ўтиб.

Бир оздан сўнг Ҳамзабейнинг ўзи кўринди.

— Келганинг яхши бўлди, Эмин афандим. Сени ўзим чақиртирмақчи бўлиб турган эдим. Биласанми, ҳозиргина намоз устида...

Эмин афанди ўнг қўлини кўтариб, «бас!» ишорасини қилди.

— Қалламга нима келганини олдин мен айтиб бера қолай, хўжайин. Айбга буюрмайсизу, хўжайин, боя ҳожатхонада ўтирсам, бирдан миямга фикр келди. Бизнинг хўжайинга роса жабр бўляпти-да, қийналиб кетди-ку бу шўринг курғур, деб ўйлаб қолдим. Билмадим, шайтон дилимга ғулу солдими, ҳар қалай ўзимга ўзим бундай дедим: бу падар лаънатининг уй-жойлари беҳисоб бўлса, қўша-қўша завод-фабрикалари ишлаб турган, миллион-миллион пули ачиб-сасиб ётган бўлса, яна ўзини-ўзи қийнаб нима қилади?! Бу очкўз дайюснинг бир эмас, икки оёғи гўрда бўлса-ю, яна мол-дунё йиғиб нима қилади?! Ҳожатхонадаям менга ҳаловат йўқ бу занғардан...

Ҳамзабей докадай оқариб кетди, оёқ-қўли бўшашиб, орқасидаги курсига шилқ этиб тушди.

# Ноёб микроб

Ҳамиша қовоғидан қор ёғиб турадиган профессор бир гала ассистенту талабаларини эргаштирганича шитоб билан палатага кириб келди. У шу ердаги кўз касалликлари клиникасининг мудирини бўлиб, ниҳоятда қаттиққўл, қўрс, тунд ва совуқ одам бўлгани учун олимдан кўра кўпроқ биринчи жаҳон уруши пайтидаги генералларга ўхшаб кетарди. Фақат шогирдлари билан ассистентларгина эмас, балки яқин ошна-оғайнилари ҳам ундан ҳайқиқиб туришарди, кўз кўзга тушган маҳалда иложи борича тезроқ жуфтакни ростлаб қолиш пайида бўлишарди. Аслида у бир талай ихтиролари илмий асарларнинг муаллифи, қатор-қатор тиббий ва илмий жамиятларга сайланган олим, хуллас, тиббиёт оламида донг таратган зўр мутахассис эди. Шунга кўра, ҳаммалари унинг ҳурматини бажо келтириб юришарди.

Одатда у палатага киргач, беморнинг олдида бир нафас тўхтаб, дарров иккинчисига ўтиб кетар, ассистент врачлар эса, унинг кутилмаганда бир нимани сўраб қолишидан чўчиб, доим типирчилаб туришарди.

— Буниси янгими?

— Ҳа, домла, кеча олиб келишди,— деди шоша-пиша чап томондаги ассистент.

— Касали нима экан?

— Ҳалигача аниқлаёлмадик. Иккала кўзида санчиқ турган, тинимсиз боши оғрийди.

Профессор изтироб ичида тўлғаниб ётган беморнинг қонталаш кўзларига бир зум тикилиб турди-да:

— Анализлар?— деб минғирлаб қўйди.

— Бўлди, домла.

— Пис...

Атрофдагилар камгап профессор текшириб кўриш учун беморнинг кўзидан назла олинглар, демоқчи бўлганини дарҳол пайқашди.

Профессор хонасига кириб кетди. Ассистентлар эрталабки бемор кўриш маросимидан осонгина қутилганлари учун энгил нафас олишди.

Икки ассистент касал кўздан назла олгач, профессорга элиб беришди. Профессор микроскопга эгилиб, анчагача назлани кузатиб турди. Ниҳоят, бошини кўтарганида лабларида табассум жилва қиларди. Неча йиллардан бери бирга ишлаб, бирор марта ҳам тишининг оқини кўрмаган ассистентлар учун бу кутилмаган янгилик бўлди. Шундан кейин профессор жавонда турган семиз-семиз китоблардан бир дастасини олиб, шоша-пиша ичини титкилай кетди. Уқтин-ўқтин унинг «худди ўзи», «ўша», «ҳм» деган сўник овози эшитилиб турди.

— Қани, дарров врачларни чақиринг, талабалар ҳам келишсин, — деб буюрди у оёқда қимир этмай турган иккала ассистентга.

Хона ичи бир зумда тўлиб кетди. Ҳамиша тўрсайиб юрадиган профессорни ҳозир таниб бўлмасди. У байрам кунига бир қучоқ совға-салом олган етим боладай ўзида йўқ хурсанд эди. Кап-катта одам ўзига ярашмаган қилиқлар қилар, азбаройи жазаваси тутиб, юраги ҳаприқиб кетганидан микроскоп атрофида чир-чир айланарди.

— Йигитлар, — деди у энтиқиб. Ассистент ва талабаларига у ҳамиша шундай деб мурожаат қиларди, — омадни қаранг, омадни... Зўр омад бу! Биз ноёб, ғоятда ноёб микробга дуч келдик. Бу жуда-жуда кам учрайдиган тасодиф. Уни бир кўриш орзусида юрган кўз докторлари озмунчами... Сизлар бахтли экансиз, ҳали студент бўла туриб, шу шарафга муяссар бўлдингиз. Бу микроб бир миллион, ҳатто беш миллион беморнинг ичидан фақат биттасида учраши мумкин...

Профессор терисига сиймай, ҳадеб қўлларини ишқар, ҳар гапнинг бирида нуқул «ноёб микроб» деб қўярди.

— Мен ўзим бу микробни умримда иккинчи марта кўришим. Илк бор Парижда менгаям профессорим кўрсатган эди. Африкалик бир занжини олиб келишувди... Бу микроб одамга ўтгандан кейин дарҳол қирқ саккиз соат ичида операция қилинмаса, кўз кўр бўлиб қолади. Шунинг учун ҳозироқ чора-тадбир кўриш керак. — У ассистентлардан бирига юзланди. — Хўш, оғриқ қачон бошланибди?

— Кеча эрта билан. Касалхонага кечқурун олиб келинди.

— Шундайми... Дарҳол операцияга киришилмаса, йигирма тўрт соат ичида кўздан ажраб қолиши мумкин. Бу микроб ғоят хатарли... Ёш безларига ўрнашиб олгач, ўз-ўзидан урчиди, кейин миядаги кўриш марказига ўтиб, у й тамоман ишдан чиқаради. Энди навбат билан микроскопга яқин келиб, уни яхшилаб кўриб олинглар...

Ассистентлар билан студентлар бирин-кетин микроскопга яқинлашиб, ноёб микробни обдан томоша қилишди. Профессор эса таниш-билиш ҳамкасбларига телефон қилиб, бу қутилмаган воқеадан барини хабардор қилди.

— Мон шер? <sup>1</sup> Фавқулудда муъжиза! Демак, кўрмаган экансиз-да?! Жудаям ноёб нарса! Туркияда ҳали бунақаси учрамаган. Жудаям ажойиб иш бўлди-да, мон шер.

«Ана, айтдим-ку сизларга, буям умрида кўрмаган экан», дерди у ҳар гал навбатдаги ҳамкасбига телефон қилиб бўлгач.

Профессор яна бир талай илмий жамиятлари касаба уюшмаларига қўнғироқ қилиб, ҳаммасини бу янгиликдан воқиф этди. Ора-сира шогирдларига ўғитлар бериб ҳам турди.

— Бу микроб бошқа муҳитда яшаёлмайди, дарҳол нобуд бўлади. Бинобарин, у юқумли эмас. Акс ҳолда, дунёни кўр босиб кетарди... Уни эҳтиёт қилинглари, зинҳор нобуд бўлмасин.

Ҳаловатини йўқотган профессор тушликкаям чиқмади, шогирдларига ноёб микроб хусусида турли-туман топшириқлар берди. Икки нафар ассистент камёб микробнинг минг карра катталаштирилган суратини чизадиган, қолганлари эса унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тегишли шарт-шароит яратадиган бўлди. Профессорнинг ўзи эса яна китобга шўнғиб кетди.

Уша куни клиникада ҳамма ноёб микроб билан овора бўлди. Ҳатто ҳамширалар, энагаю фаррошлар ҳам бу ишга сафарбар этилди. Касалхона тарихида биринчи марта иш куни ғоят унумли ўтган бўлса, ажаб эмас. Ноёб микробнинг дарагини эшитиб, қўшни клиникалардан ҳам тўдалашиб одамлар кела бошлади. Профессор ташриф буюрганларга унинг таърифини келтириб турди.

Таомилга хилоф равишда шу куни клиникада ярим кечагача роса тер тўкиб ишлашди. Эртасига профессор факультет мажлислар залида бу ҳақда маъруза қилмоқчилигини билдирди, бунга ҳам ҳозирлик кўрилди.

Профессор уйига жуда кеч қайтди. Жаҳон тиббиёти тарихида янги саҳифа очиши лозим бўлган маъруза устида туни билан мижжа қоқмай ишлади. Кўзи илинган чоғларида ҳам мияси нуқул ноёб микроб билан банд бўлди. Тонг ёришиши билан оқ касалхонага югурди. Дарҳол микробни суриштирди. Демак, тирик экан-да! Қойил, сунъий муҳитдаям урчибди!

Профессор ўзини қўйгани жой тополмай қолди, икки гапириб, бир кулди, ҳазил-мутойибаларни қалаштириб ташлади, ҳатто фаррош хотинларгаям тега-жоқлик қилиб юборди. Уша куни маъруза ҳам зўр тантана билан ўтди. Факультет залига йиғилган тумонат одам уни катта қизиқиш билан тинглади.

<sup>1</sup> Азизим (фр).

## Таржимондан

«Эсимни танибманки, ўқиганда одамларни йиғлатадиган бир нима ёзишни ҳавас қилиб юрардим. Шу ҳавас сабаб бўлиб, кунлардан бирида битта ҳикоя қораладим-да, аллақайси журналга элтиб бердим. Журналнинг бош муҳаррири пандавақироқ эканми, ҳўнг-ҳўнг йиғлаш ўрнига қорнини селкиллашиб роса кулди. Кейин кўзёшларини арта туриб:

— Боплабсан, қойил! Бизга шунақасидан олиб келавер, — деб тайинлади.

Ижод бобидаги ана шу илк англашилмовчилик ҳамон давом этиб келмоқда. Одамлар юм-юм йиғласин, деб ёзган аксари ҳикояларим ўқувчиларда кулги уйғотади. Ҳажвчи сифатида анча танилиб қолган бўлсам ҳам, ҳажвнинг ўзи нималигига яхши тушунмасдим. Аслида, ҳозир ҳам унинг сир-асрорини билмайман-у, аммо, ростини айтсам, мен қалам тебрата-тебрата унинг моҳиятига тушуниб етдим. Кўпинча мендан «ҳажвий асарни қандай ёзиш керак», деб сўраб қолишади, яъни бу бордан бирор андоза талаб қилишади. Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим керакки, ҳажвчилик — ғоят жиддий нарса», деб ёзган эди Азиз Несин «Узим ҳақимда»

деган бир мақоласида.

Азиз Несин — дунёга машҳур ҳажв устаси. Яқиндагина 70 ёшнини нишонлаган бу улкан истеъдод соҳиби ҳажв оламида қирқ йилдан бери қалам тебратиб, чиркин тузумда илдиэ отган адолатсизлик ва қашшоқликка, эзиш ва эзиллишларга, зўравонлик ва хўрликларга қарши исён туғини баланд кўтариб келмоқда. Унинг ҳар бир ҳикояси, романи ёки пьесаси шу исён руҳи билан, золимларга, жамиятнинг «гули» ҳисобланмиш пулдор бойваччаларга қарши нафрат, шу жамиятнинг не-не азоблар эвазига елкасида кўтариб турган меҳнат аҳлига нисбатан ҳамдардлик, хайрихоҳлик ва муҳаббат тўйғулари билан йўғрилган. У ҳажвни ўтқир қурол билиб, жамиятдаги иллатларни усталик билан фош этади, булар устидан аёвсиз кулади, баъзан эса ҳамюртлари қисматидан юрак-бағри эзилиб, аччиқ-аччиқ йиғлайди.

Азиз Несин — халқпарвар ёзувчи. Бинобарин унинг асарлари бир ҳовуч бойларнинг эмас, меҳнаткаш халқнинг манфаатини кўзлайди, шу йўлда курашади ва китобхонларни ҳам шунга даъват этади.



Ноёб микроб устидаги тажрибалар қизгин давом эттирилди. Профессор чет эллик ҳамкасблари ва устозларига устма-уст телеграммалар йўллаб, уларни бу янгиликдан огоҳ қилди. Клиника чинакам илмий текшириш марказига айланди. Врачлар, ассистент ва студентлар завқ-шавқ билан ишга шўнғиб кетишди.

Дум-думалоқ микроб сунъий шароитда бирдан ипдай чўзилиб, шакли ўзгариб қолганини кўриши биланоқ уч ассистент ҳовлиққанича профессорнинг хонасига бесўроқ кириб келди. Профессор азбаройи жўшиб кетганидан бармоқларини шиқирлатиб, уй ичида йўрғалаб ўйнаётган экан. Воқеани дарҳол хабар қилишди.

— Ҳаммани тўпланглар, — деб буюрди у.

Хона ичи яна лиқ тўлди. Профессор йиғилганларни янгиликдан хабардор қилгач, бу ноёб микроб ҳақида китоб ёзиш нияти борлигини айтди.

— Хўш, беморнинг ўзи қалай? — деб сўраб қолди у даволовчи ассистентдан.

— Оғриқ тўхтади.

— Аниқроқ қилиб гапиринг.

— Иккала кўзи сўқирлашди.

— Ана, айтмадимми, — деди профессор оғзи қулоғига етиб, — агар қирқ саккиз соат ичида зудлик билан чора кўрилмаса, бемор кўздан қолади, оғриқ таққа тўхтайдди. Беморнинг кўзларида ўтган куни эрталаб санчиқ бошланган, ҳисобга кўра мана бугун босилиши керак эди. Шундай бўлдимми?

— Шундай, — деди унинг гапини маъқуллаб даволовчи ассистент.

— Илмда ҳикмат кўп, йигитлар. Мана, айтганим келди...

Ноёб микроб устидаги кузатувларини давом эттириш мақсадида профессор шогирдларини эргаштириб, енгил қадам ташлаганича тўғри лабораторияга кириб кетди.

Туркчадан **Миад ҲАКИМОВ** таржимаси

## ● Илҳом ҳақида

Пушкиннинг таниши М. Юзефович хотирлайди:

— Ҳамма йил фасллари ичида у кузни яхши кўрарди, куз қанчалик ёмон келса, унга шунчалик яхши эди. У айтардики, фақат куз фаслидагина шеър ёзишга ундовчи «шайтон» унга тинчлик бермас экан. Шу ўринда у ўша вақтдаги сўнгги поэмаси «Полтава»ни қандай ёзганини айтиб берди. Бу воқеа Петербургда бўлган. Ҳаво ҳаддан ташқари тунд бўлганидан у уйда ўтириб, кун бўйи ижод қилган. Ёзадиган ишлари ҳатто тушига кириб чиққан, шунда у кечаси ўрнидан сакраб туриб, шеърларни ғира-ширада ёзиб қўяверган. Оч қолиб қийналганида энг яқин жойдаги ошхонага борган, нима тўғри келса, шуни апил-тапил танавул қилиб, яна уйига чопган. Шу тариқа у бир кечакундузда юзлаб сатр ёзган.

Алексей Кольцов ёзади: «Мен отамнинг подаси билан бирга тунаган пайтим эди. Зимзиё тун, атроф шундай сукунатга ботган эдики, майсанинг шитирлагани эшитиларди, тепамдаги ёрқин юлдузлар жимирлаб турган осмон ҳам қоп-қора, бепоён эди.

Уйқум келмасди, осмонга қараб ётардим. Бирдан миямда шеърини сатрлар туғила бошлади. Шу пайтгача узук-юлуқ, қофиясиз шеър парчалари тинчлик бермасди, ҳозир улар маълум бир шакл олди.

Мени қандайдир титроқ босиб, ўрнимдан сакраб туриб кетдим; буларни тушимда кўрмаётганлигимга ишониш учун шеърларни овоз чиқариб ўқий бошладим. Ўзим ёзган шеърларга ўзим қулоқ солар эканман, мени галати ҳислар қамраб олди».



Хўжабек Сеитов

## Қуримасин умр булоғи...

Саркаш дарё суви қуриса ногоҳ,  
Дилни ўртар далли тўлқинлар ёди.  
Қарсиллаб қуласа чинор баногоҳ,  
Кўнглим вайрон қилар аччиқ фарёди.

Навниҳол ғунчани юлса нопок қўл,  
Баргдай титраб, дилда туяман ғамни.  
Эсласам, лаънати қирғин урушни —  
Соғиниб кумсайман шаҳид оғамни.

Қанча қисматларга завол қонли жанг,  
Қизил олов ичра қолиб бу олам,  
Расида гўдаклар ҳолин этган танг —  
У кунлар доғидан кўзларимда нам.

Биламан, халқ чеккан қайғу-кулфатга  
Бардош беролмасди, ҳатто, тоғу тош.  
Кўзларим ўнгида тикланар қайта  
Ол қонга бўялиб ботгани қуёш.

Эслайман, урушнинг совуқ елидан  
Мангу сўнди қанча хонадонда ўт.  
Йигирма миллион қизу ўғлидан  
Ажралган юрт бағри қандай бўлсин бут.

Юрт шарафи, халқи учун тўкиб қон,  
Гастеллодай не бир мардлар берди жон.  
«Қорахат»нинг битмас яраси сабаб —  
Мангу қотиб қолди дилларда армон.

Жанговар йилларни эслаб мен дейман:  
Бевақт қуримасин ҳаёт булоғи.  
Ҳар бир уй доимо бўлсин чароғон,  
Сўлмасин инсоннинг иқболи-боғи.

Ядро хавфи солар ер-кўкка соя,  
Унут бўлса тарих сабоғи наҳот?  
Олчоққа эрк бермай бирор сония  
Курашсак, орзулар бўлмагай барбод!

Марат Қарабоев

Севгидан қудратли куч бор ҳаётда, Севгилим, мен учун ўзингсан якто,  
Десалар, бу сўзга ишонма, жоним. Ягона айбим ҳам сени севганим.

Буюргин, амрингга тайёрман доим,  
Қодирман ҳар қандай ғовни енгишга.  
Фақат журъат етмас — ёлғиз армоним,  
Кўзингга тик боқиб: «Севдим» дейишга.

Қовоқ уйсанг — зулмат бу ёруғ жаҳон,  
Жилмайсанг ёришар гўёки олам.  
Оқ пахтамыз болиш бўлса бегумон  
Бахтиёр яшардик иккаламиз ҳам.

Йўқса, оғир бир йўл — беманзил ҳижрон,  
Бизни бир умрга қилар саргардон!

Очил **ТОҲИРОВ** таржималари.

## Бойниёз Қайипназаров

### Оташ нигоҳ қиз ўтди

Кўнгил жўшиб, сўз кетидан сўз бошлаб  
Борар эдим, туйғуларни тарошлаб,  
Бир қарашда юрагимга ўт ташлаб,  
Бодом қовоқ, оташ нигоҳ қиз ўтди.

Толим сочлар елкасида тойрилиб  
Ийманади, қиё боқиб, қайрилиб.  
Ишвасидан оромимдан айрилиб  
Қолганимда, ишқдан огоҳ қиз ўтди.

Ром айлади ошиқ кўнглим ўзига,  
Боқиб тўёлмадим нурли юзига.  
Инон — ихтиёрим олиб измига,  
Қалбни чертиб, мисли сегоҳ қиз ўтди.

Товусдай товланиб, гулдай тетилиб,  
Сўзласа тилидан боли тўкилиб.  
Турганда, шайдоси эдим тикилиб,  
Кўзлари роз айтиб, ул моҳ қиз ўтди.

Ўхшарди ул париларнинг ҳурига,  
Бардош етмас шаҳлосининг қирига.  
Ошно этиб мени кўнгил сирига,  
Бодом қовоқ, оташ нигоҳ қиз ўтди.

Уктам **МИРЗАЕРОВ** таржимаси.

## Тенгелбой Сарсенбоев

Оқшом.

Бирин-кетин юлдуз кўринди,  
Сўнгра оқ тариқдай сочилди улар.  
Шу ёғду остида туққан еримни  
Мен ҳам, юлдузхона, деб айтсам бўлар.

Шу сокин кечада хаёл суриб жим,  
Оташин ҳисларим шеърга соламан.

Шу қадар лаззатли ифтихорни мен  
Уша юлдузларсиз қайдан оламан?

Ерда пайдо бўлди юлдуз-одамлар,  
Эл аро юлдуздай балқиди номи.  
Умрим ўтмасин, деб кўпроқ бесамар,  
Сизга боқиб жўшар шоир илҳоми...

Маъруф ЖАЛИЛ таржимаси.

## Махмуд Қурбонниёзов

Қушчаларим, сизни ким у чўчитди?  
Учдингизу тарқалдингиз бир зумда.  
Чуғурингиз банд этди бор ўйимни,  
Парвозингиз муҳрланди кўзимда...

## Меҳрибон Қобулова

### Биз эдик-ей...

(Халқ кўшиқлари оҳангида)

Биз эдик-ей, биз эдик,  
Олтигина қиз эдик.  
Лекин бир-биримизга  
«Сен» демадик, «сиз» дедик.

Биз эдик-ей, биз эдик,  
Олтигина қиз эдик.  
Битта тугма йўқотсак,  
Ҳаммамиз тенг изладик.


Биз эдик-ей, биз эдик,  
Олтигина қиз эдик.

Оқиб келар заргамас,  
Ер, меҳнатга қизикдик.

Биз эдик-ей, биз эдик,  
Олтигина қиз эдик.  
Ўсиб уй-кўчамизу,  
Элимизни безадик.

Без эдик-ей, биз эдик,  
Олтигина қиз эдик.  
Кимга бахт истасангиз,  
Аввал биздай дўст этинг...

Қутлибека РАҲИМБОВА таржимаси.



Жўра Саъдуллаев

## ПАХТА ЎЗИ ЮМШОҚЧИНА

«Шарқ юлдузи» журналининг ғўза селекцияси ва пахта уруғчилиги муаммоларига бағишланган давра суҳбатини Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Содиқ МИРАҲМЕДОВ олиб боради.

**МУХБИР.** Ҳозирги даврда бутун мамлакатимиз, жумладан республикаимиз аҳли ғоят ҳаяжонли ва долзарб дамларни бошдан кечирмоқда. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди халқимиздан жуда катта жасорат, фидойилик кутмоқда. Ўн биринчи беш йиллик якунланиб, ўн иккинчи беш йилликка қадам қўйилди. Якун чиқарилмоқда, шу билан бир қаторда улугвор режалар белгилаб олинди. Келажак муваффақияти, хусусан фахр ва ифтихоримиз бўлмиш пахтачилик истиқболи селекция ва уруғчилик масалаларига бевосита боғлиқдир. Аввало, бу муҳим мавзу иштирокчилари хусусида тўхталсак. Таниқли селекционер олим Содиқ Мираҳмедов номи бугун барча пахтакор республикаларда яхши таниш. Бу киши яратган «Тошкент» туркумидаги ғўза навлари совет пахтачилиги тарихида бутун бир даврни эгаллайди. Олим бугунги кунда Г. С. Зайцев номи Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институтига етакчилик қилмоқда.

Содиқ Мираҳмедович, энди гурунгимиз қатнашчиларини журналхонларга ўзингиз таништириб чиқсангиз.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Бажонидил. Давраимизда селекционер олим, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Пўлат Тўхтаевич Содиқов, уруғшунос олим Ҳусниддин Раҳимович Раҳимов, тола технологияси бўйича мутахассис, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Миршавкат Миржўраевич Миржўраев, уруғшунос олим Олег Викторович Кратиров ўртоқлар иштирок этмоқдалар. Суҳбатимиз ғўза селекцияси ва уруғчилиги муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари — ечимлари хусусида боради.

**МУХБИР.** Жуда соз. Лекин, асосий мақсадга ўтишдан аввал, Меҳнат Қизил Байроқ орденли ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти босиб ўтган йўлга ҳам бир назар ташлаб чиқсакми дейман?

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Албатта. Бу, бир жиҳатдан, Ўзбекистонда ғўза селекцияси ва уруғчилик фани тарихига назар ташлаш ҳамдир.

Ўзбекистонда пахта уруғчилигини ривожлантириш улуг доҳийимиз Владимир Ильич Ленин 1920 йил 2 ноябрда имзолаган РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг «Туркистон ва Озарбайжон республикаларида пахтачиликни қайта тиклаш тўғрисида»ги қарори билан боғлиқдир. Шу қарорга асосан 1922 йили Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида Туркистон селекция станцияси ташкил этилган эди. У Урта Осиё республикаларида пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари бўйича селекция-уруғчилик тармоғини барпо этишга асос бўлди. Кейинчалик у Урта Осиё пахтачилик илмий-текшириш институти таркибидаги Марказий селекция станциясига айлантирилди.

1965 йилда эса пахта селекцияси ва уруғчилиги фанида жуда катта воқеа содир бўлди: бу соҳанинг илмий-текшириш институти ташкил этилди. У пахта генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, тадқи-

қотларни мувофиқлаштириш вазифасини ўтай бошлади. Энди, институтимиз бешигини тебратган, ғўза селекцияси ва уруғчилиги фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган устоз олимлар ҳақида Пўлат Тўхтаевичдан эшитсак.

**Пўлат СОДИҚОВ.** Дарҳақиқат, Ўзбекистонда пахта селекцияси ва уруғчилиги илмининг дарғалари, атоқли олимлар оз эмас. Г. С. Зайцев, Ф. М. Мауер, А. И. Белов, П. А. Баранов, А. И. Райкова, Н. Н. Константинов, А. М. Мальцев, В. И. Цивинский, С. С. Канаш, А. И. Автономов, Я. Д. Нагибин, Б. П. Страумал, А. И. Кокуев, Т. Г. Гриценко, М. Ғойбназаров, К. А. Висоцкий, Л. Г. Арутюнова, Г. Я. Губанов, Ю. П. Хуторной, А. Д. Дадабоев, Ш. И. Иброҳимов, С. М. Мираҳмедов, З. М. Пудовкина, М. С. Канаш, Л. Ф. Колярова ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижасида институтда ҳозирги пайтгача ғўзанинг 42 та янги нави ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шундан ўнтаси ингичка толали ғўза навидир.

Институтимиз олимлари яратган навлар ўтган йиллар мобайнида 38 миллион гектар майдонда ҳосил берди. Ҳозирги пайтда эса мамлакатимиз пахта далаларида олимларимизнинг 9 хил, шу жумладан битта ингичка толали ғўза нави экилмоқда. Ғўзаларнинг умумий майдони деярли 880 минг гектарни ташкил этмоқда. Институтимизда яратилган янги навларни экиш туфайли ҳар йили уч юз миллион сўмга яқин иқтисодий самара олинапти.

**МУХБИР.** Шу ўринда яна бир чекиниш қилиш керакка ўхшайди. Мен селекция ва уруғчилик ишининг самараларига боғлиқ томонларни назарда тутяпман.

Институт турли тупрок-иқлим шароитларида жойлашган учта экспериментал хўжаликка эга экан. Уларда дунёга келаётган навларнинг уруғини жадал кўпайтириш ва синаш юзасидан ғоят муҳим тажрибалар ўтказилмоқда. Селекция станция ташкил этилганидан буён 12 киши қишлоқ хўжалик ва биология фанлари доктори, 110 нафардан ортиқ ходим фан кандидати илмий даражаси учун диссертация ёқлади. Атоқли селекционер олим, академик С. С. Канаш—460 ва бошқа ўрта толали навларни яратганлиги, таниқли селекционер Ю. П. Хуторной, С—6030 ва бошқа ингичка толали ғўза навларини етиштириб чиқарганлиги учун СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар. Академик С. М. Мираҳмедовга тааллуқли «Тошкент» навларининг доврўғини, самараларини яхши биламиз. Шу гурппадаги навларни яратганлиги учун атоқли селекционерга ҳам СССР Давлат мукофоти берилди. Бу навлар юз минглаб гектар майдонга экилмоқда.

Институтнинг моддий базиси тобора кенгайиб бормоқда. Наманган областида ўрта толали ғўза навларини синашга ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган «Қизил Равот» экспериментал хўжалиги ташкил этилган. Сурхондарё областидаги «Сурхон» совхозида ингичка толали ғўза навларини синаш ва кўпайтириш бўйича тажрибалар ўтказилаётир. Бундан ташқари Қарши чўлидаги «Ўзбекистон ЛКМ 50 йиллиги» совхозида ҳам ингичка толали ғўза селекцияси ҳамда уруғчилиги тааллуқли экспериментларга қўл урилмоқда.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган давлат топшириғига биноан институтимиз коллективи селекциянинг мавжуд методларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш, шу асосда ҳосилдорлиги юқори бўлган истиқболли навларни яратиш борасида қизғин тадқиқот олиб бормоқда. Бундан асосий мақсад ингичка толали пахтанинг ҳар гектар ердан 40—50 центнер, ўрта толали пахтанинг ҳар гектар ердан 50—60 центнер ҳосил берадиган истиқболли навларини яратишдир. Эндиликда 110—120 кунда етиладиган, икки-ўрт. фоиз мўл ва сифатлироқ тола берадиган, уруғидан 2—4 фоиз кўп мой олинадиган, вилтга ғоят чидамли, парварининг индустриал технологияси ҳамда ҳосилни йиғиб-териб олишнинг машиналаштирилган усули шароитларига мослаштирилган навларни яратиш етакчи вазифа бўлиб қолаётир. Селекция жараёнини жадаллаштириш, унинг самарадорлигини оширишни кўзлаб институтимизда теплица ва фитотронга эга бўлган селекция комплекси қурилиши амалга ошириляпти.

**МУХБИР.** Ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш ва жорий этиш пахтачиликни ривожлантиришда қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ғўза селекцияси ҳозирги даврнинг бир қатор муҳим вазифаларини, аввало, ҳосилдорликни, тола чиқиши ва унинг сифатини ошириш, касалликлар ҳамда зараркунандаларга қарши кураш, ҳосилнинг етилиш муддатларини қисқартириш, шу туфайли уни эрта йиғиб-териб олиш имкониятига эга бўлиш сингари вазифаларни ҳал этишга ёрдам бермоғи лозим.

**Пўлат СОДИҚОВ.** Пахтачилик тараққиётининг турли босқичларида унинг энг муҳим масалалари селекция методлари ёрдамида ҳал этиб келинди. Чунончи, етмишинчи йилларда шу метод қўлланиб, вилтга қарши кураш проблемаси муваффақиятли ҳал қилинди. Маълумки, республикамиз пахта далаларида вилт ғоят кенг тарқалган, ялли ҳосилга ҳам, хом ашё сифатига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатган етмишинчи йилларнинг бошларидан Тошкент—1 нави ўн йилдан

кўпроқ муддатда мунтазам юқори ҳосил олинишини таъминлади. Енгил саноат эҳтиёжи эса IV ва V типларга мансуб бўлган янги навларни яратиш ва кенг кўламда экишга ўтишни тобора қатъий талаб этарди. Шу асосда кейинги йилларда янги навларни яратиш юзасидан катта-катта илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу изланишлар селекция марказий коллективи ишлаб чиққан ягона программа асосида амалга оширилмоқда. Бу программа пахтачилик бўйича селекция фани назарияси ҳамда практикаси ютуқларини умумлаштиришни кўзда тутди. Натижада қисқа муддатда муайян муваффақиятларга эришилди. Утган беш йилликда ўрта толали 4 та, ингичка толали 1 та ғўза нави районлаштирилди.

Энг кўп экилган йили Тошкент—1 нави мамлакатимиз пахта далаларида бир неча минг гектар майдонни эгаллаган эди. Янги пахта навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли Тошкент—1 кейинги йилларда ундан ҳам кўп гектар майдонни эгалламоқда. «Қизил Равот», «Самарқанд—3», «Уйчи—2», АН—Узбекистон—3, АН—Боёвут—2, Тошкент—6, АН—402, «Оқ олтин» навлари эса тобора катта майдонларга экила бошланди. Янги чиқарилган айрим навлар тола сифати бўйича 108—Ф навидан ҳам юқорироқ.

Кейинги ўн йилда ингичка толали ғўза селекциясида туб ўзгаришлар юз берди. Шу асосда барча майдонларда навлар тўла алмаштирилди. Кеч етиладиган навлар ўрнига II тип толали С—6037 ва III тип толали Термиз—14 навлари экила бошланди. Улар тезпишарлиги ва ҳосили юқори эканлиги билан ажралиб туради.

**МУХБИР.** Мен Сурхондарё областининг турли районларида бўлганимда, Термиз—14 нави юқори ҳосил бераётганини, унинг ҳосилини машинада териб олиш бирмунча қулайлигини кўп кузатганман. Жумладан, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозида Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Панжи Шукуров бошқиб бригада бир неча йилдан буён шу нав чигитидан экиб, 40—50 центнерга етказиб ҳосил олиб келди. Кейин Панжи Шукуров Қашқадарёнинг Нишон районидаги «Оқ олтин» совхозига кўчиб ўтиб, ингичка толали пахтадан юқори ҳосил етиштирди.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Шунини айтиш керакки, тезпишарлик, тола чиқиши ва сифати айрим ҳолларда эса вилтга чидамлилиқ хусусида селекция ишига эътибор сусайиб қолди. Натижада, кейинги йилларда Тошкент—1 навидан тола сифати яхшироқ бўлган бир қатор янги навлар районлаштирилган бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги толаси, тезпишарлиги ва хилма-хил зоналарда юқори ҳосил бериши жиҳатидан унга етиша олгани йўқ. Шунинг учун янгидан районлаштирилган навларнинг кўпчилиги асосан айрим-айрим зоналардагина экилмоқда. Бу эса эски навларни тўла алмаштириш имконини ҳозирча бермаётир.

**МУХБИР.** Таассуфки, кўпинча бир хўжалиқда икки-уч, ҳатто ундан ҳам кўп ғўза навлари экилмоқда. Айрим янги навлар ҳар жиҳатдан тўла ўрганилмай туриб ишлаб чиқаришга жорий этилиши шунга сабаб бўлмоқда. Кейинги йилларда районлаштирилган С—6040, «Фарҳод» сингари навлар арзимас майдонларда экилаётганлиги, баъзи навлар эса бир-икки йил ўтар-ўтмас мутлақо экмай қўйилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари, турли навларни ёнма-ён экиш уруғчилик ишида катта-катта муаммолар туғдирмоқда, пахта ўз қиёфаси ёки шаклини йўқотмоқда. Маълумки, чангланишнинг деярли 40 фоизи асаларилар орқали амалга ошади. Улар уч километргача учиб бориб, ғўза гулини чанглатади. Шундай экан, ҳар бир уруғчилик хўжалигида бир хил нав экилиши зарур. Шунда

---

СЕРҚУЕШ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИ «ОҚ ОЛТИН» ЎЛКАСИ ДЕЙИШАДИ. БИЗ БУНДАН ҲОЯТ ФАҲРЛАНАМИЗ.

АММО, ЎРНИ КЕЛГАНДА, ПАХТАЧИЛИК ЮМУШЛАРИ ҲОЯТ СЕРМАШАҚҚАТ ЭКАНИНИ ҲАМ ОЧИҚ-ОЙДИН АЙТИШ КЕРАК. ҲАП ШУНДАКИ, ДЕҲҚОННИНГ АСОСИЙ МАДАДКОРИ БЎЛМИШ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЭМАС. ПАХТА НАВЛАРИ ҲАМ КЎПЧИЛИКНИ ҚОНИҚТИРМАЙДИ. ТЕЗПИШАР, ТОЛАСИ ПИШИҚ, СЕРҲОСИЛ НАВЛАР НЕГА ЯРАТИЛМАЯПТИ? АХИР РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУ СОҲАГА ОИД БИР ҚАНЧА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ, КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОЛАРИ МАВЖУД-КУ! УЛАРДА ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР, МУТАХАССИСЛАР ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИШМОҚДА. ШУ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ НАТИЖАСИ НИМА БУЛЯПТИ?

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! ЖУРНАЛДА ШУ ҲАҚДА МАТЕРИАЛЛАР БЕРИБ БОРИШЛАРИН-ГИЗНИ ИЛТИМОС ҚИЛАМИЗ.

Фарғона область Олтиариқ районидаги «Пахтакор» совхозни директори Ғуломжон Хидиров, механизатори Муталлибжон Иброҳимов, пахтачилик бригадаси бошлиғи Собиржон Усубалиев. Андижон область Ленин районидаги Энгельс номли колхознинг 11-бригадаси колхозчиси Муҳаммад Абдуллаев ва бошқалар.

ҳам бу ҳўжаликнинг теварак-атрофидаги колхоз ва совхозларда шу навнинг репродукцияларини экиш лозим.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Элита ҳўжаликларини сабзавоткор районларда ташкил этиш ҳам уруғлик тозалигини сақлашга хизмат қилган бўлур эди. Бу масалада жаҳон ғўза селекциясида тўпланган тажрибага бир назар ташлайлик. Мисрда турли навлар экилган пахтазорлар оралиғида ҳимоя зоналари қолдирилади. Одатда уларнинг кенглиги бир километрдан кам бўлмайди. АҚШнинг элита пахтазорлари учун дастлабки йили ер муттасил ғўза экиладиган майдонлардан икки километр олисликда ажратилади. Сурияда ҳам бу борада анча ибратли иш қилинмоқда. Демак, элита пахтазорлари билан хом ашё учун чигит экилган майдонлар оралиғида изоляция зонаси қолдиришни ҳаёт тажрибаси талаб этмоқда. Бу ҳол навнинг ўз хусусиятини барвақт йўқотиб қўйишидан, турли уруғликларнинг ўзаро қўшилиб, ҳатишиб кетишидан сақлайди. Ҳатто, айрим шахсиятпараст раҳбарлар бошлиқ ҳўжаликларда юқориноқ нарҳда сотиш учун хилма-хил типдаги пахта навлари аралаштириб экиб юборилмоқда, бунга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Шундай йўл тутиш пахтани қайта ишлаш саноатига, пировардида енгил саноатга катта зарар етказмоқда. Бунга чек қўйиш керак.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Янги нав ўзининг энг яхши хусусиятларини тўла намоён этиши учун реал шароит яратилсагина селекция ютуқларидан муваффақият билан фойдаланиш мумкин. Бунга эришиш учун янги навларни жойлаштириш зоналарини алоҳида эътибор билан танлаш зарур. Бунда масалани давлат нуқтаи назаридан ҳал этмоқ лозим. Чамаси, шундай тартибга ўтиш керакки, бир пахта заводи алоҳида нав ҳосилини қабул қилиши шарт бўлсин ва қайта ишласин. Бу уруғчилик ишини яхшилашни таъминлайди, тор манфаатларни кўзлаб маҳсулот сифати бузилишига олиб борувчи ҳолатларга қатъиян чек қўяди, нав мусавффолигини анча узоқ сақлайди.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Пахтанинг янги навларини яратиш ва жорий этишга боғлиқ мавзу хусусида фикрлашдик. Энди давра қатнашчиларининг эътиборини пахтанинг тезпишарлиги муаммосига қаратиш ҳам муҳим масала деб ҳисоблайман. Пахтачилигимизнинг географик ўрни ҳамиша тезпишар навлар яратиш кераклигини тақозо этади. Ватанимизда ғўза навларини алмаштириш тарихи шундан далолат берадики, қирқинчи йиллардан бошлаб янгидан районлаштирилган навлар одатда ўз ўтмишдошларидан 5—6 кун эрта етилиши билан ажралиб туради. Чунончи, С—460 нави ўрнига экила бошлаган 108—Ф ундан 7—8 кун эрта пишади. 108—Фга қараганда Тошкент—1 нави 5—6 кун барвақт етиларди. Бироқ эртапишарлик сари мана шундай илгарилаб боришга селекционерлар ҳамиша ҳам муваффақ бўлишавермади. Кейинги пайтларда яратилган янги навлардан фақат Тошкент—6, АН—Боёвут—2 ва Қирғизистон—3-навларигина Тошкент—1 навини тезпишарлиги жиҳатидан ортда қолдириб кетди. Бошқа баъзи навлар эса ҳатто стандарт талабларига ҳам жавоб бермайди.

**Пўлат СОДИҚОВ.** Лекин хусусияти саноат талабига тўла жавоб берувчи бу навлар айрим зоналарда қисмангина экилмоқда. Эртапишар навларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмаганлиги туфайли барча республикаларда биринчи ва иккинчи саноат сортлари салмоғи ғоят кам бўлиб, бу деярли ҳар йили умумий ҳисобнинг 50—60 фоизидан ошмайди. Афтидан худди шу нарса тола олиш камайиб бораётганлиги, мой чиқиши пасаяётганлигининг асосий сабабидир. Маълумки, биринчи саноат сортлари пахтадан олинаётган тола миқдори паст сортли пахтадан олинаётган толадан анча юқоридир. Айни пайтда дастлабки икки саноат сорти уруғини қайта ишлаш жараёнида улардан олинаётган мой 1,5—3,2 фоиз юқори бўлмоқда. Бу кўрсаткич тўртинчи саноат сортидан олинаётган ёғдан эса 3,3—4,9 фоиз кўпдир.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Деҳқончиликни интенсивлаш ва пахта ҳосилини барвақт териш олиш ниятида бу ишнинг кенг кўламда механизациялаштирилганлиги муносабати билан пахтанинг тезпишарлик муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу проблема эндиликда чуқур социал аҳамиятга молиқдир. Районлаштирилган кўпгина навларнинг пишиш даврини 135—145 кун эмас, 110—120 кунгача келтириш пахтачиликни комплекс механизациялаштириш проблемасини ҳал этишнинг ғоят муҳим шартидир. Бу — асосий ҳосилнинг 80 фоиздан ортигини сентябрда саранжомлаб олиш имконини беради.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Лекин, Содиқ Мираҳмедович, республика қишлоқ ҳўжалик илғорлари кенгашида таъкидланганидек, давлат синовиға ҳалигача тезпишар пахта навлари ғоят кам қабул қилинмоқда. Маълумки, ўша кенгашида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев шундай деди: «Ғўзанинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш — пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим шarti. Сўнгги йилларда селекционер олимларимиз бир қанча янги ғўза навларини яратишди... Лекин, афсуски, тўқимачилик саноати талабларига тўлароқ жавоб берадиган, ка-



салликларга чидамли, эртапишар, юқори ҳосилли, машина теримига боп, толаси сифатли ғўза навини деҳқонларимиз ҳали ҳам зориқиб кутмоқдалар».

Олимларимиз саноат талабларига жавоб берадиган бир неча нав яратишганини ҳозиргина айтиб ўтдик. Афсуски, бу навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўлида сунъий ғовлар пайдо бўлмоқда. Биринчи ғов шундан иборатки, тезпишар навларнинг хусусиятлари ялпи ҳосилга қараб баҳоланади.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Жуда тўғри айтдингиз, Ҳусниддин Раҳимович. Биласизки, бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди. Тошкент—6, АН—Боёвут—2, Қирғизистон—3 навлари бунга мисол бўла олади. Улар айрим зоналарда стандартдаги ҳосилдорлик даражасидан ҳам юқори кўрсаткич бермоқда. Пахтани тезпишарлиги ва ҳосилдорлигини янада ошириб бориш масаласини ҳал этишда чамаси биз селекция ва пахтачилик технологиясида принципиал жиҳатидан янги йўллارни илмий асосда ишлаб чиқишимиз лозим. Ҳар гектар ерда 300—500 минг ва ундан кўп туп кўчат бўлгани ҳолда юқори ҳосил бера оладиган паст бўйли пахта навларини яратиш шундай изланишлар самараси бўлмоғи керак. Шу йўл орқали пахтанинг толаси сифатини сақлаган ҳолда механизация билан бир мартаба йиғиб олиш технологиясини амалга ошириш кўзда тутилади. Бу режа ҳатто хаёлпарастликка ҳам ўхшаб кетади.

**МУХБИР.** Содиқ Мираҳмедович, бу режалар ҳали ҳақиқатан ҳам кўпчиликнинг хаёлида йўқ. Селекция ва уруғчилик муаммолари вақтли матбуотда актив кўтариб чиқилган йиллар хотирамизда. Бадий ижод намояндалари ҳам ўша йиллари бу мавзуга фаол мурожаат этишган, муаммони у ёки бу жиҳатдан ҳал этишга уриниб кўришган эди. Афсуски, кейинги йилларда бу мавзу бадий сўз усталари, публицистларимиз эътиборидан тушиб қолмоқда. Ҳолбуки, ҳар бир босқич ўз муаммоларига бадий талқин орқали жавоб кутмоқда. Фантастик адабиётимиз мавзуси фақат сайёралар, космик училар билангина ўралашиб қолмаслиги даркор. Ерда ҳам фантастлар қаламга олса арзигулик мавзулар етарли.

**Пўлат СОДИҚОВ.** Бўлмасам-чи! Уша ўта қалин экиладиган ғўза навлари яратиш муаммосини олинг. Ҳозир институтимизда бундай ғўза типларини яратиш ва кўпайтиришнинг бир қатор йўллари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда бундай навлар экилган майдонларда ғўза агротехникасининг бошланғич асослари ишлаб чиқилмоқда. ВНИИССХ—1 ва С—15001 навлари давлат синовига қабул қилинди. Утган йили ВНИИССХ—1 нави «Политотдел» колхозида анча жойга майдонга экилди. Ҳар гектар ерда 215 — 225 минг туп сақлаб қолинди.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Лекин дастлабки тажриба шундан далолат бермоқдаки, паст бўйли пахта навларига ишлов бериш чоғида уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олиб, мутлақо янги технология ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу борадаги изланишларда фақат селекционерларгина эмас, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, САИМЭ ва бошқа институтларнинг олимлари ҳам фаол иштирок этмоқлари даркор.

**Миршавкат МИРЖУРАЕВ.** Селекция олдида турган ғоят муҳим вазифалардан яна бири тола чиқишини кўпайтиришдир. Бу масала айни пайтда давлатга ҳосилни тола бўйича топширишга ўтишдан иборат янги тартиб жорий этилиши муносабати билан янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда районлаштирилган ва яратилаётган янги навларнинг кўпчилиги кам тола беради. Маълумки, пахтадан умумий ҳосилнинг 38—40 фоизи ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда тола олиш мумкин. Мана шундай навларни кўплаб экиш юқори тола ҳосили олиш имконини беради. Шу нарса ҳам маълумки, қирқинчи йилларда Ўзбекистонда катта-катта майдонларга ҳосилнинг 40 фоизигача тола берадиган С—460, С—8517, С—450—550 сингари навлар экилар эди. Бу селекция методи билан мўл ва сифатли тола берадиган пахта навини яратиш мумкинлигини исботлайди. Кейинги пайтда айрим селекционерлар Андижон—60, «Сертола» ва бошқа навларни яратдиларки, улардан тола чиқиши аҳволни бирмунча яхшилади.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Аммо, иқрор бўлиш керак, юқори сифатли тола берувчи навларни яратиш борасидаги ишлар Ўзбекистон селекциячилигида ҳали кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун кўпчилик янги навларнинг толаси Тошкент—1 навига баробар, ҳатто айримлари унга қараганда 1—3 фоиз кам.

Саноат учун I, II, III, IV тип тола берувчи навлар ғоят қимматлидир. Бироқ толанинг тип қанчалик юқори, у ингичка ва узун бўлса, салмоғи шунча кам тош босади. Афсуски, турли тип тола берувчи пахта ҳосили харид нархлари орасидаги тафовут қимматбаҳо типли тола берувчи пахта навлари майдонини кенгайтиришдан иборат ғоят муҳим давлат аҳамиятига молик ишга тўғаноқ бўлиб турибди.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Вилт билан касалланиш пахта ҳосилининг сифати ва миқдорига, чигитдан олинадиган мойга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Бу муаммони селекция методи орқали ҳал қилишнинг аҳволи ҳали бизни қаноатлантираётгани йўқ. Вилтнинг янги-янги формалари пайдо бўлиб ва кўпайиб,

янги навларга ғоят тез мослашиб олмоқда. Шунинг учун энг чидамли навлар ҳам беш-олти йил ўтмай бу касалликка чалиниб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда экилаётган ўрта толали навларнинг фақат икки-учтаси вилтга етарли даражада чидамлидир. Бу гап асосан 175—Ф ва С—4880 навларига тааллуқлидир. Таниқли олим Анатолий Николаевич Трибунский яратган 175—Ф нави аъло сифатли IV тип тола беради, вилтга чидамли. Хоразм, Фарғона областларининг пахтакорлари бу нав чигитидан катта-катта майдонларга экиб, мўл ҳосил олишмоқда.

Вилтга чидамли навларнинг бунчалик камлиги ташвишланарли, албатта. Зеро, вилтнинг у ёки бу регионда кенг тарқалиши пахта ҳосилдорлигига ҳам, унинг сифатига ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Айти пайтда 1985 йилда бир неча гектар майдонга экилган С—4880 нави ҳам ҳанузгача районлаштирилгани йўқ. Кенг кўламли давлат ва ишлаб чиқариш синовлари эса шуни кўрсатмоқдаки, бу нав ҳатто вилт кўп тарқалган далаларга экилганда ҳам ўша касалликка чидамлилиги билан кўзга кўринди. Ҳосили эрта пишиб, тола чиқиши юқори бўлди. Шунингдек, С—4880 нави чигитидан кўп мой олиниши билан ҳам районлаштирилган бошқа навлар орасида ажралиб туради.

**Олег КРАТИРОВ.** Бу нава боғлиқ баъзи муаммоларнинг сунъий равишда туғдирилаётганлигини ҳаммамиз тан олишимиз керак. Гап шундаки, унинг дастлабки синовлари чоғида толаси V типга тааллуқли эканлиги аниқланиб, тўғри хулосага келинган эди. Кейинчалик, бу маълумотлар «тасдиқланмади»га чиқди. Фабрика синовига юборилган шу нав хом ашёси бошқа сортларга аралашиб кетган. Шу асосда янги нав ҳам паст типли тола беради, деб нотўғри хулоса чиқарилган. Демак, янги навни яратиш, синаш, районлаштириш жараёнида авторлик назоратини кучайтириш, изоляция зонаси бўлишига эришиш лозим.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Олег Викторович бу ерда жуда ўринли фикрни илгари сурди. Дарҳақиқат, С—4880 нави бир қатор афзалликларга эга. VI тип тола берувчи пахта навлари ўрнига уни бемалол алмаштириб экиш мумкин.

Нисбатан оз миқдордаги уруғлик пахтани йирик пахта тозалаш заводларида қайта ишлаш ҳали кўп тўплаб улгурилмаган қимматли уруғликнинг йўқотилишига, кўпчилик ҳолларда эса турли репродукциядаги уруғликлар билан аралашиб кетишига сабаб бўлаётди.

**Олег КРАТИРОВ.** Ҳисоб-китоблар, дастлабки тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уруғчиликни марказлаштириш, ихтисослаштириш катта афзалликларга эга. Бунинг учун Тошкент области сингари регионга етарли уруғлик тайёрлаш мақсадида биргина элита хўжаликлари бирлашмаси кифоя. Бинобарин, бутун республикада шундай элита хўжаликлари ташкил этилиб, иш илмий асосда йўлга қўйилса, республикамиз ҳар йили етарли, энг муҳими сифатли уруғлик фондига эга бўлади.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Мамлакат бўйича ҳар гектар пахта майдонига ўртача 140 килограмм чигит сарфланмоқда. Бироқ республикамиздаги илғор хўжаликларда, хусусан Уйчи районидаги кўпгина колхозларда уруғлик чигит сарфи 80—90 килограммдан ошмаётди. Бунда уруғликнинг сифати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уруғлик сифатини оширишда эса ихтисослаштирилган хўжаликлараро корхона муҳим ўрин тутаётди. Бу корхона бағрида «Қизил Равот» экспериментал хўжалигидан ташқари, ўн битта хўжалик жамланган.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** «Қизил Равот» экспериментал хўжалигида ўн йилча муқаддам шу номдаги истиқболли нав яратилди. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари А. Циба билан А. Шерматовлар яратган бу нав чигити ҳозирда бир неча минг гектар майдонда экилмоқда. Бу нав айниқса Бухоро, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРда юқори самара берапти.

**Олег КРАТИРОВ.** Уйчи корхонаси умуман элита хўжалигининг келгуси эталони бўлиб хизмат қилмоқда. Эндиликда бу ерда уруғлик учун пахта экиладиган майдонлар ҳам, қабул пунктларию пахта тозалаш корхонаси ҳам бир қўлга бирлаштирилган. Бинобарин, уруғлик пахта майдонида парвариш сифати, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида тўла бажарилишидан бутун коллектив манфаатдордир.

**Пўлат СОДИҚОВ.** Уйчи корхонаси тажрибасини ипак пахта уруғчилиги бўйича ҳам амалга ошириш лозим. Маълумки, Сурхондарё областидаги «Сурхон» экспериментал хўжалиги ипак пахта уруғчилигига ихтисослашган. Пахта заводини ҳам шу хўжалик ихтиёрига ўтказиш, ягона корхона тузиш вазифаси аллақачон пишиб етилган. Бироқ у ҳамон ижобий ҳал этилмаётди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бу фикрни маъқулламаётгани айниқса таажжубланарли бир ҳолдир. Ҳолбуки, бу масала ижобий ҳал қилинса давлат ҳам, фан ҳам, пахтачилигимиз ҳам ғоят катта наф кўрарди.

**МУХБИР.** Шу ҳолатнинг ўзи ҳам селекция ишини янгича ташкил этиш вазифасини илгари сурмоқда. Биз ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институти моддий-техника ва экспериментал базаси шу йўналишда мустаҳкамла-

ниб бораётганининг гувоҳимиз. Мен бу ўринда фитотрон ва теплицадан иборат бўлган селекция комплекси қурилишини назарда тутяпман. Бу даврада унинг аҳамияти ҳақида гапирилди. Дарҳақиқат, фитотроннинг ишга туширилиши янги навлар яратиш жараёнини бир ярим-икки баробар жадаллаштириб юборади. Ҳозирда селекциячи олим бир нав яратиш учун ўн-ўн икки йил, ҳатто кўпроқ умрини сарфлайди. Кўпинча тадқиқотларнинг пировард натижасини олдиндан планлаштириб бўлмайди. Айтмоқчиманки, ҳозирги суръатда иқтидорли олим ўз умрида битта, нари борса иккита нави ишлаб чиқаришга жорий этиши мумкин. Фитотроннинг ишга туширилиши эса селекция жараёнини беш-олти йилда яқунлаш имконини беради. Бинобарин, селекциячи олим тадқиқоти интенсивлашади.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Бу — селекциячилигимизнинг бош истиқбол йўли. Ҳали-ҳозиргина бу даврада республикамиз қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида айтилган фикрлар келтирилди. Ёдингизда бўлса, ўша кенгашда эътиборга ғоят сазовор рақамлар тилга олинган эди. Ҳозир республикамизда пахтачилик билан шуғулланаётган олимлар 800 кишидан кўпроқ. Уларнинг аксарияти ғўза селекцияси ва уруғчилиги муаммоларини ҳал этиш устида иш олиб бормоқда. Бу — катта куч. Лекин ундан оқилона фойдаланиляптими? Йўқ, албатта. Нега, деган савол туғилади. Масаланинг моҳияти шундаки, бу кучлар турли муассасаларга сочиб юборилган, ғоят қудратли илмий потенциал ягона муассасада жамланмаган.

**МУХБИР.** Наҳотки, бу жуда катта кучни ягона бир илмий-тадқиқот муассасасига бирлаштириб бўлмас? Иттифоқимизда бу борада муайян тажриба мавжуд. Бир қатор иттифоқдош республикаларда «Селекция» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленумида ҳам шундай илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини шакллантириш йўли билан кучларни марказлаштириш, ихтисослаштириш, тадқиқотларни интенсивлаштириш вазифаси илгари сурилган эди. Ҳолбуки, бизнинг даргоҳларда ҳанузгача параллелчиликка барҳам берилгани йўқ. «Катта илмий кучларнинг ҳаммасини жамлаб, — дейилди қишлоқ хўжалик илғорларининг 1985 йил март ойида бўлиб ўтган кенгашида, — уларни ҳаёт илгари сураётган муаммоларни тезроқ ҳал этишга йўналтириш кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолмоқда». Бу йўл селекция иши самарадорлигини кескин ошириш, янги навлар уруғини тез кўпайтириб, уларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш ва уруғчилик ишини тўғри ташкил қилиш йўлидир.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Биз ўз пайтида ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича иш олиб боровчи шундай бирлашманинг ташкилий структураси ҳақида таклифларимизни айтганмиз. Унга бизнинг институтимиз ва республикамиздаги ғўза селекцияси билан шуғулланаётган барча тажриба станциялари киритилиши мумкин.

**Олек КРАТИРОВ.** Шунингдек, Содиқ Мираҳмедович, бундай бирлашма таркибига ғўзанинг ҳали районлаштирилмаган янги навларини олдиндан кўпайтириш учун элита — уруғчилик хўжаликлари сифатида Наманган областидаги «Қизил Равот» ва Сурхондарё областидаги «Сурхон» экспериментал хўжаликлари, Жиззах областидаги бирор совхоз, Тошкент областидаги «Оққўрғон», Андижон областидаги «Октябрь 50 йиллиги», Навоий областидаги «Нарпай», Қашқадарё областидаги «Ўзбекистон ЛКСМ 50 йиллиги» совхозларини киритиш мумкин бўлур эди.

**Ҳусниддин РАҲИМОВ.** Умуман олганда, уруғчилик ишини концентрациялашнинг қандай ажойиб самара беришини яққол кўрсатувчи тажриба республикамизнинг ўзида бор. Бу «Қизил Равот» экспериментал базаси асосида ташкил этилган Уйчи ишлаб чиқариш корхонасидир.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** «Селекция» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилиши бутун селекция—уруғчилик ишини ягона организмга бирлаштиради. Натижада идоралараро тўсиқларга хотима бериш, тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, турли пахтачилик зоналари учун янги навлар чиқариш жараёнини тезлаштириш имкони туғилади. Айни пайтда, янги навларни давлат синовига топширишгача булган муддатда экологик текширишларни тўла ўтказиш уларни барвақт кўпайтириш, уруғчилик ишини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

**МУХБИР.** Яна бир жиҳатни назардан қочирмаслик керак. Менимча, умуман, пахта уруғчилигида ҳам шундай бирлашма тузиш мақсадга мувофиқдир. Мен бу ўринда республикада уруғлик чигитни тайёрлашни кўзда тутяпман. Айтайлик, ҳар бир областда уруғлик тайёрлайдиган битта ёки иккита завод бор. Шулар ҳам ягона уруғчилик бирлашмасига киритилса, фойдали иш бўлур эди.

**Олег КРАТИРОВ.** Агар бу масалалар ҳал этиладиган бўлса, комплекс тарзда қараб чиқилгани маъқул, албатта.

**Пўлат СОДИҚОВ.** «Селекция» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилиши имкониятларни умумлаштиришдан ташқари бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан бевосита шуғулланиш, кучларни асосий ишга йўналтириш каби

шароитларни яратиб берган бўлур эди. Айтайлик, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси янги ғўза навлари агротехникасига боғлиқ масалаларни чуқур тадқиқ этиш билан шуғулланишга бутун кучни йўналтириши мумкин.

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Яна бир муаммо борки, уни ҳам аллақачон ижобий ҳал этиш чораси бор эди. Бу — янги навлар толаси сифатини белгилаш масаласи. Шу масала ҳозирда марказлаштирилган тарзда ҳал этиляпти. Оқибатда ғоят тез хулоса чиқарилиши лозим бўлган жараён икки-уч йилга чўзилиб кетмоқда. Бунинг натижасида давлат синовидан ўтганидан уч-тўрт йиллаб кейин районлаштириш жараёнида янги нав толасининг сифати саноат талабига жавоб бермаслиги аниқ бўлиб қолмоқда. Тошкентда тола синов филиали ташкил этиш селекция жараёнининг бошланғич палласидаёқ тола сифатини аниқлаш, у ёки бу хатоликнинг олдини олиш имконини беради.

**МУХБИР.** Содиқ Мираҳмедович, яна бир гап. Бу — ўрта бўғин кадрлари хусусида. Умуман, селекциячиликда, уруғчиликда ўрта бўғин кадрлари — технологлар тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Бундай мутахассислар Иттифоқимизнинг барча пахта қабул пунктлари, пахта тозалаш саноати, элита хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари учун ҳам ғоят зарур. Ҳозирда шундай мутахассислар етишмаслиги туфайли турли нав уруғлик чигитларнинг аралашиб кетиши, улар юқори кондицияда тайёрланмаслиги фактлари учрамоқда, селекция жараёни суст ўтаётир. Селекция ва уруғчилик соҳасида ўрта бўғин кадрлари тайёрловчи билим юрти очиш вақти етмадимикин?

**Содиқ МИРАҲМЕДОВ.** Шундай муаммо аллақачон етилган. Афсуски, ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича ўрта бўғин кадрлари тайёрлайдиган ўқув юрти мамлакатимизда умуман йўқ. Селекция маркази ҳузурида шундай махсус техникум ташкил этилса, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

**МУХБИР.** Халқимиз пахтани «оқ олтин» деб эъзозлайди. Дунёга келган янги меҳмоннинг танглаини пахта билан кўтаришади. Унинг момик толасини кўзга тўтиё қилишади. Пахта тўйдиради, саратон жазирамасидан, қиш қаҳратонидан асрайди.

Пахта ўзи юмшоққина, вазни ҳам енгилгина. Лекин унинг меҳнати, машаққати қаттиқ ва оғир. Бугунги суҳбатимиз эса пахтачилик ибтидоси — селекция ва уруғчилик хусусида борди. Мақсад шуки, изланишлар жараёнида талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган нав ва уруғликлар яратилиб, пахтачиликдаги машаққатли қўл меҳнатлари барҳам топса, миқдор, сифат ҳамда самарада бир хил муваффақиятларга эришилса. Бу истак олимларимиз диққатига ҳавола. Пировард натижада «оқ олтин» хирмонлари тобора юксалсин, деҳқоннинг кўнгли ҳам тоғдек кўтарилсин. Ҳа, юмшоққина бир ҳовуч пахтанинг меҳнати ғоят серқирра, машаққатли. Энг муҳими, бу — ижодий меҳнат. Пахтакор асл маънода ижодкор бўлсагина мақсадига эришади, элда юзи ёруғу, дили ҳам пахтасидай оппоқ ва равшан бўлади.

Эркин Юсупов

## ҲАҚИҚАТ ЗИЁСИ ВА ЁЛҒОН - ЯШИҚЛАР

Кейинги пайтларда ғарб мамлакатларида КПССнинг миллий сиёсатига, етук социализм даврининг дастлабки босқичи шароитларида миллий муносабатларнинг ривожланишига бағишланган кўплаб адабиётлар юзага келмоқда. Зеро, жаҳон тарихида биринчи марта мамлакатимизда миллий масала пролетар ва социалистик интернационализм принциплари асосида ҳал этилган. Қудратли, ягона, бузилмас оилага бирлашган барча миллат ва элатлар жамиятнинг социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётини кенг кўламда ривожлантиришни муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳамма халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, қардошларча ҳамкорлиги тўла таъминланган бўлиб, уларнинг иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётининг интернационал ва миллий ўзига хос жиҳатлари мислсиз ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

СССРнинг миллий масалани адолатли ҳал қилиш соҳасидаги тажрибаларидан ривожланаётган социалистик мамлакатлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

Буржуа идеологлари тарихий фактларга зид ўлароқ, КПССнинг миллий сиёсати моҳиятини, мамлакатимизда миллий масалани ҳал этишнинг тарихий тажрибасини бутун куч ва имкониятлари даражасида бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Ғарбда КПСС ва Совет давлатининг миллий сиёсатига бағишлаб эълон қилинган асарларнинг кўпчилиги антикоммунизм ва антисоветизм руҳи билан суғорилган. Буржуа тарихчилари, социологлари А. Беннингсен, Э. Уимбушнинг «Совет Иттифоқида мусулмон миллий коммунизми. Мустамлака дунёси учун революцион стратегия» асарлари; Англияда И. Азроэль таҳрири остида эълон қилинган «Совет миллий сиёсати ва практика» монографияси; ғарбий германиялик тадқиқотчи Роберт Кингнинг Нью-Йоркда чиқарилган «Коммунизмда кичик миллатлар» китоби ва бошқалар шу руҳда ёзилгандир. КПССнинг миллий сиёсати моҳиятини бузиб кўрсатувчи бундай асарлар орасида антисоветчи Эллен Каррер Д'Анкосснинг Францияда нашр этилган «Парчаланган империя. СССРда миллатлар исёни» асари алоҳида ўрин тутди.

Эллен Каррер Д'Анкосснинг номи мамлакатимизда кўпдан маълум. Биз унинг ажнабий журналларда босилиб чиққан, бошидан охиригача антикоммунизм руҳи билан суғорилган илк мақолалари билан танишмиз. Муаллиф юз бераётган воқеаларга очиқ кўз билан қараш, ҳушёр ақл ва холисона баҳо бериш қобилиятини аллақачон йўқотган бўлса керак. Унинг асарларини ўқиб ажабланасиз: мамлакатимизда мавжуд ҳақиқатни, вужудга келган реал муносабатларни наҳотки шу даражада сохталаштириш мумкин бўлса? Балки у сохталаштириш борасида катта тажрибага эгадир. Аммо бизни шу нарса ташвишга солмоқдаки, унинг асарлари Ғарб мамлакатларида кенг тарқалмоқда. Бундай ёлғон-яшиқ бўхтонлар одамларда Совет Иттифоқи ҳақида нотўғри тасаввур вужудга келтириши мумкин. Бу фақат тасодифий характердаги чалғитишгина эмас, балки давримиз руҳига, тараққиёт манфаатлари ва эҳтиёжларига, кишиларнинг ўзаро ҳамкорликларига тамомила ёт бўлган империалистик мафкуранинг бир кўринишидир.

Эллен Каррер илмий социализм ғоялари ва мамлакатимизда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги социалистик қурилиш тажрибасининг ёйилишидан ҳаддан ташқари кўрқади. У қилган ва қилаётган ишларнинг ҳаммаси ана шу таъсирини сусайтиришга қаратилган. Мен Эллен Каррер Д'Анкоссни бизнинг мамлакатимиз ҳақида фақат юзаки тасаввурга эга, деб айта олмайман, чунки у бир пайтлар Урта Осиё республикаларига келган эди. Аммо у бунда ниманики кўрган бўлса, ўз китобхонларига ҳикоя қилиш учун фақат салбий томонларни излаган. У Урта Осиё халқларининг фақат инсоний фазилатларини эмас, балки миллий

кадр-қимматларини ҳам ерга уришга интилган. Урта Осиё халқларининг табиёт фанлари билан шуғулланишга ноқобил экани ҳамда маҳаллий халқлар украинлар ва русларга нисбатан паст даражада ривожланганлиги ҳақида кўп ёзган. У миллий тилларнинг қотиб қолганлиги, уларнинг муस्ताқил ва барқарор ривожланишга қодир эмаслиги тўғрисида мақолалар эълон қилган. Эллен Каррер майда миллатлар учун ўз ёзувини вужудга келтиришни бир эрмак деб ҳисоблайди. Мен бу ўринда таниқли француз олими Жан Пербснинг «бу — мустамлакачиларга хос нафратомуз кибр-ҳавонинг намоён бўлишидан бошқа нарса эмас» деган фикрига қўшиламан.

Кўп миллатли Советлар мамлакати ҳозирги вақтда социализм душманлари хоҳлаганидек, заифлашгани йўқ, балки янада мустақкамланди. Ушбу узоқни кўролмайдиган хоним эса аллақандай кароматгўйлик ролини зиммасига олиб, сиёсатчиларга маслаҳатлар беради. Оқни қора қилиб кўрсатувчи кишиларнинг маслаҳатларига асосланган сиёсат нимага олиб келади дейсиз?

Эллен Каррер Д<sup>1</sup> Анкосс ва Ғарбдаги бошқа советшуносларнинг асарларида «руслаштириш» ғоялари катта ўринни эгаллайди. Улар СССРда рус бўлмаган халқларни «русга айлантirmoқдалар», уларнинг «миллий орзу-умидларини куртаклик чоғидаёқ бўғиб, миллий маданият, миллий тиллар имкониятларини чеклаб қўймоқда, миллий анъаналар ва тарих унутиб юборилмоқда», деб сохта бонг урмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси «руслаштириш» деган умумий тушунча билан талқин қилинади. Бошқача айтганда, СССРда рус тилини кенг ёйиш проблемасини муҳолифларимиз руслаштириш ғояларини тасдиқловчи мезон қилиб олишган.

Агар ушбу масалага ҳушёрлик билан ёндашилса, рус тилининг миллатлараро алоқа тилга айланиб бораётганлиги кўп миллатли мамлакатимиз шароитида қонуний жараён эканини англаб олиш қийин эмас, чунки бу ерда турли тилларда сўзлашувчи 120 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари биргаликда яшайдилар. Башарти СССРдаги халқларни бирлаштириб турувчи, уларнинг ўзаро алоқа қилишларига, ҳамкорлигига кўмаклашувчи умумий тил бўлмаганда қандай ҳолат юз беришини бир тасаввур қилиб кўринг-чи! Зотан кўп миллатли мамлакат шароитида миллатларнинг ўзаро алоқаси иқтисодий, маданий ва социал тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Рус тили зўрлик билан миллатлараро алоқа тилига айлантирилгани йўқ. Унинг миллатлараро алоқа тили даражасига кўтарилиши қонуний бир ҳолдир. Мамлакатимизда кўпчиликни ташкил этувчи руслар рус тилида сўзлашадилар. Украинлар билан белоруслар русчага яқин турувчи тилда алоқа қилишади. СССР граждaнларининг кўпчилиги рус тилида бемалол гаплаша олади. Бунинг устига рус тили жаҳондаги энг бой тиллардан биридир. Унинг луғат фонди, грамматик тузилиши, равонлиги бу тилнинг миллатлараро алоқа тилига айланишига ёрдам берди. Ўзбеклар рус тилини билганликлари учун латишлар, эстонлар, грузинлар, арманлар, молдаванлар ва шунингдек бошқа халқ вакиллари билан гаплаша оладилар. Бундай умумий ўзаро мулоқотлар алоқалар ва ҳамкорликни мустақкамловчи омиллардан биридир. Рус тилини билиш тўғрисида бизда мамлакатимиздаги рус ва бошқа халқларнинг кўп асрлик маданиятидан, Ғарбнинг илғор маънавий бойликларидан баҳраманд бўлиш имконияти вужудга келди. Шу боис миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тили миллий маданиятларни ривожлантириш омили бўлиб қолди. Бироқ рус тилининг таъсири кучайиб, обрўси ортиб бораётганлиги миллий тилларнинг ривожланиш имкониятларини пасайтиргани йўқ.

Ўзбек тили — марказий Осиёдаги қадимий тиллардан биридир. Аммо бу тил ўз ривожланишининг неча минг йиллик тарихи давомида ҳеч қачон бугунгидек юксаликка кўтарилган эмас. Ҳозирги ўзбек тили — улкан фан ва адабиёт тили сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки барча Урта Осиё республикаларида кенг тарқалган. Ўзбекистонда ўзбек тилида нашр қилинаётган журнал ва китоблар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина «Фан ва турмуш» журналининг ўзи 500 мингдан кўпроқ нусхада нашр қилинади.

Ажнабий советшунослар «руслаштириш» ғоясини СССР тилларида рус сўзлари ва терминлари мавжудлиги билан исботламоқчи бўладилар. Урта Осиё халқлари тилларининг луғат бойлигида ҳақиқатан ҳам рус сўзлари кўп. Уларнинг миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Бу социалистик жамият социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг объектив қонуниятидир. Ҳозирги замон ижтимоий ёки фан-техника тараққиёти моҳиятини русча терминлардан фойдаланмай туриб ўрганиш мумкин эмас. Айни вақтда, СССР халқлари миллий тилларининг рус тилига таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Ҳозир рус тилида «урюк», «гузапая», «арик», «кишмиш», «кишлак» каби ва бошқа ўзбекча сўзлар жуда кўп, улар рус тили лексикасига кириб келди ва уни бойитди. Шундай қилиб рус тили бошқа тилларни бойитибгина қолаётгани йўқ, балки унинг ўзи ҳам мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг тиллари ҳисобига бойиб бормоқда. Бу жараённи биз тиллар-

нинг яқинлашуви ва бир-бирини ўзаро бойитиши деб атаймиз. Ҳеч қандай шароитда миллий тил бошқа тилларнинг таъсирига учрамай ривожлана олмайди. Бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиш ҳамиша тиллар ривожланишининг объектив қонуни бўлиб келган.

Капиталистик мамлакатларга бир назар ташлайлик. АҚШда инглизлар, немислар, итальянлар, хитойлар, японлар ва бошқа миллатлар яшайди. Миллатлараро алоқа тили эса инглиз тилидир. Бу тил дунёнинг кўпгина мамлакатларида алоқа воситасига айланган. Узоқ давр мустамлакачилик ҳукмронлиги тажрибасининг кўрсатишича, инглиз тилининг таъсири миллий тилларни сиқиб қўйиш, уларнинг ривожланиш имкониятларини чеклаш ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларида испан тили кенг тарқалган, бу ҳодиса туб жойли халқлар тилларини сиқиб чиқарган.

Буржуа идеологлари ўзларининг «руслаштириш» ғоясини шубҳали фактлар билан, шунингдек, миллий республикаларда рус тилида сўзлашувчи аҳоли кўпайиб бораётганлиги билан тасдиқламоқчи бўладилар. Бу далил ҳам ишонтирарли эмас. Гап шундаки, бизнинг мамлакатимизда аҳоли миграцияси (жойдан-жойга кўчиши) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ҳамда социалистик меҳнат тақсимоли билан боғлиқ. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятнинг гуркираб ривожланиши жараёнида Ўрта Осиё республикаларига марказий районлардан аҳолининг кўчиб келиши бирмунча кучайди. Лекин бу фақат рус аҳолиси кириб келаётганлигини аңглатмайди. Ўрта Осиёга татарлар, бошқирдлар, чувашлар, украинлар, белоруслар ва бошқалар ҳам келмоқдалар. Бироқ бу жараён республика аҳолисининг умумий таркибида маҳаллий миллатнинг салмоғи тўхтовсиз ортиб бораётган шароитда юз бермоқда. Руслар, татарлар, бошқирдлар, республикамизга ишчилар, қолхозчилар, интеллигенция намояндалари сифатида келиб саноат, қишлоқ хўжалиги фан ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги иш жойини танлаш эркинлигини ҳам таъминлайди. Бизда: «Ўзбекистон фақат ўзбеклар учун» деган шиор бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Ўзбекистон — кўп миллатли республикадир, унда юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшайдилар. Ўзбекистоннинг эришаётган муваффақиятлари республикамизда яшовчи барча халқларнинг, шунингдек, бутун мамлакатимизнинг муваффақиятидир. Ҳозирги вақтда бошқа республикаларда яшаб турган ўзбеклар сони кўпаймоқда. Кўпгина ўзбеклар Тожикистонда, Қирғизистон, Туркменистон ва Россияда яшайдилар. Украина, Закавказье республикалари ва бошқа жойларда ўзбек мутахассислари ишлаб турибди.

Кейинги йилларда буржуа идеологлари Ўрта Осиё республикаларида «акси руслаштириш» жараёни «кучайиб бораётгани» тўғрисидаги янги афсонани кенг тарқата бошладилар. Уларнинг фикрича, «акси руслаштириш» рус маданияти «ҳукмронлиги»га қарши миллий, маънавий бойликларни тиклаш ва ривожлантиришга, миллий мустақилликни сақлаб қолишга йўналтирилган ҳаракат эмиш.

Эллен Каррер Д'Аннокс ва бошқалар «акси руслаштириш» мавжудлигини асослаб беришга уринмоқдалар. Улар кейинги вақтда иттифоқдош республикаларда ўтмишдаги Ибн Сино, Беруний, Форобий, Хоразмий, Навоий, Улуғбек, Бобур сингари ва бошқа машҳур арбобларнинг юбилейлари кенг кўлабда ўтказилаётганини рўқач қиладилар. Гўё ушбу юбилейларни ўтказиш миллий ўзига хослик, миллий улуғворлик туйғуси юксалиб бораётганлигининг бир кўриниши эмиш. Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикаларида миллий адабиётга, миллий тилларга ва тарихий ўтмишга бағишланган жуда кўп илмий конференциялар ўтказилди. Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигини байрам қилиш ана шундай тадбирлардан биридир. Бу масалада ҳам мухолифларимиз нишонга урولмаптилар. Улар юқорида тилга олинган тадбирларни ҳам миллий алоҳидаликнинг намоён бўлиш шакли деб талқин қиладилар. Юқорида санаб ўтилган ўтмиш арбобларининг ва шаҳарларнинг юбилейлари фақат Ўрта Осиё республикаларидагина эмас, балки бутун мамлакатда нишонланди. Миллий тарих ва адабиётнинг кўпгина проблемаларини ишлаб чиқишда Москва, Ленинград, қардош иттифоқдош республикаларнинг олимлари актив қатнашдилар. Буни биз СССР халқлари бирлигини мустаҳкамлаш миллий ифтихорининг умумсовет ифтихорига айланиш омили деб биламиз. Ибн Сино, Хоразмий, Улуғбек, Низомий, Пушкин, Шевченко, Лермонтов, Абай ва кўпгина бошқа сиймоларнинг номлари, улар қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъий назар, ҳаммамиз учун азиз ва қимматлидир. Совет кишиларининг қалбига чуқур сингиб кетган ушбу нозик туйғуларимизни мафкуравий мухолифларимиз балки тушуна олмаслар. «Руслаштириш» ва «акси руслаштириш» ғоялари бизнинг воқелигимизни шунчаки сохталаштириш эмас, балки сиёсий қўпоровчиликдир. Улар бу хил ғояларни тарқатиш билан Совет Иттифоқи халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга, қардошлик муносабатларини бузишга, миллатчилик ва шовинизм кайфиятларини тарқатишга ва шу йўсинда Совет Иттифоқини заифлаштиришга интилмоқдалар.

Эллен Каррер Д<sup>р</sup> Анкосс Совет давлатининг миллий сиёсатини мутлақо асос-сиз равишда чор Россиясининг муштамлакачилик сиёсатига таққослайди. Шу асосда у собиқ Россия империяси ва Совет давлати «миллий боши берк кўчадан чиқишга қодир эмас» деб, даъво қилади.

«Миллий боши берк кўча» деганда у нимани тушунади?

Чоризм миллий антагонизмларни тарқатганлиги, миллий шовинизм ғоясини тарғиб қилганлиги, рус халқининг Россиядаги бошқа халқлар билан яқинлашувига тўсқинлик қилганлиги шубҳасиздир. Шу асосда XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида чор Россиясида кескинлашиб кетган социал зиддиятларнинг бир қисмини ташкил этувчи миллий антагонизмлар чуқурлаша борди.

Совет воқелигига келсак, бунда ҳеч қандай миллий муносабатлар юзага келтирган боши берк кўча йўқ. Сиёсий, иқтисодий ва социал ҳаётнинг ҳамма соҳаларида миллатларнинг тенглиги, тенг ҳуқуқлигини таъминлаш жараёнида миллий антагонизмларнинг сиёсий, социал-иқтисодий негизлари батамом тугатилди. Бир-бирига бегона миллатлар ва халқлар ўртасида тарихда мисли кўрилмаган янги биродарлик вужудга келди. Кўп миллатли совет халқи ташкил топганлиги эса ана шу жараённинг мантиқий якуни бўлди.

Инсоният тарихида кўп миллатли давлатлар бўлган, аммо, кўп миллатлилик улар заифлигининг сабабларидан бири ҳам эди. Бундай давлатлар бир миллатли давлатларга нисбатан анча эртароқ парчаланиб кетарди. Совет воқелиги шароитида эса кўп миллатлилик — тузумимиз куч ва қудратининг омилдир. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами, совет кишилари миллий манфаатлари билан умуммиллий манфаатларнинг мувофиқлиги, улар иқтисодий ва маънавий ҳаётининг муштараклиги ушбу бирликнинг асосидир.

Биз миллий муносабатлар мураккаб структурага эга эканини, уларнинг муттасил ривожланиб ва чуқурлашиб боришини инкор этмаймиз. Зотан социализмда ҳам миллий муносабатларнинг ривожланиши тўғри чизиқ бўйлаб борадиган жараён эмас. Токи миллатлар ва миллий манфаатлар, миллий ҳис-туйғулар мавжуд экан, миллий муносабатлар кун сайин эътибор беришни талаб қиладиган масалаларни, умуммиллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва ижодий ҳал этишни талаб этаверади. КПСС ва Совет давлати айна шундай сиёсат юргизмоқда. Миллий муносабатлар соҳасидаги баъзи бир қийинчиликлар ўз вақтида ҳал этилади, бу эса халқларнинг қардошларча бирлигини янада муштақамлаш учун янги омиллар яратади.

Эллен Каррер Д<sup>р</sup> Анкосс миллий муносабатлар проблемасини тор доирада талқин этади ва уни бутунча демографик жараёндан иборат қилиб қўяди. Айрим фактларни таҳлил қилар экан, у мантиқсиз хулосалар чиқаради, бу эса миллий муносабатлар ва миллий манфаатлар моҳиятини бузиб кўрсатишга олиб келади.

Миллий муносабатларнинг соф демографик проблемалар билан боғлаб кўрсатилиши тасодифий эмас. Бу ҳам империализм идеологик диверсиясининг ажралмас қисмидир. Маълумки, мамлакатимизда Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва баъзи бошқа районларда аҳоли сони бирмунча тез суръатлар билан кўпаймоқда. Буржуа идеологлари айрим статистик маълумотларга таяниб, келгусида СССРдаги миллатларнинг миқдорий нисбати тўғрисида нотўғри прогнозлар қилмоқда. Масалан, улар рус бўлмаган халқларнинг кўпайиб бориши келгусида рус халқининг роли пасайиб ва бутун Совет сиёсий системасининг сусайишига олиб келади, деб хулоса чиқармоқдалар.

Ҳақиқатда эса Ўрта Осиё учун характерли бўлган демографик жараён соф миллий проблема эмас, балки кўп болалалик руслар учун ҳам, украинлар учун ҳам, Ўрта Осиёда яшовчи бошқа миллатларга мансуб оилалар учун ҳам характерлидир. Бу белги мамлакатимизнинг марказий районларида ҳам нисбатан ўсмоқда. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг моддий фаровонлиги юксалаётганлигини, коммунал-маишый шароитлар яхшиланаётганлигининг, соғлиқни сақлаш, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг ривожланаётганлиги, уй-жой шароити яхшиланаётганлиги натижасидир. СССРдаги барча миллат ва элатлар ўз болаларини тарбиялаш ва камолга етказиш учун бир хил имкониятларга эгадирлар. Кўп болали оилалар, қайси миллатга мансуб эканликларидан қатъий назар, Совет давлатидан ёрдам олиб турадилар. Бизнинг мамлакатимиз учун характерли демографик жараёнлар миллий муносабатларни белгилловчи асосий омиллар эмас. Совет Иттифоқида миллий муносабатлар пролетар интернационалиزم принципларининг турмушга татбиқ этилиши, совет кишиларининг дунёқараши, иқтисодий ва социал ҳаётнинг муштараклиги ҳамда маънавий маданият ва маънавий эҳтиёжларининг яқинлиги билан белгиланади.

Эллен Каррер Д<sup>р</sup> Анкосс ўзига абстракт конструкция тузган ва у алоҳида, бир-бири билан боғланмаган фактларни шу конструкцияга зўраки тиқиштиришга уринади. Масалан, у СССРдаги миллий муносабатлар моделини яратмоқчи бўлган.



Совет воқелигидан хабардор бўлган ҳар бир киши ушбу конструкциянинг сунъийлигини ва муаллифининг ҳулосалари асосиз эканлигини дарҳол пайқаб олади. Китоб ажнабий китобхонлар учун ҳам мўлжалланган. Бизнинг воқелигимиздан беҳабар Ғарбдаги кўп кишилар ушбу уйдирмаларга ишонишлари ва бизнинг мамлакатимиз тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. Китоб муаллифи шу тариқа жамоатчилик фикрини захарлашга, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ишончсизлик туғдиришга уринади.

Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистонга Миллий мажлис Раиси Муҳаммад Юсуф ал-Адасани бошчилигидаги Қувайт Миллий мажлисининг делегацияси ташриф буюрган эди. У саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, илмий, маданий ва диний муассасалар билан танишиб, одамлар билан суҳбатлашгач, шундай деган эди: «Мен илгари Ғарб пропагандасининг СССРга, айниқса Ўрта Осиё республикаларига доир турли уйдирмаларини кўп ўқиганман. Ўзбекистондаги реал аҳволни, шаҳар ва қишлоқлар ривожланишини, халқларнинг саодатли ҳаётини, турли миллатлар биродарлиги ва ўзаро ҳамкорлигини ўз кўзим билан кўргач, буржуа пропагандаси асосиз экан, деган ҳулосага келдим». Шундай қилиб, Каррер Д'Анкосснинг уйдирма концепцияси СССРдаги реал фактларнинг тамомила аксидир.

Каррер Д'Анкосс ленинча миллий сиёсатни фақат шунинг учун утопия деб ҳисоблайдики, В. И. Ленин Совет Давлати тўғрисида ёзган пайтда бу давлат ҳали мавжуд эмас эди. Агар ҳали тарихда мавжуд бўлмаган янги жамиятни вужудга келтириш ғояси утопия бўладиган бўлса, у ҳолда ҳар қандай революциянинг мақсадлари ҳам утопия бўлур эди.

Утопия — бу миллий орзу эмас. Ленинча миллий сиёсат, илмий башорат натижасидир. У капитализм тараққиётини ва социалистик жамият тузиш имкониятларини объектив анализ қилишдан келиб чиққан. Мамлакатимизда тўпланган тарихий тажриба ўз тараққиётининг ҳар бир қадамида ленинча башорат теранлиги ва тўғрилигини кўрсатади.

Эллен Каррер Д'Анкосснинг миллий ва умуммиллий манфаатларга мувофиқ бўлган совет федерациясининг моҳиятига доир даъволари ҳам мутлақо асосиздир. У сиёсий федерализмнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган интеграция кучлари тўғрисида ёзади. Гўё сиёсий ҳокимият, армия, марказлаштириш қуроли бўлган партия ана шундай кучлар эмиш, «бу эса ўзгалар проблемаларига мутлақо ёт» эмиш.

Социалистик жамиятдаги сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиш жараёнида ҳар бир республика, ҳар бир миллат манфаатларининг бутун мамлакат манфаатлари билан мувофиқ бўлиши қонуний бир ҳолдир. Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия миллий маданиятнинг, анъаналар ва тилларнинг ривожланишига ҳеч қачон тўсқинлик қилган эмас.

Аксинча, фақат совет воқелиги шароитидаги миллий маданиятларнинг ривожланиши учун имкониятлар таъминланмоқда. Социалистик, коммунистик қурилиш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилиши миллий маънавий бойликларнинг ривожланишига ёрдам берди. Ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа халқларнинг миллий маданиятлари бутун мамлакат миллий бойликларининг ажралмас қисмидир ва улар социалистик жамият маданиятининг ривожланишига, коммунистик тарбия масалаларини ҳал этишга кўмаклашмоқда. Н. Тихонов, Р. Ҳамзатов, М. Турсунзода, Д. Кугультинов, Жамбул, Ч. Айтматов, К. Яшиннинг маънавий ҳаётнинг миллий белгиларига эга бўлган ижоди совет мамлакатининг унда яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг умумий маданиятини бойитмоқда. СССРдаги халқлар ва элатларнинг миллий маданияти ҳеч қачон ҳозиргидек кўп қиррали бўлган эмас. Ҳар бир миллий маданият — маънавий ҳаётнинг алоҳида ажралиб қолган қисми эмас, балки ўзаро боғланган маънавий бойликларнинг совет социалистик жамияти умумий ҳалқасининг ажралмас бўғинидир.

Кўп миллатли совет халқига буржуа идеологлари жуда кўп ҳужум қилмоқдалар. Ғарб совет халқи тўғрисида нималарни ёзмаяпти, дейсиз! Турли мамлакатлардаги турли авторлар ёзмоқдалар. Аммо ҳаммасининг моҳияти бир — «совет халқи» тушунчасини улар рус бўлмаган халқларни зўрлаб руслаштириш формаси деб, ёки бўлмаса социал-иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳасидаги миллий хусусиятларнинг зўрма-зўраки тугатилиши, деб талқин қилмоқдалар. Эллен Каррер Д'Анкосс ҳам бу масалани четлаб ўтгани йўқ. Кишилар тарихий бирлигининг ушбу сифат жиҳатдан янги шакли мавжуд бўлиши мумкинлиги авторнинг миллатлар ва миллий ўзаро муносабатлар моҳияти тўғрисидаги тушунчалари доирасига сиғмайди. У мамлакатни миллатлар мавжуд бўлиб туришининг муқаррар йўлдоши деб ҳисоблайди. Бинобарин, унинг фикрича, миллий ўзаро муносабатларда миллатларнинг бирлашувидан кўра, уларнинг бир-биридан ажралиб туриш тенденцияси муҳимроқ таъсирга эга бўлади. Муаллиф ана шундан

келиб чиқиб, бундай умумийликнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этади ҳамда совет халқи тўғрисидаги барча даъволар миллатлар ва миллий антагонизмлар — синфий эксплуататорлик жамияти учун характерли бўлган сиёсий, иқтисодий, социал нотенглик ва адолатсизликнинг якуни эканлигини муаллиф аллақачон тушуниб олган бўлиши керак эди. Миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай формаси туғма қалб нидоси эмас, балки мавжуд социал-иқтисодий муносабатларнинг якунидир. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида миллатлар тенглиги ва тенг ҳуқуқлиги, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари таъминланган шароитда улар ўртасида миллий антагонизмларни келтириб чиқарадиган ва кескинлаштирадиган сиёсий, социал-иқтисодий, идеологик омиллар мавжуд бўлмайди. Совет халқи — ленинча миллий сиёсат тантанасининг қонуний натижаси, совет жамиятининг социал, иқтисодий ва маънавий тараққиёти якунидир. Совет халқи — бу мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва халқларнинг сиёсий ҳамда маънавий ҳаётида вужудга келган умумий, муҳим ва бирлаштирувчи факторнинг натижасидир.

Ҳар бир совет республикасининг иқтисодий ривожланиши — бутун иқтисодий тараққиётнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун иқтисодий ҳаёт соҳасидаги миллий муносабатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Бу манфаатларнинг қондирилиши комплекс ва ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Биз Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятлари ҳақида алоҳида, бошқалардан ажралган ҳолда гапира олмаймиз, чунки биз эришган нарсаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнати ва куч-ғайратлари ҳамда бутун мамлакатда амалга оширилган ишлаб чиқарувчи кучлар, фан ва техника тараққиётининг натижасидир.

Миллатлар ва элатларнинг социал структураси соҳасида ҳам умумий жиҳатлар мавжуд ва улар мустаҳкамланмоқда. Миллатлар ва халқлар ўртасидаги ўтмишдан мерос бўлиб қолган социал тафовутлар асосан тугатилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар миллатларнинг деярли бир хил структурасига эга.

Миллатлар ва халқларнинг ғоявий ҳаёти соҳасида ҳам муҳим умумий жиҳатлар вужудга келди. Барча совет кишиларининг дунёқарашлари асосини марксизм-ленинизм асослари ташкил этади. Ижтимоий маънавий ҳаёт ана шу муштарак дунёқараш негизида ривожланмоқда. Бундай умумийлик маънавий ҳаётдаги миллий хусусиятларнинг йўқолиб бориши асосида вужудга келаётгани йўқ, аксинча, ҳар бир миллатнинг маънавий бойликлари бир-бирининг ичига кириб бориши, ўзаро чирмашиб кетиши, ривожланиши натижасидир. Маънавий тараққиёт омманинг ғоявий ва ижтимоий савияси билан, жамиятнинг социал-иқтисодий ривожланиши имкониятлари билан белгиланувчи маънавий эҳтиёжлар асосида амалга ошади.

Маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви, омманинг янги маънавий эҳтиёжлари ҳар бир миллий маданиятнинг социалистик жамиятнинг барча аъзолари томонидан янада чуқурроқ ўзлаштирилишига кўмаклашмоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек «Баҳор» ансамбли қизларининг рақслари, «Наво», «Ялла» вокал қолғу ансамбллари кўшиклари мамлакатимиздаги барча халқлар орасида машҳурдир. Ўзбекистон меҳнаткашлари Москва, Ленинград, шунингдек қардош иттифоқдош республикаларнинг шоирлари, адиблари, санъат арбоблари билан бўладиган учрашувларни ҳамisha қувонч билан кутадилар. Ҳар йили қардош республикалар декадалари ўтказилиб турилиши халқларнинг маънавий эҳтиёжлари яқинлиги ва маданият соҳасидаги мустаҳкам алоқасининг ёрқин далилидир. Совет кишиларининг маънавий қиёфасида ҳам, уларнинг миллатидан қатъи назар, кўпгина умумий жиҳатлари бор. Меҳрибонлик, самимият, софдиллик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ўртоқларча ўзаро муносабатлар, камтарлик — булар аллақачон миллий доиралардан чиқиб, барча совет кишиларига хос бўлиб қолган муштарак белгилардир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, кўп миллатли совет халқи ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда миллий маънавий бойликлар, уларнинг барча шакллари тараққиёт этиши учун янги имкониятлар вужудга келди.

Буржуа идеологлар СССР халқларида миллий ҳис-туйғулар мавжуд эканига эътиборни қаратмоқдалар. Шубҳасизки, биз миллий психологиянинг ажралмас қисми бўлган миллий ҳис-туйғуларни инкор этмаймиз. Аммо миллий ҳис-туйғулар деганда миллатчилик кайфиятларини тушунмаслик керак. Миллий ҳис-туйғулар — миллий ифтихор, миллий характер ва психология белгиларидир. Ғоявий-тарбиявий ишлар кенг кўламда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда миллий ҳис-туйғулар ўзаро ҳамфикрликка, халқлар ва халқларнинг айрим намоёндалари ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Шунинг учун миллатчилик деган тушунчани аслида йўқ жойдан излаб ўтириш бефойдадир. Каррер Д' Анкосс босмачиларни миллий озодлик ҳаракатининг

кучлари билан тенглаштиради. Унинг фикрича, босмачилар Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йили мобайнида «маҳаллий аҳолининг индамай йўл қўйиб бериши ва мададига таяниб», бу ҳокимиятга қарши кураш олиб борган эмиш. Утмишдаги тарихий воқеаларнинг моҳияти ва характерига тамомила зид бўлган бундай уйдирмалар рад этиб ўтиришга арзимаиди. «Босмачи» деган ўзбекча сўзнинг луғавий маъноси «катта йўлдаги қароқчи, талончи» дегани эканини Каррер Д'Анкосс хоним билармикан? Қаллакесарларга бундай номни меҳнаткаш халқнинг ўзи берган, зеро у босмачилардан нафратланарди ва ҳозир ҳам нафратланади. Утмишнинг аччиқ ва аламли хотираларини у ҳамон унутгани йўқ. Босмачилик ҳаракатининг бошлиқлари — собиқ одамхўр қотиллар, ашаддий жиноятчилар эди. Ушбу тўдалар дастлаб ана шундай социал тоифадаги кишилардан ташкил топган бўлиб, улар саноат корхоналарини яқсон қилдилар, ўқитувчилар, врачлар, агрономларни ўлдирдилар, касалхоналар, мактабларга ўт қўйдилар. Улар ҳеч қачон омманинг мададига сазовор бўлган эмаслар, аксинча, кенг халқ оммаси уларга қарши курашга актив қўзғалган эди. Босмачилар ҳаракатини миллий озодлик ҳаракати билан таққослаш — бу масҳарабозликдир.

Босмачиларнинг даҳшатли қилмишларини ўз кўзи билан кўрган бир мўйсафид билан суҳбатлашганман. Мен унга Ғарбда ҳозирги кунда ҳам босмачиликни тирилтиришга ва оқлашга, унинг қатнашчиларини миллий манфаатлар учун курашчилар деб таърифлашга уринаётганлар борлигини тушунтирдим. У ҳаддан ташқари ғазабланди ва дунёда кекса авлод кишилари қалбига битмас жароҳатлар етказган ёвузликни бўяб кўрсатишга интилаётган шахслар борлигига сира ишонулмасди. Бўхтоннинг ҳам чегараси бўлиши керак. Ёлғон ва бўхтонлар чегарадан ошиб кетган тақдирда эса улар кулги эмас, балки нафрат қўзғатади.

Бироқ Эллен Каррер Д'Анкоссни фикридан қайтариб бўлмайди, чунки у советларга қарши ғояларни янглишганлиги ёхуд ҳақиқатни билмаганлиги сабабли эмас, балки муайян социал-сиёсий буюртма асосида олдинга сурмоқда. Унинг китоби саҳийлик билан ҳақ тўловчи ҳомийларига жуда керак. Бироқ бундай китоблар пайдо бўлишининг ўзи қабиҳликдир. Бундай бўхтондан иборат асарлар халқаро вазиятни кескинлаштиради, одамлар ўртасига низо солади, улар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилишини қийинлаштиради, меҳнаткашлар бирдамлигига ҳалақит беради.

Башарти келгусида инсониятга ажал қуроли билан хавф солганлиги ва халқаро кескинликни кучайтирганлиги учун суд қиладиган бўлса, у ҳолда тарихни сохталаштирувчилар, ёлғон-яшиқ ва ўзаро ишончсизлик тарқатувчи тухматчилар ҳам судланувчиларнинг биринчи қаторида ўтиришлари керак.

## АДАБИЁТ ВА ҒОЯВИЙ КУРАШ

Оноре де Бальзакнинг «Инсон комедияси» асарининг бош қаҳрамонларидан бири Гобсек айтаганидек, буржуа жамиятидаги энг муҳим нарса — олтин, бойлик орттириш. Бой ва камбағаллар ўртасида эса доимо кураш боради. Демак, бу жамиятда: сени биров эзгандан кўра, сен бошқани эз, деган принцип амал қилади.

Ҳозирги давр буржуа социологиясида эса жамият ва шахс ўртасидаги диалектик алоқадорликни инкор қилувчи қарашлар кенг тарқалган. Бундай қарашлар кишиларга санъатнинг ижтимоий моҳиятини, тарбиявий таъсирини тўғри тушунишга имкон бермайди, аксинча, синфлар манфаатига бўйсундиришга хизмат қилади. Буржуа социологларининг фикрича инсон тарбиясида мутлақ эркинлик бўлиши лозим, коллектив эса ҳеч қандай талаблар қўймаслиги керак (К. Ясперс). Экзистенциализм фалсафаси учун энг муҳими шахснинг ўз хатти-ҳаракатларида тамоман эркин бўлиши, масаланинг моҳияти эса, яъни қандай ҳаракатларни, ахлоқ нормаларини танлаши аҳамиятли эмас. Тарбиянинг мақсади шахснинг энг дастлабки, табиий ҳолатини тиклаш ўз шахсий хоҳиш ва ҳис-туйғуларини ифодалашга ёрдам беришдан иборат. Хуллас, буржуа олимларининг қарашларида инсон тарбияси ижтимоий муҳит, ижтимоий бурч ва ижтимоий факторлардан ажратилган ҳолда талқин қилинади.

Марксизм-ленинизм барча ижтимоий ҳодисаларнинг бир-бири билан қонуний, диалектик алоқадорлигидан келиб чиқади. Экзистенциалистларнинг тарбия назариясидаги яна бир нотўғри фикри шундан иборатки, улар айрим шахсларга ҳақиқий тарбияга лойиқ, фақат ана шу айрим шахслар учунгина барча шароитларни яратиш керак; оммага келганда эса тарбия тўғрисида эмас, дрессировка ҳақида гап бориши мумкин деб, ҳисоблайдилар. Экзистенциалистлар тарбияда ҳис-туйғу, кечинмаларнинг ролига ҳаддан ташқари баҳо бериб, тарбиянинг асосий мақсад ва вазифаси бўлмиш кишиларда объектив олам ва унинг тараққиёти тўғрисида изчил билимлар системасини яратишни унутиб қўяди. Шунинг учун ҳам улар инсон тарбиясида асосий ролни адабиёт ва санъат бажаради, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса адабиёт ва санъат шахс дунёқарашини шакллантиришнинг воситаларидан бири, холос. Адабиёт ва санъатнинг тарбиявий ролини коммунистик тарбиянинг бошқа воситаларидан ажратилган ҳолда қараш нотўғридир. Шунинг учун ҳам бизда коммунистик тарбия системасини комплекс тарзда амалга ошириш талаб қилинади.

Экзистенциалистларнинг шахс тарбияси ҳақидаги назариялари моҳият эътибори билан санъатнинг ижтимоий мазмунини, ғоявий асосини инкор қилишга олиб келади. Шахс, жамият ва санъат орасидаги диалектик алоқадорликни инкор қилади. Гап шундаки, санъатнинг ўзи ҳам жамият ва шахс ўртасидаги алоқадорликнинг бир воситаси, унинг ёрдамида кишилар объектив оламни, унда содир бўлаётган ҳодисаларни биладилар, ўрганадилар ва англайдилар. Шунинг учун ҳам К. Маркс санъатни кишиларнинг «амалий-маънавий» фаолияти соҳасига киритган ва унинг олами инсоний эҳтиёжларга мувофиқ равишда ўзлаштириш, қайта қуриш учун хизмат қилишини эътироф этган.

Дунёқараш инсон маънавий дунёсининг ядроси, асоси, ижтимоий моҳиятининг мужассамлашган ифодасидир. Айтилган замонда, дунёқараш инсоннинг ташқи олами ва ўз маънавий оламини ўзгартириш учун қиладиган мақсадга мувофиқ фаолиятининг ҳам асосидир. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда янги кишини тарбиялаш ҳақида гапирганда, дунёқараш масаласига алоҳида эътибор билан қаралади. Ҳар томонлама ва гармоник ривожланган янги инсонни тарбиялашда унинг муҳим звеноси бўлган эстетик тарбиянинг роли катта эканлигини эътироф этиш лозим. Чунки эстетик тарбияга муносабат ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида мавжуд бўлади.

КПСС ва Совет ҳокимияти эстетик тарбияни амалга оширишнинг муҳим қуроли бўлган адабиёт ва санъат тараққиётига алоҳида эътибор бераётганлиги ривожланган социализм жамиятининг ҳозирги даврдаги талаблари билан вевосита боғлиқ. Адабиёт ва санъатнинг роли ниҳоятда ўсиб бораётганлиги қонуний заруриятдир. Чунки адабиёт ва санъат бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан кўпроқ инсон билан, унинг маънавий олами билан боғлиқ. «Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, юксак даражага кўтариш, шахснинг ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфасига актив таъсир қилиш — социалистик маданиятнинг энг муҳим вазифасидир. Санъаткорнинг маъсулият мезони шу билан белгиланади» дейилган эди, КПСС Марказий Комитетининг июнь 1983 й) Пленумида.

Буржуа санъати асарларини тўғри идрок қила олмайдиган киши дунёқарашига санъатнинг ҳиссий томони солбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айрим ёшларимизга ғарб санъатининг паст савиядаги асарлари озми — кўпми таъсир қилиши ҳанузгача учраб туради. Бунинг сабаби, дастлаб мактаб ва махсус ўқув юртларида ёшларни коммунистик дунёқараш руҳида тарбиялаш, марксча-ленинча дунёқарашнинг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ва уларни ҳаётга татбиқ қила олиш қобилиятларини ривожлантириш масаласига етарли эътибор берилмаганлигида.

Оммавий ахборот ва пропаганданинг барча воситалари ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган асарларни ўз вақтида танқидий таҳлил қилиши уларга паст савиядаги асарларни тушуниш ва баҳолашда ёрдам беради. Турли мамлакатлар билан маданий алоқалар мавжуд бўлган ҳозирги даврда ёшларга яхши нарсаларни ёмон асардан, курмани гуручдан ажратишга ёрдам бериш масаласига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу айниқса кино санъатида муҳим аҳамият касб этади. Кино мухлисларимиз совет кино студияларида яратилган фильмлар билан бир қаторда, ғарб кинематографистларининг ҳам, ривожланаётган мамлакатлар кинофильмларини ҳам томоша қиладилар. Шубҳасиз, уларнинг ҳаммасини ҳам ғоявий-бадий жиҳатдан етук асарлар қаторига киритиб бўлмайди. Масалан, 1981 йилда Москвадаги кинофестивалда намойиш қилинган америкалик режиссёр Дж. Хьюстоннинг «Қутулиш йўли — ғалаба» («Спасение в победе») фильмини эслайлик. Фильм мазмуни шундай: фашистар концлагердаги маҳбуслардан футбол командаси тузиб, уларни гитлерчилар командаси билан майдонга туширишади. Тенгсиз учрашувда маҳбуслар ғалаба қозонишади ва шу билан асирликдан осонгина қутулиб кетишади. (Воқеа уруш йилларида содир бўлади!) Қаранг, қанчалик ҳақиқатдан узоқ, ақлга тўғри келмайдиган ечим! Ҳаёт фактларига мурожаат қилсак, масала тамомила бошқача эканлигининг гувоҳи бўламиз. 1944 йилнинг 22 июнида гитлерчилар томонидан босиб олинган Киев стадионида фашистларнинг «Лютваффе» командаси концлагердаги футболчиларни мусобақага чиқаради. Концлагерда силласи қуриган, очликдан сулайган футболчиларимиз яхшилаб бодди. Концлагерда рақиблари билан бўлган беллашувда жуда катта жасурлик ва маҳорат кўрсатиб, 5:3 ҳисоби билан ғалабага эришадилар. Лекин уларнинг бирортаси ҳам асирликдан қутулмаган, аксинча, энг яхши ўйинчилардан тўрттаси, жумладан ўз даврининг энг машҳур дарвозабони Николай Трусевич отиб ташланган. Ҳаёт ҳақиқати ана шундай. Америка режиссёрининг юқоридаги фильми эса ҳақиқатдан тамомила узоқ ва бу фильм кишиларни ҳақиқатдан чалғитиш, фашизмнинг реакцион моҳиятини хаспўшлаш учун яратилган. Шунинг учун ҳам мазкур фильм кенг экранга чиқарилмагани табиий.

Буржуа фильмларига қарама-қарши ўлароқ, бизнинг фильмларимизда халқ озодлиги, тинчлик учун бўлган жангларда ғолиб чиққан кишиларимизнинг қаҳрамонликлари улуғланади, фашизмнинг ғайриинсоний, реакцион моҳияти ифодаланади. Бу ўринда «Энг етим эмассан», «Фарҳоднинг жасорати», «Ленинградликлар, жигаргўшаларим!» сингари фильмларни эслаш кифоя. Ғарбда яратилаётган кино ва телефильмларда эса қандайдир «совет хавфи», «агрессив руслар» ҳақида гапирилади.

Совет фильмларидаги лижаноблик, инсонийлик ғоялари бутун дунёдаги прогрессив кишилар томонидан юқори баҳоланмоқда. «Москва кўз ёшларга ишонмайди», «Вокзал икки киши учун» фильмлари шундай асарлар жумласидандир. Киностатистика маълумотларига кўра «Москва кўз ёшларга ишонмайди» (режиссёр В. Меньшиков) фильми бутун дунё бўйича энг кўп томошабинларга эга бўлган. Бизнингча, бундай муваффақиятнинг сирини асарда оддий, кундалик ҳаёт воқеалари орқали чин инсонийлик, асримиз кишилари учун ниҳоятда муҳим бўлган хусусиятлар самимий тарзда ифодаланганлигида. Айрим чет эл фильмларида эмоционал таъсирчанлик ёрдамида фашизм, неофашизмнинг ғайриинсоний моҳияти маълум даражада қораланади, лекин айна замонда унга қарама-қарши турадиган кучларнинг реалистик тасвири берилмайди.

Шу ўринда Американинг Си — Би — Эс компанияси томонидан Муссолини ҳақидаги «Диктатор» фильми атрофида бўлаётган мунозарали фикрлар, турли нуқтаи-назарларни эслайлик. Этьироф этиш керакики, италияликлар Си — Би — Эс билан ҳамкорлик қилишга рози бўлмаганлар. «Известия» газетасининг махсус муҳбири Л. Колосов югославиялик машҳур театр режиссёри, халқ озодлик курашининг иштирокчиси, ўтмишда Дахаунинг маҳбуси бўлган Стевон Жигондан «Диктатор» фильми атрофида бўлаётган мунозараларга ўз муносабатини билдиришни сўраганда шундай жавоб берган: «Мен ҳам шундай фильм яратишга киришар эдим, лекин уни фашизмнинг ва унинг илҳомчиларининг асл моҳиятини фош қилувчи ўткир комедия тарзида яратар эдим. Лекин бундай лентани гениал Чарли Чаплин аллақачон яратган. Яна бошқа «Диктатор» керакмикан?»

Фильм авторининг ўзи Муссолини фаолиятида қандайдир инсонийлик ҳам бўлганлиги, унинг характеридаги шу хусусиятни ёритишга ҳаракат қилиши ҳақида гапиради. Қаранг-а, фашизмдан гуманистик моҳият қидириш? Бундай санъат асарлари қай мақсадда яратилаётганлигини тўғри тушуниш учун кишиларда ўлғор, прогрессив дунёқарашни шакллантириш зарур. В. И. Ленин пролетариатнинг революцион кураш тажрибаси, «фақат марксизм дунёқарашига революцион пролетариатнинг манфаатларини, нуқтаи-назарини ва маданиятини тўғри ифода қилишини шак-шубҳасиз исбот қилди», — деб таъкидлаган эди. Шунингдек, «...биз амалга оширмақчи бўлган ўзгаришлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак», — эканлигини алоҳида уқдиради. В. И. Лениннинг бу фикрлари ривожланган жамият учун айниқса муҳим ақтуал характер касб этади, чунки бу даврда кенг халқ оммасининг юқори даражада онглилигини таъминлаш ижтимоий прогресснинг муҳим омилига айланади. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комететининг 1983 йил июнь Пленумида кенг меҳнатқашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш ишини тарбиянинг ядроси сифатида таъкидлаш билан чекланмасдан, коммунистик дунёқараш ҳар бир совет кишининг чуқур эътиқодига

айланиши ва амалий фаолиятида бевосита намоён бўлишини ривожланган социалистик жамиятнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги алоҳида қайд қилинади.

Маълумки, ҳозирги даврда энг яхши санъат асарлари кўпроқ дунёқараш принципларини ифодалаш билан характерланмоқда. Чунки ижтимоий муаммолар кўламининг кенгайиши, асримизнинг ғоявий бойлиги, фаннинг, ҳаётнинг барча соҳаларига таъсирининг кенгайиши санъаткорларни фалсафий проблемаларга мурожаат этишини заруриятга айлантиряпти. Чингиз Айтматов, Нодир Думбадзе, А. Абдуллин, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари тажрибали ёзувчилар ижодигина эмас, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Сингари қалам соҳибларининг асарларида ҳам фалсафий мушоҳадалар кенг ўрин олаётганлиги шу объектив зарурият натижасидир.

Санъат ва адабиётнинг фалсафий мазмун касб этишида муайян мезон бўлиши керак. Асарда проблемалар қўйилади, холос, уларнинг ечими, ҳал қилиниши, асосланиши эса ундан ташқарида ҳал бўлади. «Ҳн учинчи раис», «Эрк», «9-палата» асарлари шу жиҳатдан характерлидир. Бундай асарлар ҳар бир китобхонни, томошабинни ўйлашга, ҳаётда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, вазифалар устида «бош қотиришга» ундайди. Фақат ана шундай асарларнинггина фалсафийлиги ҳақида гапириш мумкин. Бу мезонни суистеъмол қилиш асарнинг бадиий қимматига зарар етказиши. Унда бадиий асар фалсафийлиги ҳақида эмас, фалсафий асарнинг бадиий ютуқлари ҳақида гапиришга тўғри келади.

«Рус ишчилар синфи Лев Толстойнинг бадиий асарларини ўрганад экан, ўз душманларини яхшироқ таниб олади, бутун рус халқи эса Толстойнинг таълимотини таҳлил қилиб кўрад экан, ўз озодлиги охиригача етказишга имкон бермаган ўзининг ожизликларини нимадан иборат эканини тушуниб олиши лозим бўлади», — деб ёзади В. И. Ленин «Толстой ва пролетар кураши» мақоласида. В. И. Лениннинг бу фикри бугунги кунда ҳам ғоят катта амалий аҳамиятга эга. Чунончи, санъаткорларимиз ўзларининг ғоявий-бадиий баркамол асарларидаги ижобий қахрамонлар ёрдамида ҳам, камчилик ва нуқсонларни фожива ҳажвий образлар воситасида ҳам кенг меҳнаткашлар оммасининг давримизнинг муҳим ижтимоий муаммоларини ва уларни ҳал қилиш йўлларини тўғри англашларига ёрдам беради. Зеро, санъат мафкуравий пропаганданинг энг оммавий, кишиларнинг онгига ҳам, қалбига ҳам таъсир ўтказа оладиган воситасидир.

Ғоявийлик деганда ижтимоий моҳиятга эга бўлган фикрлар системасини тушунамиз. Бинобарин, давримиз учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрларни дадил кўтариб чиқа олган бадиий асарлар коммунистик дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Бунинг учун эса биринчи галда ижодкорнинг ўзи конкрет, изчил ғоявий позицияда туриши, коммунистик дунёқараш билан қуролланган бўлиши лозим. Марксизм-ленинизм асосчилари ҳам, йирик санъаткорлар ҳам бу масалага жиддий муносабатда бўлганлар.

Социалистик реализм санъатининг энг йирик вакиллари ҳам дунёқараш ва бадиият масалаларининг диалектик алоқадорлигини чуқур англаган ҳолда ижод қилганлар. Чингиз Айтматов: «Ёзувчини ҳаяжонлантирган ғоя конкрет жонли характер тариқасида ифодаланмаса, образ тариқасида кучли таъсир қилмаса, қизиқтирмаса, у ҳеч қачон киши қалбига чуқур кириб бормади», — деган эди (Ч. Айтматов. В соавторстве с землёю, Фрунзе, 1979). Дарҳақиқат, илмий дунёқарашга эга бўлган санъаткор ҳаётнинг мураккаб томонлари орасидан асосий йўналишни, актуал масалаларни, маълум маънода келажакни олдиндан кўра олади ва бу жараёнларни жонли лавҳаларда мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам у ҳаёт ҳодисаларини шунчаки лоқайд ифодаламайди, айни замонда уларга ўз муносабатини билдиради. Коммунистик дунёқарашга эга бўлган санъаткорлар шубҳасиз, коммунистик жамият қуришни тезлаштиришга хизмат қиладиган барча ҳодиса ва жараёнларни, характерларни ижобий тарзда баҳолайдилар, аксинча, бу йўлда тўсиқ бўладиган факторларни инкор қиладилар, ўз қаламлари тиғи билан уларга қарши курашадилар.

Санъат асарларининг инсон дунёқарашини шакллантиришдаги роли юксак ғоявийлик билан бир қаторда авторнинг бадиий маҳоратига, таъсирчан, қизиқарли ва ҳаётий образлар ярат олишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам ғоявийлик, гражданик ва бадиий маҳорат масаласи партиянинг, халқнинг санъаткорлар олдига қўяётган асосий талабидир.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрида кўрсатилган «Ҳн учинчи раис», «Шошма қуёш», «Ойна» сингари спектакллар ғоявийлиги ва бадиий баркамоллиги билан ажрალიб туради. Мазкур театр сахнасида ҳақиқий коммунистик дунёқараш соҳиб бўлган «Ҳн учинчи раис» спектаклининг бош қахрамони, кекса колхоз раисининг бутун фаолияти, унинг қарашлари ўз коммунистик эътиқод ва идеаллари учун изчил курашиши мазкур спектаклда моҳир актёрларимиз томонидан таъсирчан ва ишонарли йиналганлиги театр тарихида ижобий саҳифа бўлди. Ана шундай асарлар ҳақиқатан ҳам кишиларга ижтимоий ҳаётнинг, инсон психологиясининг мураккаб қирралари ҳақида билим беради, коммунистик ғояларнинг, ижтимоий ва шахсий муносабатлар диалектикасининг ёркин, таъсирчан тарзда, етуқ бадиий шаклда ифодаланиши якун эътибори билан асарда илгари сурилган фикр ва қарашларнинг томошабинга ўтишига, уларни ҳаёт ҳодисалари тўғрисида чуқур фикрлашга ва ўз амалий фаолиятида асар қахрамонларидек ҳаракат қилишга ундайди.

КПССнинг 1983 йил июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комететининг XVI пленумида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида турмушимизга тўсиқ бўлаётган баъзи камчиликлар мавжудлиги, бу камчиликларни бартараф этиш кенг жамоатчилик олдидаги муҳим вазифа эканлиги кўрсатилади. Камчилик ва нуқсонларни ҳас-пўшлаш, уларни очик муҳокама этишдан чўчиш қаттиқ қораланди. Бу вазифаларни ҳал этиш, турли камчилик ва нуқсонларни фож қилишда адабиёт ва санъатнинг роли беқиёс катта эканлигини чуқур ҳис қилган санъаткорлар ўз қаламлари тиғини мавжуд нуқсонларга қарши қаратмоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида шу кунларда Ҳамза номли театрда намоийш этилаётган Учқун Назаровнинг «Ойна» асарини эслаш ўринли. Асар ҳам юлғичлик, ўз мансаб ва вазоимидан шахсий манфаатлари учун фойдаланиш, енгил-елли йўллар билан бойлик орттиришга берилиб кетиб, инсонийлик, виждон ва бурчни унутиб қўйиш, совет

кишиси деган улуг номга зид бўлган одамларнинг иллатларини фош этишга қаратилган. Асарда ана шундай салбий ҳодисалар тасвири биринчи планга чиқарилган, ҳаммаси йиғилиб, ойнада катталаштирилиб, қабартирилиб кўрсатилган. Муҳими шундаки, автор дунёқараши, синфий-ижтимоий позициясининг аниқлиги туфайли камчиликлари фош этилаётган образлар томошабинларда нафрат ва ғазаб ҳиссини уйғотади, шундайларга қарши кураш олиб боришга ундайди; улар кулги қуроли билан жазоланади.

Давр талабига мос ғоявий йўналишга эга бўлган асарлар кишиларнинг маънавий оламини бойитишга, дунёқарашини шакллантиришга бевосита таъсир қилади. Шу нуқтаи-назардан Асқад Мухтор ижодига хос бўлган изчил ғоявий йўналиш, давр талаби, руҳи ва эҳтиёжларини чуқур ҳис қилиш хусусиятини таъқидлаш лозим. Айтиш мумкинки, А. Мухторнинг асарларида коммунистик дунёқарашга хос бўлган асосий принциплар: борлиққа фаол тарзда муносабатда бўлиш, табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги ўзгаришларни материалистик тарзда тушуниш, барча ҳодисалар орасидаги диалектик алоқадорлик, инсон онги ташқи оламни билиши мумкинлигига асосланадиган гуманистик хусусиятлар юксак бадиий шаклда сингдириб юборилади. Шунинг учун у кичкинагина шеърда ҳам муҳим фалсафий масалани кўтариб чиқа олади, ўз мушоҳадалари билан китобхонни ҳаётга муносабат, унинг мазмуни ва яшашнинг асосий мақсади нимада эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Мана, шоир қаламига мансуб «Улар улгурдилар» шеъри:

**Не-не савоб топиб, не  
гуноҳ этди.**

**Тўқсонда тетик,  
ҳаёт бўлганлар.**

**Ҳеч нарсага улгуролмай кетди  
Йигирма ёшида ҳалок бўлганлар.  
Йўқ-йўқ, улгурдилар ёш бўлсалар ҳам,  
Инсон қодир бўлган**

**энг буюк ишга:**

**Улар улгурдилар энг муқаддас дам  
Узини она юртга  
қурбон қилишга.**

Кўринадики, бу шеърда уруш тилга олинмайди, лекин унда 20 ёшга кирган совет йигит-қизлари Ватан ва халқ учун бўлган муқаддас жангда совет кишиларига хос юксак ватанпарварликни намоён қилганликлари мадҳ этилади. Улар жуда оз яшаганлар, лекин ана шу қисқа умрларида баъзилар жуда узоқ йиллар яшаб ҳам қила олмаган ишни бажарганлар. Шунинг учун ҳам бундай кишилар халқ хотирасида абадий яшайдилар. Шеърда Асқад Мухтор ижодига хос бўлган асосий фалсафий хулоса: инсон умри йиллар билан эмас, мазмуни ва салмоғи билан ўлчанади. Ана шу ғоя унинг телевидениеда номойиш қилинган «9-палата» асарининг асосий лейтмотиви тариқасида берилган. Спектакль қисқагина бўлса ҳам томошабинларни ҳаётнинг мазмуни, инсонийлик, бурч ва виждон ҳақида чуқур ўйлашга олиб келади. Шунинг учун томошабинлар бундай спектакль тамом бўлгандан кейин ҳам ундан чиқиб кета олмайди; «Мен қандай яшайман, ҳаётим давомида қандай яхши ишлар қилдим?» — деб ўзига-ўзи савол беради.


Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга назар ташласак, марксизм-ленинизм энг тўғри, энг инсонпарвар таълимот бўлганлиги учун унинг ғоялари абадий барқарорлигини кўрашимиз. Шундай экан, ягона илмий дунёқарашнинг тантанаси табиий ва қонуний жараён бўлиб, санъаткор ва ёзувчиларимиз ўзларининг ғоявий-бадиий баркамол асарлари билан ана шу объектив жараённинг амалга ошишига ижобий ҳисса қўшадилар. Бу эса улардан катта бадиий маҳорат, дадиллик ва ўз ижтимоий масъулиятларини чуқур англашни талаб этади.



Фронтга совға



**Рассом ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ асарларидан намуналар**





# Q.M.Q.A.T.U T.A.T.A.P

1. Биринги асарингизнинг эвлон қилиниши таъриhini гапириб берсангиз.
2. Ёввосита ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ижодда „туртки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Шолстой синиб ётган бутакўзни кўриши билан қалбда, шуурида тўсатдан „чакмоқ чаккану“ сўзу биз яхши биладиган „Ҳожимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг таърибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз угуни айниқса қадрли? Қайси биридан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ижодда қилми устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив раъжданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ўқяётган асарларимизнинг қайси қатгилиги Сизни айниқса таъвишга солади? Ўз ижодингизда ҳам қатгилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёввзи журналхонлар „Фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи игидан тўқиб чиқарганми?“-деб сўрошади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда Ўзбекистон ССР халқ шоири Рамз БОБОЖОН ва ёзувчи Нурали ҚОБУЛнинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

## Рамз Бобожон,

Ўзбекистон ССР халқ шоири,  
СССР Давлат мукофотининг лауреати

1. Менимча, биринчи асар ҳам биринчи муҳаббатдай гап, юракда ўчмас из қолдиради. Шоир ўз умрида талай шеър ва дostonлар ёзади, лекин бари бир, биринчи шеъри илк севгидай унинг хотирасида ҳамиша ярқираб тураверади. Мен эса шеъриятга ҳавас қилиб, болалигим тонгида қофия жуфтлашга киришдим. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимда шеърий машқларим билан деворий газетага қатнашиб турардим. Матбуотда эса биринчи эълон қилинган шеърим «Шодлигим» бўлди. Бу воқеа 1935 йилнинг июнь ойида юз берди. Шеърим босилган «Ленин учқуни» газетаси ўша куни кўзимга ҳар кунгидан ҳам чиройли кўринди. Ун тўрт ёшли боланинг бир олам севинчини тасаввур қилиб кўринг-а. Шундай қилиб, секин-аста ёш қаламқашлар даврасига кирдим, қайноқ ижодий меҳнат жараёнида улғайдим.

2. Халқимизда «Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди» деган ажойиб ҳикмат бор. Бу — бадий асарга ҳам тегишли. Зеро, бадий асар ҳам маълум бир «туртки» туфайли бунёдга келади. Бадий асар яратилишига боис «туртки»ни фақатгина Лев Толстой эмас, балки бошқа классиклар ижодида ҳам учратиш мумкин. Масалан, Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясига баҳона бўлган «туртки» — воқеани эслаш кифоя. Бундай ҳолатлар замондош адибларимиз, жумладан, сафдошларим ижодида ҳам учрайди. Бу хусусда кези келганда бир сўз айтишни сафдошларимнинг ўзларига ҳавола қиламан. Ўзим эса, ҳар бир асаримнинг ёзилишига бир «туртки» сабаб бўлганлигини тан олмасдан иложим йўқ. Гоҳо шундай ҳолат ҳам рўй беради: баъзан «ўша туртки»ни ижодкор илғаёлмай ҳам ўтади. Бу жараёнда ақлдан кўра туйғу ўзғирлик қилади. Юрак пардалари азбаройи нозик бўлганидан ногаҳоний «туртки»ни илгарироқ ҳис этади. Шундан кейин у тафаккурни ишга солади. Ҳаёлдаги, тасаввурдаги асар, ижодий меҳнат жараёни шундай бошланади.

Мен кўпдан бери ҳаётнинг илк сарлавҳаси оби ҳаёт, ёруғ дунёнинг соҳиби инсон ва унинг тақдир ҳақида бирорта поэтик асар ёзиш ниятида юрардим. 1968 йилда Амударё тошиб, Чоржўйни сув босди, халқимиз ялписига ишга киришиб, асов дарёни қисқа муддатларда жиловлаб қўйди. Бу воқеа эса менинг хаёл денгизимда шамол тургандай тўлқин уйғотди, кучли туртки бўлди. Тасаввуримда поэтик асар шакллана бошлади. «Сув бор жойда ҳаёт бор, сув тугаган жойда ҳаёт ҳам тугайди» деган фалсафий фикрни бадий асар даражасида олдинга суришга интилдим. «Оби ҳаёт» дostonим шу тариқа вужудга келди.

Турткида гап кўп! Баъзи бир асарлар гўё «туртки»сиз яралгандай туюлса-да, бари бир уларнинг замирида туртки яширинганлиги, ботинийлиги сезилади. Бироқ турткининг ўзи ҳали бадий асар эмас. У турткилигича қолиб кетиши ҳам мумкин. У бамисоли ижодкорни кўзгатувчи, ишга солувчи илганмас бир куч! Ана шу куч дилдаги ижодий ният — чўғни аланга олдиради. Акс ҳолда уни кул босиб қолиши мумкин. Яна такрор айтаманки, туртки ҳаётбахш, бир шабада мисол чўғни кулдан халос этиб алангалатади. Бу эса юқорида зикр этилгандай ижодий жараённинг ибтидосидир.

3. Ёзувчига ҳар бир асари бамисоли фарзандидай ардоқлидир. Зотан, уларнинг ҳар бири юрак қони ва қўри билан бунёдга келади. Ёзувчи бир асардан кейин иккинчисига қўл ураркан, янада яхшироқ ёзишга интилади. Бу жараён эса умр бўйи давом этади. Ўзини билган ижодкор ўзига маълум бўлмаган асарини ўқувчига тақдим этмайди. Ҳар ҳолда мен шундай фикрдман. Аниқ жавобга келганда, аслида бу савол китобхонга тааллуқли дейишни истардим.

4. Мен, ижоддаги устозим фалончи бўлади, деб айта олмайман. Инсон ва ижодкор бўлиб шаклланишидаги энг буюк устозим шиддатли ва жўшқин ҳаётимизнинг ўзидир. Мен ҳаёт қўйнида ўсиб-улғаярканман, ажойиб замондошла-

римизнинг улуғвор ишларидан ҳайратландим. Беқиёс ўзгаришлардан илҳом олдим, жасорат ва қаҳрамонликлар нимадан туғилишини билишга интилдим.

Халқимизнинг бой ва қадимий оғзаки адабиёти дурдоналари, классик ёзувчиларимизнинг бебаҳо ва беназир асарлари ижодкор сифатида шаклланишимда катта роль ўйнади. Етук адибларимизнинг ижодларидан кўп нарса ўргандим, тажрибаларидан баҳраманд бўлдим. Узимга сафдош ва қардош ижодкор дўстларимдан ҳам таъсирланган ҳолатларим бўлди. «Бири-бирига шогирд, бири-бирига-устоз» дегандай адабиёт майдонида бировга ўргатиб, бировдан ўрганиб келаяпмиз.

5. Ижодкорнинг ҳаёт ва курашдаги ўрни — олдинги маррадир. У замон ва давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиши, халқ қалбига зийраклик билан қулоқ тутиши, унинг кўнглидаги ният ва тилининг учида турган гапларни зукколик билан пайқаб ола билмоғи керак. Ана шундагина унинг ёзганлари ҳаётийлик касб этади, дилларга етиб боради, ҳис-ҳаяжон уйғотади.

Ёзувчининг фаолиги ҳам унинг граждонлик позициясини белгилайдиган омиллардан биридир. Бироқ иш шу билангина битмайди. У қанчалар актив позицияда турса, бу асарларида шунчалар яққол кўриниб ва сезилиб туради. Партиявийлик ва халқчиллик ҳам шу позиция орқали шаклланади.

6. Ҳаётимда бахтиёр онлар кўп. Она-юртимнинг бахт-иқболи, ёр-дўстларимнинг турли соҳадаги муваффақиятлари — менинг ҳам бахт-иқболим, менинг ҳам муваффақиятим. Дўстларимнинг қувончи — менинг ҳам қувончим. Дўстимнинг ғами — менинг ҳам ғамим. Уларнинг кўзларидаги ёш менинг ҳам кўзларимда ёш халқалантиради. Бир рубойида шундай деганим бор:

**Муҳаббатсиз, дардсиз юрак, юрак эмас,  
Асрий орзу жўш урмаса, эртак эмас.  
Ёлғизликни, худбинликни ёқтирмайман,  
Дўстларимсиз бахт-саодат керак эмас!**

7. Ижодкор ўзига талабчан бўлмоғи керак! Шунда асаридаги нуқсонларнинг олди олинади. Мен шунга амал қиламан. Юқорида айтганимдай, бу савол ҳам кўпроқ китобхонларга алоқадор кўринади.

8. Мен эътиқоди мустаҳкам, ҳалол, ўз сўзли, меҳрибон, одил ва фидойи одамларни бошимга кўтараман, ҳурмат қиламан. Такаббур, ёлғончи, беор, бевурд, доғули, риёкор, бахил кимсаларга эса тоб-тоқатим йўқ!

9. Ёзувчи ўз асарига қаҳрамонларни ҳаётдан танлайди, улардаги барча сифат-фазилятларни саралайди. Ҳаётдаги қаҳрамонлар асар қаҳрамонларига прототип бўладилар. «Қадрдон дўстлар» поэмамдаги Аҳмаджон, «Тоға-жиянлар» ва «Зухранинг мактублари» комедияларимдаги Меҳмонхўжаев ва Зухранинг ҳам ҳаётда прототиплари бор, албатта. Бироқ мазкур асарлар устида иш олиб борганимда иккита-учта прототипни кузатиш ва уларнинг фаолиятини ифодалаш билангина чекланиб қолганим йўқ. Мен талайгина Аҳмаджонлар, Меҳмонхўжаевлару Зухраларни кузатдим, уларнинг туриш-турмуши, ишлари, фазилятлари, хатти-ҳаракатларини ўргандим. Натижада юқорида номлари зикр этилган йиғма образлар вужудга келди. Ҳаёт ҳақиқати шу тариқа бадий ҳақиқат тусини олди, десам адашмайман.

10. Танқидга муносабатим яхши. Бироқ танқидда ҳам танқид бор. Мен танқидий асар ҳам чуқур ғоявий, ҳам ҳар жиҳатдан асосланган бўлишини ёқтираман, одилонга ва холис айтилган фикрларга қўшиламан. Бадий маҳорат тушунчаси танқидчиларга ҳам тегишли! Афсуски, бугунги танқидчилигимизнинг талай маҳсулотларида шу жиҳатлар, чунончи профессионализм етишмайди, саёзлик, субъективизм, хушомадгўйлик, ҳамду сано ўқиш сингари қусурлар учраб туради. Бу эса ўқувчини чалғитади, танқидчидан ихлосини қайтаради. Оқибатда адабиётга путур етади.

Мабодо мен таниқидчи бўлсам, ҳақиқатни ёзардим, тарозига тошни тўғри қўярдим.

11. Ҳар бир ижодкорнинг асар устида иш олиб бориши ўзига яраша бўлади. Менда бир вақтда икки асар устида ишлаш одати ҳам бор. Бири устида иш активроқ кетса, иккинчиси пассивроқ бўлади. Ҳозирги пайтда «Замин ва замон» туркумидаги монолог-сиёсий поэмалар ёзаяпман. Улардан учтаси яқинда эълон қилинди. Яқин келажакда навбатдагиларини ҳам муҳтарам ўқувчиларга етказиш ниятидаман.

1. Илк бор Бахмал район «Ғалаба байроғи» газетасида иккита тўртлигим чиққан. Дардларимни шеърга сиғдирилмаслигимни кейинроқ билдим. Республика матбуотини назарда тутадиган бўлсак, «Гулистон» журналида «Бедана» деган ҳикоям чоп этилган. Бироқ, бу ерда бошқа бир характерли воқеа хусусида фикр юритмоқчиман. Мактабда пионервожатий бўлиб ишлаб юрардим. «Ғунча» журналига (бу ҳақда «Юность» журналида ҳам ёзилган эди) «Одам, Ойқортоғ ва Дайди шамол ҳақида эртак» деган шеърий эртак юбордим. Бу эртак қарийб ўн йилдан сўнг мен, Тошкентга келиб республика журналларидан бирида раҳбарлик лавозимида ишлаётганимда чоп этилди. Негадир мен шунда хурсанд бўлиш ўрнига ўксиндим.

2. Ҳақиқилоғим Раббим Отабеков (мен у кишининг қўлида қўй боққанман ва устоз сифатида ҳамиша таъзим қиламан) бир куни нохуш кайфиятда елкасини қисганча уйимизга кириб келди. Ҳеч қачон Раббим акани бу қадар тушкун ҳолатда кўрмагандим.

— Қоровузни отдим!— деди у киши йиғига ўхшаш овозда бошини қуй солганча.— Уша олтмиш саккизинчи йилги қаҳратонда жонимизга оро кирган Қоровузни...

— Нега?

— Қораабдалнинг жондорлари сурувни безовта қиялпти деб ўйласак, бунинг ҳаммаси ёввойилашиб кетган итларнинг, Қоровузнинг иши экан...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бу ғоят юракни эзадиган, алам қиладиган воқеа эди. Ойқор тоғи этакларидаги барча сурувлар учун олғир қўйчивон итларни туғиб берган Қоровуз Раббим ака оиласининг бир аъзосидек бўлиб қолганди. Чўпонлар унга бефарқ қарадилар. Арлон кучукларини талашиб-тортишиб олиб кетишди, қанжиқ кучукларни эса чўпонлар тўқайга элтиб ташлашди. Бу таҳқирга чидай олмаган Қоровуз сурувни, қўшни тарк этди. Болаларини излаб тўқайга кетди. Барча жонзотлар каби у ҳам ер юзида яшаш учун ниманидир ейиши керак эди. Ва у одамлар хиёнатига хиёнат билан жавоб берди. Бир пайтлар ўзи Ойқортоғнинг олғир жондорларидан қўриқлаган сурув қўйларидан бир нечтасини бўғизлаб келиб, ёввойилашиб кетган болалари билан бирга еди. «Тубсиз осмон» қиссасининг ёзилиши ана шу воқеадан бошланган.

3. Илгари ёзилган айрим нарсаларимни ўқиб, уяламан. Ҳозир бўлса, шунини бошқачароқ ёзармидим, деган ўй тинчлик бермайди. Балки ўн йилдан сўнг бугунги ёзганига ҳам худди шундай кўз билан қарар киши. Эндиликда кўнглим тўлмаган қисса ёки ҳикояларни бундан буёнги нашрларга киритмайман.

4. Устозлар номи тилга олинса, фақат бир кишининг номини атаб бўлмайди. Классиклардан доимо ниманидир ўрганиш мумкин. Мен учун Ватан тушунчаси Энам (Шаҳзода момо) шаклидадир. У кишидан мен соғиниб яшашни, одамларга меҳр қўйишни, сени ёмон кўрувчиларга ҳам раҳм-шафқат кўзи билан қарашни ўрганганман. У кишининг оғзидан «фалончи ёмон» деган гапни эшитмаганман. Энам эс таниб, китоб кўрмаган бўлсалар ҳам, ҳамма нарсани олдиндан билар ва ўзларича гапириниб, мулоҳаза қилиб юрардилар. У кишини энди тушунапман. Англасам, теварак-атрофдагиларнинг кўпчилиги Энамни тушунмас, тушунолмас экан. Ҳатто дадам ҳам. Шунинг учун ҳам ҳамма чўлга кўчганда у киши бир ўзлари қишлоқда мени бежиз олиб қолмаган эканлар. Биз ҳайҳотдек ҳовлида Энам, мен ва қари Олапар учовимиз қолгандик. Кўп ўтмай, Олапар оламдан ўтди. Уни Энамнинг хужраси ёнидаги тут дарахти остига кўмдик. Кўзига тупроқ тўлмасин деб бошини эски доқа рўмоллари билан ўрадилар. Энам ва Олапардан ёдгорлик бўлиб қолган тут дарахтини ҳар йили пиллачилар бутаб кетишади. Қуриб қолмасмикин деб қўрқаман...

Чеховнинг шафқатсиз ҳақиқати олдида қўрқиб қўлимга қалам оламан. Назаримда, Ватан жангидек муқаддас Она адабиётга хиёнат қилганлар, албатта, Чехов руҳи олдида жавоб берадигандек.

5. Менимча, ҳаётда одамлар орасида, умуман, ўз теварак-атрофида юз бераётган ноҳақликларни кўра-била туриб, сукут сақлаган ёзувчига ҳеч қачон ишонмаслик керак. Бундай одам бир кун келиб боласини ҳам, ота-онасини ҳам ва халқини ҳам шундай ҳолда кўрса, ҳақиқатдан кўз юмиши ҳеч гап эмас. Ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳодисаларга қалбида меҳр-муҳаббат ёки нафрат туймаган ёзувчининг асари фотосуратдан портрет ишлаган талантсиз рассомнинг картинаси-дек гап. Ижодкорнинг юрак призмасидан ўтмаган ҳар бир воқеа, ҳодиса (яъни эпизод) асарда газета хабаридек бўлиб қолаверади. Актив граждонлик позицияси дегани — дард чекмоқ, чека билмоқ, одамлар қайғусига шерик бўлиб, кўзёши тўкмоқ, уларни доимо тушунишни истамоқ, ҳамиша қўли калталарни қўлламоқ, ўзгаларга кўмакка тайёр турмоқ ва улар учун ҳар қандай тақдирга тан бермоқ

демакдир. Ана шу юксак инсоний туйғулар ижодкорнинг шахсиятида бўлса, асарларида аксини топади. Ёзувчининг актив гражданлик позицияси — бу унинг ижоди, жамиятдаги ўрни ва курашининг самарали ўлароқ, халққа, Ватанга келтирган саодати билан белгиланади.

6. Ёзувчининг ўқувчи билан тил топишган куни — бахтли кун. Бахтсиз кунлар... уни ўзимга қўйиб беринг...

7. Камчиликни айтасиз, мен умуман, шу ёзув-чизувларим тўғримикиан ёки ҳалиям қишлоққа қайтиб кетиб, болаликдаги орзум — тоғбегилик қилсаммикан, деб ўйлайман.

8. Одатда битта ёмон қусури бор одамда иккинчиси ҳам бўлади ёки туғилади. Содда ва самимий бўлмаган кишилардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Менимча, умуман ҳаётдаги жамики фожеалар, одамлар дуч келадиган бахтсизликлар уларнинг ўзидаги бефарқликдан бошланиб, ана шу бафарқлик туғдирган калтафаҳмликда тугайди. Бефарқ одамда ҳаёт ва жамиятда шахснинг ўрнини белгилайдиган ички ва ташқи маданият ҳеч қачон тўла шаклланмайди. Демак, бундай одам ҳеч вақт ўз юртининг ватанпарвари бўла олмайди. Бундай кишилардаги Ватан, халқ маданият ва эътиқод туйғулари маълум бир тор (балки буни шахсий деб атаса ҳам бўлар) доирада бўлади. Ва улар ана шу доирадан ташқарида юз бераётган воқеа, ҳодисаларни қабул қила олмайдилар, аниқроғи, қабул қилиш имкониятидан махрум бўладилар. Катта санъаткор бўлмоқ учун аввало, халқ учун, Она-Ватан учун ҳамма нарсага тайёр тура оладиган ватанпарвар бўлмоқ керак.

9. Кўрган ва доимо мулоқотда бўладиган одамлар ҳақида ёзаман. Маълумки, бир кишининг характерини чизганимда қиёфаси кўз олдимдан кетиб қолмаслиги учун исмини айнан ишлатаман. Сўнгги вариантда эса уни ўзгартираман. Қишлоққа борганимда ўша одам: «Нега мени ёзиб, фалончининг исмини ёки бошқа от қўйдинг» деб мен билан тортишади.

Ундан ташқари, биз яширмаслигимиз керак. Китобхонларимизнинг даражаси бир-биридан тубдан фарқ қилади ва турлича. Бадий адабиётни газета фельетони ва мақоласидан фарқламайдиган кишилар ҳамон борлиги ҳам сир эмас. Масалан, ҳикоям чоп этилган республика нашрларидан бирининг тиражи районларимиздан бирида тарқатилмаган.


Уша райондаги баъзи кишиларга «оғир ботган» шекилли...

10. Танқидчилик — бу касб ёки мутахассислик эмас. Умуман, танқидчи деган терминни ишлатиш ҳам бир ёқламадек бўлиб туюлади менга. Масалан, тўғридан-тўғри олиб қараганимизда ҳам у фақат танқид қилмайди-ку? Танқиддан минг чандон ҳавфли, ижодкорни бир умр сўқир қилиб қўядиган мақтовлар-чи?! Бизга кундалик тақризлар ёзиб юрадиган адабий мухбирлар эмас, том маънодаги адабиётшунослар керак.

Сенга яхшилиқ тилаган, сенга хайрихоҳ одам ўз вақтида огоҳлантиради. Бундай кишига фақат қуллук қилмоқ керак. Эс-ҳуши бутун, шаклланган (профессионал даражага кўтарилмаган бўлса-да) ёзувчи ўз имконият даражасини (имконият даражаси — буни биз талант деб атаймиз ва у виждоннинг даражаси билан ўлчанади) билади, яъни кўрпасига қараб оёқ узатади. Кучсиз ва кўрқоқ одамларгина танқиддан чўчишади. Улар танқидга учраб беҳурмат бўлишдан эмас, бундан буён яшаши, кун кўришининг қийинлашишидан, одамлар аслида биладиган, лекин андишага бориб, шу пайтгача айтмай келган аччиқ ва даҳшатли ҳақиқат (улар учун ҳақиқат даҳшатлидир) сўнгги дақиқаларда юзага чиқиб, асл қиёфаси очилиб қолишидан кўрқадилар.

Кўпқарида улоқни маррага битта чавандоз элтади. Лекин юзлаб отлиқлар чортоққача чопиб боради. Бу отлиқлардан кўпининг қўлига умр бўйи улоқ тергмайди. Бироқ от миниб майдонга тушганларнинг бирортаси ҳам ўзини туппа-тузук чавандоз эканлигига шубҳа қилмайди. Ҳаммамиз ҳам хос сут эмганмиз. Мана шу отлиқлар ҳам уйига, бола-чақаси олдида ҳақиқий чавандозлар каби ғолибона чарчоқ билан қайтадилар. Ва улар кўпқаридан беҳабар одамлар наздида бинойидек чавандоз сифатида гаудаланадилар. Уларга чавандозларга муносиб иззат-ҳурмат кўрсатилади. Бора-бора шу тоифадаги чавандоз ўзининг буюк чавандозлигига шубҳа қилмай қолади. Оти ва ўзи пойгадан қолгач, у кўпни кўрган чавандоздек кўпқариларга ҳакамлик қила бошлайди. (Бунга маънавий ҳуқуқи борми-йўқми, бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди. Аслида у кўп нарсани кўрган, лекин амалда бирор бир ишни қойиллатиб бажармаган.) Ва бундайлар ҳеч қачон одил ҳакам бўлолмайдилар. Уларнинг қалби тубидаги асл чавандозларга бўлган ҳасад талантларни тан олиш ва кашф этишга халақит беради. У отлиқлар ичидан тақдири ўзига ўхшаганларни, қидиради.

11. «Бўғдой пишиғига етмаганлар» (Ҳақ гап).



СЪЕЗД ОЛДИ УЙЛАРИ

Умарали Норматов

# МЕТОДИМИЗНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ

(Социалистик реализм назарияси ва тажрибасига оид баъзи мулоҳазалар)

Социалистик реализм теварагида тўхтовсиз давом этаётган мунозараларни кузата бориб, бир томондан, сўнгги йилларда бу ҳаётбахш ижодий метод назарияси ғоят олға кетганлиги, бу хусусдаги тушунча-тасавурлар қанчалар бойиганлигига иқрор бўласиз; иккинчи томондан, бари бир, мавжуд назарий тасавурларга кўра социалистик реализм тажрибасининг ўзи хийла бой, ранг-баранг эканлигини сезиб, ҳис этиб турасиз...

Дарҳақиқат, бундан 25—30 йиллар бурун социалистик реализм тўғрисидаги қарашлари- миз қандай эди-ю, ҳозирги кунда қандай? Шу йиллар давомида бу борадаги илмий-назарий тасаввур қиёс қилиб бўлмас даражада ўзгарган, бойиган. Шунга қарамай, асримиз тенгдоши бўлган социалистик реализм адабиёти ва санъатининг бой тарихи, унинг ҳозирги кўп қиррали тараққиёти назарий жиҳатдан тўлалигича қамраб олингани, чуқур ўрганилгани йўқ; аини шу методга мансуб кўп нодир асарлар ҳамон унинг доирасидан четроқда қолиб келяпти; чунончи, биздаги «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари», «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Сароб», «Тобутдан товуш» сингари новаторона бадий кашфиётлар, кўплаб тенгсиз лирик асарларнинг социалистик реализм адабиёти принципларининг, янгича бадий тафаккур имкониятларининг бойитишдаги роли, аҳамияти ҳануз етарлича кўрсатилган эмас. Бунинг устига гоҳо санъат ва адабиётимизда янгидан пайдо бўлаётган андазалардан йироқ турувчи чинакам бадий топилмалар, самарали ижодий изланишлар каттагина қийинчи- ликлар билан ўзига йўл топмоқда, жиддий эътироз ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Аини пайтда чинакам бадий қимматга эга бўлмаган бир қатор асарлар ҳамон социалистик реализм намунаси сифатида тақдим этилмоқда; ҳеч қанақа фикр, ҳис-ҳаяжон уйғотмайдиган «беозор», ўртамиёна асарлар «мавзунинг актуаллигини, яланғоч «ғоявийлик»ни қалқон қилиб олиб социалистик реализм бағридан жой олишга беҳуда уринмоқда... Буларнинг барчаси социалистик реализм назариясини ижодий урганиш, уни янада ривожлантиришга бўлган талаб ва эҳтиёжни оширмоқда.

Маълумки, 70-йилларнинг бошларида илк бор Б. Сучков, Д. Марков сингари атоқли адабиётшунослар томонидан ўртага ташланган социалистик реализмга «очиқ система» деб қарашдан иборат янги концепция назарияда олға ташланган қадам бўлди, ҳамда ўзимизда ва кўпчилик социалистик мамлакатларда катта қизиқиш, хайрихоҳлик уйғотди.

Бу концепцияга кўра, социалистик реализм англанган историзм принципига амал қилувчи, ҳаётни ҳаққоний ифода этувчи, ҳам мазмун, ҳам шаклий компонентларни ўз ичига олувчи яхлит ижодий системадир. Унинг бағри ҳаётдаги янгиликлар, ўзгаришлар ифодаси учун очиқ; изчил коммунистик партиявийлик принципига амал қиладиган бу метод ўтмиш ва ҳозирги замоннинг ҳар қандай мураккаб ҳодиса ва муаммолари моҳиятини ҳаққоний кўрсатишга қодир. Чуқур англаб олинган историзм, коммунистик партиявийлик, социалистик гуманизм принциплари бу метод соҳиби — ҳақиқий истеъдод эгаси учун чексиз имкониятлар яратади, ҳаёт ҳодисаларига, инсон шахсига янги, қутилмаган томонлардан ёндашиш, хилма- хил бадий шакл ва ифодалар танлаш, бой адабий мерос, жаҳон тараққийпарвар адабиёти тажрибаларини эркин ижодий ўзлаштириш, янгича изланишлар учун, умуман олганда ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш, ҳодисалар моҳиятини ҳаққоний очишга, халқнинг, меҳнат аҳлининг дилидаги, тили учидаги гапларни айтиш, унинг ташвиш-ҳаяжонлари, орзу-умидларини ифода этишга хизмат этадиган бадий қимматга молик ҳар қандай шаклий-услувий изланишлар учун кенг йўл очиб беради. Бу жиҳатдан у универсал характерга эга. Очиқ система концеп- цияси социалистик реализм адабиётининг бой, ранг-баранг жонли тажрибасига асослан- ганлиги, ундаги ўзгаришлар, янгиликлар моҳиятини англашга, санъат асари, гўзаллик табиа-

«...» — нима?  
«...» = «...»  
www.ziyouz.com kutubxonasi

тини чуқур тушуниш, нозик ҳис этишга, ижодий тафаккурга мойиллиги, ҳиссилик, доғматик тасаввур, схоластик назариябозликка қарши қаратилганлиги, социалистик реализмнинг ғоявий-эстетик имкониятларини амалда кўрсатиб беришга йўналтирилгани билан қимматлидир.

Табийки, очиқ система концепцияси ҳали ҳар тарафлама мукамал ишлаб чиқилган эмас, унда янада ойдинлаштиришга, такомиллаштиришга муҳтож ўринлар бор. Аммо шу ҳолда ҳам бу концепциянинг ҳаётий, амалий, конструктив характерга эга эканлиги, ҳозирнинг ўзидаёқ яхши самаралар бераётганлиги аён. Шунга қарамай айрим ҳамкасб дўстларимизнинг бу концепцияни илмий-ижодий такомиллаштириш ўрнига, уни ҳар хил йўллар билан камситишга уринишлари ажабланарли ҳолдир. Масалан, таниқли адабиётшунос олим С. Петров «Русская литература» журналида (1984, 2-сон) босилган реализм ҳақидаги мақоласида очиқ система концепциясини дуруст самара бермайдиган формула деб атади. Яна бир истеъдодли олим Ю. Андреев «Жонли, ривожланаётган метод» мақоласида «...кўпчилик тадқиқотчилар социалистик реализм ранг-баранглигини ўрганишда «очиқ система» формуласини четлаб ўтиб ҳам иш кўраверадилар, бинобарин унга ҳеч қанақа реал эҳтиёж йўқ», — деб ёзади («Русская литература», 1982, 1-сон, 47-бет).

Очиқ система самарадор концепция экани, у кимлардир ўйлаб чиқарган қуруқ формула бўлмай, бевосита ҳозирги илмий-адабий тафаккур тараққиётининг қонуний самараси, реал эҳтиёж сифатида майдонга келгани, бу концепция социалистик реализм табиатида ниҳоятда мослиги, маъруза метод туб моҳиятини ўзида яхши ифода этиши Б. Сучков, Д. Марков, Л. Новиченко каби олимларнинг ишларида яхши исботлаб берилган.

Очиқ система концепциясига шубҳа остида менсимай қараётган баъзи адабиётшуносларнинг бу концепция ҳақидаги тасаввурлари хийла юзани эканлиги маълум бўлиб қолмоқда. Филология фанлари доктори Нуриддин Шукуров: «...социалистик реализмнинг очиқ система эканлигини айтишнинг ўзигина етарли эмас. Бу методнинг ўз принципларига эгалиги ҳам ҳамisha адабиётшуносларимизнинг диққат марказида турмоғи лозим», — дейди («Шарқ юлдузи», 1983, 11-сон, 12-бет). Адабиётшунос олим Бердиали Имомов фикрича, «очиқ система» концепцияси моҳиятига кўра мавжуд концепциялардан дээрли фарқ қилмас эмиш; танқидчини очиқ система концепцияси моҳиятини очиш учун марксизм-ленинизм классикларидан олинган фикрлар, умуман, бу концепция билан социалистик реализм ҳақидаги олдиндан маълум қарашлар орасидаги муштарак жиҳатлар таажжубга солади: «Янги концепция»нинг аъъанавий қарашлардан фарқини аниқ ажратиб олиш мушкул», — деб санайди; социалистик реализмнинг ғоявий-бадний имкониятлари, ундаги ранг-баранглиги тўғрисидаги кузатиш, хулосалар унга чексиз — чегарасиз бағрикенглик бўлиб туюлади. «Бу фикрлар, — деб ёзади олим, — социалистик реализмни метод сифатида характерлайдиган етакчи, бошқа методлардан фарқлантирувчи бирор бир асос борлигини шубҳа остида қолдиради. Чунки мавзулар, проблемалар ҳамда уларни ифодалашдаги услубий ранг-барангликлар қанчалик турли хил кўринишга эга бўлмасин, ҳамма вақт ҳаёт ҳодисасига партиявий нуқтаи назардан баҳо бериши, ижодкорнинг ижтимоий-идеологик концепциясини очиқ кўрсатиши лозим» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 13 январь).

Авалло, очиқ система концепциясининг янгилиги, унинг социалистик реализм ҳақидаги мавжуд қарашлар билан муштарак томонлари ҳақида тўхталайлик. Очиқ система концепцияси осмондан тушган фавкулотда бир янгича қараш эмас. У социалистик реализм тўғрисидаги мавжуд ҳаққоний маъруза қарашларининг ижодий ривожлантириш асосида майдонга келган. Социалистик реализмнинг, бинобарин, очиқ система концепциясининг асосий принциплари эса ҳатто у атама, терминлар пайдо бўлмасдан анча илгари мавжуд эди, марксизм-ленинизм классиклари асарларида, А. В. Луначарский, А. М. Горький чиқишларида бу қондалар ўртага ташланган, ишлаб чиқилган эди. Ёзувчилар уставиға киритилган социалистик реализм ҳақидаги таърифда ана шу илмий қарашлар муайян даражада мухтасар тарзда ўз ифодасини топди. Бу фандаги жуда таъатли янгилик эди. Афсуски, муайян муддат, айрим сабабларга кўра, социалистик реализм ҳақидаги мавжуд қарашларни, хулосаларни ижодий ривожлантиришга етарли эътибор берилмади, аксинча уни бир ёқлама доғматик талқин қилиш, социалистик реализмни қандайдир «қатъий қондалар» йиғиндисидан иборат деб билиш, бир-икки асарнигина намуна — эталон қилиб олиб бошқаларидан ҳам албатта шундай хусусиятларни талаб қилиш практикаси хийла кенг ёйилди; шу тариқа социалистик реализм имкониятлари сунъий равишда тарайтириб қўйила бошлади, етакчи принциплари саналмиш партиявийлик, халқчиллик, гуманизм ўта жўнлаштирилиб бир ёқлама талқин этиладиган бўлди.

40-йилларда социалистик реализм ва унинг адабий тажрибадаги тадбиқи қандай ҳолда эканлигини кўрсатувчи биргина мисол келтирамиз. «Шарқ юлдузи» журналининг 1949 йил 2-сонида босилган ўзбек адабиётида социалистик реализм масаласига оид мақолада ўша пайтга қадар яратилган озчилик асарларига бу метод намунаси деб қаралади, адабиётимиз ривожига муҳим ҳодиса бўлган бир талай роман, қисса, ҳикояларга эса ҳар хил ёрликлар ёпиштирилади, чунончи Фафур Фулом ва Абдулла Қаҳҳорнинг қатор ҳикоялари социалистик реализм доирасидан ташқарига суриб қўйилади; «Фафур Фулом турмуш ҳодисаларини кўпинча натуралистик равишда тасвир қилса, Абдулла Қаҳҳор турмушни танқидий реализм нуқтаи назаридан акс эттиради», — деб ёзади ўша мақола муаллифи. Автор Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романини буржуа объективистик методи маҳсули сифатида баҳолайди, ёзувчи романда танланган тасвир усули — адашган одамнинг фожиасини кўрсатиш орқали социалистик идеални тасдиқлаш йўлини бутунлай номатлуб, яроқсиз, деб атади: «Романда салбий образлар орқали миллатчиларнинг аксилинкилобий ҳаракатларини фош қилишга, уларнинг ғоявий инқирозини кўрсатишга интилиш тамомила муваффақиятсизликка учради. Бу эса, буржуа объективистик реализм методи ҳозирги замон ҳаётини акс эттиришга бутунлай ожиз ва лаёқатсиз эканини кўрсатиб қўйди» (114-б).

Маъруза мақола муаллифи аллақачон бундай қарашлардан воз кечган, Фафур Фулом ва Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йилларда яратган машҳур ҳикоялари натурализм ёки танқидий

реализм эмас, аяни социалистик реализм намуналари, «Сароб» эса буржуа объективистик реализми эмас, социалистик реализмнинг нодир намунаси эканлигини эътироф этган. Буларни таъна-дашном тариқасида эмас, 40-йилларда социалистик реализмга қарашнинг характерли намунаси сифатида тилга олдик. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бу хилдаги догматик қарашлар социалистик реализм табиатига бутунлай ёт эканлиги, социалистик реализм назарияси ва тажрибаси учун қанчалар зарар келтиргани адабиётчиларга, адабиёт илми аҳлига яхши маълум.

60 — 70-йилларда бўлиб ўтган социалистик реализм тўғрисидаги қизгин баҳс-мунозаралар шу турдаги бирёқлама, тор догматик тушунчаларга кескин равишда қарши қаратилди, социалистик реализмнинг бой ғоявий-эстетик имкониятларини намойиш этиш пафоси билан йўғрилди, «очиқ система» формуласи ва концепцияси худди ўша илмий-ижодий баҳсларда туғилди, у шунчаки формула сифатида эмас, моҳият эътибори билан социалистик реализмни кенг тушуниш, теран идрок этиш, фанда янгилик, олға ташланган қадам бўлди.

Очиқ система концепцияси ва социалистик реализмнинг «ўз принциплари», «метод сифатида характерлайдиган» етакчи хусусияти, коммунистик партиявийлик принципи, ижодкорнинг ижтимоий-идеологик позицияси орасидаги муносабат масаласига келганда шуни таъкидлаш лозимки, очиқ система концепцияси билан социалистик реализмнинг етакчи принципларини бир-бирига зид қўйиш ўринсиз. Очиқ система концепцияси авторлари ҳеч қачон поэтика, шаклий-услубий компонентларни методнинг ғоявий аспектига зид қўйган эмаслар, балки уларни ҳаммиша яхлит ҳолда олиб қарайдилар, шунинг учун ҳам у системадир. Очиқ система концепциясидаги чуқур англаб олинган тарихийлик-историзм асида коммунистик партиявийлик принципнинг шакл-услубда намоён бўлишини ҳам англади, партиявийликни чуқур идрок этган ижодкоргина ўзидаги бор бисотни, бинобарин, социалистик реализмнинг бой имкониятларини рўёбга чиқара олади. Очиқ система концепцияси муаллифларидан бири Д. Марков шундай ёзади: «Социалистик реализмга биз муайян система, яъни ўзаро алоқада бўлган, бир-бирига таъсир кўрсатиб турувчи компонентлар яхлитлиги деб қараймиз. Бунда гап, бир томондан, методнинг ҳал этувчи принциплари — дунёни марксча-ленинча билиш, коммунистик партиявийлик, социалистик гуманизм, бошқа томондан — ҳаётни образли ифода этиш шакллари ва услублари, социалистик реализмнинг поэтикаси устида бораётир...»

Биз юқорида қайд этган умумий принциплар ва ифода усуллари ажралган ҳолда эмас, балки яхлит бадий тафаккур жараёни тарзида содир бўлади, деб биламиз: воқеликни билиш муайян проблематикани танлашга ундайди, проблематика эса ҳаммиша индивидуал-образли шаклларда ифодаланади» (Д. Марков. Системное единство социалистического реализма. «Вопросы литературы», 1983, № 1, 9-бет.) Демак, бадий ижодда ғоявий-идеологик асос ёзувчи позицияси билан ундаги индивидуал образли ифода, бошқачароқ қилиб айтганда мазмун билан шаклнинг туғилиши, намоён бўлиши ягона-яхлит жараёндир.

Аяни шу очиқ система концепцияси тўғрисидаги социалистик реализмнинг ҳал қилувчи принциплари — коммунистик партиявийлик, халқчиллик, социалистик гуманизм ҳақидаги тасаввурларимиз хийла кенгайди, қолаверса адабиётнинг ўзида партиявийлик ва халқчиллик принципларининг намоён бўлиш доираси бениҳоя ранг-баранг тус олди; таниқли адабиётшунос Ҳомил Ёқубов «Бадий метод ва адабий жараён» мақоласида таъкидлаганидек, хусусан ривожланган социализм шароитига келиб социалистик реализм адабиётининг воқелик билан ўзаро диалектик муносабатини бошқарувчи онгли партиявийлик ва халқчиллик принциплари янги хусусиятлар касб этди, янги-янги ижодий имконият уфқларини очди. («Ҳозирги адабий жараённинг актуал проблемалари». Т. ФАН, 1984, 22-23-бетлар.)

Шу тариқа бадий тафаккурнинг хилма-хил компонентларида — ҳаётга ёндашиш, уни бадий таҳлил ва тадиққ этиш, шакл-ифода соҳасида оригинал йўллар қидириш, ижодкорнинг ўз индивидуал бисотини тўлароқ намоён қилишга булган майли фоят кучайди. Шундай интилиш оқибати ўлароқ бадий талқин ва ифода-шаклда қолипларга тўғри келмайдиган янгича дадил кашфиётлар майдонга келмоқда, бинобарин социалистик реализмнинг очиқ система сифатидаги ижодий имкониятлари тўлароқ намоён бўлмоқда.

Социалистик реализм назарияси ва тажрибасидаги шу хилдаги янгиликларни назар-писанд этмаслик кўпинча адабий жараёнда пайдо бўлаётган жиддий бадий кашфиётлар моҳиятини чуқур англаб етмаслик, ўз вақтида етарли кадрламаслик, уларни бир ёқлама бузиб талқин қилишларга сабаб бўлмоқда; эски андазада асосида юзакироқ фикр юрлатадиган айрим адиб ва танқидчиларга гоҳ ҳодисаларнинг оригинал талқини, гоҳ эса шаклдаги янгиликлар, ўзига хосликлар ғайритабиий, ижодий қусур бўлиб туюлаётир. Очиқ система концепциясининг ҳаётийлиги, амалий қиммати шундаки, у адабий жараённинг ўзида пайдо бўлаётган новаторона кашфиётлар моҳиятини тўғри англаш учун назарий замин яратиб беради. Баъзи конкрет мисолларга мурожаат этайлик.

Евгений Евтушенконинг «Онажон ва нейтрон бомба» поэмаси, авторнинг афсус-надомат билан қайд этишича, катта қийинчиликлар билан рўёбга чиқди. Бир неча редакциялар поэмани бутунлай рад этдилар, бошқалари эса автор олдида бажариш мумкин бўлмаган талаблар қўйдилар. Жумладан, поэмада бадий ният тарқоқ, шакл ғайритабиий, унда қатъий ритм ва қофиялар йўқ, уни ўқиш мушкул, деб даъво қилдилар. Оқибат ўзгача бўлиб чиқди: нозиктаб сезгир адиблар поэмани қўллаб-қувватладилар, у «Новый мир» журналида чоп этилди, шеърият мухлислари уни хуш қабул қилдилар, дидли, билимдон танқидчилар унга юксак баҳо бердилар, асар СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Шоир «Литературная газета»даги сўхбатида бу ҳодисадан жиддий сабоқ чиқариб олиш лозимлигини — янги асарни олдиндан тайёр олдиларга зўрлаб солишга уриниш ўринсиз эканлигини алоҳида уқдиради. «Адабий асар олдиндан белгилаб қўйилган қандайдир қонулар асосида яратилмайди. Балки ўзи учун ўзи қонун яратади», — дейди у. (Евгений Евтушенко. «Цель творчества — самоотдача». «Литературная газета», 1984, 21 ноябрь.)

Бу аяни очиқ система концепциясининг шиоридир.



Ижодда ғайриоддий, новаторона йўлдан борган адибни ҳамиша у яратган асарнинг тақдири, жамоатчилик томонидан қандай қабул қилиниши ва баҳоланиши ташвиш-ҳаяжонга солади. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи теварағида ҳам кўп тортисувлар бўлди, асар поэтикаси хусусида жиддий эътирозлар билдирилди, аммо пировардида роман илмий-адабий жамоатчилик, партия-хукумат томонидан қўллаб-қувватланди.

«Биламан, менинг янги асарим жўн ва одатдаги асарлардан эмас, — деб ёзади Ч. Айтматов. — Шунинг учун ҳам «Асрга татиғулик кун»дек мураккаб романларимнинг тўғри талқин этилгани ва муносиб тақдирлангани мени қувонтиради. Бу шундан далolat берадики, бизнинг адабиётимиз тобора хилма-хил бўлиб, ҳаёт моҳиятига чуқурроқ кириб бормоқда.

Бу ҳол социалистик реализм олдиндан тайёр андаза, қандайдир ўзгармас қоидалар йиғиндиси эмас, балки ҳаётнинг ўзи каби мураккаб диалектик жараёндан иборат социалистик реализм шаклларида ифодаланадиган жонли ижод эканини тасдиқлайдиган бир далилдир. Мен ҳам шу методга мансубман. Бу метод хилма-хиллик ва сержилоликни ҳамда бадий тафаккуримиз учун кўплаб усул ва шакллари тақозо этади. (Чингиз Айтматов. Это вдохновляет. «Литературная газета», 1983 йил, 7 ноябрь).

Социалистик реализм адабиёти ва санъатининг ҳозирги тараққиётига хос характерли хусусиятларидан бири шуки, етук адиб ва санъаткорларимиз даврнинг долзарб масалалари, чунончи янги уруш хавфи, ердаги ҳаёт, цивилизация тақдири, она табиат муҳофазаси, экология, маънавий-ахлоқий муаммоларни ғоят кескин тарзда ўртага қўймоқдалар. Айни шу муаммоларга бағишланган энг яхши асарлар, публицистик чиқишлар гўё инсониятни огоҳлантирувчи бонг сифатида янграмоқда, уларда ижодкорларнинг безовта, беором қалб туғёнлари, партиявий-гражданик эҳтироси чуқур гуманистик руҳ билан йўғрилган. Бу ҳол ўз навбатида асарларда драматик асоснинг кучайишига, фожий мотивларнинг кенг ўрин олишига сабаб бўлмоқда. Аслида бу ҳам қонуний, социалистик реализм табиатидан келиб чиқадиган табиий ҳол; ижодкор позициясининг фаоллашаётганидан далolat берувчи бир фазилат. Аммо айни шу тенденция ёрқин намоён бўлган асарлар ҳам баъзи бировларда эътироз туғдирмоқда.

Абдулла Орипов «Сўнги уруш» шеърда ядро уруши хавфи, бундай урушнинг она замин, инсоният бошига келтириши мумкин бўлган реал ва мислсиз даҳшатлари ҳақида кучли бир дард, зўр ички туғён билан ёзади. Ядро урушининг даҳшатлари тўғрисида кўп нарса эшитганмиз, илмий далиллар билан танишганмиз. Шоирнинг:

**Асрлар сўнгида яралган инсон  
Наҳот энди ўзин айласса барбод.  
Наҳот охиратга юз бурса жаҳон,  
Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.**

**Навий абасдир, Пушкин ҳам абас,  
Рим йўқ, Самарқанд йўқ... даҳшат, алҳазар!  
Мозийдан бирор ном қолармиди, бас,  
Келажакнинг ўзи бўлмаса магар, —**

сингари қалб қаъридан отилиб чиққан наърасини, «Бу — бани одамга кўргулик, шўриш», «Бу — шўрлик заминга чанг солган офат», «Бу — дўзах, бу — ўлим, бу — сўнги уруш» сингари изтироб тўла сатрларини ўқиганда атом бомбасининг даҳшатларини вужудимиз билан ҳис этамиз... Мана шундай ўтли сатрлар адабиётшунос Ботирхон Акрамовга «уруш ваҳмини қайд этиш» бўлиб туюлади. У ҳеч қандай далил — исботсиз «Сўнги уруш» шеърда шоирнинг йирик манзумаларига хос ҳислар туғёни, хаёл кенглиги, ҳар жиҳатдан бутун образлар силсиласи кўринмайди» деб даъво қилади. (Ботирхон Акрамов. «Жавобгармиз бу дунёга...», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 19 октябрь.)

Оддий шеърхон ҳам бу шеърда ҳислар туғёни уфуриб турганини, ундаги хаёл кенглигини, шеър бошдан-оёқ ҳар жиҳатдан бутун образлар силсиласидан ташкил топганлигини кўриб-билиб туради. Б. Акрамовнинг шеърдаги «уруш ваҳми» хусусидаги фикрига келганда шунини айтиш керакки, шеърда ҳеч қанақа ваҳима йўқ; шоир ядро урушининг реал хавфи, одамзод бошида шу дамларда ана шундай «қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат» таҳдид солиб турганлигини реалист сифатида рўй-рост айтади; бундай фалокатнинг реал имкониятлари, мудҳиш оқибатлари ҳақида чин совет шоирига — гражданига хос қуончаклик билан гапиради; одамларни, инсониятни бундай хавф-хатардан огоҳ бўлишга ундайди. Бундай реал хавфни сезмаслик, унга лоқайд қараш бориб турган гумроҳлик-ку! Бундай дамларда чин шоир, ҳар бир соф виждонли ҳушёр инсон фарзанди бефарқ, бетараф қолиши мумкин эмас:

**Энтикиб кетади ногоҳ юрагим,  
Машъум бу сўзларни тинглаганим дам.  
Бугун фақат тошлар бефарқдир, балким,  
Бугун, балки, фақат булутлар беғам.**

Ядро уруши хавфи ва унинг потенциал емирувчилик имкониятлари устида гап кетганда давримизнинг барча улкан сўз усталари яқдилдирлар.

«Инсониятнинг келажаги қил устида турибди. Бундай ҳали ишонч учқунлари бутунлай тугагани йўқ, бироқ эртага тугаб қолиши мумкин». Бу — Ю. Бондарев сўзлари. («Литературная газета», 1983 йил 7 ноябрь.)

«Ҳозир ҳаммани, бутун инсониятни, ҳар биримизни тинчлик ва уруш муаммоси ҳаяжонга солмоқда. Чунки биз — ер шарининг барча одамлари, ҳамма халқлари — бир тақдир эгасимиз. Авваллари бирор фалокат, уруш алоҳида макон, унинг аҳолисигагина

дахлдор бўларди. Қурол-аслаҳа, уни элтиб қўйиш усуллари шу даражага етдики, эндиликда уруш фалокати айрим районларни эмас, бутун башариятни қамраб олиши мумкин. Буни планетамизнинг барча кишилари тушуниши, ҳис этиши лозим». Бу сўзлар Чингиз Айтматов қаламига мансуб. («Литературная газета», 1983 йил 7 ноябрь.)

«Оз йил, ҳаттоки эллик йил бурун планетамиздаги ҳаёт моҳият эътибори билан мангу бўлиб туюлар эди кишига. Ёзувчиларда ҳам, айтайлик, бизнинг Пушкин ёки Толстой ёки Диккенсда сиз ҳаммиша авлодлар оша кишилар ҳаётининг узлуқсизлигини олдиндан туйиш мавжудлигини сезиб турасиз. Ҳар биримизнинг тафаккуримизда ўз изини қолдирган замонамизнинг шафқатсиз ҳақиқатини қарангки, бизлар шундай туйғудан маҳруммиз. Аниқроқ қилиб айтганда милитаристлар, ракета-ядро пойгачилари бизни бундан маҳрум қилдилар, унинг ўрнига бошқа бир ҳақиқатни — ҳар куни таҳдид солиб турган янги уруш ва ядро ўлими хавфини инъом этдилар...» Бу сўзларни С. Залигин айтган. («Литературная газета», 1982 йил 15 октябрь.)

«Бугунги кунда «кишилик саяёраси» тақдирига, цивилизацияни сақлаб қолиш масаласига бефарқ қарайдиган бирорта ҳам совет ёзувчиси, ер юзида бирорта ҳам соф виждонли инсон йўқ. Ёзувчи қалби — безовта дунёнинг юрак тегишини, унинг тебранишларини, асабий титроқларини қайд этувчи мўъжаз сейсмологик марказдир». Бу — В. Бубнис сўзлари. («Литературная газета», 1985 йил 15 май.)

Бу хилдаги сўзларда ҳам ҳеч қанақа ваҳима йўқ, улар ҳам ядро уруши хавфи, бундай урушнинг мудҳиш оқибатларидан инсониятни огоҳ этиш руҳи билан йўғрилган. Қисқаси, А. Орипов куюниб айтган гаплар ана шундай улкан аллома санъаткорлар фикрига ҳамоҳанглиги ҳам «Сўнгги уруш» шеъридаги «ҳислар туғени», «хаёл кенглиги»дан далолатдир. Шеърда хаёл кенглиги, фикрий теранликни тасдиқлайдиган яна бир қатор фазилатлар бор. Шоир ядро уруши хавфининг туб моҳиятини кичик шеър имконияти доирасида яхши очиб беради, унинг сабабкорлари қиёфасини айрим образли чизгилар орқали кўрсатади; асримиз кашф этган бу бало — ҳаммиша басир, инсон тақдири, ташвиши олдида кўру кар ёвуз сармоя — капитал иши эканлигини айтади, бугина эмас, ўша ёвуз сармоя — капитал дунёсида жаҳон тақдири борасида кетаётган икки хил кўчлар курашига ҳам ишора қилади:

**Уммон ортидаги митти қиз Смит  
Жаҳон тақдири деб жар солар бу чоқ.  
Ҳайҳот, ўшал жойда қайсидир палид  
Унинг қисматиға қайрайди пичоқ.**

Реал уруш хавфи, унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида шафқатсиз бир ҳақиқат туйғуси билан йўғрилган, мудҳиш ҳодисанинг туб моҳияти теран бадий таҳлил этилган бу шеър узига хос ҳаётбахш оптимизм билан яқунланади:

**Мунис Ватанимнинг осойиш чоғин  
Куйламоқ менга ҳам бахтдир безавол.  
Йигирма миллион фарзанднинг доғин  
Унутмоқни лекин ким қилар хаёл.**

**Ҳар ким она дейди мушфиқ ерини,  
Оҳ, не ғам, онани кулфатда кўриш.  
Майли, шоир ёзсин сўнгги шеърини.  
Фақат бўлмас бас сўнгги бу уруш!**

Йўқ, шеърдаги оптимизм авваллари учрайдиган расмият учунгина айтиладиган сохта-ясама умид-ишонч, енгил-елпи таскин, овутишлардан иборат эмас. Бу мисраларда шоирнинг ҳам инсон ақл-идрокига ишончи, орзу-армонлари, ҳам фидойи, беором қалбнинг шубҳа-ташвишлари шундоққина кўришиб-сезилиб турибди, таскин дамларида ҳам шоир ўтган уруш хотирасини, янги уруш хавфини асло эсдан чиқармайди; бу шеър ўзининг худди ўша шафқатсиз ҳақиқати, шоир виждонининг ҳушёр, безовта, беоромлиги билан ўқувчини ҳушёрликка, курашга, ҳа, ядро уруши хавфига қарши дадил курашга ундайди!

Шу тариқа даврнинг шафқатсиз ҳақиқатини бор овоз билан мардона туриб айтиш, давр драмасини бутун кескинлиги билан ифодалаш, бунда ижодкорнинг фаол партиявий позицияда туриши ҳеч қачон «ваҳима» саналган эмас, аксинча бу социалистик реализм адабиётининг бебаҳо бир фазилати, асл талабидир.

Шу жиҳатдан қараганда таникли адбимиз Асқад Мухторнинг қатор адабий асарлар, жумладан Юрий Бондаревнинг «Уйин» романи қаҳрамонлари тақдири талқини ҳақида айтган танқидий мулоҳазалари мунозарали бўлиб туюлади бизга.

«Адабиётимиз саҳифаларида, — деб ёзади у, — курашчан кишининг ишонч ва ғурури улуғлишини кургим келади. Кўп асарларда бундай кишиларнинг позицияси мустаҳкам эмас, ҳақиқатпарварларнинг аҳволи анча мушкул. Уларнинг устидан куладилар, улар эзилган, яққаланган, улар баъзан давлат идораларида ҳам таянч топмайдилар. Ҳатто атоқли ёзувчи Юрий Бондаревнинг сўнгги асари — юксак маҳорат билан эзилган «Уйин» романида ҳам икки покиза қалбли қаҳрамон мешчанлик муҳитидан қутулиб чиқолмай, ҳаётда ўз эзгу орзуларига таянч тополмай ҳалок бўлиб кетади...»

Нима гап? Ҳаётда унчалик эмас-ку! Тўғри, мешчанликнинг кўп ёвуз турлари учрайди, унга қарши кураш дадилликини, гоҳи ҳатто курбон ҳам талаб қилади. Лекин биз ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз қудратини сезмаймиз, ҳалол, ҳақиқатпарвар кўпчиликнинг эзгу ҳислари кучини сезмаймиз?! Буни сезмай туриб ёзувчи бўлиш қийин-ку! Буюк халқимиз ҳаётида ҳар куни кўпдан-кўп ташвишли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий воқеалар, муаммолар

юз бераётир, ахир. Биз чеккароқда қолиб кетаётганимиз йўқми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1985 йил 29 март.)

Бу фикрларга муносабат билдиришдан олдин яна бир асар — «Тасқара» («Чучело») фильми теварагида кетган баҳслар, у ҳақда айтилган айрим мулоҳазалар устида тўхталиб ўтсак.

Мактаб ўқувчилари ҳаётидан олинган, олижаноб, мард бир қизалоқнинг хайрли ишига, хатти-ҳаракатига жавобан ҳисси кимсаларнинг — синфдошларнинг ўта шавқатсиз муносабати ҳақида зўр ҳаяжон билан ҳикоя қилувчи «Тасқара» фильми томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Фильмни қўллаб-қувватловчилар билан баробар уни зарарли асар деб чиққанлар ҳам бўлди. Худди «Ўйин» романи устида бўлганидек, бу фильм воқеаси ҳақида ҳам «Ҳаётда унчалик эмас-ку» деган гаплар айтилган. «Мен ҳеч қачон мактабда шунақа ҳодиса бўлганини эшитган эмасман... Агар бирор ерда юз берган бўлса, бу фавқулодда ҳодиса-ку, уни умумлаштириш ўрнига, унга қарши курашиши керак эди!» — деб хитоб қилади бир томошабин. Бошқиси эса: «Бу фильм кимга керак, у нимага ўргатади? Экранда бу хил болалар шафқатсизлиги не мақсадда кўрсатилган? Деган таажжубга тушади. Яна бир томошабин — истеъфодаги милиция полковниги «Литературная газета»га йўллаган мактубида «Авторлар бунақа синфни қаерда кўришган? Наҳотки ҳозирги воқелик шунақа бўлса?» — деган саволлар қўяди. Ҳатто фильмни ман этишга даъват ва уринишлар ҳам бўлди...

Бундай қарашлар ва хатти-ҳаракатларнинг барчаси фильмнинг санъат асари эканини, экранда юз берган ҳодисалар ортида санъаткор, унинг безовта қалби, ҳаёт ҳақидаги ўйлари, ташвиш ва шубҳалари, армон ва қувончлари турганлигини тушунмаслик, ҳис этмаслик оқибатидир. Шу муносабат билан «Правда» газетаси «Фильм томоша қиламиз» сарлавҳали мақолада (1985 йил 27 май) шундай ёзади:

«В. И. Ленин Людвиг Фейербах асарларидан бирини ўқиётиб философнинг шу сўзларига урғу беради: «Санъат ўз асарларини воқеликнинг ўзи деб қабул қилишни талаб этмайди». Ҳа, санъат китобда ҳикоя қилинган, спектакль ёки фильмда кўрсатилган ҳодиса билан воқелик орасига мутлоқ тенглик қўйилишини талаб қилмайди. Эстетик жиҳатдан билимдон ўқувчи, томошабин қаршисида ҳарҳолда воқеликнинг айнан ўзи эмас, балки унинг санъаткор яратган субъектив ифодаси турганлигини билади. Санъаткор ҳаётда ўзини ҳаяжонга солган факт ва зиддиятларни қаламга олар экан, ахлоқий идеал ва гузаллик тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи, томошабинларга ўзининг ҳис-ҳаяжонлари, фикр-мушоҳадаларини изҳор этади».

Мақола автори таниқли киношунос олим Г. Капралов дангалига: «Яшириб нима қиламиз: болалар орасида шафқатсизлик ҳамма вақт бўлган, ҳозир ҳам бор. У ҳақда ташвиш билан гапираётирлар ва ёзаётирлар. Фильм айна шу жамоатчилик фикрига ҳамоҳандир», — дейди.

Бу гапларда муайян даражада «Ўйин» романи ҳақида айтилган эътирозларга ҳам жавоб бор. Романдаги воқеалар — икки покиза қалбли қаҳрамон — Ирина Скворцованинг мешчанлик муҳитидан чиқолмай, ҳаётда ўз эзгу оруларига эришолмай ҳалок бўлиши, Кримованинг эса даврнинг нотинч, серғалва хилма-хил зиддиятлари, муаммо-жумбоқлари ичида изтиробли ўй-хаёллар оғушига тушиши, ўта истеъдодли, ҳалол, таъсирчан бу одамнинг маънавий тубан, юзсиз, ҳиссиз мунофиқ кимсалар шафқатсизлигига, андишасизлигига дуч келганида ўзини йўқотар ҳолга тушиши негадир Асқад Мухторга ғайриҳаётий бўлиб туюлади, «Ҳаётда унчалик эмас-ку!» дея хитоб қилади. «Правда» газетаси илгари сурган фикрга тўла қўшилган ҳолда «Ўйин» романидаги воқеаларни ҳам айнан ҳаётнинг ўзи, кўчирмаси эмаслигини, асарда ҳодисалар ҳисобини, ижобий кучлар қисмати бутун фожиалари билан ифодаланган экан, булар замирида авторнинг муайян ҳаёт жумбоқлари, чигалликлари устидаги безовта ўйлари, ташвиш, шубҳа, армонлари, қабоҳатларга нисбатан мардона партиявий муросасизлиги, юксак гуманистик идеаллари ётганлигини асло унутмаслигимиз лозим. Модомки, Асқад Мухторнинг ўзи «ҳаётда мешчанликнинг кўп ёвуз турлари учрайди, унга қарши кураш дадилликини, гоҳи ҳатто қурбон ҳам талаб қилади» деб ҳисоблар экан, нега энди шундай ҳодисалар бутун кескинлиги, даҳшати билан ифода этилган асарни унча хуш бўлмайди? «Ўйин»да қаламга олинган ҳам ижобий қаҳрамонларни, ҳам авторнинг ўзини қийнаган, ҳаяжонга солган маънавий-ахлоқий муаммолар, шунингдек, ядро уруши хавфи, цивилизация оқибати, экология жумбоқлари — булар бугунги кунда барча соф виждонли кишиларни, жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигини тўлқинлантираётган масалалар эмасми?! Асарда ижобий кучларнинг қабоҳатларга қарши курашдаги ожизлигини ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз кўдратини, ҳалол, ҳақиқатпарвар кўпчилигининг эзгу ҳислари кучларини сезмаслик деб санаш унчалик тўғри бўлмаса керак. Бутун асар давомида баралла жананглаб турган автор овози, унинг ҳодисаларга, боя айтилганидек, мардона, муросасиз муносабати, ҳаёт жумбоқлари устидаги теран, аммо баҳсли мушоҳадалари — булар ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз кўдратининг, ҳалол, ҳақиқатпарвар кўпчилик эзгу ҳислари кучининг намоян бўлиши эмасми?! Езувчимизнинг ўзи ҳам ижобий қаҳрамонлар мағлубияти ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз ожизлиги, эзгу ҳислар заифлиги аломати эмаслигини яхши билади. Билади-ю, негадир, «Ўйин» авторига шу хусусда таъна қилади. Эҳтимол, «Ўйин» романида бошқачароқ характердаги камчиликлар бордир, Иринанинг ҳалокатга олиб келган, Кримованинг эса фожий ҳолга солиб қўйган ҳаётий омиллар етарлича бадий далиллаб берилмагандир; агар шу ҳақда гап борганида, бу профессионал мулоҳаза бўларди...

Асқад Мухторнинг ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз кўдратини, ҳалол, ҳақиқатпарвар эзгу ҳислари кучини бевосита ифода этадиган курашчи ижобий қаҳрамонларни, уларда курашчан кишининг ишонч ва ғурури улуғланишини кўришга бўлган истаги умуман олганда қўллаб-қувватлашга арзийдиган фикр. Бу ҳақда кейинги йилларда кўп гапирилапти. Лекин шундай мақбул шпор остида «Ўйин», шунингдек, «Тасқара», қолаверса «Оқ кема» типидagi асарларда авторлар тутган йўлга менсимай қараш ўринсиз, бу — социалистик реализм табиатига мос келмайдиган мулоҳаза деб биламиз. Тўғри, ҳозирги кунда шу йўлда яратилган

талай асарлар бўш, ғоявий-бадий жиҳатдан ночор чиқаётир; уларда нодир бадий кашфиётларга тақлид, схематизм илллати кучли, буни танқид қилиш керак. Айни пайтда «ёрқин ғояларимиз, идеалларимиз қудратини», «ҳалол, ҳақиқатпарвар кўпчиликнинг эзгу ҳислари кучини» бевосита ифода этишга қаратилган қатор асарлар ҳам, ўз навбатида, айни шу хил бадий ночорлиги, китобийлиги туфайли эътиборсиз қолиб кетаётирки, буни ҳам унутмаслик керак. Демак, социалистик реализм адабиётида ҳақиқий бадий кашфиёт, асар қандай йўлда битилган бўлишидан қатъий назар, ғоявий-бадий юксаклик, маҳорат, санъаткорлик уйғунлашгандагина майдонга келади. Бундай кашфиёт эса тинимсиз изланадиган заҳматкаш, фаол, чин истеъдод эгасигагина муяссар бўлади.

«Социалистик реализм идеал ҳолда санъаткор тафаккури ҳамма томонларининг яхлитлигидан ва, айтиш мумкинки, тўла гармониясидан иборат, бу — унинг бош специфик хусусияти», — деб ёзади П. А. Николаев. Социалистик реализм адабиётининг идеали гармонияга эришиш бўлганидан адабий танқидчилик ҳам шунга интилади; адабий жараён, алоҳида асар устида сўз борганда унинг ҳамма жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш, унга яхлит ва юксак ғоявий-эстетик мезонларда туриб нозик дид, билимдонлик ва талабчанлик билан баҳо бериш ҳозирги куннинг энг муҳим талаби бўлиб қолмоқда. Бу ҳол адабий танқидчиликда, адабиётшуносликда мавжуд баъзи бирёқламаликларни тезроқ бартараф этишни тақозо этмоқда. Чунончи, бир вақтлар танқидчиликда вулгар социологизм таъсири хийла кучайган кезлари асарга баҳо беришда ундаги социал-ғоявий асосга алоҳида урғу берилиб, асарнинг бадиияти, ижодкорнинг индивидуал бисоти, ўзига хослиги, услуби масалалари кўпинча эътибордан четда қоларди. Кейинги пайтларда гоҳо акс ҳол юз бераётир, ижодкорнинг ўзига хослиги, индивидуал услуби, ифода йўсини, поэтика масалаларига эътиборни оширган ҳолда асарнинг ғоявий-социал томонига, ижод пафосига муносиб баҳо бермаслик ҳолларига дуч келаётирмиз; талай ишларда ҳозирги давр адабиёти поэтикасидаги ранг-баранглик, ундаги шаклий-услубий изланишлар, тенденциялар, ижодкорнинг оригинал услуби, индивидуал маҳорати ҳақида баландпарвоз гаплар кўп айтиляпти, аммо бу изланишлар, тенденцияларнинг конкрет самараси, оригинал услуб, индивидуал маҳорат даражаси, кўлами, ижод пафоси масаласи танқидчилар назаридан бир оз четда қоляпти. Атоқли адабиётшунос М. Храпченко бундай йўлнинг номатлуб эканлигини огоҳлантириб ёзади:

«Истеъдодли ёзувчининг ижодий кашфиёти унинг социалистик адабиёт умумий ғоявий, бадий қимматлар хазинасига кўшган алоҳида индивидуал ҳиссаси билан белгиланади. Шунга қарамай, танқидчилигимизда кўп миллатли совет адабиётининг ўзига хослиги кўпинча унда адабий услубларнинг хилма-хил тарзда намоён бўлишидангина иборат деб кўрсатилмоқда.

Наҳотки Шолоховнинг совет ҳамда жаҳон адабиётидаги аҳамияти ва ўрни унинг бошқа ҳеч кимнига ўхшамаган ижодий дастхати, ўз услуби билангина белгиланса? Наҳотки, Л. Леонов, айталик, Айтматовдан бошқача ёзганлиги учунгина қизиқарли бўлса? Аслини олганда совет адабиётининг бойлиги, ундаги, улкан санъаткорлар ўзига хослиги улар яратган бадий умумлашмаларнинг чуқурлиги ва қудрати, асарларнинг ғоявий кўлами ва граждандлик йўналишидан ажралмасдир. Бу гаплардан асло услуб масалаларининг, жумладан поэтик сўз қўллаш маҳоратининг жиҳидий аҳамияти йўқ экан деган хаёлга бормаслик керак. Асло ундай эмас. Аммо ижодий меҳнатнинг бу муҳим томони ижоднинг энг асосий жиҳати — унинг пафоси ўрнига ўтиб қолмаслиги лозим.» (М. Б. Храпченко. Большая правда эпохи. «Литературная газета», 1984 йил, 19 декабрь.)

Шу хилдаги бирёқламалик Нуриддин Шукуров билан Илҳом Ҳасановларнинг «Қамалакдек ранг-баранг» сарлавҳали мақоласида («Ёшлик», 1984, № 12.) яққол кўринади. Мақола авторлари аввало ҳозирги босқичда адабиёт «социалистик реализм методининг ранг-баранг имкониятларидан ҳар қачонгидан кўра дадилроқ, унумлироқ» фойдаланаётганлигини уқтирадилар; бунинг тасдиғи сифатида ўзбек насри майдонида 70-йиллар охири, 80-йиллар бошларида «ёшликнинг ўзидек беғубор, самимий, таъбир жоиз бўлса, «йўнилмаган» табиий овоз билан дадил кириб келган иқтидорли ёшлар ижоди, «бу кенжа авлоднинг воқеликни ўзига хос йўсинда поэтикаштириш йўлидаги изланиш ва интилишларига эътиборни тортадилар; бу носирларнинг аксариятида индивидуал услубнинг муайян қирралари намоён бўлаётганлигини қўвонч билан қайд этадилар. Сўнгра конкрет далилларга кўчиб Нурали Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Асад Дилмуродовларнинг индивидуал услубига хос хусусиятларни таъриф-тавсиф этадилар. Ихчамгина мақолада олтита ёш носир услуби худди анкета саволларига жавоб тариқасида шарҳланади; чунончи Нурали Қобулда «сержило услуб» намоён бўлаётгани, Мурод Муҳаммад Дўст ижоди учун «икки қатламли тасвир» хослиги, Тоғай Мурод «прозадаги бахши» экани, Эркин Аъзамовда «исён» руҳи устунлиги, Хайриддин Султонов лиро-романтик услубда, Асад Дилмуродов ҳам Х. Султонов услубига хос хусусиятларга яқин изланишларни бошдан кечираётганлиги айтилади.

Ёшлар прозасини шу тарзда кузатиш, ёш носирлар изланишлари, индивидуал услубини шу йўсинда шарҳлаш орқали пировардида мақола муаллифлари «ёш насримиз ягона метод доирасида **чуқур, кенг қамровли** услубий изланишлар фаслини бошдан кечирмоқда» (таъкид бизники — У. Н.) деган дабдабали хулосага келдилар.

Эътироф этиш керак: мақолада ёш носирлар ижодига оид кўпгина нозик кузатишлар бор, ёшлар услубига, изланишларига хос айрим хусусиятлар тўғри қайд этилган. Афсуски, айни шу ўзига хосликлар адабиётга нималар бергани, бераётгани бундай изланишларнинг ғоявий-эстетик қиммати, шаклнинг маънодорлиги, бошқачароқ қилиб айтганда, ёш носирлар тутган йўл ҳаётнинг қанақа муҳим ҳақиқатини кашф этишга, бетакрор кўламли характерлар яратишга хизмат қилганлиги, яъни ижоднинг пафоси мақола муаллифларини унча қизиқтирмайди. Мақола охирида йўл-йўлакай «ёшлар насрида характерлар, конфликтлар замирида ётган ижтимоий маъно салмоғи янада кучлироқ, таъсирчанроқ бўлишига эришиш»


кераклиги хусусида баъзи истаклар билдирилади, холос. Натижада мақолада таъриф-тавсиф этилган ҳар бир авторнинг ижодий оригиналлиги қиммати, туб моҳияти, шунингдек, ягона метод доирасидаги услубий изланишларнинг «чуқурлиги», «кенг қамрови» нимадан иборат, деган савол жавобсиз қолади.

Социалистик реализм методининг ранг-баранг имкониятлари деганда фақат услубий, индивидуал ижодий хилма-хилликнигина эмас, ижодкорнинг ўзига хос чуқур ҳис этган ғоявий-эстетик концепцияси, у кашф этган ҳаёт ҳақиқатининг, яратган инсон образининг чуқурлиги ва кўлами масалаларини ҳам ҳеч қачон назардан соқит қилмаслик керак.

Ёшлар ижоди, изланишлари устида гап борганда эса уларнинг ўзига хослиги, индивидуал услубини белгилашга, таъриф-тавсиф этишга ортиқча маҳлиё бўлиб кетмай, уларни эртароқ қонуллаштиришга шонилмай (ижод жараёнида бундай хусусиятлар бутунлай ўзгариб кетиши ҳам мумкин), бу хилдаги изланишларни бутун зиддиятлари, қийинчиликлари билан очиқ бериш, ёш авторларнинг нималарга эришаётгани ва қандай камчиликларга йўл қўяётганликларини конкрет таҳлил этиш, энг муҳими бу хил изланишларнинг ғоявий-эстетик қимматини тўғри белгилаш, улар миллий адабиёт, қолаверса кўп миллатли совет адабиёти, социалистик реализм ҳазинасига қанақа ҳисса бўлиб қўшилаётганлигини, уларнинг савия-даражасини, асосий пафосини кўрсатиш муҳимроқ ва фойдалироқдир. Шунда, ўз-ўзидан, жимжимадор таъриф-тавсифларга, дабдабали хулосаларга ҳожат қолмайди.

Ҳозирги кунда бир гуруҳ адабиётшуносларда социалистик реализм назарияси бобида эришилган натижалардан қаноатланмаслик кайфияти кучли, улар бу борада янги идеялар, концепциялар кераклигини кўп марта айтаётирлар. Ҳар қандай фан каби социалистик реализм назарияси ҳам бир ерда қолиши мумкин эмас, у янги-янги ғоялар билан бойиши турган гап, жонли адабий жараён мавжуд энг илғор назарий тасаввурларга кўра ҳам бойроқ ва ранг-барангроқ. Аммо биз назарияда эришилган ютуқларни, афсуски, ҳали тўлалигича ўзлаштириб ологанимиз йўқ, амалий фаолиятда уларга етарлича таянаётганимиз йўқ. Социалистик реализм назариясидаги мавжуд янги қарашлар, жумладан очиқ система концепцияси, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳаётийлиги, амалиётга яқинлиги, ижодий фикр-мушоҳадага кенг қанот бериши билан эътиборга молик; унга таянган ҳолда бугунги адабий жараённинг, шунингдек, социалистик реализм тарихининг кўпгина мураккаб ижодий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш мумкин.





## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Кўхна ва навқирон Тошкентнинг 2000 йиллик юбилеи катта тантана билан нишонланиши маданий ҳаётимизда йирик ҳодиса бўлди. Шу муносабат билан тарихчи, шарқшунос олимларнинг кўпдан-кўп илмий тадқиқотлари, монография ва мақолалари эълон қилинди. Буларнинг барчасини мамнуният билан қайд этган ҳолда шу масалага бевосита алоқадор бўлган муҳим бир нуқтага диққатингизни жалб қилмоқчимиз. Бу — шахримизнинг номига тааллуқлидир.

Газета ва журналларда босилган юбилейга доир мақолаларда шахримизнинг номи ва унинг маъноси асосан тўғри изоҳланди. Шу билан бирга, бу борада айрим фикрлар ҳам илгари сурилдики, уларга муносабат билдириб ўтиш илмий ҳақиқат нуқтаи-назаридан, албатта, зарур.

Тошкент шаҳри эрамиздан олдин битилган қадимги шарқ манбаларида қайд этилган. Кейинчалик грек олими Птоломейнинг «География» асарида, Беруний ва Маҳмуд Қошғарий каби ўрта осийлик алломаларнинг китобларида тилга олинган. Манбаларда келтирилган маълумотларни синчиклаб қиёсий ўрганганда, бу ҳақда фикр юритган олимларнинг ҳаммаси «Тошкент» сўзи туркий «тош» сўзидан ясалганини эътироф этгани англашди.

Масалан, Беруний Ҳиндистон тарихи, географияси ҳақида ёзилган китобларни ўрганар экан, шаҳарлар, дарёларнинг номларидаги ўзгаришларга аҳамият бериб, улардаги қонуниятларни очишга ҳаракат қилади. «Ҳиндларнинг ер юзида одамлар яшайдиган жойлар ҳақидаги тушунчаси» деган бобида

Беруний шундай ёзади: «Айниқса, тили бошқа (халқнинг) ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари (бошқа халқ) у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади, (натижада ўша) исмларнинг маънолари ўзгариб, шу кўйича юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, тош сўзи (асли) туркча исм бўлиб, шош кўринишини олган. Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида Бурж ал-хижора (Тош қалъа) деб номланган.» (Беруний, «Ҳиндистон». «Фан» нашриёти. Тошкент — 1965 йил. 232-бет). Улуғ олимнинг Тошкент сўзи маъноси хусусида билдирган бу қимматли мулоҳазалари илм-фан учун катта аҳамиятга эга.

Француз олими Э. Шаванн ҳам шарқ ёзма манбаларини чуқур ўрганиш асосида Тошкент номи қадимий эканлигини эътироф этади ва VI асрда вужудга келган Турк ҳоқонлиги даври ҳақида сўз юритганда, «Тошкент» сўзини ишлатади.

В. В. Бартольд бу туркий номнинг тарихини аниқлашга уриниб кўрган. У «Ислом қомуси»га кирган «Тошкент» мақоласида бу хусусда бир мунча тўхталади. «Шош ёки Чоч XI асрда биричи марта қайд қилинган туркий номи билан боғлиқми? Агар боғлиқ бўлса, қандай боғланади? Бу савол ҳозиргача жавобсиз қолиб келмоқда?» — деб ёзади олим (В. В. Бартольд, Асарлар, III том, Москва, 1965, 499-бет). Шунингдек, олим «маҳаллий аҳоли тилидаги «Чоч» деган иборани ҳам ишлатади. Олим энг қадим замонлардан бошлаб ҳар икки тилга мансуб аҳоли Тошкент ва унинг атрофида, тоғ этакларидаги қишлоқ-

### ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Сеvimли пойтахтимиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилеи ҳақидаги барча мақолаларни катта қизиқиш билан ўқидик. Лекин «Тошкент оқшоми» газетасининг 1983 йил 18 мартида босилган А. Муҳаммаджоновнинг «Чоч ва Шош — қадимий Тошкент» мақоласидаги қуйидаги жумлалар бизни ўйлантириб қўйди: «Аввало шунга айтиш керакки, «Афросиёб» тарихий шахс бўлмай, балки табиий шароит ва манзараси бир-бирига ўхшаб кетган бир нечта мавзеларнинг номидир. Қадимдан халқимиз сизот сувлар ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «сиёҳ об» ёки қисқартириб, «сиёб», яъни, «қорасув» деб юритиб келган. Бундай анҳорларнинг соҳиллари бўйлаб жойлашган мавзелар «Афросиёб» ёки «Сиёб соҳиллари», «Қорасув бўйлари» демакдир. Шундай экан, Самарқандда Сиёб сойи соҳилидаги машҳур «Афросиёб» шаҳар харобаси ҳам, Тошкентнинг Салори Жарариқ бўйларида жойлашган ҳар иккала Афросиёб тепаликлари ҳам «Сиёб ёки Қорасув бўйи»даги жойлар деган маънони англатади». Бу фикрларни ўқиб жуда ҳайрон қолдик. Наҳотки, «Афросиёб» сўзининг маъноси «Қорасув» ёки «Сиёб соҳиллари» бўлса! Бу ерда мазкур сўз нотўғри изоҳлангани йўқмикин!..

Эркиной МИРАБДУЛЛАЕВА,  
студент

ларда ҳамжиҳат, ёнма-ён яшаб келганини эътироф этишга ожизлик қилади.

В. В. Бартольднинг назарида «Шош» ибораси аста-секин ёзма адабий тилдан шаҳарнинг дастлабки номини сиқиб чиқарган. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, ерли аҳоли ичида туркий сўзлашув тўхтамаган экан, шаҳарнинг номи «Тошкент» ҳам оғзаки жонли тилда гапирилган, шунингдек, форсча-тожикча «Чоч» ибораси ҳам ишлатилган.

В. В. Бартольд ҳаёт вақтида ҳали Урта Осиё республикаларида яшаган барча халқларнинг тарихи етарли даражада чуқур ўрганилмаган эди. Туркий халқлар тилида ёзилган ёзма манбалар кам бўлиб, бошқа манбаларни бу халқлар тарихини ўрганиш нуктаи-назаридан мутлоаа қилиш эса эндигина бошланган эди.

Ҳатто ҳозирги кунда ҳам тарихни шу нуктаи-назардан ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жуда кам учрайди. Шунинг учун В. В. Бартольд ҳам баъзи хатоликларга йўл қўйган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунончи, у «Мўғуллар истилоси даврида Туркистон» асарининг география тарихига оид қисмида шундай ёзади: «Бермас — Бухоро атрофидаги қишлоқнинг номи. «Бермас ва Демас»... туркий сўз деб қабул қилиш мумкин, аммо бундай изоҳ беришга журъат этолмаймиз, чунки VIII асрда Мовароуннаҳрда турк қишлоғи бор дейишга асосимиз йўқ.»

Ҳозирги кунда туркий халқлар Урта Осиёда қадимдан яшаб келган эди деган назарияни эътироф этаётган олимлар кўпайиб бормоқда. Жумладан, Ю. Ф. Буряков ва М. И. Филановичларнинг «Тошкент территориясида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт босқичлари» номи мақоласида бу борада кўплаб далиллар келтирилган, Тошкент воҳаси туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи аждоқларининг шаклланишида катта роль ўйнагани таъкидланган («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, 1979, 3-сон, 54-бет).

Ҳозирча энг қадимий даврга оид туркий тилда ёзилган манбалар, ёзма ёдгорликлар топилганича йўқ. Аммо Самарқанддаги ибодатхонада бу тилда ёзилган қонун сақланиб тургани ҳақида VI асрда битилган қадимий кўлёмаларда қайд қилинган эди. Бошқа бир манбада эса Сўғдиёна ўлкасида VIII асрнинг биринчи ярмида Улега (Фурак) даврида халқ орасида туркий ёзув мавжуд бўлгани қайд қилинган. Қарийб қирқ йил ичида олиб борилган изланишларнинг натижасида шундай хулосага келиндики, араблар Урта Осиёга ҳужум қилганда энг кучли зарбани маҳаллий аҳоли ва уларга ёрдамга доим бел боғлаб турган қўшни кўчманчи халқлардан ҳамда қорлуқлардан олган эдилар. Шунинг учун ҳам тарихчи Табарий сўғдиёналиклар деганда ҳам Сўғдада яшаб турган туркий халқлар ва уларнинг маликлари — подшоҳларини назарда тутди.

Қадимги Сўғднинг марказий шаҳри Самарқандда — Афросиёб саройининг деворларидаги расмларда шошлик туркий халқларнинг суратлари чизилгани ҳам бу сўзимизга далил бўла олади.

Мўътабар тарихчи — йилномачи Абу Жабфар Табарий (Табаристонда туғилиб, 923 йилда вафот этган) туркий саркардаларнинг жанговар табиатини, олижанобликда тенгсизлигини ўзининг «Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи» китобидаги жуда кўп ҳикоятлар, ривоятларда кўрсатади. Худди шу билан бирга араблар,

айниқса халифалар туркий аҳоли саркардаларидан қаттиқ кўрққанлар. Шунинг учун ҳам бу тилдаги китобларни ғайридиний китоблар деб ёқиб ташлаганлар. Беруний бу ҳақда ёзган эди.

Шундай экан, бу ҳақда гап кетганда масаланинг барча жиҳатларини назарда тутган ҳолда фикр юритган маъқул.

Тошкент тарихини ёритганда яна бир масалага алоҳида эътибор бериш керак. Қадимги ёзма манбалардаги «Тошкент» ёки «Шош» сўзи фақат биргина шаҳарни эмас, балки шу ном билан аталган катта вилоятни ҳам англатган. Ички ва ташқи сиёсий-иқтисодий сабабларга кўра вилоят пойтахти шу территориянинг турли жойларига кўчиб турган. Бу нозик фарқни тўғри ажрата олмаган тадқиқотчи шаҳарнинг ўрнини белгилашда чалкашиб кетиши мумкин.

Афсуски, кейинги вақтларда баъзи тадқиқотларда тарихий фактларга нотўғри ёндашиш ҳоллари учрамоқда. Тарих фанлари доктори А. Р. Мухаммаджоновнинг мақоласи ана шундай чиқишлардан бирidir. Унда Тошкент шаҳри атрофидаги «Афросиёб» («Шоҳнишин» деб ҳам аталади) тепалиги тилга олинади. Олим бу номнинг тарихи ҳақида фикр юритар экан, илмда аллақачон рад этилган эски хулосаларни илгари суради: «...Афросиёб тарихий шахс бўлмай, балки табиий шароити ва манзараси бир-бирига ўхшаб кетган бир неча мавзеларнинг номидир». Тўғри, Афросиёбни афсонавий шахс сифатида талкин қилувчи қараш В. А. Лифшиц, Л. И. Альбаум ва бошқа олимларнинг асарларида ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг нотўғрилиги ҳамда Афросиёб реал тарихий шахс бўлганлигини Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» китобини арабчадан ўзбек тилига таржима қилиб нашр этган филология фанлари доктори Солиҳ Муталлибов бундан 20 йил муқаддам исбот қилиб берган эди. А. Р. Мухаммаджоновнинг ҳамма эътироф этган бу фактни четлаб ўтиши кишини ҳайратда қолдиради. Ана шу манзилларга бевосита алоқадор бўлган бошқа бир фикрга ҳам диққатингизни жалб қиламиз. Тарихчи олим Л. Н. Гумилев «Қадимги турклар» китобида турк ҳоқонларидан «Ашин» сулоласи авлоди Шегуйхон (611—618) Тошкент подшосини энгиб, мутлақ ҳукмронликни кўлга киритгани ва Фарбий турк ҳоқонлиги тахтига ҳам ўтирганлигини ёзади. Кейин тахт Тун-жабғухонга ўтади. (618—631). Тун-жабғухоннинг ёзги манзилгоҳи Тошкентнинг шимолидаги Мингбулоқда бўлиб, у ерда чет эл элчиларини қабул қилгани маълум. Унинг қишки манзилгоҳи Мингўриқда ҳозир харобалари сақланган саройда бўлган. Хонлик тахти 634—639 йилларда Тун-жабғунинг ўғилларидан Тўнга шодга ўтди. У туркий феодалларга имтиёзлар бериб, баъзи ислоҳотларни амалга ошириш асосида мамлакатни парокандаликдан сақлаб қолишга, йўлларда осойишталик ўрнатиб, савдони ривожлантиришга уринди. Халқ орасида катта обрў қозонган Тўнга шод яна Афросиёб номи билан шухрат топган эди. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билик» («Бахт келтирувчи билик») китобида (103-бет) батафсил маълумотлар келтирган. Тарихчи олимлардан Хусрав ибн Мухаммад Бани Ардалон хонадонининг подшоҳлиги даврини (XII—XIX асрлар) ёритар экан, Афросиёб Туркни оқил, энгилмайдиغان машҳур подшо сифатида етти жойда тилга олади. Халқ орасида тожикча лақаби билан машҳур бўлган турк хонининг қарорго-

ҳи бўлган Афросиёб тепаси тожикчасига «шоҳнишин» (Шоҳ ўлтирган жой) деб аталиб келган. Бу реал фактлар асосида юз берган ҳодиса бўлиб, ундан кўз юмиш илмий ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳаракатдир.

Бундан ташқари мақолада «Афросиёб» сўзи «Қорасув» тарзида изоҳланадигани, бу тил қоидаларига ҳам, илмий ҳақиқатга ҳам асло тўғри келмайди. Шунга ўхшаш хатони тарих фанлари кандидати М. Филановичнинг «Фан ва турмуш» журналида (1983 йил, 4-сон) босилган «Тошкент тепалари» мақоласида ва Тошкент ҳақидаги йирик монографиясида (Тошкент, «Фан», 1983, 34-бет) ҳам учратамиз: Олима, улуғ Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида туркий «Тошкент» атамасидан Шош номи келиб чиққан деб хато фикр юритади. Аслида эса Беруний «Тошкент» сўзи бошқа халқлар томонидан таржима қилиб ўзгартирилгани ҳақида гапирганини юқорида кўриб ўтдик. Абу Райҳон Беруний «Тошкент» атамаси мелоддан аввалги II асрда яшаб ижод этган Клавдий Птоломейнинг география китобида грекча таржима қилиб келтирилганини уқтириш билан бу атама асримиздан олдин — қадим-қадимда мавжуд бўлганлигини таъкидламоқчи эди. М. Филановичнинг ўзи ўша китобида тилга олган олим Е. Пуллейблэнк ҳатто Кангюй сўзини тохарча канк — «тош» атамасига боғлаган.

Хитой манбалари орқали мелодий II асргача кучли давлат бўлган Кангюй — ўзига беш майда мамлакатни буйсундиргани, улардан бири Юни (Юйни) бўлиб, Лююени (яъни

улуғ турк ерларида) жойлашгани маълум. Бу жой Тошкент воҳасига тўғри келади. Олиманинг ўзи ҳам ва бошқа кўп олимлар (шу жумладан, К. Шониёзов) Тошкент воҳаси V асрда хитой манбаларида Чжеси, VII асрда Чжечже, Чжеси, ёки Ши (тош) аталганини эътироф қилишади.


Олима Тошкентнинг шаҳар сифатида шаклланиши ва ривожланган йирик феодал шаҳар маданияти ҳақида гап юритар экан, қулчилик формациясини мутлақо тилга олмайди. Олиманинг «Фан ва турмуш» журналида чиққан мақоласидаги иккинчи хато шундан иборатки, у шаҳримизнинг қадимги номи «Орол денгизининг қадимга эрон тилидаги номи «Чаечастидан келиб чиққан» деб ҳисоблайди.

Бу мулоҳазага ҳам қўшилиш қийин. Чунки тадқиқотчи илмга зид йўлдан боради. Олима «Чоч» сўзи «Чаечастидан келиб чиққан» деб ҳисоблаб, уни форс манбаларига боғламоқчи бўлади. Ҳолбуки, ўша даврда Тошкент шаҳри ҳамда шу ном билан аталган вилоятнинг территориясига Орол денгизи кирмаган. Шу туфайли Орол денгизининг номини қадимги Тошкент билан боғлаб бўлмайди.


Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримиз тарихи ҳақида гап кетганда, унинг номи ҳам тўғри изоҳланишига тарафдормиз. Ҳаёт ва илмий мантиқ талаби шуни тақозо қилади.

**Тожихон ҚОДИРОВА,**  
тарих фанлари кандидати





## Уммондан қатра



**Раҳим Воҳидов. «Мажолисун — нафоис»нинг таржималари. «Фан» нашриёти, Тошкент—1984.**

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодиёти мисоли уммон. Унга «шўнғининг»да қуруқ чиқмайсан, киши. Ҳар гал янги бир гавҳар-тоза, оҳори тўкилмаган фикр топишинг тайин. Истеъдодли адабиётшунос Раҳимжон Воҳидовнинг «Фан» нашриётида босилиб-чиққан «Мажолисун-нафоис»нинг таржималари» номли янги рисоласи, таъбир жоиз бўлса, шундай бир ноёб гавҳарни излаш истагида юзага келган. Унда кўпдан бери илмий жамоатчиликка маълум бўлса-да, ҳануз махсус текширилмай келинаётган Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасининг XVI асрдаёқ форс-тожик тилига амалга оширилган икки таржимаси қиёсан таҳлил қилинади. Олим масалага таржимашуно сифатида қараш билан чекланмайди, балки Навоий тазкирасининг ўша даврда форс-тожик тазкирачилигига кўрсатган таъсирини ойдинлаштириш, шу асосда эса ўзбек-турк ва форс-тожик адабий алоқалари тарихига назар солиш ва ана шу адабий ҳамкорлик моҳиятини очиш мақсадида иш тутади. Бунда у ўрганаётган проблеманинг изчил, яхлит манзарасини яратишга алоҳида диққат қилади. Ана шундай фазилятлари туфайли рисола мазкур таржималарга у ёки бу тарзда турли вазият ҳамда вақтларда Александр Николаевич Болдирев, Алексей Константинович Боровков, Абдулғани Мирзоев, Мақсуд Шайхзода, Абдуқодир Ҳайитметов, Камол Айний, Холиқ

Мирзозода, Натан Маллаев ва бошқалар томонидан билдирилиб келинган муносабатлардан фарқ қилади.

Алишер Навоий тазкираси яратилиши биланоқ адабий жамоатчилик эътиборини қозонди, ўша давр адабий муҳитига тоза ҳаво олиб кирди. Адабиёт ихлосмандларида уни ўзга тилларга таржима қилиш ва шу асосда бошқаларни ҳам шу тоза ҳаводан баҳраманд этиш иштиёқини уйғотди. Натижада XVI асрдаёқ асар фақат форс-тожик тилига Фахрий Ҳиротий, Муҳаммад Ҳақимшоҳ Қазвиний ва Шоҳ Али Ибн Абдул томонидан уч марта таржима қилинди. Шунингдек, усмонли турк тилига ўгирилди, Соммирзо Сафавийнинг «Тухфани Сомий», Содиқбек Содиқийнинг «Мажмаул-хавос» сингари тазкираларининг юзага келишига таъсир кўрсатди.

Форс-тожик тилидаги биринчи таржима Фахрий бинни Султон Муҳаммад Амирий-Фахрий Ҳиротий қаламига мансуб бўлиб, у XV асрнинг 70-йиллари ва XVI асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда яшаб ижод этган. Алишер Навоий уни ижодкор сифатида шахсан таниган ва ўз тазкирасида унга алоҳида тўхталган. Бу фактнинг қиммати шундаки, таржима Навоий замондоши томонидан амалга оширилган. Фахрий Ҳиротий ўз таржимасини «Латифнома» деб атаган ва янги бир мажлис кўшиб, устози тазкирасида бўлмаган 189 адиб ҳақида маълумот беради.

Форс-тожик тилидаги иккинчи таржима Муҳаммад бинни Муборак ал-Қазвиний-Муҳаммад Ҳақимшоҳ-Қазвиний қаламига мансуб бўлиб, 927—929 ҳижрий (мелодий — 1522-1523) йилларда Истамбул шаҳрида амалга оширилган. У тазкира номини асл ҳолида сақласа-да, асарга янги бир бўлим қўшади. Навоий «Мажолисун-нафоис»да бўлимларни мажлис деса, таржимон уларни беҳишт деб атади ва ўзи қўшган саккизинчи беҳишда 189 ижодкорга оид маълумот беради. Ҳар иккала таржимоннинг ўз тазкираларига янгидан қўшган номлар миқдори тасодифан мос келса-да, улар бир-бирини такрорлашмаган. Чунончи, Фахрий Ҳиротий Навоий тазкирасида бўлмаган Мулло Хулқий Бухорий, Мавлоно Қавкабий Бухорий, Мулло Али Бухорийларга тўхталса, Муҳаммад Ҳақимшоҳ Қазвиний эса Шайх Сайфиддин Бохарзий ва Хўжа Ҳошим Бухорийларга ижодий биографик справка беради. Бундай тафовутларни самарқандлик, тошкентлик, қаршилик, марвлик, хиротлик, машҳадлик, қумлик ва бошқа жойларда яшаб ижод этган қалам эгаларига оид маълумотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу илм аҳлига кам маълум бўлган ана шу ижодкорлар биографиясини ўрганиш, XV—XVI асарлардаги ўзбек ва тожик адабиётлари илмий тарихини чуқурроқ тадқиқ этиш ҳамда шу даврдаги ўзбек-тожик алоқалари хусусиятларини умумлаштириш нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

## Изланиш довонларида

Тадқиқотчи ана шу икки таржима тазкира-нинг Техрон университети профессори Али Асфар Ҳикмат томонидан 1945 йилда амалга оширилган нашрига асосланади. Унинг илмий қимматини характерлаш жараёнида Эрон олимнинг навоийшуносликдаги хизматини баҳолайди. Шу нашрни Алишер Навоийнинг 15 томлик қуллиёти таркибига кирган «Мажолисун-нафоис» тазкирасига солиштирган ҳолда таржимонлар маҳорати хусусиятларини таърифлайди. Бунда ҳар бир факт ёки ҳодисанинг ижтимоий-эстетик қиммати, илмий аниқлигига алоҳида диққат қилинганки, китобнинг илмий теранлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган.

Аммо рисолада ҳали айрим изоҳталаб ва баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, тадқиқотчи Фаҳрий Ҳиротий қаламига мансуб «Равзатус-салотин» тазкирасига тўхталар экан, «унинг таъби назми бўлган подшоҳлар ҳақида маълумот бериши номиданоқ англашилади» дейилиб, худди шу ўринда яна Рудакий, Фирдавсий ва Асжадийлар ҳақида ҳам маълумот берилиши қайд этилган. Агар номлари тилга олинганлар ҳеч қачон подшоҳ бўлмаганликларини ҳисобга олсак, тазкира муаллифи ўз асари номида нафақат «Таъби назми бўлган подшоҳлар», балки сўз санъатида подшоҳлик даражасига кўтарилган ижодкорларни кўзда тутганлиги аёнлашади. Бинобарин, тадқиқотчининг даъвоси бир томонламадир. Бундай бир ёқламалик баъзан тарихий ҳақиқатни инкор этишгача бориб етади: Фаҳрий Ҳиротийнинг Рудакий таваллудгоҳи — Бухоронинг Рудак қишлоғи деб кўрсатилганига, ушбу қишлоқ «Панжакентда жойлашган», деб эътироз билдиради-ю, аслида мутаржимнинг фикри ҳақиқат эканини инобатга олмайдди.


Муаллиф барча ўринларда тожикча-форсча сатрлар мазмунини ўзбекча аниқ баён этишга эришган дейиш қийин. Чунончи, гоҳида тожикча сатрдаги сўзлар оригиналдаги қатъий тартибига кўра ўзбекча сўз билан алмаштириш йўлидан борилиб, ҳам маъно ноаниқлигига, ҳам грамматик ғализликка йўл қўйилса, гоҳида тожикча матн маъносини нотўғри изоҳлайди. Буни Мавлоно Ашрафнинг тожикча ғазали матлаининг ўзбекча баёнида кўрса бўлади:

**Хоҳам ки чўби тир шавам, то ту гоҳ-гоҳ  
Бар холи ман зи гўшаи чашме кунӣ нигоҳ.**

(46-бет)

Байт мазмуни ўзбекча шундай шарҳланади: ўқнинг ёғочи (?) бўлишни истайман, токи баъзи-баъзида ҳолимга кўз учи билан қарагайсиз. Ҳолбуки, мазкур байтда «тир» сўзи «нишон» маъносидадир. Чунки «кўз учи» билан қараш учун «ёғоч» эмас, балки нишон бўлмоқ мантиққа мосдир. Бундан ташқари Мавлоно Соғарий ғазали матлаининг биринчи сатри «Чашми дурбори ману абри баҳор аст якеда «абри» сўзи тушириб қолдирилган (14-бет). Айрим ўринларда эса муаллифнинг ўзи ғализ жумлалар тузади. Шубҳасиз, булар жузъий камчиликлар бўлиб, рисоланинг илмий қимматига монелик қилмайди. Шундай экан, муаллиф навоийшунослигимизни яна бир тадқиқот билан бойитган. Навоий ижоди-дек улуғ уммон қаъридан ноёб бир ҳақиқат қатрасини кашф этган, деб ҳисоблаш мумкин.

Охунжон САФАРОВ.



**Ойхумор Асадова. Бир томчи шудринг.  
Орзикул Эргашев. Дунёнинг бир  
чеккаси.**

**«Еш гвардия» нашриёти,  
Тошкент — 1985.**

Яқинда ёш ёзувчилар Ойхумор Асадова-нинг «Бир томчи шудринг» туркум ҳикоялари ва Орзикул Эргашевнинг «Дунёнинг бир чеккаси» қиссасидан иборат китоби нашрдан чиқди. Муаллифлар қишлоқ кишиларининг ҳаёти, меҳнати, инсоний поклиги, тўғрилиқ, ҳалоллик, муҳаббатга садоқат, инсоний қадр ва эндигина уйғониб келаётган ўсмирнинг интим туйғуларини қаламга олади.

Тўпламга жамланган қисса ва ҳикояларда бир муштараклик бор. Бу, беғубор болалик туйғуларидир. Еш ёзувчи Орзикул Эргашев китобхонларга «Тўй» номли илк ҳикоялар тўплами билан яхши таниш. Авторнинг «Дунёнинг бир чеккаси» қиссаси эса унинг йирик жанрга қўйган илк қадами. Асар қишлоқ ёшлари ҳаётига бағишланган бўлиб, уларнинг орзу-ўйлари, меҳнати, болаликнинг романтик туйғулари яхши акс эттирилган.

Қисса биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Воқеалар асар бош қаҳрамони Самижон ва Шовқияларнинг эндигина гунчаланиб келаётган муҳаббатлари тасвирида ривожланиб боради.

Самижон мактабнинг юқори синфида ўқийди. Барча ўқувчилар каби у ҳам ёзги таътилни орзиқиб кутади. «Ниҳоят орзиқиб кутилган кун келди-ю» Самижоннинг ҳафсаласи пир бўлади. Унинг учун энг азиз бўлган Шовқия далага, пахта чопиғига чиқмасдан шаҳардаги аммасиникига кетиб қолибди. Самижон онаси билан пахта даласида ишлайди. Воқеалар ривожини унинг нигоҳи билан чизилади. Шу тариқа ўқувчи «дунёнинг бир чеккасида» меҳнат қилаётган уч қиз: Комила, Раъно, Шарифаларни болаликнинг ўзига хос сирли жиҳатларига шерик бўлган ҳолда кузатади.

Айтиш керакки, ёзувчининг ютуғи ўзи яхши билган темани қаламга олганида.

Автор биринчи шахс тилидан сўзлар экан, ҳар бир бадиий деталга алоҳида маъно юклаганга интилади. Самижон кун сайин қизларнинг яқин сирдошига айланиб боради. Айни пайтда, фикр-хаёли ҳамон Шовқияда. Шу кунгача қиз билан боғлиқ воқеалар унинг хаёлидан кетмайди. Масалан, велосипед деталли олиб кўрайлик: у Козимнинг моторли велосипеди борлиги учун ўзига оддийроғидан сотиб олади. Велосипедада Шовқия билан мактабга бориш Самижон учун чексиз қувонч, Козим учун мағлубият. Козимнинг Самижоннинг велосипеди камераларини тешиб қўйиши боланинг ғурурини поймол қилиш, унинг устидан кулиш эди. Самижон ўз муҳаббатини, ғурурини исёнкорлик билан ҳимоя иккади. Бир олам ҳаяжон билан Шовқия иккисининг тепаликка югуриб чиқишлари покиза туйғуларнинг биринчи қўшиғидек жаранглайди. Бу қўшиқдан иккиси ҳам сархуш: «Қир устида икковимиз. Ҳеч қачон бундай бўлмаган... Қўллари олов бўлиб ёнар эди. Шундай шаддоод, бийрон кизча индамай бош эгиб турар, жуда вазмин, итоаткор бўлиб қолганди. Мен ўзимда йўқ қувониб, кўксим тоғдай бўлиб борар эдим». Муҳаббатнинг бетакрор, сирли олампидан қувончга тўлиб, борлигини унутган Самижон ўзида йўқ шод. Ҳатто Шовқиянинг «Кетайлик, энди юринг» деганида севинчи ичига сиғмай кетади.

Бола образига хос хусусиятлар кичик-кичик деталларда, содда қурилган диалогларда, қаҳрамоннинг дунёси, унинг характериға етти ёт бегона кишилар билан муносабатларида кўринади. Айни пайтда бош қаҳрамон талқинида қиссадаги бошқа персонажларнинг ҳам маънавий дунёлари очилиб боради.

Самижон ўта содда, самимий, садоқатли, айни пайтда ўзининг ва ўзгалар муҳаббатини қадрлай билади. Комилани яхши кўрадиган шаҳарлик практикант йигит Шоалим ҳашарга келган студент киз билан боққа кириб кетганда синфдошининг «кетдик пойлаймиз», деган гапиға у: «суят бўлади», деб жавоб беради. Чунки бола бундай одатларни тасаввурға сифдирилмайди. Дарҳақиқат, Самижон дунёсига, унинг опалари дунёсига бундай нарсалар бегона. Шунинг учун ҳам Комила Шоалимни кечирмайди. Самижон фақат севги муҳаббатға эмас, ҳамма нарсаға самимий, ички бир меҳр билан қарайди. Масалан, Раънонинг қўшиқ айтишға бўлган қизиқишини чин дилдан қадрлайди. Унинг қўшиқларини севиб тинглайди. Ҳатто ёр-ёрларини тинглаганда худди ўзини куёв, Шовқияни келин деб тасаввур қилади. Раънонинг ўз орзусига етолмаганидан куюнади.

Бироқ, асарда ҳали характер яратиш маҳорати етишмаган ўринлар ҳам мавжуд. Бундай ҳол баъзи персонажлар тасвирида ҳам учрайди. Масалан, ҳисобчи Амин сариқ, Самад, Шоалим каби образлар бадиий жиҳатдан бироз хира чиққан. Гоҳо тасвирда ёш адибнинг мақсадига хизмат қилмаган ҳоллар ҳам учрайди. Натижада, шунчаки баёнға айланиб қолган эпизодлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳол айниқса персонажлар тилида учрайди. Хусусан, ҳисобчи Амин сариқнинг нутқиға эътибор беринг: «Бировға минғирлайди, бировға дўқлайди, бировға кўз олайтиради». Бу ўринда фикрни «Бировға дўқлади» шаклида эмас, бировға дўқ уради, тарзида ифодалаш мақсадға мувофиқ бўлар эди.

Ойхумор Асадова ҳикояларининг қаҳрамонлари ҳам қишлоқнинг турли ёшдаги одамлари: болалар, ўрта ёшли кишилар ва чоллар. Муаллиф қаҳрамонларини меҳр билан тасвирлашға уринади. Ёзувчи «Жийрон қашқа» ҳикоясида воқеаларни қаҳрамон тилидан баён қилади. Воқеа бундай рўй беради: чавандоз маст бўлиб, кўпқарида отдан йиқилади. Жийрон қашқа чавандозни касалхонаға кидириб келади. Унга Абдулла «мол дўхтир»: «ўпқаси қаттиқ шамоллаган, нафас олишини қоранг, яхшиси увологиға қолмасдан гўштға топширинг» дейди. Чавандоз ўз қилмишидан минг пушаймон. Озгина кайф қилиб, отни улоққа солганидан афсусланади.

Аслида чавандознинг кўнглида кири йўқ одам. Унинг характери отнинг ўлими эпизодида қисқа ва аниқ қилиб тасвирланади. Чавандоз улоқни солим олиш учун чопмайди. У солимда жанжаллашган полвонни пасткаш деб билади. Жийрон қашқада улоқ чопиш чавандозға катта завқ бағишлайди. Мабодо солим қилиб келаётган бўлса, кўча-кўйда ошна оғайнилариға улашиб кетади. Хотини Қорасоч «солим қани, солим!» деганда шу азиз умр йўлдошини ҳам кўриб:

— Қорасоч, сен яхши аёлсан, лекин жудаям пастсан, — деб уришиб беради. У шу характери билан китобхонаға ҳалолликнинг равшан кўриниши тарзида намоён бўлади.

Ёзувчининг «Саман» ҳикояси ҳам бевосита от ҳақида. Саман бия Мамаражаб ака хонадонининг оғир-енглини оила аъзолари билан бирға тортиб келади. Саманин ҳамма яхши кўради. Лекин кутилмаганда унинг ҳаётида фалокат юз беради. Отда далаға овқат олиб кетаётган бола машина чирғоғидан кўзи қамашиб, кўлидаги тугунни беҳосдан тушириб юборади ва тез келаётган машина уни уриб кетади. Машина ҳайдовчиси ҳар доим Мамаражаб аканин ботида машаққат қиладиган Холдоров. Мамаражаб ака табиатан содда, кўнгилчан, бировнинг юзига тик гапирмайди, камсуқум одам. Унинг назарига хўжайин одам истаганча ўйнаб кулиши ва кўнглиға сиққан ишни қилиши мумкин. У шу қадар кўнгилчанки, хўжайини устидан арз ҳам қилмайди. Ҳатто «Тагин у ер-бу ерға учраб юрманг», деб пул бериб ёлворади. Мамаражаб ака пулни олмайди. Ёзувчи баъзан соддаликнинг, ҳалолликнинг таҳқирланишини, ҳатто ҳақоратланишини Холдоров образи орқали ёритишға интилади. Айни пайтда, ҳалолликнинг олдида мешчанликнинг нақадар ожиз эканлиги ҳам хўжайин қиёфасида акс этади. Холдоров боғда беҳаё қўшиқларни бақириб айтиб, нақадар маънавий пуч, бачкана одам эканлигини ошқор қилса, ўқувчида унга нисбатан шунчалик нафрат ҳисси кучая боради.

«Гуноҳ» ҳикоясида «тирик етим» қолган мурғак қалбнинг ота-она меҳриға ташналиги, дардлари, соғинчи қаламға олинади. Бола бувиси билан қишлоқда яшайди. Дадаси билан ойисини соғиниб, тез-тез кўргиси келиб туради. Унинг дадаси катта одам, «осмонда учади». Самолёт учса қўлларини чўзганча дадасини чақиради. Шерзодни — ўзини ташландиқ, деган болаларға дадасини кўрсатиб қўйишни жуда-жуда истайди. У дадасининг уйға келишиға албатта ишонади. Ёзувчи бола образи орқали турмушға енгил-елпи муносабатда бўлиб, фарзандларини ташлаб кетаётган ота-оналарни танқид қилади.

Адибанин «Бир томчи шудринг» ҳикояси

ҳам Меҳрининг «собиқ» ойисига йўллаган мактубидан иборат. Мактуб боланинг ҳайрат тасаввури билан йўғрилган. Қизчанинг мактубида тасвирланган дардлари анча таъсирли: «Ойижоним! Мен катта қиз бўлиб қолдим. Сигир соғаман. Ҳатто нон ҳам ёпаман. Ҳамма ишларни ўзим қиламан. Ишонмасангиз келиб кўринг, гавдамга нисбатан қўлларим катта-катта бўлиб қолган. Ойижон бувим ўлар эмиш. У сизни кўр бўлади деяптилар. Унда сизни ким эргаштириб юраркан-а, ойижон! Бизлар бу-ёқда бўлсак. Рост, кўр бўларкансиз! Ишонмаяпсиз-а?» Онага болаларча меҳр, дардли дилнинг ачиниши содда бўёқларда берилган. «Сарғиш мушук» ҳикоясининг қаҳрамони эса бутун умри давомида тирноққа зор бўлиб ўтган чол, унинг ҳаётининг сўнги кунлари қаламга олинади. Чол маъракаларда, тўй-томошаларда бор-йўқлиги билинмайдиган одам. У ўтган умридан ўзига-ўзи сарҳисоб беради. Топган мантиқи шу бўладики, фарзандсизлигига гўё мушук сабабчи бўлган. Юқоридаги ҳар икки ҳикоя ҳам психологик таҳлил услуби билан баён қилинади. Ёзувчида бадий маҳоратнинг етишмаслиги сабабли «Сариқ мушук» ҳикоясидаги чол ожиз, нота-вон, одамга айланиб қолган.

Ойхумор Асадова ҳикояларининг қаҳра-

монлари ҳам содда, кўнглида кири йўқ одамлар. Лекин аксарият ҳикоялардаги салбий қаҳрамонлар характери етарли очилмай қолган. Холдоров образида психологик таҳлил етишмайди. Шунинг учун ҳам муаллиф баъзан баёнга зўр беради. Масалан, «Сайёра» ҳикоясига диққат қилайлик. Сайёранинг қалб изтироби, дардлари тасвирланган ўринлар жуда қисқа. У эри билан шунча йил яшаса-да, уйга эрининг бир марта маст бўлиб келган ҳолатини бериш билан чекланган. Албатта, бу ҳикояга юкланган мақсадни тўла очишга камлик қилади.

Юқорида тилга олинган ҳикояларда ўқувчининг ғашига тегадиган ғализ жумлалар, бутун-бутун гаплар учрайди: «Бувижонисини бағри эптиб (?) уйкуга кетди», «Менга им қоқди», «Айланиб қетган носкисини уқалаб-уқалаб кийиб олди».

Умуман мазкур тўпламда кўтарилган масалалар шуниси билан эътиборлики, ҳар икки ёш қаламқаш қишлоқ кишилари ҳаётини, уларнинг дарду-ўйларини бадий жиҳатдан теран тадқиқ этишга интилади. Айниқса, китобда болалар образи орқали ҳалоллик, поклик, меҳр ва муҳаббат, севгига садоқат каби юксак инсоний туйғулар улуғланади.

**Абдуғафур МАМАТОВ**





## Ёввойи одам

Ҳажвия

Кейинги вақтда «қор одам», яъни ёввойи одамга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. Бутун дунёни шу ҳақдаги шов-шув қамраб олди. Зоолог, табиатшунос ва антрополог олимлар тинимсиз қидирувни бошлаб юборишди. Саргузаштга ўч одам бўлганим учун экспедициялардан бирига мен ҳам ёзилдим. Экспедициямиз узоқ ва машаққатли йўл босиб, Помир тоғининг баланд чўққиларига кўтарилди. Биз шу гўзал жойда асосий манзилгоҳ қурдик. Атрофни ям-яшил арчалар, ранго-ранг гуллар қоплаган, кушлар чуғурлашар, пастга отилаётган ирмоқ шовуллар, хуллас, қараб суқинг кирадиган бир манзара эди. Ҳа, ёввойи одам бор бўлса, жуда ақлли экан, қанақанги жойда яшашни биларкан.

Биз ҳар бир ковак, ҳар бир дўнгликни қаричма-қарич синчиклаб қидирардик, аммо ёввойи одамдан ном-нишон йўқ эди. Кечалари ўт ёқиб кабоб пиширардик, бир замонлар овчилар гувоҳ бўлганларидек, ёввойи одам биқчиб келиб биздан гўшт тиланишини кутардик. Фойда чиқмади. Ёввойи одамлар илгари қилган хатони такрорлашни, баданга ёғ суртиб, қўлни оловга тутишни исташмас эди чамамда.

Кўп вақт беҳуда изланишлардан кейин ҳафсаламиз пир бўла бошлади. Айримлар орқага қайтишни, бошқалар бу ердан кўчиб юқорироқ кўтарилишни таклиф қилишди. Охири, эртаси куни ашқол-дашқолларни елкага ортишга келишдик. Орқага қайтадиган бўлгандик. Менинг эса шундай афсонавор жойларни ташлаб кетишга сира-сира кўзим қиймасди.

Тушликни қилиб бўлгач, беқиёс манзараларга сўнги бор нигоҳ ташлаш учун ёлғиз ирмоқ боши томонга чиқиб кетдим. Булоқ бўйига ўтирволиб мусаффо сувнинг милтиллаб қайнашини кузатарканман, орқамда алланима шитирлагандай бўлди. Чўчиб ўтирилдим. Ўтирилдим у тахтадай қотиб қолдим. Даҳшат!.. Сершоҳ арча тагида бутун жаҳон излаётган ёввойи одам турар эди!!! Ҳаммаёғи жун, тирноқлари ўсган, баланд бўйли, баҳайбат махлуқ! Биз бир-биримизга қўрқинч ва ҳайрат билан тикилиб қолдик. Орадан анча вақт ўтгач, қарахтлимим сал тарқаб, ўрнимдан турдим. Мен тирақайлаб қочини мўлжаллардим. Миям даҳшатли тезликда ишлай бошлади. Қочиш?! Ие, нега энди қочарканман? Ахир, мен мана шу ёввойи одамга қўшилиб жаҳон сенсациясининг қахрамонига айланаман-ку! Йўқ, ўлсам ўламанки, бундай бахтдан воз кечмайман! Ёввойи бўлса ҳам одам-ку у. Яхши гапга тушунар балки! Мен қўлимни хиёл кўтардим ва ёввойи одамга дедим:

— Салом, ёввойи одам!  
— Са... са... са... — дея узуқ-юлуқ овоз чиқарди у титраб.  
— Мен сизга сира ёмонлик истамайман.  
— Ис... ис...  
— Келинг, танишамиз.  
— Не... не... не...  
— Бизда сизнинг қадрингиз жуда зўр!  
— Би... би...  
— Мен ростини айтаяпман, ўлай агар! Агар мен билан борсангиз, сизни бошларига кўтариради.

Мен ёввойи одам томон икки қадам ташладим, у эса ортига тисланди. Унга яна-да яқинлашувдим, секин қоча бошлади. Мен қувишга тушдим.

— Бари бир тутмасдан қўймайман! — бақирдим жон-жаҳдим билан.

Ёввойи одамнинг бутун вужуди оёққа айланди. У бўйини елкасига тортиб олган, сал букчайганча катта харсанг тошлардан айиқдай сакраб ўтар, ҳар замонда қоп-қора жун босган юзини ўгириб, тишларини қайраб қўярди. Қарасам, унга етолмайман. Тағин аврашга тушдим:

— Ҳой, ёввойи одам, жон ёввойи одам! Тўхтанг!

— Нег... нег...  
— Дўстим, ёввойи одамжон! Мен сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман.

— Ҳи... ҳи... ҳи...  
— Бирга суратга тушсак бўлди... Вой, ўпкам ёрилиб кетади...  
— Мен... ме...

— Хўп денг-а! Тўхтанг! Сизни кўрсаму ушлаб ололмасам, бир умр афсус-надоматда ўлиб кетаман! Вой-вой!

Оёғим ўтга илашиб йиқилиб тушдим ва аламдан хўнграб юбораёздим. Эҳ, ҳаммаси тамом! Лекин бир пайт мундай қарасам, ёввойи одам тўсатдан тўхтади. Кейин эса, во ажаб, мен томон кела бошлади. У биқиниб-биқиниб менга яқинлашди-да, оғир ҳарсиллаганча ерга чўкди. Бироқ хавф туғилган заҳоти қочишга шайлиги кўриниб турарди. Мен ҳам туриб ўтирдим ва:

— Ахир, сизни бутун жаҳон қидиряпти, биз ҳам экспедиция бўлиб келганмиз... — дедим.

— А-а?!

У ўқ еган йўлбарсдай сапчиб ўрнимдан турди ва жонҳолатда қочишга тушди.

— Ҳай-ҳай!! — Шошиб қолдим мен ва титраб-қакшаб бақирдим: — Ҳой, нимага қочяпсиз?! Нимадан қочяпсиз?!

— Алимандан! — дея жавоб берди у ва ўзини буталар орасига урди.

## Битта китоб ўқидим

Бир болалар шоирин  
 Чиқди янги китоби.  
 Олтмишдан ортиқ эди,  
 Унда шеърнинг ҳисоби.

Чуковский, Виеру  
 Ояр Вацietисдан,  
 Қаршимбоқ Тошбоеву  
 Леонис Бриедисдан.

Маршакдан таржимаси,  
 Эмасди ўнтадан кам.  
 Ушанча ўгирганди  
 Агния Бартодан ҳам.

Ағдарган билмаса-да,  
 Тунгусчани у чўртта.  
 Ўзининг шеъри эса  
 Бор-йўғи эди тўртта.

## Маликамнинг амри

(Ҳажвия)

«Аёллар рашки ёмон»,  
 Дейишсалар илгари.  
 Ишонмасдим. Уйлардим,  
 Ёлғон бу гаплар бари.

Кўзини сузгандирки,  
 Қилгансиз «мақта-мақта».  
 Бундан кейин ёзмайсиз,  
 Билинг, аёллар ҳақда.

Журналистман. Иш жойим  
 Катта редакцияда.  
 Ҳар кун турли фикрлар  
 Ғужғон ўйнар мияда.

Агарда кўриб қолсам  
 Яна шундай мақола,  
 Унутмангки, кўчада  
 Қолади бешта бола.

Гоҳ аёллар, гоҳ қизлар  
 Ҳақда ёзаман лавҳа.  
 Касбларига мослаб,  
 Топиб гўзал сарлавҳа.

Шундан бери ёзганим  
 Нуқул йигит, қари чол.  
 Уларни мақтамай ҳам,  
 Ёзиш мумкин бемалол.

Не бўлдию бир куни,  
 Ёздим бир тикувчини:  
 Чиройли эди қурғур,  
 Айтсам гапнинг ростини.

Лавҳаларим бор-йўғи  
 Эллик йўлдан ошмайди.  
 Аввалги илҳом қайда,  
 Гап ҳам қайнаб тошмайди.

Сурати ҳам бор эди,  
 Очеркнинг энг четида.  
 Босилганди газетнинг  
 Нақ иккинчи бетида.

Баъзида бериламан  
 Чеки йўқ хаёлларга.  
 Ҳа, мақтов ярашаркан  
 Аслида аёлларга.

Уни кўриб маликам  
 Сўраб қолди: — Ким бу қиз?  
 Бордирки, бир балоси  
 Шунча мақтаб ёзибсиз.

Атрофда зўр қизлар кўп,  
 Гўё гул очган чаман.  
 Лек, маликам амри шу:  
 Эркакларни ёзаман.



## «Сурхон» мукофоти лауреатлари

### ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози меҳнаткашларининг ташаббуси билан «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган энг яхши асарлар учун «Сурхон» номли мукофот ташкил этилганидан хабарингиз бор.

1985 йили журнал саҳифаларида ёритилган қуйидаги асарлар ана шу мукофотга сазовор бўлди:

**Асқад МУХТОР.** Чорраҳа. Роман. (№ 3—4)

**Эркин ВОҲИДОВ.** Истамбул фожиаси. Шеърый драма. (№ 11)

**Нажмиддин КОМИЛОВ.** Навоий навосидан баҳра олиб. (№ 10)

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

[Звезда Востока]  
№ 1

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1986

---

Рассом **Х. Лутфуллаев.** Техник редактор **М. Аҳмедов** Корректор **М. Еқубова**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 10.11.85 й. Босишга рухсат этилди 19.12.85 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-06207. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55  
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 165134 Заказ № 2099.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

---

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

# МУНДАРИЖА

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ёзувчилар IX съездида табриги . . . . .	3
Халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилайлик . . . . .	5
Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг IX съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев нутқи . . . . .	6
Ўлмас Умарбеков. Адабиёт ва ҳаёт . . . . .	12
Ўзбекистон Ёзувчилари IX съезди материаллари . . . . .	22

## ТИНЧЛИК ВА БУНЕДҚОРЛИК ПРОГРАММАСИ

Уйғун. Олтин китоб . . . . .	30
Асқад Мухтор. Бош йўналишлар . . . . .	32

## ШЕЪРИЯТ

Гулчеҳра Нуруллаева. Бу ҳаёт бахтини бирликда дерман . . . . .	34
Бир дарахт новдалари . . . . .	162

## ҲИКОЯЛАР

Эркин Аъзамов. Пиёда . . . . .	41
Оқилжон Ҳусанов. Ҳамкасблар . . . . .	50
Николай Красильников. Омон бўл, Дўмбоқ! . . . . .	56
Абдурахмон Усмонов. Ҳасад . . . . .	63

## ДРАМАТУРГИЯ

Саид Аҳмад. Куёв . . . . .	67
----------------------------	----

## ЖАҲОН ТАРАҚҚИЙПАРВАР АДАБИЁТИ

Габриэль Гарсиа Маркес. Юз йил танҳоликда. Роман. . . . .	105
---	-----

## БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Пўлат Мўмин. Икки эртак . . . . .	150
Анвар Обиджон. Уғирланган паҳлавон . . . . .	96

## ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИДАН

Азиз Несин. Сажда, Ноёб микроб . . . . .	155
--	-----

## ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Жўра Саъдуллаев. Пахта ўзи юмшоққина . . . . .	165
--	-----

## ПУБЛИЦИСТИКА

Эркин Самандар. Гиёҳ ҳам меҳр истайди . . . . .	102
---	-----

## МАФКУРАВИЙ КУРАШ

Эркин Юсупов. Ҳақиқат зиёси ва ёлғон-яшиқлар . . . . .	173
Азима Ҳамроева. Адабиёт ва ғоявий кураш . . . . .	180

## «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» анкетаси

Дилдаги гаплар. Рамз Бобожон, Нурали Қобул . . . . .	185
--	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Съезд олди ўйлари Умарали Норматов. Методимизнинг ҳаётийлиги . . . . .	190
---	-----

## БАҲС

Тожиҳон Қодирова. Сўз тагида сўз бор . . . . .	198
--	-----

## ТАҚРИЗЛАР

Охунжон Сафаров. Уммондан қатра . . . . .	201
Абдуғафур Маматов. Изланиш довлари . . . . .	202

## ГУЛҚАЙЧИ

Ориф Фармонов. Ёввойи одам . . . . .	205
Ўткир Саидов. Битта китоб ўқидим . . . . .	206